



# Собир Абдулла

ТҮРТ ТОМЛИК

АСАРЛАР

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САЊАТ НАШРИЁТИ  
ТОШКЕНТ — 1978

# Собир Абдулла

УЧИНЧИ ТОМ

МАВЛОНО  
МУЎИМИЙ

БАДИИЙ ЛАВҲАЛАР

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЁТИ  
ТОШКЕНТ — 1978

Абдулла, Собир.  
Асарлар. 4 томлик. Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978.  
Т. 3. Мавлоно Муқимий. Бадий лавҳалар. 1978. 440 б.

Улуғ демократ шоир Муҳаммад Аминхўжа Муқимийнинг машаққатли ҳаёт йўлини акс эттирган бу китоб Собир Абдулланинг биринчи йирик наърий асаридир. Китоб муаллифи Муқимий ва унинг замондошлари ҳақида шу вақтгача адабиётшуносларга маълум бўлмаган бир талай факту маълумотларни тўплай олган ва улардан ўринли фойдаланган, фазилат аҳли-санъаткорлар, шоирлар билан Ҳожи Муҳйи, бошлиқ реакцион гурӯҳ ўртасидаги гоявий курашларни бадий воситалар билан тасвирлаган.

Абдулла, Собир. Сочинения. В 4-х т. Т. 3. Мавляна Муқими.  
Литературные зарисовки.

Уз2

А.  $\frac{70303-7}{352(06)-78}$  129-78



## *Биринчи боб*

### **ЗУЛМАТ ИЧРА ШУЪЛАЛАР**

Кеч куз изғирини шаҳар кўчаларида елиб юради, юпун кийинган кишиларни дилдиратиб, лабларини гезартиради. Шундай пайтда бир чол, қўлтиғида бир боғ тараша, тўн барини бошига ёпиб, жағи кўчган бедана кавушини судраб сарпойчан ўз кулбаси томон шошиб бормоқда эди, йўлда дуч келган таниш ҳазилкаш йигит унга гап ташлади:

— Тараша деб шом намозини қазо қилганга ўхшайдилар, Мўмин ота!

Мўмин хуноб деб ном чиқарган бу кўкнори чол ҳазилкаш йигитга бир хўмрўйиб, дўнғиллаганича йўлида давом этди:

— Намоз қазосига илож топилади-ю, совуққа илож топиш оғир! Ожиз бандасини худо кечирсин... Тоат-ибодатни уйида ўтини, кўмири мўл, қозони ёғлиқларга чиқарган! Бир боғ тараша билан овқат пишираманми, таҳоратга сув иситаманми?.. Совуқ сувда таҳорат қилиб, намоз ўқиғандан охиратда дўзах ўтида исинган афзал!.. Шунча мачит, мадраса солиб, Худоёрхон нима савоб топди-ю, мен нима савоб топар эдим!..

Мўмин хунобнинг жағини очиб қўйиб, ҳазилкаш бошқа кўчага уриб кетди. Мўмин хунобнинг орқасида келатган уст-боши башанг нотаниш киши уларнинг гапига индамай қулоқ солиб борар эди. У Мўмин хунобдан ўзиб, олдинга ўтиб олди-да, Мўмин хунобга нафрат билан қараб олиб, уч-тўрт оғиз сасиди:

— Сиздақанги диёнатсиз, бетавфиқларнинг касофатига юрт оқ пошшога қарам бўлиб қолди!.. Шариат оёқ ости бўлди!..

Бундай совуқ сўзларни жуда кўп эшитиб, даққи бўлиб қолгани учунми, Мўмин хуноб пинагини бузмай, алланималарни деб Қалвак гузарига йўл олди, нотаниш киши Ҳазрат мадрасаси томон бурилиб тўхтади, Мўмин хуноб ҳамон ўз-ўзича жавраб бормоқда эди:

— Худоёр замонида қора чироққа аранг кучим етар эди, подшо бошқа бўлиб, ҳали ҳам ўша Мўмин хунобман. Оқпошшоси ер ёғи билан ёнадиган шиша чироқлар келтириб дўконларга осиб қўйган билан, олишга кучим етмаса нима қилай?.. Кучим етганда шу ёруғ чироғидан биттасини гўримга ҳам бирга олиб кетар эдимку-я...

Нотаниш меҳмон мадраса жиловхонасидан ўнгга бурилиб, дарпарда орқасида ёнаётган чироққа разм ташлади-да, ҳужра эшигини қоқди, бир оздан кейин елкасига рўмол ташлаган, қадди ерга мойил, сочи оқ, кўсанамо, юзи чўзиқроқ, қорамағиз чол эшик очди ва ичкарига таклиф қилди:

— Марҳамат! Марҳамат!

Нотаниш меҳмонни даҳлизда қолдириб, кўсанамо чол ҳужра ичига киришга шошилди, нотаниш меҳмон бамайлихотир устки тўн ва салласини қозиққа илар экан, ҳужрада кимлар борлигини пайқаб олиш ниятида қозиқларга назар ташлади: бир қозиқда почапўстин ва унинг тепасида кашмирий салла турар, яна бир қозиқда оддий пахтали олача тўн билан дока салла. Демак, почапўстин билан кашмирий салла соҳиби, албатта Миён Сотиболдихон бўлиб, иккинчиси шу мадраса муллаваччаларидан бирортаси бўлиши мумкин...

Ичкарига таклиф қилинган бу ўрта бўй, сариқ соқол, қирра бурун, юзи чўзиқ нотаниш меҳмон ҳужра ўртасида қўл қовуштириб турган шерқомат, кўзлари ўткир, яғрини кенг, қорачадан келган Миён Сотиболдихон билан ва жуссаси андак чоғроқ, оқ юз, бўтакўз, эғнида жиякли кўйлак, мўйлови сабз урган муллавачча йигит билан сўрашди ва ҳужра тўрига таклиф қилинди. Меҳмон ўтириб, юзига фотиҳа тортгач, пойгаҳда чўкка тушган Миён Сотиболдихон ўрнидан ярим кўзғалиб, икки қўлини кўксига қўйди:

— Хуш кўрдик!

— Хушвақт бўлғайлар!

Елкасига рўмол ташлаган чол чойжўшга сув тўлдириб, ўчоққа ўт қалашга шошилди, муллавачча эса хош-

тахта устидаги қоғозларни тўрдаги болиш устига олиб қўйиб, дастурхон ёзишга киришди. Ёнидаги болиш устида турган қоғозларга кўз қирини ташлаган нотаниш меҳмон, Миён Сотиболдихонга маъноли қаради:

— Хаттотликка ҳам уринганга ўхшаб қолдилар, жаноб Миён?

— Шундай, тақсир... Хаттотликка каминада ҳам унчамунча қизиқиш йўқ эмас. Лекин жаноблари зеҳн ташлаган қоғозлардаги ҳуснихат бу дўстим Муҳаммад Аминхўжанинг машқларидир. Биз ҳар кеча бу ерда хаттотликдан бошқа, илми фароиз<sup>1</sup>, илми нужум<sup>2</sup>, адабиёт билан, ундан ортган фурсатларни сатранж<sup>3</sup> ўйнаш билан ўтказамиз. Ҳозир ҳам шу билан машғул эдик.

Нотаниш меҳмоннинг ранги оқаринқираб, дами ичига тушиб кетди-ю, сўнг яна ўзини ўнглаб, мунофиқона жилмайди:

— Ҳай-ҳай! Жуда ҳам соз! Аммо буни вақтлироқ бошлаб юборибсизлар... Дунёвий фанлар шунчаки ўрганиб қўйиш учун, бир оз ёшларингиз улғайгандан кейин ўрганилса ҳам бўла берар эди. Буни деб, илми ҳол судралиб қолармикин... Яна, жаноб Миён, ўзлари биладилар...

Миён Сотиболдихон тупугини ютиб, ярим таъзим қилган ҳолда меҳмоннинг маслаҳатларига хайрихоҳлик билан қулоқ солаётгандек бўлди.

— Шундай, тақсир. Илтифотлари учун раҳмат.

Батамкин, ҳушёр Миён Сотиболдихон ер остидан Муҳаммад Аминхўжага кўз қирини ташлади. Муҳаммад Аминхўжа ҳам бу қарашдан «шундай деб, қутула қолдим...» деган маънони ўқиди, елкасига рўмол ташлаган чол эса патнисда нон, ликопчаларда ширинлик ва бир чойнак чой келтирди. Лекин ҳануз бу нотаниш меҳмоннинг кимлиги ва нима учун бемаҳалда ҳужра эшигини қоқиб кирганлиги ҳужра эгаларига қоронғи эди. Меҳмон чой ҳўплаб туриб яна эзмалигини бошлади:

— Жанобларида ҳам газал ёзмоққа майл бўлса керак, жаноб Миён?..

Миён Сотиболдихон малол келгандек, жавоб қилди:

— Каминадан мустасно, бу иккалалари ҳам шоирдирлар. Шунинг учун мени ҳам ўзларидек шеър мухлиси деб ҳисоблайдилар...

<sup>1</sup> Фароиз — математика.

<sup>2</sup> Илми нужум — астрономия.

<sup>3</sup> Сатранж — шахмат.

Нотаниш меҳмон чол бидан муллаваччага совуққина қараб қўйиб, улардан кўзини олди ва Миёнга қаради..

— Яхши... Жуда соз... Булар ғазал ёзишиб туришди денг? Хўқанд аҳлига қадимдан дуо кетган... Умархоннинг отбоқарлари ҳам шоир эди.

Нотаниш меҳмоннинг нима демоқчи бўлганлиги ҳар учалаларига етиб борди. Бу гап, айниқса, чолга оғир ботган бўлса керак, бир нарсани баҳона қилиб, ўрнидан туриб кетди, Муҳаммад Аминхўжа ерга қараганича, аз рўйи одоб, ўзини босиб ўтирар эди. Миён Сотиболдихон бўғилиб, меҳмонга савол ташлади:

— Шунчаки, булҳаваслар демоқчиларми?..

— Шоирлик ўйинчоқ эмас, жаноб Миён...

— Буларда тўғма истейдод бўлса-чи?..

— Балким истейдодлари бордир. Бироқ бу менга қоронғи, ҳатто бу кишиларнинг номларини билиш ҳам каминани қизиқтираётганича йўқ, жаноб Миён. Ҳозир баҳслашиш фурсати эмас, ўзим яқиндагина келдим, ҳозирча ҳурматли Сулаймон Овғонбойнинг меҳмонхоналарида истиқомат қилиб турибман. Сизга жаноб Тўраҳон маҳзум домуллодан бир мактуб келтирган эдим. Эшитишимга қараганда, мадрасанинг инон-ихтиёри жа-лобингизда экан...

Нотаниш меҳмон ёнидан қоғоз чиқариб, Миён Сотиболдихонга узатди, Сотиболдихон мактубни назаридан кечириб, ихтиёрсиз буклади:

— Афв этадилар. Мадрасамизда ҳамма ҳужралар банд, бу ҳақда жанобларига узрлиман. Иккиламчи, мадрасанинг мутавааллилик ўрнини жанобларига ваъда қилишдан олдин ҳурматли акаларимиз ва қайнатам, бу мадрасанинг бош мударриси бўлмиш Зуфар маҳзум домладан ижозат олишлари керак эди. Ҳозирча мадрасанинг соҳиблиги каминанинг ихтиёрида. Улар, эҳтимол, хўп дерлар, эҳтимол, хўп демаслар... Бу борада ҳам камини узрлиман.

— Борди-ю, хўп демасалар-чи?

— У вақтда нима ҳам дер эдик...

Нотаниш меҳмоннинг иззат-нафсига тегувчи бу очиқ ва тўғри жавобдан кейин бошқа сўзга ўрин қолмаган эди, меҳмон дастурхонга фотиҳа ўқиб, ўрнидан кўзгалди, совуққина хайрлашишдан кейин, чол меҳмонни жўловхонагача сўзсиз узатиб, қайтиб кирди:

— Суюнчи беринг, Миён!.. Қор учқунлаяпти!..

Нотаниш меҳмоннинг ноҳақ таънасига учраган икки пок қалб эгасининг кўнглини овлаш ва кулдириш учун Миён Сотиболдихон қор ёққанлигини лутф қилди:

— Мадрасамизга Қўқон қори кириб келди десангизчи, мураббий?..

Муҳаммад Аминхўжа лутфга лутф улади:

— Бу Қўқон қори ҳали-бери мадрасамизни топиб келолмас эди-ю, ҳалиги совуқ уни бошлаб келганга ўхшайди..

\* \* \*

Ҳазрат мадрасаси биқинидаги тор, қоронғи ҳовлида устоз домла Халил деб танилган мактабдор туради. Бу киши ёлғиз мактабдор бўлганлиги учун эмас, мактабдорликдан ташқари, зўр билимдон, донишманд, узоқ-яқинни кўра олган, риёзат чекиб, илм орттирган фозил ва олим киши бўлганлиги учун уни устоз деб ҳурмат қилар эдилар.

Мақтаби ибтидоий бўлса ҳам. Халил домла ўз шоғирдларидан истеъдодли ёшларни саралаб олиб, уларга дунёвий илмлардан таълим беришни ўзига мақсад қилиб олган эди. Кундуз кунлари бу мактабда ёшлар хўжа кўрсинга ҳафтияк, қуръон ва Хўжа Ҳофиздан таълим олар, кечқурун танланган ёшлар тўпланишиб, хаттотлик, фарониз ва бошқа фанларни ўрганар эдилар.

Лекин, бу ўқишга кўп оталар қизиқмас, баъзилар домла Халилнинг фан таълимига нафрат билан қарар эдилар. Миён Сотиболдихон билан Муҳаммад Аминхўжа устоз домла Халилнинг энг яхши, истеъдодли шоғирдларидан бўлиб, булар мана шу мактабда дўстлашишган эдилар.

Қимсан, имом Раббоний Соҳибзода ҳазратнинг фарзанди билан оддий, қашшоқ бир новвойнинг фарзанди ўртасида самимий дўстлик ва муҳаббатнинг туғилишига сабаб, аввало, донишманд устоз ва илмнинг хосияти бўлса, иккинчидан, икки ёш феъл-авторининг бир хиллиги, зеҳну фаросатда, одобу ахлоқда тенглиги эди.

Миён Сотиболдихон имом Раббоний Соҳибзоданинг ўн тўққиз ўғли орасида ёшликданоқ ярқираб кўришиб қолган, дарбадар ҳинд шоири Нохўш тарбиясида ўсиб, ҳақиқий ҳаёт йўлини танлаган, фақирларнинг бошини силашни ўзининг муқаддас иши деб ҳис эта бошлаган эди.

Сотиболдихоннинг яна бир инсоний фазилати шунда эдики, у ўзининг «олий зот»лиги, катта давлат эгаси эканлиги ҳақида дўстлари олдида чурқ этмасди. У ғариб Нохўшнинг бошини силаб, уни ўз мураббийси деб билар, аёлманд, қашшоқ новвойнинг ўғли Муҳаммад Аминхўжага моддий ёрдам учун қўл чўзгиси, ҳол-аҳволдан воқиф бўлгиси келарди.

Бироқ Муҳаммад Аминхўжа зўр иззат-нафс эгаси, меъдаси тўқ, батамкин, бошига тоғ ағдарилган пайтда ҳам чидайдиган, иродаси мустаҳкам йигит эди. Миён Сотиболдихоннинг ипак гилам тўшалган ҳужрасида ҳар доим иккиси мутолаа қилишар, мунозара бошлашар ва устоз шоирларнинг юксак асарларига «осилиб», билганларича муҳокама юргизишар, гоҳ бир қапас сатранж ўйнаб, гоҳ кўнгил очиш учун ҳазил-мутойибага ўтишар эди.

Буларнинг узилмас самимий суҳбатлари, нозик сўз ўйинлари ва аскияларини шоир Нохўш пойгаҳда ўтириб, мароқ билан тинглар ва гоҳ-гоҳ аралашиб ҳам кўярди.

Бир куни шундай суҳбат вақтида бозорга чиқиб келиш масаласи кўзғалиб, танга билан чақа ҳақида сўз кетди, Миён Сотиболдихон ёнини ковлаб Нохўшга оқ танга узатди ва бир нарса олиб келишни илтимос қилди, Нохўш эса кулиб ёнидан қора чақа чиқариб кўрсатди:

— Оқ тангангизни ёнга солиб кўйинг, Миён! Узимда чақа кўп...

— Ишонмайман! Чақангиз оз, харажатга етмас!

— Жаноб Миён! Фақат кўлимдаги чақани кўриб шундай деяпсиз! Менда бунақадан жуда кўп, ишонмасангиз, ҳозир либосимни ечиб кўрсатаман: бутун вужудим чақадан иборат!..

Кекса Нохўш бу сўзни ҳазил қилиб айтмоқчи эди, лекин ҳазил чинга айланиб кетди, айтди-ю, кўзларига ёш тўлганини ўзи ҳам сезмай қолди. Шунда хушёр Муҳаммад Аминхўжа бу «чақалар» остида ғариб Нохўшнинг хазон бўлган ёшлигини, ҳақсиз чеккан азобларини, зиндон уқубатларини кўз олдига келтирди. Ҳужрада иккалалари қолган узун кечаларда Нохўш Муҳаммад Аминхўжага бирма-бир айтиб берган аччиқ саргузаштлар ҳозир унинг кўз олдида қайта гавдаланган эди.

Нохўш эса кўзидаги ёшини яшириш учун зўрма-зўраки жилмайди, гўё айтилган сўзини енгил ҳазилга йўйган бўлди, сўнг тез бурилиб, кичкина гилам хуржунни олди-ю, бозорга жўнаб кетди. Мураббийсига ачинган Миён, индамай, ўз ўрнига ўтиб, токчадан қўлига кирган китобни олди, уни лоқайд варақлар экан, аста хўрсиниб қўйди, бир нуқтага тикилган Муҳаммад Аминхўжанинг хаёли Калькуттада эди.

Ёзнинг жазирама иссиқ кунларидан бири, Калькутта шаҳрининг чанги ўйнаб ётган узун бир кўчасидан икки қуролли одам бир занжирбанд, бадани қонга беланган ёш йигитни ҳайдаб олиб бормоқдалар, бир неча яланғоч болалар тупроқ чангитиб, эргашиб келмоқда, кўча четидан ўтиб бораётган кишилар тўхтаб, бу занжирбанд ёш йигитга ачиниб қарайдилар, баъзилар унинг гуноҳи нима эканлигини билишга қизиққандек, ҳар томонга жаланглаб қараб турганларнинг оғзига қулоқ соладилар.

Ҳар кимнинг оғзида ҳар хил гап: бири уни одам ўлдирган деб, ўзича ҳукм қилса, иккинчиси ўғри деб, ўз сўзини ўтказмоқчи бўларди. Шу пайт ўрта ёшли бир ҳаммол елкасидаги оғир юкини катта тош устига тушириб, пешонасидаги терларини сидиради, ҳамон одамлар ҳар турли тахминларни айтиб, ўзаро можаро қиладилар. Ҳаммолга бу можаролар малол келгандек бош силкитади-да, аста изоҳ бера бошлайди:

— Қўйсаларингиз-чи! Бу йигит ўғри-каззоб эмас, бе-гуноҳ шоир! У шеърда «ҳато кетиб» зиндонга ҳукм қилинди!..

Шундан кейин тўпланганлардан бир туркуми унга ачиниб, бир туркуми эса ҳукми маъқуллаб, хотиржам ўз йўлларида қолмай кетаверадилар. Ҳаммол тўғри айтган, ҳақиқатан ёш шоир зиндонга ҳукм қилинган эди.

Ўрта ҳол саҳҳофнинг<sup>1</sup> ўғли бўлган бу йигит — Нохўш ўзининг жўшқин, исёнкор шеърлари билан Калькуттада ном қозона бошлайди. Унинг шеърлари оддий заҳматкаш халққа мароқ ва руҳий ғизо бахш этса ҳам, юқори доиралар унинг шеърдан нафратланар эдилар. У таъқиб остига олинди. Аммо исёнкор Нохўш ўз йўлида дадил давом этиб, мустамлакачиларнинг аёвсиз қонунлари-

<sup>1</sup> Саҳҳоф — китобфуруш.

ни фoш қила бошлади. Шундан кейин уни қамoққа олдилар ва зиндонга ҳукм қилдилар; калтакладилар ва таҳқир этдилар.

Орадан яна йиллар ўтди, бу ўтган узун йилларнинг ҳар соати Нохўш учун бир йил каби эди, у ойни, қуёшни кўришга интизор бўлди, ой ва қуёш ҳақида қўшиқлар ижод қилиб, овозининг борича куйлади:

«Қуёш, сен агар қуёшлигингни қилсанг, фақат йироқда, жуда йироқда туриб, ҳаммага баб-баравар жилмая бермай, оламда нималар бўлаётганини кўр, кимлар кулиб, кимлар йиғлаётганини, кимлар ёруғда, кимлар зиндонда, кимлар ҳақ, кимлар ноҳақ эканлигини сез!..»

Эй, ой! Менга айт! Бундан бир неча йил олдин тунда шеър ёзиб ўтириб, сенинг сарғайган юзингга кўзим тушган эди, аммо ўшанда сенинг юзинг сарғайганлиги сабабларини суриштиришнинг менга ҳожати йўқ эди. Чунки, озод эдим. Энди зиндондан туриб, сенга савол бераман, менга айт! Сен осмонда, ҳаммадан баландроқдасан, мен ҳаммадан пастда, ер остидаман, сени ҳам, қуёшни ҳам кўришдан маҳрум этилганман, шунинг учун менинг юзим сариқ, баданим чақа, кўзим тўла ёш! Аммо сенинг юзинг сарғайишига сабаб нимадир?.. Еки сен ҳам ҳақиқатни истаган шоирмидинг?..»

Орадан яна йиллар ўтди, уни зиндондан чиқариб, севган ватани Қалькуттадан узоқларга бадарга қилишди...

Қўқонга келиб тараққийпарвар устозларни ўз исён-корона шеърлари ва саргузаштлари билан ҳайрон қолдирган Нохўш ўзига устоз Халил ва унинг шогирдлари даврасидан паноҳ топиб, билганини ўргатди, билмаганини ўрганди, ўла-ўлгунча шу кишилар билан бирга яшади.

Шу пайт ҳужра эшиги очилиб, даҳлизда икки кишининг гурунглашаётгани эшитилди. Муҳаммад Аминхўжа сакраб туриб даҳлизга чиқди-да, тез қайтиб кириб, Миён Сотиболдихонга суюнчи хабар келтирди:

— Домла сатранжларини қўлтиқлаб, Йўлдошалини эргаштириб келдилар...

Миён Сотиболдихон ўрнидан туриб улгургани йўқ эдики, бошига пахтали кулоҳ кийган мўйсафид домла Халил билан унинг севимли шогирдларидан Йўлдошали кириб келдилар, Миён пойгаҳга тушиб, ҳурмат билан



қўлларида ҳассани, Муҳаммад Аминхўжа сатранж кутючасини олиб, тўрға таклиф қилдилар.

— Нечук? Устоз, ҳафсала қилиб қоптилар? Сатранж ўзимизда ҳам борлигини билар эдилар-ку?

— Уйда мулла Йўлдошали билан суриша-суриша зерикдик, кейин чиққимиз келиб қолди. Хоҳласак яна иккита-иккита бўлиб суришамиз. Менинг оғайним Нохўш кўринмайдилар?..

Миёндан олдин Муҳаммад Аминхўжа жавоб қилди:

— Ҳозир келиб қоладилар, бир нарса олиб келиш лозим бўлиб қолган экан. Мулла Йўлдошали, тузукроқ ўтириб олинг...

Йўлдошали ёш жиҳатидан Муҳаммад Аминхўжадан андак фарқ қилса ҳам, ўқишда, зехнда Муҳаммад Аминхўжадан қолишмасди. Шунингдек, унча-мунча шеър ёзишга ҳам ҳавасманд, дадил, тиришқоқ йигит эди. У, тожик тилини аллақачон ўрганиб олган, ҳар қандай форсча ёзилган шеърларни шариллатиб ўқирди. Айтишларига қараганда, бир хитой табибига шогирд тушиб, кечқурунлари унинг уйига бориб турар экан, табибдан дори тайёрлашни ўрганиш билан хитой тилини ҳам билиб олишга ҳаракат қилаётган экан.

Домла Халил билан Миён Сотиболдихон сатранж ўйнаш, Муҳаммад Аминхўжа чой қайнатиш билан машғул бўлдилар. Йўлдошали устоз билан шогирднинг ўйинларини ништиёқ билан кузатмоқда эди, домла Халил рўпарасида ўтирган Йўлдошалига қараб олиб, кейин Муҳаммад Аминхўжага юзланди:

— Муҳаммад Аминхўжа!

Учоқбошидаги Муҳаммад Аминхўжа тез бури-либ:

— Лаббай устоз!— деди.

— Дўстингиз мулла Йўлдошали бугун қаерга борганлиги, нималарни кўрганлиги, нималар ёзганлигини сизга айтмагандир?..

— Йўқ, устоз! Айтганлари йўқ!..

Йўлдошали қизаришқираб ерга қаради, Миён Сотиболдихон гап қистирди:

— Айтмаган бўлсалар, мана энди эшитамиз. Нима дедингиз, мулла Йўлдош?..

Йўлдошали хомуш эди. Домла Халил Миённинг таклифини қувватлади ва Йўлдошалининг қаерга борганлиги, нималар кўрганлигининг учини чиқариб қўйиб,

кўрган нарсаси тўғрисида бир фард шеър ҳам ёзганини айтиб берди ва бу шеърни ўқиб, Муҳаммад Аминхўжа уни давом эттирсин деган фикрни ўртага ташлади.

Миён Сотиболдихон ҳам, Муҳаммад Аминхўжа ҳам Йўлдошалидан ўша шеърни ўқиб беришни илтимос қилдилар. Бундай нарсаларга, айниқса Муҳаммад Аминхўжа жуда ўч эди. Ёнини ковлаб қоғоз олган Йўлдошали кеча жума кuni томоша қилиш учун Янги шаҳарга чиққани, Розенбах кўчасида қурилаётган мусофирхона қаршисида тайёр кийимлар дўкони очилгани, бу дўкони нинг деразасига ажойиб, ҳарир либос кийган, сочлари сариқ, патила-патила, кўзлари фируза ранг, киприклари узун-узун бир нозанинни қўйиб қўйилганлиги, ўтган ёшу қари унга тикилишиб, биров уни сурат деса, биров сурат ҳам шунақа бўлар эканми, бу тирик қиз деб енганларини оғиз тўлдириб гапира бошлади, сўнг домлага маъноли қараб кулиб қўйди-да, сўз охирида: «Устоз ҳам қизиқиб қолиб, келар жумага унинг томошаси учун бирга чиқмоқчилар», деди.

Буни эшитиб, Миён ҳам, Муҳаммад Аминхўжа ҳам завқ билан қаҳқаҳлаб кулиб юбордилар:

— Ҳафсалалари дуруст, домла! Келар жума бизни ҳам юр деб қўядилар-да!

Домла Халил Миёнга ўгирилиб астойдил гапира кетди:

— Мен-ку, кекса одам. Аммо сиз ёшларга ҳайронман, Миён! Нега чиқиб томоша қилмайсиз, кўрмайсиз, хурсанд бўлмайсиз! Руслар шаҳримизда ажойиботлар барпо қиляптилар-ку!.. Йўлдошалига илҳом берган ўша жонсиз паричеҳра ҳам мўъжиза!..

Шаҳарнинг ғарбига «Янги шаҳар» деб ном берилиб, унда кенг, тўғри кўчалар, кўчаларнинг икки ёнига баланд-баланд бинолар, магазинлар барпо қилинаётган йил эди. Худоёрхон ҳарамини ҳозирча дахлсиз қолдирилган бўлса ҳам орқа томонига даҳшатли авахта, олди томонига эса, қўшимча истехком қурилган, девори устига замбараклар ўрнатилган, кечки пайтларда бу истехком билан сой оралиғидаги майдонда солдатлар саф тортиб, машқ қилиб турар эдилар.

Эски шаҳарда яшовчи маҳаллий халқ учун бу янгиликларни кўриш бир томондан хурсандчилик бағишласа, бир томондан қўрқинчли эди. Домла таъриф этган

мўъжизалар кишиларга завқ бахш этса, даҳшатли авахтахона, девор устидаги замбараклар кишиларга даҳшат солар эди.

Булар ҳақида домла ўз билганларича сўзлаб бергандан кейин, Йўлдошали ёзган бир фард шеърга навбат келди:

Қоматин ойнадин кўрган киши шайдо бўлур,  
Телмуриб аҳли муҳаббат, оҳу вовайло бўлур.

Бу фард Йўлдошалининг туппа-тузук шоирлигидан дарак берувчи биринчи далил эди, уни қайта-қайта ўқилди, сўнг устоз шеърни эҳтирос билан қўлига олиб, Муҳаммад Аминхўжага узатди:

— Давом эттиринг, Муҳаммад Аминхўжа!

Муҳаммад Аминхўжа ўрнидан туриб, устоз қўлидаги фардни ихлос билан олди, улар сатранж ўйинига киришдилар. Оз вақт ўтгач, Муҳаммад Аминхўжа устозга яқин келиб, қоғозни икки қўллаб узатди:

— Афв этадилар... Кўрмасдан, тахмин билан...

Устоз домла Халил қоғозга кўз югуртириб туриб, таҳсин қилди:

— Ҳақиқий шоир учун ҳис кўз ўрнида хизмат қилади. Шоир ўтирган ерида дунёни кезиб чиқиши, истиқболни ҳам ҳасосат кўзи билан кўриши мумкин... Қани, ўзингиз ўқинг.

Муҳаммад Аминхўжа қуллуқ қилиб, устоз кўлидан қоғозни олар экан, қайтиб ўрнига ўтирди:

Ҳуснига не нуқс, гар бўлса, кўзи фируза ранг,  
Чунки, гулшанга тароват сабзадин пайдо бўлур.  
Зулфи заррин нозанинларким, уни дерлар санам,  
Сийман, гул пирохандир, кокили тилло бўлур.  
Юз карашма қилди кўрмасдан Муқимийга, ажаб,  
Кўрса гар, билмамки, қандай нозу истиғно бўлур?..

Устоз домла Халил завқ-шавқ билан қулочини ёзди, Муҳаммад Аминхўжа яқин етиб, устоз қаршисида бош эгиб, чўкка тушди, устоз унинг пешонасидан ўпди. Чунки, кун кеча «Муқимий» тахаллуси устоз томондан маъқулланган бўлиб, ҳозирги шеър остида бу тахаллус олтин узукка солинган гавҳардек ярқираб турар эди.

## ХУДОЁРХОННИНГ ПИРИ КОМИЛИ

Ҳар жума кунни одат бўйича шаҳарнинг шайхулислом, қозий куззот, уламо ва таниғлиқ имомлари саф-саф бўлиб, Амиралмуслимин Худоёрхонга салом бериш учун саройга келишар эдилар. Бугун ҳам намоз жумадан кейин одат бўйича кириб келиб, хон бўсағасида ер ўпдилар ва Худоёрхонга узун умр тиладилар, салтанатининг кўп йиллар барқарор бўлиши учун узундан-узоқ дуо ўқидилар.

Уларга дастурхон ёзилиб, нозу неъматлар келтирилди, зиёфат давомида Худоёрхон муншийга<sup>1</sup> ишора қилди; мунший найча қилиб ўралган қоғоз чиқариб, таъзим билан хонга тутди, хон мағрурона бир жилмайиш билан шайхулисломга узатди, шайхулислом юкуниб, қоғозни хон қўлидан олиб, унга кўз югуртирар экан, қолганлар ташвишга тушдилар. Шайхулислом хат билан танишгач, қоғозни ўпиб, хонга таъзим қилди ва қолганларга юзланди. Бу мактуб Калькуттадан, имом Раббоний Соҳибзода олий ҳазратларидан келган эди.

Мактуб тубадаги мазмунда ёзилган:

«Мовароуннаҳрнинг улуғ амири, ислом дунёсининг ўткир шамшири, яъни Туркистон вилоятининг улуғ султони жаноб Худоёрхон ҳазрат олийларига яхши соатда етиб маълум ва равшан бўлғайким, каминани ғойибона пирни комил деб атаганингизни эшитдик. Бу ҳурматингиз менинг бошимни кўкка етказди ва таклифингизга мувофиқ, пойтахтингиз бўлмиш Хўқанди фирдавсимонанд шаҳарда хизмати олийингизда бел боғлаб, улуғ салтанатингиз соясида дуоғўйингиз бўлишга тайёр эканлигимни арз қиламан.

Бироқ, бу муқаддас сафарга отланишдан олдин жаноб олийларига айтиб ўтиш лозим ва лобуд бўлган тубадаги шарт-шароитлар бу мактубни ёзишни тақозо қилди. Масалан, салкам қирқ жондан иборат аҳли аёл, хешу табор, эркак, аёл ва ходим билан етиб бориш учун сафар зоди роҳиласи<sup>2</sup>, иккиламчи, етиб боргандан кейин қўниш ва истиқомат қилиш учун ички, ташқи ҳарам,

<sup>1</sup> Мунший — сарой котиби.

<sup>2</sup> Зоди роҳила — йўл харажатлари.

боғ, хос мадраса билан дахма, бир туяҳона ва яхши ҳаёт кечирши учун ер-сув ва ҳоказо.

Учламчи шарт шулки, сиз томоннигиздан қатлга ҳукм қилиниб, дор остига ёки жаллод қўлига топширилган гуноҳкор қочиб келиб, менинг остонамни босишга эришар экан, у гуноҳкор гуноҳдан озод бўлмоғи керак.

Ишонч билдира оламанки, бу шарт-шароитлар малол келмас. Бир-икки обрўли кишилар келиб, сизнинг илтифотингизни менга етказсалар ва бу узоқ сафарда йўл бошловчи ҳамроҳимиз бўлсалар.

Илтифотингизга кўз тутиб: имом Раббоний Соҳибзода. Калькутта».

Имом Раббоний Соҳибзода асли мадиналик араблардан, ўзини пайғамбар авлодларидан деб ҳисобловчи бу одам ислом мамлакатларида энг муътабар зотлардан бири эди. Бизга қоронғи бўлган сабаблар билан имом Раббоний Соҳибзода ҳинд мусулмонлари мамлакатига, Калькуттага кўчиб келади ва бу шаҳарда катта обрў, зўр нуфузга эга бўлиб, яхши ҳаёт кечира бошлайди. Кейинчалик ҳинд уламолари билан Соҳибзода ораларида ихтилоф пайдо бўлиб, Соҳибзода учун Калькутта андак торлик қилиб қолади.

Бу хабар Қўқон уламолари қулоғига етади. Шариат пешволари хонга шундай дейдилар: «Агар шу улуг зот Туркистонга келиб туришга кўнса-ю хон у зотни пири комил деб эътиқод қилса, аввало хон давлат салтанати яна ҳам яшнаб, гуриллаб кетади. Иккинчидан, хонга ҳеч бир хорижий давлат путур етказа олмайди, учинчидан, Туркистонда дини ислом яна ҳам равнақ топади».

Хулласи калом, имом Раббоний Соҳибзодани Қўқонга таклиф қилиш ҳақидаги ўз фикрларини руҳонийлар хонга арз қилиб, қаттиқ туриб оладилар, хон лаққа тушиб бу таклифни қабул қилади ва имом Раббоний Соҳибзодани таклиф этиб, Калькуттага мактуб юборади. Руҳонийларнинг қўлларида ўйинчоқ бўлиб қолган Худоёрхон ҳар вақтдагидек бу таклифни ҳам жон деб қабул қилади.

Имом Раббоний Соҳибзода ўз мактубида анча оғир шартлар қўйганлиги, қирқ кишининг узоқ сафар чиқимларидан тортиб, ер-сув, ҳовли-жой, ҳатто туяҳонагача муҳайё қилишни талаб этиши, айниқса, хон ҳукми билан дорга осилиши керак бўлган гуноҳкорни гуноҳдан озод қилиш каби шартлар хоннинг иззат-нафсига андак тек-

кан бўлса ҳам, у бу масалани руҳонийларнинг муҳокамасига ташлаш ва уларни рад қилишдан ожиз бўлиб қолади.

Руҳонийлар, Соҳибзода ҳазратнинг зоди роҳиласи худо йўлида бўладиган ионалар тариқасида халққа юкланиб, хазинадан пул сарф бўлмаслигини таъкидладилар ва Соҳибзодага пешкаш бориш учун шайхулисломга фотиҳа бериб тарқалдилар.

Уша йиллар халқ учун солинадиган солиқларнинг сони кўпайиб, халқ биридан қутулса, иккинчисига тутилар эди, бунинг устига қози амалдорлар орасида порахўрлик жуда авж олган. Шунинг натижасида фуқаронинг тинкаси қуриганди. Булар камлик қилгандек, хоннинг пири комили Соҳибзода ҳазратнинг йўл харажатлари учун халқдан «кўнгилли ёрдам» ундирила бошланди.

Кўп ўтмай, имом Раббоний Соҳибзода йўлга чиққанлиги ҳақида хабар келди, хон фармони билан шаҳарнинг ўрта, обод маҳаллаларидан бўлган Исфара гузаридан то Беквачча маҳалласига қадар бўлган ерлардаги хонадонлар кўчирилиб, пири комил учун ички, ташқи ҳарам, боғ, дахма, мадраса ва туяхона бино қилиш тарддудига тушилди.

Кичкина, тор шаҳар учун жуда кўп мадраса бино қилинган эди. Янги чорсувда «Мадрасаи Мир» деб аталган Норбўтахон мадрасаси, Чалчиқда «Мадрасаи ясовул», «Мадрасаи хиштин», поякиликда «Хонхўжа» мадрасаси, «Мадрасаи Ҳакимтўра», «Мадрасаи Чалпак», «Мадрасаи хомтамаъ», Катта чорсувнинг шарқида «Мадрасаи Мингойим», жанубида «Мадрасаи Ҳокимойим», «Мадрасаи Султон Муродбек», ғарби жанубида «Мадрасаи жоме», тароқчиликда «Моҳларойим» мадрасаси, Гишткўприкда «Мадрасаи Аминжон<sup>1</sup>», кўмир бозорида «Мадрасаи Мадалихон», Галабаққолликда «Мадрасаи Ҳаққула» ва ҳоказолар бор эди.

Булардан ташқари шаҳарда юзлаб қорихона, юзлаб даҳмалар мавжуд эди. Лекин шуниси қизиқ эдики, мадраса дарслари қийин, ғализ араб, форс тилларидаги китобларнинг маъносини айтиб беришдан шогирдларгина эмас, кўпгина устозларнинг ўзлари ҳам ожиз эдилар.

<sup>1</sup> Бу мадраса кейинчалик «Қамол қози мадрасаси» бўлиб кетган.

Аммо мадрасаларда таълим берувчи мударрислар орасида адабиёт ва илми риёзий мухлислари бўлганидек, толиби илм муллаваччалар орасида ҳам адабиёт муҳиблари жуда кўп бўлиб, ўз замонининг энг машҳур шоирлари ҳам мана шу мадрасаларда етишиб чиққан эдилар.

Шаҳарнинг гурури ҳисобланмиш мадрасалар билан бир қаторда пана, хилватларда «такя» деб ном берилган бангихона ва кўкнорихоналар бўлиб, улар кекса, ёш гиёҳвандлар билан лиқ тўла эди, бангиларнинг баъзилари мусибатзада бечоралар, баъзи бирлари мол-дунёсини қиморга бой бериб ёки бир бевафонинг йўлида сарф қилиб, мосуво бўлган ошиқлар эди.

Кўкнорихоналар қоронғи, ифлос, жимжит жойларда бўларди, кўкнори ёки афюн истеъмо қилувчиларнинг кўнгли сукунатни, хаёл денгизда сузишни, гулхан бўйида ўтириб, ширинликлар истеъмо қилишни истаса, бангилар унинг аксича, шинам сувлар бўйи, толлар салқинида, ширин музика садолари остида булбулларнинг сайрашини эшитишни, ажойиб серкиноя, серистиора суҳбат қилишни севардилар. Бангихоналарда нашаванд бўлмаган нозиктаъб музика шинавандалари ҳам жам бўлиб турнарди.

Шаҳар атрофи баланд девор билан ўралган бўлиб, шаҳарга кириш учун ўн икки дарвоза бор эди, шаҳар ташқарисидаги деҳқонларни мустасно қилганда, шаҳарда асосан тўрт табақа кишилари яшарди: майда хунармандлар, боғдорлар, йирик ҳам майда савдо билан шуғулланувчилар. Шаҳар тиқилинч, кўчалар узун ва тор, тепаси ток билан қопланган ҳовли-жойлар ўзига хос ҳуснга эга, аҳоли булоқ суви ичарди. Шунинг учун ҳам ариқлар музламасди, бироқ баҳор билан кузда бўладиган қаттиқ бўронлар ҳафталаб давом этганда юришга имкон бермайди. Лекин халқ бунга кўникиб қолган, шамолни сўкиб-сўкиб қўйиб, тирикчиликларини қила берадилар.

Шаҳар усти тим билан қопланган ниҳоятда катта растага, гулзорларга, жуда кўп карвон саройларга эга эди, ўн икки дарвозадан ҳар куни қанчадан-қанча савдо карвонлари туя, арава ва эшакларга мол ортиб, кириб-чиқиб турардилар, бозорда ҳиндистонлик, эронлик ва Хитой ўлкаларидан келган турли-туман савдогарлар кўп учрарди, улар тибга керакли дориворлар, ипак, жуи

газламалари ва атторлик буюмлари билан савдо қилардилар.

Кейинги йилларда Россиядан ҳам сайёҳлар ва савдогарлар кела бошлади. Рус савдогарлари арзон газлама, идиш-товоқ, шиша асбоблари, лампа, самовар ва гугуртлари билан бозорни қизитар эдилар ва қайтаётганларида кўпроқ пахта билан жун, тери харид қилиб кетар эдилар. Жайдари пахта пул бўла бошлади, деҳқонларнинг озгина ерларига экиб оладиган оқ жўхорилари ўрнини тобора жайдари пахта эгаллай бошлагани учун дон экинлари камая бориб, каппонлар бўшаб қолган эди. Чунки, четдан галла келиб сотилмасди, экин майдони кам ва сув танқис, қишлоқларнинг атрофлари қум тепа, қамишзор ва ўрмонлардан иборат бўлиб, янги ер очиш, сув чиқариш, экин майдонларини кенгайтириш ишига Худоёрхон ҳам, ундан олдин ўтган хонлар ҳам кам аҳамият берган эди.

Ташқаридан келган савдогарлар шаҳар майда ҳунармандларининг тирикчилигига зарба берар эдилар. Ернинг камлиги, сувнинг танқислиги, солиқларнинг кўпайиб кетганлиги деҳқонларни хонавайрон қилмоқда эди. Худди мана шундай вақтда хон фармони билан шаҳарга яқин вилоятлардан бир неча юз таноб ҳосилдор ер ва боғ-роғлар деҳқонлар қўлидан тортиб олинди, улар хоннинг Ҳиндистондан келаётган пири комили имоми Раббоний Соҳибзода ҳазратга туҳфа қилиниши керак эди.

Шаҳарнинг машҳур уламолари Соҳибзода ҳазратни кўтиб олиш учун Хўжандга пешвоз бордилар, бир неча кундан кейин пири комилни иззату икром, шоҳона даб-даба билан кутиб олиб, Қўқонга жўнадилар. Худоёрхоннинг ўзи шаҳардан чиқиб, пири комилни Хўжанд дарвозасида кутиб олди, дарвозадан ўрдагача поёндоз солинган эди.

Пири комил учун солинаётган ички, ташқи ҳарам, дахма, мадраса, туяхоналар фуқаронинг кучи ва маблағи билан битказилган ва тўла жиҳозлантирилган эди. Пири комил ўрнашгандан кейин Фарғона, Андижон вилоятларидан ажратилган ер-сувларнинг васиқаси ҳам ҳокимлар томонидан туҳфа қилинди, рёкор уламолар пири комилга яқин бўлиш умидида ўзларининг чиройли қизларини Соҳибзода ҳазратга назир қилдилар. Соҳибзода ҳазратнинг хотинлари саккизта бўлди, орадан йил-



лар ўтгач, имом Раббоний Соҳибзода ўн тўққиз ўғил ва тўққиз қизнинг отаси бўлди.

Ҳиндистонлик ёш, исёнкор шоир Нохўш, имом Раббоний Соҳибзода ҳазратнинг узоқ сафарида оёқ яланг қайноқ қум кечиб, пиёда туя етаклаган қуллари сафида жудои ватан бўлиб келганлардан бири эди. У келиб, истаган эркинликни бу ердан ҳам тополмади, бу ўлкаларга ҳам ўша Қалькутта устида лоқайд жилмайган қуёш нур сочар, бу ўлкалар осмонидаги ойнинг ҳам Қалькутта ойи сингари юзи заъфарон эди...

Нохўш шоирликдан паққос воз кечиб юбора олмас, шеърдан воз кечиш унинг учун жондан кечиш билан баробар эди, бир эмас, бир кун баланд овоз чиқариб шеър ўқишга эришиш орзуси билан яшар ва улур донишманд Мирзо Бедилнинг бир байтини хотирларди:

«Кушиши бедасти поён аз асар навмид нест,  
Интизори дом охир мекашад наҳжирро...

«Қўлу оёқсизлар ҳам бир нарсадан умидсиз эмасдилар. Ахир тузоқ кўзини очиб, сайд кутиб турибди-ку».

Шоир Нохўшнинг соч-соқоли гурбатда оқарди, қома-ти букчайди. Аммо эзгу орзулар билан яшаган қалби чўкмади, Соҳибзода ҳазратнинг ўғиллари орасида ўз хулқ-одоби, фазилатлари, илмга бўлган муҳаббат ва интилишлари билан бошқаларидан ажралиб турган Миён Сотиболдихоннинг хизматини қилиш баҳонаси билан уни тарбия қила бошлади.

У авваллари ёш Миён Сотиболдихонни мактабга олиб бориб, олиб келиб юрди, кейинча ҳужрада бирга истиқомат қилиб, ҳаминша унга форс классик шоирларининг шеърларидан ўқиб эшиттирадиган бўлди. Шу йўсинда Миён Сотиболдихонни маърифатпарвар, кишилар учун ғамхўр, меҳрибон, покиза қалб эгаси қилиб етиштиришга муяссар бўлди.

## **Учинчи боб**

### **ИЛОН ЎЗИГА ИССИҚ ИН ҚИДИРАДИ**

Меҳмонлар олдига қўйилган ош ҳали ейилиб тамом бўлганча йўқ эди, хизматкор аста кириб, Холиқжон қозининг қулоғига шивирлади:

— Бухородан меҳмон келди...

— Ризқли меҳмон экан. Қани, чақир, кира берсин!..  
Хизматкор чиқиб, меҳмонни бошлаб кирди, меҳмонлар сочиққа қўл артиб, ўринларидан турдилар. Меҳмонни таниган Холиқжон қози у билан қуюқ сўрашиб, ҳаммани ўтиришга таклиф қилди, янги келган меҳмон чилопчинга қўл ювиб, артинар экан, пойгаҳга чўкка тушди, қози уни ош устида бошқаларга таништира бошлади.

— Бу меҳмон асли эронлик бўлсалар ҳам, ёшликда Бухорога келиб қолганлар. Биз бир мадрасада бирга узоқ истиқомат қилиб, бирга таҳсил кўрдик. Бунга ҳам анча йил бўлиб кетди. Мен Қўқонга келиб, бу дўстим Бухорода ҳаст домла хизматларида қолиб кетдилар. Бораман, сиз билан бирга умр ўтказаман деган ваъдалари бор эди, ваъдага вафо қилиб, мана кириб келдилар. Шундай эмасми, мулла Муҳиддин?..

Янги келган меҳмон қозига қараб жилмайди:

— Шундай!..

— Кўп улуг иш бўлди, заб келдингиз-да! Қани ошга марҳамат! Ҳов, Шарифжон! Чой қуйиб узат!..

Хизматкор пиёлаларга чой қуйиб, меҳмонларга узатди, меҳмонларнинг баъзилари қўл артмоқда эдилар, товоқ остида озгина ош қолдириб, мулла Муҳиддин ҳам сочиққа қўл урди, дастурхонга фотиҳа ўқилиб, товоқ билан дастурхон олингандан кейин ёйилиб ўтириб, тиш кавлаша бошладилар.

— Энди сизга бу меҳмонларни таништирай, мулла Муҳиддин! Булар ҳар йили Қашқардан қўй олиб келиб турадиган қашқарлик қадрдонларимиздир.

Холиқжон қози тўрда ўтирган бўйдор, икки юзи қипқизил, қора соқол, қора кўз қундуз телпакли ўрта яшар меҳмонни ишора қилиб, сўзида давом этди:— Бу кишининг номлари Тўхтаохун бой! Таниб қўйинг мулла Муҳиддин. Бу киши тўғрисида Бухорода сизга гапирганим ёдимда. Уша сизга мақтаган гумаштамиз бўладилар! Бир-икки йилни ўтказиб, сизни Қашқарга шу кишига қўшиб жўнатаман. Муллалик ўз ўрнига, лекин яхши ҳаёт кечириш учун савдогар бўлиш керак! Нима дедиларинг?

Ўтирганларнинг ҳаммалари эҳтиром билан қозининг сўзини тасдиқладилар, мулла Муҳиддин қуллуқ қилиб, қайтиб ўтирди. Суҳбат Қашқарда бўлиб ўтган уриш-жанжаллар, Қашқар ҳокими Ёқуббекнинг ҳокимликдан

бўшаши ва Арабистонга ўтиб кетиши устида борарди, гап чувалиб яна Қўқонга қайтиб келди:

— Руслар келгандан бери Қўқон тобора ўз тусини ўзгартиряпти, савдо-сотиқ ишлари ҳам гуриллаб кетди, мачит, мадрасаларимиз гавжум... Руслар янги келган ойлар кўрқоқ муллаларимиз, «энди дини ислом оёқ ости бўлади» деб ваҳима қилган эдилар, одил пошшо экан, муллалар тарқатган ваҳимали гаплар тўғри чиқмади...

Холиқжон қози ҳали сўзини тамомлаганча йўқ эди, Шарифжон яна дастурхон ёзиб, икки товоқда қарч қилинган кўк ранг умурбоқи қовун келтириб қўйди, меҳмонлар бу тансиқ, хушбўй қовунни ҳай-ҳайлашиб ўтириб еб тамомлагач, фотиҳа қилиб қўшхоналарига жўнаб кетдилар.

Куз фасли эди. Қиш чиққунча мулла Муҳиддин Ҳақимзода шу меҳмонхонада беш вақт намозни қози билан бирга адо этиб, бирга овқат еб, унинг хизматини бажариб турди ва «қозининг меҳмон дўсти» номи билан Мирзаёдгор маҳалла аҳли орасида танила бошлади, тўймаъракаларга Холиқжон қози ёнида бориб, тўрдан жой олди ва тўн, дўппи, қийиқ олиб юрди.

Баҳорда Холиқжон қози Боғбон Ҳошим сўфини чақиртириб, унга мулла Муҳиддинни топширар экан, орқасидан тайинлади:

— Мулла Муҳиддинга ўз ҳунарингизни ўргатинг, зерикиб қоляпти, анча қобил йигит, сизнинг ишингизни енгиллаштириб, ўзи ҳам ўргансин! Бундан бошқа яна бир илтимос шулки, мулланинг тили чатоқ, ўзбек тилини яхши билмайди. Ўзбекча яхши гапирадиган бўлиши учун ёрдамингизни аяманг! Яна бошқасини кейин айтаман!..

Орадан бир-икки ой ўтгач, қози Ҳошим сўфини боғда четга тортиб сўради:

— Қалай? Тузукми, ялқовлик қилаётгани йўқми?

— Йўқ,— деди, мамнуният билан Ҳошим сўфи,— анча лаёқатли йигит кўринади, искана пайвандини бир кўришда ўрганиб олди, бўш вақтларида ўзбек шоирларининг баёзларини ўқиб, ўзи ҳам ғазал ёзади, тили анча келишиб қолди. Айниқса, одоби тузук экан...

Ҳошим сўфининг бу сўзларини эшитгач, қози ғурурланиб, қошларини кериб қўйди ва олдин гапирмаган гапини сўфига айта қолди:

— Мулла Муҳиддинни синовларингиздан ўтказганингиздан кейин ожизага куёв қилиб оласиз; деб ўйлагандим.. Мўмин-мусулмон, толиби илм, шоирликдан ҳам хабар бор, ундан ортиғини тополмайсиз; сўфи!

— Сиз, жаноб, менга ёмонликни раво кўрармингиз! Икки ожизам баробар балоғатга етиб қолган, чолу кампир кечаю кундуз ройи қобил куёвлар тўғрисида кўпроқ бош қотирадиган бўлиб қолдик. Сиз кимга муносиб кўрар экансиз, рад этишга каминада ҳад нима қилсин..

Мулла Муҳиддин боғда Ҳошим сўфига олти ойгина қарашиб, кузга киргандан кейин аста-секин йўрға чиқара бошлади.

Унинг илтимосини ерда қолдирмай, маҳалла мачитидан бир ҳужрани бўшаттириб бердилар, имом касал бўлиб қолган фурсатларда имомгарчиликка ўтказдилар, хайри худойилар мулла Муҳиддиннинг иштирокисиз ўтмайдиган бўлди, бора-бора салла катталашди, тўн ола байроқ, димоғ шишган..

Мусофир дўстининг қанчалик обрў қозона бошлаганидан хурсанд бўлган Холиқжон қози бир суҳбатда мулла Муҳиддиннинг юрагига қўл солиб кўрди:

— Қачонгача қоронғи, зах ҳужрада сўққабош умр ўтказасиз, мулла Муҳиддин? Уйлашиш вақти қазо бўлиб кетяпти! Ҳошим сўфининг иккала қизидан бирини танланг! Сиз хўп десангиз кифоя!

Хомушликка чўмган мулла Муҳиддин қозига шартга ўз хоҳишини баён қилди:

— Сиз нимани раво кўрсангиз, мен уни жон билан, имон билан қабул қиламан. Ғамхўрлигингиз учун минг бор раҳмат. Аммо камина бошқа бир орзу билан яшайман, қашшоқ Ҳошим сўфининг қизига эмас, сабр қилсам мендек илмли, кимсасиз йигитни ичқуёв қилиб олиш ниятида бўлган бирор давлатманд чиқмасмикин деб ўйлайман..

Холиқжон қози мулла Муҳиддиннинг елкасига қоқиб беихтиёр қаҳ-қаҳ уриб юборди, орқасидан: «Кўнглингиз нималар тиламайди?»— деб ҳазиллашиб қўйди.

Мулла Муҳиддин ювош кўрингани билан ўта муғамбир, мудаббир кимса эди, Бухорода ҳам ўрни келганда хушомад билан катта-катта муддарисларнинг кўнглини топиб, нонини бутун қилиб юрар эди, Қўқоннинг ҳавосини ола бошлагандан кейин «фазилатига фазилат» қўшилиб, унда бир оз маккорлик, бир оз маддоҳлик ва бир оз

мақтанчоқлик хислати, пайдо бўлди, бойлар, муллалар, эшонлар даргоҳидан ўзига бошпана ва ризқ қидира бошлади.

Гоҳ кун Ҳаким халфа эшоннинг сой бўйидаги жона қосига осилган дошқозон устида турар, гоҳ кунлари маҳалла бойларидан Ҳодихўжа эшоннинг тез-тез бўлиб турадиган хатми хўжасида қуръон тиловат қилиб ўтирар, яна бир кун устакорларнинг зиёфатига мукаллал.. шундай қилиб, мулла Муҳиддиннинг «бозори» юришиб кетди. Аммо шоирлик хислати бундан мустасно бўлиб, бу ҳақда ҳали лом-мим деганча йўқ эди...

Энди унга ўзи орзу қилган иссиқ ин, тайёр ҳовлижой, қўл қовуштириб кутиб олувчи қайната керак бўлиб қолди. Дараклаб юриб, уни ҳам топдилар: Бахмалбоп маҳаллалик устакор уста Ҳайдарали ака қўл остида қирққа яқин ҳунарманд косиб шоҳи, атлас тўқирди, иши баравж, данғиллама ичкари-ташқари уй-жой эгаси шаҳарда девкор усталардан ўнта бўлса, шуларнинг биттаси, ёши олтмишдан ошиб, аммо бир қиздан бўлак фарзанди йўқ, киши қўйган косибларга бермай, борган совчиларга «мендан кейин чироғимни ёқиб, улуг айём кунларда дуойи фотиҳамга ярайдиган бирорта кимсасиз муллаваччалардан куёв ўғил бўлса деган умидим бор. Шунинг учун қизимни ташқарига чиқармайман» деган бир сўзни қайтарарди...

Бунни эшитди-ю, писмиқ мулла ошнаси Холиқжон қози ҳузурига чопди ва уста Ҳайдарали ҳақида эшитганларини батафсил сўзлаб, кўстоҳлик билан бўйинини қисди:

— Энди қолганига ўзингиз оталик қиласиз, биродар!..

— Шугинами? Ёки бошқа ҳизмат ҳам борми?..

— Шунинг ўзи менинг бахт-саодатим эмасми?..

Устакорникига ўша куннинг эртасигаёқ икки обрўли киши совчи бўлиб бориб тўн кийиб қайтишди. Қози бошида туриб, маҳалла боёнларининг моддий иштирокида енгил-елпи тўй қилишди, мулла Муҳиддинни уста Ҳайдаралининг қизига уйлаб қўйишди.

Бу иш мулла Муҳиддин учун ҳам, уста Ҳайдар учун ҳам айни муддао эди. Аммо мулла Муҳиддин қиз томонидан совуқ кутиб олинди, орадан йил ўтса ҳам, бу кўнгилисизликнинг музи эрмади. Зубайдабиби кўп вақтини йиғи билан ўтказар, мулла Муҳиддин бўлса, қаноат ипи-

ни узун ташлаб, бу сирни ҳаммадан яширин тутар, зоҳиран содиқлиқ билан хизматга бел боғлаб, рўзгорни забт қилиш учун қайнатани илондек аврар эди.

Серҳаракат билимдон, жонкуяр куёв ўғилнинг ихтиёрига дов-дастгоҳ, дўконлар билан бўладиган пул муомалаларини аста-секин топшириб қўйган содда устакор, энди бундан кейин оёқ узатиб, кексайганда ҳузур-ҳаловат суриш йўлини кўзлай бошлади. Мулла Муҳиддин эса бутун муғамбирлигини ишга солиб, корхонани ҳам, рўзгор ишларини ҳам қўлга олгач, уста Ҳайдарилини бир четга суриб қўйди ва унга: «Энди сиз кекса одам, беш вақт намозни мачитда ўқиб, бемалол ўйнаб юра беринг»,— деб ўзи мол-дунё тўплашга киришди.

Янги хўжайиннинг найрангбозлиги орқасида сиккорни ўз вақтида олмай, косиблар аста-секин бўлак устакорнинг корхонасига ўтиб кета бошладилар, корхона издан чиқди, дастгоҳлар тўхтади. Буни қайта йўлга қўйиш, қайтадан иш бошлаш керак бўлганда устакор касал бўлиб ётиб қолди.

Кунлардан бир кун устакор мулла Муҳиддинни ёнига чақириб, унга корхонани қайта тиклаш йўлларини кўрсатди, кетиб қолган косибларни чақириб олиш, ипакчилар билан муомалани тузатиш, қарзларни узиш ва янги хом ашё сотиб олиш учун ёстиқ остидан бир ҳовуч олтин олиб берди: «Энди ишингизга пишиқ бўлинг, ўғлим! Улимлигимга деб тўплаган олтинимни сизга беряпман!»

Мулла Муҳиддин ташқарига чиққач, олтинга разм солди: ерга кўмилиб, намланиб қолган олтин тангалар эди. Қора кўнгилдан аллақандай қинғир орзу-ҳаваслар ўта бошлади: «Бундан ҳали кўп бўлса керак!.. Иншоолло, улар ҳам меники!» деб қўйди ичида.

Ширин сўз, хушмуомала, ясама муҳаббат, қалбаки аҳду вафолар Зубайдаойнинг кўнглини эритишдан ожиз эди. Чунки унинг қалбини эгаллаб олган бошқа бир кимсанинг пок муҳаббати бор эди.

Мулла Муҳиддин турмушдан ҳаловат топмагач, та-моман бошқа кепатада, бошқа режалар тузиб, узоқ-узоқларга назар ташлар, ва унинг тезроқ амалга ошиши учун замин ҳозирлар эди.

Мудаббир мулла сабр арқонини яна ҳам узун ташлаб, касал қайната ризолиги йўлида дастгоҳни қайта тиклаш, кетиб қолган халфа, шоғирдларнинг кўнглини тўлдириб қайтариб олиб келиш, корхонани хом ашё би-

лан таъминлаш ва узилиб қолган савдо муомалаларини қайта тиклашга киришди, ҳунарманд халфа, шогирдлар яна қайтиб ишга тушишди, кўчаларга танда ёзилиб, гулабардорлар гула боғлашга кела бошладилар.

Кетиб қолган косиблар орасида Комилжон деб ата-лувчи марғилонлик бир йигит ҳам бўлиб, у ҳамма тўқув-чидан ёш бўлишига қарамай, хулқ-атвори, майда ялла қилишда ширин овози, лобарлиги билан ҳамкасб катта-кичикларнинг муҳаббатига сазовор бўлган эди.

Ҳамма кетиб қолганлар қайтиб келди-ю, Комилжон қайтиб келмади. Унинг ширин ялласини қўмсаган косиб-лар бир кун мулла Муҳиддинга арз қилдилар:

— Комилжонсиз устахонамиз жуда ҳувиллаб қолди! Бу йигитсиз худди қулоқ-бурнимизни кесгандек, чидол-маямпиз! Жон хўжайин! Шу йигитни тагин олиб келай-лик. Иши ҳам силлик, ялласи ҳам...

Мулла Муҳиддин қарши бўлмади, уни эртаси бирга олиб келдилар. Комилжон ҳам шу корхонага кўнгил қўйиб, шу косибларга ўрганган эди. У келган кундан бошлаб корхона яна гуриллади, мокилар чақир-чуқури-га яна майин овознинг ширин ялласи жўр бўла бошлади.

Комилжон кетиб қолгандан бери Бахмалбоп маҳал-ласи ҳам ҳувиллаб қолган эди. У мусофир бўлганлиги учун шу ерда тунар, косиблар уй-уйларига тарқагач, ҳамма ёқни супуриб, сув сешиб, гулдек қилиб қўяр, сўнг дуранг тикилган қошиқдек этигини таранг қилиб кияр, оқ яктак устидан икки қийиғини боғлар, бошига зангори ласга тикилган қалампир дўппини дол қўйиб, майда қовуқ қора беқасам тўнни елкасига ташлаб, улфатлар билан чойхўрлик қилиш учун Калвак гузари томон йўл олар, гузарга етгунча «Фарғонача шаҳноз»нинг авжини фалакка етказар эди. Унинг овозини узоқдан эшитган ўша кўчанинг қизлари эшик тирқишидан мўралаб, қораси ўчгунча қараб қолар эдилар.

Ярим кечада Комилжон чойхўрликдан қайтиб, ал-ланималар хиргойиси остида ташқарида ивирсиб, чироқ ёқар, ечинар, чилвир тўқилган ёғоч катга уч қават кўр-пасини ёзиб, унга чалқанча тушар. Шу вақт эшик ти-қиллар ва нозик қўл бир косада ош билан бир чойнак чой келтириб қўяр, уни Комилжон келиб олгунча бир кўланка эшик орқасида беркиниб турар, сўнг бир хўр-синиб олиб ичкарига чопар эди.

Комилжон етиб келиб, бир оғиз бўлса ҳам ширин

сўз билан раҳмат айтишга гоҳ улгурар, гоҳ улгурмас, остонадан шокоса билан чойнакни кўтарган Комилжоннинг қулоғига тез-тез босилиб узоқлашаётган кичкина кавушнинг дуқуригина эшитилиб қоларди.

Бу, устакорнинг қизи гўзал Зубайдаой эди. Марғилондан келган Комилжон отасига ёлланиб, шоҳи тўқий бошлаган кундан, биринчи «Кўча боғи» ялласини айтиб берган кундан бошлаб, Зубайдаойнинг юраги тўридан жўй олган эди. Шунингдек, Комилжон ҳам бир кўришда бу кулча юз, қуралай кўз, сарвқомат қизга мубтало бўлиб, зўр бериб ўчини ялладан олар ва бу сирни ҳаммадан пинҳон тутарди.

Тўй бўлмасдан икки кун илгари Зубайдаой дугоналаридан иккитасини бирга олиб машиначиникига борди. Қайтишда хилват кўчада орқасидан Комилжон келаётганлигини сизди, қизлардан орқароқда қолиб, қўлидаги тугунчани ерга тушириб юборди, орқадан етиб келган Комилжон тугунча чангини қоқиб узатар экан, аста бир сўз деди:

— Сизнинг тенгингиз ўша мулламиди?..

— Дадам янглишган бўлсалар ҳам, мен янглишмайман... Унга қўлимни ҳам тутқизмайман... Зўр келса тоғтошларга қочиб кетамиз...

Шу сўзни аранг айтди-ю, Зубайдаой тугунни паранжи ичига олиб, олдинда бораётган қизларга етиб олиш унун чолиб кетди. Комилжон орқага қайтиб, катта йўл бидан улардан олдин устахонага етиб келди-да, ўз ишини давом эттираверди.

Бу орада тўй ҳам ўтди, тўйдан кейин қосиблар кетиб қолди, яна қайтарилиб олиб келинди. Шулар қатори қайтариб келтирилган Комилжон яна яллани фалакка стказиб, бошқалардан кўра яна кўпроқ меҳнат қиларди. Лекин янги хўжайинни кўришга кўзи йўқ, янги хўжайин ҳам унинг ялласи-ю, лобарона қадам қўйишларини унча хушламас, унга қандайдир иштибоҳ ва ғайирлик билан қарар эди.

Орадан олти ой ўтар-ўтмас, Уста Ҳайдарали оламдан ўтди, уч ойдан кейин кампир ҳам вафот қилди, ҳовлида мотам кўйлак кийган мусибатзада Зубайдаойнинг бир ўзи қолди, бутун хўжалик, корхона бозор олди-бердиларидан тортиб ҳамма нарса мулла Муҳиддин ихтиёрига ўтди.

Корхона ва халфа ишлатишдек дахмаза энди нима



учун керак?.. Дарҳақиқат, мулла Муҳиддин учун бу нарсалар ортиқча бошоғриқ эди-ю; лекин уни бирданига йиғиштириб қўйиш ҳам баъзи андишаларга кўра тўғри эмасди, халқ: «Сулаймон ўлди, девлар қутулди...» деб, мазаммат қилиши турган гап. Шунинг учун мулла Муҳиддин тишни-тишга қўйиб корхона ишини давом эттиришга қарор берди.

Зубайдаой ҳамон мулла Муҳиддин билан бир ёстиққа бош қўйишга бутун ирода кучи билан қаршилиқ кўрсатар, мулла Муҳиддин эса фақат оғзидагина норозилик билдирган бўлиб, «худо сизга инсоф бериб қолар...» деган гап билан меҳмонхонага чиқиб кетарди. Зубайда ёлғиз эмас, шу маҳаллалик бир кимсасиз тул хотинни ўзига ҳамроҳ қилиб олган, тул аёл ҳар доим Зубайдаой билан бирга эди.

Қоронғи кечаларнинг бирида мулла Муҳиддин хуфтон намозидан кейин мачитдан уйга қайтаётганда кўчада пойлаб турган аспжаллоб қўшни мулланинг йўлини тўсди:

— Сизни истаб чиққан эдим...

— Хўш?.. Тинчликми?..

— Ҳозир аста бизникига киринг! Мен сизга бир томоша кўрсатаман.

Бу сўздан мулла Муҳиддин ҳеч нарса тушунмай тўхтаб қолди, аспжаллоб мулланинг қўлидан тутиб ўз йўлагига тортди ва қулоғига шивирлади:

— Утин ташлаш учун томга чиққан эдим, уйингизда бир эркакка кўзим тушди. Уни аввал сиз деб ўйладим, кейин қарасам ёш йигит...

Мулла Муҳиддиннинг ўпкаси оғзига тикилди, аспжаллоб йўл кўрсатди, мулла салла тўнни ечиб томга чиқди ва ток барглари орасидан уйга разм ташлади: аспжаллоб айтгандек, ёш йигит билан Зубайдаой шошиб-пишиб бир нарсаларни йиғиштирмоқда эдилар. Аспжаллобнинг ёрдамида мулла Муҳиддин кекса, қинғир узум зангидан сидирилиб ҳовли саҳнига тушди, сўнг бир калтакни қўлга олиб уйга кириб келди ва хотини ёнида ўша марғилонлик косиб йигитни кўрди.

— Хўш!.. Номаҳрам! Сенинг бу уйга киришга нима ҳақнинг бор?..

Мулла Муҳиддин асабийлашиб, нима сўз дейишдан ожиз, тик турар эди. Зубайдаой ҳеч ҳайиқмай, унга биринчи мартаба жилмайди ва ўтиришга таклиф этди:

— Кира беринг, домла! Келганингиз яхши бўлди, тузукроқ гаплашиб олайлик! Қани, марҳамат!..

Мулла Муҳиддиннинг кўз олдини қоронғи босди, қўлидан калтак тушди ва уйга кириб қолганини ўзи ҳам сезмай қолди, йигит уни қўлтиқлаб олиб бориб, кўрпачага ўтқазди ва Зубайда унинг орқасига ёстиқ қўйиб, пиёлада чой узатди:

— Мен сизни рози қилмай туриб, бошқа кишига қўлимни ҳам тутқазмайман. Чунки, никоҳингиздаги хотинингизман, бу йигитнинг шу ердалиги сизни турли шубҳаларга олиб борган бўлиши мумкин. Лекин сиз ўйлаганча эмас. Аммо шуни билиб қўйингки, биз бир-биримизни севишган эдик. Уйда ёлғиз қолганимда, сиз хуфтонга мачитга кетишингизни пойлаб туриб, ток зангидан ҳовлига тушади, бирга овқат еймиз, ширни суҳбатлашамиз, мачитдан қайтар вақтингизда яна занг орқали том ошиб кетади, унга шайтон васваса қилган кезларда муҳаббатимиз поклигини ўртага қўйиб, «эрим мени талоқ қилиб, сиз ўз никоҳингизга олгунингизча қўлимни ҳам тутмайсиз!», деб қайтарар эдим.

Сиз бунга ишонинг! Мен сизнинг ҳалол хотинингизман! Аммо фақат номигагина хотинман, сизни севмадим, яна қанча йил ўтсин, барибир севмайман. Сиздан ўтиниб сўрайман, бу гап учовимиз ўртамизда сир қолсин, номимиз булганмасин. Эртадан қолдирмай қозихонадан талоқ қоғозимни келтириб берингу. хумчада қолган олтинни олиб хоҳлаган ерингизга кетинг!..

Мулла Муҳиддин хаёл дарёсига ғарқ бўлганича ўтириб қолди, Зубайдаойнинг ишораси билан Комилжон даҳлиздан латтага ўралган кўзачани олиб кириб ўртага қўйди-ю, ўзи яна мулла қаршисида одоб билан чўккалади. Зубайдаой кулимсираб туриб яна гап бошлади:

— Менга олтин эмас, бўйимга муносиб зеҳнимдаги ёр керак! Бу олтин сизники бўлсин...

Мулла Муҳиддин кўзини очиб, ўртадаги латтага ўралган кичик хумчани кўрди, юраги уриб кетса-да, лекин сир бой бермай қаттиқ уҳ тортди ва салмоғи билан розилик билдирди:

— Олтинни пеш қилмай ҳам шу чоққача бошқага кўнгил берганлигингизни изҳор қилсангиз бўлар эди. Мен кўпдан бери сиздан шуни кутар эдим... гап шундай экан, ажралишдан бўлак чорамиз йўқ, мен олтинсиз ҳам бошимни олиб кета бераман...

Ўрнидан турар экан, хумчага хуфия кўз қирини ташлади, сўнг одамгарчилик ҳислари билан тўлиб-тошиб, кўзига ёш олган Зубайдага қаради:

— Ҳар ҳолда маломатларга қолмаслик учун, эртага қозихонада сиз: «Менинг чиқадиган эрим йўқ! Умид билан бир ёстиққа бош қўйган эдим!» деб, андак кўз ёши қилишингизни илтимос қиламан!

— Хўп,— деди мамнуният билан, яна мулла Муҳиддинга раҳми келиб,— айтганингизни қиламан, хоҳласангиз олтиндан ташқари рўзғорни ҳам олиб кетинг...

\* \* \*

Меҳмонхонасига қайтиб бориб олган мулла Муҳиддиннинг кўнглини овлаш учун Холиқжон қози ачинганнамо эътироз изҳор қилди:

— Яхши бўлмабди! Чакки иш қилибсиз, мулла Муҳиддин! Мақтовларга қараганда хотинингиз анча барно эмиш. Унинг устига катта давлатни қўлдан бой бердингиз!.. Бу ишингиз куфроний неъмат эмасми ахир?!

Мулла Муҳиддин тулкилигини яна ишга солиб, кўзига ёш олди:

— Нима десангиз тўғри! Куфроний неъмат десангиз ҳам тўғри! Нима қилай, ҳар қанча ҳурилиқо бўлса ҳам туғмас чиқиб қолди!.. Унинг давлати деб, жамолига тикилганча дунёдан бефарзанд ўтиб кета берайми?..

— Унчалик бўлса, мен нима ҳам дер эдим... Ҳали ҳам бўлса Ҳошим сўфининг қизини...

Мулла Муҳиддин кўз ёшини артган бўлиб, бош тўлғади:

— Менинг хурсандлигимни хоҳласангиз Қашқарга жўнатинг, ўша мамлакатларни ҳам кўриб келай, кейин пешонага ёзилгани бўлар!

— Қашқарга борсангиз, у ерда сизни кутиб оладиган кишилар бор, Бухородан келган кунингиз битта товоқдан ош ейишган Тўхтаохун сизни бошига кўтаради, иззат-ҳурматингизни ўрнига қўяди, келишда бирга қайтасизлар.

— Қуллуқ! Бу аини муддао! Сизнинг сояи давлатингизда кўҳна мусулмонобод Қашқарни ҳам зиёрат қилиб...

Қози мулла Муҳиддиннинг сўзини кесиб елкасига нуқиди:

— Э, мулласи тушмагур, зиёратни айтасиз! У ердан уйланиб қайтмаганингизни кўраман! Оҳу кўз нозанинлар ана ўша мамлакатда! Қамина ҳам икки бор бориб, икки бор уйланиб келганман... Тўрттасидан иккитаси Қашқардан келтирилган...

Мулланинг қулоғига бундай таърифлар унча хуш келмаса ҳам, қозининг кўнгли учун жилмайди ва ясама мамнуният билан қуллуқ қилди:

— Бормай туриб, кўз олдимга ажиб манзараларни келтириб қўйдилар, жаноб қози!.. Қамина жанобларига ўхшаб ўша оҳу кўзлардан иккита эмас, битта олиб келаман. Аммо лекин шу бугун жўнагим келиб қолди!..

— Йўқ,— деди кулиб қози,— ўзингизни босинг, ҳозир у довонлардан қаноти борлар ҳам ўтиб бўпти, йўл берк, олти ойдан кейин йўл очилади. Ушанда келганларга қўшилиб кетасиз!..

Мулла Муҳиддин бу сўзни эшитгандан кейин бир оз бўшашди-ю, яна ўзини тутиб олди:

— Ундай бўлса, Ушга бориб, йўл очилгунча ўша ерда истиқомат қилсаммикин дейман... Негадир, бу шаҳардан чиқиб кетгим келиб турибди, бунинг боиси ўзларига аён, дарвиш одамман, кўнглим олинган ерда туролмайман, ўз ватанимдан ҳам ёшликда мана шундай кўнгилсизликлар орқасида чиқиб кетиб, Бухоройи шарифга келиб қолган эдим...

— Биздан ҳам кўнглингиз қолганми?..

— Зинҳор-зинҳор!.. Бу деган сўз, бутунлай бош олиб кетиш деган сўз эмас! Қайтиб келиб, яна сизнинг паноҳингизда умр ўтказиш ниятим бор. Жанобнинг шарофатингиз билан бу шаҳарда қадр топдим, ошна-оғайни орттирдим... Бургага аччиқ қилиб, кўрпа куйдирадиган нодонлардан эмасман...

— Унчалик экан, мен нима ҳам дер эдим. У вақтда Ушда эмас, Андижонда истиқомат қилишингиз мумкин, у ерда мулла Отабек исмли Бухорода бирга таҳсил кўрган қадрдон ошнаимиз бор, кўрсангиз танийсиз; у киши бадавлат, хайр-саховатли, меҳмондўст одам. Шу кишига мактуб ёзиб беришим мумкин...

Мулла Муҳиддинга жон кирди, Андижонга жўнаши қатъий бўлиб, сафар тараддудига тушди ва чоршанба куни Шарифжон билан от бозорига бориб от билан хуржун харид қилди.

Сўнгги тун, қози меҳмонхонасида кечки овқатдан кейин хизматкор Шарифжонни ёнига имлаб чақирди, унга қалам-довот билан қоғозларни кўрсатди.

— Бу кеча тонг отгунча ўтириб, жаноб қози ва бўлак ёр-оғайниларнинг мадҳияларини ёзишим керак эди... Агар мумкин бўлар экан, мени шу кеч холи қўйсангиз...

Бўлак хонада тинчроқ ухлашни мўлжал қилган Шарифжон ҳеч малол олмай, тўшагини кўтариб чиқиб кетди. Мулла Муҳиддин эшикни ичидан занжирлаб олиб, пахтали тўн ёқаси, қўйлак жияги ва пахтали қулоқ дўпписини сўкиб, унинг ичига олтинларни хотиржам жойлай бошлади.

## **Тўртинчи боб**

### **«ҲОЖИ, ҲОЖИНИ МАҚКАДА КЎР...»**

Мулла Отабек мулла Муҳиддинни Холиқжон қози айтгандан ҳам зиёда одамгарчилик қилиб кутиб олди. Холиқжон қози хатда мулла Муҳиддинни катта шоир деб таърифлаган эди, ёлғончи бўлмади. Мулла Муҳиддиннинг йўл-йўлакай тўқиган узундан-узоқ «Қасидан мулла Отабек қозини Андижоний» мадҳияси Отабек қозининг саховатини қўзитиб, мулла Муҳиддиннинг оёғига бўрдоқи сўйдириб юборган эди.

Қасидачи шоир иссиқ жойни эгаллаб, катта дастурхонлар устида иззат-икромларга муяссар бўлди. Қашқар йўли очилгандан кейин Отабек қози мулла Муҳиддинга ўз йўрғасини миндириб Ўшгача узатиб қайтди.

Мулла Муҳиддиннинг ҳамроҳлари Ўш билан Қашқар орасида доимо қатнайдиغان уйгур савдогарлар бўлиб, улар даҳшатли доvon тизмаларидан бемалол нахша<sup>1</sup> айтиб илгарилаб борар эдилар, улар минган отлар ҳам бу йўлларни кўп босиб ўтган байир йўрғалар бўлиб, бирин-кетин тизилишганча олдинга босмоқда, булар орасида мулла Муҳиддин қўрқув аралаш ҳамроҳларига сездирмай, гоҳ ичидаги тўн ёқасини, гоҳ телпак остидаги қулоқ дўппини ушлаб қўярди.

<sup>1</sup> Н а х ш а — уйгурча қўшиқ демакдир.

Терак довонидан<sup>1</sup> ошиб ўтиб, кенг йўлга тушиб олдилар, аммо йўлда яна юксак довонлар бор эди. Лекин мулла Муҳиддин бу машаққатли сафардан пушаймон қилмади, мулла Муҳиддиннинг чехрасидаги ифода худди қўлга тушмай ўрмонга қочиб қутулган оғзи қон бўри ёки том ошиб қутулган ўғрининг кайфиятини эслатар эди.

Жилғалардан ўйнаб тушаётган шўх сувларнинг товуши мулла Муҳиддиннинг қулоғига марғилонлик лсбар косиб йигитча — Комилжоннинг шўх қўшиғи бўлиб эшитилиб, ихтиёрсиз орқасига қараб қўяр, арчалар шохида сайраётган булбулларнинг товушлари худди Зубайдаоийнинг қўнғироқ товушига ўхшаб кетар: «Менга олтин эмас, бўйимга муносиб, зеҳнимдаги ёр керак. Бу, сизники бўлсин!..»— дегандек бўларди.

Мулла Муҳиддин қўлини тўн ёқаси ва кулоҳ дўппига ихтиёрсиз узатиб, ҳамроҳлари сезиб қолмаслиги учун яна қўлини тортиб олар, улар ҳар қайсиси ўз ҳолича нахша бошлаганда мулла Муҳиддиннинг хаёли олтин санар эди:

«Нодон!.. Олтиндан муҳаббатни ортиқ кўрган нодон!.. Зубайда нодон бўлмаса менга бу олтин қаёқда эди?.. «Менга олтин эмас, бўйимга муносиб ёр керак!» дейди-я... Ажабо, ёрни ҳам, бахтни ҳам, обрўни ҳам шу олтин орқали қўлга киритиш мумкин эмасми? Ҳаммасининг калити шу олтин-ку!..»

Йўл машаққатини чексалар ҳам қароқчига дуч келмай, эсон-омон Қашқарга кириб бордилар: Қашқар Қўқондан ҳам тор, халқи зич, бозори тиқилинч, мачит, мадрасалари кўп, кўчалари тор шаҳар бўлиб, одамлар телпак, қизил байтир тўн кийиб кўплари эшак миниб юрар эдилар. Бу манзараларни кўздан кечирар экан, мулла Муҳиддин бу шаҳарда Қўқон ва Андижонга нисбатан ҳаёт оғирлигини сизди-да, Тўхтаохуннинг уйини тезроқ топиш, бу шаҳарда бир неча кун меҳмон бўлиб, сафар анжомини ҳозирлаш кераклигини кўнглидан ўтказди.

Холиқжон қозининг гумаштаси бўлмиш Тўхтаохунни топиш қийин бўлмади. Мулла Муҳиддин шу Қашқар орқали Ҳиндистонга, Ҳиндистон орқали Арабистонга ўтиб кетиш ниятида эканлигини Тўхтаохунга айтганда,

<sup>1</sup> Терак довони — Уш-Қашқар йўлидаги энг баланд тор.

Тўхтаохун мулла Муҳиддиннинг кетишига қаршилиқ кўрсатмади. Балки тез кунлар орасида Тибет орқали Ҳиндистонга кетаётган тайинли одамлар борлиги ҳақида хушxabар етказишга ошиқди.

Буни эшитган мулла Муҳиддиннинг юрагига Қашқарни сайр қилиш ҳам сизмай, кетувчилар билан учрашиш, сўзлашиш, йўрғани хачир билан алмаштириш ва йўлга керакли нарсалар сотиб олиш тараддудига тушди. Орадан ҳафта ўтгач, бу мусофир муллани ёнларига олиб, хачир сувори карвон аҳли йўлга чиқди.

Кенг Ҳўтан даштларини орқада қолдириб, Тибет томон юқорилаб борар экан, бир яширин фикр мулла Муҳиддиннинг юрагини илондек кемирар, бу сир ёдига тушганда аъзойи баданини ўт олар, яна тўн ёқаси билан кулоҳни ушлаб қўйиб, ўзига таскин бермоқчи бўларди.

Ахир бу қандай гапки, бир оддий косиб орномусини олтиндан юқори қўйса! Мулла Муҳиддин эса ўз никоҳидаги хотинни олтинга сотди, олтин тўлдирилган кўзачани тегиб юбориб, «Менга ўзинг кераксан!»— дейиш ўрнига, пасткашлик қилиб олтин қаршисида таслим бўлди!..

Ҳиндистон этакларида ҳам ярим яланғоч, қўш ҳайдаётган деҳқон йигитлар оғзида муҳаббат қўшиғи, бурдой янчаётган қизларнинг оғзида ҳам муҳаббат қўшиғи янграмоқда, улар олтин ҳақида бир сўз демайдилар, олтин буларнинг тушига ҳам кирмас, балки уларни шу оғир меҳнатда овунтираётган ҳам олтин эмас, дунёда ҳамма нарсадан қимматроқ, юксакроқ бўлган муҳаббатдир...

Мулла Муҳиддин Зубайдадан жудо бўлгани учун хафа эмас эди, Зубайданинг «нодон»лиги, муҳаббат олдида ҳеч нарсасини аямаганлиги, кўзига рўзгор ҳам кўринмаганлиги, ахир мулла Муҳиддинга қўл келган эди-ку! Бундан мулла Муҳиддин минг бор хурсанд, бироқ унинг юрагини эзаётган нарса, латтага ўралган кўзачани мулла Муҳиддиннинг олдига қўйиб қаршисида тип-тикка турган ёш йигитнинг истеҳзоли кулгиси эди. У эсига келганда мулла Муҳиддиннинг қаҳр-ғазаби тобора хуруж қилиб, муҳаббат тўғрисида ашула айтадиган ҳамма йигит-қизларни ғажиб ташлагиси келар эди.

«Бавжу-Бавра»лар ватани бўлмиш Ҳиндистонда, «Лайли ва Мажнунлар»лар ватани бўлган Арабистон саҳроларида ёрдан жудолар ҳам, очлар ҳам, яланғоч-

лар ҳам ашула билан ўзларини овутади, тўйлар ва азалар ҳам ашула билан бошланиб ашула билан тугайди, буларни тинглаганда мулла Муҳиддиннинг кўз олдида ўзбек косиби ва танти қизи Зубайда гавдаланар эди.

Ахир ҳеч бўлмаса олтиннинг ярмини ўзига олиб қолиб ярмини мулла Муҳиддинга берса ҳам бўларди, мулла Муҳиддин шунга ҳам минг маротаба рози бўлиши мумкин эди-ку! Наҳотки, бир билимсиз қиз бола муҳаббат борасида шу қадар олиҳиммат бўлса!..

Мулла Муҳиддин шу кунлардан бошлаб муҳаббат деган сўзни эшитса жаҳли қўзийдиган бўлди, шеър ёзса ҳам унга муҳаббат аралаштирмасликка қасам ичди. Муҳаббат ҳақида қўшиқ айтадиган, муҳаббатга ундовчи қўшиқлар ёзадиган кишилар унинг энг ашаддий душмани бўлиб туюла бошлади. Лекин гоҳ-гоҳ инсофга келиб, ўзини маломат қилар, ўзини гўз олтин хумчаси-ю, устидаги кийим-бошини хумча ўралган латталар деб ҳис этар, уч йиллик ҳаёти гарчи саккиз қават кўрпа устида ўтган бўлса ҳам, шундай ажойиб Зубайданинг шаръан, қонунари ҳисобланган бўлса ҳам, ҳақиқатда унинг эри бўла олмаганлиги алам қилар эди. Мулла Муҳиддин ўзини зўрлаб бўлса ҳам муҳаббат ҳақида бирор шеър амаллаб, Зубайдага манзур қила олмади, бутун маҳалла, ҳатто даҳа қозисигача уни катта мулла деб ҳурмат қилган ҳолда, Зубайда учун бу мулла ялангоёқ косиб боланинг ялангтўш вужудидан оққан бир томчи терига арзимас эди. Бу қандай гап ахир!

Мулла Муҳиддин эсон-омон Маккага ҳам етиб келди.

Суриштира-суриштира, у Қашқарнинг собиқ ҳокими Ёқуббекни ҳашаматли бир даргоҳдан топди, кўпгина кишилар унинг хизматида камарбаста эдилар. Ёқуббек бир неча магазин, ошхона, мусофирхона ва Туркистон вилоятидан келган зиёратчилар учун орасида қилинган ҳашаматли такя ва чойхона соҳиб эди.

Ёқуббек Қашқардан жуда катта дунё, хуржунда олтин билан қочган киши, у Макка шаҳридан яхши ҳовли-жой сотиб олган, умрининг охиригача шу ерда ҳаёт кечиришни мақсад қилиб, Туркистондан зиёратга келадиган мусулмонларга «хизмат кўрсатиш» билан яна бойлик орттиришни кўзлаган эди. Андижонлик мулла Отабек томонидан ёзиб берилган мактуб ва саховатда Ҳотамтой ўрнини эгаллаган Ёқуббек шаънига ёзилган



узундан-узоқ қасида, зўр эҳтиромларга сабаб бўлиб, турар жой, овқатни текин қилиб қўйди.

Ёқуббек сояи давлатида икки йил Маккада туриб, текин давр-даврон сурган мулла Муҳиддин ўзининг мадҳияфурушлигидан бениҳоя мамнун эди. Кўп умри мансабда ўтган Ёқуббекдек киши учун унинг ёнида мулла Муҳиддиндек бир забардаст маддоҳнинг бўлиши керак эди, собиқ ҳоким Маккага келган зиёратчиларга уни буюк шоир ҳожи Муҳйи деб таништирар эди.

Мулла Муҳиддин бора-бора ҳожилар орасида шоир ҳожи Муҳйи бўлиб танилиб, ҳурмат топа бошлади. Бир кун Иқуббек меҳмонхонасига Истамбулнинг машҳур руҳонийлари меҳмон бўлдилар, уларнинг шарафи учун Ёқуббекнинг топшириғи билан Фарғона ошпазлари анвой овқатлар тайёрлаган эдилар. Меҳмонларга бу Фарғона овқатлари жуда манзур бўлди, дастурхон устида меҳмонлар ҳожи Муҳйи билан танишдилар ва қайтишда уни Истамбулга бирга олиб кетмоқчи бўлдилар.

Бу таклиф ҳожи Муҳйи учун аини муддао эди. Орадан кўп ўтмай ҳожи Ёқуббекдан рухсат сўраб, Истамбулга жўнаб кетди.

Бу вақтда Туркия энг ашаддий халифа Султон Абдулҳамид зулми остида инграр эди. Халифа «диндан озган» зиёлиларни, заминдорларга қарши бош кўтарган камбағал деҳқонларни зиндонларга солар, остирар, оттирар, шарият йўлида минглаб кишиларни қурбон қилишдан ҳам тоймас эди. Ўлгудек мутаассиб одам бўлган ҳожи Муҳйинга шарият ҳомийси бўлган зolim халифанинг бу сиёсати жуда ёқиб кетди.

У Султоннинг тарафдорлари бўлган «Иттиҳоди ислом»чилар таъсири остига тушиб, бутун ислом мамлакатлари халифага тобе бўлиши керак, деган бемаъни ва тутуриқсиз ақида тарафдори бўлиб қолди. Агар қўлидан келса, ҳозирнинг ўзида Қўқонга бориб, ўғилларини рус мактабларида ўқитаётган оталар ва рус маърифатини тарғиб қилган шоирлар ва шаккоқлар бошида даянак чақар эди-я! Бу вақтда Туркистон ўлкасида янгича тонг ота бошлаган ва бу ўлканинг халқлари уйғона бошлаган эдилар.

Мулла Муҳиддин ўн йилдан кейин бошқа тўн кийиб, ҳожи Муҳйи бўлиб келиб, бу мамлакатда тамоман бошқа манзарага дуч келди.

Ўзлари билан янги қонун, янги маърифат олиб келган рус халқи китоб, фан, маданият олиб келган, гуллар шохига яна булбуллар қўнган, созандалар яна қўлига соз олган эди.

Холиқжон қози ўтган йили вафот этган экан, ҳожи Муҳйи бўлак бешпана қидириб, ярим кечада Ғалчасойдаги Сулаймон Овғонбойнинг дарвозасини қоқди ва меҳмонхона ўртасида Овғонбой билан йиғлаб кўришди. Сулаймон Овғонбой учун ҳожи Муҳйи каби шарнат ҳомийлари керак эди.

Эрталабки нонуштага анчагина ҳамфикр руҳоний ва мутаассиб бойлар тўпланган эдилар, чошгоҳгача ҳожи Муҳйининг саргузаштини тинглаб, пешинда тарқалдилар. Ҳожи Муҳйи пешинни бой билан бирга ўқиб, ош-наси қозига фотиҳа ўқиш учун Мирзаёдгор маҳалласига жўнади, сўнг қайтишда унга олтин бахш этган Бахмалбой маҳаллага боришни нстаб қолди.

Кузги шамол эсмоқда, кўчаларда одам сийрак, фақат ёш болалар ўйнашиб-қувалашиб юрмоқда эдилар. Марҳум уста Ҳайдарнинг устахонасидан танда орасидан мокиларнинг бориб-келиши ва унга жўр бўлаётган қўшиқлар эшитилар эди. Муҳйининг юраги орқага тортиб кетди, қулоғини кафти билан беркитиб, жадалроқ юришга ҳаракат қилди, кўчанинг нариги юзидаги ҳожи Муҳйига таниш икки тавақали эшик олдида турган тахминан тўққиз, саккиз ёшлардаги кўзга яқин ўғил бола Муҳйига салом берди. Муҳйи боланинг кўнгли учун алик олди-ю, титраб кетди, ичкаридан яна бир олти ёшлардаги сочи жамалак қизча ҳам югуриб чиқиб салом берди, Муҳйи унга ҳам алик қайтариб, ихтиёрсиз тикилиб туриб қолди: бу қизча Зубайданинг худди ўзгинаси эди, болалар бепарво нарироқда патирак учираётган бир тўп болалар ёнига югуришиб кетди, ўзини ўнглаган Муҳйи тез-тез қадам ташлаб, катта кўчага бурилиб кетди.

Зубайда қозихонада талоқ хатини олгандан кейин уч ой иддани ўтказиб, Комилжоннинг никоҳига ўтган эди. Шундан кейин Комилжон устакор бўлиб, ишларни гуриллатиб юборди, Марғилондан ота-онасини кўчириб келди, икки ёш яхши ҳаёт кечириб, ўн йилда икки ўғил, икки қиз кўрдилар: ўғилларининг номи Олимжон, Фозилжон ва қизларининг номи Ҳурматой, Ҳикматой эди.

Ҳожи Муҳйи кечгача ҳеч ерга сиғмади, кечқурун Ов-

Ғонбой меҳмонхонасига яна эски қадрдонлар: Ҳасанхон домла, Саъдихон қози, Зуфар маҳзум, Қутбиддин қори, домлалар тўпланиб, замондан ғийбат бошладилар ва оқ-пошшо томонидан мадраса вақфларининг ярми тортиб олинishi ҳақидаги мишмишлар борлигини айтдилар. Бироқ ҳожи Муҳйи бу ғийбатларга лоқайд қулоқ солиб ўтириб, суҳбат охирида ўз муддаосини ўртага ташлади.

— Дўстларим! Мен Андижонга бориб яшашни жазм қилиб турибман. Мени мавлоно шоҳ Ҳусайн мадрасасига мударрис қилиб тайинламоқчи бўлганларида Маккаи мукаррамага кетиш ниятим борлиги учун кўнмаган. Эдим. Ундан ташқари, Андижон менга жуда маъқул бўлиб, айниқса, мулла Отабек деган саховатли киши мени ўзига асир қилган...

— Йўқ,— деди ранжиганнамо Саъдихон қози,— сизни ҳеч қаерга юбормаймиз, тинч, сердаромад бир мансаб топамиз, ўша мансабда туриб, аҳли исломга далда бўлинг. Истамбулда олган билимингиздан ёшларимизни баҳраманд қилинг...

Ҳожи Муҳйи чуқур уҳ тортиб олгач, ўтирганларга бир-бир қараб чиқди:

— Менга таълим берган буюк устозлар ҳамма вақт «Бутун ислом дунёси бир байроқ остига бирлашмоғи, шариятни оёқ ости қилганлар қувғин қилинмоғи керак!»— деб уқтирар эдилар, мен мана шу шиорни олдинга сурish мақсадиди бу ерга келган эдим. Афсуски, бу ўлкада тамоман бошқа манзара, тамоман бошқа бир дунёни кўриб турибман. Халқнинг бир қисми шариятга бепарво қарайдиган бўлиб қолибдур, аммо ҳали ҳам кеч эмас! Менга данғиллама ҳовли-жой, оила, бола-чақанинг ҳам кераги йўқ, шаҳарнинг бир четроғидаги мадрасадан бошпана берилса, мударрислиги ҳам керак эмас, мутаваллилиги кифоя қилади. Ундан кейин билиб ишимни қилар эдим...

Ўтирганлар енгилланиб нафас олдилар, Ҳасанхон маҳзум домла таклиф киргизди:

— Бу кишига Ҳазрат мадрасаси муносиброқ! Шаҳардан чет, вақфи кўп! Аммо чатоқ бир томони шуки, бу мадрасанинг инону ихтиёри ҳазратзодалардан Миён Сотиболдихонда, уни гапга кўндириб бўлармикин?

Зуфар маҳзум бу айтилган сўзнинг сўнгги қисмини рад қилгандек, бепарво қўл силтади:

— Тасарруфи менга куёв ўғил бўлмиш Миён Сотиболдихонда бўлса ҳам бу мадрасанинг ихтиёри Эшонхон ҳазратда, қола берса, мадрасанинг бош мударриси бўлганим учун каминада! Тўғрилиқча Сотиболдихонга илтимос қилинади, иложи бўлса, Тўраҳон маҳзумнинг уйларига бориб, у кишидан Сотиболдихон номига бир парча мактуб ҳам ёздириб олишингиз мумкин...

Эртаси Ҳасанхон маҳзум Муҳйини ёнига олиб, ҳол сўраш баҳонасида жоменинг бош имоми Тўраҳон маҳзум уйига жўнадилар, йўлда Ҳасанхон маҳзум Тўраҳоннинг уйдан чиқмай қўйганлиги сабабини тушунтира кетди:

— Уламолар томонидан ман этилган дунёвий илмларга оқпошшо йўл очиб қўйди, дунёвий билимлар таълим берадиган мактаблар очилар эмиш, деган гаплар тарқалиб қолди. Буни эшитган мударрис ҳазратнинг товлари қочинқираб, кўчага чиқмай қўйдилар. Уламоларимиздан бир қанчалари ҳам шу қабилда гўшанишин бўлиб қолдилар...

Сўз узилмай анчагина йўл босишгандан кейин ўнг қўлдаги боши берк кўчага бурилиб кириб кеттидилар.

## *Бешинчи боб*

### **«ИТ ТУНДА ҲУРАВЕРАДИ, ОЙ КЎҚДА СУЗА ВЕРАДИ...»**

Миён Сотиболдихоннинг ҳужрасига ҳар кеча ҳаммактаблар йиғилишиб, гоҳ дарс, гоҳ шеърхонлик, гоҳ иккинчи бўлишиб сатранж суришар, баъзи кечалар устоз домла Халил ҳам кириб, ёшларнинг суҳбатига муштарак бўлар эди.

Миён Сотиболдихонга малол келмаслигини кўзлаб, йиғитлар бу анжуманни халфанага айлантирдилар, яъни ҳар ким топганини қўшиб, қозон қайнатадиган бўлдилар. Кекса Нохўш бу анжумандан хизматини аямагандек, гоҳо-гоҳо уларга ёшлигида ёдлаган форсча, арабча шеърларини ўқиб берар ва бу шеърларнинг таржимасини ўртага ташлар эди.

Шу кеча Нохўш Бағдодда ўтган файласуф шоир Салмон Соважийнинг форсча ғазалини ўртага ташлади:

Бар сари кўйи яқин каъбаву бухтона якист,  
Дами зулфи сияҳу субҳаи саддона якист.  
Дар раҳи каъба хитоб омади аз майхона,  
Ки, кужо мерави, эй, хожа, ҳама хона якист...

Шу фурсатда устоз домла Халилнинг ҳужра даҳлизига кирганини ҳеч ким пайқаманган эди, устоз оёқ учида ҳужра эшиги яқинига келиб, қулоқ солар экан, Нохўш шеърни ўқиб бериб, ёшларга мурожаат қилди:

— Қани энди, йигитлар, таржима қилинглар!.. Қимга қайси мисра ёққан бўлса, ўшани танилаб олсин!..

Муҳаммад Аминхўжа биринчи мисрани, Йўлдошали иккинчи мисрани, Миён Сотиболдихон учинчи мисрани ва яна бир йигитча тўртинчи — охириги мисрани ёзишиб олишиб, қўлларида қалам, ўйга ботдилар. Буларни ишга солиб қўйиб завқланган Нохўш даҳлизга ўтиш учун чиқиб, эшик орқасида типпа-тик турган домла Халилни кўрди:

— Ҳужрага марҳамат!

— Мен кирсам, уларнинг фикри бўлинади...

— Қелганиңизга кўп бўлдими?

— Сиз шеър ўқишни бошлаган эдингиз... бундай фурсатда киришни одобдан билмадим... Сиз кира беринг, мен андак туриб қирай.

Йигитларнинг баб-баравар кулиб юборганлари даҳлиздан эшитилди, кейин Миённинг овози келди:

— Мураббий!.. Келинг, жумбоғингизни ечдик!..

Нохўшдан олдин домла Халил кириб келди:

— Қани? Қим қандай жумбоқни ечганини кўрамин!

Ёшлар бирданига ўринларидан қўзғалиб, пойгаҳга тушдилар, устоз ҳужра тўрига қадам қўяр экан, Йўлдошали сўради:

— Жумбоқ ечаётганимизни қаёқдан билдингиз, устоз?

— Нохўшдан эшитдим. Бу шеърни мен ҳам жуда севиб ўқиганман! Утиринглар! Муҳаммад Аминхўжа, қани, биринчи мисрани айтиб беринг-чи?..

Муҳаммад Аминхўжа одоб билан чўкка тушиб, қўлидаги қоғозга кўз югуртирди:

— Мен ўзим шундай фаҳмладим... Иккинсининг кўчаси бир бўлгач, каъба билан бутхона бир-бирига яқиндир...

Устоз кулимсираб қўйди-ю, кейин Йўлдошалига қаради:

— Йўлдошали, сиз қандай маъно чиқардингиз?

Йўлдошали ёзганига кўз югуртириб чиққач, ўқиб эшиттирди:

— Қора кокиллар тузоғи билан юз донали тасбеҳ иккиси бир эмасми?..

Устоз ҳам кулиб қўйиб, кейин Миён Сотиболдихонга қаради:

— Навбат сизники!..

Сотиболдихон мулойим таъзимдан сўнг қоғозга қаради:

— Майхона томондан каъба даргоҳига бир хитоб келди:

Тўртинчи йигитча ўз тажрибасини Сотиболдихоннинг мисрасига улади:

— Эй, хожа! Сен қаёққа бормоқчисан! Ҳамма хона — бир хона эмасми?

Устоз домла Халил аввал шогирдларига таҳсин ўқиб, сўнг ёшларга яхши «жумбоқ» топиб бергани учун Нохўшга миннатдорчилик билдирди ва таржималарнинг камчиликларини тушунтириб, бундан кейин шу йўл билан Шарқнинг машҳур устоз шоирларини ўрганиш мумкинлигини уқтирди.

Ёшлар бир-бирларига қараб кулишиб олгач, Йўлдошалини аста нуқдилар. Йўлдошали устозни ишга солиши керак эди. Чунки у жуда дадил, гапдон, юракли йигит бўлгани учун устоз уни жуда яхши ҳурмат қилар эди. Йўлдошали ўрнidan туриб қўл қовуштирди:

— Ҳурматли устоз... лутф ва ҳозиржавоблик ҳақида ҳикоялар айтиб беришга ваъда берган эдингиз...

— Едимда. Аммо кеч бўлмадимикин?..

Муҳаммад Аминхўжа ўрнidan туриб, қўл қовуштирди:

— Эшитмасак, барибир уйқу келмайди.

Устоз кулди, шогирдлар ҳам бу кулгига қўшилдилар. Нохўш ҳам ўчоқ олдидан даврага яқинроқ келиб ўтирди, домла Халил сўз бошлади:

— Лутф сўзлаш ва ҳозиржавоблик кишидан катта маҳорат талаб қилади. Бу ҳамма учун ҳам муяссар бўла бермайди. Ҳозиржавобликнинг фазилатини сизларга мен бир мисол билан кўрсатсам бўлади.

Амир Умархон замонида Қўқонга жуда кўп шоирлар ва санъаткорлар тўпланганини ўзингиз биласиз.

Шоирлар орасида домла Қашол лақаби билан машҳур ва амир Умархонга манзур бўлган ўратепалик бир кекса шоир ҳам бор эди. Бу киши новчадан келган, узун соқол, қирра бурун, соддатабиат бўлиб, мадрасаи Олийда Маликушшуаро деб ном олган наманганлик шоир мулла Абдулкарим Фазлийга хизмат қилиб, бирга истиқомат қилар эди.

Фазлий шу мадрасага мутаввалли бўлиб, кўпгина шоирлар шу мадраса ҳужрасини эгаллаган эдилар. Қиш пайти, ўтин йўқ, қозонлар тўнтарилган, ҳамёнлар қоқ, ҳамма шоирларнинг қулоқлари амир ўрдасига солинган бўлиб, инъом кутар эдилар. Баногоҳ бир шоир кечаси хушхабар топиб келиб, Фазлий қулоғига шивирлади:

— Бугун Уратепадан амирга бир халта олтин келганини эшитиб чолиб келдим!..

Фазлий домла Қашолни ёнига имлаб, унга топшириқ берди:

— Агар амир бомдод намозидан чиққанларида рўбарў бўлиб, шу олтинни ундирмас экансиз, олтин хазинага тушиб кетади!..

Домла Қашол қоронғида туриб чиқиб, эшагига тўқим урди ва Жаҳонорога — амир ўрдаси томон йўл олди: эшак кичкина-ю тиришқоқ бўлиб, унга минган домла Қашолнинг икки оёғи ерда судралиб, кўчани чангитиб бормоқда эди.

Ҳикоя шу ерга етганда домла Қашолнинг ҳолатини тасаввур қилиб, йигитлар бирдан хохолаб кулиб юбордилар, домла Халил пиёладан чой ҳўплаб, ҳикояни давом эттирди:

— Амир бомдод намозини ўқиётган вақтда домла Қашол ўрдага эшагини етаклаб кириб борди. Домла Қашолни посбонлар таниб, эшак билан ичкарига киришга йўл берган эдилар. Домла Қашол ўрда саҳнида эшакни жиловлаб, устунга суянган ҳолда амирнинг намоздан чиқишини кутиб турди. Бошида салла, қўлида тасбеҳ билан амир Умархон чиқа солиб, кўзи домла Қашолга тушди-да, шу томонга юрди. Шу вақт тайинлаб қўйгандек, эшак амирга қараб ҳанграб юборди. Эшагининг бу қилиғидан чўчиган домла Қашол ерга чўккалаб, амир қаршисида бош эгди. Амир яқинлашиб савол берди:

— Домла Қашол! Хар чи мегуяд?

(Эй, домлаи Кашол! Эшак нима деяпти?..)  
Домла Кашол ўйланиб ўтирмай, дафъатан жавоб берди:

— Харжи мегуяд!..

(Харжи деяпти!)

Амир Умархон бу мўсафид шоирни нонуштага тақлиф қилди, нонуштадан кейин, ҳали хазинага юбортиришга улгурмаган ўратепа хирожининг бир қисмини шоирларга тақсим қилиб бериш учун топширди.

Ёшлар бир-бирларига ер остидан қарашиб олгач, Муҳаммад Амнхўжа ҳикояни давом эттиришни илтимос қилди.

Устоз кулимсиб, чой ҳўплади-да, яна домла Кашолнинг шоирлик фазилати ҳақида ҳикоя қила бошлади:

— Домла Кашол ортиқ қашшоқ киши бўлиб, кийимлари эски ва салласи йиртилиб кетган эди, ўзи ўратепалик бўлгани учун умрида бир бор бўлса ҳам қизил шол салла ўраш орзусида яшар эди. Бир кун эшак миниб ўрда томон борар экан, бошидаги йиртиқ салласи чуваллашиб елка, бўйинларига тушган ҳолда амирга дуч келиб қолди. Амир Умархон домла Кашолнинг салласини кўриб кулди ва сўради:

— Домла Кашол! Чаро омадид?..

(Домла Кашол! Нега келдингиз?!)

Домла Кашол эшакдан тушмай, ўша онда жавоб қайтарди:

— Кашолон, кашолон, кашол омадам.

Ба уммиди дастори шол омадам...

(Ўралашиб, ўралашиб, кашол бўлиб келдим, шол салланинг умидида келдим.)

Амирининг фармони бўлац ўша онда домла Кашолга янги либос ва қизил шолдан салла берилди.

Ҳозиржавоблик билан амир Умархон марҳаматига сазовор бўладиган шоирлар кам эди. Сўзда нўноқ, назари марҳаматдан йироқ, қасидагўйлик билан сарой марҳаматига эришиш орзусида бўлган шоирлар кўпчиликини ташкил қилар, улар ўз асарларини амирга манзур қилиш учун Амирий ва Фазлийлар шеърларига тақлид қилиб, Умархон эҳсонидан доим умидвор эдилар.

Узоқ-яқин шаҳар ва қишлоқларда яшовчи аҳли қалам, аҳли соз, амир Умархон «соия давлати»дан баҳра-



манд бўлмоқ иштиёқида Қўқонга тўпланишар, баъзилари амирга тезроқ кўриниш, саройда ўз истеъдодини намойиш қилиш ниятида ўзини ўтга-чўққа урар, баъзилари эса қаноат қилиб, камтарлик билан бир четда кўзга кўринмай юра берар эдилар.

Амир Умархон Нодира тахаллуси билан бутун Фарғонага ном таратган андижонлик шоирага уйланади. Нодира шеърлари ўзидек нафис ва латиф бўлиб, замонасидаги шоиралар орасида худди қуёшдек ўз партавини сочган фавқулодда маҳорат бекаси эди.

«Жаҳоноро» деб ном берилган хос боғ, ёз фасли, қуёш найза бўйи кўтарилиб, жаҳонга ўз жамолни кўрсатмоқда, гул барглари устида тонг шабнамлари ялтирамоқда, ғунчалар тағofilни табассумга алмаштириб, кулгига лаб оча бошлаган пайт.

Ҳарамдан ўзи танҳо оқ ҳарир либосда қомати нозик, кулча юз, оқ бадан, шахло кўз бир келинчак боққа кириб келди, орқасидан эргашган икки жорнянинг бири кичик, лоларанг гилам, иккинчиси патнисда қоғоз, қалам, сиёҳдон кўтариб юрар, келинчакнинг фармонини кутар эдилар. Келинчак олдин гулзор айланиб, ғунчаларни сипоришлаб, сўнг жорияларга ишорат қилди, жорнялар гиламчани ёзиб, патнисни унинг устига қўйдилар-да, таъзим билан тисарилиб йироқлашдилар. Келинчак эҳтиёткорлик билан кавуш ечиб гиламга ўтди, узун сочларини ўйнаб туриб, узоқ-узоқларда нола чекаётган булбулларга қулоқ солди, кейин оёқларини ариқча лабидаги себарга устига узатиб, ўйнаб оқаетган тиниқ сувдан бир ҳовуч олиб, юзини ҳўллади, ҳаво ранг гажим рўмолчага қўл суртиб, қоғоз-қаламни олди.

Ҳали икки сатр шеър ёзган ҳам йўқ эди, шилдираб ўтиб бораётган сув тўхтаб қолди. Бундан таъби олинган келинчак оёғини ариқчадан зарда билан тортиб, терс ўтириб олди. Бу келинчак — Нодира эди.

Амир Умархон шу пайт сувга оёқ солиб ўтириб шеър ёзаётган ёрини завқ билан кузатмоқда эди. Ариқчадаги сувнинг тўхтаб қолишидан Нодиранинг ранжиганини кўриб, амир боққа тушди, дарҳол сувни боғлаган кишини тутиб келишни буюрди.

Ешгина боғбон йигит елкасида кетмон, ўрикзорга сув боғлаб, айланиб юрар эди, посбонлар унинг қўлини орқасига боғлаб, саройга судрадилар, боғбон бунинг сабабини сўраганда, унга шундай дедилар:

— Улуғ амирнинг шоира қайлиқлари ариқча лабида оёқларини сувга солиб шеър ёзаётган эканлар, сен сувни боғлаб, қуритиб қўйибсан!..

— Айбим шугинами?..

— Айбинг шу! Аммо амир қаттиқ қаҳрланган!

— Майли, амирга рўпара қилинглар! Кўпдан бери истагим ҳам шу эди...

Посбонлар боғбон йигитни амир олдига олиб келдилар. Амир ғазаб билан сўради:

— Сувни боғлаган сенмисан?..

— Ҳа. Сувни боғлаган камина, жаноб амир!..

— Нима учун боғладинг?..

Боғбон жавоб ўрнига икки сатр шеър ўқиди:

«Беадаб бусид пойи сарвро оби равон,  
Дасти у барбаста чарх овард гирди бўстон».

(Қарасамки, бу беадаб сув, сарвнинг оёқларини ўпиб ўтмоқда. Ғазабим келди, дарҳол сувнинг қўлини боғлаб, сазойи қилиб бўстонда айлантира бошладим...)

Амир Умархон унинг шеърдан завқланди, ҳақиқий шоир эканлигига қаноат ҳосил қилиб, янги тўн кийдирди.

У камтар шоир асли рошидонлик бўлиб, беш йилдан бери боғда хизмат қилиб шоирлигини билдирмай юрар эди. Шундан кейин, амир кечки пайтлар боғ айланганда соҳибкор шоир Абдуғаффорни йўқлаб, ҳол-аҳвол сўрайдиган бўлиб қолди.

Домла Халилнинг ҳикоясидан завқланган ёшлар устозларини уйларига узатгач, тарқалишдилар. Нохўш билан Муҳаммад Аминхўжа ҳужрага қайтишганда узоқ-узоқларда хўрозлар чақира бошлаган эди. Ҳориган Нохўш бошини ёстиққа қўйди-ю, уйқуга кетди, Муҳаммад Аминхўжа ўрнида узала тушиб, икки кафтини боши остига қўйганча хаёл дарёсига гарқ бўлди:

— Ажабо!..— дер эди у товушини чиқармай,— хонлар замонасидаги адабиёт хушомадгўйлик адабиётни экан-ку?.. Бутун бир мамалакат шоирлари бир кишига, амир Умархонга манзур бўлиш учун шеър тўқиса, қасидахонлик билан кун кўрса-я!.. Агар домла Қашол ҳозир-жавоблик қилмаганда мадрасан Олийда амир хазинасига кўз тикиб турган шоирлар ўтинсиз, овқатсиз қоларди, домла Қашоллар кўҳна салласини чувалтириб юра берар эди.

Йўқ!.. Йўқ!.. Мен бундай шоир бўлишни асло хоҳламайман! Бировларни мақтаб кун кўргандан шоир бўлмаганим яхши! Қўйинглар, мен камбағалман, аёлманд нонвой отамга кўмаклашай!.. Ахир, биз жуда камбағал кишилармиз, бу шаҳарда бизга ўхшаш камбағаллар жуда ҳам кўп! Менинг орзум мана шу камбағаллар дардига эм бўла оладиган қўшиқ ёзиш-ку!.. Менинг орзум мана шу оғир машаққат остида икки букилган ҳунарманд бечоралар юрагида тугилиб ётган орзу-армонларни куйлаш-ку!.. Менинг орзум, кишиларнинг бир-бирига бўлган самимий муҳаббатини улуғлаш-ку!..

Менинг бурчим ўзимга ўхшаганларнинг ҳаётини ва чеккан азоб-уқубатларини, оҳ-нолаларини, қайғу-аламларини назм ипига териб, қофияга солиб, қўшиқ қилиб айтиш, бир-бирининг висолига зор муҳаббат соҳибларининг юрагини бўшатадиган, орзу-армонини ушатадиган куйлар яратиш эмасми?..

Муҳаммад Аминхўжа шу кайфиятда иситмасиз бевовталанар, дам у ёнбошга, дам бу ёнбошга ағанар экан, хўрозларнинг қийғос қичқирқиқлари орасидан азон овозлари ҳам эшитила бошлади, бир оздан кейин маҳалла мачитининг муаззини ҳам ширасиз, чинқириқ овозини бемаҳал намойиш қилиб азон айтиб юборди. Шундан кейин кўчадан калта йўталлар эшитила бошлади.

Эзилиб ухлаган кекса Нохўш ҳам уйғониб, йўталайўтала, ётган жойида Муҳаммад Аминхўжага кўз қирини ташлади ва ўзича гапира бошлади:

— Тузук ечинмасдан ухлаб қола берган экан эшонимиз тушмагур! Ҳо, Муҳаммад Аминхўжа!.. Ҳо, Муқимий!.. Туринг, тонг ёришди!..

Муҳаммад Аминхўжа туриб ўтириб, аввал кўзларини силади, кейин Нохўш томон бурилди ва кечани уйқусиз ўтказганлигини яширмақчи бўлиб, жилмайди:

— Сиз ҳам яхши ухладингизми, мураббий?..

— Ёстиққа бош қўйганим ҳам ёдимда йўқ. Сиз бўлсангиз ечинмай ухлаб қолибсиз. Нонуштага озгина ҳолвайтар қилгим келиб турибди. Нима дейсиз, эшон?..

— Ҳолвайтарни Миён билан баҳам кўрасизлар, бугун жума, дадамга кўмаклашадиган куним...

— Дарвоқе,— деди Нохўш қўл силтаб,— жумалиги эсимда йўқ, Миён ҳам бугун ҳужрага кеч келадилар, ўзим ҳам ҳаммомни мўлжаллаб қолдим... Бугун нон пул бўладиган кун десангиз-чи?..

— Жума, пиртак<sup>1</sup> ва чоршанба кунлари икки-уч тандир ортиқроқ пойгир<sup>2</sup> сотилади, бугун ва пиртак кунлари косиб бозори, чоршанба бўлса деҳқон бозори. Улар ҳафтаи бир кун самоварда пойгир ёки гижда синдирмас эканлар, бозорга келгандек бўлмайдилар. Кечга қолганга ўхшайман!..

Муҳаммад Аминхўжа обдастани ташқари олиб чиқиб ювиниб келгач, апил-тапил ўрнини йиғиштириб, ҳовли томон югурди. Отаси Мирзахўжа нонвой хамир тирсакламоқда, ўгай аяси Зиёдабиби ун эламоқда. Кечиккан Муҳаммад Аминхўжа саломдан кейин индамай билак шимариб, икки қўлда зувала юмалата кетди.

Муҳаммад Аминхўжа анча ёшлигидан, онаси ҳаётлик вақтлариданоқ отасига қарашиб юриб, пойгир зуваласига анча моҳир бўлган эди. Мой билан югуриладиган пойгир хамири хамиргирдан анча ҳунар талаб қилар эдики, бу ҳунар Муҳаммад Аминхўжанинг қўлидан аллақачонлар келиб қолган. Мирзахўжа ака ўғли билан ёнма-ён туриб, хотини Зиёдабибига унинг яхши хислатларини сўзларди:

— Муҳаммад Амин зувала қилишган куни поннинг бозори шундай ҳам чаққон бўладики, нафас ўтмай сават бўшайди. Баъзи кунлар саватни бошга қўйиб у кўчага кирасан, бу кўчага кирасан киши, қани энди кўнгил учун «Ҳо, нонвой!»— деб биров чақирса! Пойгир одамлар учун қимматлик қиладимиз, билмадим, битта-иккитадан ортиқ олншмайди. Аммо лекин обиноннинг бозори чаққон. Пойгир учун косиб билан деҳқонда пул қаёқда дейсиз!..

Ун элаётган Зиёдабиби энсаси қотиб, луқма ташлади:

— Хаамири осон, харидоргир, обинон қила бермай-сизми бўлмаса!..

Муҳаммад Аминхўжа ўгай аясининг гапини кесди:

— Дадам шаҳарда пойгирпазлик билан танилганлар.

— Танилганлар эмнш... Пойгирпазлик ўзи қийин ҳунар экан! Кошки эди, дарров сотила қолса! Кечгача кўчама-кўча сават кўтариб юриш, ярим кечадан туриб урнинишлар дадангизнинг эмас, менинг ҳам энка-тинкамни қуритяпти, сиз бўлсангиз ўқишни баҳона қилиб, мад-

<sup>1</sup> Пиртак — қўқонликлар якшанбани пиртак ҳам дейдилар.

<sup>2</sup> Пойгир — ёғлиқ ширмон кулча.

расадан чиқмайсиз!.. Шунча ўқиган салласи катта дом-  
лалар ҳам қиладиган ишининг тайини йўқ, кўча чанги-  
тишиб юришибди!.. Унинг ўрнига отангизга қарашсан-  
гиз бўлмасмиди, икки қиз чиқариб илиги қуриган ота-  
нинг энди сизни уйлашга қандай қурби етсин!..

Муҳаммад Аминхўжанинг тоқати тоқ бўлди. Чунки  
бу аччиқ киноялар ўғай она томонидан биринчи бор  
айтилаётгани йўқ эди. Мирзахўжа хотинига қараб ўш-  
қирди:

— Ҳозир ўқиганча ўқийди, вақти келиб, новвойлик-  
ка ярамай қолган вақтимда, раззоқ эгам, бир гап бўлар,  
мен ҳозир унинг ёрдамига муҳтож эмасман, икки қизни  
узатган ота, бир ўғилни ҳам уйлаб олар, унинг ташвиши  
сенга тушмаса ҳам бўла беради!..

— Ҳали шундайми!..

— Ҳа, шундай!..

Қўлларига ун юққан Зиподабиби хўнграганича йиғлаб  
уйга кириб кетди:

— Худоё туғилмай ўлай!.. Мен ўз ўғлим деб, ҳад-  
дим сизниб гапирган эдим, ўз фарзандим деб ўйлаган  
эдим, ўғай ўғай, бегона бегона экан!..

Ота-бола узоқ фурсат индамай қолдилар, кейин  
Мирзахўжа ўғлига меҳр билан маъноли назар таш-  
лади:

— Парво қилма!.. Зуваланг етади, қолган хамирни  
ўраб қўйиб, тандирга олов қала!.. Тили аччиқлигидан  
сингилларингни ҳам бездириб юборди... Ўзи пешонам  
шўр экан, шўр бўлмаганда онанг сизларни ёш қолдириб  
ўлиб кетмаган бўлармиди. Хайр, қолганларнинг шукри-  
ни қилайлик!..

Таъби олинган Муҳаммад Аминхўжа ота сўзини ҳур-  
мат билан тинглар экан, бир сўз дейишдан ожиз, унинг  
юрагидан бир тугун келиб ҳалқумига тиқилгандек нафас  
йўллари бўғилган, гўёки ҳаво етишмаётгандек ҳарсил-  
лаб нафас олар эди. У бутун мадорни тўплаб, ўзини  
ота олдида яхши тутишга, буюрилган хизматни мамну-  
ният билан ижро этишга киришди.

Янтоқ олови тандирни ёриб чиқиб кетгудек гуриллаб,  
тандир ичида ёлқинлар қувишиб ўйнашмоқда ва унга  
яқин турган Муҳаммад Аминхўжанинг юзи ва кўкси  
унинг ҳароратидан лоладек қизариб кетган эди, у пешо-  
насидан оққан маржон-маржон терларни сидириб, сў-  
ниб бораётган олов устига яна янтоқ ташлар экан, олов-

да тобланган бу қайноқ қалб эгаси ўзини енгил ҳис этиб, қалбини тобора унга тобларди.

Мирзахўжа пойғирни тандирдан узиб туриб, ўғлининг юзида хафалик эмас, табассум аломатларини кўрди ва ширдоғдан иккитасини бирин-устун қилиб узатиб туриб, унга қаттиқроқ тикилди:

— Нега кечки овқатга келмаяпсиз?..

— Хужрада овқатланаяпмиз... Миён мени ёнидан узоқлаштиргиси келмайди. Мендан хотиржам бўлинг, дада, оч қолаётганим йўқ...

— Миён Сотиболдихон умридан барака топсин, мен у кишини кўп дуо қиламан. Аммо илгари аҳвол бошқа эди, кеча-кундуз бирга эдиларингиз. Энди Миён хотинлик бўлиб қолди, кечаси хужрада қолиши мумкин эмас, сени у ҳинд хизматчисига ташлаб кетишга мажбур! Сен ахир, Миённинг хизматчиси эмассан-ку?..

— У киши хизматчи эмас, Миённинг отахон, мураббийлари, менга ҳам мураббий!.. Шундай улуғ, нодир кишики, сиз ҳамсуҳбат бўлмаган экансиз, дада!..

— Ким бўлса ҳам сени ўша одам билан хужрада ғарибларча қолдира олмайман! Ўзим камбағал бўлсам ҳам, ҳимматим тоғдан баланд... Бошқа жойга қурбимиз етмайди, тор бўлса ҳам шу баҳорга чиқиб, ҳовлининг бир бурчагига бир уй, бир даҳлизни эплаб, уйлантириб қўйиш ниятим бор... Хужрага қуруқ чиқма, буни нонушта қилинглр...

Муҳаммад Аминхўжа гап қайтармай, иккита иссиқ пойғирни қўлтиқлаб кўчага чиқди, Нохўшнинг ҳаммомга бораман, деганини эслаб, мадрасага бормай, устоз домла Халилнинг ҳовлисига кириб борди: устоз билан Миён Сотиболдихон бир нарса тўғрисида жиддий сўзлашмоқда эдилар. Миён Сотиболдихон хафа, бир нимадан ранжигандек, домла Халилнинг ҳам кайфияти бузуқ, паршонхотирлиги авзойидан маълум эди.

Муҳаммад Аминхўжа қўйнидаги пойғирни дастурхонга ушатгач, Миён Сотиболдихон ёнидаги чойнақдан уларга чой қуйиб узатди ва ўзига ҳам чой қуйиб ҳўлади. Андак сукутдан кейин Миён Сотиболдихон дастурхонга фотиҳа ўқиб, Муҳаммад Аминхўжага қаради:

— Сиз билан хужрада гаплашамиз...

Бирин-кетин мадраса томон юриб, хужрага кирдилар. Миён Сотиболдихон хуноб эди, хужрага киргач, ўзини

кўрпачага ташлаб, қаттиқ уҳ тортди. Миёндаги бу хачачиликни оилавий ички можарога йўйган Нохўш ҳам, Муҳаммад Аминхўжа ҳам сўрашга ботинолмай, пойгаҳда бошларини қуйи солганча ўтириб қолган эдилар, Миён Сотиболдихон қайғусини ичига сиғдиролмай, сўз бошлади:

— Анови қор учқунлаган кеча Тўраҳон маҳзумдан мактуб олиб келган серсавлат меҳмонга мадрасани топшириб кетишга тўғри келиб қолди!..

Нохўш ўрнидан туриб кетиб:

— Нима-нима?.. Қим унга ижозат берибди?!— қичқириб юборди.

— Бой-уламолар, шунингдек, қайнатам ўртага тушиб, Эшонхон акамдан илтимос қилган эканлар, акам уларнинг илтимосини рад этолмай, ўша кишига мадраса мутаваллилигини инъом қилиб юбордилар. Энди ўша совуққа мадрасани бўшатиб бермай чорам йўқ. Мен у билан мураса қилиб, бу ерда истиқомат қила олмайман!..

Муҳаммад Аминхўжа бу кеча ухламаган бўлса ҳам, «чап ёним билан» турган эканман, деган фикрга келди ва устидан совуқ сув қуйилгандек, бадани увушиб кетди.

— Акангиз, ҳурматли ҳазратки, шунчалик марҳамат қилган бўлсалар, шаҳарнинг бой-уламоларини оёққа турғизган бу меҳмон осмондан тушган фаришта эканми?..

— Фаришгадан ҳам аъло! Истамбулдан кепти, Маккадан кепти!..

Ғазаб билан ёнган Миён Сотиболдихон яна бир нималар демоқчи эди-ю, ўзини босиб, овозини пасайтирди:

— Бу одамни устоз яхши танир эканлар, бундан ўн йилча олдин шу ерда экан, энди Истамбулдан бошқа ниқоб, тўн кийиб келибди!.. Аввал мулла Муҳиддин экан, энди ҳожи Муҳйи бўлиб келибди! Мана шу ҳужра унга ёққан эмиш! Йўқ! Қулфлоглиқ турса турадики, унга бўшатиб берилмайди!..

Нохўш тайёрлаган ҳолвайтар қозонда қолди. Миён Сотиболдихон зарда билан кийиниб, ҳужра эшигини қаттиқ ёпди-да, аллақайёққа кетди. Нохўш маъюс ерга тикилди, Муҳаммад Аминхўжа жим ўтириб бир нарса ёза бошлади.

**МУҲАММАД АМИНХУЖА МИРЗАХУЖА УҒЛИ —  
МУҚИМИЙ**

Тошкентлик новвой Муҳаммад Фозил баъзи сабаблар билан Қўқонга кўчиб келиб, Беквачча маҳаллага ўрнашади ва Қўқондаги ширмонпаз новвойлар билан дўстлашиб, бора-бора пойгирпазликни эгаллайди. Муҳаммад Фозил вафот этгач, бу ҳунарни ўғли Мирзахўжа давом эттира бошлайди.

Мирзахўжа бора-бора пойгирпазликда ўз ҳамкасбларни орасида шуҳрат топиб, Қўқонга меҳр қўяди, дўстлар уни хўжандлик Сайид олим Нодиршоҳ ўғлининг қизи Ойшабибига уйлантириб қўйдилар. Ойшабиби ўқимшли аёл бўлиб, соз чалишдан андак воқиф, ўқиб юрган чоғларида ғазаллар ҳам машқ қилган эди.

Тўйларидан бир йил ўтгандан кейин, яъни 1850 йилда Ойшабиби ўғил туғди, унинг номини Муҳаммад Аминхўжа қўйдилар. Муҳаммад Аминхўжа йўлга кирганданоқ тоғаси бўлмиш адабиётхон, заргар Раҳматулло уни ўз тарбиясига олди ва ёшлигида ноқ алифбега ўргата бошлади.

Ойшабибининг иккинчи боласи қиз бўлиб, унга Меҳринисо деб ном берган эдилар. Бора-бора, қизи тўртта бўлди, Меҳринисодан кейин туғилган қизларнинг номини Улуғбиби, Сайдинисо ва Тожинисо деб қўйдилар. Ойшабиби тўй-маъракаларда ғазал ўқиб, дутор чертиб, бутун маҳалла хотинларини оғзига қаратар, у иштирок этмаган йиғин совуқ ўтарди. Шу сабабли маҳалла аёллари Ойшабибини «Хуморбиби» деб чақирадиган бўлган. Шундан кейин Ойшабиби Хуморбиби бўлиб кетди.

Беш боланинг оласи бўлган Хуморбиби, меҳнатда тинимсиз бўлиб, аёлманд эри Мирзахўжага жуда раҳмин келар, унга кўмаклашиш қайғусини чекарди. Зотан, бир оддий новвой учун катта оилани тебратиш ҳазил гап эмас. Унинг устига тепаси ток билан қопланган Қўқонга хос тор ҳовли, зах, қоронғи биргина уйга қараб, ёш гўдакларни кийинтириш, тўйинтириш ташвиши Хуморбиби зиммасида эди.

Бу оғир ҳаёт хушчақчақ Хуморбибининг тинкасини қуритиб, дардга чалинтирди, у озиб-тўзиб ранги рўйи сарғайди, калта-калта йўталадиган бўлиб қолди. Келган



табиблар ташқарига чиқиб, акаси мулла Раҳматуллога Хуморбибининг сил касалига дучор бўлганини айтдилар.

Мулла Раҳматуллонинг боши қотди, бемор онанинг атрофида ўрмалашган жажжи қизчаларнинг кичикларини ўз уйига олиб кетиб, ёлғиз қизи Хайринисога қўшиб қўйди ва ўзи ҳар куни дори-дармон ташиб, сеvimли сингисидан воқиф бўлиб турди. Бироқ вақт ўтган эди, дори-дармон кор қилмади, Хуморбиби вафот этди.

Муҳаммад Аминхўжа эндигина ўн бешга кирган, Меҳринисо ўн учда, Улуғбиби ўн бирда, қолганлари тўққиз, етти ёшда онадан етим қолдилар. Мусибатзада Мирзахўжа жуда оғир аҳволда қолди, у ўз ҳаловатини йўқотиб, кечалари новвойхонадан қайтгач, рўзгор икир-чикирлари билан шуғуллана бошлади. Бундан воқиф ёру дўст ва айниқса, қайнагаси мулла Раҳматуллонинг ўзи бош бўлиб, Шалдирамоқ маҳаллалик Зиёдабиби номли болалик бир тул хотинга уни уйлантириб қўйдилар.

Ҳамма фожиа шундаки, Зиёдабиби ниҳоятда беандиша, оғзи ёмон, енгилтабиат аёл эди. Биринчи эри безор бўлиб, боласи билан ташлаб қочиб кетгану бошқа «харидор» йўламай беш йилдан бери тулликда дўппи тикиб, тирикчилик қилар эди. Мирзахўжа шўрликнинг ўз болалари камлик қилгандек, Зиёдабиби ўн икки яшар Ойшабиби номли папақ, хунук қизини етаклаб кириб келиб, ўша кунданоқ ўгай оналигини кўрсата бошлади...

Мирзахўжа оиласида даҳшатли кунлар бошланди: Муҳаммад Аминхўжага қизи Ойшани номаҳрам деб эълон қилиб, кирганда «Пўшт!.. Пўшт!..» — деб киришни таклиф қилди. Қизини ясаптириб ўтқазиб қўйиб, Меҳринисо ва Улуғбибига оғир-оғир ишлар буюрар, бир жеркиб бир бурда нон тутқизар, Мирзахўжа ярим кечада ҳориб келганда, ҳол сўраш ўрнига қизларини ёмонлай бошлар эди.

Қўп мулоҳазалардан кейин Мирзахўжа бир тўхтамга келди: «Менинг йўқлигимдан фойдаланиб, қизларимни куткилай берса, булардан ҳам ажраб қолишим турган гап!.. Муҳаммад Амин кўчаларда сарсон бўлиб қолди!.. Токай ҳаммактаби Миён Сотиболдихонга боқин бўлади?! Яхшиси новвойхона хўжайинидан жавоб олиб, тор ҳовлининг бир бурчагига тандир қуриб олай». У айтганини қилди, ҳар куни эрта билан болаларнинг олдида ўзи ун элаб, ўзи хамир югуриб, ўзи ёпиб, насияга нон

сотиб кела бошлади ва кейинчалик ўғли Муҳаммад Аминхўжа ҳам ўз уйига ботиниб кириб, отасига ёрдамлашадиган бўлди. Шу зайлда ҳаёт кечира бошладилар.

Орадан беш-олти йил ўтгач, Шалдирамоқдан Меҳринисога совчилар келишди. Қуёв бўлгувчи йигитнинг номи Дўстмуҳаммад бўлиб, касби мешкобчилик эди. Танийдиганлар уни паҳлавон бир меҳнаткаш, ҳалол йигитлигини айтдилар, енгил-елпи тўй қилиб, Меҳринисо Дўстмуҳаммадга узатилди, орадан бир-икки йил ўтказиб Улуғбиби Аччиққўл қишлоқлик Маллабой номли қассобга берилди, қолган иккитасини мулла Раҳматулло тарбияламоқда эди.

Муҳаммад Аминхўжа тоғаси мулла Раҳматуллонинг уйига укалариши кўриш учун ҳафтада бир бориб, тоғаси ва тоғасининг хотини томонидан қайноқ қарши олинарди. У ўқишларидан тоғасига «ҳисоб» берар, сўнг навбат шеърхонликка келиб тақалганда, тоғаси қизи Хайринисони чақирарди.

Гўзал Хайринисо ҳеч тортинмай келиб, Муҳаммад Аминхўжанинг ёнгинасига ўтирар, бутун вужудини қулоқ қилиб, ҳар бир банд, ҳар бир байтнинг маъзини чақар, баъзан ихтиёрсиз қарсак уриб юборар, унинг қарсағи ёш шоирни ҳаяжонга соларди...

Муҳаммад Аминхўжа кунларининг бирида яна тоғаникига, сингилларидан хабар олиш учун тўртта пойғир тугиб, кириб борди. Қизлар маҳалладаги қиз тўйига чиқиш тараддудидида эдилар. Тоға ўз қизига нимаикки муносиб кўрган бўлса, Сайдинисо билан Тожинисога шуни муносиб кўрарди, учаласини бир хилда фаранг дурра, Хўжанд ип арқоғидан кўйлак билан ясантирган эди. Муҳаммад Аминхўжани ҳовли ўртасида қайноқ кутиб олган Хайринисо, дадаси ёнига чопди.

Мулла Раҳматуллонинг касби заргарлик бўлиб, уйи ёнидаги кичик устахонасида олтин ойбалдоқ, узук, биллагузук ва бсзбандлар ясаб, мижозлари орқали бўлак шаҳарларга жўнатарди, мулла Раҳматулло ҳунарда таърифи бўлиб, бошқа заргарларникидан чаққон ва нархи ортиқ юрар эди.

Муҳаммад Аминхўжа келиноини ва сингиллари билан сўрашгандан кейин, Хайринисо кетидан кириб бориб тоғасига салом берди, қуюқ сўрашганларидан сўнг биргалашиб ташқарига чиққанларида Хайринисо нозик қарашлар билан Муҳаммад Аминхўжага савол ташлади:

— Янги ёзганларингизни олиб келдингизми?..

— Бўлмаса-чи... Олиб келдимۇ тўйга чиқиб кета-  
стибсизлар экан-да.

— Шунн айтнинг... Эсиз... Дадамга ташлаб кетолмай-  
сизми?..

— Бўпти! Ташлаб кетганим бўлсин...

Қулоқ солиб келаётган мулла Раҳматулло уй ос-  
тонасига етганда, орқасига қайрилиб қизига қа-  
ради:

— Мен сенинг ўрнингда бўлсам, аввал шеърни эшит-  
май тўйга чиқмас эдим. Тўй кечга бориб қизийди. Мун-  
ча шошмасаларинг?..

Хайринисонинг аяси айвонда сабзи арчиб туриб,  
эрининг сўзини қувватлади:

— Қизлар йиғилган бўлганда чилдирманинг товуши  
эшитилиб қолар эди! Дарров ечиниб чиқиб, менга қа-  
рашиб юборинглар! Утган сафар келганда Муҳаммад  
Аминхўжа ошга турмай кетиб қолган!

Бу гапни эшитган мулла Раҳматулло айвонга бўй-  
лаб кулди:

— Хайринисо ҳам сенга қарашса, шеърга ким баҳо  
беради? Муҳаммад Аминхўжа янги шеърлар олиб кел-  
ганга ўхшайди. Сенга кичик қизларинг қарашиб юбори-  
шар...

Кичик қизлар кулишиб, югуришиб юриб аллақачон  
чой дамлаган, патнисга нон тайёрлаган эдилар. Мулла  
Раҳматулло сўзини тамомламай, кичик қизлардан бири  
пиёла, дастурхон, бири патнисда нон кўтариб уйга ки-  
риб келган эдилар, улар бу хизматни бажариб, иккинчи  
хизмат учун пошшо аялари ёнига чопиб чиқдилар (тоға-  
ларининг хотини Сайдинисо билан Тожинисо пошшо  
ая деб атар эдилар). Хайринисо пойгаҳда одоб билан  
ўтириб, билагузук тақилган оқ билакларини эҳтиёткор-  
лик билан шимариб, пиёлаларни сочиққа артди, сўнг  
чой қуйиб, аввал дадасига, кейин Муҳаммад Аминхўжа-  
га тутди. Ўзини тағофилга солиб турган ҳушёр мулла  
Раҳматулло, ширин суҳбатга хамиртуруш бўлиб, гап  
бошлади:

— Бугун Хайринисонинг ўзи бошлаб берсин! Нима  
дединг, Муҳаммад Аминхўжа?.. Бу писмиқ ҳам шеър  
ёзади-ю, биздан яширади.

Хайринисо қип-қизариб кетди. Муҳаммад Аминхўжа  
қизининг қизариб кетган кулча юзига боқишга ботинол-

масди. Нафаси ичига тушган Хайринисо тутилиб-тутилиб дадасига жавоб қайтарди:

— Мен ёзган шеърлар ажи-бужи... Яхши шеър ёзишимга яна етти қовун пишиғи бор...

— Уқиб бермасанг ўқиб берма!.. Муҳаммад Аминхўжа ўқиб беради! Ол, жияним! Шу бугун яхши ғазал эшитгим келиб турган эди...

Муҳаммад Аминхўжа пиёлани эгасига қайтариб, ёнини ковлар экан, тоғасига деди:

— Ёмон шеър бўлса-чи?..

Тоғаси оғиз очмай туриб, тоғасининг қизи сўз қотди:

— Олинг-а!.. Ёмон эмиш!.. Сиз ёмон шеър ёзиб бўлсиз!..

— Қулоқ сол, қизим! Ҳозир ёмон шеърни эшитамиз...

Муҳаммад Аминхўжа одоб билан қоғозга кўз югуртириб чиққач, паст овозда дона-дона қилиб ўқий бошлади:

Ошкор ўлгай сирим ҳолим баён айлай десам,  
Тор кўнглим сиғдиролмайдир ниҳон айлай десам,  
Бу баҳор бирдам, дарифо, толенм ёр ўлмади,  
Ушлашиб қўл, сайри боғу бўстон айлай десам.  
Ишқ шартидан эмас сирри муҳаббат бўлса фош,  
Кўрқаман, кўздан сиришкимни равон айлай десам,  
Монини шавқим бўлур минг истиҳола халқдин,  
Гул юзинг кўрганда булбулдек фиғон айлай десам.  
Найлайин, сайд ўлди ҳолинг донасига жон қуши,  
Бир боқиб ҳуснинг, Муқимий, имтиҳон айлай десам.

Муҳаммад Аминхўжа ғазални шу ерига етказиб қоғозни буклади-да, рўмолча билан пешона терларининг артди, тоғаси, айниқса тоғасининг бўйига етган қизи ўтирганда муҳаббат тўғрисида «алжиллаш» одобсизлик эмасмикин?.. Яхши бўлмади шекилли...

Бу мулоҳаза ёш шоирнинг кўнглига ғашлик солиб, ўзи жим бўлиб қолди. Бу аҳволни сезган мулла Раҳматулло орага мутуйиба аралаштирди:

— Қолганини эшитмаймизми? Бу қанақаси бўлди? Ана холос.

Хайринисо бу сатрларга маржондек тизилган маънони ўзига олиб, қизиқ ҳолатда тингламоқда эди. У отасига қаради-да, кейин ерга боқиб, чойнакнинг қопқоғига кўз югуртирди. Мулла Раҳматулло яна сўз бошлади:

— Жуда равон, мазмунли, ошиқона ғазал машқ қилибсан, жияним!.. Қўлинг дард кўрмасин!.. Тағин ниманг бор?

— Энг тузуги шу...

Шу пайт Тожинисо югуриб кириб, Хайринисонинг қулогига аста шивирлади, Хайринисо чойни Муҳаммад Аминхўжага яқинроқ суриб қўйди-да, эҳтиёт билан ўрнидан турди:

— Қизлар чақириб чиқишибди...

— Майли-майли, қизим. Ундай бўлса тўйдан қолманглар...

Бир-икки ҳовли наридан чилдирма садоси аралаш кўпчилик қизларнинг қий-чувлари эштилмоқда эди. Қизлар шошиб-пишиб чиқиб кетдилар, мулла Раҳматулло суҳбат мавзунини бошқа томонга буриб ҳол-аҳвол сўрай бошлади:

— Мадрасага янги мутавалли тайинланибди деб эшитдим. Шу ростми?

— Рост!..

— Миён Сотиболдихон билан муросалари қалай?

— Яхши эмас. Бу ишдан Миённинг кўнгиллари олинган. Хужрага ҳам кам келадиган бўлиб қолдилар.

— Яхши бўлмабди. Анча мутакаббир одам экан дейишяпти...

— Иш кўрсатадиганга ўхшайди! Сезишимча, Миён мураббийларни олиб чиқиб кетиши эҳтимоли бор. Унда менга қийин бўлади! Уй аҳволи ўзингизга маълум, аямиз ноинсоф хотин! Камроқ кирсин деб, қизини мендан қочиради! Кошки, кўзим учиб кетаётган бўлса!..

Бир нафас жимжитликдан кейин мулла Раҳматулло сўради:

— Борди-ю, мадрасада қолишни истамасанг, мадрасан Хоқимойимдан ўзим истиқомат қилган хужрага борасанми?

— Майли!

— Агар Миён ўзи борадиган хужрага сени ҳам таклиф қилса ёмон бўлмас, бир-бирингизга ўргангансизлар. Агар ҳазратлиги тутиб кетиб, сени таклиф қилмаса, ялинма! Хужра тайёр!

— Хўп...

Қизлар ошни ҳам кутмай тўйга чиқиб кетган эдилар. Хайринисонинг аяси товоқда ош кўтариб кириб, буларнинг суҳбатини бўлди:

— Патнисни тоқчага олиб қўя қолинг, айланай...

Муҳаммад Аминхўжа бепарво қолгани учун узр айтиб, дастурхонни бўшатди. Ош устида учала қизнинг ақиллигидан гап бошланди. Қўл артилгач, фотиҳадан кейин Муҳаммад Аминхўжа тоғадан рухсат олиб, мадрасага кетди. Миён Сотиболдихон бугун кечгача ҳужрада бўлиб, Муҳаммад Аминхўжани уч-тўрт бор йўқлатган, Нохўш уч-тўрт бор Муҳаммад Аминхўжани кутиб, ҳовуз бўйига чиқиб келган эди. Қош қорайган, шом пайти Муҳаммад Аминхўжа ҳужрага кириб келди, Миён дўстини иссиқ қарши олиб, кайфиятини сўрагандан кейин гап бошлади:

— Биз эрта билан жиҳозларнинг бир қисмини олиб кетамиз, бир қисмини сизга қолдириб, мадрасаи Бекка кўчиб борамиз, сиз шу ҳужрада қоласиз! Шунчаки номигагина бу ерда қоласиз, аммо ўзингиз доимо биз билан бўласиз! Бу ўйлаб маслаҳат билан қилинаётган иш. Мен ҳаёт эканман, бу ҳужрадан сизни ҳеч ким чиқариб юбора олмайди. Агар бир томонга кетгудек бўлсангиз қулфлаб, калитини менга топшириб кетасиз. Вассалом!

Муҳаммад Аминхўжа бу дўстона самимий муҳаббат олдида лом-мим дейишдан ўзини ожиз сезди ва ўрнидан туриб қуллуқ қилди. Чунки, бу ҳужра аввало ҳовлига яқин, отага кўмаклашиб, вақти-вақтида кириб-чиқиб туришга ўнғай бўлса, иккинчидан, мана шу мутавалли ҳожи қаршисида яшаб, ижод қилиш кераклигини кўнглига тугиб қўйган эди. Мадрасаи Ҳокимойим эса ҳар эҳтимолга қарши ноиложликнинг иши.

Эртаси мадрасаи Бекдан муллаваччалар келиб, жиҳозларнинг бир қисмини аравага юклаб олиб кетдилар. Муҳаммад Аминхўжага енгил жиҳозлар қолди. Бу ҳужрага кирмоқчи бўлган мутавали ҳожи ҳар дуч келганда Муҳаммад Аминхўжага ер остидан хўмрайиб қараб кўяр эди.

Миён кўчиб кетгач, эски палос устида Муҳаммад Аминхўжа бир ўзи қолган эди. Энди кечалар тўпланиб жумбоқ ечишлар, устоздан қизиқ-қизиқ ҳикматомиз ҳикоялар тинглаб ҳузур қилишлар тугаган, мадрасадан равнақ кетган эди. Муҳаммад Аминхўжа ҳувиллаган ҳужрада бир ўзи гоҳи оч, гоҳи тўқ ўтиришга кўника бошлади.

Аммо кундузлари Йўлдошали, баъзан бошқа дўстлар келиб хабар олишар, баъзан Нохўш келиб, янги

ҳужрага бошлаб кетар, баъзан домла Халил чиқиб, Муҳаммад Аминхўжани уйига олиб кириб кетарди.

Ёш шоирнинг ҳавас билан ёзган ўтмиш қалам эгалари шеърларига ўхшаб кетадиган шеърлари ўзи тенгқур дўстлари, ундан қола берса тоғаси мулла Раҳматулло заргар билан унинг чиройли қизига манзур бўлар эди. Ўз оиласи ташқарисидаги, кишилар орасидаги зиддиятларни ҳали кўра олмаган истеъдодли, умидли ёш Муқимий ижоди учун ҳали кўп нарса етишмасди.

Мункайиб қолган бўлишига қарамай, фикран тетик, юз бераётган янгиликларни муҳаббат билан кузатаётган ва ёшларга дунёвий билим ўргатиб, шаҳарнинг мутаассиб улаمولари ҳужумига неча бор дуч келган маърифатпарвар устоз домла Халил, шогирди Муҳаммад Аминхўжанинг аҳволи руҳиясини ҳам синчиклаб кузатмоқда эди.

Билим эгаллашда, дунёга қарашда, шеърятнинг сара-пучагини ажратишда, бугун билан эртани, яхши билан ёмонни фарқ қилишда ўз шериклари орасида ажралиб турган ва шу туфайли домла Халилнинг диққатини ўзига жалб қила олган Муҳаммад Аминхўжа кейинги кунларда руҳий тушкунликда, ҳеч кимга аралашмай қоронғи ҳужрада ўзича хаёл сурадиган бўлиб қолган эди. Буни кўриб устознинг ташвиши орди, уни тез-тез уйига таклиф қилиб, гоҳ ширин сўз, гоҳ ништарли кинолар билан самимий мушоҳадаларини эшиттирар эди:

— Халқда: «Хафа бўлсанг қабристон айлан!» деган мақол бор. Бу мақол, балки тўғридир. Аммо мен сенга маслаҳат бераман, сен хафа бўлган кунинг қабристон эмас, тириклар орасида айлан! Тириклар орасида кез! Дағдағалар билан фарёдларга қулоқ сол! Ана ўшандагина нима қилиш керак, нима ёзиш кераклигини сенга тирик кишилар айтиб берадилар...

Муҳаммад Аминхўжа кечаси билан бу киноянинг мағзини чақиб, эртаси ёлғиз бозор айланди: бозор кунни, биров билан бировнинг иши йўқ, ҳар ким ўз хоҳлаган томонига шошилмоқда, ҳар ким «ўз кумочига кул тортиб», тирикчилик ташвишида, Муҳаммад Аминхўжа ҳеч кимни танимагандек, Муҳаммад Аминхўжани ҳам ҳеч ким танимас эди.

Нарироққа бориб, бир кишини таниб қолди, таниган кишиси ўзининг энг яқин кишиси, синглиси Меҳринисонинг куёви, жияни Рўзимухаммаднинг отаси Дўстму-

ҳаммад эди. У совуқ кунда елкасида оғир мешкопни кўтариб, Қорасув ариғидан самоварчилар хумига сув тўлдирмоқда.

Муҳаммад Аминхўжа ўзини панага олди, унга ачинди, кейин нарироқ кетди, қўлида бир китобни ушлаб турган, уст-боши хароб бир хотин паранжи ичида ўтган-кетганга ялинмоқда эди:

— Шу китобни олинг, иним!.. Зориққанымдан олиб чиқдим! Бу, меннинг бобомдан қолган табаррук китоб! Утин-кўмирсиз қолиб, олиб чиқдим! Иниларим, мен тул хотиннинг ҳожатини чиқаринглар!.. Муҳтожликдан бу китобни олиб чиқдим.

Муҳаммад Аминхўжа яқинроқ бориб, хотиннинг сўзига қулоқ солди, кейин китобга қўл узатди:

— Кўрсам бўладими?..

— Майли, кўринг! Олсангиз арзон қилиб бераман, ўғлим! Эҳтиёж ўлсин! Етимларимнинг дилдирагани бунини сотишга мажбур қиляпти! Нодирабегим ўз қўллари билан ёзган баёз! Бувам амир саройининг посбони бўлган эканлар, Бухоро хони саройни талаган кун бувам қочиб чиқа туриб, бу китобни отларнинг оёғи тагидан топиб олганлар! Раҳматли дадам бу китобни жуда мақтар эдилар...

Муҳаммад Аминхўжа китобни очар экан, бир ғазалга кўзи тушди:

«Қилмағил зинҳор изҳор эҳтиёж —  
Ким, азиз элни қилур хор эҳтиёж.  
Ҳеч ким оламда форигбол эмас,  
Ҳар ким ўз миқдорича бор эҳтиёж...»

Муҳаммад Аминхўжа ҳали бу «эҳтиёж»нинг охирига етмаган эдики, одам тўпланиб, бундай китобга эҳтиёжни йўқлар ҳам харидор бўла бошлади, баъзилар китоб нархи устида хотин билан баҳслаша бошладилар:

— Қани айтинг, кампир! Бу эски китобингизга неча пул берай?..

— Утин-кўмир эҳтиёжини қопласа кифоя! Ун танга беринг!..

— Уҳ-ҳў!..— деди, масхара аралаш бир харидор афтини буриштириб, — менга кераги йўғу, савоблик учун сизнинг ҳожатингизни чиқармоқчиман! Бир танга бераман!..



Унинг шу деганига, қани энди Муҳаммад Аминхўжанинг ёнида ўн танга бўлса-ю, хотинга бериб, кейин ўша харидорга айтадиган сўзини айтса! Ёнида ўн танга тугул, ўн чақа ҳам йўқ эди. Урта бўйли, ўнг бетиди холи бор, афт-боши башанг бир йигит индамай ўн танга санаб бериб, хотинни рози қилди-да, китобни олиб йўлига кета берди, хотин ҳам уни дуо қила-қила, ўз йўлига, тўпланган харидорлар ҳам ўз йўлига кетди. Муҳаммад Аминхўжа турган ерида қотиб қолди, сўнг жоменинг чап биқинидаги кўча билан Исфара гузари орқали мадрасага бора туриб, домла Халилнинг сўзини кўнгилдан ўтказди:

«...Қабристон эмас, тириклар орасида айлан!..»

Биринчи айланиш унда чуқур таъсир қолдирган эди, эртаси яна тириклар орасида кезди, севимли синглиси Меҳринисонинг куёвини яна оғир, совуқ мешкоп остида энгашиб бораётганини кўрди, тўни минг ямоқ бир кўса одам изғиринда яланг оёқ ўғилчасини етаклаб, най ча-либ тиланиб юганини кўрди, икки от қўшилган извош-да бир ўзи кеккайиб ўтириб кетаётган чақмоқи телпак, почапўстинликларни томоша қилди. Нарироққа бориб бир манзарага дуч келди-да, ўзини дўкон панасига олди, кексайиб қолаётган отаси — Мирзахўжа саватда нон кўтариб, чақириб ўтиб борар эди. «Кеп қолинг!.. Ёғлиқ пойгир!..»

Ҳали булар катта кўчадаги кўринишлар эди, булар олдида Муҳаммад Аминхўжа шунчаки томошабин, ҳаётнинг чуқур, нозик сирлари, ички манзаралари ундан ҳали пинҳон эди. Шундай бўлса ҳам кеча ва бугунги таассуротлар ёш шоирнинг қалбида чуқур излар қолдирди, у кечаси анчагача ухлай олмай, ўринда у ёқдан-бу ёққа ағдарилиб чиқди.

Кунлардан бир кун Муҳаммад Аминхўжа Шалдирамоққа, синглиси Меҳринисоникига бориб, жияни Рўзи-муҳаммад билан гаплашиб ўтириб қолди, қайтишда кўмир бозоридан чиқиб, Бойтакўприк<sup>1</sup>даги Шермуҳаммад баққол дўкони олдидан ўта бошлади. У ерда тери юкланган икки арава турар, Шермуҳаммад баққол билан уч-тўрт киши бир нима тўғрисида мунозара қилишмоқда эдилар. Шермуҳаммад баққол узоқдан Муҳаммад Аминхўжани кўриб бақирди:

<sup>1</sup> Бойтакўприк — Бойбўтабек кўприги.

— Ана-ана!.. Ана у мулла болага ялининглар!..

Шундай деб қўйиб, баққол Муҳаммад Аминхўжага ўзи мурожаат қилди:

— Келинг, жон ука, мана бу мусофирларнинг ҳожатини чиқаринг...

Муҳаммад Аминхўжа кўприкдан қайтиб, баққол дўкони ёнига келди. Икки аравакашнинг бири қўйиб, бири гапира бошлади, ҳеч нарсага тушунмаган Муҳаммад Аминхўжа «Ўзи нима гап?» маъносида баққолга қаради, баққол аравакашларни тинчитиб, изоҳлай кетди:

— Мирзарайим деган савдогар киши Тошкентдан тери харид қилиб, саводи бўлмагани учун адресни оғзаки тайинлаб берган экан. Бу аравакашларда ҳам савод бўлмагани учун ёзиб олмай, Тошкентдан Қўқонга жўнашибди, етиб келгунча адрес ёдларидан кўтарилибди, Қўқонга келиб, эрталабдан бери кўчама-кўча кўрингандан Мирзарайимнинг уйини сўрашибди, ҳеч ким айтиб бера олмабди. Агар эртага қолса, Мирзарайимнинг отини ҳам ёддан чиқариш хавфи бор, ўзлари ўлгудек чарчашган.

— Бизнинг илтимосимиз шуки, кўнчиликнинг оқсоқолига шу тери Тошкентдан, Мирзарайим томонидан юборилган, Мирзарайимнинг уйини кўрсатиб беринг деб хат битиб берсангиз.

— Хўп,— деди ёш шоир,— ёзиб берай, қоғоз, қалам топинг!..

Баққол савобга шерик бўлиш учун мамнуният билан қоғоз, қалам топиб берди, Муқимий дўкон олдига чўнқайиб, ёзди:

### Қўқон, кўнчилик оқсоқолига

«Тошкентдан жўнатдим беш юзта тери,  
Адресим Қўқондан нари ё бери.  
Аробакашлар ҳам бегона эмас,  
Тоғамнинг кўёви, аммамнинг эри.  
Ўзим савдогарман, аммо бесавод,  
Ортиқдир, саводдан текин бир мири,  
Тайинлаб берганман: уй қай кўчада,  
Ҳовлида ким бору ким мубошири.  
Элтиб, териларни туширсин тезроқ.  
Ўзимдай бужмаймай, қурмасдан жири!..»

Сўнг Муқимий шеър охирига тубандаги уч байтни ўзидан илова қилди:

Билмоқ мушкул турур, қай маховзорда,  
Катта қабристоннинг қайси бир ери?..

Ёзишни билмасанг, бундан баттар бўл,  
Будир, бесаводлар тавба-таъзири!  
Муқимий, изоҳга йўқдир эҳтиёж,  
Агар изоҳ қилсанг, қочар таъсири!..

Қоғозни тўрт буклаб, Муқимий аравакашларга топширди, аравакашлар раҳмат айтиб, отларини карвонсаройга ҳайдадилар, кўприкдан ўтиб, Муқимий қаймоқ бозори билан Беквачча маҳаллага йўл олди. Бу шеър Муқимий ижодида биринчи ҳажв эди.

Кечки изгирин бошланган, мадраса ҳужраларининг мўриларидан тутун бурқсимоқда. Айниқса, мутавалли ҳожининг ҳужраси бошқа ҳужралардан кўра ёруғ, дарпардага тушиб турган соялардан анча меҳмонлар борлигини пайқаб олиш қийин эмасди.

Муқимий ўз ҳужрасини очиб, ичкарига қадам қўйди: ҳужра совуқ, ўтин йўқлиги устига, шам ҳам кеча тамом бўлганини эслаб, узоқ туриб қолди, кейин пайпасланиб тўшакни ёзди-да, устида қунишиб ўтирди, бир кўрпани олиб устига ёпинди-да, ётиб хаёлга ботди:

«Хайринисонинг менга ўхшашлигини айтиб кўп кесатишади. Мен тоғамга ўхшаганимда, қизи менга ўхшаса ёмонми?.. Ўзи ўхшаса ҳам, бахти ўхшамасин, бахтсизлигим айниқса шу кеча ўзини кўрсатяпти!.. Майли! Бу кунлар ўтиб ҳам кетар, ўтиним ҳам бўлади, шамим ҳам! Ана ўшанда тонг отгунча ўтириб, Хайринисонинг менга меҳрибонлиги тўғрисида узун шеър ёзаману фақат ўзига ўқиб бераман, сўнг у менга қайта-қайта раҳматлар айтиб, шеърни қўлимдан олади...

Тоғам ҳам, келин ойим ҳам мени яхши кўришади. Бу яхши кўришларининг замирида, балки бошқа мақсадлари бордиру ҳозирча менга билдирмаётгандирлар... Тоғамнинг менга «бўш вақтларингда келиб, мenden заргарликни ўрган» дейишлари ҳам бежиз эмас, албатта...

Тоғамнинг айтишига қараганда ҳажга бормоқчи. Борса ярашади, олтини бор... Олтин бўлса оламни ке-

зиш мумкин! Қизини ҳам олиб кетармикин?.. Балки олиб кетмас, уни кувёга бериб, уйни топшириб кетар, балки бунга мени мўлжаллаётгандир. Агар шундай бўлса, қандай яхши бўлар эди, ўгай онанинг зиқнови, кўзи оч, юраги қора мутаваллининг турткисидан халос бўлар эдим... Йўқ, мен нотўғри ўйлаётгандирман! Тоғам қизини менга бермаса керак! Қайси фазилатимга кувё қилади? Илмим ҳам етарли эмас, шоирлигим ҳам! Унинг устига ҳозир қашшоқ, косиб отага боқиндиман! Мени ўйлаш учун ҳозир отамнинг қурби ҳам етмайди...»

Чувалашиб кетган хаёл калавасининг учини топиб олганча йўқ эди, кўзи уйқуга кетди, шу билан эрталаб эшик тақиллаганда уйғонди. Эшик тақиллатган Йўлдошали эди, қунишиб чиқиб, эшик олдида дўстини кўрди; устоз домла Халилнинг беморлиги, буларни хужрага тўплаб, бошларини қовуштириб турадиган Миён Сотиболдихоннинг мутаваллига зарда қилиб, мадрасан Бекка кўчиб кетгани сабаб бўлиб, ёш дўстлар бир-бирларидан узоқлашиб қолган эдилар.

Шошиб турган дўстини Муқимий хужрага қистамади, совуқ хужрага қисташдан маъно ҳам йўқ эди. Икковлари бориб, устозларини тавоф қилдилар, сўнгра Туяхона сўқмоғини босиб Ҳожибек гузарига, Йўлдошалининг уйига томон кетдилар.

Йўлдошалининг кичкина меҳмонхонаси ўзига хос шинам, токчада турли китоблар ораста, сандалда ўт баланд эди. Муқимийнинг танасига иссиқ югурди.

— Сандалнинг шуниси ёмонки, баданга иссиқ югуртириб, уйқуни келтиради...

— Сандал бўлмаса-чи?..

— Сандалсиз, ўтинсиз хужранинг шуниси яхшики, баданга совуқ югуртириб, уйқуни қочиради...

Иккиларининг кулгилари ҳали интиҳосига етганча йўқ эди, эшик тақиллатиб, Йўлдошалининг онаси икки чинни косада ширчай узатди, буни кўрган Муқимий қувониб, яна гапирди:

— Ўз онаси ҳаёт бўлган ўртоғининг шуниси яхшики, қачон нонуштага келсанг, ширчай ичиб кетасан...

— Ўз онаси бўлмаса-чи?..

— Ўз онаси бўлмаган ўз уйига ҳам сиғмайди...

— Кейинги онангиз зolimга ўхшайди...

Муқимий индамай, ширчайга нон тўғради, кейин салмоғи билан жавоб берди:

— Узимга эмас, отам бечорага ачинаман. Ювош эрни топиб бўйнига миниб олди!.. Бошқа гапга ўтайлик. Хўш?.. Табобат ишлари қалай кетяпти?..

— Мен дори ясашни ўрганиб, хитой тилини билиб олганимга хурсандман, табиб бўлса текин тилмоч топиб олганидан хурсанд. Энди менга рус тилини яхши билиб олиш қолди. Ҳозир ҳам чакки эмас.

Дўстининг бу гапларини эшитиб унга ҳаваси келган Муқимий, билинар-билинмас хўрсиниб қўйди:

— Узимнинг нима бўлишимга ақлим етмай қолди!..

— Сиз, дўстим, каттакон шоир бўласиз, сиздаги иқтидор зўр. Ҳозирги машқларингиз шундан дарак беради. Аммо мендан шоир чиқмайди. Бунга имоним комил... Оллоху акбар! Қани туринг, Муҳаммад Аминхўжа ака! Сизни бундан ҳам сандали иссиқроқ бир ерга олиб бормоқчиман, иккимиз ўша ерга мукаллифмиз.

— Менинг тоқатим кўпчиликни, айниқса нотаниш кўпчиликни унча...

Йўлдошали кулимсиради:

— Менинг ҳам кўпчиликка тоқатим йўқ! Аммо борадиган жойимизда уч-тўрт шеър мухлислари бўлишади, улар сизга ихлосманд бўлганликлари учун, олиб боришга ваъда берганман. Туринг энди...

Икки дўст сўзлашиб, Чалчиқ гузари орқали Янги чорсувга етганларини сезмай қолдилар. Йўлда Муқимий Нодиранинг қўлёмаси тўғрисида сўзлаб берар, Йўлдошали эса, олган ёш йигитнинг афт-башарасини суриштирар эди. Янги чорсувдан мадраса томон кўтарилганларида мадраса жиловхонасида буларни қўл қовуштириб бир ёш йигит кутиб олди. Бу йигит сандиқсоздан чиққан ёш шоир Усмонхўжа Зорий эди.

Бир кичик ҳужрага тўпланган ёш йигитчалар Муқимийни ортиқ ҳурмат билан кутиб олдилар. Йўлдошалининг тавсиясича, бири Сулаймон қишлоқлик Насриддинхўжа — Нусрат, оқерлик Муҳаммадқул — Муҳайир ва ҳалакитжонлик Ермуҳаммад — Ерий билан, ташқарида кўришган Усмонхўжа Зорийлар эдилар. Бу ажойиб, чеҳраси очик, қалби самимият ва муҳаббат билан тўлган ҳамкасблари билан танишишга сазовор бўлганлиги учун Муқимий беҳад қувониб кетган эди.

Озода ҳужра жиҳозларининг соддалиги худди ҳужра эгаларининг ўзларига ўхшар, улар хуштавозе, хушмуомала ва одобли эдилар. Бу камбағал толиби илмлар-

нинг дастурхонларини қишлоқда қуритилган ўрик, майиз, сутга юғурилиб, андак суви қочган кулчалар безатиб турар, устига Навбахор гузари гиждапазларининг қаймоқ маза берадиган қизил гиждаларидан тўртта қўйилган эди.

Муқимий бу ёшлар билан худди эски қадрдонлардек яйраб гаплаша бошлади.

Муҳайир чаққонлик билан ҳолвайтар қилишга уришиб кетди, қолганлари сандал атрофида Муқимийнинг саволларига мамнуният билан жавоб бериб ўтирар эдилар. Шу пайт бир нарса Муқимийнинг ёдига тушди:

— Дарвоқе, биз ҳозир Дахман шоҳоннинг биқинида ўтирибмизми?

Зорий қўл қовуштириб жавоб берди:

— Шундай!.. Шундай ёнимизда. Ундан нарида «Дахман модари хон», яъни Нодирабегимнинг дахмаси..

Нодирабегим номи зикр қилиниши билан Муқимийнинг ёдига китоб тушиб кетди, жим туриб қолди.

Суҳбат шу ерга етганда эшикни очиб, даҳлизга биров кирди:

— Ҳолвайтарнинг ҳиди бутун мадрасани тутиб кетди. Салом йигитлар!..

Бошида кулоҳ, устида узун малла кўйлак, қўлида тасбеҳ билан бир йўгон, серсоқол одам кириб келди, ҳаммалари ўринларидан туриб, юқоридан жой бўшатишга мажбур бўлдилар. Бу одам мадрасая Бекда истиқомат қилувчи кекса қорилардан бўлиб, саводсиз, фазлсиз, суҳбатни совуқ, текин овқат қидириб юрадиган Зуннун қори эди. Узундан-узоқ фотиҳа ўқиб бўлгач, қозонга бўйнини чўзди-да, узоқдан ҳидлади:

— Ҳай-ҳай-ҳай!.. Бировни истаб келиб, бунга насибамиз қўшилган экан-да!..

Муқимий сакраб туриб ташқарига чиқиб кетди, унга Йўлдошали ҳам эргашди. Муқимий анча бўғилган эди, Йўлдошали кулиб деди:

— Мутавалли ҳожингизни кўргандек бўлдингизми?..

— Нимасини айтасиз! Ҳолвайтарнинг баҳридан ўтиб, жўнай қолмаймизми?..

— Ёшларнинг кўнгли озор топади. Яхшиси, кириб ўтириб, бир ҳажв бошлаймиз, ёшлар ҳам иштирок этишсин. Бу ҳўкиз нуханинг саводи йўқ, деб эшитаман, фақатгина қори..

Муқимийга бу гап маъқул тушди. Шу йўл билан бу тўрттала мезбоннинг қаламларини ҳам синаб кўришни ўйлаб қайтиб ичкарига кирди ва қоғоз, қалам олиб, икки сатр ёзди-ю, аста ёнида ўтирган Ёрийга узатди:

Қолвайтаримиз яшиган эди, туз аралашди,  
Шеър анжумани тўзди, уят сўз аралашди.

Ёрий ҳам бир байт қўшиб, аста ёнидаги Муҳайирга узатди:

Силлиқ тўқилур пайтида ашъори банорас,  
Рашк этди фалак, ўртасига бўз аралашди.

Муҳайир ҳам мушоирага шу байтни қўшиб, ёнидаги Зорийга оширди:

Нозик неча таъб, аҳли фаросат эди бунда,  
Бир фаҳми патак, таъби тўқимдўз аралашди.

Зорий ҳам билдирмай қуйидаги байтни ёзиб, Нусратга берди:

Кирди сўрамай ҳужрага, ўт роҳати жон деб,  
Сандалдаги чўғ ўчди, унга муз аралашди.

Нусрат ҳам аста шошилмай бир байтни мондалаб, ёнидаги Йўлдошалига узатди:

Яхшики ўзи кирди, қолиб бошқаси унда,  
Зуннун қорининг бир ўзи ялғуз аралашди.

Йўлдошали ёзилганларнинг ҳаммасини кўздан кечириб, охирига шундай деб ёзди:

Пайкални топиб холи, емоққа ширан шарбаг,  
Расвойи жаҳон айлади, тўнғуз аралашди.

Дунёдан беҳабар, нафс балосига гирифтор бўлган Зуннун қори унгача тўртта нонни чой билан паққос тушириб, энди қолвайтарга иштаҳа сақлаб турган эди, бир киши чақириб келди:

— Зуннун қори почча шаттадилар?..

Ҳаммалари баб-баравар жавоб бердилар:

— Ҳа! Шатталар!..

Салом бериб кирган бу муаззин, қори Зуннундан кўйиб кетди:

— Хатми хўжа борлигини ёдларидан фаромуш қилдиларми, қорим! Сизни кутиб, дастурхон сололмай ўтирибмиз!

— Оббо!..— деди Зуннун қори йигитларга қараб,— насибамни олиб қўярсизлар-да!

У шошиб, ҳужрадан чиқиб кетди, ҳаммалари ўша истаб топган муаззиннинг отасига раҳмат дедилар ва бошқа нон олиб келиб, хотиржам ҳолвайтарни ея бошладилар.

Шундай қилиб, бу кун жуда кутилганидан ҳам кўнгилли ўтди. Ажойиб дўстлар топиб олганлигидан қувонган Муқимий, йўлда бора туриб, Йўлдошалига миннатдорчилик билдирди.

Йўлдошали чин дўсти Муқимийнинг миннатдорчилик изҳор этишига табассум билан қулоқ солиб, эртага яна бир ажойиб шоир билан таништирмоқчи бўлганини, бу шоир, Муқимий билан учрашиш, дўстлашиш учун иштиёқмандлиги ва бу тўғрида Йўлдошалига илтимос бўлганлигини сўзлади.

— Ҳар кун бир аҳли фазл билан танишсак, бир ойда ўттиз аҳли фазл билан танишган бўламиз! Ахир мени жуда ҳаволантириб юборасиз-ку, мулла Йўлдошали?

— Уларни сиз билан таништирганим учун фахрланаман. Эртага сизни ажойиб бир йигит ва унинг ошноси бўлган рус табиби билан таништираман. Рус табиби Қўқонимизга сургун бўлиб келиб қолган экан. Айтишларича, адабиёт аҳлларига муҳиб, фазилатли кишиларга мухлис эмиш. Ундай кишилар билан дўстлашиш фойдадан холи эмас...

— Ана холос!.. Эртанинг иштиёқи каминани бу кеча нари олиб бориб, бери олиб келадиган бўлди! Жуда ажойибсиз-да!

Исфара гузарига етиб, иккилари икки ёққа: Ҳожибек гузари билан Беквачча томонга бурилишар эканлар, қуюқ хайрлашиб айрилишдилар. Муқимий мадрасага кириб, ўз ҳужраси олдида ярим саржин келар-келмас жийда ўтин ва бир жун қопда пистакўмир кўрди. Ўтин келишининг овозаси анчадан бери бор эди-ю, аммо бу танеиқ писта кўмирни ким келтирганлиги шоир учун қо-



ропғи эди. Хужра қулфига қистирилган хат бу муаммо-ни ойдинлаштирди: «Хурматли шоир Муқимий. Биз ко-сиб дўстларингиз истаб келиб, кўриша олмай қайтдик, саломатликни берса яна истаб келурмиз, сизнинг «Соян-дирменки» шеърингиз биз косиб хонандаларга ман-зур бўлиб, куйга солдик, уни ҳамма ҳузур қилиб эшит-моқда.

Косибнинг ҳоли косибга маълум. Гарчи таниш бўл-масак ҳам, сизнинг ҳолингиз бизга маълум эди, бу қў-шиқни совуқ хужрада тўшак ёпиниб ўтириб ёзганингиз бизга аён. Шунинг учун биз дўстларингиз ўзаро пул жамғариб, сизга ўтин, кўмир олиб келдик ва буни малол олмай, қабул қилгайсиз деб умидвормиз. Навбахор ма-ҳаллалик косиб ёшлар».

Ўтин, кўмрдан кўра Муқимийни бу алағали самн-миёна хат бениҳоя қувонтирган бўлса ҳам бир нарса шоирни ҳайрон қолдирди. Ёзган мухаммасини ҳали ҳеч ким ўқимай туриб, косиб йигитлар қаёқдан кўчириб олишди экан?

Ҳа, эсга тушди! Бундан бир ҳафта олдин Муқимий мадрасаи Бекнинг ўнг биқинидаги атторликка кирадиган тор кўчада уста Қовул деган сартарошга соч олдир-ди. Соч олиниб бўлгач, уста Қовул дўконини холи қи-либ, эшигини беркитди, нон синдириб чой тутди ва кўк-сига қўлини қўйиб, шоирга ўзини танитди:

— Хунарим сартарошлик бўлса ҳам шеърят мухли-си бўлганлигимдан ўзимни бахтиёр ҳисоблайман. Мени ўз мухлисларингиздан билиб, оринмасдан янги ёзилган шеърлардан ўқиб берар экансиз, менинг бошимни кўкка етказган бўлурсиз...

Муқимий уста Қовулга муҳаббат билан қараб қолиб, кейин ёнини ковледи-да, бир қоғоз чиқазди:

— Уқиб берсам кифоями?..

— Уқиб берсалар кифоя...

Муқимий мухаммасни ўқий бошлади:

Соян-дирменки, боқмас офтобим ким десун,

Бора-бора кетди қадрим, интихобим ким десун,

Бир ўқитмайдир битиб берган китобим ким десун,

Ул тағофил пешага ҳоли харобим ким десун,

Ҳажрида мундоғ мени кўрган азобим ким десун...

Шоир учун яхши эшитувчи керак, яхши эшитганда ҳам бутун вужудини қулоқ қилиб эшитиб, ҳар бир сатр-

нинг мағзини чақиб, унга баҳо бера оладиган эшитувчи керак. Шундагина шоирнинг ҳордиғи чиқади. Уста Қовул ана шундай чинакам эшитувчилардан чиқиб қолди.

Муқимий ўқир экан, уста Қовул гоҳ «Ҳай-ҳай!..»— деб бақириб юборар, гоҳ афтини бужмайтириб, ачинганнамо «ух-ух-ух!..» деб юборар, гоҳ Муқимийдан ўша сатрнинг қайта ўқилишини илтимос қилар эди.

Муқимий мухаммасни охирига етказиб қоғозни гиламча устига қўйди-да, пиёлада совуб қолган чойни хўплади:

— Раҳмат, уста! Сиздаги завқ ҳаммага ҳам муяссар бўла бермайди! Бу фазилатингиз билан каминани ўзингизга мухлис қилдингиз...

— Муҳаббатингиз учун миннатдорман.

— Керак бўлса, бундан бир нусха кўчирингиз мумкин.

— Ҳожати йўқ! Бир эшитдимми, шу ўзи кифоя, бошдан-оёқ менга ёд бўлиб қолади. Менинг ҳам ўзимга яраша шинавандаларим бор, улар соч-соқол олдириш баҳонасида мендан шеър эшитиш учун келадилар. Тошкентдан тери юклаб келган аравакашларга ёзиб берган ҳажвиянгиз ёдингизда бўлса керак...

— Ажабо! Ундан ҳам воқиф экансиз-да?..

— Бу ҳажвиянгиз уч кундан кейин менинг қўлимга тушиб, ўша куни ёд бўлди. Бу шеърингиз шаҳарга шундай тарқаб кетганки, бундан сиз хабарсиз бўлсангиз керак.

— Шундай!.. Сиз қизиқ одам чиқиб қолдингиз!..

— Нимасини айтадилар! Қизиқ одам чиқиб қолганимдан ўзим ҳам беҳад хурсандман!..

Муқимий шимарилиб, ҳужра даҳлизига саржин ўтин тахлар экан, уста Қовулнинг бу сўзларини хотирлаб, ўзидан-ўзи кулиб юборди ва «Соиядирменки» мухаммаси ўша косиб ёшларга уста Қовул орқали етиб борганлигига қаноат ҳосил қилди.

Жийда ўтини жийда каби қизил аланга бериб, ўчоқда чирсиллаб ёнмоқда эди. Учоқ орқасига қўйилган кичик қумғонча ҳам завқ билан аввал хуштак чалиб, кейин хиргойига ўтди. Муқимий ўчоқ биқинига тўшак тўшаб, унинг устида, қизил аланга шуъласида қоғозга сатрлардан нақш берар экан, гоҳо қисқични олиб ёнаётган ўтинларни тузатиб қўяр, гоҳ патнисга қўл узатиб, тўғраб қотирилган бурда нонни оғзига солиб, тиши би-

лан ушатар ва уни милкида нэввот сўргандек сўриб, қамши қаламини довтга чўзарди.

Бу кеча учун мўлжалланган ўтин ёниб, чўққа айлангандан кейин, уни олиб сандалга солар экан, шоир кўнглидан ўтказди:

— Мен уларга, уларнинг юрагига, муҳаббатига мос қўшиқлар ёза оламан, улар куйга солиб айтадилар, бутун шаҳар куйлаганларини эшитади! Ҳатто қулоғи кар масжид, мадраса ҳам, унинг такаббур мутаваллилари ҳам эшитади! Шунда ҳордиғим чиқади!..

Шоир уч соат чамаси дам олгач, отасига қарашниш учун тонг чоғи ҳовлига борди. Ҳовлидан иккита пойғир қўлтиқлаб келиб, энди нонушта тараддуида эдики, ҳужрага Йўлдошали кириб келди. Унинг оғзи қулоғида эди.

— Биласизми, эшон? Мен нега хурсандман?.. Билмайсиз. Бунга ўзим айтиб бера қолай! Қелсам ҳужра қулф экан, устознинг зиёратларига кирдим, суҳбат орасида сизни кимлар билан учраштирганим, энди кимлар билан учраштирмоқчилигимни айтиб бердим. Бу ишларим устозга маъқул бўлиб кетиб, менга лақаб бердилар.

— Муҳаммад Аминхўжани энди халқ Муқимий деб таний бошлади. Сени ҳам халққа бир лақаб билан танитишни истайман! Сенинг лақабинг Мавлавий бўлсин, халққа Мавлавий Йўлдош бўлиб танил!..— дедилар. -

— Қалай? Бу лақаб сизга ҳам манзурми?..

— Қутлуғ бўлсин, дўстим Мавлавий Йўлдош!..

Чойдан кейин Мавлавий Йўлдош фотиҳа ўқиб ўридан қўзгалди:

— Туринг, эшон ака!

— Борадиган еримиз олис эмасми?

— Олис бўлса нима? Кўнгилли сафарнинг олис бўлмайди.— Иккалалари мадрасадан чиқиб, Бекваччадан тўғри Гишткўприкка, сўнг тароқчилик билан Катта чорсув томон йўл олдилар. Қаёққа, кимнинг ёнига бораётганларидан Муқимий воқиф эмас эди. Нарироққа бориб, Мавлавий Йўлдош Муқимийни читфурушлик растасига бошлади, ундан ишфурушлик растасига бурилдилар.

Бугун бозор кунга эмас, унинг устига вақт эрта бўлганлиги сабабли дўкондорлар дўконларини хотиржамлик билан очиб, ранг-баранг атлас, ипарқоқ, шоҳи жўраларни тартибга солмоқда эдилар. Мўъжаз бир

дўкон эгаси орқасини ўгириб, ипакли матоларини кўздан кечираётган эди, Мавлавий Йўлдош тўхтаб, ёнидаги Муқимийга «мана шу йигит...» дегандек қараб олдида, қўлини қовуштирди.

— Ассалому алайкум!..

Дўкондор йигит орқасига бурилиб Мавлавий Йўлдошни кўргач, шошиб қолиб маҳсичан ерга тушди:

— Ана холос!.. Ана холос!.. Бу кўришмоқнинг шукрини қайси тил билан адо этишим мумкин? Ҳасанот!..

— Етишолмай юрган кишингизни бошлаб келдим, мулла Зокиржон!..

— Рухсат берилса, қучоқлашиб кўришсам!

Зокиржон ҳали илтимосини тугатганча йўқ эди, қаршисида Муқимий қулоч ёзди, иккалалари узоқ қучоқлашиб, сўзсиз юзларини юзларига суртдилар.

— Истаб бора олмаганим учун афв этасиз, эшон ака! Бунинг сабаблари бор. Уни сизга бафуржа айтиб бераман. Марҳамат қилинсин...

Муқимий билан Мавлавий Йўлдош дўкон олдида қўйилган узун курсига ўтириб, фотиҳа тортдилар, дўкон эгаси бир болани хизматга буюриб, ўзи дўконга чиқди:

— Хуш кўрдик, эшон ака! Хуш кўрдик, Йўлдошали ака!..

Муқимий бу мўйловсабз, оқ юз, қирра бурун, қора кўз дўкондор йигитга ўгирилиб шундай деди:

— Мумкин бўлар экан, энди Йўлдошали ака дейилмай, Мавлавий ака деб аталинса... Устозимиз томонларидан шу лақаб тавсия қилинди.

— Жуда ҳам муносиб тахаллус тавсия этилибди. Бунни бажонидил қутлуғланади.

— Қуллуқ! Аммо шу тахаллусни муносиб кўрсаларингиз...

Муқимий савол назари билан Мавлавий Йўлдошга тикилди. Бу тикилишда, дўкондор йигитни менга яхшилаб танитмадингиз-ку, деган маъно бор эди. Мавлавий Йўлдош ўз хатосини дарров пайқаб:

— Мулла Зокиржон! Мен бир хато иш қилиб қўйганимни ҳозир англадим,— деди.— Бунинг учун ҳар иккингиздан кечирим сўрайман. Дўстим Муҳаммад Аминхўжа Муқимийга сизни тўла, мукамалроқ таништирамай туриб, бошлаб келганим яхши бўлмади...

— Менимча, ундай эмас, бунни хато дейилмаса ҳам бўлади, шошганда ўз укасининг номини ёддан фаромуш

қиладиган акалар ҳаётда учрайди. Шунга ўхшаш номим ёдингиздан кўтарилган бўлиши мумкин. Аммо ҳозир мулла Зокиржон деб илтифот қилганингиз хотиримда бор. Мулласини олиб қўйиб, Зокиржон дейилса ҳам бўла берар. Чунки, каминада номимга қўшиб айтилиши учун ишфурушлик фазилат эмас, мен бу фазилатдан безорман.

Зокиржоннинг бу қисқа, лекин маъноли сўзидан Муқимий қаноат ҳосил қилгандек жилмайиб қўйди. Бу айтилган сўзлар бирни икки қилиш ниятида савдога ҳирс қўйган аҳли растанинг сўзи эмасди, фазл истаган, дўкандорликни ўзига эп билмаган, бағри кенг, меъдаси тўқ, қалби тоза, мақсади олижаноб бир киши Муқимий кўз олдида гавдаланди. Шундан кейин Мавлавий Йўлдошга Муқимийнинг ҳурмати яна ошди.

Зокиржон билан Мавлавий Йўлдош олдин таниш эмас эдилар, ўзларининг айтишларига қараганда, иккалалари Янги шаҳардаги томоша боғда кечалари бўлиб турадиган рус йигит-қизларининг рақс базмларида танишган эканлар. Зокиржон шундай кечаларга тамоман бошқача, яъни европаликлар кийимига ўхшаш либосларда борар, рус йигит-қизлари ҳам Зокиржонни яхши таниганликлари учун унга рус тилида мурожаат қилар эдилар. Зокиржон уларга русча жавоб қайтарар эди. Ҳатто Зокиржонни рус қизлари рақсга таклиф қилганларини Мавлавий Йўлдош ўз кўзи билан кўриб, завқи келган эди.

Мавлавий бунни Муқимийга айтганда Зокиржон кулиб, унинг гапини тасдиқлади. Муқимий ҳам шундай рақс кечаларини узоқдан бўлса ҳам кўргиси келди. Аммо бунни уларга айта олмади. Чунки айтишга бир нарса йўл бермас эди, у ҳам бўлса, Муқимий устидаги кўҳна кийимларнинг томоша боғларига кийиб бориш учун номуносиблиги эди.

Зокиржон жуда чиройли йигит экан. Унинг нозиктаъб, хушфаросат, ширин мақол, соҳиб жозиба эканлиги унинг чиройига чирой қўшган эди. Узининг камтарлик билан изох беришича, «булҳавас»лик билан унча-мунча ғазал ҳам машқ қилган эмишу, ҳали ҳеч кимга кўрсатмаган эмиш. Бунни эшитган Муқимийнинг Зокиржонни яна қучиб ўпгиси келиб кетди.

Зуваласи пишиқ бўлган Зокиржон жуда ёшликдан хат машқига киришган эди, у ёзган хатни одамлар қўл-

га олиб томоша қилар эдилар. Ўзи ҳусида хатидан қолишмас эди. Хоҳланг — хатини томоша қилинг, хоҳланг ўзини... Бу хушхат йигитча қашшоқ бир кишининг ўгли эди, қашшоқ онлага мадад бўлмай деб, ёшлигидан мирваликка ёлланиб, аввал марғилонлик Охунжонбойга мирзалик қилиб, кейин Марғилон растасида бир дўкон очди, сўнг Қўқонга қайтиб келиб, растада ишфурушлик қила бошлади.

Зотан, у замонларда Зокиржондек илм ва адабиётга берилган ёшлар учун ё бировга мирза, ёки бир дўкондорнинг гумаштаси бўлиб, хизматини қилиш ёки ўзининг қурби етса бир дўконча очиб, сабаби тирикчилик билан машғул бўлишдан бошқа илож йўқ эди. Мана шундэй ёшларнинг баъзилари майда савдогарчилик орқасида бойлик орттириш кетидан кетсалар, баъзилари шу имкондан фойдаланиб, илму фазилат орттиришга уринар эдилар.

Зокиржон шу кейинги ёшлар тоифасидан бўлиб, дўкондорчиликни фақатгина моддий зарурат воситаси деб билар, кечқурунлари мадрасага қатнаб, илм ўрганар, улуг устозлар асарларини мутолаа қилар, ўқир, ёзар, кунт билан машқ қилар ва буюк мақсад чўққилари саритинмай интиларди.

Дўкондор бўлганлиги сабабли унинг улфатлари кўпроқ ёш, ўспирин дўкондор бойвачча йигитлар бўлмай иложи йўқ эди. Бу улфатчилик аста-секин яхши кийиниб, извошда Янги шаҳар кўчаларини сайр қилиш, томоша боғлардаги рақс кечаларига бориш ва ресторанларда кайф-сафо қилишга бошлаган эди.

Бизнинг Зокиржон ҳам шулар орасида, улар кийган жужунча камзул, ғарчи искалош<sup>1</sup> ўз ҳусни, қадди-қомати билан бошқа улфатларидан кўзга яқинроқ эди, шунга қарамай, қалбининг софлиги уни ҳар қандай бачканалик ва ёмон йўлдан сақларди.

Зокиржон билан хайрлашиб, икки дўст растадан чиқдилар ва жоме кўчаси, саррочлар растаси олди билан Катта чорсувга юрдилар, йўлда уларнинг суҳбаги ҳамон Зокиржон ҳақида борар эди. Катта чорсувни босиб ўтиб, Қорасув бўйига бурилганда Мавлавий Йўлдош суҳбатга хулоса ясади:

---

<sup>1</sup> Иск алош — кавушли этик. Бир вақтлар ёшларга расм бўлган эди.

— Бедард, енгилтак улфатлар ҳали унинг феъл-атворига сироят кўргаза олмаган бўлса ҳам, шеърларига жузъан таъсир қилган, Зокиржон жуда силлиқдўз, ҳассос шоир бўлиб етишаётганлигига қарамай, шеърларида ҳали дард кам, мазмунан ҳали оммадан узоқда! Уни ҳам сизга қўшиб жафокаш одамлар орасига бошлаб киришни ўз инсоний бурчим деб ҳисоблайман.

Иккалалари пастқам тор кўчага бурилиб, атрофи чечанланган кенг майдончани босиб ўтиб, чорхари катта хонага кирдилар. Бир неча чорчўида ёнаётган гулхан ва гулхан атрофида чойхўрлик қилиб ўтирган кексаю ёшларни кўриб, Муқимий таажжубланди.

Қира беришдаги ўчоқда қумғонлар қайнаб тошмоқда эди, ўчоққа яқин супа устида ўтирган чанбар соқол мўйсафид киши: «Марҳамат, азиз меҳмонлар!»— деган эди, қафасдаги тўти ҳам худди ўша сўзни қайтарди. Бу мўйсафид шу такянинг эгаси Ҳамшира бойвачча эди, унинг ишораси билан бир дастёр бола тўрдаги гулхан бўйидан жой ажратиб, кўрпача ёзди ва буларни ўша ерга таклиф қилди.

Муқимий билан Мавлавий Йўлдош ҳали ўтириб бўлганларича йўқ эди, яна бир бошқа йигит чой ва бир патнисда икки ёғлиқ кулча келтириб, «Хуш кўрдик»,— деди-да, тисарилиб узоқлашди, буларга жой берган икки мўйсафид киши яна ўз суҳбатларини тўхтаган еридан давом эттирдилар:

— Туппа-тузук одамлардан шу гапни эшитгандан кейин, тасбеҳу саллага, муфтию аъламга бўлган ихлосимдан қайтдим!..

— Қаерда учратсам икки букилиб салом бериб ўтар эдим. Ҳали шунақа денг?.. О, падар лаънат-эй!..

Андак сомеликдан кейин Мавлавий Йўлдошнинг дангалчилиги тутиб кетиб, нотаниш кексаларнинг суҳбатига суқилди.

— Гап ким устида кетяпти, амакилар?..

— Эй, қўя беринг, ука...

Иккинчи чол ёнидаги шеригининг тиззасига босиб, жавоб берди.

— Ҳасанхон аъламини танийсизми? Ҳалиги, серсавлат бетавфиқ!..

— Ҳа-ҳа!.. Танийман.

— Ўша бетавфиқ тўғрисида гаплашаётган эдик.

— Биз ҳам эшитсак бўла берадимиз? Агар бемалол бўлса...

— Уйда иккита ойдек хотини бўла туриб, хуфия фўҳишалар билан айш-ишрат қилар эмиш!

Иккинчи чол ҳам нафратланиб туриб:

— Бу аблахнинг дастидан маҳалласидан паранжили қиз-жувон ўтолмас экан! Хушомад қилар экан!..— деди.

— Ким айтади уни мўйсафид, илмли уламо деб! Буни қаранг!

— Хушомад қилишини айтасиз, уста Пиримқул! Қайтиб ўтишини пойлаб, кунни кеч қилишини айтмайсизми!

Машҳур яҳудий ҳофиз Райҳонни оддий халқ жуда ҳурмат қилар эди. Чойхўрликка кирган санъаткор ўтирганларнинг илтимосини рад этолмай, танбурни уйдан олдириб келди, «Қўқон ушшоғи»га Зебинисо Аврангзебнинг «Инжост»ини айтишга бошлади, суҳбатлар тўхтаб, кенг хона жим бўлди. Унинг ширали товушига қулоқ бериб, Муқимий ихтиёрсиз тебрана кетди. Мавлавий Йўлдошнинг наздида Муқимий шу ўтирган шинавандаларнинг ҳаммасидан кўра кўпроқ тинглаб, ўлмас ғазалнинг ҳар бир сатрини қалбига жо қилиб олаётгандек эди.

Чойхўрлик пировард бўлиб, кишилар тарқала бошладилар, Мавлавий Йўлдош билан Муқимий ҳам аста туриб, Ранс маҳалла билан Исфара гузарига йўл олдилар.

Муқимий учун бугунги таассурот яна ҳам кўнгилли бўлган эди. Яна жийда ўтин гулхани ёнида узоқ вақт бир нималар машқ қилди, гулхан ёниб бўлгач, чўғни сандалга олди, яна одатдагича сандал четида узоқ ва ширин хаёллар оғушида уйқуга кетди. Эрталаб уйғониб, ҳовлига чиққан эди, ҳужра олдида кутиб ўтирган уста Қовулни кўрди:

— Келинг-келинг!.. Ҳужрага марҳамат! Келганингизга кўп бўлдими?

— Ҳаял ўтган йўқ. Кеча келиб, тополмай қайтиб кетган эдим...

Ҳужрага кириб ўтиришгач, Муқимий қумғон остига ўт қалади, уста Қовул қўлтиғидан иккита ширмой ва қоғозга ўроғлик пашмак чиқариб, сандал устига қўйдида, пиёлаларни юва бошлади:

— Биз томонга ўтмай қўйдилар?..

— Фурсат бўлмади. Аммо бугун албатта бораман деб қасд қилган эдим. Ўзингиз заи келдингиз-да...



— Нонуштани бирга қиламиз деб, уйдан тўғри кел-  
япман.

Чойдан кейин уста Қовул фотиҳа тортиб, ўрнидан  
кўзгалди:

— Энди менга рухсат берадилар, бориб дўконни  
очай... Ўзлари ўтсалар ўшанда оламанми?.. Янги ҳажв  
шеърларидан бўлса.

Муқимий кулимсираб, жузгир орасидан бир қоғоз  
чиқариб берди:

— Сиздаги жасорат, каминани ёзмаганимга қўйма-  
япти.

— Шундай, эшон ака! Аммо жасорат билан ёзилма-  
ган шеър менинг дўконимга аламзада шинавандаларни  
тўплай олмайди.

Уста Қовул дўконига кетди, бугун шаҳарнинг нон  
пих<sup>1</sup> кунни бўлганлиги сабабли Муқимий отасига кўмак-  
лашиш учун бормай, Меҳринисо синглисини кўргани  
Шалдирамоққа кетди.

Уста Қовулнинг саводи йўқ эди. Аммо Муқимий ол-  
дида бу нуқсонни сир тутиб, шеърни олиб кетди-ю, бир  
синашта саводли кишини топиб, сартарошхонани ичи-  
дан беркитди ва шеърни ўқитиб эшита бошлади: шеър,  
Қўқондан номи чиққан аъламлардан Ҳасанхон аълам  
ҳақида ёзилган эди:

Эй, Ҳасанхон муфти! Сиз аъламнамо бўлмай ўлинг,  
Оч бўри янглиғ мудом сериштаҳо бўлмай ўлинг!  
Қайда кўрсангиз чиройлироқ бирон силлиқ жувон,  
Унга ёлғондан амак ёки тоғо бўлмай ўлинг!  
Ўтса бир кимхоб паранжили кўчангиздан, кутиб,  
Қайтиб у ўтгунча мулзам, қаҳрабо бўлмай ўлинг!  
Еш йигитлар суҳбатида эси йўқдек, эй, суюқ,  
Талтайиб қоққан қозиқдек жо-бажо бўлмай ўлинг!  
Ҳайф, у оплоқ соқол сизга, қилиб бемаънилик,  
Қайдаги бемаъниларга ошно бўлмай ўлинг!  
Тўртта фар тўпланса бир ерга, бориб хизмат қилиб,  
Донмо сарқит қидирган паст гадо бўлмай ўлинг!  
Ҳовлида аҳли аёл зор ҳам ғарибликда Муқим,  
Кўчада халқнинг кўзига кадхудо бўлмай ўлинг!

---

<sup>1</sup> Нон пих — барча новвойлар бир кун нон ёпмай, сурилиб  
қолган нонларни пуллайдиган кунни шундай деб атайдилар.

Уста Қовул бу ҳажвни қайта-қайта ўқитиб, ёдлаб олгандан кейин дўконни очиб, оқу қизил рўмолларни дорга ташлади, буни кўрган шинавандалар сартарошхонага бирин-кетин кириб кела бошладилар.

Муқимий синглиси Меҳринисо билан узоқ ҳасратлашиб, куёви Дўстмуҳаммад билан анча қаймоқлашди, сўнг кичик сингилларни кўриб келиш баҳонасида Хайринисога янги шеърларни кўрсатиш учун тоғаси мулла Раҳматулло заргарникига қараб кетди:

Бу сафар Муқимий Хайринисони қайғули ҳолда кўрди. Саломлашиб бўлиб уйга югурган Хайринисо қайтиб чиқмади, шеър билан ҳам иши бўлмади. Тоға жиянини иссиқ кутиб олиб, устахонасига таклиф қилди, бир пиёладан чой ичилгандан кейин муддаога кўчди:

— Катта синглинг Хайринисонинг тўйи яқин, унга ўзинг бош бўласан, Муҳаммад Аминхўжа, келин ойингининг шаҳрихонлик тоғаваччасига бўлишиб қўйдик. Куёв ўзимизга ҳамкасб, роий қобил, оталари ҳам ўзларига дуруст кишилар. Келин ойингининг раъйи шунда бўлгани учун мен ҳам розилик билдира қолдим. Ёмон бўлмабдими?

Муқимий шундай бўшашиб кетган эдики, устидан худди бир челақ сув қўйилгандек бўлди, қўлидаги пиёлани дастурхонга қўяр экан, тоғасига киноя аралаш:

— Ёмон бўлмабди... Ўзи заргар бўлса...— деди.

— Ичкучёв бўлиб, менинг ўрнимни эгаллаб қолади, мен келин ойингни бирга олиб, ҳажга кетмоқчиман. Ҳа, сенга яна бир хушxabар! Кичик укаларингга ҳам харидор бор, ака-ука косибларга опа-укани бир кунда никоҳлаб берсак ёмон бўлмасди. Бунга нима дейсан!

Муқимий чўчиб кетди. Нима ҳам дер эди? Ўз уйига сиғмаган етимчаларни тарбиялаб, балоғатга етказган яна шу тоғага раҳмат!.. Ака-ука косиб йигитларга чиқсалар, иккилари бир жойда бўлади... Харидор бўлган ўша косиб ака-ука йигитларга ҳам раҳмат!..

— Раҳмат, тоға!.. Бу яхшиликларингизни унутмайман, бунга дадамни ҳам ўзим кўндираман. Менга энди жавоб берсангиз...

Муқимий тоғасининг ҳовлисидан чиқиб, мадрасага йўл олди. Мадраса жиловхонасида турган дадаси — Мирзахўжа новвойга кўзи тушди ва қадамини тезлатиб бориб кўришди:

— Бугун нон пих бўлганлиги учун ҳовлига кирмай, Меҳринисони кўришга кетган эдим. Сизга салом айтди.

Ота-бола сўзлашиб ҳужрага кирдилар, бир маҳаллада бўлса ҳам. Мирзахўжа ҳужрага кам келар эди.

— Хуш кўрдик, дада!..

— Хушвақт бўл! Бугун бўш куним бўлгани учун бир маслаҳат билан кирдим...

Муқимий кулимсираб, отасига маъноли тикилди:

— Айтинг, дада...

— Баҳорга ҳам чиқдик. Ҳаво бир оз юришиши билан уй қуришни бошлаймиз. Ошна-оғайнилар ҳам кўмаклашмоқчи бўлишяпти.

— Жуда соз! Сизнинг айтганингизча бўлсин. Ўзим ҳам астойдил билак шимараман, битказиб юборамиз... Мана бу ҳужрада ёлғиз истиқомат қилишим сизга мақбул эмаслигини кўпдан бери сезиб юрибман, дадажон. Очиғини айтганда, ёлғизлик жонга тегди! Унинг устига мутаваллимиз мени сиғдирмаяпти, яккалаяпти, йўқлаб келган дўстларимга ҳам рўйхуш бермаяпти. Жуда бошим қотди! Сизнинг хурсандчилигингиз деб, уйга киришим мумкин. Аммо аямиз қандай қарар эканлар?.. Бу томонни бошимни қотирыпти...

— Ҳа, балли! Шу тўғрида сен билан маслаҳатлашмоқчи эдим. Англашимча, аянг Ойшасини сенга бериш ниятида-ю, буни айтмай, менинг шу ҳақда оғзимни пойлаяпти. Агар сен, «йўқ, менга тўғри келмайди!» дер экансан, у вақтда аянг бизга ўчакишиб, бир бегона йигитни тепамга ичкуёв қилиб олиб келади-да, қариган чоғимда ўз уйимда оёқ узатиб ўлтиришим ҳам мушкуллашиб қолади. Нима қилишимни билмай қолдим...

Мирзахўжа новвой чуқур хўрсиниб, оғир хаёлга чўмди, орадан бир лаҳза ўтгач, Муқимий шахдам сўз бошлади:

— Кириб ишни битказа беринг, мен розиман. Хусни бўлмаса ҳам, эси бўлсин... Бундан бошқасига қурбимиз ҳам етмайди... Менга лойиғи шу...

— Менинг умидим тоғангдан эди...

— Қўйинг, дада. Бу ҳақда гапиришнинг энди ҳожати йўқ! Ишонган тоғда кийик ётмас деб, шуни айтсалар керак.

— Агар тоғанг Раҳматулло илмга мухлис бўлганда эди, қизини сендек толиби илм жиянига ўз ёнидан тўй қилиб бериб, ҳажгами, очик гўргами — қаёққа кетса

бўла берар эди! Эшитишимча, шундай барно қизини шаҳрихонлик, икки хотин қўйган заргарга олтига алишяпти эмиш. Қўрқаманки, сингилларингни ҳам олтига алишиб, бундан ҳам баттар бахтсиз қилмаса!..

Ғазаб билан чақнаган кўзларини бир нуқтага тиккан Муқимий оғир нафас олар экан, отасининг аламли сўзини эшитиб, титроққа кирди, сўнг ғазабли кўзларини ота назаридан яшириб, қатъий равишда:

— Хўп! Айтганингизга мен рози бўла қолай. Аммо уйланиш, ундан кейинги рўзгор учун ҳам чўнтакда бир нима бўлиши керак-ку...— деди.

Мирзахўжа новвой андак енгил тортиб, библинар-билинмас жилмайди:

— Бибиойша чевар қиз. Тиккан дўпписи бозорда бошқаларникидан ортиқроқ туради. Ундан ташқари, би-соти етарли, тўйнинг ғамини еб қўйган, кўрпачасигача қоплоғлик... Биз уйни тикласак бас!..

Мирзахўжа мамнуният билан ўрнидан қўзғалиб ташқари чиқди ва супа олдида ранги бўзарган, ғазабнок мутавалли ҳожини кўрди, мутавалли ҳожи шу томонга келмоқда эди, ҳужрадан Муқимий ҳам чиқиб келди:

— Яхши, шу ерда экансиз, Муҳаммад Аминхўжа...

— Хизмат?..

— Меҳмонингизни кузатинг, кейин гаплашамиз.

— Бу киши меҳмон эмаслар, ҳожи ака, бу киши отам бўладилар...

— Шундайми?.. Майли, кузатиб қайтинг...

Муқимий отасини ҳовуз бўйигача кузатиб қўйиб, кейин қайтиб келди-да, ҳожи Муҳйига рўпара бўлди:

— Қулоғим сизда...

— Ҳасанхон аъламни қандай журъат билан ҳажв қилдингиз?..

— Қандай журъат бўлар эди. Оддий инсоний журъат билан.

— Тинч юрмас экансиз-да, а?

— У кишининг ғайри ахлоқий, ўз бўй-бастига ярашмаган ярамас хулқлари ҳақидаги шикоятларни эшитгандан кейин тинч туриб бўладими!

— Яхши эмас...

— Сиз яхши эмас дейсиз, жаноб ҳожи ака. Аммо кўпчилик менга раҳмат ёғдирыпти.

— Сиз шоир бўладиган бўлсангиз, оддий авомнинг раҳматига учманг, бир кун панд еб қоласиз!

— Кечирасиз, ҳожи ака! Мен оддий авомнинг раҳматига сазовор бўлиш орзусидаман.

— Ҳар ҳолда кўрпага қараб оёқ узатиш, уламоларга тил теккизмасликни сизга маслаҳат берар эдим... Натижаси хунук... Ҳурматли Ҳасанхон аълам сизнинг устингиздан дод деб, бугун ҳазратнинг ёнларига кирган экан, ҳазрат мени чақириб, Муқимийни ҳужрадан ҳайданг деб топшириқ бердилар. Бунга нима дейсиз?

— Ўзингиз учун шундай бир топшириқ керак эди. Хўп, мен ҳужрадан кетай! Аммо ҳужра калитини сизга эмас, эгасига топшираман!..

— Мадрасага мен хўжайин! Калитни ўзимга топширасиз!

— Мадрасанинг хўжайини сиз эмас, Миён Сотиболдихон! Менга ҳужрани ўша киши берган.

Муқимий шу сўздан кейин мадрасадан тўғри чиқиб, Чорсувга, Мадрасаи Бек томон йўл олди ва Миён Сотиболдихон ҳужрасига кириб борди.

Шоир Нохўш бемор эди, Миён Сотиболдихон эса табибни жўнатиб, Нохўшга дори ичкизмоқда эди, Муқимий улар билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашгач, ҳожи Муҳйи билан бўлган гапларни ўртага солди ва калитни ёнидан олиб қўйди:

— Мен мадрасада жуда яккаланиб қолдим!.. Ҳатто менинг ҳажвларим ҳам таҳқиқ ва таҳқирланмоқда...

— Йўқ!— деди Миён Сотиболдихон калитни асабий ҳолатда қўлида ўйнаб,— мана мендан кўрсин! Мураббий бу мадрасада сиқилиб, касал бўлиб қолдилар. Бунинг устига сизга жуда ўрганиб қолган эканлар. Ҳали ҳам бўлса қайтиб, ўша ҳужрага кўчиб борамиз.

Ётган ерида Нохўш инқиллаб гапирди:

— Менинг ўлигим... ўша ҳужрадан чиқсин, жанозамга домла Халил ўтсинлар, кейин... бемутавалли... ўз қўлларингиз билан ғариб гўристонга дафи қилинлар!..

— Қўйинг, мураббий, шу ёмон ниятларни. Сиз ҳали кўп яшашингиз керак бўлади, ҳужрага янги-янги шоирлар тўпланади. Мен жуда ажойиб истеъдод соҳибларини топиб олдим, уларнинг шеърлари сизга яна узоқ умр бахш этади, энди сиз ҳам янги офтоб, янги ой тўғрисида шеър ёзишингиз керак!

Муқимийнинг бу самимий сўзлари мураббийнинг киприкларига ёш келтирди.

— Қошки эди, сиз каби юзлаб шоирлар саф тортса-ю, улар барсбар шеър ўқиб, фалакнинг қулоғини батангга келтирсалар. Ухлаб ётган қалбларни... уйғостиб юборсалар!.. Шунн эшитиб ўлсам, армонсиз кетаман!..

Миён Сотиболдихон дўсти Муқимийни анчадан бери кўрмаган эди. Мана шу фурсат орасида Муқимийнинг аҳвол-руҳияси ва кайфияти тамоман ўзгаргани, фикри чуқур илдиз ота бошлагани Миёнга яққол кўринди. Уни янги шеърлар билан табриклади, соч олдиргани кириб, уста Қовулдан «Аъламнамо бўлмай ўлинг»ни эшитиб, роса кулганини завқ билан сўзлади:

— Ҳар ҳолда эҳтиёт бўлинг, дўстим! Ҳасанхон аълам муттаҳам одам! Уларда давлат ҳам бор, обрў ҳам бор, орқа таянчлари ҳам!.. Сиз ўзингизга душман орттирманг...

Бу сўздан Муқимийнинг кулгиси қистади:

— Чумчуқдан кўрққан, тариқ экмайди, деган гап бор. Аммо менинг қаҳр-ғазабим чумчуқ эмас, йиртқич бургутдан ҳам кўрқмай ҳажв ёзишга ундаяпти! Сиз менинг ҳақиқий дўстим экансиз, кўрқитиш ўрнига далда беринг. Шунда сизга нисбатан бўлган ихлосим яна ҳам мустаҳкамланади!..

Миён Сотиболдихон табассумини қаҳқаҳага айлантириб, Муқимийнинг елкасига қоқди:

— Номим Миён Сотиболдихон! Лекин тараққийпарвар устозлар шогирди, қалби сутдек пок кишилар тарбият қилган йнгитман, янги дунё тарафдориман. Шунинг учун мендан шубҳаланманг, дўстим!..

Иккалалари туриб кийиндилар, бемор Нохўшга «хужрага яна қайтиб борамиз, амин бўлинг» деб таскин бериб, Чорсувга чиқдилар:

— Сиз қаёққа бормоқчисиз, Муҳаммад Амнхўжа?

— Ҳали иккимизнинг йўлимиз бошқа-бошқа денг...

Муқимийнинг бу ишояси Миёнга дарҳол етиб борган эди.

— Мақсадимиздек йўлимиз ҳам бир. Қани юринг, кетдик!

Иккалалари Чорсувдан чиқиб, жоменнинг ичи билан гузарга йўл олдилар. Гузарга етмасдан Муқимий Миённи четга тортди:

— Бугун ё эрта, сиз билан Мавлавий бир холи жойда менинг иродам билан ўйнашаётган кўнгилсиз тақдир ҳақидаги ҳикоямни тингласаларингиз...

— Тинчликми?

— Тинчлик эмас, дўстим, тақдирнинг ёвуз чангали менинг бўғзимда...

— Қачон десангиз, дардлашишга мен тайёр, хуфтондан кейин сизларни ҳужрада кутай!

— Мураббий бемор...

— Мураббий сиз билан ёзилади. Айниқса сизни соғинган.

Улар ажралишиб, Миён Ҳожибек томон, Муқимий Беквачча томон кетди. Муқимий мадраса ёнидан ўтиб, ҳовлига борди. Дадаси Мирзахўжа бозор тушиб кетган экан, бўлажак қайнана меҳрибонлик кўрсатиб, уни ҳовли ўртасида кутиб олди ва оналарча ўпка-гина қилди:

— Сиз кириб келсангиз ҳовли тўлади, сиз кирмаган кунингиз жудаям ҳувиллаб қолади....

## *Е т т и н ч и б о б*

### **ТАҚДИРНИНГ УЙИН ВА ФУСУНЛАРИ**

Орадан уч ой ўтиб, ҳаш-паш дегунча иссиқ кунлар ҳам етиб келди. Миён Сотиболдихон ўз ҳужрасига қайтиб кўчиб келди, мураббий соғайиб, қувонч билан яна ёш адабиётчиларга хизмат қилиб кун ўтказа бошлади. Мавлавий Йўлдошнинг ташаббуси натижасида «адабий анжуман» кенгайиб, ёшлардан Завқий, Залилий ва бошқалар келиб қўшилди. Бизга таниш Зокиржон ҳам тез-тез келиб, бу ажойиб даврани ўзининг ширин суҳбати, ширин ғазаллари билан гуллатар эди. Уни дўстлари энди Зокиржон эмас, шоир Фурқат деб атардилар.

Тобора кенгайиб бораётган навқирон анжуман қаршисида ожиз қолган мадраса мутаваллиси ҳожи Муҳйи ғазабнок бўлиб, ҳар томонга югурар, ифво тарқатиб, «чапани», оёқяланглардан дод!» дер, чекка-чеккадан туриб бўҳтон тошини ирғитарди. Ёшлар анжуманининг тобора кенгайиб, кўпайиб бориши унга хатарли бўлиб туюлар, тобора эл оғзида кўпаяётган ишқий қўшиқлар унинг қулоғига ўзи учун жаноза бўлиб эшитиларди.

Мирзахўжа баҳорда бошлаган бир уй, бир даҳлиз ҳам битиб, томи ёпилди, тўй кунлари ҳам яқинлашиб қолди. Бунга Миён билан Мавлавий Йўлдош бош қўши-

шиб, тўйни кичкина, лекин соз қилиб ўтқазиш тарадду-  
дида эдилар.

Тўй кунлари яқинлашган сайин Муқимийни бир ан-  
диша тинчитмас эди. Ахир, пул керак-ку! Қашшоқ ота-  
га ташлаб, қўл қовуштириб турмай, қарашин керакми?..

Шоир қалбига чанг солаётган бу андиша уни Мав-  
лавий Йўлдошнинг эшигига боришга мажбур қилди.  
Мавлавий Йўлдош унинг ҳасратини эшитгач, тинчитиш-  
га киришди:

— Сиз, дўстим, кимларни тўйга таклиф қилмоқни  
истасангиз, шу ҳақдагина бош қотиринг, бошқасига  
аралашманг ҳам, ташвишланманг ҳам! Сизнинг тўйин-  
гиз учун хизматга бел боғлаган ёр-дўстларингиз бу  
юртда шундай кўпки, уларнинг сон-саногии йўқ...

— Сиз жуда ажойиб одамсиз, Мавлавий! Сиз менга  
ўхшаш нўноқ кишиларнинг бахти учун атайлаб дунёга  
келган ноёб зотлардансиз. Сиз оддий кишилар ораси-  
дан етишган донишмандсиз, камабғалсизу, лекин ҳим-  
матингиз тоғдан баланд, ёшсиз, лекин ўнта тажрибакор  
кексадан тажрибалироқсиз!..

— Жуда мақтаб юбордингиз! Тиланг тилагингизни!

— Менга бирор танишдан қарзи ҳасана пул олиб  
беринг демоқчиман.

— Танишдан қарзи ҳасанага пул?..

— Отамга қарашмасам ҳеч ҳам иложи йўқ!..

— Танишдан қарздор бўлгандан қалтис нарса йўқ  
оламда, эшон! У вақтда ўртада турган мenden ҳам аж-  
ралиб қолишингиз турган гап. Айтинг-чи, кейин қаёқдан  
топиб узиласиз? Ёзган ғазалларингизнинг бир сатрини  
мен минг тиллога оламан, лекин унинг бозори йўқ-ку?..  
Шундай бўлгандан кейин бу андишанинг баҳридан ўтиб,  
бу томонни бизга қўйиб беринг! Маъқулми?..

Муқимий жим, ерга қараганча туриб қолди, Мавла-  
вий унинг енгидан тутиб, ичкарига тортди:

— Марҳамат... ичкари кирайлик, сизга бир шеър  
ўқиб бераман.

Меҳмонхонагача кирдилар, Мавлавий дастурхон ёзар  
экан, шеърдан олдин унинг муаллифи ҳақида изоҳ  
бера бошлади.

— Эшитишимча, жоме ҳаммомининг гўлаҳида жуда  
кўп йиллардан бери бир ғариб шоир турар экан. У кўп-  
гина кўчада қолган етим болаларни тўплаб, уларга ота-  
лик қилар, куз чоғларида чўлу биёбонларга чиқиб кетиб,



улар билан шувоқ, бурган олиб келиб, супурги қилиб сотаркан ва болалар гадолник қилиб йиққан бурда-сурда нон билан ҳаёт кечириб, пжод қилар экан. Камина буни эшитгандан кейин чидаб туролмай, ҳаммом гўла-хига тушиб, ғариб шонрни топдим, танишдим ва ўзимни адабиёт мухлиси деб танитдим. У киши мени ўзи ўтирган бордонга таклиф қилди, олдимга синиқ нонлар қўйди ва ўзини Маҳжўр деб танитди. Биз узоқ суҳбатлашдик, у кишининг картон қоғоз парчаларига кўмир билан ёзган ва ҳали тугалланмаган бир шеърини олиб келдим.

Мавлавий қалин картон парчасини Муқимийга узатди, унда шоир Маҳжўрнинг тубандаги шеъри кўмир билан майда қилиб ёзилган эди:

Бирн ҳам кўрмади ўтмишда ҳеч шоҳ,  
 Менинг бу давлатим, иллоҳ-биллоҳ.  
 Гўлах дерлар менинг олий мақомим,  
 Кечар хас устида ҳар субҳу шомим.  
 Синиқ май кўзаси бошимда тожим,  
 Ўзим махмуру, аммо йўқ иложим.  
 Гадолар, дарбадарлардир вазирлар,  
 Ҳақирлик иқлимида беназирлар...  
 Қилиб кеч, нон тилаш бирла йўл узра,  
 Мен ила ҳамнишиндирлар кул узра.  
 Сипоҳсолорларим андуҳу ғамлар,  
 Ададсиз аскарим: қайғу-аламлар,  
 Қурамта хирманин тахтим дегайман,  
 Шукр айлаб шунга, бахтим дегайман,  
 Бу давлатни Сулаймон кўрмагандир,  
 Менинг айшимни Жамшид сурмагандир..»

— Бунга нима дейсиз Муҳаммад Аминхўжа ака?..

— Ҳовва... Устоз шоир! Бу ердан чиқиб тўғри бо-райлик! Тўйга таклиф қилай!..

— Қамбағал муллаваччанинг тўйига подшо келармикин? Ахир, у киши ўзини Сулаймон пайғамбардан улур оляпти!

— Дарҳақиқат, бу фақирнинг ҳиммати Сулаймон давлатидан буюкроққа ўхшайди. Бу олиҳиммат зот бизнинг фақирона, кўнгилсиз тўйимизга ташриф буюрадиглар, деган умиддаман. Биласизми, ўзингизни қўшмаганда ва Миён Сотибоддихонни мустасно қилганда, устоз учун, мураббий Нохуш учун ва шоир Маҳжўр учун,

ҳаммаси бўлиб учта тўн керак. Шунингсиз менинг уйла-нишимнинг ҳеч қизиғи йўқ...

Мавлавий Йўлдош кулгидан лаб-даханини йиғиштира олмади, Муқимий бўғилди, ёш болалардек қовоғи осилиб кетди.

— Учта тўн эмас, ёр-оғайнилар саломат бўлса, кўпроқ ҳам тўн топилади, дўстим...

— Оғайниларнинг аҳволи ўзимдан қолишмаса керак? Мана, биттаси сизми?..

— Менга нима бўпти?..

— Минг фазилатингиз бўлсин, барибир муллаи қашшоқсиз, фазилат ўрнига пулингиз бўлса, тилингиз ҳам узун, дастингиз ҳам дароз...

— Пулимиз бўлмаса ҳам тилимиз узун, дастимиз дароз! Қани, кетдик!..

— Қаёққа?..

— Нима ишингиз бор? Сизни янги дўстлар кутиш-япти!..

Муқимий кулиб, ўрнидан турди. Эшикдан олдинмакетин чиқишиб, анча ергача индамай бордилар, кейин Мавлавий Йўлдош Муқимийни олдинга ўтказиб, сўз бошлади:

— Кеча мулла Зокиржон билан кўришган эдим, сизга салом айтди. Ажойиб йигит. Шундай эмасми?

— Шундоғ. Унинг нозик муомаласи, заковати, малоҳати ва фасоҳати мени ўзига мафтун қилди. Қайси кун ижодларидан гап очмагач, мен ҳам бу ҳақда индамаган эдим.

Фурқат ҳақидаги суҳбат тугамай, Чорсувни босиб ўтдилар, Мавлавий Йўлдош Муқимийни гўлаҳга кирадиган тор, пастқам йўлга бошлади, хашак гарамларидан ўтгач, гўлаҳни ишора қилди:

— Гадолар «султони» шоир Маҳжўрни кўриб ўтамиз. У киши шу ердалар.

Муқимий кулиб сиради:

— Сиз билмайдиган жой йўқ деса бўлади. Бошланг!

— Сиз шу ерда андак таваққуф қиласиз, эшон ака, мен бориб хабар олай.

Мавлавий Йўлдош гўлаҳга кирганда оппоқ сочи гарданига тушган, елкасига қоп ташлаган Маҳжўр кўрга кўмилган сопол кўрани олмоқда эди. Беш-олтита усти йиртиқ болалар бордон устида тизилишиб ўтирар эдилар. Маҳжўр сопол кўра оғзидаги латтани ечиб олиб,

ичида қайнаб турган шўрвани чўмич билан ковламоқчи бўлиб турганда, кўзи Мавлавий Йўлдошга тушди:

— Марҳамат! Азизим, марҳамат! Қайнанаси севган йигит экансиз.

Мавлавий Йўлдош яқин бориб сўрашди:

— Шоир Муқимийни бошлаб келганман!

— Ажаб иш қипсиз, ука! Ҳай-ҳай-ҳай! Мени беҳад қувонтириб юбордингиз, ука!

Маҳжўр ташқарига юрди, унинг орқасидан Мавлавий чиқди, хаслар ғарами ёнида турган Муқимийга яқинлашар экан, Маҳжўр қулочини ёзди:

— Либосимдан жирканмасангиз қучоқлашиб кўриш-сак!

Бу сўзни эшитган Муқимий ҳам қулочини ёзди. Сочсоқоли ўсган Маҳжўр, гарчи кекса бўлса ҳам барваста, кенг яғринли эди, унинг салобати ғордан чиқиб келаётган кекса шерни эслатарди. Эски қадрдонлардек сўрашишгандан кейин Маҳжўр иккаларини гўлаҳ бостирмасига бошлади, болалар одоб билан оёққа турдилар. Меҳмонлар бордонга таклиф қилинди, мезбон шоир бу болаларни меҳмонларга таништириб чиққач, қўрдан олинган сопол кўра ёдига тушди ва болалардан бирини имлаб чақирди:

— Бор, ўғлим Исроил, ҳаммомга ўтиб ходмигарлардан икки коса билан иккита озода қошиқ сўраб олиб чиқ, нозик меҳмонлар келишган де!

Исроил номли бола юурганича кетди. Маҳжўр сопол кўрадан болаларнинг косаларига овқат сузиб туриб, сўзлай бошлади:

— Овқатга болалар топиб келган ҳар турли нарса тушганлиги сабабли бунинг оти ҳам йўқ. Аммо дунёда мақталган барча ширин овқатларнинг таъми бор. Бундан кимки татнабди — дунёга келмабди! Кеча кўмган эдик, бугун пишди. Буни ўз қўлим билан ниҳоятда озода қилиб пишираман. Қўп мақташга ҳожат йўқ, агар манзур бўлиб қолар экан, ҳар кун шу вақтда гўлаҳга марҳамат.

Маҳжўрнинг мақтови охир бўлганча йўқ эди, эпчил бола коса билан қошиқ кўтариб кириб келди. Меҳмонлар гўлаҳ овқатидан баҳам кўришга, болалар косалар ва кўрани ювиб, ўз ўрнига қўйишди-да, аста-аста узоқлашишди. Учалалари қолиб, шеър базми бошланиб кетди. Шоир Маҳжўрнинг картон қоғозларга ёзиб, шифтга қистириб қўйган паришон асарлари бирор соат ичида

завқ-шавқ билан ўқилгандан кейин ҳар иккала шоир бундан кейин тез-тез келиб туриш ваъдасини бериб, кетишга рухсат сўрадилар ва гўлаҳдан чиқиб, яна Чорсув орқали мискарлик йўлини олдилар.

Асабга тегадиган мискарликдан, болғачалар садосидан тезроқ узоқлашиш учун иккала дўст тез-тез юриб, ҳолвагарлар растасига бурилдилар ва қозон бозори орқали поякиликка ўтиб кетдилар.

Поякиликдаги Йўлчи оқсоқолнинг «Саройча» номи билан машҳур бўлган самоварида қадрдон оғайнилари-дан Отажонбек ичкарига холи жой қилдириб, буларни кутмоқда эди. Бу самоварнинг таърифини Муқимий олдин эшитган бўлса ҳам, ипак гиламлар билан тўлган, ойшақор, озода чойхонага кириб тонг қолди. Ичкарида дид билан ясатилган алоҳида, мўъжазгина меҳмонхонача бўлиб, донм қулфлоглик турар, фақат нозиктаъб, тансиқ меҳмонлар келгандагина Йўлчи оқсоқол унга таклиф қилар эди.

Муқимийнинг самоварга келишини эшитган шинаванда, кўпни кўрган, дидли оқсоқол меҳмонхоначасини янги кўрпача, гилам билан ораста қилиб, ўзи Отажонбек билан шоир дўстларини кутмоқда эди.

— Қалай, Эшон ака, самоваримиз сизга ёқдими?..

— Бу самовар ўзининг уч хислати билан бизга маъзур бўлди,— деди Муқимий жилмайиб.— Биринчидан, мискарликдан узоқроқ, иккинчидан бизга ўхшаган зиқ табиатларнинг дидига яқинроқ, учинчидан, бу ажойиб, оромбахш самоварнинг эгаси ҳозир ўз меҳмонларининг ўртасида...

Учовлари кулишиб меҳмонхоначага қадам қўйдилар, шу пайт кўчадан башанг кийинган учта ёш йигит кириб келиб, қуёқ сўраша бошладилар. Мавлавий Йўлдош уларни Муқимийга бирма-бир таништирди:

— Бу йигитнинг ҳунари маҳсидўзлик бўлса ҳам, ёза бошлаган шеърлари билан баҳра аҳлини қойил қолдирмоқда, номлари Убайдуллажон, тахаллуслари Завқий. Мана бу думалоққина, ўнг юзида холи бор йигитнинг касби чойфурушлик бўлса ҳам, ўзи хушхат, шеърни чиройли ўқишда тенги йўқ, номлари Обиджон лақаблари аълам. Мана бу кулиб турган хушчақчақ йигитнинг касби саҳҳоб, ўзлари адабиёт аҳлига ўлгудек мухлис, «фалон-ерда шеърхонлик бўлаётган эмиш» деган хабарни эшитсалар, ҳамма зағур ишини ташлаб, жўнаб қолади-

ган хислатга эгалар, номлари Солижон, лақаблари «чакалак»...

Хурсандлиги меъёрдан ошиб кетган Муқимий йигитчалар билан яна бошқатдан сўрашиб чиқди, улар меҳмонхоначада ҳамон типпа-тик турар эдилар, оқсоқолнинг таклифидан кейин ўринларини эгалладилар, Отажонбек дастурхон ёзиб туриб тегишди:

— Пазандалигимдан ҳам хурсанд, ҳам хафаман! Ошни болайман десам, ширин суҳбатдан, ширин суҳбатни десам, пазандалигимни кўрсатишдан маҳрум қоламан. Шунинг учун ошни дамлай қолдим.

Обиджон Аълам Отажонбекка қочирим қилди:

— Бек ака! Сиз зўрсиз! Сиздан доим ош дам ёйди...

Бу қочиримга Солиҳ чакалак ҳам лутф улади:

— Ош Бек акамдан ҳадеб дам ея берса, жуда ланж экан-да...

Ёшларнинг бу самимий, чиройли лутфлари Муқимийнинг завқини келтирди, унинг кулимсираётганини пайқаган Завқий, бодринг арчаётган Отажонбекка киноя ташлади:

— Дам еяётган ошмикин десам, Бек аканинг ўзларига ўхшаб қолди...

Буларга жавоб қилиш Отажонбекнинг қўлидан келса ҳам индамади, чунки ош сузишга шошилаётган эди. Мавлавий Йўлдош суҳбат мавзуини бошқа томонга буриб:

— Уста Убайдулло! Қайси кунги шеърнинг биринчи байти эсингизда йўқми?..— деди.

Завқий олдин эсга келтиролмай қизаринқиради, кейин бирдан юзи ёришиб кетди:

Қосидо, еткур паёмимни, гаодан шоҳга,

Гарчи биз юлдуз эрурмиз, арзимиз ул моҳга.

Шу сатрларни зўрга эслаб айтиб берган Завқий пешона терларини артар экан, Муқимий ташаккур билдирди:

— Ҳовва!.. Жуда чиройли!.. Жуда ширин бошланган! Эсингиз, ҳаммаси ёдингизда эмас экан, сиз-ку, бир байт ўқидингиз, камина бу ҳақда жуда паришонман, бир мисра ҳам хотирда сақлай олмайман...

Обиджон эҳтиром билан:

— Агар ижозат берсалар, дўстим Убайдулложоннинг бу ғазалларини мен айтиб берсам,— деб ўқишга ижозат

сўради.— Шоирлар ўзлари ёзиб, ўзлари ўқиб берадиган бўлсалар, бизга ўхшаш муҳибларга вазифа қолмайди-ку?..

Мавлавий Йўлдош Обиджоннинг фикрини тасдиқлади:

— Фикрингизга мен ҳам қўшиламан, Обиджон. Борди-ю, шоир ўз ёзганини ўзи ўқиб берса — бу ҳам улур ҳикмат. Аммо ўша ўз шеърини созлаб ўқийдиган шоирлардан ҳам сиз шеърни яхшироқ ўқийсиз...

Обиджон қуллуқ қилиб, сўнг шеърнинг давомини ўқишга киришди:

Аввалоким, ошнолик ўртамизда бор эди,  
Ошнолик тарк этиб, неттинг бу давлаткоҳга.  
Фарқимиз кўп эрди, гўё мен гадо, сен шоҳдир,  
Ошно бўлсанг қарома жумла пазу жоҳга.  
Меқрингиз тобиш қилиб, кўнглимни бетоқат қилур,  
Бизга ҳам йўл бормикин, эй дўст, ул даргоҳга.  
Бир муроди мақсадимдир, ошно бўлсак эдик,  
Эмди бир йўл кўрсатинг, эй, роҳбар, бериоҳга.  
Тобакай ошно бўлурмен деб, кўнгулда сақлайин,  
Эй, биродар, бир назар қил дасту по кутоҳга.  
Неча йиллардан бери ошноён қобил топмадим,  
Ал-рафиқу деб, ҳадис айди расул ҳамроҳга.  
Завқий афтодага бул хат жавоби келмаса,  
Қар бўлур бўлса керак ҳамсоя оҳу воҳга...

Обиджон шеърни чиройли қилиб ўқиб бергач, пешона терларини артди, Муқимий завқ билан кафтини кафтига уриб:

— Ҳасанот, ука,— деди.— Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин, шеърга тароват бахш этдингиз, тингловчиларга шавқу завқ. Сиздек расоларга бизнинг эҳтиёжимиз тушадн...

Муқимийдан кейин Мавлавий ўз баҳосини бераётганда қўл ювишга сув келтиришди. Муқимий қўл ювиб туриб, қаршисида одоб билан сочиқ тутиб турган Обиджонга яна бир назар ташлади-да, юраги жиғ этиб кетди. Ахир ўн танга бериб, муҳтожликдан Нодирабегимнинг китобини бозорга олиб чиққан, тул хотинни рози қилган ва Муқимий қўлидан китобни юлиб олиб кетган шу йигит-ку.

Шу пайт Отажонбек Рошидоннинг ёйиқ сопол товоғида гуручи анор донасидек бир гўшт, бир гуруч ошни

олиб кириб, ўртага қўйди, олинг-олинг бошланди. Лекин Муқимий ошга қўл урмагани учун ҳеч ким қўл ура олмай туриб қолди, сочилган фикрларини йиғиштириб олган Муқимий дўстларини маҳтал кўриб, андек хижолат чекди ва узр баён қилиб, ошга қўл урди. Ош устида сўз Қўқондаги жекса санъаткорлар ҳақида борди. Шодмон ҳожини топиб келиш ёдларидан фаромуш бўлганлигидан афсусландилар. У санъаткорнинг фақир, гариблиги, машҳур ногора баётини басталаган бастакор эканлиги, шундай юксак санъат эгаси хор-зор бўлиб, савоварларда ётиб юриши, уй-жойсиз, бола-чақасизлиги ҳақида гап кетди.

Муқимийда ҳожининг ўзини кўриш, у билан суҳбатлашиш, қўлидан саз эшитиш иштиёқи туғилди, бу истagini даврага изҳор қилди. Қўл артаётган Йўлчи оқсоқол ўрнидан туриб, қўл қовуштирди:

— Саломатликни берса, келаси ҳафта шу бугун, шу ерда Шодмон ҳожи иштирокида яна бир хизматда бўламиз!..

Бир пиёладан чой ичилгач, дастурхонга фотиҳа ўқиб, тарқалдилар. Муқимий билан Мавлавий Йўлдош яна мискарликни босиб ўтиб, тароқчилик билан тўғри Беквачча томон йўл олдилар. Чунки, Мавлавий Йўлдош Мирзахўжа ака билан тўй ҳақида гаплашишга ваъда қилган эди.

Мавлавий Йўлдош Муқимийнинг отасини ҳовлидан топиб, тўйни қачон, қай тарзда ўтказиш ҳақидаги фикрини билиб, қайтиб ҳужрага келди.

Мирзахўжа новвой ва Муқимийга ҳозирги ўгай она, бундан кейин қайнана бўлувчи Зиёдабибининг фикрларича, тўй келар жумага мўлжалланган бўлиб кундузи маҳалладан беш-ўн киши, кечқурун куёвнинг дўстларидан ўн киши, қизнинг ўртоқларидан беш қиз, қариндош-уруғлардан ўн киши тўйда иштирок этиши кўзда тутилган эди.

Қиз дўппи тикиб сотиб жамғарган пулдан тўрт кўрпа, икки якандоз қопланган, бир қора кигиз олинган, қолганини эплаб, куёв билан келинга бир сидра сарпо қилинган, қизнинг отасидан қолган кичик хароб ҳовли тўй эҳтиёжи учун сотишга мўлжалланган, лекин харидор чиқмаганлиги учун тўйни енгиллатишга мажбур бўлишган эди.

Мавлавий Йўлдош Муқимийга назар ташлади. Му-

қимий жим, бўйинини хам қилиб турар, кўзидан юзига оқиб тушаётган икки томчи ёшни сезмас эди, анчадан кейин бир нималар деб гудранди:

— Раҳмат!.. Ўғил ўстирган отамга ҳам, қиз ўстирган онамга ҳам!.. Қиз бечора бир умр игна санчиб йиққан маблағини харж қилиб, менга турмушга чиқиши шу қадар зарур эканми?.. Ахир, менинг йигитлигим қаёқда қолдики, мен бир муштипар қизга товон бўлсам!

— Ундай эмас, дўстим! Ҳеч ундай эмас!.. Бу бўлаётган хайрли иш, аввало ота меҳри ва бурчи бўлса, иккинчидан, она бўлмиш аёлнинг сизга ҳурмати, ундан қолаверса, ўша етим қизнинг бахти ва тангрининг тақдири!..

Ҳужра осмонини сукунат булути қоплаб олди, қоронғи тор ҳужра тақдир иплари билан тўкилган, усти берк беданақовоққа ўхшар эди. Шоир мунғайиб:

— Мен тайёр, тўйни бошлайверсинлар, мен ҳожи каби ватандан дарбадар, қочқинди эмасман, эл орасида тилдим қиснқ эмас, ажойиб кишилар менинг дўстларим, ажойиб шаҳар менинг шаҳрим, бу бойликларимнинг ҳадди худуди, чегараси йўқ!.. Мен тайёр!..

Муқимий шу сўзларни айтди-ю, югуриб ташқарига чиқиб кетиб, остонада қулоқ солиб турган Муҳйига дуч келди:

— Тўғри айтдимми, ҳожи ака?..

— Нимани айтяпсиз? Мен ҳеч нарса эшитганим йўқ!

— Қашшоқ бўлсам ҳам ўз ватанимдаман, шунинг ўзи бахт-саодат! Шундай эмасми, ҳожи ака?.. Бировнинг ватанида бировларнинг бахту саодатига ҳасад қилаётганим йўқ! Ҳали шундай тўй бўлсинки, ҳайрон қолдинг!

— Узи нима гап? Астағфирулло!..

— Яна ўзингизни тағофилга соласиз. Тўй куни бутун оддий халқ шу кўчадан қўшиқ айтиб ўтади, чилдирмалар садоси кўкдаги малонкалар қулогини кар қилди юзлаб етишиб чиқаётган ажойиб истеъдодли шоирлар шу тўйга атаб шеър тўқийдилар, бутун санъаткорлар оёққа туради! Бу ҳаммаси бир қашшоқ шоир учун, унинг кўнглини овлаш учун! Хўш, ҳожи афандим? Тирқишдан қулоқ солиб ўтирманг, ўзим айтиб бера қолганим яхшироқ!..

Муҳйи ҳеч сўз демай, бир хўмрайди-ю, тез-тез босиб ҳужрасига кирди ва ҳужра эшигини зарда билан қаттиқ ёпиб олди. Даҳлизда қулоқ солиб турган Мавлавий



ташқари чиқиб, ғазаб билан кўкка тикилганча қолган Муқимийнинг билагидан аста ушлади:

— Жасоратингиз мени мамнун қилди, рақибни пи-  
чоқсиз бисмил қилдингиз, юринг, устоз ёнларига кира-  
миз...

Муқимий Мавлавий Йўлдош кетидан сўзсиз дарво-  
захонага чиқди. Устоз ҳовлиларига бурилар эканлар,  
Мавлавий Йўлдош Муқимий қулоғига бир нималарни  
шивирлаб, кула бошлади, Муқимий ҳам бу кулгига қў-  
шилди, кула-кула устозларининг ҳовлисига кириб кел-  
ганларини пайқамай қолдилар.

\* \* \*

Тўй куни ҳам яқинлашиб қолган, ҳужрага ёр-дўст-  
лар келиб, куёвни қутлуғламоқдалар, аммо Мавлавий  
Йўлдошдан дарак йўқ. У кишининг ўзини четга олиши  
Муқимий юрагига гўлгула солиб, кўнглида турли шуб-  
ҳалар туғдира бошлади. Эртага тўй деган куни Мавла-  
вий Йўлдош бепарво пайдо бўлиб, Обиджон аълам би-  
лан Убайдулло Завқийнинг келган-келмаганини Муқим-  
ийдан суриштирди.

— Узингиз қаёқда юрган эдингиз?

— Ие, эшон, катта шаҳарни тўйга айтиш осон деб  
ўйлайсизми?..

Муқимий тушунолмай киприкларини пирпиратди:

— Нима-нима?..

— Муҳйига ёлғончи бўлмаслигингиз учун тамоми  
танишларни тўйга таклиф қилдим, тахминан юз киши...

— Нималар деяпсиз?..

— Устозга, мураббийга ва гўлаҳ шоҳи Сулаймон  
Маҳжўрга аталган уч тўндан бўлак тагин икки кишига,  
яъни улуғ санъаткорлардан ҳурматли Шодмон ҳожи  
билан найчи Исмоил маҳрамга ҳам тўн ҳозирланди,  
қолганларини тўй куни кўрасиз, саккизта косиб хона-  
далар тўйингизда куйлаш учун фақат ўзингизнинг га-  
залларингиздан ашула тайёрламоқдалар.

Муқимий Мавлавийни қаттиқ, устма-уст ўпди-да, бир  
хўрсиниб олди.

Муқимийнинг чўккан руҳини дўст-душман олдида  
баланд кўтариб, Муҳйига ўхшаганларнинг юрагига доғ  
солиш, унга халқ, оддий меҳнаткаш халқ ўз шоирини  
қандай ҳурмат қилишини кўрсатиб қўйиш, шунингдек,

шоирнинг тоғаси мулла Раҳматулло заргарда ҳам умр-бод юракдан чиқмайдиган армон пайдо қилиш мақсадида устоз домла Халил, Миён Сотиболдихон маслаҳати билан тўйга тайёргарлик кўрмоқда эди.

Эртага тўй деган куни эрталаб тўйхонанинг икки ён қўшнилари бамаслаҳат тўйхонага девор бузиб, йўл очдилар, Мирзахўжа ака ҳайрон бўлган эди, иккала қўшни бир хилда изоҳ беришди:

— Тўйингизнинг давоми бизникида бўлади! Жой этишмай қолса бу ён қўшни деворни ҳам буза берамиз!..

Ҳаммадан олдин навбахорлик санъаткор косиб йиғитлар бир қўй бўйнига оқ боғлаб, дастурхонда ширмон, ширмон устида икки жўра шойи қўйиб, қўшиқ айтиб кириб келдилар, қўйни тўйхонага боғлаб, ўзлари қўшни ҳовлига чиқдилар ва ўчоқ ковлаш, жой ҳозирлаш тараддудига тушдилар. Миён Сотиболдихон маҳалла элликбошичи билан кириб, жойларни кўздан кечирди, жой этишмаслигини таъкидлаб, яна икки қўшнининг деворидан йўл очишни лозим топдилар. Бу бўлаётган ишларга Мирзахўжанинг ақли бовар қилмаётган бўлса-да, тўйбошилардан мулла Раҳматулло ичидан зил кетмоқда эди. Чунки Муқимийдан яширин Мавлавий Йўлдош мулла Раҳматуллони учратиб, «жиянингиз, жигарингиз Муҳаммад Аминхўжани ўз қўлтигингизга олиб, куёв қилиб олишингизни илтимос қилиб келдим» деганида, мулла Раҳматулло: «Бу сўзингиз тўғри, мен ҳам шунинг кўп андишасига борган эдим. Бироқ, мендаги орзу-ҳавас туйғулари қашшоқ жиянга ёлғиз қизимни бир коса сув билан никоҳ қилиб қўйишдек тубан ва кўнгилсиз ишга йўл қўймади!..» деган эди.

Миён Сотиболдихон мулла Раҳматуллога эшиттириб бундай деди:

— Бу беш ҳовлидан ташқари, таъби нозик меҳмонларга мадрасага жой ҳозирлатмоқдамиз. Бу жойлар ҳам кифоя қилмас экан, маҳалланинг ҳамма ҳовлилари тўйхонага айланади!

Шу фурсатда Йўлчи оқсоқол кириб, Мирзахўжа ва мулла Раҳматулло қўлларига тўёнани топшириб, кўнчилар номидан тўйни қутлуғлади ва аравада самовар, чойнак-пиёла, гилам ортиб келганлигини, тўйда хизмат қилиш учун йиғитлар кўчада кутаётганликларини арыз қилди. Шундай қилиб, бирин-кетин араваларда палослар, қўлларда тўёналар кириб кела берди. Уста Қовул

бошлиқ бир тўда сартарошлар, мешкопчи Дўстмуҳаммад бошлиқ бир тўда мешкопчилар ҳолларига яраша тўёна олиб келиб кирдилар.

Хуллас, намоз аср бўлмай туриб, Беквачча маҳалла одамлар билан тўлди. Миён Сотиболдихон ўз ҳужраси олдидаги кенг супага гилам тўшаб, махсус жой ҳозирлаган эди. Муқимий номидан ўзи Муҳйи ҳужрасини беҳаслик билан қоқиб, тўйга таклиф қилди, нуроний устоз ҳасса билан кириб келиб, супанинг тўридан жой эгаллади. Бир тўда етим болаларни эргаштириб, «гўлаҳ мулкининг султони» шоир Маҳжўр келиб, тўрдан жой олди. Устознинг ёнига шоир Нохўш ўтқазилди. Шу пайт ёнида ўзидек тўрт барно йигит ва бир ўрта яшар, кийимлари одми бир рус кишисини бошлаб қоғозга ўроғлик икки жўра дурия ва бир даста гул билан Зокиржон Фурқат кириб келди.

Бу азиз меҳмонлар тўйхонага айланган диққинафас мадрасага аллақандай файз бағишлаган эди. Фурқат аввал устоз домла Халил ва мураббий билан қуюқ кўришиб, кейин бошқалар билан сўрашди. Буларнинг келганидан хабар топган Муқимий тўйхонадан шошиб келиб, Фурқат билан қучоқлашиб кўришди ва миннатдорчилик изҳор қилди. Айниқса, бу тўйда Степан Кузьмичнинг иштирок этиши Муқимий ва Мавлавий Йўлдошнинг фахрлантирган эди.

Степан Кузьмичнинг касби врач бўлиб, рус классик адабиётининг сиқиб сувини ичган зўр маърифатпарвар киши. Бу киши ишчилар ҳаракатига хайрихоҳ бўлгани учун чор ҳукумати маъмурлари томонидан Туркистонга бадарға қилинган эди. Қўқонга келиб, шаҳар биқинидаги Арғамчи қишлоққа ўрнашди.

Степан Кузьмичнинг келиб қолганига уч йил бўлаёди. У врачлик ҳуқуқидан фойдаланиб, энг аввал чечак балосига қарши курашда ерлик аҳолига ёрдам кўрсатиш мақсадида маҳаллий аҳолидан «эмчилар» тайёрлашга киришди, унга Абдулҳаким хўжа Карим ўғли деган бир эпчил ёш йигитчани шогирд қилиб бердилар, Кузьмич тезликда унга эмлаш қоидаларини ўргатди ва у билан бирга болаларни чечак офатидан қутқаза бошлади.

У фақатгина даволаш билан қаноатланиб қолмасдан, ўзбек тилини ўрганишга, ўзбек классик адабиёти билан танишишга қизиқди. Дастлаб, унга Фурқатни таништирдилар, бу танишиш ҳар икки томон учун манфаатли

бўлди. Фурқат Кузьмичга Мавлавий Йўлдош билан Муқимийни ғойибона таништириб, учраштириш ваъдасини берган эди. Фурқат сўзи устидан чиқиб, уни Муқимийнинг тўйига таклиф қилди.

Бу тўйга таклиф қилинганидан Кузьмичнинг беш-ҳоя хурсанд эканлиги унинг чеҳрасидан маълум эди. Мавлавий Йўлдош бу ерда ўтирганлар билан уни таништиради экан, бу оддийгина йигитнинг туппа-тузук русча гаплашишидан Кузьмич ҳайратда қолди. Унинг таажжубланганини пайқаган Фурқат Мавлавий Йўлдошнинг биргина рус тили эмас, балки хитой, форс ва араб тилларини ҳам қунт билан эгаллаган катта фозил эканлигини гапириб берди.

Беш ҳовли фонуслар шуъласидан мунаввар, ҳар ҳовли ҳар тоифа меҳмонлар билан тўлган, қий-чувлар орасида музика, чилдирма ва ашулалар авжи фалакка ўрламоқда, кўча ўрталарига гулхан ёқилиб, гулхан атрофини болалар ўраб олган. Завқий, Обиджон, Соли Чакалак, Усмонхўжа Зорий, Ермуҳаммад Ерий каби Муқимийнинг дўстлари бел боғлаб тўйхона эшиги олдида меҳмон кутмоқдалар. Узоқдан саз билан қўшиқ айтиб яна бир тўда меҳмонлар келишди, буларни «Парпашабоб маҳаллалик косиблар» деб таништирдилар. Энг олдида танбур чертиб, ялла айтаётган лобар йигит, Марғилондан келиб туриб қолиб, бола-чақали бўлиб кетган ажойиб, ширин овоз уста Комилжон эди.

Бу меҳмонлар Мавлавий Йўлдош томондан мадрасага таклиф қилинди. Чунки мадрасадаги меҳмонлар ҳам саз ва хушовозлардан баҳраманд бўлишлари керак эди.

Парпашабоблик косиблар мадрасага кира солиб, дастурхонга қарамай ялла бошладилар, улар жуда хилланган эдилар. Овозлар орасидан, айниқса уста Комилжоннинг ширали, қўнғироқ товуши алоҳида ажралиб турар эди. Булар энг аввал Муқимийнинг «Ким десун»идан тушдилар:

Соядирменки, боқмас офтобим ким десун,  
Бора-бора кетди қадрим, интибохим ким десун...

Супа бурчагида шумшайиб, жим ўтирган ҳожи Муқимийнинг юраги шув этиб кетди, ялланинг уста Комилжон томонидан фалакка олиб чиқиладиган авжлари

қайтиб тушаётганда Муҳйиннинг бошига гўё тошбўрон бўлиб ёғилаётгандек эди. Утиришга мажоли қолмагач, ўрнидан зўрға туриб олган Муҳйи ожиз кишидек пай-пасланиб, ҳужрасига аранг етиб олди.

Бу сирни Муҳйидан бошқа ҳеч ким пайқагани йўқ эди. Ахир, бу уста Қомилжон ўша Зубайданинг куёви, Муҳйиннинг олдига хумчани қўйиб, мағрур кулиб турган ошиқ йигитнинг ўзгинаси-ку!.. У Муҳйи орқасидан мадрасага ҳам етиб келиб, ўз яллasi билан Муҳйидан кулаётганга ўхшар эди.

Бутун маҳалла шеърят сайлига айланган. Муқимий, Фурқат, Завқий ёзган ажойиб ғазаллар куйланар экан, уларнинг тахаллуслари пешма-пеш тилга олинарди. Ичкарида қиз-жувонлар чилдирма чалиб, қўшиқ айтмоқдалар, Муқимий ажойиб кепатада, тўйхона дарвозаси ёнида ўтириб, гоҳ шавқ-завқини юрагига сиғдира олмай, шодликдан қийқриб юборгиси келарди. Кўп ўтмай куёв либосини кийдирмоқ учун уни ичкарига таклиф қилдилар. Кириб борар экан, қатор терилиб, акаларини тўй билан табриклаган сингиллари қаторида бошига рўмол ташлаган қадди букик Хайринисо ҳам турарди. Унинг жуда қийналиб айтган, йиғига ўхшаш бир жумла сўзи Муқимийнинг икки қулоғидан кириб, қалбига қадалди:

— Тўйингиз муборак...

Муқимийнинг иродаси гарчи тоғ бўлса ҳам, шу дамда бу капалакдек нозик қизнинг титроқ овозини эшитиб тили тутилиб қолди, тез ўтиб бориб, чимилдиқ тутилган, аммо ҳали қора деворлари қуримаган уйга кириб кетди, орқасидан Меҳринисо кириб борди. Муқимий қаршисида сингилси Меҳринисо эмас, ойнани кўргандек бўлди. Муқимий кўзидаги ёш, дилидаги аламни лабидаги ясама табассум билан яширмоқчи бўлар экан, қаршисидаги ойнада ҳам худди шуни кўрди.

Куёв учун бир тўн ва бир дўппигина қилингани маълум эди. Муқимийга бир бўғча сарпони кўрсатдилар. Муқимий йигит бўлиб, сурп кўйлак-лозимни, янги кавуш-маҳсини, шоҳи қийиқни энди кўрмоқда! Булар шоир учун фақат орзу бўлиб туюлар эди-ю, ҳеч кимга изҳор этмас эди. Мавлавий Йўлдош фаҳмлаган экан-да, а?..

Тўй беш соат давом этиб, базм пировард бўла бошлади, дастурхонлар яна ёзилиб, ош тортилди, ошдан кейин меҳмонлар «куёв-келин қўша қарисинлар» деб тарқала бошладилар. Мадрасадаги меҳмонлар ҳам дас-

турхонга фотиҳа ўқигач, Мирзахўжа новвой ўз қўли билан аввал устоз домла Халилга, кейин мураббий, гариб Нохўшга, «ғўлах тахтининг Сулаймони» Маҳжўрга ва муҳтарам меҳмон ҳозик Степан Кузьмичга, Шодмон ҳожи ва Исмоил маҳрамга тўн кийгизди. Меҳмонлар тарқалишар экан, домла Халил устоз сифатида фотиҳа очиб, ўз тилагини ифода этди:

— Ижодларингиз билан, авлодларингиз билан халқ муҳаббатига сазовор бўлинглар, бу ажойиб шеърят аҳлининг тўйи халқнинг тўйига қўшилиб кетсин!..

Энг сўнгги меҳмонлар ҳам узатилиб, хотиржам бўлингандан кейин Мавлавий Йўлдош бошлиқ тўйда хизмат қилаётган дўстлар Муқимийни ўртага олиб ичкарига кирдилар. Қўшни ҳовлида қондаси билан никоҳ ўқилгач, Муқимийни чимилдиққа киритиб, ўзлари тарқалишдилар. Ундан кейин хотин-қизлар қий-чув, ёр-ёрлар остона юзига оқ дока тутган келинни олиб кириб, куёв ёнига ўтқаздилар:

«Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлано, тўйдир букун,  
Ҳайёр-ёра, тўйдир букун,  
Икки юрак топшар кундир букун,  
Ҳайёр-ёра, кундир букун...»

Тўйга йиғилган соддадил кишилар буларнинг қўшақаришларини таважжу қилиб тарқалдилар.

Совуқ ҳужрада яланг қават тўшак устида риёзат чекиб юрган ёш Муҳаммад Аминхўжа учун қалин тўшалган никоҳ кўрпаси билан ўн саккиз ёшли Ойшабининг иссиқ огуши жирканарли эмас эди...

Инсоф билан айтганда, бундай тўй Муқимий ёшидаги ҳар бир камбағал учун муяссар бўла бермас, уйланмай, ёшини ўтказаётган камбағаллар оз эмасди. Бунинг устига Ойшада нима гуноҳ бор, у ҳам ёшлигидан шу қашшоқ онлага аъзо бўлиб, ўгай отанинг қош-қовоғига қараб, остона ҳатлаб кўча юзини кўрмай балоғатга етган, севги-муҳаббатдан хабарсиз, бутун лаёқати, кучқудратини чеварликка сафарбар қилиб, ўз фазилатини шу деб эътиқод қилган бир муштипар-ку!..

Шоирнинг нозик қалби унга ёмон назар, нафрат билан қарашга йўл бермади, кўзи мўлтиллаб турган кўзларга тушар экан, раҳми келди, қўлларини юбориб, келинчакларга хос силлиқ, хушбўй сочларини силади, худди увол мусича парларини силагандек бўлди...

Нонуштада уй холи эди. Ойшабиби нонушта учун киргизилган қатлама, патирлардан синдириб ўрнадан турди ва оқ қўллари билан Муқимийга чой узатар экан, бошидаги рўмоли тушиб, қип-қизариб кетди: йигит кўзи билан қараганда айблагудек жойи йўқ, сочи узун, қошу кўзи ҳам чакки эмас, билаклари ҳам сутга чайгандек эди.

Орадан ҳафталаб ўта бошлади, Зиёдабиби Муқимийни ўтқазिशга ер тополмайдиган даражада ҳурматлар, ўғли билан келиннинг иттифоқлигидан Мирзахўжа ака ҳам хурсанд, ҳар кўрганда ҳамкасб новвойлар тўйни мақтар эканлар, ўғлининг халқ ичида топган обрўйи ва яхши дўстлар орттирганидан беҳад миннатдор эди.

Кечалари Муқимий шам нурни остида китоб муталаа қилар, гоҳ қўлига қоғоз, қалам олиб, ғазаллар машқ қилар, Ойшабиби эса, куёвнинг нима ўқиб, нима ёзаётганига ҳам қизиқмасди, у дўппи тикиб ўзининг силлиқ-дўзлигидан мағрурлангандай гоҳ шамга тутиб томоша қилар, Муқимий бир нарсани сўрамагунча индамас ва қим этмасди.

Муқимий бир кеча токчадан дўсти Обиджон Аълам ҳада қилган Нодиранинг бизга таниш қўлөзма баёзини олиб, жўрттага овозини чиқазиб ўқий бошлади:

«Васл уйин обод қилдим, бузди ҳижрон оқибат,  
Сели ғамдин бу иморат бўлди вайрон оқибат.  
Қилди чоки пираҳан доғи дилимни ошкор,  
Қолмади кўнглимда заҳми ишқ пинҳон оқибат.  
Аҳду паймонлар қилиб эрди, вафо қилғум дебон,  
Айлади тарки вафо ул аҳди ялғон оқибат.  
Орзу қилдим тутарман деб висоли доманин,  
Пора бўлди ҳажр илгида гирибон оқибат...»

Муқимий ғазални шу ерда тўхтатиб, рўпарада ўтирган Ойшабибига қаради, Ойшабиби оғзини катта очиб, эснаётганини кўрди. Муқимий наздида Ойшабиби ҳузур қилиб, тебраниб тинглаётган эди, унинг аксини кўрди. Китобни шартта ёпиб, токчага иргитди, пуф деб, шамни ўчирди-да, ўзини кўрпа қучоғига отди. Муқимий орқасида ғуж бўлиб ётган Ойшабиби ҳаял ўтмай, пишиллаб уйқуга кетди. Муқимий кўз олдидан унинг пинжиги кириб, эркалик билан шеърига қулоқ бериб, баъзи сатрларини қайтариб ўқилишини илтимос қилаётган фазилат маликаси, қарчиғай чангалига тушиб истеъдод парлари юлинган оқ кабутардек Хайринисо ўта бошлади ва

бу юқорида ўқилган ғазални Нодира эмас, Хайринисо ёзгандек туюлиб, Муқимийнинг юраги «шув» этиб кетди.

Энди фақатгина ширин хаёлга айланиб қолган Хайринисони шоир ўйламасликка қарор берди. Шеърга тушунмаслик, ундан бебахралик Ойшабибига хос нуқсон бўлмай, жуда кўп кишилар, ҳатто салласи катта уламо­ларга ҳам, қилич таққан мингбошиларга ҳам, яхши кийиниб, извошда кеккайиб ўтирадиган серсавлат савдогарларга ҳам хос нуқсон эди, шуни эслаб, ўзига таскин берар эди.

Тонг отмоқда, кеч бўлмоқда, бу кеч ўйлаган нарсанг эртасига ўзгариб, хаёлингга асло келмаган бошқа бир кўнгилли ёки кўнгилсиз ҳодиса қаршингда чиқиб қолмоқда. Гўё ҳаётнинг йўли узун занжирга ўхшар, соатлар эса унинг узилмас халқаларидек айланар эди.

Бора-бора бозор айланиш, Йўлчи оқсоқолнинг самоварига бориб, хилват меҳмонхонасида ўтириб, шеърхонлик қилиш, Отажонбек қўлидан ош ейиш, чой растасига кириб, Обиджон аълам дўконида фузулийхонлик қилиш ҳам барҳам топиб, жаҳли тез Зиёдабибининг қош-қовоғига қараш, отага ёрдамлашиш ва Ойшабиби томонидан ҳар нафасда воқе бўлиб турадиган фаросатсизликни кўриб-кўрмасликка олиш шоир ҳаётининг мундарижасини ташкил этмоқда эди.

У Шалдирамоқ гузарига ўтиб, анчадан бери ётиб қолган синглиси Меҳринисодан тез-тез хабар олиб турар, ундан қайтиб, ҳужрада ётган ғариб Нохўшга овқат пишириб ичкизар, қуруқ бўлса ҳам ҳар кунни бир мартаба устозни кўриб, ҳол сўраб қўяр эди.

Бир кунни Меҳринисони кўриб, одат бўйича ҳужрага келса, жиловхона ёнида белига най қистирган Исмоил маҳрам оёқяланг ўғли Абдуқодир<sup>1</sup> билан Муқимийнинг келишини пойлаб ўтирган экан, унинг ёнида хуржун, қўлида таёқ бор эди. Улар қуюқ сўрашгандан кейин Исмоил маҳрам истаб келиш боисини изҳор қилди:

— Бир эҳтиёж билан сизнинг олдингизга келдим, ҳурматли Муқимий. Аёлмандман, бола-чақам Конибодомнинг Чилмаҳрам қишлоғида яшашади, мен бу ўғлимни ёнимга олиб, шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ най чалиб, гадоллик қиламан. Бир най пуфлаш билан тирик-

---

<sup>1</sup> Абдуқодир — Ўзбекистон ССР халқ артисти, машҳур найчи Абдуқодир Исмоиловдир.



чилик ўтмаяпти, найни ҳамма ҳам ёқтириб эшита бермас экан, менга. Ўз аҳволимдан кишиларни ҳам кулдириб, ҳам раҳмини келтирадиган байт ёзиб берсалар, ёдлаб олиб ўқиб юрсам...

— Бош устига! Буни албатта ёзиб бериб, сизга хизмат қилай. Аммо ҳозир бўлмайди, андак ташвишнокман, кечаси ёзишга тўғри келади. Майлими?

— Майли-майли! Эртага қай вақт келиб олиб кетай?..

— Сиз кекса одамни овора қилмаслик учун мен уни уста Қовулга чошгоҳда етказай, сиз уста Қовулдан сўраб олинг. Хўпми?..

— Аканг айлансин, шундай бўлсин.

Исмоил маҳрамни кузатиб, ҳужрага кирди, Миён Сотиболдихон шу ерда, мураббийнинг касали жиддийлашиб, кечагидан анча оғирлашган эди. Миён Муқимийга маъноли қараб олиб, ўзи табиб истаб кетди, Муқимий атала пиширишга киришди ва аталани пишириб беморга ичкизмоқчи бўлди. Бемор томоғидан атала ўтмай, оқиб кетди, кўз очмай оғир-оғир нафас олаётган Нохўш форсча бир нималар демоқчи бўлар эди, аммо нима деяётганини англаш қийин эди.

Муқимий нима қилишини билмай, мураббий пешонасига рўмол ҳўллаб ёпди, иккинчи рўмол билан пашша қўриб, чўккалаганча сукутга кетди. Кузнинг икки шилқим чивини беморнинг гоҳ бурнига қўнар, гоҳ лабига, уни Муқимий ҳайдар, бир айланиб келиб, ўчакишгандек Муқимийнинг чаккасига ўтирар эди. Шоирнинг тоқати тугаб бўғилди, сўкинди. Лекин чивинлар парвойи фалак, ўз ҳунарини кўрсатмоқда эди, шу пайт ҳужра эшигини қаттиқ очиб ҳожи Муҳйи кириб келди-да, беморнинг ҳолини сўраш ўрнига аввал тамасхурона жилмайиб, кейин баланд товуш билан Муқимийга заҳрини соча бошлади:

— Сизни чапанилар истаб келиб, мадрасани оёқ ости қилгани етмагандек, бугун хуржун кўтарган найчи гадолар ҳам истаб мадрасага кириб келди!.. Буни нима деса бўлади?..

— Олижаноблик...

— Нима? Олижаноблик дедингизми?

— Ҳа! Олижаноблик! Сизнинг кўзингизга гадо бўлиб кўринган у кишини халқ ҳурматлайди, севади. Шундай улуғ санъаткор мени истаб келгани учун бошим кўкка

етди. У кишини халқ қанча ҳурмат қилса, мен ҳам шунча ҳурмат қиламан!.. Ҳожи ака! Мумкин бўлса, ҳужрадан ташқарига чиқиб машмашалашсак! Кўриб турибсизки, мураббий оғир беморлар...

Муқимий Муҳйи билан ташқари чиқди, ғазаб билан ёнган Муқимийнинг ўткир кўзлари Муҳйи кўзи билан тўқнашди. Муҳйи жилмайди.

— Тавба!.. Бу келгинди сизларга мураббий бўлиб қолганига кулгим қистайди...

— Келгинди ҳам ҳар хил бўлади, жаноб ҳожи ака! Бирини келиб еган тузини оқлаган бўлса, яна бирини тузлиқни булғатяпти!..

— Масалан?..

— Кечирасиз, ҳозир сиз билан мунозара қилиб ўтиришга фурсатим йўқроқ, вақти келганда бунини сизга мен эмас, оддий кишилар, бу юртнинг оддий эгалари айтиб берадилар!..

Муҳйининг ранги оқариб, вужудини титроқ босди, шаллақилик қилмоқчи бўлиб турганда Миён Сотиболди-хон табиб етаклаб, дарвозадан кириб келди. Муҳйига қарамай, Муқимийдан сўради:

— Тинчликми?..

— Тинчлик. Қани, кирайлик...

Кекса табиб узоқ томир ушлаб беморга разм солгач, қўл ювиш баҳонасида ташқари чиқди.

— Бу кишини ёлғиз қолдирманглар, бирор кекса одам шу ерда бўлиши лозим, сизлар ёш кишиларсизлар...

Табибни ташқари узатиб, Муқимий қайтиб кирганда, Миён супада бошини ушлаб турар эди. Муқимий ҳам унинг ёнига келди:

— Қайси кексага ялиниш мумкин?..

— Мушкул иш!— деди Миён Муқимийга мазмунли тикилиб,— жуда мушкул иш... Ахир, мураббийнинг даҳрийлиги ҳақида кексалар ўртасида турли миш-мишлар тарқалган, бу ҳақда менга улуғ акам танбеҳ ҳам берган эдилар. Бунини тарқатган кишининг кимлиги ўзингизга равшан... Бу гаплардан кейин қайси кекса унинг олдига кириб ўтирсин!

— Мен ўзим тураман, ўзим пойлайман!

— Йўқ! Биз Мавлавийга мурожаат қиламиз, Мавлавий бирор кекса одам топади. Ахир, такяларда, гўлаҳларда ётиб юрган аҳли дард ғариблар оз дейсизми?

Миённинг илтимосини етказиш учун Муқимий Ҳожибек гузарига, Мавлавий Йўлдошнинг уйига жўнади, Мавлавий Йўлдош шошиб эшигидан чиқиб келаётган экан.

— Ажабо! Хизрмисиз, нимасиз? Мен сизни нстаб бормоқчи эдим. «Култепалар мулкининг улуғ султони» мавлоно Маҳжўр ёнларидаги гадо «вазир»ларига эрталаб: «Менинг жанозамга янги тўн кийган, катта салла ўраганларни аралаштирманглар, менинг тобутимни қорни оч, ярим яланғочлар кўтарсинлар, мени ғариб мозорга кўмаётганда шоир Муқимий билан Мавлавий Йўлдош тепамда бўлсинлар!» деб васият қилибдилару, оламдан ўтибдилар! Юринг, кетдик!..

Йўлда кета туриб Муқимий Мавлавий Йўлдошга Миённинг илтимосини айтди.

— Бир ғарибга бир неча кун ҳамро бўлиш учун бир эмас, юзлаб «нохўшлар» топилиши шубҳасиз. Аввало мана бу «ғариблар Сулаймони»ни дафн қилайлик, кейин бир гап бўлар...— деб жавоб қилди Мавлавий.

Жоме орқасидаги ҳаммомнинг хилват гўлахи ёшу кекса гадолар, риндлар билан лиқ тўлган, ичкарида ғариб Маҳжўр жасадини аллақачон ювиб, тараб эски лунги билан кафанлаган эдилар. Бош яланг, оёқ яланг кимсасиз болалар қатор туриб: «Вой отам»лаб йнеламоқда эдилар. Муқимий билан Мавлавий Йўлдош кириб, ғариб шоир жасадини очиқ тобутга солиб, ўз тўнларини ечиб ёпдилар. Жаноза ўқилгандан сўнг олдинда қирққа яқин ёш, кекса гадолар ҳасса ушлаб борарди, тобутнинг олд томонини Муқимий билан Мавлавий Йўлдош кўтариб йўлга тушдилар.

Жоме дарвозасидан чиқиб, катта йўл билан ғариб мозорга боргунча халқ кўчанинг икки томонини ўраб олган ва кўп одам эргашиб бормоқда, ҳар қадамда тобут у елкадан бу елкага ўтмоқда эди.

Қабристонга етгач, ғариб шоирнинг васияти бажо келтирилди, яъни Мавлавий Йўлдош жасадини ўз қўли билан қабрга қўйди. Тупроқ тортилгач, ҳамма сукутга чўмди, кекса тут остига чўккалаган Исмоил маҳрам найда наво бошлади, наво охирига етгунча ҳеч ким ўрнидан қўзғалмади. Кейин Муқимий ўрнидан турди.

— Азиз дўстлар!.. Шоир Маҳжўр ёзиб, охирига етказолмаган энг сўнгги тўрт сатр шеърини мен сизларга ўқиб бермоқчиман:

Тугилганимни нечун сизга шарҳ этай, дўстлар.  
Улайми ёки муродга қачон етай, дўстлар?  
Тугилганимча ҳамон очмену яланғочмен,  
Яшаш агарда шу бўлса, қўйинг, кетай, дўстлар!..

Оташин шоир билан абадий видолашгач, ҳамма ўз йўлига кетди. Қабр устида шоир Маҳжўр ўғил қилиб олган кимсасиз тиланчи болалар билан Муқимий, Мавлавий Йўлдош қолган эдилар. Кейин булар ҳам қўзғалиб, ҳужрага жўнадилар.

Ҳужрада Миён ниҳоятда бўғилиб, йўлга қараб қолган эди, икки дўст ҳориб, тўнсиз, яқтакчан кириб келдилар ва оғир жудоликдан Миёни хабардор қилиб, узр сўрадилар. Уччалари бу кеча ҳужрада, мураббий ёнида ўтириб тонг оттиришни лозим кўрдилар.

Муқимий ниҳоятда очқаган ва ҳориган ҳолда уйга қайтди. Тўнсиз карахт бўлиб келган Муқимий қайнана кўзига жуда шумшук кўринган эди. Муқимий индамай ўзини тўшак устига ташлади-да, очу наҳор ухлаб қолди. Буни юрагига тугиб ўтирган Зиёдабиби бозордан чарчаб келган Мирзахўжага суюнчи тортди:

— Қизимнинг шўри бор экан! Ўғлингиз ёмонларга қўшилиб мусаллас ичадиган бўлиб кетибди! Тўнини аллақерда қолдириб, маст бўп келди!.. Беҳунарлиги устига буниси ҳам бормиди энди?!

— Бўхтон!.. Бўлмаган гап! Ўғлим сен ўйлаган йигитлардан эмас! Юм оғзингни, шаллақи!..

Ташқарида бўлаётган шовқин-сурондан Муқимий чўчиб уйғониб, оёқ томонда дўнг тушиб, пиқ-пиқ йиғлаётган Ойшабибини кўрди-ю, сапчиб ўрнидан турди:

— Нега йиғи-сиғи?.. Тинчликми?..

— Маст бўлиб келиб ётганингизни, тўнини йўқотиб келганингизни ўзингиз билмайсиз шекилли...

— Нима-нима?.. Маст бўлиб?..

— Яна билмасликка ҳам оласиз-а!.. Аям жуда хафа бўлиб кетдилар!..

— Қошки эди маст, дунёдан беҳабар бўлсам, лойларга ботиб, тўнимни кўчаларга ташлаб келсам, қўлимда тош, оғзимда ҳақорат билан кириб келган бўлсам!.. Эвоҳ, энди бу туҳматлар бормиди!

Муқимий қозикдаги тўнни елкасига солди-да, жузгир, қалам, довотни олиб, ташқари чиқди. Отаси ариқ

лабида, ниҳоятда асабийлашган ҳолда турар эди, Муқимий индамай йўлакка томон юрди:

— Тўхта, ўғлим!..

Муқимий турган ерида тўхтади.

— Хизмат бўлса айтинг, тайёрман!.

— Ичиб келганинг ростми?..

— Қошки эди, рост бўлса!..

— Ундай бўлса, тўн қаёқда қолди?..

— Тўнни ғариб, яланғоч шоир Маҳжўрнинг тобути устига ёпдим. Биз уни қабристонгача елкалаб олиб бориб, кўмиб қайтдик, дадажон! Мен ҳориган, ўзимни олдирган кайфиятда кириб келган эдим!..

Мирзахўжа новвой югуриб келиб, Муҳаммад Амн-хўжани маҳкам қучди, юзларидан ўпиб, кечирим сўрай бошлади. Муқимий ҳамон бир ерда қим этмай турар эди. Мирзахўжа уйга қараб бақирди:

— Ҳой золим!.. Тўғрилиқча чиқиб, ўғлимдан узр сўра!

Муқимий отасини қучиб ёлворди:

— Жон дада! Менинг тинчлигим, хурсандлигимни хоҳласангиз, уларнинг гуноҳидан ўтинг, ўзингизни босинг, бундай англашмовчиликлар ҳаётда кўп бўлиб туради. Мен аразлаб кетаётганим йўқ, ҳужрага чиқяман, мураббий касал!..

— Майли, чиқа бер! Аммо аянг оёғингга йиқилиб, узр айтмас экан, мен хумордан чиқмайман!..

Муқимий ҳужрага ниҳоятда маъюс ҳолда кириб келиб, пойгаҳда қўл қовуштирганча узоқ ўтириб қолди. Миён ҳам индамай китоб варақламоқда эди. Кейин Муқимий аста ўрnidан туриб, қумғон остига ўт қалади ва шифтдан патнисни олиб, ундаги бурда нонларни пиёлага ушата бошлади. Чунки кун билан туз тотимаган.

Ҳали қумғон қайнаганча йўқ эди, ташқаридан оёқ товуши эшитилди, овози таниш Мавлавий Йўлдош хитойча гапириб яқинлашаётган эди. Бир лаҳзадан сўнг Мавлавий Йўлдош дўсти хитой табибни ҳужрага бошлаб кирди. Табиб имо-ишора билан саломлашгач, мураббийнинг муолижасига киришди, яъни томир кўриб, юракка қулоқ солди, сўнг кулимсираб ўрnidан турдида, қўлини ювиб туриб, Мавлавий Йўлдошга хитойча-лаб бир нималар деди, Мавлавий Йўлдош унинг сўзини дўстларига таржима қилди;

— Бу одам ҳали кўп яшайди! Мен бир шарбат тай-

ёрлаб бераман. Уни ҳар куни уч бор оз-оздан ичкизиб, орқасидан хурушига бир тўғрам жигар кабоб егизасизлар, бир ҳафтада ўрнидан туриб кетади!..

Хитой ҳозиги, Мавлавий Йўлдошнинг дўсти ва устози бу хушxabарни айтиб йўлга тушди, Мавлавий Йўлдош унга эргашди. Миён Сотиболдихон Муқимийга қараб маъноли табассум қилди, Муқимийнинг ҳам андак чиройи очилиб, тилга кирди:

— Дўстим Мавлавийга раҳматлар бўлсин!..

— Қошки эди, ҳамма ҳам Мавлавийдек дарё дил, меҳрибон, элпарвар, серғайрат бўлса!.. Йўқ, бундай инсонни ҳамма она ҳам туға олмас!.. Айтишларича, Мавлавий ўз хислатлари билан оилага ҳам таъсир эта олган эмиш, Мавлавий онласи одобда, ростгўйликда, одамийлик ва меҳрибонликда Ҳожибек маҳалладаги хотин-халажларга ўрнак эмиш...

Миён Сотиболдихоннинг Мавлавий Йўлдошга берган баҳоси Муқимийга ғалати таъсир қилиб, қалбига қадалгандек бўлди. Кўз олдида ўғай онасини тиз чўкишга, ўғилга узр айтишга мажбур қилаётган билимсиз новвой ота гавдаланди.

Муқимий ўрнидан сапчиб турди:

— Мен ҳовлига тез бориб қайтаман, сиз зерикмай ўтириб туринг.

— Тезроқ келинг!..

Муқимий ҳужрадан чиқиб, ҳовли томон юрди, кузнинг кечки шабадаси шамолга айланмоқда, кўча ўртасидаги чўп-хасларни қуюн ўз гирдобига олиб, пириллатиб ўйнатмоқда, тинч турган дарахтларнинг учи ҳар томонга силкинмоқда, кўчалардан одамларни миршаб қувган сингари, шамол ҳуштагини чалиб келиб, ҳайқирганича ўтиб бормоқда. Юпқа, яланг табақа эшиклар қарс-қурс очилиб-ёпилмоқда, одамлар ҳам шошиб-пишиб, тезроқ уйга етиб олиш тарадудиди.

Муқимий ҳам йўл четидан тез-тез юриб ҳовлига кириб борди-ю, ҳовли ўртасида туриб қолди: отаси ва ўғай онаси яшайдиган уйда қорачироқ пирпирамоқда, аммо ўзи яшайдиган уйда шам ёқилмаган, қоронғи, ҳар кеча Муқимийнинг қаршисида ўтириб не-не вақтгача дўппи тикадиган Ойшабиби, бу кеч вақтли ухлаб қолган...

Оёқ учида уй эшиги олдигача борган Муқимий хаёл суриб, тўхтаб қолди. Осмонда шамол оч йўлбарсдек

Ўқирар, баланд-баландликда қора булут парчалари турли шаклларда бир томонга югуриб бормоқда, бир ҳафталик ой гоҳ булутлар орасига яшириниб, гоҳ юз очиб жилмайиб, ердагилар билан бекинмачоқ ўйнаётган-дек.

Ҳозиргина одамлар билан ўйнашаётган ой, ҳаял ўтмай қалин ва қора булутлар орқасида ғойиб бўлди, шамол ҳайқириб тор ҳовли тепасини қоплаб олган авак<sup>1</sup> баргларини шиддат билан силкитмоқда, узоқ-узоқдаги азамат толларнинг шоҳлари амалдор йўлига тизилган фуқародек, бошини ерга эгиб турмоқда...

Шоир узоқларга назар ташлаб томоша қилар экан, табиат манзараларини одамлар ҳаёти билан таққослай бошлади, ҳаётдаги шафқатсиз шамолларни, ергача эгилган бошларни, даҳшатли қуюнларни, сарғайиб тўкилаётган гуноҳсиз пажмурда япроқларни, узоқда ялтираган ой ҳам қуёшларни кўра бошлади, сўнг ўз-ўзича алланималар деб, пичирлади:

«...Тепаси ток билан бекитилган, гувалак девор билан ихоталанган тор, қоронғи ҳовличанинг бир умрли маҳкумлари ҳатто эрдан беижозат шам ёндириб ўтиришдан ҳам маҳрум этилганлар, улар шу тор ҳовлида кечгача айланиб, шомдан дўнг тушиб ухлашни бахт деб ўзларини овунтирадилар, улар ўз эрларининг раъйдан четга чиқиш, сўзини рад қилишни гуноҳ деб билдилар...»

Зиёдабибининг биринчи эри қиморбоз эди, тез-тез маст бўлиб келиб, Зиёдабибини бўлар-бўлмасга дўппослар, қўшниларга эшиттириб ножўя сўзлар билан ҳақорат қилар эди. Шундан юрак олдирган Зиёдабиби, Муҳаммад Аминхўжани тўнсиз, гандираклаб келиб, ечинмай ухлаб қолишини мастликка йўйиб, нобон улафатлар тузоғига тушган хаёл қилган эди.

Олдин ўгай она, энди меҳрибон қайнана бўлган билимсиз, нодон, фаҳми кўча остонасидан нарига ошиб ўтмаган бу мушфиқни ҳозир ухляпти дейиш мумкинми?.. Севимли куёв ўғлига ноҳақ туҳмат қилиб қўйган бу енгил табиат, тили ўткир аёл ҳозир хижолат чекиб, эридан пинҳон тўлғанаётган бўлиши мумкин...

Муқимни аста эшик очиб, ичкари кирди, эҳтиёткорлик билан тоқчадан гугурт қидириб топди, гугурт ча-

<sup>1</sup> Қўқонга хос узумнинг номи.

қиб, шамни ёндирди ва ўрнидан туриб, пойгаҳда кўз ишқалаётган Ойшабибини кўрди: Ойшабиби дока кўйлақда бўлгани учун ҳомиладорлиги яққол билиниб турар эди.

— Ҳали ҳам ухламадингизми?

— Келасиз деб пойлаб ўтириб, кўзим кетибди. Овқатни иситиб келайми?..

— Шамол турган, ўт ёқиш осон эмас!.. Совуган бўлса ҳам олиб келинг, бирга баҳам кўрайлик...

Ойшабиби дастурхон ёзиб, токчадаги сопол товоқни ўртага қўйди.

— Дадам кичири буюриб, ўзлари туз тотмай ухлаб қолдилар. У кишига аччиқ қилиб, аям ҳам еганлари йўқ, сиз аразлаб кетганингиз учун менинг ҳам иштаҳам ёппа бўғилди...

Муқимий қўл артиб туриб, Ойшабибига ёлворгандай қаради:

— Сизни шамолга чиқармоқчи эмас эдим, барибир чиқишга тўғри келяпти, аяни аста уйғотиб бошлаб келинг. Аввало у кишига мен узр айтмоқчиман, иккинчидан, сизнинг ёнингизда қолдириб, ўзим ҳужрага чиқмоқчиман. Ҳиндистонлик отамиз касал!..

— Хўп...

Ойшабиби чопон ёпиниб ташқари чиқди, ҳаял ўтмай аяси билан кетма-кет кириб келдилар. Муқимий пойгаҳга тушиб, аясини тўрга таклиф қилди. Зиёдабибининг ухламаган, йиғлаб кўзлари қизаргани равшан эди, Муқимий узр айта бошлади:

— Жон ая! Мен бир бор гуноҳ қилдим, бундан кейин тўнни йўқотиб уйга маст кирмаганим бўлсин!.. Иккинчи илтимос шуки, сиз бу кеча бу уйда қизингиз билан бўласиз, ҳужрада ҳинд ота оғир касал, биз шу отага пойлоқчи бўлиб, тонг оттирмоқчимиз. Бунинг учун қизингизнинг рухсатларини олдим...

— Ойша чиқманг дермиди, чиқа бермайсизми!.. Аммо сиздан бир илтимосим бор: маст келганингизга отангиз олдида иқрор бўлмасангиз, отангиз мени ёлғончига чиқариб ўтирибди!

— Бўпти, иқрор бўлганим бўлсин! Хайр, тинч ухланг!

Токчадан бир китоб олиб, Муқимий ҳужрага кетди, Зиёдабиби енгил тортиб, кўча эшикни тамбалаб қайтгач, тилини бир қарич қилиб вайсай бошлади:



— Бўш келсак, эртага ҳам маст бўлиб, кўйлагини йўқотиб келар эди! Отанг ўлгур ҳам олдин оз-моз ичиб, тўн йўқотиб келишдан бошлаган!..

Муқимий ҳужрага қайтиб келганда Миён билан Мавлавий Йўлдош ўчоққа гулхан қалаб, сатранж суришмоқда эдилар. Муқимий сўзсиз кириб, бир четда чўкка тушди ва токчадаги жузгирдан қоғоз, қалам олиб, ёзишга киришди:

«Оҳ, соқол қадри ўтиб, кўнгулда армон кўсаман,  
Ҳафтада ойнага боққанда ҳайрон кўсаман.  
Барчада бўлса соқолу менда бир тук бўлмаса,  
Йиғлабон ушбу аламдин, гоҳи хандон кўсаман.  
Сину солим сўрма, билмасман, ўзим ҳам шунчаким,  
Катта-катта мўйсафидларга падархон кўсаман.  
Еш гумон этманг кўриб афтим, соқолим йўқ учун,  
Маллахондан қолган эски, қарри таллон кўсаман.  
Еш гўдак бирла кураш тушсам, челақдек ошурур,  
Суратим кўрсанг агар, ўлгунча полвон кўсаман.  
Бўлма овора, билолмасан суриштирган билан,  
Бир чигалманким, ешилмасман, чистон кўсаман.  
Ҳар шаҳарда кўп агар юрсам, бир ой юргим келур,  
Найлайн, савдойи, аҳволи паришон кўсаман!..»

Сатранжда Мавлавий Йўлдош қолди, Миён пиёлага чой қуйиб туриб, ҳазиллашди:

— Устаси билан суришиб, қолдирганингда хумордан чиқар экансан киши!.. Қолиб юрган киши билан ўйнаб, ҳордиқдан чиқмас экансан!..

— Сиз қолдириб, хурсанд бўлинг деб, ўртаманён ўйнадим. Бўлмасам-ку!..

— Бўлмасам, ютмоқчимидилар?.. Саломат бўлгайллар...

Мавлавийнинг ёдига бемор тушиб:

— Сатранжга берилиб кетиб, мураббийни эсдан чиқарибсиз-ку!— деди— Дорини, ахир, ҳар соатда истеъмол қилишлари шарт эди, мана икки соат ўтиб кетди. Муҳаммад Аминхўжа ака, сиз бевақт келган илҳомни йиғиштириб, ана шу сизга ўтказилган жигарни чўққа тутиб юборасиз, сиз Миён, менга кўмақлашасиз...

Учалалари баробар ишга тушдилар... Муқимий икки тўғрамгина жигарни кабоб қилишга киришди, Мавлавий қўлини ювиб, кафтига унга ўхшаган бир дори солди,

Миён кичкина шишани очиб, кафтдаги дорига гоҳ-гоҳ томизиб турди, Мавлавий уни икки кафт орасида эзиб, пишира бошлади.

— Бу дорилар жуда ноёб ва қиммат бўлганлиги сабабли табиб бунни жуда эҳтиёт билан сақлаб, ҳар кимга ҳам беравермас экан, бу икки дори ҳақида менга ҳикоя қилиб берди. Улар бир жинсдан бўлиб, иккиси ҳам гиёҳ томири: бири одам шаклида, яна бири илон шаклида бўлар экан ва бу гиёҳлар Хитой тоғларидан жуда кўп қидиришлар орқасида қўлга киритилган экан.

Учоқ олдида сиз айлантираётган Муқимий тегишди:

— Унга жигарнинг нима алоқаси бор?..

— Бунни, менинг устозим — хитой табибидан сўрайсиз...

Мавлавийнинг бу жавобига Миён қўшимча қилди:

— Яхши дори кайф беради, кабоб бўлса ўша кайфнинг хуруши. Май хурушсиз бўлмаслигини ёш бола ҳам айтиб бериши мумкин-ку...

Муқимий бу изоҳларга эътироз билдиргандек, тескари қараб ўтириб гудранди:

— Май ичгандан кейин хуруш кераклигини энди ўрганиб олдим. Кабоб тайёр, оғайнилар!..

Мавлавий Йўлдош эпчиллик билан, ҳолсизланган Нохўшнинг бошини ёстиқ билан кўксига олди, бемор кўзини ярим очиб, миннатдорлик билдиргандек, учаларига қараб чиқди. Тайёрланган хаб дорини Мавлавий Нохўш оғзига солиб, ютишни илтимос қилди. Нохўш қийналиб ютди, орқасидан иссиқ кабобни сўрдирдиларда, кейин суяб ўтқазиб, иссиқ чой хўплатдилар. Мавлавий қўл ювиб туриб, дўстларига гапира кетди:

— Ишонасизларми, оғайнилар! Бундай ўйлаб кўрсам, бугун туз тотмабман, қориннинг очлиги энди билин-япти, шамолда уйга бориб келиш осон эмас... Бурдасурда нон ҳам йўқмикин-а?..

Муқимий кулди:

— Миёни билмайману, камина ҳам сиздан кам эмас...

— Э-э! Бугун пайшанба, косибнинг қозони қайнаган кун-ку? Наҳотки ош еб чиқмаган бўлсангиз?..

— Мен ош емадим, ош мени еди!..

Гапнинг чувалашини пайқаб, Муқимий мавзунини ўзгартирмоқчи бўлган эди, Миён ҳушёрлик билан ҳовлида кўнгилсизлик бўлганлигини билиб қолди:

— Ростини айтсам, ҳовлига ўтиб, овқат олиб келишни ўйладиму шамолда эриниб, сатранжга берилиб кетдим. Демак, мени ҳам очлар рўйхатига тиркаб қўйингингиз мумкин. Бу очликнинг бирдан-бир давоси — шеърхонлик... Чунки яхши шеърлар жоннинг физоси эканлигини мендан яхшироқ биласизлар. Нима дедингиз, дўстим Муқимий?

— Физоликка физоку-я,— деди Муқимий кулиб,— аммо ҳозир физо бўладиган шеърдан гапирилсин.

— Ҳозир ёзиб ўтирганингиз-чи?..

— Бу зўрма-зўраки ёзилган шеър, сизга, бизга физо бўла олармикин?..

— Қандай зўрма-зўраки шеър? Уқилинсин.

— Кекса санъаткорга берган ваъданинг устидан чиқиш шу қадар мушкул бўлдики... Ёзмасликнинг ҳеч иложи бўлмади. Урина-урина шуни ёздим.

Муқимий Мавлавий Йўлдошга қўлидаги шеърни нохушлик билан узатди. Мавлавий аввал кўз югуртириб чиқиб, кейин овозини чиқазиб ўқиб эшиттирди:

— Бу ғазалда шоир, бечора Исмоил маҳрамнинг оғир ҳаётини, кўсалигини ҳажв қилиш йўли билан тасвирламоқчи бўлган.

Муқимий бир нима демай туриб, Миён Сотиболдихон изоҳ берди:

— Мен шоир эмасман, лекин шуни фаҳм қиламанки, илтимос билан ёзиладиган шеър шоирни қийнайди, шунинг учун бу шеър бўшроқ чиққандир.

Кичик анжуманда енгил мунозара бошланиб, Мавлавий Йўлдош Миён Сотиболдихон изоҳига ўзгариш киргизмоқчи бўлди:

— Мен ҳам шоир эмасман, аммо ўнгимда ҳам, тушимда ҳам шеърни кўраман. Топшириқ ёки илтимос билан ёзиладиган шеърнинг мавзуи аввало шоирга ёқиши керак. Масалан, шоир Муқимийга, фалон мингбошини мақтаб шеър ёзинг, деб топшириқ берган билан иш чиқазиб бўлмайди. Аммо бундай топшириқ ҳожи Муҳйига ёгдек ёқиши мумкин. Бироқ улуғ санъаткор, дарбадар гадо Исмоил маҳрамнинг густохона илтимоси шоир Муқимий ижоди учун қийинлик туғдирмаслиги керак эди. Чунки шоир Муқимий истеъдоди Исмоил маҳрам сингари фақирларнинг илтимоси билан ўшаларнинг диди, матлабига мос қўшиқ ёзиб беришга мувофиқ.

Дўстининг сўзини мароқ билан кузатиб борган Муқимийнинг чеҳраси очилди:

— Мана!.. Мана! Яқинлашиб келдингиз! Давом эттинг!..

— Менимча, сизнинг илҳомингизга тўғон бўлаётган бошқа сабаблар бор эмасмикин?..

Муқимий дўстларига ярқ этиб қаради-ю, яна бошини эгиб, сукутга кетди. Мавлавий Йўлдош калаванинг учини топгандек, Миёнга қараб қўйди:

— Гуриллаб яшнаётган жибиллий, серзавқ истеъдодингиз майда-майда лосларга илашиб, хиралашиб қолиши ҳеч гап эмас!..

Буни эшитган Муқимий бошини кўтариб, Мавлавийга тик қаради:

— Мен назаримга илмаган майда-чуйда нарсалар бора-бора йиғилиб, ижод йўлини тўсиб қўйиш даражасигача етган бўлса-чи?..

— Шу фикрингизни очиб айтсангиз, мавлоно! Балки, биз билганлардан бошқа сирлар ҳам бордирки, бундан биз беҳабардирмиз...

— Мени руҳан эзиб келаётган бир сир борки, буни ҳанузгача сизлардан ҳам пинҳон тутар эдим. Масалан, менинг ёвуз рақибим бўлмиш ҳожи Муҳйи форс, араб тили ва адабиётини яхши билади. Камина ҳозирча бу фазилатдан маҳрумдирман. Рақибимнинг бу жиҳатдан устунлиги мени кўп ўйлатиб қўйди. Бу андиша мени Бухорода таҳсил олмоққа рағбатлантираётган бўлса, иккиламчи, турмушда беҳаловатлигим мени саёҳатга ундаяпти. Бир ёстиққа бош қўйган, эр учун бирдан-бир кўнгил қувончи бўлиши лозим бўлган рафиқам ҳам нобакор, золим, нодон онаси ноғорасига ўйнаб, озор етказиб бериб, шундай оғир кўргуликлар оғушида қалам тебратиб келаётганимга раҳмат демайсизларми?!

Миён афсус қилиб тиззасига уриб қўйди-да, меҳрибонлик билан шоирга қаради:

— Айтишингизча, рафиқангизнинг она тарбиясига хос бефаросатлигидан ташқари, кўнгил учун бўлса ҳам сиз шеър ўқиганда қулоқ бериш, ёлғондан бўлса ҳам сизни ёзишга рағбатлантириш қобилиятидан маҳрум кимарсага ўхшайди!..

— Мен ўз қўл-оёғимни ўзим боғлаб, ғурбат гирдобига ўзимни ташлаганимни энди яхши сеза бошладим. Бу гирдобдан қутулиб чиқмоқ учун тарки ватан қилиб, Бу-

хорони ихтиёр қилгим бор. Бу тўғрида дўстона маслаҳатларингизга муҳтожман.

Мавлавий Йўлдош ўз одатини қилиб, дангал гапирди:

— Борди-ю, сизда ҳамма нарсадан кўз юмиб, риёзат чекиб бўлса ҳам олий мақсадлар сари интилиш истаги зўр бўлса, биз, дўстларингиз уни қувватлаймиз. Чунки ҳозирги сиздаги оғир муҳит, турмуш икир-чикирлари истеъдодингизни бўғиб қўйиши мумкин. Оилавий шароитингиз бизга аён. Очиқроқ қилиб айтганда, янгича маърифат таъсири билан гуллаётган адабиёт учун бизга араб, форс тили билан қуролланган забардаст Муқимий керак!..

Дори хосияти билан ўтирган ерида мунчоқ-мунчоқ терлаб, баданига иссиқ югурган кекса Нохўш бу мунозараларни эшитиб ётар эди. Мавлавий Йўлдошнинг сўзи тамом бўлиши билан табассум қилиб, унинг сўнгги жумласини қайтарди:

— Забардаст Муқимий керак!.. Бунинг учун улур Ибн Сино ватани — Бухорода бир неча йил таҳсил кўрмоқ керак...

Мавлавий Йўлдош Миёнга қараб кўз қисди, кейин Муқимийга:

— Шу шарт биланки, оила ташвишини баҳона қилиб, тез қайтиб қолинмаса,— деди. Миён ҳам унинг гапига қўшимча қилди:

— Оилангизга ёру дўстларингиз ёрдам қўлини чўзиб туради, бундан кўнглингиз тўқ бўлсин! Мен сиз дўстлар учун ҳар қандай хизматга камарбаста!..

— Гап шундай экан, энди уйқуни қочириш чорасини кўриб, Мирзо Бедил ғазаллари чўққисига ақлимиз етганча тирмашиб кўрайлик, бир соатдан кейин яна табобат ишларини бошлаймиз.

Мавлавий шундай деб, токчадаги «Мирзо Бедил» куллиётини олди ва саҳифа очиб, бир ғазални ўқий бошлади.

\* \* \*

Орадан кунлар ўтиб, Хитой табибининг дориси, Мавлавий Йўлдошнинг парвариши билан ғариб Нохўш шифо топди. Шундай бўлса ҳам эҳтиёт юзасидан уни ўриндан турғизмай, авайлар эдилар. Бир кеч ҳужрага меҳ-

монлар келиши маълум бўлгандан кейин Нохўш ҳужрада ётишни ўзига эп кўрмай, ўрнини даҳлизга ёзди. Буни кўрган Мавлавий Нохўшдан койиб, яна ҳужрага кўчирди:

— Келадиган фазилат аҳллари сиз билан ўлтиришни орзу қилмоқдалар! У кишилар бу ерга тўпланишиб, бугун Муқимийни Бухорога узатмоқчилар. Устоз чиқолмайдилар, у киши учун сиз оқ фотиҳа берасиз.

Мавлавий Йўлдошнинг сўзи тугамай туриб, ҳужрага тўрт киши: Обиджон аълам, Солижон чакалак, Қори сумалак ва Муҳаммаджон «макай» кириб келдилар. Оз фурсатдан сўнг Убайдулла — Завқий, Усмонхўжа — Зорий, Ермуҳаммад — Ёрий рўмолга бир нималар тугиб кўтариб келиб қолдилар. Бироқ Муқимийдан дарак йўқ эди.

Миён Сотиболдихон уч-тўртта янги кўрпача ва идиш-товоқ кўтартириб кирди. Жой кенгайтирилди, дастурхон ёзилиб, ҳар ким ўз рўмолидагини ўртага тўкди. Шу пайт ташқаридан танбур овози эшитилди, Обиджон чиқиб, дилдираган Шодмон ҳожини бошлаб кирди, иззатикром билан бу усти юпун бастакорни ҳужра тўрига ўтказдилар.

Ажойиб куйлар ижодчиси бўлган бу жиккаккина, ўрта яшар санъаткор уйсиз-жойсиз, ҳанузгача уйланолмай, самоварларда тунаб юрарди. Устида ёзин-қишин яланг қават оқ, лекин озода кўйлак-лозим, бошида ҳожи дўппи, оёғида шиппак, қўлтиғида танбур билан дутор, хилват-хилват жойларда ҳаёт кечирарди.

Бу одам шундай фақир эдики, баъзан тиланиб кун кечиришга мажбур бўлар, кўпинча, тирикчиликни ўтказиш учун эрталаб атторлик растасидаги таниш атторлардан беш-ўнта «гулжаҳон» атирсовунни насияга олар, сўнг раста оралаб, бошқа расталардаги таниш шинавандаларга биттадан совун «инъом» қиларди, шинавандалар санъаткорга ёрдам учун совуннинг қийматидан икки баробар ортиқ пул бериб, Шодмон ҳожини хурсанд қилар эдилар.

Шинавандалар уйларига ҳар кун «гулжаҳон» кўтариб борадиган бўлиб қолган эдилар.

Бу ринд табиат санъаткор ҳар ерга ҳам бора бермас эди. Муқимий Бухорога кетар эмиш деган мишмишни эшитиб кириб келгач, бу ҳужрада ҳақиқий шинавандаларга дуч келиб, жуда яйраб кетди. Уста Қовул

сартарош қомати келишган, истараси иссиқ бир косиб йигит билан кириб келди. Бу йигит тўй кечаси шу мадраса супасида ўзининг ширали овози, Марғилон аҳлига хос чиройли яллалари билан меҳмонларни хушнуд қилган уста Қомилжон эди.

Ҳамон Муқимийдан дарак бўлмагани учун Мавлавий Йўлдош хавотир олиб, унинг ҳовлисига борди. Эшик қоққан эди, эшик орқасига Зиёдабиби келди:

— Сизга ким керак?..

— Муҳаммад Аминхўжа Муқимийни истаб келган эдим...

— Синглиси Меҳринисо оғир касал бўлиб қолган экан, куёви келиб, иккалаларини бошлаб олиб кетди.

Мавлавий Йўлдошнинг нафаси ичига тушганча, ҳужрага қайтмай Шалдирамоқ гузарига борди ва сўроқлаб, мешкопчи Дўстмуҳаммаднинг ҳовлисига кириб келди: Меҳринисонинг касали оғирлашиб қолган, Мирзахўжа ака ҳам, Муҳаммад Аминхўжа ҳам оғир мусибат ёқасида қолган эдилар. Мавлавий кўнгли чўкканларга далда бериш учун табобат соҳасидаги унча-мунча тажрибасини ишга солиб, муолижага киришди.

Қовоқлари чўккан, оғир нафас олаётган беҳуш муштипар она бошида кичкина Рўзимуҳаммад кўзини узмай тикилиб ўтирмақда, Дўстмуҳаммад ташқарида овоз чиқармай, бошини деворларга уриб йиғламоқда, мусибатзада ота бечора ҳайкалдек қотиб қолган, Муқимий эса бутун ирода ва идрокини бир ерга тўплаб, йиғлаб, дод солишдан ўзини босганча, синглисининг совуқ қўлларини аста силамоқда эди...

Мавлавий Йўлдош уларни юпатди.

— Умидсиз бўлманглар!.. Чиқмаган жондан умид деганлар!.. Соғайиб кетади, ваҳима қилманглар, ҳаммаси дармонсизликники!..

Мавлавий Йўлдошнинг таклифи билан икки чойнакка қайноқ сув тўлдириб, Меҳринисонинг товонига қўйдилар, оёқ орқали баданга иссиқ югура бошлади, оқариб кетган қўллари ҳам андак исиди, шундан кейин Мирзахўжа ака, Дўстмуҳаммад мешкопчининг кўнгиллари андак таскин топган бўлиб, Мавлавийга миннатдорчилик билдирдилар. Мавлавий Йўлдош Муқимийни бирга олиб, йўлга тушди:

— Хужрангизда сиздан бошқа ҳамма бор, эҳтимол, мулла Зокиржон ҳам келгандир. Агар Степан оғани ҳам

бирга олиб келган бўлса, нур аъло нур, бу аҳволдан у кишни ҳам хабардор қиламиз, эрта билан бориб хитой ташозимга ҳам илтимос қиламан. Лекин меҳмонлар бу ташвишдан воқиф бўлмасликларни керак...

— Албатта!.. Суҳбатдан файз кетади!..

Иккалалари ҳужрага кириб борганларида Қомилжон дутор чертиб, Муқимийнинг «Қим десун»ини эзиб айтаётган эди, буни даҳлизда тинглаб, ялла тугагач, ичкарига кирдилар ва Зокиржон Фурқат ҳам келганини кўриб қувондилар. Бироқ Кузьмич келмаган эди.

Мулозиматлардан кейин Мавлавий Муқимий қулоғига аста: «Хотиржам бўлинг, эшон, доктор масаласини Зокиржон билан ҳал қиламан», деди-да, иккалалари ҳам даврада ўз жойларини эгалладилар: тор ҳужрада зич ўтиришиб, гоҳ шеърхонлик қилишди, гоҳ баланд авж ширин яллаларга соме бўлишди. Тўрда ёстиққа суяниб ўтирган мусофир Нохўш жонланиб суҳбат ва яллага завқ билан қулоқ солиб ўтирди.

— Сийну солим саксонга етди,— деди у кўзларини чақнатиб,— мен ўз ёшим кетидан қувиб, ўз олдимга қўйган мақсад сари толпиндим. Агар менда шу мақсад бўлмаганда туя етаклаб, Ҳиндистонда пиёда бу ўлкаларга келмаган бўлур эдим. Агар менда шу олий мақсад бўлмаганда бу чоққача дунёдан номим ўчган бўлур эди! Мени қоронғи зиндонда беш йил асраб, ёруғликка олиб чиққан ҳам шу нарса — эзгу маслак бўлди. Сизнинг бу ажойиб ватанингиз энди менинг ҳам ватаним бўлиб қолди, бу ватанда порлоқ истиқбол учқунлари тобора яшнаётганини сиз янги кишилар сиймосида кўриб турибман, сизлар орқали мен орзу қилган халққа яқин адабиёт, халққа яқин санъат томир ёйсин, кўкда қулоч ёзиб, парвоз қилсин! Унинг йўлини тўсиш учун ёвуз тақдирнинг ўйин ва фусунлари ҳам энди ожиздилар!..

Қори сумалак ҳинд халқидек қора танли бўлса ҳам қалби пок, янгича маданият мухлиси ва тараққийпарвар киши бўлиб, ярим европача кийинган. Қўқонда ўз тенгқурлари ичида биринчи бўлиб рус тилини мукамал ўрганишга муяссар бўлган ва рус классикларидан унчамунча мутолаа қилган эди.

Кекса, кўримсиз бир ҳинднинг оташин нутқидан таажжубда қолган Қори сумалак ер остидап дўсти Зокиржонга қараб, ҳужрага бошлаб келгани учун миннатдор-



чилик изҳор қилгандек бўлди. Зокиржон Нохўш нутқидан илҳомланиб, Муқимийга савол берди:

— Ҳурматли Муҳаммад Аминхўжа ака! Бемалол бўлса, менинг бир саволимга жавоб берсангиз. Сизнинг Бухорога бориб, бир неча йил таҳсил кўрмоқни ирода қилганингиз, барча дўстлар қатори каминани ҳам мамнун қилди. Аммо устозимиз айтганларидек, ўз юртимиз янги маданий ҳаёт йўлига қадам қўйган бир даврда Бухоро сиз учун муносибмикин?.. Агар муддаода мусофирчиликнинг аччиқ насибалари орзуси бўлса, шу таҳсилни Қўқонда эмас, Тошкентга бориб олиш ҳам мумкин-ку?..

Ўтирганлар Муқимийга қарадилар, Муқимий шошилмай салмоғи билан ўз истагини очиқ-ойдин баён этди:

— Бу дўстона, беғараз ва қимматбахо мулоҳазаларингиз учун миннатдорман, мулла Зокиржон! Мен ёшликдан бир орзу билан яшар эдим. У ҳам бўлса, Бухорога кетиб, катта устоз мударрислар хизматида бўлмоқ. Шунинг учун ҳам мени Бухорога узатишларингизни ўтиниб сўрайман!..

Муқимийнинг кўрсатган важлари уни бу раъидан қайтаришга йўл бермади, дўстлар оқ фотиҳа бериб қўзғалдилар ва оилани тинчитиш, йўл сарфи ҳам Бухоро «чой пули»си учун ҳар қайсилари атаганларини Муқимийга сездирмай, Мавлавий Йўлдошга узатиб тарқалишдилар. Мавлавий Йўлдош Зокиржон билан Қори сумалакни Фишткўприккача кузатиб, Кузьмичнинг уйи томон кетди.

Муқимий хужрани йиғиштириб, энди қумғон остига ўт қалаган эди, Мавлавий Йўлдош бўшашиб қайтиб келди:

— Иш чатоқ, дўстим! Маҳаллий аҳолини даволаш учун Степан оғанинг хонадонларга бориши пошшолик томонидан тақиқланган эмиш. Шунга қарамай, Зокиржон билан бир маслаҳатга келдик. Зокиржоннинг ҳам табобат илмидан анча хабари бор, иккимиз эртага синглингизни яна бориб кўриб, аҳволини Кузьмичга тушунтирадиган ва дори ёздириб олиб, докторнинг маслаҳати билан даволайдиган бўлдик. Сиз бу томондан хотиржам бўлиб, келиннинг ёнларига кириб, камина ҳам бу кеч уйга бориб, форигбол дам олмасам бўлмайди.

Миён Сотиболдихон олдинроқ кетиб қолган эди, бир пиёладан чой ичишгач, Нохўш билан хайрлашиб, икка-

лалари сўзлашиб кўчага чиқдилар, тўн енгини киймай мадраса дарвозаси олдида ёлғиз қаққайиб турган ҳожи Муҳйига салом бериб, чапга бурилиб кетдилар.

Эртаси пешиндан кейин маҳалла элликбошиси Мирзахўжа новвой эшигини қоқиб, Зиёдабибини эшик орқасида топди ва унга мадраса мутаваллиси ҳожи Муҳйин йўқлатганини билдирди.

Ҳожи Муҳйин элликбошининг меҳмонхонасида Зиёдабибини кутмоқда эди, элликбоши кетидан паранжили кириб келган Зиёдабиби билан ҳол-аҳвол сўрашди:

— Қалай?.. Куёвингиз Муҳаммад Аминхўжадан хурсандмисиз, кампир?..

— Ёмон эмас, ройи қобил йигит. Белбоғининг қатида ширинлиги бўлмаса ҳам, юрагининг қатида меҳрмуҳаббати бор...

— Бухорога кетишига сиз қандай қарайсиз?..

— Илми етишмас эмиш. Икки-уч йил ўқиб, дурустроқ мулла бўлиб келиб, кейин рўзғорни тебратаман деяпти. Борса бора қолсин дедим, шу ерда туриб, бир нарса кўтариб киришга қурби етмагандан кейин, ўқиб мулла бўлгани яхши.

Ҳожи Муҳйин заҳарханда қилди:

— Куёвингизнинг аҳволи шу бўладиган бўлса, ўн йил ўқиса ҳам бир ердан тешиб чиқмайди. Нега десангиз, у чапани, ярамас одамларни атрофига тўплаб, мазабемаза гаплардан уларга ашула тўқиб бериб, ўз қоринини тўйғазишга одатланиб қолган. У йўқ, бу йўқ, қизингизнинг шўри бор экан! Бундай чўнтагида ҳемириси йўқ шоирлардан қўлида бигиз, игнаси бор қашшоқ ямоқчи афзал! Яна кўргилингиз бор экан! Қочиб кетяпти!..

— Вой шўргинам қурсин!.. Вой энди нима қилдим?..

Фарёд кўтарган Зиёдабибини алдаб-сулдаб тинчитган ҳожи Муҳйин, босиғи билан йўл-йўриқ кўрсата бошлади:

— Аризани қизингиз номидан қозига ўзим ёзиб берай, майли, бунинг учун сизнинг қалам ҳақингиз ҳам менга даркор эмас, она-бола дуо қилсаларингиз бас! Гап энди қизингизнинг «эримдан ажраламан», деб қози мурофаасида қаттиқ туришида қолган!..

— Қизим менинг чизган чизингидан чиқмайди!

— Уни Бухородан қайтиб келади, деб умид қилмасин, у қочиб кетяпти! Иссиғида ажрим бўлиб олгани

яхши! Қўлида ҳунари бор бир мўмин топилиб қолар. Менга деса, ҳовлидан Мирзахўжа новвойни ҳам қувиб чиқаришларингиз мумкин!

Гап шу! Бу ҳақда ҳеч кимга бир сўз айтмай, қиз билан гапни бириктириб, бу ерга чиқинглар, элликбоши сизларни қозихонага бошлаб борадилар. Мен ҳозироқ бориб, қози домлага яхшилаб тушунтириб қўяман.

Зиёдабиби ҳожи Муҳйининг ҳақиға дуо қила-қила, уйга жўнади, ҳожи Муҳйи у ердан чиқиб, «савоб иш» орқасидан, Исфара гузарига, ошнаси Саъдихон қозининг уйига қараб кетди.

## **Саккизинчи боб**

### **ОНА ВАТАН, ҚУРИШГУНЧА ҲАЙР!**

Шаҳарнинг Хўжанд даҳасига қарашли Тошҳудайчи маҳалласида уч-тўртта читгарлик корхоналари бор эди, кўпгина косиблар шу корхона эгаларига ёлланиб ишлар эдилар. Шодимуҳаммад бойникида ишловчи читгар ҳунармандлардан Эшмуҳаммад ва Дўстмуҳаммад номли ака-ука косиб йигитлар читгарлик касодлиги орқасида касбларини ташлаб, бошқа тирикчилик қидириб кетдилар.

Эшмуҳаммад Янгиқўрғоннинг Инғирчоқ қишлоғига кўчиб кетиб, деҳқончилик қила бошлади, Дўстмуҳаммад эса ўз ҳаммаҳалласи Уразбой мешкопчига шогирд тушиб, кундузи мешкопчилик, кечалари расталарда фаррошлик қила бошлади. Серғайрат, паҳлавон йигитнинг иши анча юришиб, устаси Уразбой мешкопчининг ёрдами билан кичик ҳовличага эга бўлди. Уни Беквачча маҳаллалик новвой Мирзахўжанинг Меҳринисо номли қизига уйлантириб қўйдилар.

Дўстмуҳаммад мешкопчи ўрта бўйли, сариқ мўйлов, бикир йигит бўлиб, Тошпўлат билан мешкопчиликда куч синашар ва бошқа мешкопчилардан кўра кўпроқ меҳнат қилар эди. Бирин-кетин фарзанд доғларини кўриб, орқасидан севгили хотиндан жудо бўлгач, мусибат остида икки букилиб, Дўстмуҳаммад оғир меҳнатга ярамай қолди.

Шундан кейин у мешкопчиликни ташлаб, гоҳ Инғирчоқдаги Эгамберди ҳожи амакисиникида, гоҳ Аччиққўл-

даги Улуғбибиникида ўғли билан кун кечириб, ҳеч ерга сизмай қолган эди. Баъзи калтафаҳмлар, мутаассиб қариндошлар озроқ пул йиғиб, унга ҳажга боришни маслаҳат бердилар. Узоқ сафарга бирга жўнайдиган ҳамроҳ ҳам топилди. Бу ҳамроҳ Исроилжон номли бешариқлик барно йигит эди.

Исроилжон гуноҳсиз айбланиб Қўқондан қочиб кетиб, Бешариқда яшириниб ҳаёт кечираётган эди. Дўстмуҳаммад Исроилжон билан тил бириктириб ҳажга кетишга ҳозирлик кўра бошлади.

Эртаси саҳар пайти ҳеч ким билан хайрлашмасдан, ўғилчаси Рўзимуҳаммадни етаклаб, сўраганларга «ўғилчани Бешариққа олиб бориб ўйнатиб келай!» баҳонаси билан чорбозорчиларга қўшилиб жўнаб кетди.

Яккатутда бир кеча Исроилжоннинг тоғасига меҳмон бўлиб, ғира-шира тонг қоронғисига эшакка болани мингаштириб, Қонибодомнинг йўлига тушдилар. Эшаклар юрағон эди, унинг устига уч кун боқилиб, тобига келган жониворлар нонушта маҳалда уларни Қонибодомга етказиб борди. Катта сув ёқасидаги самоварга тушиб, эшакларни қантардилар ва ўзлари чой ичишга ўтирдилар.

Кўпни кўрган Қонибодомнинг кекса самоварчиси бу меҳмонларни яхши кутиб олиб, дастурхон ёзар экан, уларнинг сафарга отланганликларини фаҳмлади.

— Йўл бўлсин, укалар!.. Йироққами?..

Дўстмуҳаммад оқ кўнгиллик билан жавоб қайтарди:

— Тангри насибамизни қўшган бўлса, сафаримиз Маккаи мукаррамага!..

— Худойим сафарингизни бехатар қилгай. Исфарилик созанда ҳофиз Зебо пари ҳам бугун Маккага жўнаб кетмоқчилар. Сизлар шу киши билан ҳамроҳ бўлсаларингиз чакки бўлмас эди. Чунки, Зебо пари ҳажга олдин ҳам пиёда бориб келган, йўлнинг паст-баландидан хабардор киши!..

Дўстмуҳаммадга бу хабар хуш келиб, Исроилжонга қаради. Исроилжон самоварчи чолдан суриштира бошлади.

— У киши билан қаерда учрашсак бўлади?

— Шу ерга яқин бир боғда у кишининг узатилиш маросими ўтмоқда. Хўп десаларинг бошлаб борганим бўлсин...

— Бошлаб борсангиз ҳам бўларди-ю, аммо танимаган ерга етаклаб боргандан кўра, ўзингиз бориб, бизнинг дарагимизни айтсангиз, қабул қилсалар — кейин борсак. Чунки созанда ва ҳофизларнинг кўнгли ниҳоятда нозик бўлади дейишадилар.

Самоварчи кекса бу таклифни маъқул топиб, эшакнинг бирига миниб жўнади, орадан ҳаял ўтмай бир йигит билан қайтиб келди.

— Эшакларни саройбонга тайинлаб, хуржунларини менга топширинглару, ўзларингиз етиб боринглар!

Самоварчи чолнинг айтганини қилиб, бирга келган йигит билан боққа жўнадилар: катта ўрикзор боғ ўртасидаги шийпонда ўнга яқин киши қўл қовуштириб, тўрда ўтирган кичкинагина ўзига ярашган мош-гуруч соқол, кўзларига сурма тортган оқ юз, озодатаъб, жик-какроқ кишидан қисса тингламоқда эдилар. Бу қисса айтаётган киши машҳур жаҳонгашта созанда ва хонанда Зебо пари эди.

Булар боғ ўртасига етганларида қисса узилиб, ўтирганлар шийпондан пастга туша бошладилар. Уғилчасини етаклаган Дўстмуҳаммад билан Исроилжон шийпон ёнида мезбонлар билан сўрашиб, ҳали шийпондан тушишга улгурмаган устоз билан сўрашишга шошилдилар.

Жуда кўпни кўрган, кишиларни бир кўришда кимлигини фаҳмлаб олувчи Зебо пари буларга бир разм солиш билан узоқ сафар учун муносиб ҳамроҳлар топилганидан хурсанд бўлди. Айниқса, рўпарасида одоб билан ўтирган чиройли Исроилжон сиймосидан ажойиб маъно ва қизиқ саргузашт ўқиган Зебо пари, дастурхон йиғилгандан кейин ёнидаги дуторни олиб, Исроилжонга узатди.

— Фақат соз қилиб берсангиз кифоя...

Исроилжон ўзига ярашган чиройли жилмайиш билан устоз қўлидаги дуторни икки қўллаб олиб, аввал кўздан кечирди, кейин озода рўмолча учида эҳтиёткорлик билан торларни сидириб аста созлай бошладики, унинг соз қилишининг ўзи кишининг этини жимирлатиб юборар эди. Созни мизробига етказиб, даста томонидан тутиб, икки қўллаб Зебо парига узатар экан, дуторни олаётган Зебо пари кулиб қўйди:

— Сизнинг устозингиз, адашмасам, Абдуллахон ҳожи бўлиши керак...

— Шундай, устоз! Мен ҳожи поччага эргашганман.

— Абдуллахон ҳожи дуторда шундай зўр ҳунар эгасики, саз қилишнинг ўзидаёқ кишини бисмил қилаёзди. Қўқонда учта дутор устози бор. Буларнинг бири ҳозир номлари зикр қилинган Абдуллахон ҳожи, иккинчиси Носир косагар, учинчиси менинг ғариб дўстим Шодмон ҳожидир. Учовлари дутор чалишда алоҳида-алоҳида олам бўлиб, Абдуллахон ҳожи дуторни тирноқ билан эмас, бармоқлари билан чалади, ўзи севган «Бузрук»ни машқ қилганда, тўпланган шинавандалардан дод чиқмай илож йўқ. Носир косагар эса, Абдуллахонга нисбатан жадалроқ, баландроқ чалса ҳам ўзига хос юксак санъат эгасидир, Қўқон шинавандалари орасида «Сўлим» деб ном чиқарган машқ шу санъаткорнинг кашфидир. Менинг дўстим Шодмон ҳожи эса, ниҳоятда ғариб, ринд ва асабий одам бўлиб, ҳароратли машқи билан доим ўзи маст-мустағроқ, яланг бош, яланг оёқ юради, кўпгина «Ноғора баёт»дек ўлмас куйларнинг бастакори ўшадир. Ешлардан чиққан Юсуфжон ўзбеклардан биринчи бўлиб чанг чалиб ўрганган. Мана бу санъат аҳли билан Қўқон халқи ҳар қанча фахрланса арзийди!..

Зебо пари қўлида созланган дуторни ушлаб туриб, сўзини шу ерга етказди-да, дуторни яна Исроилжонга тутди:

— Энди менинг сўзларимни конибодомлик дўстларимизга ўзингиз исбот қилмас экансиз, Абдуллахон ҳожи ҳақидаги таъриф-тавсифларимга буларни ишонтириш анча қийин.

Самимий кулгилар орасида Исроилжон дуторни одоб билан олиб, «Бузрук»ни ҳаяжон билан етказиб чала бошлади. Санъатга оша ўч бўлган конибодомликлар бу суҳбатга танланиб терилган эдилар. Уларга қолса Зебо парига қўшиб бу ҳамроҳларни ҳам яна бир неча кун меҳмон қилиб олардилар. Бироқ бу кеч устоз Зебо парининг хўжандлик дўстлари Қиссақўзга пешвоз чиқиб кутиб олишлари ва Хўжандда бир-икки кун суҳбат ўтказиб, кейин узатишлари керак эди. Зебо парининг илтимоси билан отлар эгарланди ва Қонибодомдан бир неча киши Қиссақўзгача Зебо парини узатиш мақсадида бирга йўлга чиқдилар.

Зебо пари отга минар экан, Дўстмуҳаммад билан Исроилжонга шундай деди:

— Қўрқманглар, дўстлар! Хўжанддан у ёғига мен ҳам эшакка минаман, от фақат Қиссақўзгача! Биз сизларни Қиссақўзда кутамиз!..

Дўстмуҳаммад билан Исроилжон тезроқ самоварга чиқиб, хуржунларни эшакка ортиб, йўлга чиқишга шоншилдилар, самоварчи билан қуюқ хайрлашиб, Қиссақўзга томон йўл олдилар.

Зебо пари Қиссақўзга етиб бориб, хўжандлик ва қиссақўзлик аҳли фазл дўстлар билан топишгач, орқадан келаётган ҳамроҳларни кутиб олиш учун чорраҳага одам қўйди, ўзи эса уни кутиб ҳозирлик кўриб қўйган хонадонга тушди. Орадан икки соат ўтгач, Дўстмуҳаммад, Исроилжон ва отасига мингашган кичкина Рўзимуҳаммад ҳам етиб келдилар.

Кечгача бир хонадонда бўлишиб, кечқурун арава билан Хўжандга жўнадилар, эшакларни Қиссақўзда қолдириб, эрталаб нонушта вақтида Хўжандга етиб борилди. Хўжандда Зебо парини кутаётган кишилар кўп эди. Икки кун ичида хўжандлик шинавандалар Дўстмуҳаммад билан Исроилжоннинг хашаки, кичик эшакларини ҳам Зебо парига ҳозирланган эшакка мослаб, уларни янги эшакка миндирдилар, саҳар пайти бирга йўлга чиқиб, Нав қишлоғигача узатиб қайтдилар.

Учала эшак бир текис йўл босиб, гоҳ ёнма-ён, гоҳ орқама-олдин борар, ҳамроҳлар Зебо парининг сўзига қулоқ бериб, Уратепа томон жилиб бормоқда эдилар, Зебо пари Қонибодомдаги дуторни олиш унутилганлигини эслаб афсусланди:

— Сиздек созанда йигитнинг Қўқондан бедутор чиқиши санъат олдидаги кечирилмас гуноҳ бўлса, Қонибодомда сиз машқ қилган дуторни сўраб олмаслигим менинг кечирилмас гуноҳим. Бу гуноҳларни ювиш учун Уратепадан кўнгилдагидек бир дутор оламиз! Усиз ҳеч мумкин эмас, мен танбур чертиб мақом ўқийман, сиз дутор чалиб қўшиқ айтасиз, бизни ота-бола тинглайдилар. Йўлимиз жуда олис, ойларча йўл юриб, бир неча давлат тупроғини босиб ўтишга, қийинчиликларга дуч келишга тўғри келади. Мен бундай узоқ масофаларни пиёда босиб ўтган кишиман, сизлар ҳам чидашларингиз мумкин. Аммо ҳамроҳимизнинг бири жуда ёш гўдак бўлганлиги учун сафарда унга итоат қилишга биз катталар мажбурмиз.

Бас, аҳвол шу экан, жадал йўл босишнинг унча за-

рурияти йўқ, маълум миқдорда йўл юриб, қулай манзил топганда, ўзимиз ва эшакларимизга яхши дам берсак, тонг оттириб яна йўлга чиқсак, менимча, анча кўнгилли бўлади. Шунингдек, ҳар ким ўз бошидан ўтган қиссасини сўзлаб бериши ҳам узоқ масофани яқинлаштиради.

Бизнинг олдимизда икки йўл турибди: биринчиси, сафарни узоққа чўзиб, аввал Самарқандни зиёрат қилиш, кейин Бухорога бориб, у ерда бир неча кун туриб, дўстларни кўриш, кейин Афғонистонга кетиш бўлса, иккинчиси, Зарафшон бўйлаб Омонқўтон довоини оша, Ургут тоғлари этаги билан Сурхон саҳросини кесиб ўтиб, Термизга тушишдир.

Бухорога боришдан яна бир ҳикмат шундаки, Бухорода менинг зўр ҳофиз дўстларим бор. Айниқса, шу дўстлар орасида яҳудийлардан чиққан санъаткор Левини кўриб ўтиш иштиёқи мени Бухорога етакляпти. Сизлар нима дейсизлар?..

Исроилжон Дўстмуҳаммадга қаради, Дўстмуҳаммад сўз бошлади:

— Менинг қайнағам бўлмиш шоир Муҳаммад Амни-хўжа Муқимий ҳам Бухорода. Биз Муқимийни бултур кузда Бухорога жўнатганимиздан кейин қишга бориб, Муқимийнинг синглиси бўлмиш, Рўзимуҳаммаднинг онаси вафот қилди. Муқимий бу оғир мусибатдан хабарсиз. Чунки Муқимийнинг ёр-дўстлари тўпланиб, бу жудоликни ҳозирча Муқимийга етказмасликка қарор берган эдилар, биз ҳам ҳалигача бу тўғрида хат юбормай, саломатлик мактубининг бошига марҳума синглисидан салом ёзиб юбориб турмоқдамиз. Бундан ташқари, Муқимий Бухорога жўнаб кетадиган кун кўнгилсиз ҳодиса юз берди, ғаламис одамларнинг иғвоси билан Муқимийнинг хотинидан ажралишига шарият қозини ҳукм чиқарган эди, орадан бир ой ўтар-ўтмас менинг қайнатам, Муқимийнинг эса отаси Мирзахўжани қозихонага чақиритиб, ҳовлини Зиёдабибига ташлаб чиқиб кетишини таклиф қилганлар ва шу ҳақда ҳукм ҳам чиқарганлар.

Бечора Мирзахўжа — қайнатам ўз уйидан, хотинидан ажралиб, кексайганда новвойхоналарда ётиб юрибди. Бунинг устига Муқимийнинг устози домла Халил яқинда вафот қилдилар. Муқимийни Бухородан топиб, айтадиган биттагина хушхабарим бор холос. У ҳам бўлса, нодон хотини ўғил туғди, унинг номини Акбархўжа қўйилди.



Менимча, ифвогарларнинг сўзига кириб, Муқимийдек покиза эрдан ажралиш учун аризага бармоқ босган подон хотин туққан бу ўғил ҳақидаги хушхабар Муқимийни қувонтирмаса керак. Бунинг устига Муқимий Рўзимуҳаммадни кўрса-ю, кўксига босиб туриб, «Менинг синглимни ёлғиз ташлаб, Рўзимуҳаммадни олиб, қаёққа кетяпсиз?», деса, мен нима дейман, жиянининг кўз ёшлари бу оғир мусибатни фош қилиб қўймасмикин?.. Шу ёш бола билан ҳажга бориш менга ҳавас эмас эди, ҳажга бориб ўзимни оқлайдиган бирор гуноҳим ҳам йўқ, касбим мешкопчилик эди, шу касб билан уч кишилик рўзгорни зўрға тебратар эдим. Кейинги йилларда фабрикларнинг моллари шаҳарни эгаллаб, анчагина ҳунарманд касиблар беиш қолдилар, кўп ерлар катта ер эгаларининг қўлига ўтиб, бир қанча деҳқонлар ерсиз қолдилар, шаҳарда ишсиз, мардикор кўпайди, уларнинг бақувватлари янги қурилган пахта заводларига ишчи бўлиб кирдилар, кўпгина деҳқон ёшлар бой деҳқонларга қарол бўлиб ёлландилар, қолганлари нон учун ўзларини ҳар турли ишга ура бошладилар.

Оқибатда шаҳарда мешкобчи ҳам, ҳаммол ҳам, мардикор ҳам, ундан қола берса, гадо ҳам кўпайди, бизга ўхшаган мешкобчиларнинг нони бўлинди, бунинг устига ўлик кўмдим...

Мен фақат ўз бошимдан ўтган қиссани ҳикоя қиляпман, менга ўхшаган битта нон учун кечгача тер тўкадиган барваста мешкобчилар жуда кўп. Мен кундузи самоварлар хумига сув ташиб тўлғизиб, кечаси растани қўриқлар, супурардим. Хотиним ўлгандан бери бу болани орқамга опичлаб олиб, ярим кечаларда раста супурардим.

Ўзим паҳлавон йигит эдим, мен елкамда кўтарадиган сув тўла мешни бошқалар ердан узолмас эди, яхши кўрган хотинимдан жудо бўлганимдан кейин мадор кетди, уйқусизлик дардига мубтало бўлдим. Айниқса, Муқимийдан ўч олиш ниятида мадраса мутаваллиси ҳожи Муҳйи номли ярамаснинг очиқдан-очиқ шариятни пеш қилиб, кўрсатаётган ҳийлаю тадбирлари ҳамма нарсдан кўнглимни совутиб юборди.

— Айбга буюрмайсиз, устоз! Илтимос қиламан, бизни шаҳарлар эмас, дашт-сахролар орқали бошлаб олиб кетинг!

Зебо пари жафокаш ҳамроҳининг илтимосини ерда

қолдирмади. Улар Омонқўтон довоига тирмашиб, Ургут тоғлари орқали Термизга йўл олдилар. Қўқоннинг тепаси тоқ билан қопланган тор ҳовлисидан бўлак ерни кўрмаган ва серғалва шаҳарнинг тим билан қопланган раста ва бозоридан зада бўлган Дўстмуҳаммад ва Исроилжон учун ҳам соф ҳаволи тоғлар, жилғалар, саҳро кенгликлари ҳаловат бағишларди, улар тўйиб-тўйиб нафас олар эдилар.

Шундай сафарларнинг кўп нашъасини сурган ва кўп риёзатини чеккан Зебо пари тез юришга шошилмай, хушманзара жойлар дуч келганда тўхтаб, андак фароғат қилишни мувофиқ топар, шерикларга ўтин териш, гулхан қалаб, чой қайнатишни топшириб, ўзи танбурни гилофдан чиқарарди-да, уни созлашга ва мақом ўқишга тушарди.

Шериклар эшакларни тушовлаб, ўтлоққа ҳайдашар, ўзлари ўтин териб гулхан ёқишар ёки тошдан ўчоқ ясаб, апил-тапил бир ширин овқатча тайёрлаш учун биллак шимаришарди. Айниқса, бундақа энгил хизматларга Исроилжон анча эпчил ва ишқибоз эди.

Зебо пари классик мақомнинг баланд авжларига етганда гўё юксак тоғлар ҳам биргаллашиб айтишаётгандек акси садо бериб, устознинг баланд маҳоратини яна юксакликларга элтар эдилар. Зебо пари танбурида алоҳида «Зебо парда»си бўлиб, бу парда энг сўнгги авж пардадан кейинга боғланган эди, бу пардага фақатгина Зебо парининг авжи мос келар эди.<sup>1</sup>

Кичкина, дўмбоққина полвон бола — Рўзимуҳаммад жилғалар орасида тоғ ялпизлари, жамбулларини териб келиб, Зебо парига тақдим этар, унинг қип-қизарган юмалоқ юзлари, шоҳсоққадек катта-катта қора кўзлари, қалин киприклари, ширин, бийрон сўзлари Зебо парига хуш келарди. Зебо пари гоҳ уни тизига ўтқазиб, қизиқ ҳикоялар айтиб берар, гоҳ Исроилжонни ёнига чақирар ва Уратепадан олинган дуторни соз қилишга буюриб қўйиб, ўзи ҳузур қиларди.

Катта санъаткорлар учун зўр таъсир бағишлаган бу ёқимли куй ва бу куй билан чамбарчас боғланган шеърнинг мазмуни Зебо парига қаттиқ таъсир қилар, у тебраниб туриб тингларди.

---

<sup>1</sup> Бу танбур пардаси, ҳозир ҳам «Зебо парда» бўлиб, санъаткорлар орасида машҳурдир.

Дўстмуҳаммад меҳнат билан тўппа-тўғри ўсган, ўзининг жисмоний куч-қудратига бир оз ғурури бор, санъат ва шеърят нафосатидан анча баҳрасиз йигит бўлишига қарамай, Зебо парининг лоси терилган ипакдек ибраторо сўзларидан ўз савияси етганча гавҳар териб, завқлана бошлаган эди.

Зебо пари эса ҳамроҳларидан жуда мамнун, ҳатто кичик ҳамроҳ Рўзимуҳаммаднинг қаторда бўлишидан беҳад қувонар, текис йўлларда уни гоҳо ўз эшагига мингаштириб олиб, қизиқ-қизиқ латифалар айтиб берар ва ҳаждан қайтгач, мактабда ўқиб, тоғасидек машҳур шоир бўлишини, унинг ёзган қўшиқларини шаҳарлардагина эмас, узоқ сафарга отланган мусофирлар тоғ оралиқларида куйлаб ҳам ҳордиқ чиқаришлари мумкинлигини гапирар, гоҳ эшак устида танбурни қўлга олиб, энгил халқ қўшиқларини замзама қилар эди.

Шу зайлда ўн етти кун шошилмай йўл босиб, Термизга кириб бордилар. Қадимий карвонлар манзилгоҳи бўлмиш бу кўҳна шаҳарда бир-икки кечани ўтказиб, ниҳоят, ярим тунда кемага миндилар, тонг ёришмасдан Афғонистон соҳилига чиқишга муваффақ бўлдилар.

Йўловчилар баланд тоғлардан ошиб, хароб қишлоқлар ва шаҳарларни босиб ўтиб, Кобул шаҳрига етиб бордилар. Бу вақтда Кобулда касаллик тарқалган эди. Шу сабабдан улар карвонсаройга тушмай, кимсасиз бир ҳаммолнинг уйида истиқомат қилиб турдилар. Ҳиндистонга ўтиб кетиш учун «рухсатнома» чиққунча бир ҳафта кутиб туришга тўғри келди. Соддадил Дўстмуҳаммад мешкобчилардан бир мешкоб сўраб олди-да, савоб учун Кобул бозорида «оби худойи» улашиб юрди ва ўзига касал юқтириб олди. Йўлга чиққанларида касали зўрайиб кетди. Ҳиндистон чегараси яқинидаги «Закот саройи»да дўстлари қўлида жон таслим қилди.

Зебо пари ва отадан етим қолган Рўзимуҳаммаднинг эшагига мингаштириб олган Исроилжон минг машаққат билан Пешовур шаҳрига етиб олдилар.

Катта шаҳарнинг хилма-хил кўринишлари, баланд бинолари, кўк билан ўпишган гўзал хиёбон дарахтлари, кўчалардан оқиб бораётган одамларни кўриб, бола андек овунгандек бўлди, у шаҳарни қизиқиб томоша қила бошлади. Бир карвон саройга қўниб, озода ҳужрани уч

кунга ижарага олгач, эшакларни арзон-гаров сотиб, ли-  
босларни ўзгартиришга ва сафарни давом эттиришга  
қарор бердилар. Сочлари олиниб, янги либосларини  
кийган Рўзимуҳаммад гоҳ қувонгандек сезилар, гоҳ бу  
ажойиботларни отам кўрмади, дегандек хўрсиниб-хўр-  
синиб қўяр эди.

Учинчи кун поездга ўтириб Бомбайга жўнадилар.  
Бомбай олдида Пешовур ҳеч нарса эмасдек туюлди:  
шаҳарда қават-қават қадимий бинолар, мол билан тўл-  
ган дўконлар, турли паррандалар билан тўлган боғлар,  
аравага қўшилган одамларнинг кўча ўртасидан тез чо-  
пиб боришлари ва ҳоказолар сайёҳларни шошилтириб,  
гангитиб қўяёзган эди.

Бир-икки кундан ортиқ турмай, пароходга миндилар,  
Ҳинд океанида бир неча кун сузиб юриб, Баҳри Аҳмар  
денгизига чиқдилар, ундан Жадда шаҳрига етиб келди-  
лар. Бу ердаги мусофирхонадан бир хонани эгаллаб,  
энди нафасларини ростлаётганларида хонанинг эшиги-  
ни чертиб бир киши келди, у Жаддадаги Россия  
консулхонасининг ходими эди. У ҳурмат билан эртага  
консулхонага бориб, рўйхатга ўтишни улардан илтимос  
қилди.

### *Тўққизинчи боб*

## **«СЕН ЕТИМ ЭМАССАН, МУҲАММЕД, ДАРБАДАР ҲАМ!..»**

Саратов атрофида туғилиб ўсган Александр Дмитри-  
евич Левицкий ўрта маълумотни ўз губернасида олгач,  
Москвага бориб, Армянская кўчасида жойлашган Лаза-  
ревский номидаги Шарқ тиллар институтига киради ва  
бу институтни муваффақиятли тамомлаб, эрон, афғон,  
турк ва араб тилларини тўла эгаллаб олади. Уни чор  
ҳукумати Россиянинг Эрондаги мухтор элчиси қилиб  
юборади. Левицкий Эронда бир неча йил шу лавозимда  
ишлаб, сўнг Эрондан Петербургга қайтиб келади.

Мусофир юртда ёлғизлик жонига теккан Александр  
Дмитриевич учун уйланиш фурсати етган эди. Бу оғир  
йигит уйланиш мақсадида қадди-қомати келишган қиз-  
лар орасидан олижаноб, ақл-хушли бир қиз ахтара бош-

лади, бироқ, Петербург дворян ва савдогар табақанинг тантиқ, мешчан, амалга, пулга учувчи олифта қизлари орасидан ўзига муносибини тополмади.

Узоқ қаноатдан кейин Александр Дмитриевич ўрта ҳол бир оиланинг қизи бўлган Зинаида Алексеевна номли йиғирма ёшлардаги хушфеъл, ҳусни ўртача бир қиз билан танишишга муваффақ бўлди ва бу қиз билан бир неча бор учрашиб, Васильевский оролидаги уйгача кузатиб қўйиб юрди, ундан кейин бир неча бор қизнинг онаси Мария Васильевна Макарова, синглиси Мария Алексеевна билан танишиш шарафига эга бўлди.

Онаси Мария Васильевна ўқитувчилик қилиб, отадан ёш қолган икки қизни тарбия қилар, ўртача ҳаёт кечирешар экан. Бу оила Александр Дмитриевичга жуда ёқиб қолди ва Зинаида Алексеевнага уйланди. Орадан бир неча ойлар ўтгач, Левицкий Арабистоннинг Жадда шаҳрига консулликка тайинланди ва Зинаидани ўзи билан бирга олиб, Жаддага жўнаб кетди.

Консулхона болохонасига жойлашган бу кичик оила мусофирчиликка аста-секин кўниқиб, Арабистоннинг иссиғига, шаҳарнинг сувсизлигига ўргана бошладилар. Петербургда ўсиб, иссиқ иқлим кўрмаган Зинаида Алексеевна Макарова учун бу иқлимга ўрганиш анча қийин бўлди. Орадан бир йил ўтгач, Жадданинг паст-баланди, шароити билан танишиб, ўрганиб қолган Зинаида учун кўпроқ ёлғизлик жонга тегар, Левицкий кундузи консулхона иши билан банд бўлганидан Зинаидага уйда ёлғиз ўтириш ёки хиёбонда ёлғиз кезишга тўғри келар эди.

Жадда Арабистоннинг қадимий савдо марказларидан бўлиб, серқатнов карвон манзили эди. Кўп мамлакатлардан Макка зиёратига бораётган мусулмонлар шу Жаддани босиб ўтар эдилар. Шунинг учун ҳам ҳар доим мусофирхона ва карвон саройлари зиёратчи мусулмонлар билан лиқ тўла эди.

Консулхона ходимлари Россия фуқароси бўлмиш шахсларни рўйхатдан ўтказиб, уларнинг ҳол-аҳволидан ҳам хабардор бўлиб турар эдилар. Мусофирларнинг ўзлари ҳам консулхонани излаб топиб, баъзилар моддий кўмак сўрар, баъзилар яна бир бошқа арз билан консулнинг бошини айлантирар эдилар. Шунинг учун ҳам консулхона дарвозаси олдида эҳтиёж билан келиб турган турли одамларни учратиш мумкин эди.

Бу тургацлар қаторига ёш бола етаклаган бир мўйсафид билан бир ўспирин ҳам келиб қўшилди: оқ кийим кийиб, бошига кичкина мисқоли салла ўраган, кичкина оппоқ соқоли ўзига ярашган, покизадомон Зебо пари, Фаргона йигитларига хос содда либоси қадди-қоматига ярашган чиройли ўспирин Исроилжон ва юпқа беқасам тўн, сариқ гулли дўппи, тўн устидан шоҳи белбоғ боғлаган тўққиз-ўн ёшдаги кўзлари катта-катта Рўзимуҳаммадга ҳали кириш навбати келганча йўқ эди.

Орадан кўп фурсат ўтмай консулхона ходими чиқиб, уовларини ичкарига таклиф қилди. Консул кабинетига кирганларида Левицкий очиқ юз билан ўрнидан туриб қарши олди, жой кўрсатди ва булардан турк тилида ҳол-аҳвол сўради. Зебо пари форсчасига жавоб қайтарди ва йўлда бўлган кўнгилсиз мусибат ҳақида, Рўзимуҳаммад ҳақида қисқа маълумот бериб, маслаҳат сўради.

Рўзимуҳаммадни ёнига таклиф қилиб, меҳрибонлик билан унинг юзу кўзларини силаган ўйчан Левицкий ўрнидан туриб, Зебо пари билан Исроилжонга қаради:

— Ўзларингиз қандай фикрдасизлар?..

Зебо пари ўрнидан туриб сўзламоқчи эди, Левицкий ўтириб сўзлашни сўради. Зебо пари креслога қайтиб ўтириб, гап бошлади:

— Биз ҳали қатъий бир фикрга келганимиз йўқ. Бу болани олиб кетиш биз учун қандай оғир бўлса, қолдириб кетиш ҳам шунчалик оғир! Чунки, ҳар икковимиз ҳам ёшликда етимлик азобларини кўп чеккан аламзаларимиз.

Левицкий Рўзимуҳаммадни эркалатиб, унинг юзларига аста-аста уриб, ўз фикрини айтди:

— Яхшиси, қайтаётган ишончли кишилар билан онаси ёнига қайтариш маъқул...

— Жаноб тўрам! Боланинг онаси ҳам ўлган! Шунинг учун ҳам отаси бирга олиб келишга мажбур бўлган эди...

Левицкий Рўзимуҳаммадга узоқ тикилганча хаёл суриб қолди, сўнг Зебо парига мурожаат қилди:

— Бу кеч мусофирхонадан жилмай туринглар, ходим бориб сизларни бизнинг уйга бошлаб келади, кечки овқатни бирга қилиб, бу тўғрида ўйлашамиз...

Зебо пари билан Исроилжон консулга миннатдорчи-

лик билдириб, Рўзимуҳаммадни етаклаб чиқиб кетдилар. Йўл-йўлакай магазинлардан Рўзимуҳаммадга муносиб сарпо харид қилиб, ҳаммомга элтдилар, кечки пайт мусофирхонага келиб, консулхона ходимини кутдилар, ходим извош олиб келиб, буларни Левицкийнинг уйига олиб кетди.

Александр Дмитриевич бугун уйига эртaroқ қайтиб, дераза олдида ёлғиз тўр тўқиб ўтирган Зинаиданинг пешонасидан ўпди, сўнг Рўзимуҳаммад ҳақида гапириб, Зинаидага бу болани кўрсатиш учун уларни кечки овқатга таклиф қилганини айтди.

— Сен бу болани кўр! Шундай ёқимли болаки, кўришинг билан унинг ёнидан кетолмайсан! Қалин киприкларни, ёниб турган қора кўзлари бирам чиройли. Шундай бир маъсум гўдакни саҳрома-саҳро галдиратиб юришдан халос қилиш бизнинг инсоний бурчимиздир. Унга оналик қилиб, бошини силаш сенинг ватандошлик бурчингдир. У сенга доимий эрмак, ҳамроҳ бўлиб қолади. Нима дейсан бунга?

Зинаида сакраб туриб, Александр Дмитриевични ўпди-да, ташқарига югурди, ташқаридаги хизматчиларга кечки овқатга ҳозирлик кўришни буюриб қайтиб кирди.

— Сен жуда тўғри ўйлагансан! У болани ҳеч ерга юборма! Уни ўзим тарбия қиламан!

Шу сўзни айтди-ю, ўрта уйга чиқиб, стол тузашга, дастурхон ёзишга киришди. Левицкий эса Зинаидадек оқила, андишали хотини борлигидан беҳад қувониб кетди, унинг кетидан ўртадаги хонага чиқиб яна бола тўғрисида бир нималарни деди, деразадан кўчага қараб қўйди.

Ходим кириб, меҳмонларни олиб келганини айтди. Левицкий уларни зинапоя бошида кутиб олиб, болохонага таклиф қилди. Рўзимуҳаммад янги либос кийган, тоза ювинган эди. Ўрта хонага кирганларида очиқ чеҳра билан кутиб турган Зинаида Алексеевна билан танишдилар. Зинаида меҳмонларни ўтқазиб, Рўзимуҳаммад билан овора бўлди, ёнига ўтқазиб, бошини силади ва етаклаб бошқа уйга олиб кириб кетди, яна қайтариб олиб чиқди.

Зинаида дастурхонни нозу неъматлар билан тўлдириб, меҳмонларга чой қуйиб узатди ва Рўзимуҳаммадни ёнига олиб, уни ўз қўли билан сийлай бошлади. Ширинлик ея туриб, Рўзимуҳаммад тез-тез Зинаиданинг юзига

термулиб қўяр эди. Чунки, ёшликда онасиз қолиб, дарбадарликда эси кирган етимча бир меҳрибон иссиқ қучоққа ташна эди, унинг димоғига бир меҳрибон онанинг ёқимли бўйи келгандек бўлди.

Зинаида билан Рўзимуҳаммад тил билан эмас, дил билан сўзлашиб бир-бирларини тушуна бошладилар. Зинаида уни қўлидан тутиб ошхонага олиб чиқиб кетар экан, ўз онасининг бемеҳрлиги ёдига тушган Исроилжоннинг кўзига ёш тизилди, қувонч аралаш ҳасрат билан омукта қатраларни рўмол учида аста артиб бошқа бир ҳолатда ўтирган Зебо парига маъноли қараб қўйди.

Дастурхон устида суҳбат қизиби кетди, Александр Дмитриевич гоҳ турк тилида, гоҳ форс тилида Шарқ халқлари ва Шарқнинг улуғ мутафаккирлари Саъдий, Хайём, Бедил, Жомий, Фирдавсий ва Амир Алишер Навоийни ҳурмат билан тилга олар ва улар тўғрисидаги фикрларини фасоҳат билан баён қиларди. Гарчи Исроилжон учун бу улуғ номлар оддийгина ҳикоя қаҳрамонларидек туюлган бўлса ҳам, Зебо париди бу суҳбат чуқур таъсир қолдирди, бир рус йигитининг шу қадар фозил ва олим эканлигига қойил қолиб, унга нима деб ташаккур билдиришга тил тополмай қолди.

Рўзимуҳаммад Зинаидага эликиб, унинг орқасидан гоҳ у хонага чопар, гоҳ бу хонага кирар, гоҳ ошхонага чиқиб кўнгли тусаган нарсаларни уялмасдан олиб еб, икки қўлини кўксига қўйганча таъзим билан миннатдорчилигини ифода этган бўлар эди. Зинаида Алексеевнанинг тили «Рўзимуҳаммад»га келмай уни «Муҳаммед», деб чақира бошлади.

Меҳмонларга тухумли қийма котлет қилиб келтирилди ва Зинаидахоним ўз қўли билан пиширган рус булқаси қўйилди. Бу тансиқ овқат иштаҳа билан севилиб ейилгач, орқасидан стаканларда чой тортилди. Чой устида Левицкий асосий мақсадга кўчди:

— Россиянинг бу кичкина фуқароси сиз ҳурматли катта ёшдаги кишилар билан тентираб, Чангали Мозандарону Араб жазирасининг иссиқ кум воҳаларида пиёда, сувора, очин-тўқин кезиши ўрнига ватанга қайтиб бориб тарбияланиши, ватанга узатилганга қадар бизнинг кичик оилада ўғил бўлиб, Зинаида Алексеевна қўлида тарбия топиши ҳақидаги менинг таклифимни сизлар қувватлайсизлар, деб умид қиламан.



Зебо пари гапни чўзиб ўтирмади:

— Бу етимчага нисбатан оталардек гамхўрлик қилганингиз учун сизга ва ҳурматли келинга ўз халқимиз номидан ташаккур айтишга ижозат бергайсиз. Биз ишонамизки, у сизларнинг тарбиянгизда ўзингиздек билимдон киши бўлиб етишиб, бир куни она ватани Фарғонага кириб боради. Биз сизнинг инсонпарварлик юзасидан қилган таклифингизни жони дил билан қабул қиламиз!..

Меҳмонлар қўзғалиб, Рўзимуҳаммад билан хайрлашмоқчи ва унга таскин бермоқчи бўлганларида Зинаида Алексеевна кулимсираб, уларни ичкари хонага таклиф қилди: юмшоқ ўринда оқ парқуга ботиб, Рўзимуҳаммад пиш-пиш ухламоқда эди. Кулишиб, хайрлашишни эртага қолдирдилар ва мусофирхонага жўнаб кетдилар. Эртаси яна консулхонага келиб, Левицкийлар билан учрашдилар. Левицкий тайёрлаб қўйган тилхатни уларга ўқиб эшиттирди-да, қўлларига топширди. Шу пайт Зинаида Алексеевна «Муҳаммед»ни янги кийимда етаклаб чиқди. Рўзимуҳаммад кира солиб, олдин Зебо парининг бўйнига, кейин Исроилжоннинг бўйнига осилди, қучоқлашиб ўпишдилар. Сўнг Зебо пари уни кўксига босиб, шундай савол берди:

— Сени Зинаида аянгга ташлаб кетсак, биз қайтгунча сен буларни хафа қилиб қўймайсанми?..

— Хафа қилмайман!

— Сенга булар ёқдимиз?

— Ёқди!

— Биз кетсак майлими?..

— Майли. Аммо қайтиб келинглари!

— Саломат бўлсак, албатта қайтиб келамиз! Хайр, ўғлим!

Яна қучоқлашиб хайрлашдилар, Рўзимуҳаммадни Зинаида извошга ўтқазиб, шаҳар четигаги хиёбонга олиб кетди, Левицкий ўз қўли билан улар тилидан бир ҳужжат ёзиб, уларга ўқиб берди: «Бизларким, Зебо пари ва Исроилжон Иброҳим ўғли, шу тўғрида гувоҳлик берамизки, учинчи ҳамроҳимиз Дўстмуҳаммад йўлда, Пешовурга яқин «Закот саройи»да ўлиб қолди, унинг ёш ўғли Рўзимуҳаммадни ўзимиз билан бирга Жаддага олиб келиб, Россиянинг Жаддадаги консули муҳтарам Левицкий Александр Дмитриевичга топширдик.

Рўзимуҳаммаднинг отаси ёнидан чиққан маблағни

мерос ўрнида жаноб Левицкийга омонат қолдирдик (имзолар).

1883 йил 17 май, Жадда шаҳри».

Иккалалари Левицкий билан қуёқ хайрлашиб, яна мусофирхонага қайтдилар ва ўзларини бир нарсасини йўқотган кишидек ҳис эта бошладилар. Рўзимуҳаммаднинг болаларга хос қилиқлари, ёқимли афт-башараси кўзларидан сира нари кетмас эди.

\* \* \*

Зинаида Алексеевна Рўзимуҳаммадни қанча эркалатиб, кўксига босмасин, у ўз отасини, қола берса, узоқ йўл босиб ўганиб қолган икки меҳрибони — Зебо пари билан Исроилжонни қўмсаб, гоҳ деразалардан Жадда кўчаларига мўралар, гоҳ бурчакка бориб кўз ёшини оқизар ва гоҳо ерга қараганча жим ўтириб, хаёл сурарди.

Зинаида Алексеевна олдинги кунлар унинг бу қилигидан кўнгли оғриган бўлса ҳам кейин-кейин уни юпатиш учун извошга ўтқазиб, бозор ва хиёбонларни сайр қилдириш билан машғул бўлди. Орадан бир ой ўтгандан кейин Рўзимуҳаммад Зинаида Алексеевнага бутунлай ўганиб, йиғлаш, йўл пойлаш ва аразларни тарк этди, ҳатто Зинаида билан унча-мунча русча сўзлашадиган, бора-бора Зинаидани «мама» деб чақирадиган бўлди.

Зинаида Алексеевнанинг Рўзимуҳаммадни ҳар вақтдагидан ҳам ортиқроқ севишида сир бор, бу сирдан ҳатто Александр Дмитриевич ҳам хабарсиз эди. Бу қувончли сирни Александр Дмитриевичга ҳам айтиши ва бундан Петербургдаги она ва синглисини воқиф қилиши керак!

Хиёбон сайридан қайтиб келгач, Рўзимуҳаммадни овқатлантириб ухлатди-да, унинг рўпарасида ўтириб, мактуб ёза бошлади:

«Меҳрибон онажоним ва қимматли синглим! Бундан олдинги мактубимда бир етим болани ўғил қилиб олганим, унинг кимлиги ва кечмиши ҳақида муфассал ёзган эдим. Мана шу болага шундай ҳам ўргандимки, ҳатто у ухлаган вақтларда уйғонишини тоқатсизлик билан кутиб, бошида унга термулиб ўтирадиган бўлдим.

Узи ҳам жуда ёқимли бола, кўзлари катта-катта, киприклари қалин, сочи тим қора, қўнғироқ, юзлари лўппигина. Бу бола қутлуғ қадам бўлди менга, Алёшага зўр қувонч бошлаб келди. Яқин ойларда ўғлимиз иккита бўлади! Ҳомиладорман!..

Мен фарзандимизнинг қиз бўлишини орзу қиламан, Алёша ўғил бўлишини, икки ўғилли бўлишни истайди. Қизми, ўғилми, икки бола билан Петербургга кириб бориш иштиёқида шу кечаларда узоқ ва ширин хаёллар билан тўлғанаман ва болаларни сиз меҳрибонларга тезроқ кўрсатишга ошиқаман!

*Ҳар иккинчисини ўпиб: Зиналарингиз.  
1883 йил. 12 июнь, Жадда».*

Жаддада ҳаво қаттиқ исиб кетиб, четдан келган мусофирлар лоҳас бўла бошладилар. Зинада бетоб бўлиб қолди. Унинг муолижаси учун келган доктор ҳам Зинада Алексеевнани «водянка» касали билан оғриганлигини аниқладилар ва тездан уни шаҳардан узоқроқ ерга элтиб қўйишни тавсия қилдилар. Докторлар маслаҳати билан уни ва Рўзимуҳаммадни бир хизматчи билан Чангали Мозандарон яқинидаги бир ерга юборишди.

Бироқ беморга бу ернинг ҳавоси ҳам тўғри келмай, тобора оғирлаша бошлади, орадан бир ой ўтгач, докторлар Зинаидани яна Жаддага қайтариб, жиддий муолижа қилишга киришдилар. Муолижалар наф қилмай, ҳоли ёмонлаша бошлагандан кейин, Зинаидани операция қилиб, тўрт ойлик болани олдилар. Бола, Александр Дмитриевич кутганидек ўғил эди.

Афсуски, бу кўнғилсиз операция ҳам Зинаиданинг дардини енгиллатмади, балки оғирлаштириб юборди. Александр Дмитриевич ўзини йўқотиб қўйди. Бечора Рўзимуҳаммад доим беморнинг бошида мўлтиллаб, оғир-оғир хўрсинар, кўзларидан ёш тўкар, томоғидан овқат ўтмай, кун бўйи оч ўтирар, энди унга меҳрибончилик қилиш ҳам шу кунларда бошқа ҳеч кимнинг юрагига сиғмас эди.

Ярим кеча, бор ҳаёт уйқуга фарқ, милтиллаб ёнган чироқ ёнида севгили Зинаидасига тикилиб Александр Дмитриевич ўтирар эди. Нарироқдаги кичик каравотчада дунёдан беҳабар жажжи Рўзимуҳаммад пиш-пиш ухламоқда. Зинаида сўник кўзларини хиёл очиб, тепасида киприк узмай термулиб ўтирган Алёшасини кўрди-да,

ҳолдан тойган оппоқ қўлларини Алёша юзига олиб борди:

«...Мендан рози бўл, мен ҳам розиман... сен учун бу жудалик жудаям оғир бўлади... мени дафн этгандан кейин ўғлимизни олиб, Россияга кет, уни онамга топшир... менинг ўрнимга онам кўксига босади... уни кўксига босиб Зинаидасининг бўйини ҳидлайди, сен ҳам мени эслаган пайтларингда Муҳаммеднинг бошини сила... Онам билан синглимдан хабар олиб тур...»

Зинаиданинг бу васиятларини эшитар экан, Александр Дмитриевич йиғидан ўзини тўхтатолмай, унинг қўлларини ўпар, кўзларига суртар ва қалтироқ қўлларини секин олиб бориб, Зинаиданинг юзларини силар эди. Орадан икки соат ўтгач, тонг отишга яқин Зинаида Алексеевна жон берди.

Бу оғир мусибат Александр Дмитриевич учун қанчалик оғир бўлса, Рўзимуҳаммад учун ҳам шунчалик оғир эди. У гамининг зўрлигидан йиғлай олмас, кўзига дунё қоронғи, оналар шунақа тез ўлиб кетарканлар, деган ишончда эди. У чурқ этмай қабристонга бир нуқтага тикилганча бориб келди. Қабристондан қайтиб келгач, Александр Дмитриевич кўксига босиб туриб кўзларида ёш билан уни юпатмоқчи бўлди. Лекин Рўзимуҳаммадга на аччиқ кўз ёши ва на ширин жилмайиш ўз таъсирини кўрсатди. Чунки у энди ҳеч нарсага ишонмай қўйган эди.

Мотам маросимлари ҳам тугаб, уйлар ҳувиллаб қолди. Александр Дмитриевич Рўзимуҳаммадни хизматчилар билан уйда қолдирмай, қаёққа борса бирга олиб юрди, Петербургга юборган аризасига жавоб келишини тоқатсизлик билан кута бошлади.

Рўзимуҳаммадни етаклаб консулхонага борар, у ерда бир оз ишлаб чарчагандан кейин ташқари чиқар, Рўзимуҳаммадни консулхона боғчасига чиқаётган зинада ёлғиз ўйнаб ўтирган ҳолда топиб олар, уни қўлидан тутиб хонага олиб кирар, келтирилган овқатдан ярим-ёрти тамадди қилган бўлиб, ўрнидан сакраб турар, у ёқдан-бу ёққа юриб, хаёл сурар, устма-уст папирос тутатар, диванга чалқанча ташланиб, икки кафти билан ўз кўзини беркитарди.

Александр Дмитриевич тез-тез қабристонга бориб, Зинаида қабрига қўйилган мармар тошни рўмолчаси билан артар экан, у билан сўзлашар, ўзини йўқотиб

қўйган Рўзимуҳаммаднинг бошини тиззасига олиб, Петербургнинг ойдин тунларида Зинаида билан Нева соҳилларида бирга айтишган қўшиқларини ҳасрат билан куйлар эди.

Орадан уч ой ўтгач, Петербургдан, консул Левицкий Александр Дмитриевич аризаси инобатга ўтиб, ўрнига бошқа киши тайинланганлиги ва бу янги тайинланган киши Жаддага етиб боргандан кейин, Левицкий Петербургга қайтиши мумкин эканлиги ҳақида жавоб мактуби олинди. Орадан кўп фурсат ўтмай янги тайинланган консул етиб келиб иш қабул қилишга киришди.

Александр Дмитриевич ишни топшириб Петербургга қайтиш тараддудига тушди: юки унча оғир эмас, ўзи ва марҳума Зинаиданинг кийимлари билан тўлган икки чамадон ва яна Рўзимуҳаммаднинг нарсалари солинган чамадон бор эди. Пароход билети ҳам тайёр, фақат бир оғир ҳасрат юки Левицкийни эзиб босмоқда эди. У ҳам бўлса, Зинаидани мусофир юрт қабристонига ёлғиз қолдириб кетиш гами эди.

Бугун қабристонга ота-бола келдилару, лекин эрта-роқ қайтишга имкон тополмай, кун ботгунча Зинаида бошидан кетолмадилар, ой кўтарилиб, кенг қабристон сутга чайгандек оппоқ ойдинга ботди, мрамарга ёзилган Зинаиданинг пок номи ой шуъласида ярақлар эди. Александр энг сўнгги мартаба энгашиб, мрамарга лабларини олиб борди, қайта-қайта бўса олди. Лекин бу тош ҳижрон каби совуқ ҳам қаттиқ эди.

Александр аста ўрнидан туриб, бош кийимини кийди, Рўзимуҳаммадни қўлидан қаттиқ ушлаб, қабристон дарвозасидан чиқиб, шаҳарга йўл олди. Йўлда у тез-тез юриб борар, Рўзимуҳаммад чопиб-чопиб унга етиб ололмасди. Уйга етиб, у ерда кузатиш учун тўпланган консулхона ходимлари ва меҳмонларни мунтазирликда кўргач, Левицкий уларга узр баён қилди-да, стол атрофида бўладиган кузатиш анъанаси юрагига сиғмай, тезроқ портга жўнаш ҳаракатига тушди. Левицкийнинг хоҳишига қараб, янги консул ва консулхона ходимлари портга жўнашни тезлаштирдилар.

Александр Дмитриевич портга келган кишилар билан самимий хайрлашиб, Рўзимуҳаммадни етаклаб пароходга ўтирди. Пароход Баҳри Аҳмар денгизига сузиб, Сувайш канали йўлини олди. Октябрь ойининг ўрталари эди.

Баҳри Аҳмарда узоқ сузиб, Сувайш шаҳрига етдилар ва шаҳарни томоша қилиб юриб бир магазинга кирдилар. Левицкий Рўзимуҳаммадга бу магазиндан бош-оёқ сарпо харид қилди, сўнг бир фотоафхонага олиб кириб суратни олдириди, ўша кун кеч яна пароходга ўтириб, Искандарияга йўл олдилар.

Искандарияда ҳам бир кеча қўниб, Александр Дмитриевич Сувайшда олдирган суратларини конвертларга солиб аллақаяқларга жўнатди. Эртаси яна бошқа пароходга миниб, Қонстантинополга жўнадилар. Бу шаҳар-ма-шаҳар, пароходма-пароход саёҳат Рўзимуҳаммадга таскин бериб, лабларида табассум уйғотди, ёш қалбини мусибат аламларидан тозалай бошлади.

Туш пайтида пароход Қонстантинополь портига келиб тўхтагач, Александр Дмитриевич Рўзимуҳаммадни етаклаб, Россиянинг Туркиядаги элчиси Зиновьевнинг уйига қараб кетди. Левицкий Зиновьев билан эски таниш бўлиб, унинг уй адресини яхши билар эди. Зиновьев қадрдон дўсти Левицкийни яхшилаб кутиб олиб, унинг бошига тушган оғир мусибат учун ўз қайғусини изҳор қилган, уйнинг тўридан жой кўрсатиб, дастурхонини ноз-неъматлар билан тўлдирган бўлса ҳам. Рўзимуҳаммад масаласига келганда Левицкийнинг қилган ишини маъқулламади. «Ўз мусибатингиз ўзингизга камлик қилгандек, бу мусулмон гўдакни бошоғриқ қилиб олиб юришга ҳожат йўқ эди!.. Ҳали ҳам бўлса бу инсонпарварликнинг баҳридан ўтиб, болани менга қолдириб кетинг, мен уни Тифлидаги қариндошларга совға қилиб юбораман, уларнинг подасини боқиш учун мана шундай болалар доим керак, оч қолмайди!..» деди.

Рус тилини анчагина тушуниб қолган Рўзимуҳаммад бу сўзларни эшитгандан кейин фарёд чекиб, Левицкийнинг бўйнига осилди. Левицкий унинг бошини силаб, кўксига босди ва дўсти Зиновьев билан тезгина хайрлашиб ўридан турди. Рўзимуҳаммад ҳамон Левицкийнинг этагини тутиб йиғламоқда эди. Левицкий унинг қўлидан маҳкам ушлаб портга йўл олди.

Пароходда Одесса томон сузиб борар экан, Рўзимуҳаммад йиглаб қизарган кўзларини Левицкийдан узмай мўлтиллаб боқар эди. Александр Дмитриевич унинг икки бетини қўллари орасига олиб, узоқ тикилди:

— Сен мени ҳам ўзингдек йиғлоқи қилиб қўяёздинг,

сен йиғласанг, менинг ҳам йиғлагим кслади. Кел, энди қўлингни бер, йиғламайлик. Уз ватанига, киндик қони тўкилган муқаддас ватанга, қариндош-уруғлар ёнига қайтаётган йигитлар учун йиғи ярашмайди! Сен етим эмассан, Муҳаммед, дарбадар ҳам!.. Биз ватанимизга, қариндош-уруғларнинг иссиқ қучоғига қайтиб бормоқдамиз! Маманг ўлган бўлса, яна ўшандай мамалар бор, улар сени Зинаида ўрнида иссиқ қучоқларига оладилар!..

Рўзимухаммад бош тебратиб, дона-дона сўзлади:

— Мен энди ҳеч кимни мама деб чақирмайман! Улар мени ташлаб, узоқ-узоқларга кетиб қолишар экан!

— Менинг мамам ҳам ёшлигимда кетиб қолган, мен ҳам ёшлигимда жуда кўп йиғлаганман, отам ҳам кетиб қолган, унинг учун ҳам жуда кўп йиғлаганман. Аммо ўз ватанимда бўлганим учун кўчаларда қолмаганман, менга иссиқ қўйинини очганлар бўлган, улар мени тўғри йўлга, инсонпарварлик йўлига бошлаганлар! Сени ҳам ўша элу юрт кутиб олади!..

Одессага етиб келиб, Одессадан поездга ўтириб Петербургга жўнадилар. Петербургга етиб борганларида анчагина совуқ эди, тун аёзида поезддан тушиб, извошга миндилар. Якка от қўшилган извош оппоқ қор устида Васильевский остров томон йўл олди, Рўзимухаммад оқ пўстин ёқасидан бошини чиқариб, Петербургнинг оппоқ либос кийган баланд-баланд биноларини, тўрт бурчагига фонус ўрнатилган кўприкларни томоша қилиб борарди.

Извош жуда секин ва узоқ йўл босиб бориб, Макаровалар уйи олдида тўхтаганда, Левицкийнинг дарди янги бўлди, чамадонларни извошда қолдириб эшик қоқаётган пайтда ўзини бутунлай йўқотиб қўяёзди. Эшик очган қора либосли бир кекса ва бир ёш аёл йиғисиз, товушсиз уш суяб олиб кириб кетдилар. Извошдан чамадонларни олиш ҳам бутунлай нутилган эди. Анча фурсатдан кейин кучер эшик қоқиб, чамадонларни йўлакка киргизди. Бир бурчакда типпа-тик туриб қолган Рўзимухаммад атрофга жалаглаб қаради ва кўп расмлар орасидан, атрофи қора лента билан ихоталанган каттагина рамкадаги чиройли қизнинг суратига тикилди. Бу сурат, Зинаида Алексеевна Макарованинг қизлик чоғидаги сурати эди.

Александр Дмитриевич Левицкий ўз ишига тааллуқли олий маҳкамалар билан сўзлашиб, элчиликдан тамоман бўшаб олиш ва Москвага қайтиб, ўзи ўқиган Шарқ тиллари институтидан хизмат сўраш баҳонасида Петербургда икки ҳафта туриб, қайнана ва қайнсинглиси билан бирга яшади, бирга мотам тутишди. Икки ҳафтадан кейин Москвага жўнашга тайёрланди, Рўзимуҳаммаднинг ухлаб қолганидан фойдаланиб, уни ташлаб кетиш ёки Москвага олиб кетиш масаласини Мария Васильевна билан Мария Алексеевнага ҳавола қилди. Улар болали олиб қолиб тарбиялаш, ўқитиш ниятида эканликларини изҳор қилдилар:

— Менинг розилигимни десанг, Москвага олиб кетмайсан. Чунки мен бу болани кўрсам, сен билан Зинаидани кўргандек бўлиб, овунишим турган гап!.. Мария унга ўқиш, ёзишни ўргатади, мен ўзим тарбия қилиб оламан, унинг бизга ҳеч оғирлиги тушмайди! Сен хотиржам бора бер, Алёша! Шу шарт биланки, вақт топсанг келиб тур, келишга фурсатинг бўлмаса хатни канда қилма!..

Рўзимуҳаммадни бир кампир, бир қизга топшириб; Левицкий Москвага жўнаб кетди. Москвадаги ўзи ўқиган институтга ўқитувчи бўлиб жойлашиб олгач, қайнанасига тез-тез хат ёзиб, пул жўнатиб, Рўзимуҳаммадга ёрдам қилиб турди, бироқ, шундай бўлса ҳам, уни Петербургга ташлаб келганидан кўнгли ғаш эди. Лазоревский номидаги бу институтнинг эрон тили мударриси, Эрон шоҳлигининг Москвадаги савдо вакили Сайид Жаъфарнинг уйига борганда, Левицкий кечаси тунаб қолиб, устозига Рўзимуҳаммаднинг кимлиги, унинг бошидан кечирганларини батафсил сўзлаб берди ва унинг келажак тақдири тўғрисида маслаҳат сўради. Сайид Жаъфар эса, Рўзимуҳаммадни Москвага олиб келиш, шу ерда ўқитиб, ўз халқига керакли киши қилиб етказиш Левицкийдек олижаноб йиғит учун муқаддас бурч эканлигини уқтирди.

Сайид Жаъфарнинг бу мулоҳазалари Левицкийнинг бошига келган фикрлар эди. Унинг ўзи ҳам Рўзимуҳаммадни Петербургдан Москвага олиб келиб тарбиялаш, ўрта маълумот эгаси бўлгандан кейин уни Шарқ тиллари институтига жойлаш кераклигини кўнглидан ўтказ-



ган эди. Жаъфарнинг маслаҳатидан кейин Петербургга, қайнанаси Макаровага хат ёзиб, Рўзимуҳаммадни Москвада ўқитиш ҳақидаги мулоҳазасини айтди ва олиб келиш учун розилик сўради.

Бир йил мобайнида Мария Васильевна болани ўзига ўргатиб олган ва ўзи ҳам унга ўрганиб қолган, Мария Алексеевна кечалари у билан шуғулланар, ёздирар, ўқитар эди. Мария Алексеевнанинг ёрдами билан Рўзимуҳаммад ўқишда анча илгарилаб қолган эди.

Левицкийдан хат олганларидан кейин она-бола маслаҳатлашиб, унга розилик мактуби ёзиб жўнатдилар. Орадан кўп ўтмай Левицкий Петербургга келди, бирикки кун қайнана, қайнсинглисига меҳмон бўлгач, Рўзимуҳаммадни ёнига чақириб, бундай деди:

— Азизим Муҳаммад! Мен сени бир йил ичида тамоман бошқа қиёфада кўриб, беҳад қувониб кетдим. Сен ўқимишли, ажойиб йигит бўлибсан. Аммо мен бир нарса десам чўчима! Сен мен билан энди Москвага бориб туришинг, у ерда ўқишни давом эттиришинг керак. Зинаиданинг васияти ҳам шундай эди, мен сени ўзимдан узоқда қолдира олмайман!..

Бу сўзни эшитган Рўзимуҳаммад аввал хомуш бўлиб, бошини ерга солиб, сукут қилган бўлса ҳам, кейин Левицкий мулоҳазасини тушуниб, унинг бўйнидан қучли ва мунгли товуш билан розилик билдирди:

— Майли! Сиз билан Москвага кетаман!..

Эртаси она-бола булар билан вокзалга чиқиб, поезд кетидан йиғлаб қолдилар. Левицкий Рўзимуҳаммадни Москвага олиб келиб, тўғри Жаъфархон олдига олиб борди.

Жаъфар кекса, кўпни кўрган, иссиқ-совуқни бошдан кечирган киши эди. Меҳмондорчиликдан кейин Рўзимуҳаммадни ухлатиб қўйиб, шундай деди:

— Сиз ҳали ёшсиз, Александр Дмитриевич, уйланишингиз, эски гам-гуссаларни эсдан чиқаришингиз керак, ёш боланинг қош-қовоғига қарашдан бўлак юмушларингиз кўп. Сезишимча, саломатликни ҳам анча йўқотгансиз, ётиш-туришингизда ҳаловат йўқ, эски хушчақчақликларингиз хаёлчанлик, умидсизлик билан мубаддал бўлган кўрпади! Бу яхши эмас, ўзингизни бардам тутинг! Болани Москвада олиб қолиб ўқитайлик. Аммо сиз билан эмас, бошқа бир оилада туриб ўқийди. Сиз унинг учун ҳеч қайғурмасангиз ҳам бўлади. Аллақачон-

лар мен бунинг чорасини кўриб қўйганман, эрталаб но-нуштани ана ўша ажойиб кишининг уйида қиламиз!..

Жаъфар Левицкий билан Рўзимуҳаммадни извошига ўтқазиб, Татар кўчасида Ерзин фамилияли дўстининг уйига олиб келди. Муҳаммад Солиҳ Юсуф ўгли Ерзин Тамбов губернасининг Ажи қишлоғида камбағал татар оиласида туғилиб, ёшлик йилларини чўпонлик билан ўтказди, кейин бошқа дурустроқ касб истаб Москвага келади.

Қўқон бойларининг Москвадаги вакили Иброҳимжонбой Муҳаммад Солиҳ Ерзинни олдин қора ишга олади. Ерзин Иброҳимжонбой хизматида юриб, қунт билан ўқийди, ҳисоб-китоб, бухгалтерия ишларини ўрганади, бора-бора Иброҳимжонбой садоқатли Ерзинга ишониб, улгуржи ишларини топшириб, ўзи Қўқонга бориб келадиган бўлади.

Кўп йиллар шу зайлда ўтиб, Иброҳимжонбойнинг иши тўсатдан чатоқлашиб синади ва Истамбулга қочиб кетади. Иброҳимжонбой Истамбулга қочиб қолгандан кейин, Ерзин Иброҳимжонбойнинг ўрнини эгаллаб, Қўқон бойларининг Москвадаги савдо вакили бўлиб қолади, бир печа бор Қўқонга боради, Қўқон бойлари билан, шунингдек, Қўқоннинг кўзга кўринган фозил, олим кишилари билан ҳамсуҳбат бўлади.

Ерзин дастурхон устида Левицкийга ўз таржиман ҳолини ҳикоя қилиб берар экан, «Қўқон» сўзи Рўзимуҳаммаднинг қулоғига бошқача эшитилди. Солиҳ Ерзин Рўзимуҳаммадни ёнига чақириб, бош-кўзини силади-да, унга татарча сўзлади: «Мен Қўқонга бориб тураман, хоҳласанг бирга олиб бораман. Аммо сен менга ўғил бўлишинг шарт! Менинг тўққиз фарзандим бор, сен ўнинчиси бўлиб, гимназияда, кейин институтда ўқийсан! Хужжатларинг бўйича сен ўзбек халқининг яхши шоири — Муҳаммад Аминхўжа Муқимийга туғишган жиян бўлар экансан. Мен у кишини яхши биламан! Шунинг учун ҳам сени фарзанд деб қабул қилишдан фахрланман!»

Шуни деб Ерзин ўғил-қизларини чақириб, Рўзимуҳаммадни уларга таништирди. Болалар Рўзимуҳаммадни ўртага олиб, ичкарига олиб кириб кетдилар. Левицкий Ерзинга миннатдорчилик билдириб, Дўстмуҳаммаддан қолган ҳамёнчадаги «омонат»ни топшириб, Ерзиндан хужжат олди, сўнг хайрлашиб, Жаъфар домла билан

чиқиб кетди. Ерзин оғанинг хотини Айнулҳаёт Рўзимуҳаммадни ўз болалари қаторида кўриб, меҳрибонлик кўрсатди.

Рўзимуҳаммад Ерзин оғай оиласида ўнинчи фарзанд бўлиб қолди. Кейин Саид Жаъфар ёрдами билан Шарқ тиллари институти қошидаги тайёрлов гимназиясини битириб, Шарқ тиллари институтига қабул қилинди.

Александр Дмитриевич Левицкий эса, оғир касалга чалиниб, институтдан жавоб олди-да, Саратовга кетиб қолди. Саратовда бир неча йил оғир касалликда ҳаёт кечириб, қайта уйланмай, қирқ ёшида вафот этди.

### **Ўнинчи боб**

## **БУХОРО РИЕЗАТИ ВА ҚУВГИНЛИҚНИНГ ҚУЛФАТУ ФАРОҒАТИ**

Икки томони ғиштин деворлар билан ўралган Бухоронинг тор, узун-узун ва қинғир-қийшиқ кўчалари турли тоифадаги, турли маслакдаги ва турли либосдаги одамлар билан ҳар доим гавжум. Салласи силлиқ, халта кўйлак, ранг-баранг тўн кийган муллавааччалар катта китобларини қўлтиқлашиб, гурас-гурас у мадрасадан чиқиб, бу мадрасага, мударрислари ёнига шошиб бормоқдалар. Эшагига хуржун ортган, кийимлари чиркин, қизил салланнинг фашини елкага тушириб, эшак ортида бозорга шошаётган бечора деҳқонлар гоҳо аравага йўл бериш учун эшагини четга тортиб, ўткинчиларнинг ноҳақ ҳақоратига дучор бўлади, гоҳ дўкондорларнинг турткисини ейди... Тор йўлдан «пўшт-пўшт»сиз от чопиб бораётган амир амалдорлари ва чопарлари, катта савдогарларнинг извошлари тор кўчанинг истаганча ҳукмронли бўлиб, улар ўтиб кетгунча фуқаро йўл бўшатиб чеккада туради.

Ҳукмдорлардан бирининг извоши келаётганини пайқамай, араваси билан тор йўлга тикилиб, извошнинг бир қанотига шикаст етказган бир қишлоқи чол, қамчи сопи остига олинганида атрофига тўпланган оломон ичида муллаваачча Муҳаммад Аминхўжа Муқимий ҳам бор эди. У ҳарчанд шошиб кетаётган бўлса ҳам ўтиб кетишга имкон тополмай, тор йўл четида тўхтади ва бош-кўзи

аралаш калтак еб туриб, яна тавба қилаётган кекса деҳқонга ачинса-да, бошқа томошабинлардек жим туришга мажбур эди.

Одамлар тарқалди. Муқимий ҳам тез-тез босиб мадрасаи Мир Араб томонга йўл олди. Муқимий Бухорога янги келган йили бирор мадрасага ўрнашиб, бошпана топиш, қайси мударрисда таълим олиш ва бу мусофир шаҳарда кўнгилтортар, аҳли фазл, аҳли дард шеърият олаmidан хабардор киши билан ҳамхўжра, ҳамтовоқ бўлиш ташвишида юрди. Муқимийни мулла Тожибой Норхолиқ ўғли билан таништирдилар. Мулла Тожибой асли кўқонлик бўлиб, ҳозир бу мадрасадаги бир кичик хўжрада истиқомат қилар экан, ўзи хушчақчақ, жаҳонгашта, кўнгли оқ йигит бўлиб, лақаби «ҳожид», асли ота касби қадоқчилик экан.

Гарчи мулла Тожибой Норхолиқ ўғли феълу атвори билан Муқимийга зид, енгил табиати бўлса ҳам унинг Муқимийга бўлган ихлоси, хизматга ҳозирлиги, доим декчасида зирбак қайнаб, ўчоғида аччиқ кўк чойнинг дамлоғлиқ туриши муллаи қоқлардан бўлган Муқимийга манзур бўлган эди.

Озода хўжра, хумчада эритилган ёғ, халтадаги гуруч, толиби илм мусофирлар учун энг катта бойлик ҳисобланади. Ундан ташқари, бу хўжра деворига турли муסיқий асбоблар ҳам осилган бўлиб, мулла Тожибой бу асбобларни бир амаллаб чала билар, ўзи мадрасада яшаса ҳам илм билан тариқча иши йўқ, кундузлари Бухоронинг бир серқатнов кўчасига «дўкон» ёйиб қадоқчилик қилар, кечалари чилдирмасни қўлтиқлаб чиқиб кетиб тўй, зиёфат овлар, топганидан бир қисмини Муқимий билан баҳам кўрар эди.

Шеригининг чилдирма чалиб, тўйма-тўй юришидан Муқимий хуноб бўлиб, гоҳ кулгиси келар, гоҳ унга қаттиқ тегиб, гоҳ мулойим насиҳат қиларди. Лекин мулла Тожибойга унинг гаплари кор қилмасди. Муқимий эса кўп вақтларини бошқа хўжраларда ёки дарсхонада мутолаа билан ўтказиб, дам олиш, овқатланиш учунгина унинг хўжрасига кирарди.

Муқимийнинг мударриси — каттақўрғонлик мулла Холмуҳаммад охунд деган машҳур мударрис ўз шоирлигини элдан, шогирдларидан сир сақлар ва шогирдлари орқасидаги аҳли назм, аҳли фазл муллаваччаларга шундан муҳаббат боғлар эди. Шунингдек, Муқимий ҳам

шоирлигини мударрисдан яширин-тутиб, билинтирмай келар эди.

Бир таътил куни «Меҳтари анвор» мадрасасининг пешқадамларидан мулла Авазмуҳаммад Муқимийни ўз хужрасига таклиф қилиб, ош-сув қилди ва ўзининг кимлигини айтиб, Муқимийга меҳрибончилик изҳор қилди: мулла Авазмуҳаммад Ермуҳаммад ўғли Қўқоннинг мулла Бошмон маҳалласидан бўлиб, касби атласбоф, тахаллуси Писандий эди. Муқимий бу киши билан танишгани учун беҳад хурсанд бўлди ва доим шоир Писандий билан ҳамсуҳбат бўлди. Шоир Писандий Муқимийдан анча катта бўлиб, ҳажв ёзишда бағоят истеъдодли эди.

Шоир Писандий Қўқонга қайтиш олдида Муқимийни дўсти ва шериги мулла Холмуҳаммад охунд домлага тайинлаб, бу камтар истеъдод эгасини гоҳо-гоҳо йўқлаб, ҳол-аҳволидан хабар олиб туришни илтимос қилди. Писандий Қўқонга жўнаб кетгач, мударрис Муқимийни чақириб олди-да, унга меҳрибончилик қилиб, таътил куларини уйда бирга ўтказишни таклиф этди, уй адресини берди. Муқимий таътил куни тайинланган адресдаги уйга кириб борди.

Мулла Холмуҳаммад охунд йигитлик чоғларида Каттақўрғондан Бухорога келиб қолган, узоқ йил ўқиб, катта билим эгаси бўлган ва ўз устодининг қизига уйланган, устоди вафот этгандан кейин ичкари-ташқари жойга соҳиб бўлган эди. Бора-бора Бухоро мударрислари орасида пешво, машҳур мударрислардан бўлиб танилди.

Мулла Холмуҳаммад охунд куёв бўлиб кирган бу оила қадимдан чеварлиги билан донг чиқарган бўлиб, аёлларнинг зардўзлигидан мулла Холмуҳаммад охундга катта моддий манфаат келиб турар эди. Мулла Холмуҳаммад охунд домла ўз ҳаётидан мамнун эканлигини айтди. Муқимийдан ҳеч бир сирни яширмай ёлғиз биргина қиз борлигини, унинг номи Нозик бўлиб, исми ҳам ўзига ярашиб тушганини билдирди.

Дастурхон йиғилгандан кейин мулла Холмуҳаммад охунд ёғоч сандиқдан бир чанг босган жузгирни олди-да, Муқимийга узатди:

— Булҳаваслик, каминани ёшлик пайтларида шеърят баҳрига, гаввосликка ундаган эди, мен ҳам кўнгил сўзига кириб, анча уриниб кўрдим... Бу жузгирдагилар ўша булҳавасликнинг гавҳар ўрнидаги сопол маҳсулидирким, буни фақат сизга кўрсатмоқчиман.

Муқимий қуллуқ қилиб олиб, жузгирни очди, қамиш қалам билан ёзилган ўзбекча, тожикча мухаммасларга назар ташлаб, ҳайрат лабини тишлади ва домлага қараб кулиб, яна жузгирни кўздан кечира бошлади. Навоий, Ҳофиз ғазаларига жуда усталик билан боғланган ноёб мухаммаслар ёш шоирни худди оҳанрабодек ўзига тортиб, мафтун қилган эди. Муқимий жузгирдан кўзини арабга олиб, домлага қаради-да, жилмайди:

— Агар жанобингизда булҳаваслик камолоти шу қадар бўлган бўлса, камина ҳавасдан сўз очмасам ҳам бўлар экан.

— Агар сиз, Муҳаммад Амнхўжа, шундай деб, нархимни оширадиган бўлсангиз, ҳали ҳам бўлса мударрисликни тарк қилиб, шеърга бўлган булҳаваслик пиздан қувиб кетишим мумкин.

— Катта-катта мудданлар қўлидан келмайдиган мухаммасларни ёшлик даврида машқ қилиб қўйган эканлар, энди биздек толиби илм ва толиби фазл булҳавасларга илму фазилат улаша берсинлар.

Хуллас, устод билан шоғирд ўртасида самимий унс пайдо бўлиб, бир-бирларини тез-тез йўқлайдиган, таътил кунларни холи меҳмонхонада шеърхонлик билан бирга ўтказадиган бўлдилар ва бора-бора мулла Холмуҳаммад охунд ҳадди сиғиб, Муқимийни бозор-ўчар ишлари, хонадон юмушларига буюрадиган бўлиб, келиб-кетишни бемалол қилиб қўйди.

Нозикхон авваллари меҳмонхонага дастурхон, чой олиб чиққанда юзини энги билан яшириб, зинага қўйиб келиб-кетиб юрди, кейинчалик Муқимийдан қочмай қўйди. Чунки мулла Холмуҳаммад охунд учун Муқимийдек одобли, ҳушёр ва жозибадор куёв — ўғил керак эди. Шунинг учун ҳам Нозикхоннинг нозиклигини Муқимийга намоён қилишни ўзига эп кўриб, «Муқимийдек покиза йиғитдан юз яширмоқ — одобсизлик...» деган эди.

Нозик қоматда ҳам, ҳусида ҳам нозик малоҳат эгаси эди. Унинг ингичка қошлари остидаги сурмали қора суюк кўзлари, гунчадек лаблари, нозик қиррали бурни, оқ бағбақа остига беркинган марваридларининг ҳар бири бир дoston, бир мадҳия рисоласи эди.

Бу назокат, бу малоҳат ва латофат париси шу кундан бошлаб шоир Муқимийнинг хаёлини банд қилган эди. Бироқ зада бўлиб қолган қалам кабутари қанот қоқиб, муҳаббат осмонида ўйнагиси келса-да, бу хатар-

ли парвоздан воз кечиб, мадрасанинг қоронғу кабутархонаси — ҳужрасидан бошқа ошиёни истагиси келмасди.

Муқимий Нозик ҳақида шеър ёзишнинг нақадар нозик ва қалтис эканини сезар, бу мавзуга яқинлашгиси келмас эди. Аммо бир куни илҳом парисини яқиндан кўриб, қуйидаги шеърни ёзишдан ўзини тўхтата олмади:

Лабинг ёди билан гар ютса қон булбул ниҳон, нозик,  
Кулиб лутф этганинг эл сезмасун, гунча даҳон нозик,  
Ешур ғайри назаридан қоматинг, андоқки ваҳмим кўп,  
Ёмон кўз тушмасун сарв наҳлига, мўрча миён нозик.

Латофат боғи ичра кўп бўлур нозик адо гуллар,  
Ҳама нозик адодин боғ учун сен аргувон нозик.  
Қилишга ишқ изҳор, бунда даъвои Муқимликда,  
Қани чорамки, йўқ чорам, эмас фурсат, замон нозик.

Бу сатрлар покиза қалб ҳиссининг беғараз ифодаси бўлиб, Нозикка нисбатан ошиқлик ва уйланиш пияти унда йўқ эди. Чунки Муқимий бундан кейин уйланмоқ орзусидан кечиб, ҳаётининг охиригача ёлғизликда ижод қилиш, шеър билан яшаш, шеър билан нафас олиш ва шеър билан рақиблардан қасос олишнигина ўйлар эди.

Гўзалликни тараннум қилиш шоирлар тили билан айтганда «қаламни чархлаш»дан иборат эди, аммо шеърни олиб ўқишга муяссар бўлган Нозик «қўқонлик шоир йигит мени севар экан» деб тушунди, шеърни кечаси кўксига босиб ухлади ва эртаси сирдош ҳамсоя қизларга ўқиб бериб, кўз-кўз қилди.

Гўзал бўлиш Бухоро қизларининг бахтсизлиги эди. Бундай бахтсиз гўзал қизлар амир саройининг «ёсумон»лари томонидан «канизлар рўйхати»га киритилиб, эрга берилиш, севиш, севилиш каби инсоний ҳуқуқлардан маҳрум этиларди.

Бечора Нозик ҳам шу рўйхатга кирган бахтсизлардан бўлиб, бундан на ўзи ва на ота-онаси хабардор эдилар. Муқимий шеъри ўғирланиб, амирга етказилди, амир Муқимийни тутиб зиндонга ташлашга фармон берди. Бу даҳшатли хабар мулла Холмуҳаммад охундга етиб келгандан кейин Нозик ҳам бахтсизлар рўйхатига кирганини тушунди. Мулла Холмуҳаммад охунд домла бир томондан ягона қизининг аянчли тақдири учун куйса, иккинчи томондан Муқимийга ачинди. У ярим тунда мадрасани

Мир: Арабга келиб, ҳужра эшигини чертди, воқеадан Муқимийни хабардор қилди:

— Шу кечадан қолмай қочишингиз керак, азизим Муҳаммад Аминхўжа! Йўқса, сизни зиндонга элтадилар!.. Вақт ўтмасин!.. Хайр...

Муқимий Холмуҳаммад охунднинг йўлини тўсди:

— Сиз ёлғиз мени ўйлайсиз, мени зиндондан қутқармоқчисиз, устоз! Аммо мен сизларни қолдириб, ҳеч ерга бормаيمان! Яхшиси, Нозикни олиб, сиз билан бирга қочайлик...

Буни эшитган Холмуҳаммад охунд саросимада қотиб қолди, сўнг ўзини ўнглаб аста шивирлади:

— Кекса киши билан қиз бола учун қочиб қутулиш осон иш эмас! Сиз ўзингизни қутқазишингиз керак! Биз тақдири илоҳи не бўлса шуни кўрамиз...

— Йўқ,— деди Муқимий, бош чайқаб,— тақдири илоҳи деб, ўз қизингизни ўтга ташламанг, устоз! Бирга қочайлик! Ажаб эмаски, Нозикни бу балолардан сақлаб қола олак. Вақт ўтмасдан, тадорикига киришинг!

Ҳужрадаги зарур нарсаларни хуржунга жойлаётган Тожибой ҳожи ҳам гапга аралашди:

— Тонг ёришмай шаҳар дарвозасидан бир амаллаб чиқиб, сўқмоқ йўллар билан қочмасак, ҳолимиз вой. Менда ҳар эҳтимолга қарши, кўпдан бери эҳтиётланиб келаётган ниқоблар бор, бу ниқоблар тўртталамизнинг жонимизга ора киради...

Тожибой ҳожи шундай деди-ю, сандикдан оппоқ кампир сочи билан ясама соқол олиб, Холмуҳаммад охундга кўрсатди-да, сўзини яқунлади:

— Кечикмай йўлга чиқиш керак! Сизларни Каркида кутамиз, сўнг Афғонистонга ўтиб кетамиз.

Холмуҳаммад охунд ясама соч ва соқол тугилган рўмолни олиб, бир сўз демай тез чиқиб кетди, ҳужра ўртасида тип-тикка турган Муқимий йиғиштиринаётган ҳожига савол берди:

— Нега Фарғонага эмас?..

— У вақтда Қаттақўрғонга етмай қўлга тушишимиз турган гап! Чунки сизнинг фарғоналик эканлигингиз қидирувчиларга албатта маълум! Қани кетдик!

— Мени йўлга солиб қўйиб бу ерга қайтиб келсангиз бўлади, ўзим йўл топиб кетаман.

— Нималар деяпсиз, эшон ака? Бухорода сиз учун истиқомат қилиб турдим, бўлмаса аллақачонлар чиқиб



кетган бўлар эдим. Мен бир шаҳарда узоқ вақт тура олмайман, ҳавойи, жаҳонгашта одамман, менинг ризқ-рўзим чочқин, ҳунарим билан санъатим бор. Шарқ оламини пиёда кезиб, ҳеч ерда хорлик кўрганам йўқ. Саломатликни берса бу ҳунар билан санъатнинг хосиятини ўз кўзингиз билан кўрасиз. Сизни ёлғиз жўнатиб бўпман! Сиз шоир ва фозил одамсиз. Сизга ўхшаш содда табиат шоир йўлда очликдан ҳалок бўлиши мумкин...

Тожибой ҳожи узун, ясама соқолни ўз юзига ёпиштириб, иккинчи мош-гуруч соқолни Муқимий юзига ёпиштирди, икки хуржунни иккалалари елкага олдилар. Ҳожи қўлига чирмандани олди, ҳожини Муқимий етаклади. Ҳужра эшигига қулф уриб, ярим кечада йўлга тушдилар. Кўрган кишилар буларни ота-бола гадолар деб, ўйлаши мумкин эди.

Бир хилват мачит жиловхонасида тонг оттиргач, «ўғли» етаклаб олган «кўзи ожиз» гадо чол чилдирма чертиб куйлаб, садақа сўраб шаҳар дарвозасидан чиқди. Улар катта йўлни қўйиб, сўқмоқма-сўқмоқ, қишлоқма-қишлоқ жўнадилар.

Шу зайлда узоқ йўл босиб ҳоригач, бир тепалик олдида дам олдилар. Тожибой ҳожи мешни олиб, сув қидириб кетди, ҳаддан ташқари ҳориган, ғазабнок, ташвишноқ Муқимий тепаликка чиқиб, Бухоро томонга қараганча қотиб қолди: Муқимий кўз ўнгида ғишт билан кесакдан бунёдга келган қадимий Бухоронинг диққинафас манзараси, ранги заҳил, дардманд оддий фуқаро, тор, қоронғи кулбалар кўз ёшлари билан кўкарган кўлмак ҳовуз ва ариқлар, одамлар боши узра ярқираган қиличлар, саройнинг бераҳм чангалида ғижимланган капалакдек гуноҳсиз Нозиклар гавдаланди.

Шоир бир сесканиб, кўзларини катта очди-да, яна ғазаб билан Бухорога назар ташлади. Сарғиш дуд орасидан аждаҳо бошидек ажал минораси кўринди, рутубатли дудлар бу минорани гоҳо кўмиб юборар, гоҳ таралиб, халқнинг оҳ-фарёдидек кўкка кўтариларди.

Мулла Тожибой анча йироқдаги чўпонлар қудуғидан сув келтириб қумғон қайнатди. Сув ниҳоятда шўр ва бемаза эди. Муқимийнинг нозик таъби хира бўлса-да; ҳеч сўз демай ичишга мажбур бўлди.

— Бошга тушгани кўз кўрар деганлар! Шунини ҳам топилганига шукур қилиб ичамиз-да, эшон ака!

— Бу, сув эмас!..

— Тўғри айтасиз, эшон ака. Буни, чўлнинг ташналикка маҳкум этилган чўпонлари ҳам сув демайдилар, «оби ҳаёт» дейдилар. Бунинг ҳар қултуми улар учун ҳаёт билан тенг! Бу шўрликлар мана шундай огир, ташна, сермашаққат ҳаёт кечириб, амир Бухоронинг айшишратни учун кабоб тайёрлайдилар. Қани, энди йўлга тушайлик.

Кун исиб кетган вақтларда дам олиш учун кичик-кичик хароб қишлоқларда тўхтар эдилар. Мулла Тожибой ҳунарини ишга солар, гоҳ чирманда чалиб атрофига ёшялангларни тўплар, гоҳо халқнинг сениқ идиш-товоғини қадоқлашга киришар, биров нон олиб чиқса, биров гўшт, айрон билан меҳмон қилар, бир кеча бу қишлоқда қўниб, тонгда яна йўлга тушар эдилар.

Шу зайлда йўл юриб Қаркига етиб бордилар, бир саройга тушиб, Холмуҳаммад охунд билан қизини кутдилар. Орадан тўрт кун ўтди, бироқ, ота-боладан ҳамон дарак йўқ эди. Муқимий «улар қўлга тушмадими экан?» деб бетоқат бўла бошлади. Мулла Тожибой:

— Бундан ортиқ кутсак, биз ҳам қўлга тушамиз, яхшии чегарадан ўтиб олайлик, улардан умидингизни узиб қўя қолинг, — деди ва Муқимийни ўз ҳолига қўймай чегарадан ўтишга кўндирди.

Икки «мўйсафид гадо»лар кемага тушиб, Афғон тупроғига ўтиб бордилар.

— Мана! Эшон ака! Кўнглингиз тўқ бўла берсин, энди соқол даркор эмас, Бухоро амирининг айғоқчилари сизни тутиб бўпти! Менга қўшилиб сайёҳ бўлишга бўлдингиз. Бир неча кун Қобул бозорнда ҳунарни ишлатиб, йўлга озуқа тўплаймиз, кейин қаёққа бориш сизнинг ихтиёрингизда! Истасангиз, Ҳиндистон, истасангиз, анча машаққатли бўлса ҳам тоғ йўллари билан Бадахшон орқали Олойга, Олойдан Ушга тушиб борамиз, аммо бу машаққатли сафарга фақатгина бақувват, тоштовон тоғ эшаклари билан эришувимиз мумкин.

Тожибойнинг дадиллиги, қатъийлиги, ишбилармонлиги Муқимийни қойил қолдирар ва таажжублантирар эди. Ҳақиқатан Тожибой бўлмаганда Муқимийнинг амир зиндонидан осонгина қутулиши мумкин эмас эди. Қобулда бир неча кун бўлгач, икки эшак харид қилиб, сафарга тушдилар. Бу огир сафар Муқимийни нари олиб бориб, бери олиб келган бўлса ҳам ватанга бориш иштиёқи доим унга қувват бағишлар эди. Юқсак қоялар

ошиб, айланма тор тоғ йўлларида юриб кетаверишди, кичик водийларда тўхтаб, ажойиб манзарали тожик қишлоқларида Тожибой ўз санъати ва ҳунарини ишга солиб, уларни мамнун қилар эди.

Уш иккинчи кунда Бадахшон тоғларидан ошиб, Олой яйловига тушиб келдилар. Олойда машҳур Сариктош деб аталувчи обод манзил бўлиб, бу манзилни қирғизлар «Саритос» деб атайдилар. Сариктошдан ўнгга юрилса, тоғли Бадахшонга, чапга юрилса, Қашқарга ва тўғрига кетилса, Ушга борилади. Сариктошда икки кечакундуз дам олиб, бу ердаги маҳаллий қирғизларга меҳмон бўлганларидан кейин Бурдава дарёси ёқалаб довондан ошиб ўтиб, ялангликка чиқиб олдилар. Бундан кейин Қизилкиндик ва Қоракиндик қояларидан ошиш ва шу номли дарёлардан кечиб ўтиш керак эди. Бироқ бу дарёлардан фақатгина тонг пайтида ўтиш мумкин. Чунки кун исиган сайин юксак тоғларда қорлар эриб, кун қиёмга етганда дарёларга сув тўла бошлар у вақтда кечиб ўтиш мумкин бўлмай қолар эди.

Олой водийсига қадам қўйгандан бери Муқимий ҳам, мулла Тожибой ҳам яйраб, ўзларини эркин сеза бошладилар. Улар кети йўқ гуллар водийсининг тоза ҳавосини қона-қона шимирар, тез оқиб, тошни тошга ураётган зилол дарёдан ҳовуч-ҳовуч сув ичар эдилар. Шўх табиат мулла Тожибойнинг эшак устида чилдирма чертиб бошлаган терма қўшиғига гоҳо-гоҳо Муқимий ҳам қўшилиб кетар эди.

Сариктош довонидан кейин баланд довонлардан саналган Демак довони келади, Демакдан кейин Товлдиқ довонидан ошишга тўғри келади. Товлдиқдан ошгач, арчалар билан қопланган турли-туман гулларга бой, сутдек оқ, покиза қалбдек тиниқ шўх дарёчалар «мамлакатига» кирилади.

Кенг бағри қўй-қўзилар, оқ ўтовларга тўлган бу ажойиб қирғиз яйловига қадам босганда шоир Муқимий ўзини онадан янги туғма сезиб, Бухоронинг икки йиллик риёзати — турмуш машаққатлари, қалбидаги ғам-ғуссалари ювилиб кетгандек бўлди, у ўзини тамоман бошқа бир дунёда: бағри кенг ҳамма ёққа кулиб боқаётган бир дунёда деб ҳис эта бошлади.

Олой яйловининг ҳақиқий эгаси бўлган қирғиз чорвадорларининг сўлим ватани гўзаллиги билан шоирни ўзига мафтун қилиб олди.

Манзилларда эшакларни арчазорга тушовлаб, Тожибой ҳожини чирмандани қиздирар, оғзига келган сўзини «қолип»га солиб, куйлашга тушар, буни эшитиб узоқ-яқиндан қирғиз йигит-қизлари тушиб келишарди. Тожибой танг қолган пайтда Муқимий унинг ёнида «суфлёр»лик қилиб, тўқиган шеър-ўланларини айтиб бериб турар, гоҳо қизиқиб кетиб бирга қўшилишиб айтишар эди.

Икки бети қип-қизил, ингичка қош, кўзи қийиқ сулув қизлар ёғоч косаларда қимиз, айрон тутиб яна «ирлаб бериш»ни сўрайдилар, оталарни юқоридан тушиб келиб, ўзбек меҳмонларни ўтовга таклиф қиладилар. Ўтов бекаларни меҳмонларга супра ёзиб, гўшту қимиз, бўғирсоқ келтирадилар, меҳмондорчиликдан кейин Тожибой шоирга дам бериб, ўзи қадоқчилик «дўкони»ни ёяди, мезбонларнинг синиқ идиш-товоқларини тўплаб қадоқлашга тушади. Унинг атрофини кампирлар, ёш болалар ўраб оладилар, овулу ўтовлардан идиш-товоқлар кўтариб қиз-жувонлар кела бошлайди. Тожибойнинг хуржунни пишган гўшт, бўғирсоққа тўлади. Тожибой хизматини ўтагунча шоир арчазорда сайр қилиб, бир нималарни қоғозга туширади, қаддини ростлаб, узоқ-узоқларини кузатади:

«Бухоро амирлиги жуда олисда, буюк тоғлар кетида, катта-катта дарёлар орқасида. Биз энди гўзал Фарғона бўсағасида, гўзал Ўш ёқасида турибмиз! Булут билан ўпишган довлардан ошиб, дарё сувидек олдинга шошиб ранг-баранг, кенг водийнинг асл хўжайини — қардош қирғиз чўпонларининг меҳмондўст ўтовида меҳмон бўлиб эрта яна йўлга тушамиз. Бу йўлда минг-миг қирғиз Нозиклари дуч келади, улар қафас нималигини мутлақо билмайдилар, улар «каниз рўйхати»дан озод, уларнинг юзини қуёшдан яширувчи қалин гиштин деворлар йўқ!

Қўқон ҳам худди Бухородек диққинафас, бўғиқ, қалин деворлар билан ўралган, иғво-фасодлар, ҳийлау найранглар, суқу ҳасадлар гирдобидан аранг нафас олади. Қўқон Нозикларининг тақдири ҳам Бухоро Нозикларининг тақдиридан оз фарқ қилади. Бироқ Қўқонни асло-асло Бухоро амирлигига тенглаштира олмайман! Қўқонда янгича тонг отмоқда. Қўқонга янгича маърифат кириб келмоқда. Қўқон осмонида энди янгича баҳор насими эсмоқда, янгича ҳаёт мўъжизалари қанот

ёзмоқда, шеърият осмонида янги қалдирғочлар парвоз қилиб, порлоқ келажакдан дарак бермоқда!

Мен дўстларимни ортиқ соғиндим, дўстларим ҳам мени бетоқатлик билан кутмоқда, ажойиб мушоара анжуманлари, ғаройиб санъат давралари Муқимийсини кутаётгандир!»

Эрта саҳар эшакларга тўқим босиб, дўстлар яна йўлга тушдилар: йўл тобора кенгайиб, тобора гўзаллашмоқда бир қирда баҳор, бир қирда қор, бир қирда қиш бўлса, бир қир лозазор!

Товлдиқ водийсида бир ҳафта йўл юриб, Сўфи манзилгоҳига кириб келдилар. Бу катта қишлоқда қирғиз, ўзбек ва уйғурлар аҳил бўлиб яшар эдилар. Бу ерда ўзбек баққол, қассоблари, уйғур ошпазлари, новвойлар ва қирғиз қимизфурушлари ўз хизматлари билан Қашқарга ва тоғли Бадахшонга қатнайдиغان ва у томонлардан келадиган карвонларни мамнун қилар эдилар. Тепаси арчазор, қирғоқлари жамбилу райҳон, себарглар билан тўшалган шўх ариқлар ёқасида қатор такалар бўлиб, бу «мусофирхона»ларнинг мубоширлари ўзбек дарвишлари эдилар.

Бу ажойиб, кўнгилли манзилда бир кеча истироҳат қилгач, эртаси Тожибой гузар ўртасига қадоқчилик «дўкони»ини ёйди. Чунки бу ерда қадоқчига эҳтиёж борлиги ўз-ўзидан маълум эди. Ошхона, самовар, тақяларнинг хўжайинлари сайёҳ қадоқчига миннатдорлик билдириб, синган идиш-товоқ, чойнак-пиёлаларини пул бериб қадоқлатдилар.

Хунарни ишга солиб, анчагина пул ишлаб олган Тожибой мағрур сўзлай бошлади:

— Бу ердан жўнаб Гулчага борамиз. Гулча жуда катта манзилгоҳ. У ерда юзлаб хонадон, ошхона, чойхона, карвон саройлар бор, у ерда жуда кўп ўзбек, қирғиз, уйғурлар яшайдилар. Мен отам билан бу йўллардан ўтганимда ёш бола эдим. Ундан бери жуда кўп идиш-товоқ синган бўлиши мумкин.

Муқимий бўғилди ва дўстига маъноли кўз ташлаб, бош қимирлатди:

— Гулчанинг синиб, тахланиб ётган идишларини ямайман деб, менинг сабр-тоқатимни синдирмасангиз... Тезроқ ўшга етиб олишимиз маъқул эди!

— Хуржунлардаги қурт, бўғирсоқ билан Қўқонга кириб боришимиз мумкин. Овқат-озиқдан ташвиш йўқ.

Аммо Қўқонга шу либос билан кириб борамизми? Ушда уст-бош янгилашимиз керак. Бунинг харжини Гулчадан топамиз, эшон ака! Шунчага қаноат қилган яна уч кун қаноат қиладилар...

— Қаноатни каминага чиқазган! Тор ҳужрада икки йил сиз билан бирга истиқоматга чидаган қаноат ҳали кўпга чидаши мумкин. Аммо Гулчадан кўра Ушда синган сабил идиш-товоқлар сизни кутаётган бўлса-чи?..

— Ушда идиш-товоқ кўп синган бўлиши мумкин. Аммо ҳар бир синиқ идиш-товоқ учун биттадан менга ўхшаш қадоқчи бор. Бу ерга уларнинг қадами етмайди, Уш катта шаҳар, идиш-товоқ магазинлари ҳам ҳаддан ташқари кўп.

— Сўзингизни рад қилиш учун жавоб тополмай қолдим. Майли! Яна бир кун қолишга розиман!

— Бир кун нима-ю икки кун нима. Менинг қадоқчилик доврўғим ҳали атрофдаги овулларга етиб борганча йўқ. Сиз дарё қирғоқларини сайр қилиб, ёзаётганингизни давом эттирингу мен билан ишингиз бўлмасин, эшон ака. Фурсатни топсам, кечаси бир оз базм ҳам қилиб бериб, бир-иккита қўзи ҳам ундиргим бор. Илжи бўлса Бадахшон қизлари ҳақидаги тожикча шеърларга ўхшатиб, қирғиз қизлари тўғрисида ўлан тўқиб беринг! Уланни боплайман!

— Жуда ғашимга тегяпсиз-да, ҳожи!..

Муқимий Тожибойни ҳожи деб атар эди. Муқимий Бадахшон халқи тўғрисида узун хотиралар ёзиш билан бирга тожик тилида «Оҳуйн Бадахшон» деб, Бадахшоннинг юзлари рахшон, оҳу кўз, чилкокил қизлари ҳақида бир-икки қўшиқ ҳам ёзиб, ҳожига берган, ҳожиси тушмагур қўшиқни чатоқ ёдлаб куйлаганда, эртаси Муқимий танбеҳ берган эди. Уша танбеҳ Тожибойнинг ёдига тушиб, кулди:

— Бадахшон жуда юқорнда қолиб кетди, уни эсламасангиз ҳам бўлади. Бу ерда ўзбекча айтсам ҳам тушуниша беришади...

— Худо ҳаққи, сизга шеър бериб бўлдим, керак бўлса ўзингиз билганча омиёна сўзларни қолипга солиб айта беринг! «Мен санъаткормен» деб даъво қиласизу, шеърятдан бебаҳрасиз, бошдан-оёқ хато айтасиз, шоирни ўтмас пичоқ билан бўғизламоқчи бўласиз. Хайр, майли! Бу сафардагиларни кечираман.

Аммо шаҳарга борганда шу ишингизни яна қайтарадиган бўлсангиз, енгил табиатликка барҳам бермай, яна шилқимлик қилсангиз, кўрсатиб келаётган барча яхшиликларингизни бир томонга суриб қўйиб, сизни ҳажв қиламан.

Тожибой кулиб, қуллуқ қилди:

— Инсон икки нарса билан ном чиқаради: ё яхшилиги билан, ё ёмонлиги билан. Менинг дунёда ўзимдан кейин қоладиган яхшилигим йўқлигини ўзим яхши биламан. Бинобарин, ёмонлигим билан дунёда машҳур бўлишим керак. Айланай, эшон ака! Менинг қусурларимни бир ҳажв қилингки, дунёдан шундай одам ўтган экан деб ўқиганлар кулиб юрсинлар!

— Борди-ю, яхши ишларингиз ҳақида ёзилса-чи?

— Яхши ишларим йўқ!

— Бор!

— Йўқ!

— Бир нотавон толиби илм, бегуноҳ шоирни бало чангалидан қутқазаман деб, саҳрома-саҳро, тоғма-тоғ сарсон-саргардон кезиб юришингиз ўзи олижаноб эканлигингизга шохид эмасми?

— Дўст учун жон беришга ҳам тайёрман!

— Мана шу-да! «Сиз яхши» дейишим билан ҳовлиқиб кетиб, жонингизни ҳам аямай қўйдингиз! Дўст жон олмайди, жонга ором бўлади, дўстининг бошига оғир кунлар тушганда дардни бирга тортишадн. Шунингдек, ҳақиқий дўст дўстининг нуқсонини ўз нуқсони деб билиб, дўстига хунук кўринишдан қўрқмай, уни тузатади. Қамина сизнинг шундай дўстингизман, нуқсонингизни танқид қилиб, эҳсонингизга миннатдорчилик изҳор этаман!

— Хўп, эшон ака! Эҳсонимни тилга олмай, нуқсонимни юзимга айтиб, кўнглимни тинчитинг. Тан олмасам, ўлай агар.

— Икки йил бир ҳужрада туриб бирор бор қўлингизга китоб ушлаганингизни кўрмадим! Буни тан оларсиз?

— Тан оламан!

— Мен кечаларни узоқ ўтириб, шеър машқ қилган ва шеърнй китоблар мутолаасига киришганимда, кўнглим учун бирор бор ўқитиб эшитишга қизиқмадингиз! Буни тан оларсиз?

— Тан оламан!

— Санъаткорсизу бирор муסיқа асбобида манзур бир нарса чалиб, бирор кишини ёлчитганингиз йўқ. Ҳатто сизнинг қўлингизга тушган доира ҳам ўз доирасидан чиқиб кетади! Бу ҳаммаси қаноатсизлигингиз, қунтсизлигингиз, ҳовлиқмалигингиздан далолат беради. Ҳар қандай бемаъни шеърни куйга солиб, бефарқ айта беришни ўзингизга ва санъатга ҳурматсизлик деб билмай-сиз. Шундай эмасми, ҳожи?

Тожибой жимгина ерга қараб бош тебратди-да, бунга ҳам иқрор бўлди, Муқимий сўзида яна давом этди:

— Санъат синиқ идиш-товоқ эмас, у жаранглаган қалб мизробн. Унинг торлари юрак томирларига боғланган, пардалари юрак пардаларига пайванд! Сиз агар ҳақиқий санъаткор бўлишни истасангиз, синиқ идишлар қадоқчиси эмас, синиқ қалблар қадоқчиси бўлинг!..

— Рост!..— деди Тожибой ўрнидан сакраб туриб, икки қўлини кўксига қўяркан,— ҳаммасини тан оламан, шундай катта нуқсонлар соҳиби эканлигимни энди пайқадим!

— Сизга гапираман деб совқотиб, дилдираб кетдим. Сўфининг «ўтови» совуқ бўлар экан!

— Асли бирор ўтовга кирсак бўлар экану, кундузи ёдимга келмабди-да.

— Мана шу ҳам сизнинг нуқсонингиз. Сизни жаҳон-гашта деб ким айтади! Ана у оқ намати тўн устидан елкамга ташлаб қўйинг, жуда уйқу келди!...

Таёя супасида, ой ботгунча иккалалари мунозарани давом эттириб, сўнг кигиз устида хуржунни бошга қўйиб, ғарибона уйқуга кетдилар.

Эрта туриб кетган ҳожи, бир коса широба қаймоқ билан тўртта уйғур гижда нонидан келтириб, Муқимийни уйғотди.

— Турсинлар, эшон ака! Офтоб тоғ орқасидан кўтарилиб, арчазор дарага ёйилди. Унга қараб ўтириб, нонушта қилишнинг бўлакча нашъаси бор. Унинг устига кеча ўзингиз эслаган Қўқон гиждаси билан Янгиқўрғоннинг таърифи қаймоғидан топиб келдим, ҳамшира пашмакка<sup>1</sup> қарздорман, уни худо хоҳласа, Қўқонга боргандан кейин ҳужрангизда еймиз.

Муқимий кўзларини аранг очиб, бошини кўтарди.

---

<sup>1</sup> Ҳамшира пашмак — Қўқоннинг энг яхши пашмакларига берилган ном.



Қуёш заррин толали партавини сочиб, чўққилар орасидан мўраламоқда эди. Шоир узоқ керишди-да, кейин ҳожига бурилиб, кулимсиради.

— Ҳозир ҳамшира пашмакни эслашнинг нима ҳожати бор эди? Йўқ нарсаларни эсга солиб, оғзимни чучитиб юбораёздингиз. Гижда билан қаймоқ жуда кетади. Гиждасини билмайману бу жойларнинг қаймоғи оромижон бўлиши шубҳасиз... Мана бу ишларингизни кўрганымда сизни ҳажв қилишдан айниб қолмасам деб қўрқаман.

— Ҳажв қилсангиз қила бермайсизми! Кўк чой дамлайми, фамилми?..

— Худди Қўқонда, Қорасув бўйидаги Абдуллахон ҳожининг такасида ўтиргандек сўрашингиз қизиқ! Бу ерларда номи чой бўлса-ю, ўзи суюқ ва қайноқ бўлса, шукур қилиб ичила берилади-да!..

— Йўқ, эшон ака! Кўнглингиз қандай чой тиласа ҳожингиз муҳайё қилади! Бу ердан ўшлик шинавандаларни топдим, пешинга ош қилишга уриниб кўрган эдим, бу жойларда гуруч — анқо тухуми дейишди.

— Аввал чой ичайлик!

Муқимий елкасига рўмол ташлаб, ювиниш учун дарё соҳилига тушиб кетди, Тожибой бир нималарни хиргойи қилиб юриб, чой дамлади-ю, Муқимийнинг дарёдан чиқишини кутиб турди.

Муқимий шўх дарёнинг тиниқ, зилол сувида ювишиб бўлгандан кейин сув тагидан кўриниб турган ранг-баранг тошлардан кўзини узолмай туриб қолди, бу ажойиб манзарани устоз домла Халил, Миён Сотиболдихон ва жонсарак дўсти Мавлавий Йўлдош бир кўрсалар эди деб, ўйлади. Шу дарёлар лабида ўтириб, Исмоил маҳрамдан най, Шодмон ҳожидан танбур, Абдуллахон ҳожидан дутор тинглагиси келди.

«Йўқ! Уларга умр бўйи бундай ажойиб манзарани, гулларга бурканган кенг водийларни, булут билан ўпишган юксак тоғларни, тошни тошга уриб ўтиб бораётган бу дарёни келиб кўриш муяссар бўлмайди. Чунки у кишилар қанчалик фазилат эгаси бўлмасин, ниҳоятда қашшоқ кишилар! Бундан кейин ўзим учун ҳам бу томошалар тақрорланмайди! Шунинг учун ёзаётган хотираларимни йўл-йўлакай оққа кўчириб бориб, дўстларимни тўплайману, қўйнимдан чиқариб Обидчага узатаман, «менинг сизларга топиб келтирган совғам мана шу даф-

тарда. Қани, Аълам! Бир бошдан ўқинг!»— дейман. Аълам унга жон киргизиб ўқийди».

Тожибойнинг чўзиқ овози янгради:

— Ҳо!.. Эшон ака!.. Чой совуб қолду!..

Кўк чой билан фамил чой буюргани ёдига тушиб, Муқимий кулимсиради-да, тошдан тошга қадам қўйиб, юқорига чиқди. Мулла Тожибой икки чойнакни икки этаги остига беркитиб, мунтазирликда эди. Маъноли кулишишдан кейин чой ичишга бошладилар. Чойдан кейин Муқимий қаламдон, қоғозларни хуржундан олиб, арчазор тепаликка кўтарилди. Мулла Тожибой эса, қадоқчилик асбобларини қўлтиқлаб бориб, тош кўприк ёнида палос ёзди.

Арчалар остида белбоққа урадиган тоғ райҳон, жамбил ва турли-туман гуллар бўй таратиб, шабада билан ўйнашиб тебранмоқда эдилар, шоир учун бу ердан нарироқдаги ер гўзал кўринар, қаерга ўтирса ўша ерда каклик йўрғалаб сайрар эди. Шоир бир ерни танлаб, тўнини ташлади ва унинг устига чордана қуриб, дафтар варақлади, шеър ва хотираларни кўздан кечира бошлади.

Бухорода ёзилган ғазал ва ҳажвларни мустасно қилганда, Бухородан қочиб Қобулга етгунча салкам бир дафтар, Бадахшон юксакликларидан ошиб ўтиш ва тоғли Бадахшонда кўрган-кечирганлари ҳақидаги хотирот билан тожик тилида ёзилган ғазаллар ҳам бир дафтар бўлаёзган. Олой яйловни таассуротлари ўзи бир катта дoston эди.

Муқимий буларни оққа кўчиришдан воз кечиб, Олой таассуротларини янги тўртликлар билан тўлдириш, бойиши кераклигини ўйлади ва ёзишга киришди. Қалам равон йўрғалар, дафтар саҳифалари тез-тез тўлар эди. Узоқ-узоқлардан булбулларнинг, яқин-яқинлардан какликларнинг сайраши шоирни янги-янги илҳомларга чорлаётгандек туюлар эди. Муқимий ёзиб ўтириб, қуёш ғарбга оғиб, кеч бўлганини ҳам сезмаган эди.

Икки дўст бу кечани панароқ ва иссиқроқ ерда ўтказиб, тонг пайти йўлга тушдилар. Эшаклар яхши дам олган эди, Гулчага етгунча «хих» дейишга эҳтиёж тушмади. Қош қорайган пайтда Гулчага кириб бордилар. Гулча Сўфига нисбатан кенг, бир неча ҳисса аҳолиси кўп бўлиб, бозор, дўконлар мусофир карвонлар билан лиқ тўлган саройлар кўп эди. Очиқроқ қилиб айтганда, оёқ ости ва ифлосроқ жой эди.

Тожибой билан Муқимий эшакларни саройга боғлаб, ўзлари хас билан тўлдирилган япасқи ҳужрада «ором» олдилар-да, эрталаб вақтли туриб, ташқарига чиқдилар.

Муқимий кун кўтарилмай тезроқ йўлга тушиш, шунинг учун тузукроқ овқатланиш, эшакларнинг қорнини тўйдиришдан бошқа нарсани ўйламас эди. Тожибой Муқимийнинг кўнглига қараб, жўнашга жазм қилди ва супада чой ичишиб ўтирган оқ телпакли икки кекса уйғурдан сўроқлай бошлади:

— Бу ердан Уш олисми, яқинми, охун ака?..

— Уш жироқ,— деди уйғурлардан бири,— ўртада Уччот дарёси бор! Ундан ўтип Чийирчиқ довонидан ошн-сила! Ундан кейин Модди қишлиғи келиду! Модидан Уш ўн баш чақирим!..

Бу сўнги «ўн беш чақирим» Муқимий қулоғига яхши эшитилиб кетди, ўрнидан сакраб туриб, Тожибойга қаради.

— Бўлсангиз-чи, ҳожим! Кун ёйилмай жўнаганимиз бўлсин!..

Мулла Тожибойга қолса, Сўфида бир ои қолар эди. Ундаги ажойиб манзараларни зериккунча томоша қилиб, кейин Гулчанинг бир бозорини ўтказиб, истаган вақтида Ушга тушиб борар эди. Чунки ўзи асли қўқонлик бўлса ҳам, Қўқонда кутаётган ҳеч кими йўқ. Ҳатто Қўқоннинг қандайлиғи ҳам унинг ёдида қолмаган, унга дарёнинг у бети билан бу бети баб-баробар эди. Муқимийнинг «бўлсангиз-чи, ҳожим» деган сўзи уни ўрнидан беихтиёр тургизиб юборди, у эшаклар боғланган карвон сарой томон йўл олди. Бошқа ҳеч кимдан Уш олисми бу ердан, деб суриштириб ўтирмай йўлга чиқдилар ва узоқ масофани босиб, Уччот дарёси лабига етиб бордилар, унгача кун анча исиб қолган эди.

Қутб томонда қор билан қопланган юксакроқ тоғдаги уч дарёдан тушган шалолалар бирга қўшилиб, Уччот дарёсига айланарди. Бу дарёда эрта билан сув оз вақтида ўтадиганлар ўтиб олар, кун исигандан кейин дарёда сув кўпайиб, йўл тўсилар эди.

Булар дарё лабига яқинлашиб, кечикка тушаётганларида кекса қирғиз қирдан тушиб келиб, кечишни рад қилди ва узоқдаги ўтовини ишора қилиб, унда бир кеча қолишларини, қуёш кўтарилмай, ўтиб кетишларини маслаҳат берди, аммо Тожибой Муқимийнинг равдойига қараб, чолнинг таклифини рад этди:

— Дарёдаги сув эшакнинг тўпиғига чиқмайди-ю, сиз бизни қўрқитасиз-а...

— Вой чирогим-ой,— деди чол қўли билан Уччот дарёсини ишора қилиб,— сенлар ўртасига боргунингча сув кўпайиб кетади. Дарёнинг кенглигини кўрмаяпсанми? Кечга бориб, сойдаги тошлар кўринмай қолади.

Ҳозир тўпикдан экану эшакларга қолса, дарё сувсиз бўлса ҳам тушгилари йўқ эди, бир-икки ниқтовни еб, бирин-кетин сув кечиб, олдинга юра бошладилар, қирғиз чол калласини ликанглатганча қараб қолди.

Дарё ўрталари анча чуқур, бунинг устига сув ниҳоятда тез ва совуқ эди. Тожибой эшакдан тушиб, этикни ечди, этикни хуржунга солиб эшакни етаклади ва Муқимийга ҳам шундай қилишни тавсия қилди. Бироқ Муқимий Бухородан орттирган безгагидан қўрқиб совуқ сувга тушмай, эшак устида ўтмоқчи бўлди. Сувнинг ўртасига етганларида сув эшакнинг тўқимига чиқди, сув остидаги катта-катта тошлар юриш учун эшакка халақит берар эди. Бир нафас ичида Муқимий эшаги тойиб, бир томонга оғди, Муқимий ҳам ўша эшак оққан томонга йиқилиб, эшак бўйнидан қучоқлаганча бақирди:

— Ҳожи!.. Ҳожим!..

Тожибой бир-икки қадам олдинда бормоқда эди, овозни эшитиб кетига қаради, эшагини ўз ҳолига қўйиб юбориб, қулочлаб сузиб келди. Афсуски, Муқимийнинг хуржунни эшак устидан сидириб тушиб, ҳув нарида оқиб бормоқда ва уни тутишнинг иложи йўқ эди. Ҳожи қадокчи эшакни ўз ҳолига ташлаб, Муқимийни қутқаришга киришди ва жуда қийинчилик билан саёз ергача қўлтиқлаб олиб борди ва у ердан қуруқликка олиб чиқди. Унинг эшаги қуруқ ерга чиқиб олиб, ўзини офтобга солмоқда эди.

Қуруқликка чиқиб олгач, «эшак ўзини ўнглаб олиб, чиқиб келаётгандир» деган умид билан орқага қарадилар, афсуски, уларнинг умиди пучга чиқди. Эшак оқиб кетган эди.

Ҳар иккалалари кийимларини ечиб, тошлар устига ёйдилар. Тожибой хуржундан олган битта нонни иккига бўлди, сўзлашмай ея бошладилар. Муқимий дарёга қараб нон кавшар экан, эшак, ипак хуржун ва кийимбош учун эмас, хуржундаги шоир Писандийнинг Муқимийда омонат қолган қўлёзма қўйин баёзи, ўзининг Бу-

хорода ёзган шеърлари ва икки дафтардан иборат йўл хотиротига қаттиқ ачинди.

Кийим-бош қуригандан кейин якка эшакни олдиларига солиб ҳайдаб, иккалалари таъби хиралик билан пиёда йўлга тушдилар. Йўл тобора яна гўзаллашиб бормоқда. Сўфи манзараларидан зиёдроқ манзаралар яна такрорланмоқда эди. Чийирчиқ довонига яқинлашиб борганларида кун бота бошлади. Бу ҳорғин ва ғамгин икки мусофирни бир қирғиз чўпони ўзининг йиртиқ наMAT билан қопланган ўтовига бошлади, гулхан ёқиб, каклик кабоб билан меҳмон қилди.

Бениҳоя чарчаган йўловчилар гулханга ўзларини тоблаб ҳузур қилдилар ва мезбон билан бўладиган суҳбатни насия қилиб, уйқуга кетдилар. Эрталаб вақтли уйғониб, ейилмай чала қолган илвасини гўштини охиригача туширдилар-да, эшакни олдиларига солиб, яна йўлга тушдилар, Чийирчиқ довонидан анчагина рнэзат чекиб ошиб ўтгач, янги бир жаҳонга чиққандай бўлдилар. Йўл-йўлакай уларга лола билан қопланган қирлар, кўм-кўк бахмал ўтлоқларга ёйилиб кетган минг-минг қўй-қўзилар дуч келарди.

Иссиқ булоқ соҳилига қурилган қатор шоҳона ўтовларнинг соҳибни кекса қирғиз бийи бўлиб, йўлда дуч келган минг-минг қўйлар шу бийнинг қўй-қўзилари, юзлаб чўпонлар шу бийнинг хизматини қилар эдилар. Бийнинг бир кекса ва уч ёш хотини бор эди. Икки ўзбек мусофир келди деб эшитган бий одам юбортириб, иккалаларини ўтовга таклиф қилди, бир қўйни бутунлигича пишириб ўртага қўйди. Овқатдан сўнг чўпонларни қўбиз чалдириб ирлатиб, кейин ўзбеклардан ашула айтишни талаб қилди.

Андак парписи ёзilib, қирғизларнинг қўбиз чалишидан завқланган шоир, Тожибойга ер остидан кулиб қараб, қўллари билан чирмандани ишора қилди. Анчадан бери хумори бўлган мулла Тожибой сапчиб туриб, хуржундан чирмандани олди-да, уни қиздириб келиб, ўртада чўкка тушди, чилдирмани қарс уриб оғзига нима келса шунини айтиб сайрай кетди. Чилдирмани эшитиб, атрофжонибдан эр-аёл чўпон қирғизлар тўпланиб кела бердилар. Базм пиروвардида бий Тожибойга ғалдироқ пўстини кийгизиб, Муқимийга бир шервоз қўзи ҳадя қилди ва тунаш учун хизматкорлари ўтовидан жой кўрсатиб, ўз ўтовига кириб кетди.

Вақт алла-палла бўлган эди. Утовдаги накат устида думалашиб ётган бий хизматкорлари ҳам, мулла Тожибой ҳам хуррак ота бошладилар. Намат қоқ, ёстиқ йўқ, тун салқин эди. Муқимийнинг уйқуси қочиб, ўтов олдига чиқди: тўлин ой юксак тоғ чўққилари ортидан кўтарилиб, кенг яйлов, юксак тоғ бағриларини ёритмоқда, узоқ-яқиндаги итларнинг улиши, булбулларнинг сайраши ва ўйноқи дарё сувининг бир текисдаги шовуллаши эшитилиб турарди.

Эсиб ўтаётган ёқимли насим аллақандай муаттар бўйлар таратиб, киши қалбига завқ бағишлар, шоирни янги ижодларга ундарди. Бироқ уйқуси қочган шоир завқланиб шеър ёзиш ўрнига ҳозир тамоман бошқа нарсалар тўғрисида бош қотирар; шундай гўзал, поёнсиз яйлов бағрида дунёнинг гўзалликларидан — инсоний озодликдан, билим-маърифатдан бутунлай маҳрум этилган бийнинг чўпонлари ва уларнинг аянчли тақдирлари ҳақида ўйлар эди.

Бу чигаллашиб, чувалашиб кетган ўйнинг учини тополмай, яна ҳам баландга кўтарилган тўлин ойга тикилди: ой юзини гоҳ парча булутлар тўсиб олар, гоҳ булутлар тарқалиб, ой аввалгидан ҳам ярақлаб кетарди. Срадан тўрт соатларча ўтар-ўтмас ой ғарбга оғиб, кунчиқар томон ёришди. Юксак тоғлар ортидан офтоб тулув эта бошлади, кенг яйловда ҳаёт уйғониб, қўй-қўзиларнинг маърашлари, одамларнинг йўталганлари эшитилди ва тоғ булбуллари хониш қила кетди.

Муқимий ўтовга суяниб, андак мизгиган эди, чўпонлар чиқиб, уни уйғотиб юбордилар. Улар юз ювмасданоқ таёқни қўлларига олиб, иккита кўмочни қўйнига солиб, жўнашга шошилдилар. Муқимий кириб, Тожибойни туртди:

— Туринг, ҳожим!.. Жўнай қолайлик!..

Мулла Тожибой кўзларини ишқалаб ўрнига ўтирди:

— Яхши ухладиларми, эшон ака?..

— Жуда-жуда!.. Асти сўраманг! Қани, тура қолинг, ҳожим. Чаласини Ушга бориб...

— Бийга учраб, раҳмат айтмай жўнасақ яхши бўлмас...

— Бийнингиз тошдай қотиб ухлаётгандир. Беговта қилишнинг нима ҳожати бор?..

Мулла Тожибойга қолса бийга яна бир кеча меҳмон бўлиб, Муқимийга аталган қўзидан ташқари яна бир

семизроқ қўй ундирар эди, аммо қўзининг баҳридан ўтган нозикгаъб ҳамроҳнинг кўнглига қараб, йўлга тушишга мажбур бўлди. Тонг ёришгач, улар Модига йўл олдилар.

Чошгоҳ пайти Модига етиб келиб нонушта қилдилар. Узоқ йўл босиб келган карвонлар шу ерда тўхтаб, нафасларини ростлаб олар, чангларини қоқиб, йўлга тушар эдилар. Нонуштадан кейин Ушга жўнадилар. Йўл унча узоқ бўлмай. Ушгача ўн беш чақирим қолган бўлса ҳам, Қирариқ адиридан ошншга ва Увом ариғини кечиб ўтишга тўғри келар эди. Битта-битта йўл босиб, кечки пайт Уш шаҳрига кириб бордилар.

Уш кўпикланиб оқаётган тезоқар дарёнинг икки лабида ўрнашган, ўртадаги Сулаймон тоғи узоқдан кўришиб туради. Мусофирлар сўроқлаб, дарёнинг у юзидаги Қашқар саройига келиб тушдилар. Эшакни саройбонга топшириб, бир ҳужрани эгалладилар, овқатлангандан кейин бу кеча яхшилаб дам олишга қарор бердилар. Муқимий бу кеча қўшнининг меҳмонхонасида ётгандек тинч ором олиб, саҳар турди, нонуштани кўприк биқинидаги озода ва хушманзара самоварда қилиб, аста тоғ томонга кўтарилдилар.

Ўзбекларнинг қадимий шаҳри бўлган Уш ўз кўрки, ҳавосининг софлиги билан шоирни ўзига мафтун қилди. Муқимий бу шаҳарнинг таърифини кўп эшитган ва ёшлик чоғларидан бери уни кўришга ҳавасманд эди, мана энди у Ушга Андижон орқали эмас, ҳеч хаёлга келмаган йўллар билан кириб келди.

Сулаймон тоғи устида Бобир томонидан барпо этилган оқ бино кўзга ташланиб турар, тоғ этагидан катта «Жаннат ариғи» оқиб ўтмоқда. Ариқ бўйларида катта мачит ва соя-салқин самовар, такалар саёҳатчилар билан тўлиб-тошган. Бошқа шаҳарлардан келган зиёратчи ўзбек косиблар такада ош қилаётганини кўриб, Муқимийнинг кўнгли суст кетди. Тожибойга маъноли кўз ташлаб, гуруч солинаётган қозонни ишора қилди:

— Ҳожим! Харажатига чидасангиз, ўз қўлим билан мадраса палов қилар эдим! Азбаройи худо, ош ейишдан ҳам ош қилишни соғиниб кетдим!

Тожибой кулиб, ўрнидан сакраб турди, бориб самоварчи билан гаплашди-да, гуруч билан яна ўрнига келиб ўтирди:

— Сиз, ошни Қўқондаги ҳужрангизда қилиб бера-сиз, эшон ака! Бу ернинг самоварчилари жуда шинаван-да кишилар! Оғзимдан чиқмасдан чойхона эгаси хизмат-ни бажаришга киришди, бир соатдан кейин ош еганимиз бўлсин.

Шундай қилиб, бир соатдан кейин икки кишилик ош дамланиб, қўлга сув қуйилди. Қўп меҳмон кузатиб чи-ниққан ўшликларнинг чиройли муомалалари, лаззатли пиширилган паловлари, қўлни кўкракка қўйиб туриб ай-тадиган ширин сўзлари, Муқимийни йўл заҳматларидан бутунлай форигбол қилди.

Кечки пайт «Жаннат ариги» бўйларидаги такялар ва дарё лабидаги қатор самоварлар атрофдан келган саё-ҳатчилар билан тўла бошлади. Ёш-яланглар чумолидек ўрмалашиб, тоғ тепаларига кўтарилла бошладилар, узоқ-узоқлардан най товуши, соз билан айтилаётган ялла-лар орасидан Муқимийнинг ғазаллари қулоққа ча-линди.

Буни эшитганда Муқимийнинг юраги жиғ этиб кет-ди-ю, ҳамроҳига сездирмади. Ялла қилаётганлар мар-ғилонлик косиблар бўлиб, шу ўртадаги бир ҳамкасаба-ларининг уйига тушган эдилар. Косибларнинг шинам суҳбатини Муқимийнинг кўнгли тусаб қолди, лекин улар-га меҳмон бўлиб, ўзини танитишга ийманди. Уларнинг самимий ўтиришларидан баҳраманд бўлиб, тўйгунча ял-ла тинглашга илож тополмади.

Муқимийнинг устида дарёда ивиб, офтобда қуритил-ган, ўнгиб ғижим бўлиб кетган эски лас тўп, оёғида чориқ, узоқ йўл заҳмати билан кўзлари чўкиб, юзидан гўшт қочган эди. Шу қиёфам билан «мен фалончиман» деб косибларнинг ширин суҳбатига суқилишни шоир ўзига эп кўрмади. У ҳеч кимга кўринмаслик, хилватдан чиқмаслик ҳаракатида бўлди. Бироқ, енгил табиатли, шуҳратпарастликни яхши кўрувчи Тожибой, агар Му-қимий «хўп» дегудек бўлса, шу нотаниш издиҳомнинг ўр-тасига тушиб, чилдирмани қарс уриб, Муқимий бошига одам тўплашга ҳам тайёр эди.

— Ҳожим...— деди Муқимий, Тожибойга яқин кел-либ. унинг қулоғига,— энди ҳужрага борсак дейман!..

— Эшон ака, сиз жуда қизиқ, тортинчоқ одам экан-сиз-ку?.. Шундай сайилни ташлаб-а?.. Хоҳласангиз, су-риштириб, қўқонлик саёҳатчиларни топайлик, уларни мен хурсанд қилай!



— Эй, саломат бўлсинлар!.. Мен ўшаларга кўринмаслик учун ҳужрага кетайлик десам, сиз нималар деяпсиз? Шу афт-башарамиз билан-а?.. Эртага бозор экан, пўстин билан эшакни сотинг, кийим-бошни тузатайлик! биласиз-ку, одамлар бу замонда сизнинг фазлу фазо-йилингизга қараб эмас, уст-бош, савлатингизга қараб муомила қиладилар! Эртага кийим-бош олайлик, сочсоқолни тарашлатиб, ҳаммомга тушайлик, нафасимиз ҳам бир оз ростлансин. Кейин бир-икки кун саёҳат қилсак, ҳамшаҳарларни истаб топсак ярашади!

Тожибой бу сўзни эшитгандан кейин ўз одати бўйича дарров шаштидан тушиб, жимиб кетди ва билинар-билинмас қилиб илтимосга ўтди:

— Бўлмаса, эндиги чойни дарё бўйида ичиб, пастни бир оз сайр қилайлик.

Муқимийнинг кулгиси қистади ва Тожибойга қараб завқ билан бошини қимирлатди:

— Туппа-тузук эсингиз бору, ишлатишдан қўрқасиз!.. Мана бу гап — боп гап!.. Э, ҳожим!.. Мана бундай маъқул гаплар сиздан чиққандан кейин ҳажв қилишни бутунлай хотиримдан чиқаргим келиб қолади.

— Ҳажвни ёзилмаганидан хафаман, эшон ака!

— Сабаб?

— Сабаб шуки, ёзилганида у ҳам хуржун билан оқиб кетган бўлар эди-ю, ҳажв ҳақида иккинчи оғиз очмаган бўлар эдингиз...

Мулла Тожибойнинг бу сўзи Муқимийга таъсир қилиб, қотиб-қотиб кулди.

— Яна қайтадан ёзилса-чи?

— Ёзилиб бўпти! Қайта ёзилиши мумкин бўлса, аввал ана у тоғ хотираларини қайта тиклашингиз керак? Эсга олсам, юрагим туздек ачийди! Оҳ, у мисралар, оҳ, у ўхшатишларингиз!.. Бадахшонлик қиз Зулайҳо ҳақидаги ғазалингизни энди ўн йилда тиклашингизга ҳам ақлим бовар қилмайди!

— Бас!

Муқимийнинг бу «бас»ндан Тожибой ўз сўзи ўринсиз эканлигини пайқаб қолди. Унғайсизланиб Муқимий қаршисида мўлтиллаб тура берди.

— Афв этинг, эшон ака!.. Ёдингизга тушириб қўйдим!..

— Эй, дўстим! Бунни ёддан чиқариб бўлар эканми? Ҳар доим ёдимда, юрагимни тимдалагани тимдалаган-

ку!.. Қамбағални туя устида ит қопибди деб, шуни айтганлар. Турайлик, дарё лабининг ҳам гаштили сурайлик!

Тожибой самоварчи билан «ҳисоб-китоб»ни тўғрилагандан кейин, кўприк бошига тушиб кетдилар. Кўприк бошида шошилиб келаётган бир киши илжайиб, Муқимий билан таниш кишидек сўрашди:

— Ушга саёҳат билан келдиларми, мулла ака?

— Ҳа! Саёҳат...

— Ундай бўлса анча турарсизлар?

— Ҳа! Анча турамиз...

— Биз ноиб билан Олойга кетаётган эдик, кўпасникига қўндик, яна кўришармиз. Хайр!..

Бу нотаниш кишининг нима деганига Муқимий ташунмаган эди, «хайр»га хайр жавобини бериб, кўприкнинг чап қўлтиғидан самовар томон бурилдилар. Сув устидаги сўриларда одам зич. Муқимийнинг юраги кўтармас ҳам Тожибойнинг кўнгли учун бир чеккадан бўш жой топиб ўтириб, чой чақирдилар. Дарёнинг мавж уриб пишқиришидан ёнидаги кишининг сўзи аранг эшитилди. Дарёнинг салқин шабадаси, сув юзида чироқ шуъласининг заррин жимжимаси бошқа саёҳатчилар учун жуда қизиқ туюлиб, ором бахш этаётган бўлса ҳам, Муқимий учун унча қизиқ туюлмас эди, лекин доғ сувга дамланган аччиқ кўк чой, шоирга Қўқоннинг Ўризор тақя, Теракзор тақя, Бақа чорсув, Занбар чорсув самоварларининг дид билан дамланадиган чойларнинг татимини берган эди. Шоир Қўқон ёзларида нафас ростлаш учун улфатлар билан шаҳар чеккаларидан холи ва салқин жой қидириб, юқорида зикр қилинган тақяларга бориб, истироҳат қиларди.

Муқимий кичик балғами пиёладан чой ҳўплаб, Қўқонда қолган ёр-дўстларни соғиниб кетди, дарё тўғри қишлоғига қараб туриб кўзига ёш келди, қашшоқ оға, етим сингиллари, кекса, фақир устозлар — ҳамма-ҳамманинг бир-бир эслаб чиқди. Шу вақт Тожибой Муқимийнинг аста туртиб, тепаларида типпа-тик турган икки кишини кўрсатди: бири ҳалиги сўрашган киши бўлиб, иккинчиси қилич таққан, мўйлови шопдек новча бир миршаб эди. Ҳалиги сўрашган одам Муқимийнинг қулоғига бақириб гапирди:

— Мингбоши додхоҳ сизни ўз ҳовлиларига таклиф қилиб, бу кишини менга қўшиб юбордилар.

Муқимий тушунолмай Тожибойга қаради, бошқа ўтирганлар ўзаро суҳбатни тўхтатиб, булар томонга бурилдилар. Муқимий ҳеч нарсага тушунолмай, сакраб ўрнидан турди-да, бу икки кишининг олдига тушди, унинг орқасидан ранг-қути ўчган Тожибой эргашиди. Улар кўприк бошига чиқиб, у ердан тепалик кўчага — Андижон йўлига бурилдилар. Муқимий борар экан, хаёлидан алланималар кечар, «Бухоро амири истатиб Қўқондан тополмагач, бу шаҳарларга ҳам одамини юборганмикан» деб ўйларди.

Хайриятки, ҳалиги сўрашган одам нарироққа бориб, ёрилди:

— Ушнинг ҳурматли мингбошиси Султон кўпас мусийқа ва адабиётга анча тушунадиган мухлис киши бўлганидан, ҳар доим саёҳатчи шоир ва санъаткорларни йўқлаб, меҳмон қилишга одатланган экан. Унинг меҳмонхонасида меҳмон бўлиб турган Рошидон мингбошиси Шокир ноиб Муқимий Ушдалигини ҳалиги сўрашган кишисидан эшитгач, Султон «кўпас»га айтибди, Султон «кўпас» бу кишига ўз кишиларидан қўшиб, «Муқимийни таклиф қилиб олиб келинглар» деб фармон берибди. Муқимийнинг боришига икки мингбоши маҳтал экан.

Муқимийга бу таклиф ва меҳрибончилик ортиқ малол келтирган бўлса ҳам, енгил тортди. Чунки, Шокир ноибнинг дилкаш, шеърпараст, ҳотам табиат киши эканлигини Қўқонда кўп эшитган эди. Кириб борганларида ҳар икки мингбоши Муқимий ва Тожибойни ҳурмат билан кутиб олиб, тўрдан ўрин кўрсатдилар. Султон кўпас ўрта бўйли, йўғон гавдали қизил юз, тўрва соқол, чеҳраси очиқ киши, Шокир ноиб эса новчароқ, юзи чўзиқ, қоши ўсиб қовоғи устига тушган, шижоатли одам эди. Дастурхон устида Шокир ноиб сўз бошлади.

— Кун кеча бу ерга марғилонлик ҳофизларни таклиф қилиб маза қилган, сизнинг ғазалларингизга айтилган чиройли яллалардан баҳраманд бўлиб номингизни тилга олган эдик. Шу ерда эканлигингизни эшитгандан кейин ҳурматли мингбоши ҳам, камина ҳам ўзингиз билан суҳбатлашини хоҳлаб, хабар келтирган кишини изига қайтардик. Бунинг учун афв этасиз, жаноб Муқимий!

Муқимий ўрнидан ярим қўзғалиб, миннатдорчилик изҳор қилди:

— Бошимиз кўкка етди! Шоир аҳлига ғамхўрликларингиз учун беҳад миннатдоримиз.

Султон кўпас Муқимийнинг бош-оёғига разм солиб чиққач, сўз ташлади:

— Ушга келганларингизга кўп бўлдими, шоир афанди?

Муқимий бу ерда рост гапни айтишни раво кўрмай саёҳатнинг сабабини бошқачароқ қилиб кўрсатишга уринди:

— Олой яйловлари саёҳати кўнглига тушиб, бу биродарим билан бундан бир ой илгари ўтиб кетган эдик, эшак билан Сариктошгача бордик, қайтишда ҳар бир манзилда тунадик, қирғиз дўстларга меҳмон бўлдик, яхши саёҳат қилдик. Ушга яқин қолганда Уччот дарёсида бахтсизликка учраб, эшагу хуржунни оқиздик, кеча Ушга қайтиб кириб келдик, саломатликни берса эртага Андижон йўлини олмоқчимиз.

Султон кўпас Муқимийдан бу қисқа саргузаштни эшитгандан кейин тизинга уриб, афсусланди:

— Аттан! Агар кетаётганларингиздан мен хабардор бўлганимда сизларга одам қўшган бўлар эдим, эшак эмас, отда борган бўлар эдиларингиз, тажя самоварда эмас, қирғиз бийларининг ўтовида тунаган ва ҳар кунни қимиз, кийик гўшти билан меҳмон қилинган бўлар эдингиз! Бу яйловларнинг эгалари бизнинг оғайниларимиз бўлади.

Муқимий қуллуқ қилди:

— Бу ғамхўрлигингиз учун раҳмат! Биз билмаганмиз! Эндиги сафар, албатта шундай қиламиз. Мана кўришдик, танишдик, суҳбатларингизни топишга муваффақ бўлдик. Энди бизга рухсат берилса?

Султон кўпас бош чайқади:

— Кетишга рухсат йўқ! Бу кеча шу ерда оёқлашамиз! Мен Қўқонда кўп бўлганман, Қўқон шоирларига кўп мухлисман. Айниқса, ҳаммага манзур қўшиқларингиз сизнинг ўрнингизга меҳмонларимизни мунаввар қилиб туради. Мен сизларни Андижонга аравада элиттириб қўйишни ўз зиммамга оламан.

Муқимий яна қуллуқ қилиб, кулимсиради:

— Бу марҳаматларингиз учун, улуғ додхоҳ, қайта-қайта раҳматимиз оз! Андижонга кетадиган арава бўлса кошки эди! Аммо бизни бу кеча қистаманг... Узр..

— Қандай узр? Билсак мумкинми?

Шокир ноибнинг бу самимий саволига Тожибой лўнда қилиб жавоб қайтарди:

— Бир ойдан бери ечинмай, ҳар ерда ётиб, уст-бошимиз кир бўп кетган, оқ кийимларимиз хуржунда оқиб кетиб, устимиздагилар билан сизнинг атлас, шоҳи кўрпа-тўшагингизда қолишимиз ҳеч мумкин эмас.

Ҳаммалари баробар кулишиб юборишди, узр қабул қилниди, эрта кўришиш шарти билан меҳмонларга мингбоши жавоб берди. Хайрлашиб чиқиб, икковлари уйғур саройига жўнадилар. Йўлда Тожибой порозилик оҳангида минғиллай кетди:

— Агар Султон кўпас саховатли мингбоши бўлганда эди, мендан бу гапларни эшитгандан кейин иккимизга бош-оёқ сарпа берган бўлар эди! Мен унга қойил қолмадим!

Тожибойдан бу сўзни эшитган Муқимий дўнғиллади:

— Мен айтадиган сўзни оғзимдан илиб кетганингизга ҳайрон бўлган эдим! Тамагир десам хафа бўласиз, кўзи оч десам кўнглингиз қолади! Яхшиси, ҳеч нарса демай қўя қолай!

— Ҳали бу демаганингизми?

— Ҳа! Демаганим! Қўқонга етиб олгунча демайман!

— Қўқонга боргандан кейин қолган гапни айтмоқчимисиз?

— Ҳажв қиламан! Ҳажв!

— Уҳ!..

Муқимий ўзини тутолмай кулиб юборди, ҳужрага кириб ёта туриб яна тортишдилар. Тожибой гапдан қолиб уйқуга кетди, Муқимий тунги одати бўйича ухлаёлмай сув шовқинига қулоқ солиб ётиб, кейин ухлаб қолди. Муқимий уйғонганида Тожибой йўқ эди. Тушдан кейин хурсанд бўлиб бир бўҳчани кўтариб кириб келган Тожибой, қўлидагини қўйиб, юз терларини сидирди:

— Ҳали чой ичмагандирсиз, эшон ака?

— Мингбошининг майи мени анча ланж қилди, жуда чойбопману сизнинг келишингизга мунтазир эдим. Бунингиз нима?

— Эшак билан пўстинни пулладим, қолганини ҳамёндан эплаб шу нарсаларни олиб чиқдим, эшон ака. Кийиб, Қўқонга етиб олсак бўлди-да!

Тожибой бўхчани ечиб, бир жуфт сахтиён маҳси билан бир жуфт бедана кавуш олди, унинг остидан иккита алаки астар, йўлама пахтали қора сатин тўн чиқди, буни кўриб бечора Муқимий хурсанд бўлиб кетди:

— Раҳмат сизга, ҳожим!.. Пули қанча бўлса, Қўқонга боргандан кейин, албатта қайтараман! Заб иш бўлди!..

— Ун қари силлиқ оқ бўз олиб, мошиначига бердим, биз чой ичиб, арава масаласини ҳал қилгунимизча, у ҳам битади.

— Киптаки кўйлак деб тайинладингизми? Тағин итёқа қилиб қўйишмасин...

— Хотиржам бўла берсинлар, иккита жияк ҳам олиб бердим. Чойга чиқамизми?..

— Бўлмаса-чи!..

Кўприк бошида чой ичиб ўтирганларида Султон кўпас мингбошининг мирзаси истаб келиб, улар билан сурашди ва Андижонга олиб кетадиган аравакаш билан таништириш учун Тожибойни бошлаб кетди. Андижондан зиёратчилар олиб келган гушна аравакаш икки соатдан кейин саройда ҳозир бўлишларини таъкидлаб, отини тақалатиш учун жўнаб кетди.

## *Ун биринчи боб*

### **СОЯБОН АРАВА ГАШТИ, ДУСТЛАРНИНГ САРГУЗАШТИ**

Кеч пешинда Ушдан чиққан соябонли араванинг тўриқ оти елиб-йўртиб кетмоқда, қамчисини елкасига қистириб, эгарга қийшиқ ўтириб олган луччак аравакаш гоҳо-гоҳо отига гапириб қўйиб, анчагина қондали хиргойи қилиб бормоқда, бизга таниш икки йўловчининг бири ўтирган ўрнида қалқиб-қалқиб ухламоқда, бири эса аравакашнинг хиргойисига қулоқ бериб атрофни кузатиб бормоқда эди.

Аравакаш айтиб-айтиб бориб, Муқимийнинг бир газалини қўшиқ қилиб айта бошлади:

«Кўп эрди ҳасратим, жоно, қилай изҳор деб келдим,  
Муқимий кунжи ғам эрдим, сени ғамхор деб келдим...»

Қўшиқни тамомлагач, эгарга ёнбош ўтириб, юзини соябонга бурди:

— Қори ака! Сизларни қўқонлик дейишди, шу тўғрими?

— Тўғри! Биз қўқонлик...

— Қўқонликлар зияратга Шоҳимардонга чиқишар экан, сизлар Уш бувомга кепсизлар-да?..

— Ҳа! Уш бувомни кўрмаган эдик, қариндошларни кўриш баҳонасида кўриб кетяпмиз!..

— Қўқонлик бўлсангиз шоир Муқимийни ҳам танирсиз?..

— Таниймиз. Нима эди?..

— Бизнинг маҳалламизда Қўқондан келиб қолган Мунтазир деган кекса шоир одам бор. Бу кишини маҳалла кексалари мулла Муҳаммад Юсуф ака деб ҳурмат қилишади. Мен у кишидан Муқимийни сўрасам, у киши менга: «Муқимий ҳам менга ўхшаш қашшоқ, бахтсиз киши!» деб жавоб берди. Шу тўғрими?

— Тўғри! Муқимий ҳам шоир Мунтазирдек қашшоқ, бахтсиз киши!..

— Шундай ажойиб қўшиқлар ёзган одам-а?..

— Шундай ажойиб қўшиқларни ёзгани учун бахтсиз!

— Ўзим илмсиз аравакашману, шунақаларни эшитсам дунёдан чиқиб кетгим кеп қолади, қори ака! Замонга қойил эмасман! Ким пулдор, ким амалдор, ким мулкдор бўлса кайф-сафо ўшаники!..

— Шоир Мунтазир билан ҳаммаҳалла эканлигинингиз айни муддао бўлди. Мен у кишига Муқимийдан салом олиб келган эдим, бу омонат саломни етказиш учун у кишини албатта кўришим керак!

— Бола-чақалари бизнинг маҳаллада-ю, ўзлари Бобосатин мазорига дахма ҳужрасида ғарибона ҳаёт кечирадилар. Борсангиз қуруқ бормаи, пон-пон тугиб боринг, жуда савоб бўлади, майли, мен ўзим элтиб қўярман!

— Жон ука! Албатта ўзингиз элтиб қўясиз, биз ҳам қуруқ кирмаганимиз бўлсин!

— Мана Хўжаободга ҳам етиб келдик, хавfli жойлардан кундуз куши ўтиб олганимиз яхши бўлди, кечасига қолсак Қароқчи чўлида йўлимизни тўсишлари турган гап эди, ўз оти билан Қароқчи чўл! Энди яхшиси Хўжаободда бир кеча отга дам бериб, тонг ёришганда Андижонга жўнасақ, пешинга қолмай етказиб олиб бораман.

Аравакаш от бошини бир хароб карвон сарой дар-  
возасига буриб тўхтатди-да, эгардан сакраб тушди, енги  
билан от кўзини артиб туриб:

— Қурумсоқ саройбон ем топиб бера олса яхши эди,  
ўзимга нон топиб беролмаса ҳам майли!..— деди.

Аравакаш ғудиллаб, саройга кириб кетди, хуноби  
ошган Муқимий Тожибойнинг елкасини туртди:

— Ҳо, ҳожи ғафлат! Туринг, манзилга етдик!..

Тожибой уйғониб, кўзларини уқалади, кейин эри-  
нибгина атрофга назар ташлади:

— Андижонга ўхшамайди-ку?..

— Саломат бўлинг! Сиз қайда-ю, Андижон қайда?  
Бу ерни Хўжаобод дейдилар!

— Хўжахароб десангиз-чи!

— Бу ерда ҳам бир кечалик кўргилик борга ўхшаб  
турибди! Андижонга эрта саҳар жўнаб, кундузи етказиб  
бормоқчи! Сениқ идиш-товоқ йўқмикин, суриштирамай-  
сизми?..

— Қишлоқнинг хароблигига қараганда халқнинг  
аҳволи ҳам ўз-ўзидан маълум, эшон ака!

— Сениқ сополни ҳам қадоқлай бераман десангиз,  
жар солайлик. Қашшоқ деҳқонларнинг рўзғорида чинни  
идиш не қилсин, сопол товоққа ҳам ош топсин-чи!..

Иккалалари аравадан тушиб, у ёқ-бу ёққа қаради-  
лар, сўнг ариқда бет-қўлни ювиб, артиниш учун белбоғ  
ечдилар. Аравакаш аравасини саройга тортиб, отни чи-  
қариб қантарди-да, дарвоза ёнига чиқиб, Тожибойга  
деди:

— Бу ердан ем, беданинг иложи бўлмади, бир тош  
нарида Булоқбошидаги қариндошларникига бориб, са-  
ҳарга етиб келаман, арава шу ерда қолади, хоҳласа-  
ларинг аравада ётарсизлар, бўлмаса саройбон жой  
кўрсатади, кира пулидан ярим-ёртисини бермасаларинг  
бўлмайдиганга ўхшайди..

Бу сўзни эшитгандан кейин Тожибойнинг қути учди:

— Нима?.. Кира пули дедингизми?..

— Ҳа! Кира пулидан ярим-ёртисини! Қолганини  
Андижонга етгандан кейин тўласангиз ҳам бўлади!..

— Бу арава Уш мингбошисига қарашли эмасми?..

— Қизиқмисиз! Мен андижонлик бўлсам, қанақаси-  
га Уш мингбошисининг араваси бўлсин? Мен тўрт ки-  
шини олиб қайтишим керак эди, мингбошининг мирзаси  
менга илтимос қилиб, «бу меҳмонлар нозик кишилар,



Бошқа одам олмай, иккалаларини олиб кетинг, сизни хурсанд қилишади» дегани учун бошқа одам олмадим.

Муқимий чўчиб-чўчиб, улар ёнига келди, аравакаш карандачилик билан саройга кириб кетди. Тожибой қизариб-бўзариб, титроқ товуш билан Муқимийга мурожаат қилди:

— Йўл кирани ўзимиз тўлар эмишимиз!..

— Ўзимиз тўламай нима, етти ёт бегона мингбошининг мирзаси тўлаши керакмиди?..

— Тўрт кишининг кирасини даромад қиляпти?

— Гапи тўғри! Яйраб, ухлаб келганингиз ўзи минг тилла!..

— Сиз ҳам ачиган юракка қалампир сепасиз-а, эшон ака!..

— Бухорода туплаб туккан олтин чиқадиган бўлди! Унинг эвазига сизни мақтаб бир қасида ёзиш мендан.

— Менга қолса ҳажв қилмайсизми!

Тожибойнинг алангаси осмонга чиқиб, Муқимийнинг жиддийнамо ҳазилига ҳам тоқати тоқ бўлганидан қаттиқ гапириб юборгиси келди-ю, яна ўзини арабга босиб, мулойимлашди:

— Тўрт киши учун аравакашга тўласак, поезд кирага пул қолмайди! Ҳаммаси бўлиб, беш сўмга етар-етмас танга қолди!..

— Андижонда тушадиган қўшхонамиз аниқ. Мен шоир Мунтазир ҳужрасида икки кун меҳмон бўлман, сиз поезд киранинг иложини қиласиз. Андижонни шаҳри азим дейдилар, бундай катта шаҳарларда қадоқлатадиган идиш-товоқ кўп бўлади. Худо берган ҳунарингиз бор, мунча бўғиласиз, ҳожим! Биздақанги бозори касод эмассиз, шукур қилинг!..

Муқимийнинг бу сўзидан кейин Тожибой бўшашиб, жаҳлидан тушди. Ҳаменидан пул харж қилиб, ҳам хизмат қилиб, ҳам гап эшитиб, Муқимийнинг қош-қовоғига қараб турадиган бу ажойиб оқ кўнгил, беғубор одам Муқимийнинг ёнига яна қайтиб келди:

— Ундақа бўлса, ярим-ёрти кира пулини бера қолайми?

— Бермасликнинг иложи йўқ, аравакаш аммангизнинг эри бўлмайди, аравакашлар тоифаси жуда қаранда, чапани бўлишини биласиз-ку, ўргилай ҳожим!..

Тожибой илжайганича сарой томон юрди, унинг орқасидан Муқимий яна гап ташлади:

— Саройбондан суриштиринг-чи, овқатнинг тадорики қандақа бўларкин?..

— Хўп!..

— Ётиладиган жойни ҳам назардан ўтказинг!

— Хўп!

Муқимий бу олижаноб мухлис ҳамроҳнинг орқасидан кулимсираб қараб қолди. Орадан оз фурсат ўтгандан кейин аравакаш отини миниб чиқиб ўнг томондаги кўчага бурилди, кекса саройбон Тожибой билан сўзлашиб чиқиб, Муқимий билан қуюқ сўрашди ва саройга таклиф қилди:

— Кечқурунга бориб, қишлоқдан ҳеч нима топиб бўлмай қолади, кечга қолипсизлар, бемалол бўлса, ўзимга қилаётган шўрвани бирга баҳам кўрайлик, ҳужрада бордон устига намат солинган, бир кечага ҳеч нарса қилмайди, муллам!

Хуллас, кекса саройбоннинг ҳужрасида бурда-бурда нони билан шўрвасига шерик бўлиб, ҳасратига қулоқ солдилар. Тонг пайти қўшилган аравага чиқдилар. Кўприкдан кейин аравакаш отини ўз ҳолига қўйиб, яна хиргойисини бошлади, Тожибой ҳузур қилиб уйқуга кетди. Муқимий ёнидан қоғоз, қалам чиқариб, бир нималарни ёза кетди, арава Завроққа етиб, қишлоқ чойхонаси олдидаги катта садақайрағоч тагида тўхтади.

Узоқ ухлаб қовоқлари шишган Тожибой Муқимий юзини ювиб, артингунча чорпояга палос ёздирди ва тўртта нон билан икки қадоқ шувирғони узум келтириб понушта ҳозирлигини кўриб қўйди. Ҳай-ҳайлаб ўтириб, нон билан узум туширдилар, босиб-босиб чойдан ичиб, сўнг йўлга чиқдилар. Муқимий ва Тожибойнинг бу йил бириччи узум ейишлари эди.

Баланд-паст қирлар оша, Андижоннинг сахий, ҳосилдор далалари оралаб, Хартум қишлоғи орқали азиз меҳмонларга қучоқ очиб кулиб турган Андижон остонасидан босиб ўтишга муваффақ бўлдилар. Шаҳарга киргандан кейин гушна аравакаш ҳам намойишкорона отига қамчи босиб илдамлади, икки четига бақатерак, чинор кўчатларни ўтқазилган кенг янги кўчани босиб ўтиб, Култепага етиб бордилар.

Қадимий тарихга бой бўлган бу улкан шаҳар ўртасидаги Култепа ўрдалар қолдиғи бўлиб, унинг атрофидаги ялангликка така, кўкнорихоналар, кўримсиз, бордон ва қамиш билан иҳоталанган пастқам ошхоналар

жойлашган эди. Аравакаш йигит йўлда «қори ака»га берган ваъданинг устидан чиқиш учун Култелага етганда шарқ томондаги кўчага юрди ва бир қабристоннинг дарвозаси олдида от бошини буриб тўхтатди-да, гурур билан орқасига қаради:

— Мана, қори акалар! Бобосатин мозори шу, шоир Мунтазирнинг ҳужралари шу ерда! Марҳамат!

Муқимий билан Тожибой аравадан тушишиб чангларини қоқишгач, аравакашни рози қилиб хайрлашдилар, сўнг хуржунни кўтариб, қабристонга кириб бордилар. Шоир Мунтазирнинг ҳужрасини топиш қийин бўлмади. Хужра эшиги чертилгач, ичкаридан йўтал товуши эшитилди, кейин новчароқ, ориқроқ, эчки соқол чехраси кулиб турган нуроний киши эшик очиб, меҳмонлар билан кадрдонлар сингари сўрашди, Тожибойнинг қўлидан хуржунни олиб:

— Байтулаҳзанга марҳамат қилсин,— деди.

Аввал шоир Мунтазирнинг ўзи, кейин меҳмонлар кирдилар, мезбон уларни озода бўйра устига ёзилган қуроқ тўшакка ўтиргизди. Енгил фотиҳадан сўнг истараси иссиқ бу ёқимли мўйсафид ўрнидан сапчиб туриб, икки қўлини кўксига қўйди:

— Хуш кўрдик, азишлар!.. Қадамларингизга ҳасанот, мендек бир ғариб кишини йўқлаб келганларингиз учун бошим фалакка етди!

Муқимий ҳам ҳаяжонланган эди, у икки қўлини кўксига қўйиб, ўз эҳтиромини изҳор қилди. Шоир Мунтазир ташқари чиқиб, андек ҳаяллаб қолди. Муқимийнинг ёдига лоп этиб аравакашнинг сўзи тушди-ю, тиззасига урди:

— Фаромуш қилибмиз-ку!

— Аравада бир нима қолдирибмизми?

— Нон тугиб киришни унутибмиз, ҳожим, аравакаш шундай деб таъкидлаган эди-ку!

— Бир парсапи баҳона қилиб бориб келайми?..

— Сизнинг шундақа тантилигингизга борман, улуғ иш қилган бўлар эдингиз.

— Уша улуғ ишни қилганим бўлсин!

Тожибой ўрнидан қўзғалмоқчи бўлиб турган эди, шоир Мунтазир йироқдан гапириб кириб келди:

— Яратганингга минг қатла шукур! Мени ҳам йўқлаб, муруват қилиб кириб келадиганлар бор, мени ғариб деганлар тушини сувга айтсин!.. Ассалому алайкум!..

Шоир Мунтазир иши зарур бўлмаса ҳам шошиб юра-

диган жонсарак, серҳаракат, оққўнгил, олийҳиммат қашшоқ киши эди. Қўлтиғида келтирган тўртта нонни патнисдаги бурда нонлар устига қўйиб, чой қайнатиш тараддудига тушди. Буни кўриб, Муқимий эътироз билдирди:

— Уринмасангиз бўлар эди, мулла ака. Чойни суҳбат кетидан ичилса ҳам мумкин-ку?..

Шоир Мунтазир майин жилмайди-да, чиройли қилиб жавоб берди:

— Қўрқмасинлар... Ҳали ҳам чойни суҳбатдан кейин ичилади, зероки, ширин суҳбат чой талаб қилади. Ширин суҳбат деганда ёдимга тушди. Дарвоқе, Қўқондаги аҳли фазл, аҳли дард кишиларни сўрамоқчи эдим... мавлоно Муқимий Бухоройи шарифга кетиб қолганлар, деб эшитган эдик, ҳали қайтганлари йўқми?

Бир нафасли сукутдан кейин Тожибой жавоб қайтарди:

— Қайтиб келганлар.

— Ҳай-ҳай, кўп улуғ иш бўптими! Қамина Андижонда бўлсам ҳам ҳар доим қулоғим Қўқонда. Мавлононинг Бухорони ихтиёр қилишларига меҳимча, ғаламис Муҳйи сабабчи бўлган чиқар. Муқимийни Муҳйи кўролмас эмиш, деб эшитгандим. Бу ҳақ сўз! Биз кўришмаган бўлсак ҳам мавлоно Муқимийга гойибона мухлисиз! Қани энди, у киши ҳам сизлар сингари биздек ғарибларни йўқлаб кириб келсалар!

Муқимий кулимсираб ерга қараганча жим ўтирар эди, Тожибойнинг сабри тугади.

— Борди-ю, мавлоно Муқимий орамизда бўлсалар-чи?

— А?.. Нима дедилар?..

Муқимий чидолмай ўрнидан сакраб туриб, қулочини кенг очди.

— Қелинг, устоз, бошқатдан қучоқлашиб кўришайлик! Шогирдларингиздан Муҳаммад Аминхўжа мен ўзим бўламан.

— Оҳ! Нималар деяпсиз?.. Сиз мени йўқлаб, Қўқондан келдингизми? А?..

Нуроний шоир ўзини Муқимий кўксига отди, уларнинг кўзларидан оққан ёш бир-бирларининг елкаларини хўл қилди. Бу манзарадан таъсирланган Тожибой ҳам астойдил йиғлай бошлади. Икки шоир қучоқлашиб бўлиб, кўз ёшларини артишди. Анчадан кейин шоир Мунтазир савол берди:

— Бухородан қайтганингизга анча бўлдимиз?

— Бухородан тўғри келишим. Дўстим Тожибой ҳожи иккимизнинг келиш саргузаштимиз анча узоқ, уни сизга фурсати билан ҳикоя қилиб берамиз. Жанобингизни кўриш бизга муяссар бўлганидан беҳад хурсандмиз.

— Қуллуқ! Ғариб бошимизни фалакка етказдиларингиз!

Шоир Мунтазир ўчоқда қайнаб турган кичик мис човгунга пўстлоқ солиб, Муқимийга қараб кулди:— Бизда чой деҳқончилик. Бир туп бодомимиз бор, шунинг пўстлоғи чойга бўлган эҳтиёмимизни қондириб, пулга чой сотиб олишдек катта харажатдан ҳар доим бизни қутқазиб туради. Унинг таъми бошқа чойлардан кўра мазалироқ, ранги айни анор гули. Буни шоирлик муболағаси демай, қашшоқлик нишонаси, десалар ҳам ихтиёр ўзларида.

Кулишдилар. Мунтазир понни ўртага синдириб, човгундаги чойни қайтарди, дарҳақиқат, чойнинг ранги анор гулини эслатар эди. Мунтазир чойни тиндириб, сопол пиёлачаларга қўйди ва сўз давомида меҳмонларга тутди:

— Мана бу пиёлаларни жонон деса бўлади. Чунки, булар ўз жонон тупроғимиздан ясалган. Нонга марҳамат қилинсин...

Улуғ шоирнинг қандай оғир ҳаёт кечиришини тушуниб етган Тожибой виждонан ажабланмоқда эди. Икки пиёла пўстлоқ чойдан ичиб, бир бурда нон кавшага, дастурхонга енгил фотиҳа ўқиб, ўрнидан қўзғалди:

— Менга рухсат берсаларингиз, суҳбатларингиз тугалламай қайтиб келаман, бир кишини истаб топишим керак эди.

Шоир Мунтазир Муқимийга қаради, Муқимий қаршилиқ кўрсатмай, рухсат бериб, «Кечга қолнимасин, ҳожим!» деб қўшиб қўйди. Тожибой енгил тортиб, Андижоннинг бозорига йўл олди. Икки шоирнинг суҳбатлари тўхтамай давом этди. Муқимий суҳбат жиловини бошқа томонга бурди:

— Бизнинг ҳамроҳ — Тожибой яхши улфат, оқ кўнгил одам бўлса ҳам шеърятдан бебаҳрароқ, андак ҳавойи киши. Унинг кўнглига қараб, эртага Қўқонга қайтишни мўлжаллаб турибман, бу кеча жанобларига меҳмонмиз. Аммо андижонлик бошқа шоирлар билан кўришиш, уларнинг тансиқ суҳбатларидан баҳраманд бўлишнинг иложи борми экан?

Човгундан чой қўйиб узатиб туриб, Мунтазир бундай деди:

— Бу ерда шоир Абдураззоқ Бимий борлар, у зот қашшоқликда ҳам, ижодда ҳам биздан юқорироқ турадилар. У кишининг истиқоматгоҳлари сўнгги вақтда Ойимқишлоқ бўлиб қолган, ойимқишлоқлик дўстлари у кишининг акаларини ҳам кўчириб олиб кетишди. Акалари Абдусатторхўжа, ниҳоят камбағал киши бўлиб, зўр ҳофиз ва созандадурлар.

Укалари Бимий катта шоирдурлар. У кишининг кўпгина ажойиб ғазаллари халқ орасида машҳурки, бундан баъзилари каминада ҳам сақланади.

Шоир Мунтазир қоғозларни титиб, бир шеър топиб олди, уни Муқимийга узатиб, изоҳ берди:

— Бимий ғазаллари топулгунча бу баҳри тавил билан танишиб турасиз-да. Бир вақт ўз салламни ҳажв қилган эдим.

— Аввал ҳажвнинг тарихини айтиб берсалар...

— Насриддинбекка<sup>1</sup> меҳмон бўлганимда бошимдаги саллам ниҳоятда йиртиқ бўлганидан Насриддинбекининг саховати қўзғаб кетиб, янги салла беришни ваъда қилди-ю, кейин ҳаёлидан кўтарилиб кетди.

Бекдан янги саллаи узоқ вақт кутиб, умид узганимдан кейин ўз салламни ҳажв қилиб, Насриддинбекка юбордим. Бу ўша ҳажв.

Муқимий ҳажвга кўз югуртириб, иштаҳа билан баҳри тавилни<sup>2</sup> ўқий бошлади:

«Эрур онинг Хўқанд аро маскани,  
Ҳажвгўлик эрур фиолу фани.  
Тополмас киши айбин атворидин,  
Қилур ҳажв ўз тўну дасторидин.

Сайидим, тожи сарим, нуқта расим, аҳди қадим бандага бир салла қарам қилган эдилар. Магарам хотири ашрафларидан маҳв бўлиб кетган учун ёди муборакка солай деб, бу сифат баҳри тавил айладим иншо.

Малико, муҳташамо, дод расо англаки, калламдаги саллам титилиб, қиймаю парча қийилиб, илма улоқ

<sup>1</sup> Насриддинбек — Худоёрхоннинг ўғли, Андижонда ҳоким бўлиб турган.

<sup>2</sup> «Баҳри тавил»нинг таржимаси «узун дарё» бўлиб, жуда кам шоир бу вазнда ёзгандир.

лаҳ-лаҳу равзам сўзанақ, тешиги угра ювуқ, бурда чувуқ, кўҳна кафандек чириган, эски, ямоқ солгали бўлмас, ярамас ҳам сузук афсурда тугуну зўрга турган, куя урган чиригу хўрда надоматки, ҳар ипи чандима чилтори гадодек ўралиб, бул юзу қошимга тушиб, суфра сачоқдек осилиб, бир неча фашлар қўйилиб, эртаю кеч боди сабодек нолаю фарёду фиғон бирла қулоғимга уриб, шалвирлашиб ғовур-ғувур барча жаложиллари тенг наъраи ҳайдар уришиб, навҳа билан қичқирешурларки, бориб ҳазрати шаҳзодага арз айло!..

Иўқ эса эмди гарангу хар қиламиз, қулоғингни кар қиламиз ҳам яна елкашда самолар тепишиб жар қиламиз, охири бесар қиламиз, деб, ҳамма он турфа тумов айлади бизни!»

Муқимий бу узундан-узоқ баҳри тавилни охиригача завқ билан ўқиб, Мунтазирга узатар экан, кулди:

— Салла унган бўлса-ку, тузукку-я...

— Салла унган. Аммо Насриддинбек шунча давлатга эга бўла туриб, каминани эски саллалари билан хурсанд қилмоқчи бўлдилар. Кейинчалик бу «Салла» ҳажвимиз Андижон уламолари оғзига тушиб, шовқни кўтаришди ва шаҳардан кетиб, қабристонни ихтиёр қилишимга сабабчи бўлди. Хайр, мақсадга ўтайлик, энди Абдураззоқ Бимий шеърларини ўқисинлар! Мана бу кишининг дебочалари.

Шоир Мунтазир бир сариқ қоғозни Муқимийга узатди. Муқимий уни қўлга олиб, бошидан-оёқ кўз югуртириб чиққач, бу фузулиёна шеърни батамкин, аста-секин ўқий кетди:

«Дебочан ишқдан ривоят,  
ғам дафтаридан бу бир ҳикоят:  
Дил саҳифасини азалда тақдир  
ёзмиш рақами балон таҳрир,  
Бу бонси, чиқмазам балодин,  
ҳижрон шабидек юзи қародин...»

Муқимий бу ўттиз олти сатрдан иборат шеърни завқ билан ўқиди:

— Ҳовва!.. Буюк шоир!..

— Каминага манзур бўлмаган асарни сизга кўрсатарми эдим...

— Бунинг учун мишнатдорман! Бироқ, ҳали ўзлари-

нинг баҳри тавилдан бошқа шеърларини кўрмай, хумордан чиқмайман.

— Албатта-албатта! Сизга кўрсатмай кимга кўрсатар эдим. Ўз бисотимни ёзмай туриб, менинг ҳам хуморим тарқамайди. Энг аввал бир косагина пиява шўрва қилсаму уни иккаламиз баҳам кўргач, кейин яна шеър-хонликка ўтсак, деган андишадаман. Сиздек азиз меҳмонни кўпдан кутаётган озгинагина покиза жиззам бор. Сиздан яширадиган жиззам ҳам, сирим ҳам йўқ!..

— Қарши эмасману, суҳбатимизнинг узилиб қолиши бор-да.

— Унинг ҳам тадорикини қиламиз.

Мунтазир бир китоб орасидан қоғоз чиқариб Муқимийга узатди: «Гоҳи-гоҳ тожик тилида ҳам машқ қилиб, ўзимни синаб кўрадиган одатим бор. Қани, буни муборак назарларидан ўтказсинлар-чи, эпақага келадими, йўқми?..»

Мунтазир шундай деб, ўзи пиява шўрвага уриниб кетди. Муқимий тожикча ёзилган шеърни ичида ўқий бошлади:

«Маранж, эй, дил, зи ишқаш гар жафо озорҳо дорад,  
Муҳаббат инчунин бо ишқбозон корҳо дорад».

(Маҳбуб жафо қилиб, озор берса ҳам унинг ишқидан ранжима! Чунки ишқибозларга муҳаббатнинг шундай ишлари бор!)

Ажаб набувад ва жаннат арзи истиғно диҳад таъбам,  
Чунин к-аз фикри рўяш хотирам гулзорҳо дорад..

(Таъбим жаннатдан истиғно қилса, таажжуб эмас, чунки, юзининг хаёли билан хаёлим гулзордир.)

Баёрон гулфуруши мекунам, бо мункирон хоро,  
Баҳар маҳфил жунунам Мунтазир бозорҳо дорад.

(Дўстларга гулфурушлик қиламан, душманларга тикан улашаман! Эй, Мунтазир! Ҳар бир мажлисда менинг жунунимнинг мана шундай бозори бор.)

Муқимий йигирма мисрадан иборат бўлган бу ғазални ўқиб чиқиб:

— Бу юксак сатрларга таҳсин ва офарин ўқишдан ўзга сўзга камина лолман...— деди.



— Йўқ-йўқ! Унчалик эмас! Мулоҳазаларингизни эшитмоққа мунтазирман, жаноб Муқимий! Умид қилар эдимки, бир оз бўлса ҳам қийматли фикрларингизни эшитсам.

Муқимий кулиб, тиззаси устидаги сариқ қоғозни яна қўлига олди:

— «Баёрон гулфуруши мекунам, бо мункирон хоро» мисраидаги хоро сўзи «хорро» — тикан бўлиши керак эди, уни «хоро» деб ўқишга тўғри келди. Бинобарин, бу сўз «хоро»лигича қолиб, юқоридаги «гулфуруш» сўзини «дурфуруш» деб ўқилса, мазмун яна ҳам пухта ва аниқлашармидикин деган мулоҳазадаман...

Муқимийнинг бу мулоҳазасига шоир Мунтазир қойил қолди:

— Ана холос!.. Ана холос!.. Кўзимни мошдек очиб юбордилар! Иш мана бундай бўпти. Уни қаранг, жуда ҳам чиройли бўлиб кетди. Буни ўз табаррук қўллари билан ислоҳ қилиб қўйсинлар, бўлмаса.

Мунтазир завқ-шавқ билан токчадан спёҳ, қалам олиб қўйди. Муқимий «гулфуруш»ни аста ўчириб, устига «дурфуруш» деб ёзди. Мунтазир шеърни Муқимий қўлидан олар экан, «ҳай-ҳай!..»лаб, шу байтни қайта-қайта овоз чиқариб ўқинганда, ҳужра эшигидан кўлтигида иккита қовун билан ўспирин йигит кириб, салом берди. Мунтазир шошиб пойгаҳга югурди:

— Ҳозир кўнглимдан ўтказиб турган эдим! Ваалайкум ассалом! Келсинлар, қори! Марҳамат-марҳамат!..

Меҳмон йигит қўлтигидаги иккита қовунни пойгаҳга қўйиб, аввал Мунтазир билан, кейин нотаниш меҳмон билан сўрашди-да, чўкка тушди. Фотиҳа тортилгач, Мунтазир «хуш кўрдик» деб қўйиб, Муқимийга бу меҳмон йигитни таништирди:

— Бу укамиз қўқонқишлоқлик қори Зокир номли шоир. Гарчи кекса бўлсак ҳам бу кишига мухлисмиз.

Қори Зокир шоирона одоб билан ўрнидан туриб қуллуқ қилди-да, ўрнига ўтирди. Мунтазир сўзида давом этди:

— Қўқонқишлоқнинг ўзи шоирона макон, зўр ҳислатлар манбаи дер эдик, бу қишлоқ қори Зокирдек ажойиб шоирни етказиб, даъвомизга далил кўрсатди.

Қизариб, ерга қараб ўтирган қори Зокир яна қуллуқ қилгач:

— Жуда ошприлиб юборилди шекилли...— деди.

— Ҳар қанча оширилса ҳам, камлик қилар. Кўп қишлоқларда бўлганман, кўп деҳқонларга меҳмон бўлиб суҳбат ўтказганману, Қўқонқишлоқ аҳлидек шеърга, мусийқага муҳаббатли аҳли дилларни учратмаганман. Шеър, мусийқа шинавандалари ҳар ердан ҳам топилади-ю, аммо Қўқонқишлоқдагидек эмас. Дарвоқе, кексалигим қурсин! Қори Зокир, ука! Тўнни ечиб узатмасангиз айтмайман!

— Жоним билан!..

— Тўхтанг, ечмай туринг! Аввал айтай, кейин ечиб берасиз! Бу киши кимлар? Оҳ билмайсиз! Бу киши ҳурматли Муҳаммад Аминхўжа Муқимий бўладилар. Сизу бизнинг кўпдан бери кутган кишимиз Муқимий...

Қори Зокир сапчиб туриб қайтадан сўрашди ва икки қўлини кўксига қўйганича тик туриб қолди:

— Хуш кўрдик, устоз Андижон сизга пешкаш!..

— Раҳмат! Сиз азизларнинг меҳригиёингиз тортиб, келиб қолганимдан беҳад хурсандман!

Қори Зокир Мунтазир томон бурилиб, тилагини изҳор қилди:

— Утган шу кунни берган ваъдангиз нима эди, устоз?

— Қўқонқишлоққа боришга ваъда берган эдим.

— Шунинг учун келдим.

Косаларга пиява шўрва қуяётган Мунтазир кулимспради:

— Аввал пиявани ичайлик, кейин бир гап бўлар... Балки бу кеча сизнинг иштирокингизда шу ғарибона ҳужрада суҳбатлашармиз.

— Йўқ, устоз! Кетамиз! Сизнинг Қўқонқишлоқ боришингизни эшитиб, Тўра Соҳибхон, мулла Отабой ҳам Мамажонбеклар келишадиган бўлишган. Улардан ташқари, ҳамқишлоқ ҳофизларимиз уста Боймат билан мирза Ҳамдам хушхон, шоирлардан мулла Асқарали — Меҳрий жой ҳозирлашиб, дутору танбурларини созлаб ўтиришибди<sup>1</sup>. Бунинг устига мулла акамнинг Қўқондан қадам ранжида қилишлари кутилмаган бахт бўлди!

Шоир Мунтазир пиява шўрвани дастурхонга келтирар экан, зийрак қори Зокир меҳмон қўлига сув келтирди. Қўлларини ювишиб, пиява шўрвага қаттиқ нон бурдаларидан тўғрай бошладилар. Суҳбат яна давом этди.

<sup>1</sup> Номлари кўрсатилган бу кишилар, ўз замонда танилган тарихий шахслардирлар.

— Айтмоқчи, ҳалиги меҳмонга пиява шўрвадан олиб қўйиш хаёлимдан фаромуш бўпти-ку?..

— Бокиси йўқ,— деди. Муқимий Мунтазирни хижолатдан чиқариш учун,— бозор айланиб, кеч келади, келганда бир гап бўлар!..

Муқимийнинг бу сўзидан, қори Зокир яна бир меҳмон борлигини пайқаб олди:

— Кетган ерлари аниқ бўлганда, аравани юбора қолар эдик.

Мунтазир жилмайди:

— Қандай арава?..

— Қўқонқишлоққа олиб кетадиган соябонли арава!..

— Чиндан сўзлаяпсизми, қори Зокир?

— Шу аравада тўғри Қўқонқишлоқдан келишим...

— Ажабо! Тирикчиликдан қолиб-а?..

— Бизнинг тирикчилигимиз ҳафтаи бозор куни пешингача бўлади, тақсир!..

Қадди-қомати келишган, хушмуомала, хушсурат, мўйлабсабз бу ёш шоир ўз истеъдоди билан Андижон музофотида номи тарқалган ва кўп фазл аҳллари чиройли одобу ахлоқи ва асарлари билан қойил қолдирган бўлиб, касби базозлик эди, унинг Қўқонқишлоқлик растасида кичик бир дўкони бор эди. Қизиги шуки, юз тузиллиш, нозик табнатлиги, ҳатто шеърларининг чапандозлиги билан Фурқатга ўхшаш эди. Бир-икки соат ҳамсуҳбат бўлиб, яхши танишгандан кейин, қори Зокир ташқари чиқиб кетгач, Муқимий ёқасини ушлаб, Мунтазирга қаради:

— Ажабо! Бу йигитни кўриб, ҳурматли дўстим Зокиржонни кўргандек бўлдим. Қори Зокирингизнинг қалами ҳали менга номаълум, аммо афти-ангор ва нозик таъблиги айнан Зокиржон!..

— Ҳурматли Зокиржоннинг шеърлари ҳар қапча мақталса арзийди, бу ҳақда бошқа сўз бўлиши мумкин эмас. Аммо лекин, бизнинг қори Зокиримиз ҳам ёш бўлишига қарамай, асарлари бизларга манзур бўлганидек, Тўра Соҳибхондек номи чиққан улўф ҳофизнинг энг севган қўшиғига айланиб кетган. То Тўра Соҳибхондан эшитгунча, даъвомизнинг далили учун шоирнинг ўзидан ўқиттириб эшитишимиз мумкин.

Қори Зокир кўчага чиқиб, бир даста нон кўтариб салом билан кирди, нонни дастурхонга қўйиб, қовун

сўйишга токчадаги сопол товоқни олган эди, Мунтазир унинг қўлидан товоқни олди:

— Ростини айтсам, қовун пишганига анча бўлиб қолди-ю, ҳалигача ўз қўлим билан қовун сўйганим йўқ эди, сўйиб хумордан чиқай, сиз бўлсангиз яхши банд берган шакарпалак шеърларингиздан ўқиб беринг.

Қори Зокир кулиб, қовун билан пичоқни Мунтазир олдига қўйди, ўзи чўнтак ковлай кетди. Муқимий луқма ташлади:

— Бундан чиқди, иккалаларингиз ширинак ўйнамоқчи экансизлар-да!..

— Ширинак ўйнаш биздан, баҳо бериш жанобингиздан.

Мунтазир жуда ҳафсала билан гурс кетди қовунни уч косага ажратиб, қовун сўйишдаги ҳунарини кўрсата бошлади, қори Зокир қоғозлар орасидан бир ғазал ажратиб, моҳирлик билан ўқиди:

Дило! Билмай плиндинг, ҳажрида бекор қийналдим,  
Асир ўлдинг анинг зулфига, мен почор қийналдим.  
Ризо бўлдим сенинг-чуи, эй, кўнгил, кўп ишжима, сабр эт,  
Фидо бўлғум йўлида жон бериб, афгор қийналдим,  
Ўзинга жавр қилдинг, кўп ёмон қийналдинг, эй, жоним,  
Сенам қийналдингу аммо. менам бисёр қийналдим.  
Висолин истадинг, эй, кўзларим, қон йнглагил энди,  
Мени қилдинг юзига телмуриб хуштор, қийналдим.  
Нигорнинг ҳасратида, эй, тилим, лол ўлмадинг бир дам,  
Фигонингдан, ётолмай кечалар бедор, қийналдим.  
Югурдинг, эй, аёғим, Лайлининг кўйида Мажнуидек,  
Ҳафи сирримни қилдинг халқ аро изҳор, қийналдим,  
Келиб, эй, нозаниним, Зокирингни ҳолини кўргил,  
Юрак қону жигар чоку таним бемор, қийналдим...

Муқимий ўзига манзур шеър ва куйларни тинглаганда беихтиёр кафтига босиб, «Ҳовва!», «Ҳовва!..» деб юборар, ёқмай, манзур бўлмаётган вақтларда тундланиб, ўқиб бўлишини тоқатсизлик билан кутар эди. Қори Зокир ғазалини ўқиётганда ортиқ завқланиб, ҳар байт орасида «ҳовва» деб, кафтнинг кафтига ишқаб, ўрнидан қўзғалиб қўйди. Қори Зокир ғазални охирига етказиб, юз терларини рўмолчасига аста артар экан, қаршисида ҳалигача учрамаган оташин ҳақиқий бир шиनावандани кўрди. Мунтазир коса қилинган қовунни

қўйиб, нон синдирар экан, Муқимийга кўз қирини ташлади:

— Фаҳмлашимча, ширинак ўйинида камнна ютқизганга ўхшайман, жаноб Муқимий!..

— Ҳозир мен татиб кўрган қовуннинг таъмига ҳеч ернинг қовуни тенг келолмайди!

Қори Зокир ўзига берилган юқори баҳо олдида лоқайд туролмай, сўз қистирди:

— Бундан Қўқон қовунлари мустасно...

Муқимий ярқ этиб қараб, қори Зокирнинг киноясига жавоб қайтарди:

— Қўқонда ҳамма қовун ҳам ширин бўлади дейиш нотўғри. Шеърнинг салмоғи шоирнинг салоҳиятига боғлиқ бўлганидек, қовуннинг ширин бўлиши ҳам деҳқоннинг меҳнатига боғлиқдир. Қўқонни шоирлар ватани деб атайдилар, бу тўғри. Бироқ, гап шоирнинг кўп бўлишида эмас, балки улар берган ҳосилнинг аъло-авсатлигида, тўғрироғини айтганда, халққа манзурлигида. Сизнинг ғазалингиздан кўра ўзингиз, сиздаги туғма истеъдод мени қувонтириб юборди. Қўқондан сиздек ажойиб ёшлар етишиб чиқмоқдалар ва ўз она тилларида ҳаммага манзур шеърлар ёзиб, танилмоқдалар. Камнна сизни кўрганимда кўз олдимдан ёш дўстларим ўта бошладилар, сизда уларнинг сиймосини кўрдим.

Қори Зокир яна қуллуқ қилиб ўтирди. Мунтазир бир нима демоқчи бўлиб турган эди, салом бериб, қўлида тугунча билан Тожибой кириб келди ва қори Зокир билан сўрашиб, Муқимий ёнига ўтирди:

— Андижонни айланиб чиқдим, растаю каппонлари ҳам қолмади. Зерикмай ўтирибсизларми?

Унга қараб, Муқимий маъноли жилмайди:

— Сениқ масалалари...

Тожибойга бу киноя этиб борган бўлса керак, аста жавоб берди.

— Уни суриштирганимча йўқ. Ахир, шаҳри азим эмасми...

Тожибой рўмолни ечиб, ширмон, пистани дастурхонга қўйди-да, унинг остидан гўшт-ёғ ва гуруч, сабзи-пиёз, ни олиб нарироққа элтиб қўйди. Буни кўрган Мунтазир койишга тушди:

— Меҳмон! Бу нима қилганингиз? Ёки Қўқонда шунақа одат чиққанми?.. Ўзимиз топар эдик...

— Афв этасиз! Менинг бир ёмон одатим бор, бозор-

га кирсам қуруқ чиқа олмайман! Олишга олиб қўйдиму, шу хижолатпазликни кўз олдимга келтириб, ерга қараганимча кўтариб кела бердим. Ахир, пиятларида меҳмонларга ош қилиб бериш бўлса, овора бўлинмай-да-да!..

Тожибойнинг топган баҳонасига нашъа қилиб ҳаммалари баробар кулиб юбордилар. Мунтазир Тожибойни хижолатдан қутқариш мақсадида гапнинг пўскалласини айтди қўйди:

— Мен ўзим сизга ўхшаш «ёмон одати бор» кишиларни яхши кўраман! Қошки эди, ҳаммада ҳам шундақа «ёмон одат» бўлса-ю, ҳар кун бу ҳужра қозонида мой қайнаса! Бу гуноҳингиз эвазига менга кўмаклашиб юбрасиз, мулла, ўз қўлим билан ош қилай, бўлмаса...

— Хўп!..

Тожибой билак шимариб, сабзи-пиёз арчишга киришмоқчи эди, қори Зокир эътироз билдирди:

— Устоз! Бу қанақаси! Ҳозир жўнасақ, кечга зўрға етиб борамиз-ку?

— Меҳмонларимиз йўл босиб келишди. Эрта нонуштадан кейин йўлга тушсак-чи?..

— Ундай бўлса аравакашга жавоб берай, эрта билан келсин!..

Қори Зокир ташқарига чиқиб қайтиб кирди. Мунтазир билан Муқимийни ўтқазиб қўйиб, ҳожи билан қори ошга уриндилар. Ошдан кейин ярим кечагача суҳбат чўзилиб, эрталаб чой устида Қўқонқишлоққа жўнаш ҳаракати бошланди. Тожибой Муқимийга қараб:

— Мен қола қолай, эшон ака!..— деди.

— Нима учун? Ахир Андижоннинг атрофларини ҳам зиёрат қилайлик-да! Елғиз қолиб зерикасиз!

— Зерикмайман. Узингиз тушунасиз... Икки кун дўкон очсам кетиш кирасини кўтариб қолар эди! Борганим билан шеърхонликка унча хушим йўқ, зерикиб қоламан! Агар сатранж бошланиб кетса менга дунё тор бўлиб кетади!..

Тожибойни ўз хоҳишича, ҳужрада қолдириб учовлари аравага чиқдилар, аравага похол устидан шолча солиниб, кўрпача тўшалган эди. Муқимий билан Мунтазир соябон олдида, қори Зокир ўртада чўкка тушганча Қўқонқишлоққа қараб жўнадилар.

Арава Дурир қишлоғи орқали ўтар эди, аммо бу ерда тўхтамай ўтиб кетдилар.

Чўлоққишлоқда отга андак дам бердилар, ўзлари ҳам оёқ-қўлларини ёзишиб, кун қайтган пайтда яна йўлга тушдилар. Шоли экилган ерлар кўм-кўк товланиб, шабадада бир текис тўлқинланаётган чексиз кўл сувини эслатар эди.

Арава эгри-бугри, ўнқир-чўнқир йўл билан Хайребод томон борар экан, икки томонни шолипоя ва пахтазор далалари энлаб ётарди. Бу шоликорлик ва пахта майдонларининг эгалари Андижон ва Қўқонқишлоқнинг катта заминдорлари, хусусан, Қўқонқишлоқ мингбошиси Аҳмадқул бўлисни ки эди. Булар тўғрисида шоирга қори Зокир маълумот бериб борар эди. Аср пайт Хайребоддан ўтиб Қўқонқишлоққа кириб бордилар.

Деҳқонларнинг бўш вақти бўлганлиги учунми, қишлоқнинг кўча ва чойхоналари гавжум, бозор бошига чиқарилган кичиккина сайилчага узоқ-яқиндан тўпланган кексаю ёш деҳқонлар дор ўйинини томоша қилиб бўлиб тарқалмоқдалар. Аравакаш бозор бошидан эҳтиётлик билан ўтиб, чапдаги сой кўчасига бурилди-да, оддийгина бир эшик олдида отини тўхтатди. Бу эшик шоир қори Зокирни ки эди.

Арава келиб тўхтаганини пайқаган кишилар кекса шоирга пешвоз чиқиш учун кўчага шошилдилар ва аравада, яна бир истараси иссиқ, оқ юзли, қора соқол, ўртамиёна қоматли нотаниш меҳмонни ҳам кўрди. Меҳмонларни кутиб олиш учун ичкаридан чиққан кишиларга арава орқасидан келган яна икки-уч киши қўшилди. Улар сандал қўйиб, кекса шоир Мунтазир билан нотаниш меҳмоннинг қўлтиғидан олиб, ерга туширдилар-да, сўрашиб, иззату икром билан ичкарига бошладилар. Булар шу қишлоқнинг шеърга мухлис, аҳли фазллари эдилар.

Меҳмонлар ўртасида райҳону жамбуллар гуркираган мўъжазгина ташқари ҳовлига кирганларида ўртадаги чорпояда ёстиққа суяниб ўтирган нуроний киши чорпоядан тушиб, меҳмонларни кутиб олишга шошилди.

Бу мўйсафид киши шоир Абдураззоқ Бимий бўлиб, дўсти Мунтазирни кўриш учун Ойимқишлоқдан келган эди.

Икки кекса шоир узоқ қучоқлашиб кўришганларидан кейин, Мунтазир Бимийга ёнида қўл қовуштириб турган йигитни тақдим қилди:

— Бу келишимнинг ҳар сафарги келишимдан ер-осмонча тафовути бор, ҳурматли дўстлар! Чунки, мен бу дафъа ҳурматли Муқимийни бирга олиб келганим билан фахр этаман.

Абдураззоқ Бимий кўришиш учун қулоч очар экан, ҳурмат юзасидан Муқимий етиб келиб қулоч ёзди ва иккалалари узоқ кўришганларидан кейин, қолганлар ҳам Муқимий билан бирин-кетин сўрашдилар. Қори Зокир томонидан таклиф этилгач, ҳаммалари чорпояда ўз ўринларини эгалладилар. Фотиҳадан сўнг дастурхон ёзилди, дид билан тузалган патнисларда Андижонга хос катта, қаймоққа йўғрилган қип-қизил патир, ҳафсала билан коса қилинган хушбўй чўқари қовун, оқпўст шафтоли ва турли номлар билан аталувчи узумлар келтирилди. Чорпояни гўшти мулойим чўқарининг хушбўй ҳиди тутиб кетган эди. Қўқонқишлоқ нозу неъматларидан тўла иштаҳа билан тановул қилинган, орқасидан ярим чинни-ярим чинни қайнатма шўрва келди. Дастурхон устида давом этган ажойиб шеър баҳсидан сўнг навбат сеvimли ҳофиз Тўра Соҳибхон билан унинг ҳамнафас шогирдларига келди. Аввал мақомлардан устоз Жомийнинг «Ба як карашма Зулайҳо» ғазалини «Самарқанд ушшоғи»га айтиб, кейин Навоий, Фузулий ғазалларига ўтдилар, бешинчи навбатда Бимий билан тугатдилар.

«Меҳри руҳингни даврида зулфинг шикан-шикан,  
Тонди думоғим анда насими Хўтан-Хўтан.  
Лаъли лабингни даврида холингми ё магар  
Кавсар лабида қилди қаро қуш ватан-ватан...»

Навбат наринги чорпояда ўтирган эски чопон созандаларга келгач, чолғу асбобларни ясовчи моҳир уста ва хонанда Уста Боймат қўлига дутор олиб созлади. Унинг ёнида ўтирган Мирза Ҳамдам ва шу қишлоқлик «Меҳрий» тахаллуси билан унча-мунча ғазаллар ёзиб, устозларга манзур қилиб юрган Асқар қори ҳам ўзининг ширалли овози билан жўр бўлди. Улар энди мақом эмас, энгил яллага Бимийнинг шўх мухаммасини айтдилар: қаторасига тўрт ялла айтиб, охирини қори Зокир ғазали билан якунладилар:

«Қудумнинг тупроғи, эй нозанин, оламда қийматдир,  
Қадрдонларга бир дам суҳбатинг вақти ғаниматдир.



Алар, агёрлар нокас эрур, қадрингни билмаслар,  
Қачон тўпланса онлар суҳбати гўё мусийбатдир.  
Хумори лаъли нобингмен, хароби чашми жодуйинг,  
Рафиқам дарду кулфатдир, анисим ранжу меҳнатдир...»

Қори Зокирнинг бу ғазали билан яллани итмомига  
етказиб, улар асбобни ерга қўйдилар. Тўра Соҳибхон  
лар қўлларига асбоб олиб, Бобирнинг:

«Қаро зулфинг фироқида паришон рўзгорим бор,  
Юзингнинг иштиёқида не сабру не қарорим бор.  
Лабинг бағримни қон қилди, кўзимдан қон равон қилди,  
Нега ҳалим ёмон қилди? Мен андин бир сўрорим бор»,—

банди билан бошланган қўшиғи охирига Муқимийнинг  
қуйидаги шўхона ғазалини улаб кетдилар:

«Ҳажр ила тинмай кўзимдан кўрмасам ашким келур,  
Ғайр ила кўрсам мабодо ҳуд-баҳуд рашким келур.  
Узга сўз сиғмас хаёлимга ва лекин субҳу шом  
Айланиб улфатчилик, ҳар ерда гаплашгим келур».

Бу шўхона ғазалга улаб, бошқа бир куйга Зокиржон  
Фурқатнинг ажойиб бир ғазалини айтдилар:

«То сўзга лаб уюрдинг, жоно, шакар тўкилди,  
Ҳам айладинг табассум, мавжи гуҳар тўкилди,  
Ойинани жамолинг қандоғ сафолинг эрди  
Ким, анга бир боқишда ерга назар тўкилди...»

Томда чопон ёпиниб ўтириб тинглаётган аёллар ҳам,  
ҳовли саҳнидан жой эгаллаган шинаванда эркаклар ҳам  
суҳбат пировард бўлганлигини фаҳмлаб тарқалдилар.  
Муқимий Тўра Соҳибхон бошлиқ ҳофизларга беҳад та-  
шаккур ва миннатдорчилик билдириб, ғазаларнинг бе-  
хато айтилишини зикр этиб ўтди. Ошдан кейин уйи яқин-  
лар меҳмонларни холи қолдириб, тарқалдилар. Қори  
Зокир лампани нарироққа элтиб қўйиб, ўзи пойгаҳда ду-  
тор созлади; «Сайқал Чўпон» ва «Холботир» деб аталувчи  
куйлар жуда моҳирлик билан майин чалинар экан, кекса  
меҳмонлар уйқуга кетдилар. Лекин Муқимий одати  
бўйича уйқуси қочиб, хаёл денгизда суза бошлади. Бу  
ажойиб қишлоқдаги ўтиришда дўсти ҳожининг бўлма-

ганига ачинди ва унинг чилдирма чертиб, билар билмас куйларни замзама қилиши, ўйнаб туриб, пойма-пой қўшиқ айтишларини бу кишиларга кўрсатгиси келди. Чунки бундай оғир, жиддий куй ва ғазалларнинг ипидан игнасиғача тушуниб, мағзини чақаётганлар халқ дарёсининг бир томчисини ташкил этиши Муқимийга аён эди. Халқ баҳра олиши учун содда ўйин-кулгилар, қўшиқлар керак. «Тожибойдек ҳаммабоп санъаткорлар ҳам керак,— деб ўйлади Муқимий ётган ерида,— афсуски, халқимизда илм йўқ, бизнинг ғазалларимизнинг кўпчилиги ўзимиз учун тушунарли».

Эртаси нонуштадан кейин Файзобод қишлоғига бордилар, Файзобод қишлоғи обод бўлмаса ҳам, қовун, анжирни билан ном чиқарган. Айниқса, Чиртак деб аталувчи тиниқ сув бўйидаги катта толлар остида шеър баҳси жуда кўнгилли ўтди. Бу салқин жой Муқимийга Қўқоннинг Қайнарбулоғини ёки Кудашни эслатгани учун кўнгли очилиб кетди. Кечаси тўпланган муҳиблар бу ерда ҳозир бўлдилар. Суҳбат давомида Муқимийдан «Бухоро хотираларини» тингладилар, узоқ тоғли йўл эсдаликларига қим этмай қулоқ солдилар. Суҳбат айланиб Қўқонқишлоқ тарихига келиб тўхтади. Шоир Мунтазир бу қишлоқ тарихини муфассал гапириб берди.

Қўқон атрофидаги қишлоқларда тез-тез бўлиб турадиган қурғоқчиликлар натижасида қашшоқлашган деҳқонлар Маллахон даврида сув истаб шу ерга кўчиб келганлар, икки дарё ўртасидан янги ер очиб, шу ерга Қўқонқишлоқ номини берганлар ва шу ерда турғун бўлиб қолганлар.

Изоҳдан қаноат ҳосил қилган Муқимий, Ойимқишлоқ билан қизиқсинди. Бу ҳақда шоир Абдураззоқ Бимий сўзлаб берди:

— Асли «Моҳларойим қишлоғи» бўлса ҳам кейинчалик осонлаштириб, «моҳлар»ни олиниб ташланиб, «Ойимқишлоқ» бўлиб қолган. Моҳларойим эса, шоира Нодиранинг асли номи бўлиб, у Комила ва Камина тахаллуси билан ҳам шеърлар ёзган. Бу Ойимқишлоқ мана шу Нодирамизнинг шахсий ташаббуси билан обод бўлган, бу ерга келиб ўрнатиб қолган деҳқонларга Нодирабегим (Моҳларойим) ҳам дам кўмак бериб турган, агар суриштирилар экан, ҳар бир қишлоқнинг номи ўз тарихини очиб беради.

Муқимийнинг илтимоси билан дастурхонга Файзобод мўйсафид деҳқонларидан бир нечаси таклиф этилган эди. Улар билан бўлган суҳбат меҳмон шоирда оғир таассуротлар қолдирди. Чунки, деҳқонлар ҳаёти нақадар ачинарли эканлигини, асосий ерлар катта мулк эгалари ва қишлоқ амалдорлариникилиги, сув масаласи бу қишлоқларда ҳам чатоқлигини билиб жуда мутаассир бўлди. Ўз оти билан «тентак» бўлган бу шўх дарё ҳар баҳор гупуриб, йўл ўзгартириб турар, ёзга бориб, сув керак бўлган вақтда қуриб қолиб, деҳқонларни лол қолдирар эди.

Дастурхондан кейин икки мўйсафид шоир пашшахонага кириб дам ола бошладилар. Муқимий салқин Чиртак ёқасидан холи жой танлаб, ёлғиз ўтиришни орзу қилди ва бу ерда қўйин дафтарини тўлғиза кетди:

«Номи Қўқонқишлоқ экан,  
Меҳмон кутиб илҳоқ экан.  
Тентак аталган катта сой,  
Ййраш учун хўп яхши жой.  
Тақя-ю, салқин-соя кўп,  
Боғдан кўра шолпоя кўп,  
Аҳмадқули мингбоши дер,  
Халқнинг кўзида ёши дер.  
Барча бўлисга чоракор,  
Юз доду вой келмас бакор.  
Бу ким десам, Уйғур деди,  
Пешонасини шўр деди.  
Уйғур деган қишлоқни кўр,  
Қишлоқ тўла қашшоқни кўр,  
Бу ерни Файзобод деди,  
Обод эмасман, дод деди.  
Деҳқоннинг усти хароб,  
Кўнгли тўла ғам, изтироб...»

Муқимий бир шеър бошласа, уйқунни ҳам, ҳузур-ҳаловатни ҳам, ҳатто оч қолганини ҳам унутиб юбориб, уни охирига етказмай ўрнидан турмайдиган одати бор эди, лекин Чиртак бўйида бошланган хотирани охиригача етказмай, ўрнидан туриб кетишга мажбур бўлди. Чунки маҳовати билан айтганда ҳар қайсиен чумчуқ боласидек келадиган пашшалар шоирга қарши «найзабозлик жанги»ни бошлаб юборган эдилар.

Муқимий енгилиб, пашшахонага қочиб кирди. Кеч кириб, қуёш бота бошлаган, икки мўйсафид шоир ҳам аллақачонлар уйғониб, намоз асрни ўқиб бўлган эдилар. Мезбонлар кечки овқатга лўя шовла тайёрлаган эдилару, Муқимийни дастурхонга таклиф қилишдан ийманиб турардилар. Муқимий пашшахонага кириши билан дастурхон ёзилди, овқатдан кейин суҳбатлашиб ўтирдилар. Нариги пашшахонадаги Тўра Соҳибхон ўз жўралари билан оғир мақом эмас, енгил ялла бошлаб юбордилар. Бу ялланинг ғазали Муқимий қулоғига таниш туюлиб, мароқ билан тинглади, ярмига борганда бундан уч-тўрт йил олдин ёзган ўз ғазали эканлигини билиб, унинг Қўқонқишлоққа етиб келиб қолганлигидан таажжубланди:

«Дилрабо, келганда кўп ҳам интизор этмай келинг,  
Сийналар мажруҳ, устига фигур этмай келинг.  
Куйгани етмасми кўнглим оташи ҳижрон ила,  
Боз куйганларни зору беқарор этмай келинг...»

Ҳофизлар Муқимийнинг бу ғазали билан бир яллани тугатиб, Фузулий ғазали билан иккинчи яллани бошладилар.

Бу ғазалнинг авжи суҳбат аҳлини шавқ-завқ дарёсига гарқ қилиб юборди. Муқимий чидамсизлик билан товушининг борича «Ҳовва! Ҳовва!..» деб бақирди ва тебраниб тиззасига уриб қўйди. Пашшахонадан ташқарида кўпгина йиртиқ чопон кекса, ёш деҳқонлар пашша наштарига бардош бериб, ялла тингламоқда эдилар. Яллалар маромига етиб тўхтагач, Муқимийнинг илтимоси билан суҳбатни пашшахонадан ташқарига — деҳқонлар даврасига кўчириб гулхан ёқдилар. Тутун билан пашшалар «ҳужуми» мағлубиятга учрагандек бўлди, яна икки-уч ерга гулхан тутатиб, пашшалар даф қилинганча, бу базмча кичик бир сайилга айланиб кетди. Ҳофизлар гулхан айланиб куйлай бошладилар. Шу пайтда Муқимий яна бир бор Андижонда қолган қадоқчи дўстини эслади ва Олой этагида, қирғиз бийи ўтовни олдида чўпонлар базмини хотирлаб, қирғиз чўпонлари билан ўзбек чоракор-деҳқонларининг ҳаётини бир-бирига таққослади ва билинар-билинимас хўрсиниб қўйди: йил ўн икки ой боши меҳнатдан чиқмаган бу шўрлик деҳқонлар, гарчи пашшалар чақиб турган бўлса ҳам,

ашулага завқ билан қулоқ солар, бу базм гўё уларга янги ҳаёт ваъда қилаётгандек эди.

Сайил ярим кечага чўзилди, кекса шоирлар узр баён қилиб пашшахонага кирдилар. Муқимий гулхан бўйидаги кекса, ёш файзободликлар даврасига кириб сингиб кетди. Ҳофизлар яна устма-уст тўрт ялла қилиб бериб, созларини ғилофларга солдилар, унда-мунда хўроз ва сайратмаларнинг овозлари эшитила бошлади. Деҳқонлар ҳофизларга раҳмат айтиб тарқалдилар. Муқимий уларни узатиб, қайтиб, иссиқ чой дамлатди сўниб бораётган гулханны қайтадан ёқиб, истеъдодли ҳофизлар билан чойхўрлик қилди, сўнгра уларга беҳад миннатдорчилик изҳор этиб, эрталабгача хайрлашди.

Чиртак бўйи эрта билан ниҳоят сўлим бўлган эди. Нонушта устида қори Зокир Қўқонқишлоқдан аравада келди. Кечаси хайрлашиб тарқалган кекса деҳқонлардан баъзилари алоқадриҳол, бир лаганда анжир, тўртта қатлама ёки бир коса қаймоқ ёки иккита босволди қовун кўтариб кириб кела бердилар ва Чиртак бўйида азиз меҳмонлар билан бирга ўтириб нонушта қилдилар. Нонуштадан кейин меҳмонлар аравага чиқиб, файзободликлар билан хайрлашдилар ва Ойимқишлоққа йўл олдилар. Муқимийда гарчанд Ойимқишлоққа бормай, Андижонга қайтиш, Андижондан тезроқ Қўқонга жўнаб кетиш майли бор бўлса ҳам, қашшоқ мўйсафид Бимийнинг таклифини рад қилиш одобдан эмаслиги ва бошқа андишалар Муқимийнинг истаги устидан голиблик қилган эди. Абдураззоқ Бимий, Муҳаммад Юсуф — Муштазир, Муҳаммад Аминхўжа Муқимий ва ҳофиз Тўра Соҳибхон аравага чиқиб олдилар. Қори Зокир томонидан борди-келдиси кира қилинган бу гумбур соябонли арава Уйғур қишлоғининг харобаларидан ўтиб, Омончура йўлида борар экан. Тўра Соҳибхон йўл-йўлакай Муқимийга поёнсиз шолিপоя ва пахтазорлар кимникилигини гапириб берди.

Омончурада қўл-оёқни ёзиш, отга дам бериш учун тўхтаб, бир оздан сўнг яна аравага ўтириб, Тешиктош томон йўл олдилар. Тўра Соҳибхон дуторни сошлаб, енгил-енгил қўшиқлар замзама қила бошлади ва Абдураззоқ Бимийнинг «Бор-бор, бормайман деди» радифли мухаммасини айтди.

Шоир Бимий ҳофизга ташаккур баён қилгач, ўз

ҳаётий шароитини кинояли тарзда баён қилишга киришди:

— Ойимга етгунча бизни хурсанд қилиб боринг, ҳурматли Соҳибхон. Чунки, бизнинг кулбага етгандан кейин ҳаммамиз қулоғимизга пахта тикишимиз керак бўлади, бир ёнимиз хонақоҳ бўлганлиги учун кеча-кундуз нодон сўфиларнинг жаҳр-суҳбати, «хув-хув»и қулоғимизни батанга келтирадики, Сиз азиз меҳмонимиз Муҳаммад Амнхўжа Муқимийни кулбаи эҳсонимизга таклиф қилганим учун бир ёқдан беҳад шод бўлсам, иккинчи ёқдан хижилман, бунинг учун ҳозирданоқ узр сўрашга тўғри келади. Бултур шу ойларда Қўқондан бизни йўқлаб мулла Муҳаммад Зокиржон Фурқат билан Мавлавий Йўлдош келишган эдилар. Улар бир кундан ортиқ туришга тоқат қила олмадилар ва ўша кечасидаги суҳбатимиз вақтида жанобларининг номлари зикр қилинди. Сизнинг Бухорога кетиб қолишингиз Қўқондаги дўстларингизни ўкситиб қўйганлигини мулла Зокиржон қайта-қайта тилга олиб, афсусланди.

Бу сўзларни эшитган Муқимий тоқатсизланди, у ҳатто Тешиктошдан бўлса ҳам Андижонга пиёда қайтишга рози эди.

— Камина ҳам уларни ниҳоятда соғиниб кетганман... Бухорога кетиб қолганимдан ўзим ҳам пуншаймонман.

Муқимий ҳозир ҳасратнинг ўрни эмаслигини дарҳол пайқаб, суҳбат мавзунини ўзгартирди.

— Мулла Зокиржон билан Мавлавий Йўлдош саёҳат қилиб келган бўлсалар керак?

Шоир Мунтазир Муқимийнинг бу саволига изоҳ берди:

— Зокиржон Фурқатни қариндошлари тўйга таклиф қилган эканлар, келиб тўйини ўтказгач, қариндошлар иккалаларини Арслонбобга саёҳатга олиб кетишди. Арслонбобдан қайтиб, каминанинг ҳужрамда икки кеча бўлиб, сўнг жўнаб кетишди.

— Зокиржоннинг қариндошлари дейилдим?

— Шундай. Мулла Зокиржоннинг онаси асли андижонлик, Орзиқулбек гузаридан. Фурқатнинг тоғаваччалари ўғил уйлаган эдилар. Мен Зокиржон ва Мавлавий билан доим бирга бўлдим, тўйишиб суҳбатлашдик. Фурқат менга бирга тикилиб, «Сизга шу қадар меҳр қўйдимки, кўзим ва кўнглимни сиздан узолмаяпман» деб, руҳимни

кўтарарди. Менга бағишлаб, ҳазил-мутойиба аралаш ошиқона, самимий ғазаллар ёзган бўлди. Ундан баъзи байтлари хотирамда бор:

«...Канда бўлмас соқин гулчеҳра бирлаи бодаси,  
Отгунча то субҳи маҳшар базми ижод Андижон.  
Қори Юсуфжон каби нозик адонинг ишқида  
Кўрсатур Фурқат сенингдек неча Фарҳод Андижон...»

Мулла Зокиржон билан Мавлавий Йўлдошнинг таърифларича, каминанинг ҳужрамда ичган лола ранг пўстлоқ чой уларни маст қилган эмиш, бундай рангдор шаробни шу дамгача ичмаган эмишлар...

Бу сўзларни эшитганда Муқимий Қўқондаги ёру дўстларини яна бир бор кўз олдига келтириб, билинар-билимас хўрсинди ва улар тўғрисида оғиз тўлдириб сўзлай бошлади. Зокиржон Фурқатдек донишманд шоир билан дўстлашишига сабабчи бўлган Мавлавий Йўлдошнинг номини қайта-қайта тилга олди.

Номуносиб луқма билан бузилмаган бу беғараз ширин суҳбат Ойимқишлоққа кириб боргунча давом этди. Арава Абдураззоқ Бимийнинг кўча эшиги олдида тўхтаб, шоирларни туширди. Аравакаш чой ичишга ҳам кўнмай қайтиб кетди. Кекса Бимийни уйига киргизиб юбориб, учовлари Ойимқишлоқ мачити томон йўл олдилар: қучоққа сиғмас азамат тол, тераклар салқинига жойлашган Ойимнинг катта бозори гавжум эди. Айниқса, қовун-тарвуз сероб, бозорини қилиб бўлган ўзбек деҳқонлари ва қўшни бозорчи қирғизлар мачитнинг кенг саҳнида ўтиришиб олиб, қовун, тарвуз ва шафтолихўрлик қилмоқда ва баъзилари кўкракларини захга бериб, пиш-пиш ухламоқда эдилар. Мачитнинг фаррош муаззини бир қўлида узун супурги ва бир қўлида эски челақ билан келиб, қовунхўрларни койир, қовун пўчоқларини челақка солиб, яна бир коса-ярим коса «насиба» олар, соддароқ қирғизни учратиб қолса, «мачитни ифлос қилдинг!» деб бир мири, ярим мири «жарима» ҳам ундираар эди.

Эпчил ва кўпни кўрган Тўра Соҳибхон муаззиндан бир эски шолча сўраб олиб, мачитнинг холи ва салқинроқ ерига жой қилди. Мунтазир билан Муқимийни ўтқазиб, чой-пон келтирди, сўнгра бир патнисда бели ингичка олтин ранг покиза ҳусайини узум билан оқ шафтоли кў-

тариб келди-да, ўзи кўздан ғойиб бўлди. Шу кетишида йўлдан ғўшт-ёғ, мева-чева харид қилиб, шоир Бимийнинг харобасига кириб борди. Бимий ҳовлидаги кичик супага жой ҳозирлаб, ҳовли супурмоқда эди. Тўра Соҳибхон супургини Бимий қўлидан олиб, тугунчани узатди:

— Бу томонини каминага қўйиб беринг, устоз! Ўзлари мачитга борсинлар! Меҳмонлар ўша ерда муқим ва мунтазирдирлар...

Шоир Бимий Соҳибхоннинг тугиб келган нарсаси учун койинмоқчи эди, Соҳибхон кустоҳлик билан унинг гинахонлигини рад қилди, шоирни хижолатдан чиқариш учун баҳона топди:

— Муқимий сизнинг меҳмонингиз бўлса, бизнинг ҳам меҳмонимиз! Менинг кулбамга бормаслигига ақлим етиб, бирга эргашиб келдим. Йўқ, менинг меҳмоним, сен суқулма, дер экансиз, аразлаб кетиб қоламан! Ундан кўра ўзлари меҳмон ёнига чиқсинлару кутишни кампага қўйиб берсинлар...

Зийрак шоир, ҳушёр санъаткорнинг олижаноблигига тан бермаслиги мумкин эмасди.

— Раҳмат!.. Тўра Соҳибхон! Жанобларининг ҳоли каминадан ортиқ эмаслигини яхши биламан. Мен сўнги хўроз билан товуқларни сўйиб, шу билан меҳмон кузатмоқчи бўлиб турган эдим. Кириб айтай, тутиб овора бўлишмай қўя қолишсин...

Бимий ичкарига шошиб кириб кетди. Тўра Соҳибхон супа атрофини супуришга киришди. Мунтазир билан Муқимий мачитда ўтириб, ҳофиз Тўра Соҳибхоннинг базморолиги, шеър танлашдаги ўткир маҳоратига таҳсин ўқиб, ноёб фазилатларини мақтамоқда эдилар. Узун ҳассасини дўқиллатиб, йўл-йўлакай учраган кишилар саломига алик қайтариб, Абдураззоқ Бимий мачитга кириб келди ва Соҳибхон ҳақидаги бу фикрга қўшилди:

— Ҳофизнинг шеър танлай билиши унинг нозик фаросат, соҳиби дид, фазилат эгаси эканлигидан далолат беради. Бунга муяссар бўлиши учун билим, маърифат ва зийраклик керак. Мана шу хислатларга эга бўлгандагина чинакам халқ севган ҳофиз бўлиб қолиши мумкин.

— Ҳовва...— деб, сўз бошлади Муқимий,— бундай санъаткорлар афсуски, жуда кам етишмоқдалар! Арзон сўз қидириб, санъатни арзонга сотувчи саводсиз ҳофизлар туппа-тузук ғазалларни ҳам бошдан-оёқ хато ўқиб,



бечора гуноҳсиз муаллифларни пичоқсиз бўғизлайдилар. Аммо Қўқонқишлоқнинг Тўра Соҳибхонида буларнинг аксини кўрдим, шундай ҳофизни етказган Қўқонқишлоқ шинаванда халқига муҳаббатим кучайиб кетди.

Шоир Бимий ҳам бу хусусда қийматли мулоҳазаларни айтар экан, ўтирган ерларига офтоб тушди, фикри бўлинмасин деб сомелар қимир этмай тинглаб ўтиравердилар. Бимий ҳар бир чолғу асбобини чалишни билган одам муганний бўла олмагандек, ҳар бир овоз чиқариб, шеърни куйга солиб бақирган киши хонанда, ҳофиз бўла олмаслигини айтди ва ҳақиқий санъаткор бўлиш учун билим, маҳорат, одоб-ахлоқ, меъдаси тўқлик, ҳушёрлик ва донолик шарт эканлигини мисоллар билан исботлаб, ундай санъаткор ўлгандан кейин ҳам халқ қалбида яшашини уқдирди. Бимий сўзини тамомлаб ўрнидан қўзғалди ва меҳмонларни ҳовлига таклиф қилди.

Кулбага кириб келганларида табиатли ҳофиз супага жойни ораста қилиб, қозон тепасида турар эди. У меҳмонларни кутиб супага ўтқазгандан кейин қўшни хонақоҳ аҳлидан шикоят бошлади:

— Супа шинам, улфати чор, шўрвон кобули ҳам पिшаёзди-ю, ҳамсоя қурбақалар ҳали замон вақиллаб қолиб, жонимизга тегмаса деб қўрқиб турибман.

Бимий кулимсраб:

— Дарвоқе, бугун бозор куни қўшни эшоннинг атрофдаги жоҳил муридлари тўпланадиган тун! — деди. — Бадбахтлар бир ухлаб туриб авжга минадилар, қўнни-қўшниларга ором бермайдилар. Ўзим ҳам жонимдан тўйганман. Ҳали ҳам бўлса, кеч бўлмай бошқа холироқ жойга чиқишга ҳаракат қилайликмикин?..

Бимийни хижолатдан чиқариш учун Муқимий нодон зоҳидлар садр-санолатини тинглашга орзуманд эканлигини баҳона қилиб, то шўрва пишгунча Тўра Соҳибхондан кечаги мақомни ёлғиз ўқиб беришини илтимос қилди, шўрвани шопириб туришни ўз гарданига олди. Ҳофиз пойгаҳга тиз чўкди ва бу дафъа «Қўқон ушшоғи»дан бошлади, унинг кетига Заҳириддин Муҳаммад Бобирнинг «Жонимдан ўзга ёри вафодор топмадим»ини улаб, Муқимийнинг «Қоматингдан боғ аро сарви сихи дол, айланай»и билан якунлади, сўнг дуторни суяб қўйиб, ўчоқ бошига югурди.

Хуллас, кекса Бимийни уринтирувчи ортиқча такаллуфга йўл қўймай, қолган суҳбатни ўринда ёнбошлаб да-

вом эттиришни мувофиқ кўрдилар. Ярим кечага етганда хонақоҳдан жазаваси тутган подон муридларнинг оқ-фарёд, рёкорона «ҳув-ҳув»лари бошланиб, шоирларга уйқу бермади. Тонг ёришгач, нонушта дастурхони устида Муқимий қўйин дафтарини чиқариб, «Қурбақалар» ҳажвини ўқиб берди.

Ҳали дастурхон йиғилгани ҳам йўқ эдики, салом бериб аравакаш кириб келди, меҳмонлар жўнаш тараддудига тушдилар. Муқимий Бимий билан қучоқлашиб хайрлашар экан, устоз шоирнинг «Ойимдан кўчиб кетгим бор!» деган эътирозига жавобан Моҳларойим — Нодирани пеш қилиб, шу улуғ ном ҳурмати учун Ойимқишлоқда қолишни илтимос қилди ва ҳар йили келиб туришга ваъда бериб, аравага ўтирди. Арава йўлга чиққанда кўча ўртасида ҳассасига суянганча мунгайиб қараб қолган нуруний Бимийнинг табаррук сурати Муқимий қалбига нақш этилгандек ўрнашиб қолди.<sup>1</sup>

Муқимий тезроқ Қўқонга етиб боришга ошқабатгани учун қўқонқишлоқликларнинг бир-икки кун олиб қолиб қовун сайил қилдириш ҳақидаги таклифларини мулоимлик билан рад қилди ва шоир Мунтазир билан бирга Андижон сафарига тайёрлана бошлади. Қорн Зокир, Соҳибхон ва бошқа шеър мухлислари уларни Хайрободгача кузатиб қўйдилар.

Соябонли аравада Мунтазир ва Муқимий икковлон қолиб, Бимий каби фазл аҳлларининг оғир ҳаёти, пули катта подонларнинг айш-ишрат билан яшаши, замона сармоядорлар замони экани ҳақида шикоят қилиб бёрдилар. Муқимий ўз бошидан кечирганларини қисқача сўзлаб бергандан кейин шундай деди:

— Мен чеккан кулфатларга фил чидамаслиги мум-

---

<sup>1</sup> Абдураззоқ Бимий 1917 йилда Ойимқишлоқда вафот этган. Шоирнинг икки ўгли бўлиб, бири Ойимқишлоқда отасидан кейин ўлган, иккинчиси 1935 йилда отасининг бутун қўлёмаларини олиб, Тожикистонга кетиб қолган, ҳозирча Тожикистоннинг қайси районида эканлиги номаълум.

Қолган қўлёмалари шоирнинг асакалик Маллахўжа исмли дўстида сақланиб келган. Кейинги йилларда Маллахўжа Қўқон шаҳрининг Бахмалбоп маҳалласида бир ҳужрада истиқомат қилиб, дурадгорлик билан шуғулланар экан, 1962 йилда касал бўлиб Асакада вафот этган ва қўлёмалар Қўқондаги ҳужрада қолиб кетган. Меросхўрлар Қўқонга келиб, қўлёмма ва бошқа китобларни ҳужрадан топелмай қайтганликларини бизга афсусланиб гапириб бёрдилар. (С. А.)

кин, мен тишимни тишимга қўйиб келяпман, аммо таслим бўлмайман. Чунки жуда узоқларда бўлса ҳам ҳақиқат юлдузлари умидларим осмонида жилваланиб кўринмоқда!.. Ҳайронман! Нима учун ўлмай туриб тириклардан ажраб, қабристонни ихтиёр қилдингиз?..

— Мен учун қабристон тинч...

— Бу сўз ўлимга маҳкум этилган кишиларнинг киноясига ўхшайди. Сиздек файласуф шоир учун менинг фикримча, халқнинг ичи тинчроқмасми?

— Шеърга қулоқ солувчилар менга яқин келмасалар-чи?..

— Улар яқин келмасалар, сиз яқин боринг, устоз! Бири бўлмаса, бири қулоқ солар!.. Қабристон ўликлар макони, ўликлар учун на Тўра Соҳибхоннинг оромбахш мақоми ва на шоир Мунтазирнинг фалсафий шеъри, миршабларнинг дўқи билан ўткир қиличи таъсир кўрсатади. Бу аччиқ сўзлар учун сиздан афв сўраб, шуни айтмоқчиманки, табаррук девонингиз сиздан кейин қабристонда эмас, халқ ичида қолсин! Бобосатин мозорида кўҳна Андижоннинг не-не фозил шоирлари, Андижоннинг устуниман деган боёнлари, амалдорлари, неча-неча шоирларга илҳом берган гулчеҳралари, авжини фалакдан оширгувчи ҳофизлари ётгандирлар, уларни худо раҳмат қилсин. Аммо лекин, мен келиб, сиздек устозни ўликлар орасида тирик топа олганим учун шукурлар қиламан!..

Мунтазир кўзида ёш билан беихтиёр қаттиқ кулиб юборди:

— Одатда қабристонга тобут кўтариб борувчилар уйларига қайтаётганларида ораларида бир киши бўлмайди, улар бир кишидан айрилиб, камайиб қайтадилар, майли, эртага маҳалла кишилари менинг олдимга келиб, қабристондан биринчи мартаба кўпайиб қайтсинлар! Нима дедингиз, Муҳаммад Амнхўжа?

— Яхши бўлади, устоз! Мен Қўқонга борганда, шоир Мунтазирни қабристондан уйларига элтиб қўйиб келдим, дер эканман-да!..

— Мунтазирнинг ўрни бўш қолди деб, ҳожини Муҳйини юбора қолмайсизми?

— Қўқоннинг катта қабристониде ётган уламолар ҳожини Муҳйинни мутаваллиликка чақирган эдилар, «вақфи йўқ» деб, бормай юрибди. Умид борки, бир куни уламолар зўр келишса керак...

Икковларнинг кулгиларига аравакашнинг қаҳқаҳаси ҳам қўшилди. Чунки Қўқонқишлоқ шоирлари билан қадрдон бўлиб қолган бу шинаванда аравакаш қори Зокир ва унинг улфатларидан ҳазил-мутойиба гапларни эшитиб ўрганиб қолган эди. Муқимийнинг кинояси унга етиб бориб, завқини келтирди.

Шаҳарга яқинлашиб келганларида, суҳбат жиддий тус олди. Муқимийнинг тезроқ Қўқонга жўнаш ташвиши босди, «Тожибой зерикиб қолдимикин, уни ҳозир қаёқдан топса бўларкин? Андижонда маҳаллама-маҳалла юриб, қадокчилик қилаётганмикин ёки чилдирмасини қўлтиқлаб, мусофирчилик юртида беҳаслик билан тўй қидириб юрибдимикин? Агар ҳужрада бўлса-ю, кира пулни эплаган бўлса, оташ араванинг қачон жўнашини аниқлаб, жўнаб кетсак бўлар эди», деб ўйлади ва бирдан аравакаш йнги тнинг отини айтиб сўради:

— Менга қаранг, Тўйчибой! Андижондан Қўқонга оташ арава қачон жўнашини билмайсизми-а?..

— Қори Зокирни Марғилонга кечки пайт узатиб қайтган эдим.

— Чипта олиш қийин эмас эканми?..

— Бизга ўхшаганлар чиқадиган вагоннинг чиптаси чаққонроқ, бойлар чиқадиган вагонники бемалол. Нега десангиз, анча қиммат туради, дейишади..

Муқимийнинг нафаси ичига тушиб кетди. Мунтазир савол назари билан Муқимийга тикилди:

— Чиптанинг нима қоҳиши тушиб қолди?..

— Улгурсам, бугун жўнаш фикридаман..

— Мени яна қабристонга ташлаб-а?..

— Кимлар олиб борган бўлса, ўшалар қайтариб олиб кетишсин-да!

— Ҳеч ким олиб борган эмас, ўзим борганман!..

— Журъатингизга балли! Мени бутун душманларим йиғилиб, илтимос қилганларида боришдан бош тортган бўлар эдим.

Яна кулги бошланди, аравакаш от устида яна қаҳ-қаҳ уриб кулди. Арава Чувалачидан ўтиб, «Тегирмонтош» дан Бобосатин кўчасига бурилди. Лекин ҳамон суҳбат давом этмоқда эди, қабристонга яқинлашганда мунозарага айланди. Мунтазир Муқимийнинг «бугун жўнаб кетишимиз керак» деган гапини қатъий рад этиб, яна баҳоналар топди:

— Ҳали сиз суҳбатлашмаган, сизнинг Андижонга

қадам ранжида қилишингизга муштоқ бўлган Андижон шоирларидан Абдуғафур — Муҳиб, Пиримқори, Сулаймонқул — Расво, Муҳаммад Тоҳир ва Фонийлар билан сизни учраштирамай иложим йўқ. Мени қабристондан уйга қайтарадиганлар ҳам сизлар!..

Аравакаш Тўйчибой от бошини қабристон дарвозасига туриб тўхтатди-да, Мунтазирни аравадан қўлтиқлаб тушириб, от тизгинини дарвоза ҳалқасига боғлади. Арава орқасидаги бир қоп қовунни орқалаб, улардан олдин мазорга, Мунтазирнинг ҳужраси томон юрди, унинг кетидан икки шоир сўзлашиб, кириб боришди. Эшик очиқ, ҳужра олдида сув сепилган эди, ҳужрадан Тожибой югуриб чиқиб буларни кутиб олди.

Тўйчибой қонни ҳужрага бўшатди-да, кетишга рухсат сўраб, уларнинг «кечроқ жўнарсиз» деган илтимосларига ҳам унамай, хайрлашиб жўнаб қолди. Ҳужрага қадам қўйган Мунтазир ўз ҳужрасида тамоман ўзгача бир манзарани кўрди. Дастурхон юмшоқ нонлар, қовурилган писта, бир коса асал, яна бир хил нозу неъматлар билан тузалган бўлиб, ўчоқдан палов зирбаги анқир эди.

Ҳужра соҳибни ҳожига ташаккур айтиб ечинди ва ташқарига чиқиб кетди, Муқимий эса ҳожига кўз қисиб жилмайди:

— Гердайнб ўтиришингиздан гўрковлар бошлиғига ўхшаб кетасиз-а, ҳожим...

— Менинг қўлимдаги капгир сизнинг кўзингизга бел бўлиб кўринди шекилли...

— Очиғини айтсам, икки кунда соғинтирдингиз! Қўқонқишлоқдаги деҳқонлар сайилни айтмайсизми? Бир чилдирма чаладиган ҳофиз керак бўлиб қолиб, пул санашиб ўтирган эканлар. Бунга ҳам қўя беринг, Қўқонқишлоқда идиш-товоқнинг бутунидан сизни кўп! Эй, ҳожиси, тушмагур, нимасини айтасиз...

— Уша ерда ҳам шоир бозори касод десангиз-чи?

— Асти қўйинг! Қадоқчиликни юрак кўтармайди-ю, чилдирма чалишни ўргатиб қўйсангиз, бир ўлган бузоқнинг терисини қасқонга қошлаб олиб, нонини топиб кетар эдим.

— Бунга ёзишдан осон деб ўйлайсизми?..

— Бўлмасам-чи!

— Йўқ, эшон ака!.. Тўртта одамни атрофингизга тўп-лаш учун шунга яраша терлаш керак! Уни ҳавас қилмай шеърингизни ёза берингиз. Қозонда жибак узилмаслиги

учун мени ёнингиздан узоқлаштирманг. Мен кимсасиз дарбадар кишиман, топганим ошна-оғайниларим билан бир кунга етиб берса бўлади, менда эртанинг ташвиши йўқ. Аммо сиздан яширадиган сирим йўқ, ўлигим бировларга товон бўлмаслиги учун бир тиллои аҳмарни липпамга тикиб, сақлаб юраман. Буни оч қолсам ҳам харж қилмайман...

— Менда ўша ҳам йўқ!..

— Сиз ўзингизни мен билан тенг қилманг! Сиз ўлмайдиган, дунёдан тирик ўтадиган, халқ орасида хорлик кўрмайдиган кишисиз!

— Ўзим ҳам ўлмаслик орзусидаман. Ҳамма ҳам сиздек таважжуҳда бўлса эди, ўша орзуга эришган бўлар эдим! О, дўстим, кошки эди, ҳамма ҳам сиздек покиза қалб эгаси бўлса... Хайр, ҳасрат чўзилмай қўя қолсин. Мен шу кеч кетиш ниятидаман, кўнгилни қоплаб олган мушаввашлик Қўқон томон тортмоқда. Нима дейсиз?..

— Сиз нимани истасангиз мен шуни тилайман. Агар Андижонда яна бирор ҳафта турамиз десангиз ҳам бугун йўлга чиқамиз десангиз ҳам тайёрман.

— Устоз Муптазирнинг розилигини олишдан бўлак тўсиқ йўқ. Бу киши кўнмаганда ҳам қолишнинг имкони йўқ. Чунки бу киши ҳар қанча қистамасинлар, аҳволлари маълум. Бу кишига қолса, андижонлик шоирларни тўплаб биз билан танитирмоқчилар. Саломатликни берса, бошқа фурсатда келиб, улар билан танишиб, суҳбатлашармиз. Қўқонқишлоқликлар мени мафтун қилдилар. Бизни олиб кетган қори Зокир<sup>1</sup>, гарчи ёш бўлса ҳам, ижодда баланд, ақлу фаросатда расо, суҳбаторо, санъатдан ҳам хабардор йигит экан. Ойимқишлоқда қолган мўйсафид Абдураззоқ Бимийнинг йўл ўртасида ҳассасига суяниб қараб қолишини эсга олсам юрагим эзилади. Буларни ҳар йили бир бор кўрмай иложим йўқ. Туринг, ҳожим, ошнинг гурунчини солинг. Дамла-

---

<sup>1</sup> 1943 йил, республиканинг атоқли санъаткорлари билан Қўқонқишлоққа борганимизда биз суҳбат қилиб ўтирган хонага 85 ёшлар чамасидаги бир нуруний чол кириб келиб, ҳассасига суянган ҳолда бир байт ўқиди:

«Йигитлик кетди, келди ушбу аҳвол:

Асо қўлда, энгашган бир қари чол!..»

Бу — шоир қори Зокир эди. У киши билан узоқ ҳамсуҳбат бўлишга муваффақ бўлдим. Ватан урушининг охириги йилларида вафот этди, асарларининг бир қисми оиласида сақланади. (С. А.)

гунингизча устоз ҳам келади, сарпойчан узоққа кетмагандир.

Тожибой ўрнидан туриб, ош дамлаш ҳаракатига тушди. Муқимий кўчага чиқиб кетиб, андак фурсатдан кейин Мунтазир билан бирга кирди:

— Чакки овора бўлсиз, устоз... Биз тезроқ бекатга чиқишимиз, чипта олиш тадорикини қилишимиз керак!..

— Ўғлимга одам юбордим, ўғлим уларни ҳадемай, бошлаб келиб қолади. Қани ҳужрага кириб гаплашайлик!

Ичкарига кириб ўтиргач, Мунтазир Муқимийнинг бўғилиб кетганини фаҳмлаб, андак бўшашди ва қолиш-қолмасликни Муқимий ихтиёрига ташлаб, синиқ оҳангда миннатдорчилик изҳор қилди:

— Келиб, бошимни кўкка етказдиларингиз, тагин неча кун турилса бемалол. Агар жўнаш лозим топилар экан, зорим бору зўрлигим йўқ. Мана аҳволни кўриб турибсиз, гарчи тўртта бутун нон синдиришга қурбим етмаса ҳам муҳиблар истаб келишиб қадамларини узмайдилар. Ҳали йўлда менинг қабристонда ҳаёт кечиришимдан норози эканлигини билдирдингиз. Бу ҳаммаси нон-ложикнинг иши, шаҳарни бебаҳра уламоларга бўшатиб беришга тўғри келди. Бир вақтлар ҳожини Муҳйин келиб Отабек қозиникида турганда, мени салла ҳажвимни даҳрийликка жўйиб, Андижон уламоларига ёмонлаб, хунук кўрсатиб кетган эди. Шундан кейин шаҳар торлик қилиб, қабристонни ихтиёр қилган эдим...

Мунтазирнинг узри ўринли эди. Муқимий кекса, нотаён, бозори касод шоир билан оғир аҳволдаги устоз домла Халилни таққослаб кўрди ва ўзининг турмуш шароитини кўз олдига келтирди. Қабристонга чиқиб ётгани учун Мунтазирни айблаб бўлмас эди.

Қутилган кишилардан дом-дарак бўлмагач, ош сузилиб келтирилди, ош устидаги суҳбат жиддий тус олди. Мунтазир шаҳарга кўчиб тушиб, халқ орасида яшаш, умидли ёш қалам аҳллари аτροφга тўплаб, уларни эшонлар, зоҳидлар, риёкор уламоларга қарши қайраб солишга ваъда берди. Қўл артилиб, икки пиёладан чой ичилгач, дастурхонга фотиҳа ўқилди. Муқимий кўриша олмаган андижонлик қалам аҳлларига ғойибона салом ва узр айтишни илтимос қилиб, ҳар йили келиб туришга ваъда берди. Мунтазир қўл очиб, оқ йўл ва соғ-саломат-

лик тилади. Қабристон дарвозасига чиққач, қучоқлашиб хайрлашдилар. Мунтазир йўл ўртасида меҳмонларнинг қораси ўчгунча қараб қолиб, сўнг орқасига қайтди.

Муқимий билан Тожибой Култепадан аравага ўтириб, вокзал томон жўнадилар. Аравакашларнинг айтишича, Қўқонга поезд жўнашига ҳали анча вақт бор бўлиб яна бир-икки соат кутишга тўғри келар экан. Андижон бека-тида қоп, хуржун кўтарган, кўрпа орқалаган одамлар бир томонга қараб юриб кетмоқда эди. Тожибой Муқимийга хуржунни топшириб қўйиб, ўзи чиптахонага югурди.

Муқимий гоҳ хуржун устида ўтирар, гоҳ тик туриб ҳар ёққа аланглар эди. Тожибойни икки соатча кутиб хуноб бўлди. Бу орада қоронғи ҳам тушиб, узоқдаги одамлар-ни бир-биридан ажратиб бўлмай қолди. Вокзалда то-бора одам кўпаймоқда. Кўз оғриқ боласини опичган па-ранжили аёл, бошига тугун қўйиб, чарх қўлтиқлаб олган кампир, белига қумғон осиб олган, гуппи тўнда терлаб кетган содда чоллар, кир қоп, хуржунларини одамларга ишқаб, олдинга шошилаётган йигит-яланглар бир нар-садан қуруқ қолаётгандек чиптахонага интилмоқда эди. Улар орасидан зўрға чиқиб олган Тожибой ўз терларини яхтак барига арта-арта, Муқимий турган ерга югурди:

— Тозаям бўғилгандирсиз, мулла ака! Бойлар туша-диган хонага олай десам, усту бошимга қараб, чипта сотмади зангар! Афтидан усти боши башангларга сотади шекилли!..

— Ололмадингизми?!

— Мана олдим! Юмшоқ хонага эмас, қаттиқ, фуқаро хонасига олдим! Шунгаям юмшоқнинг пули кетди, чип-та олиб чиқиб бериб, хонага ўтқазиб қўядиганларга пул бериб олдирдим. Бошқа чора йўқ! Чиқиб олсак мар-ра бизники, мулла ака! Саҳарда етказиб боради дейиш-япти.

Муқимий шунга ҳам шукур қилиб, дўстига раҳмат айтди. Олдинда тўн қўлтиқлаган Муқимий, орқада оғир хуржунни кўтарган Тожибой, поездга одам қўядиган қоронғи йўлакка етиб келдилар: йўлак ниҳоятда дим, сассиқ, ёш болаларнинг йиғи-сигиси, касалларнинг ин-қиллаши ва «нари тур, бери тур», деган можаролар билан лиқ тўлган эди.

— Юмшоқ хонага чипта олганлар, алоҳида ёруғ йў-



лак орқали бенавбат қўйилар экан. Мазза-мазза савдо-гарларники!— деди Тожибой.

Муқимий индамади, юзни бошқа томонга ўгириб кўнглидан ўтказди: ҳамма нарса янги кийинганлар учун! Тўйларнинг тўри ҳам, мачитларнинг тўри ҳам! Ҳатто халқ учун қурилган оташараваларнинг тўри ҳам янги тўнлилар учун! Фазлу илми бўлмаса ҳам, кишини янги тўни бўлсин экан!

Йўлак эшиги очилиб, одамлар платформага қўйилди, қий-чув аралаш чол-кампир, хотин-халаж вагонларга осилдилар. Муқимий билан Тожибой энг пировардида бир вагоннинг эшигидан кириб олишга улгурдилар. Тожибой хуржунни йўлакка қўйиб, Муқимийни унинг устига ўтқизди-да, ўзи тип-тик туриб, этаги билан Муқимийни елпишга уринди. Уч марта занг урилиб, поезд ўрнидан қўзғалди.

Хулласи калом, бекатларда тўхтаб-тўхтаб, ярим кечада поезд Маргилонга етганини, бу бекатнинг Горчаковлигини айтдилар. Одамлар қумғон кўтариб, доғ сув қидириб кетдилар, уларнинг жойини маргилонлик йўловчилар чиқиб банд қилди, жанжал кўтарилди, бу жанжалдан чўчиб, хонадаги ёш болалар баб-бараварига йиғлашга тушдилар. Пастдан чиққанлар поезд бу бекатда икки соат туришини, ўтхона алмашишини айтишди. Бунини эшитган Муқимий бекатга тушиб, тоза ҳавода нафас олмоқчи бўлди ва у томон-бу томонга юриб, бекатни кўздан кечирди. Қаттиқ вагонлар жуда оз бўлиб, қолган тўрт вагон ҳаммаси юмшоқ вагонлар эди, уларда чироқлар ёқилган, озода хоналарда одам жуда кам, ечиниб яйраб, бир нималар ичишиб, сўзлашиб ўтирмоқдалар. Саёҳатга отланган Андижон бойваччаларидан бир нечалари вагон деразаларини очиб қўйишиб, қабиҳ иборалар билан сўзлашмоқдалар ва карта ўйнамоқдалар.

Муқимий қайтиб, ўз вагонига чиқмоқчи бўлди, лекин зинагача одам тўлиб қолган эди, чиқиб олиш мушкул бўлди. Бир-икки туртки еган бўлса ҳам шоир яхши гапириб, илтимос қилди. Муқимийни товушидан таниб, Тожибой йўлакка отилди, у ҳам одамларга ялиниб, Муқимийни яна ўша иссиқ, сассиқ вагонга киргизиб олишга муваффақ бўлди. Шундан кейин бекатларда қимир этмай, тонг ёришган пайтда Қўқон бўсағасига кириб бордилар.

Қўқон бекати Муқимий кўргандан бери ниҳоятда

ўзгариб, обод бўлиб кетган, йўлга тош ётқизилиб, йўлнинг икки четига баланд бинолар тушган эди. Поезддан тушганларни кутиб, қатор-қатор қўшот извошлар турар эди. Буни кўриб, Муқимий беихтиёр жилмайиб атрофга кўз югуртирди, вагон риёзатлари ҳам кўнгилдан чиқиб кетди. Иккалалари извошлар терилган томонга юрдилар. Бир извошга Тожибой хуржунини қўймоқчи бўлган эди, извошчи бақирди:

— Туш извошдан!.. Битинг тўкилади! Бу извошни олифта кийинганларга чиқарган!.. Устингни кўр!..

— Уша олифта кийинганлар тўлайдиганни мен ҳам тўлайман.

— Қўйсанг-чи, биродар! Дод десанг ҳам сени олмайман!..

Нарироқда турган Муқимий бўғиқ, сениқ оҳангда Тожибойни чақирди:

— Қайтинг, ҳожим!.. Оёқни ёзиб, пиёда тушиб кетамиз!..

Шу пайт орқадаги извошнинг мўйсафид ҳайдовчиси Муқимийни узоқдан таниб қолиб, югуриб келди:

— Адашмасам, Муҳаммад Аминхўжа эмасми-сиз?..

— Шундай! Муҳаммад Аминхўжаман!..

Мўйсафид извошчи шоир билан қуюқ сўрашгач, извошига таклиф қилди:

— Марҳамат!.. Мен элтиб қўяман, марҳамат!..

— Раҳмат! Шерикларни кутишимиз керак!..

Муқимий орқасига қарамай юра берди, Тожибой оғир хуржунни орқалаб, Муқимий орқасидан эргашди Галабаққолликка бўрилганда Муқимий тўхтаб, узоқда келаётган Тожибойни кутди: Тожибой жудаям терлаб кетган эди, Муқимийнинг равдойи учун бир сўз демай, хуржунни ерга қўйиб, нафасини ростлай бошлади.

— Мен Андижонда сўрамоқчи эдим! Бу хуржун мунча вазмин?..

— Совға-салом...

— Ажабо! Қўқонда ҳеч кимим йўқ деган киши ҳам, шунча совға-салом олар эмишми? Олганда ҳам эви билан-да! Бир эшакнинг юки!..

Муқимийнинг бу сўзидан Тожибой кулди:

— Шу деганингизга мен ҳам бир нима демоқчи эдим, феълингиз қўзиб, бўғилиб турганингиз учун айтгим келмади, эшон ака.

— Айта беринг, ҳожим, оғизга келганини қайтарманг!

— Икки эшакнинг юки демоқчи эдим...

Муқимий завқланиб кулиб юборди:

— Бу хуржуннинг менга қандай алоқаси бор?

— Бу совға-саломларнинг ярмиси сизники! Шуни билиб қўйинг! Уйга қуруқ кириб борасизми?.. Асал олганман, хом писта олганман, яна бўлак нарсалар...

— Ҳожиси тушмагур. Менда уй нима қилсин...

— Оила билан ажрашган бўлсангиз ҳам, сингил, жиянлар бор-ку?..

Муқимий кўча четидан индамай борар, орқада гапириб Тожибой келар, Муқимий ўзини шу аҳволда ҳеч кимга танитмаслик учун одамлар гавжум гузарлардан тезлаб ўтиб, дўстини кутар эди. Кўмир бозори кўчасига етганда кўчага бўйлаб қараб, тўхтади ва юрагида гулгула пайдо бўлди. Чунки сеvimли синглиси Меҳринсонинг уйига ва она маҳалласи Шалдирамоқ гузарига шу кўчадан борилар эди.

Муқимий хаёл суриб, шу ерда тўхтаб қолди: қаерга бориш керак? Мадрасагами? Йўқ! Хужрада балки бошқа бегона кишилар бордир, балки ҳожии Муҳйи бордир. Ҳожии Муҳйи хужрани эгалламаган тақдирда ҳам шу аҳволда мадрасага кириб бориш идрокдан эмас! Бош сиғадиган, ҳад сиғадиган яна кимники бор, бемаҳалда кимнинг эшигини қоқиш мумкин? Мавлавий Йўлдошнинг эшигини! Ахир, меҳмонхоначаси бор-ку!..

Тожибой орқадан етиб келиб, хуржунни ерга қўйганча нарироқда Муқимийнинг оғзини пойламоқда эди. Муқимий маъюслик билан қадам босиб мулла Тожибойнинг ёнига борди-да, зўрма-зўраки жилмайиб, бундай деди:

— Қўқонда қайси косиб, қайси камбағалнинг эшигини қоқсак, биз учун ҳамма вақт очилади, борадиган еримиз маълум. Аммо ҳозир бомдод намоз вақти, хуржун кўтариб, мачитлар олдидан ўтгим келмаяпти. Агар Қаймоқ бозордаги самовар ўрнида турган бўлса, ўша ерда қаймоқ билан чой ичсак! Ўзингиз ҳам ортиқ чарчадингиз!..

— Яхши маслаҳат!..

Тожибой яна хуржунни елкасига ортиб, Муқимий кетидан юрди. Бойтакўприкдан ўтиб, Қаймоқ бозорининг чойхонаси томон йўл олдилар.

ҲУЖРА ЯНА ДЎСТЛАР БИЛАН ГАВЖУМ

Алҳамдулилло, бехатар  
Келдим Муқим айлаб сафар,  
Музтар қолиб, кўрмай зарар...

Косиб шоир — Уста Авазмуҳаммад Писандий мадрасаи Мир Арабнинг мударриси мулла Холмуҳаммадохундга мактуб ёзиб, кечикиб бўлса ҳам жавоб олди. Бу мактубда Холмуҳаммадохунд кейинги вақтларда Муқимий билан ота-боладек бўлиб қолганликлари ва унга қизи Нозикни бериб куёв қилиб олиш ниятида эканлиги, Нозикнинг «Ҳарам канизлари» рўйхатига тушиб қолиш натижасида рўй берган воқеаларни баён қилиб, Муқимий ўз дўсти билан қочиб кетгандан бир кун кейин, кетолмай қизи билан ўзининг қўлга тушиб қолганлиги, Нозикнинг ҳарамга олиб кетилганлигини ҳасрат билан ҳикоя қилган ва Муқимийнинг Қўқонга эсон-омон етиб борган-бормаганлигини ёзиб юборишни илтимос этган эди.

Шоир Писандий бу мактубни олгач, Ҳазрат мадрасасига борди, миён Сотиболдихонни ҳужрадан учратолмай, уйдан топди ва Бухородан келган мазкур мактубни ўқиб берди, Миён ташвишланиб, Мавлавий Йўлдошга одам юборди, дўстлар бир ерга йиғилишиб, Муқимийнинг ҳанузгача Қўқонга етиб келмаганлиги учун хавотир ола бошладилар. Шунга қарамай, Миён Сотиболдихон, Нохўш вафот этгандан кейин қулфланиб қолган ҳужрани қайта очиб, жиҳоз ва озиқ-овқат билан таъминлаш, Муқимий табнатиغا мувофиқ келадиган озода табнат, эпчил бирор кишини ҳужрага киргизиб, пойлоқчи қилиб қўйиш ҳаракатига тушди.

Муқимийнинг яқин дўстлари воқеадан хабардор бўлиб, Обидча аъламнинг уйига йиғилдилар. Ҳужра учун биров гилам, биров кўрпа, биров болиш, биров бир арава ўтин, биров гуруч ва ҳоказо ваъда қилди ва ҳужра учун Мавлавий Йўлдош Қаримдемона қишлоқлик мулла Абдулла исмли йигитни тавсия қилиб, у йигитнинг фаросатли, чаққон, озода, хушхат, пазандалиги, ўзи етимликда ҳар кимларнинг хизматини қилиб юриб, анчагина илм соҳиби бўлганлигини айтди, шу билан бирга, шу Беквачча маҳалласида туғилиб ўсган, ўзи га-

риб бўлганлиги сабабли унга Муқимий Ғарибий деб тахаллус берган, қалам соҳиби мулла Исмоил борлигини ҳам эслатиб ўтди.

Дўстлар ҳужрани иккалаларига топширадиган бўлдилар.

— Мулла Абдулла билан мулла Исмоил Ғарибий ҳужрага кўчиб кириб, ҳеч қаёққа жилмай Муқимий йўлини пойласинлар,— деди Убайдулла Завқий.— Мен Обидча аълам билан Хўжанд ва Уратепага қадар бориб, Муқимийни суриштирамиз, бахт ёрлик қилиб дуч келиб қолсалар, бирга олиб қайтамыз, чунки, қочоқ киши поездда келмаслиги табиийдир.

Дўстлар унинг гапини маъқулладилар. Маслаҳатни бир жойга қўйиб тарқалдилар. Эртаси Миён Сотиболдихон ҳужрани очдириб, шикаст-рехтларини тузатишга одам қўйди. Мавлавий Йўлдош мулла Абдуллани ҳужрага бошлаб келди ва Ғарибийни маҳалладаги ғарибона кулбадан топиб, қулоғини буради; устоз келиши билан ҳужрада уни кутиб олиш, кейин дарҳол дўстларга хабар қилишни пишиқтирди. Уша кун ҳужрага палос ёзилди, жиҳозлантирилди, хуллас, кирди-чиқди кўпайди. Сўраганларга «Миён Сотиболдихон бундан кейин ўз ҳужраларида истиқомат қилар эмишлар...» дедилар.

Бу орада Обидча билан Завқий Хўжандга, ундан Уратепагача бориб, Бухоро карвон йўлини пойлай-пойлай, Муқимий ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга бўлмай, бўшашиб Қўқонга қайтиб келдилар. Ундан кейин ҳам бир ҳафта ўтди, аммо Муқимийдан дарак бўлмади...

Шундан кейин аҳбоблар ҳар турли фикрларга бориб, биров, «Бухоро билан Самарқанд ўртасида қўлга тушдимкин?» деса, бошқаси, «узоқ йўлда ёлғиз, пулсиз азоб-уқубатлар чекиб, нотоблик юзландимкин?» дер эди. Шундай бўлса ҳам, кўплар Муқимийни яқин орада келиб қолишидан умидвор эдилар.

Мавлавий Йўлдош бир кун эрталаб чой устида китоб кўриб ўтирган эди, кўча эшиги аста-аста чертилди, кейин жим бўлиб қолди. Агар Ғарибий хушхабар билан келганда, эшикни секин қоқмаган, балки қаттиқ ва тез-тез қоққан бўлар эди. Мавлавий Йўлдош ўқиб турган саҳифага хатчўп ташлаб, эринибгина қўзғалди, чиқиб қаршисида ўнгиб кетган қорабайтир тўнли бўйни қисик

мусофирларни кўрди, бирининг елкасида хуржуни ҳам бор эди.

Олдиндаги «мусофир» жилмайиб Мавлавий Йўлдошга яқинлаша бошлади ва қучоғини кенг очиб, ўзини унинг оғушига ташлади.

— Дўсти кироми Мавлавий? Мен келдим!..

Мавлавий Муқимийни қучоқ очгандаёқ таниган, бироқ хурсандлигидан ўзини йўқотиб қўйиб, бир сўз дейишга тили ожизлик қилиб қолган эди. Муқимий унинг кўзларига қараб кулди-да, елкасидан туртди ва сансираб бақирди. Ҳаётида бировни, айниқса дўстини биринчи сансираши эди:

— Сенга нима бўлди, Мавлавий!.. Хушингни тўпла! Мен сенинг Муқимийнингман!..

Мавлавий Йўлдош ўзига келиб, Муқимийни бошқатдан кўксига босди.

— Шодимарг бўлишимга оз қолди! Тўйишолмай ўлиб қолсам нима бўлар эди, эшон ака!..— деди. Кейин орқадаги хуржун кўтарган нотаниш меҳмон билан сўрашиб, ҳовли эшигининг иккала табақасини ҳам очди, бошқа сўз демай қўл билан йўлакни ишора қилди:

— Марҳамат...

Муқимий ичкарига такаллуфсиз қадам қўйди, Мавлавий Йўлдош Тожибойни ҳам ўтказиб юбориб, эшикни беркитди, сўнг унинг елкасидан хуржунни олди. Унинг эски ҳазилкашлиги қўзғаган эди:

— Ҳуҳ-ху!.. Мунча оғир?.. Қочоқлар десам, булар кечаси амир Бухоронинг хазинасини кўтарган тешмачилар шекилли...

Муқимий кулиб жавоб берди:

— Хуржун тўла савоб!.. Бухоройи шарифдан орттирганимиз шу бўлди.

— Бизга етиб келган мактубда, «Муқимий Бухородан бир хуржун гуноҳ билан қочди!» дейилган эди-ку?

— Бухоро амири бир ғарибнинг жонига қасд қилгудек бўлса, барча топган тоат-ибодатини ҳам хабада қилиб юборар экан. Хўш? Кимдан мактуб олдиларингиз?..

— Устозингиз бўлмиш мударрис мулла Холмуҳаммад охунд деган киши шоир Писандийга мактуб ёзиб, унда бутун воқеаларни батафсил баён қилган экан. Қани ҳужрага марҳамат. Бу ҳақда ўз оғзингиздан эшитамиз.

Ҳужрага кириб ечинишгач, Муқимий Мавлавий Йўлдошга Тожибойни таништириб, бундай деди:

— Ҳеч кимга атаб шеър ёзмаган гуноҳсиз бўлса ҳам, каминага қўшилиб қочқинга учраган ва каминани бугун сизга олиб келиб топширган шу Тожибой ҳожим бўладилар. Биз ҳозир аччиқ ва ширин хотираларимизни айтиб бериш имконига эга эмасмиз, чунки ниҳоятда чарчаганмиз. Шунинг учун аввал ким соғ, ким носоғ, ким ҳаёт, ким мамот, шулар ҳақида мухтасар ахборот бериб, сўнг бизни бир неча соатгина холи қўйсангиз, андак ором олсак...

— Сиз сўрамоқчи бўлганларнинг ҳаммалари соғ, ҳаммалари ҳаёт... Ҳозирча сиз учун шу ахборот кифоя қилар. Аммо ором олишни чойдан кейинга кўчирсакмикин?..

— Чой ичдик. Биз уйқудан тургунча қаттиқли мастава...

— Сўзсиз, бетига райҳону кашнуч сепилиб, сузма қатиғу мурчи билан...

Муқимий киртайган кўзлари билан кулимсиради.

Деразага парда тўсилиб, ҳужра қоронғилаштирилди. Муқимий билан Тожибойни ётқизиб, Мавлавий Йўлдош мадрасага чопди. Мулла Абдулла билан Ғарибийни дўстларга хабар қилиш учун югуртириб, ўзи йўл-йўлакай Миён Сотиболдихондан суюнчи олди. Кейин ҳовлига қайтиб келиб, уйдагиларга меҳмоннинг кўп бўлишини айтди-да, ўзи Исфара гузарига қараб кетди. Мавлавий Йўлдош ҳар доим кўча ўртасидан қаддини тик тутганича мардона қадам ташлаб, салом берганда алиқ қайтариб борар, йўлда ёш болалар гап ташласалар, тўхтаб гаплашар, салласи катталар дуч келса бепарво ўтиб кетар эди. Гузарга яқинлашганда баногоҳ тароқчилик кўчасидан икки арабий от қўшилган извош тез юриб келмоқда эди, отнинг чет томондагисининг калласи ёнбошга тортиб танғиб қўйилганлиги сабабли йўл кўрмай чопар эди. Бу ҳолни кўриб, Мавлавийнинг ғазоби қўзғади, йўл ўртасида туриб қўл кўтарди. Извош тўхтаб, ўзининг ҳаммаҳалласи Абдураззоқ бойвачча ерга тушди, ҳурмат юзасидан Мавлавийга салом берди:

— Мулла ака, хизмат?..

— Мен хизмат буюрмоқчи эмасман, мулла Абдураззоқ! Ҳаддим сиғиб, сизга шу гапни айтаман! Оғирингизни енгил, олисингизни яқин қилиб юрган бу забонсиз

ҳайвонни ёнбошга танғиб, қийнаб ишлатиш олифтагарчиликка кирадими ёки хизматга туҳматми?

Абдураззоқ бойвачча кулиб-кулиб узр айтди, бундан кейин отни бу қийинчиликдан минбаъд қутқазишга ваъда бериб, извошга минди-да, Ҳожибек маҳалла томон жўнаб кетди. Мавлавий Йўлдош миждоз баққолдан насиёга керакли нарсаларни олиб яна уйга қайтди. Уйда Миён Сотиболдихон, Завқий, Соли чакалак, Аҳмаджон аттор, уста Қовул сартарош, Тошхўжа мискара Муқимийнинг уйғонишини тоқатсизлик билан кутиб, аста-аста сўзлашиб ўтирар эдилар. Мавлавий уйга кириб улар билан сўрашгач, қайтиб чиқиб, меҳмонхоначанинг эшигини қаттиқ очди ва Муқимийни «эҳтиёткорлик» билан уйготди.

— Бемалол бўлса, бир нарса сўрамоқчи эдим, эшон ака.

Муқимий малол олиб бошини кўтарди, аммо кўзидан уйқу аримаган эди.

— Сўрасангиз сўрай қолмайсизми?

— Маставага қалампир тушсинми, йўқми?..

Буларнинг бу можароларидан Тожибой ҳам уйғониб кетди. Уйғотиш учун қилинган бу ҳазилдан кейин уйқуни тарк этиб, иккалалари ташқарига чиққанларида атрофларини ёр-оғайнилар ўраб олди.

Соғинишган дўстлар кечгача суҳбатлашиб, суҳбат охирида Миён Сотиболдихон Муқимийни ҳужрага таклиф қилди:

— Токайгача ҳужрангизни пойлаймиз? Бугундан бошлаб, марҳамат қилиб, ўз ҳужрангизни мендан қабул қилиб олишингиз керак!..

— Мураббий-чи?.. Ёки у киши яна мадрасан Бекдамилар?..

— Мураббийнинг вафот этганларига икки йил бўлди!..

— А?.. Устоз домла Халил-чи?..

— У киши ҳар вақт «янгиликка эскилик, ёшларга кексалар ўрин бўшатиб кетишлари қонуни ҳаётий, буни фақатгина нодонлар, телбалар инкор эта олади!» деб кўп гапирар эдилар, у кишининг пешқадам шогирдлари сифатида бу гапни кўп эшитгансиз. Устоз ўз айтганларига амал қилиб, ўринларини бизга қолдириб кетдилар!..

— Нималар деяпсиз, Миён?!



Ҳамма жим бўлиб қолди. Пойгаҳда ўтирган Мавлавий Йўлдош сўз бошлади:

— Улардан кейин отангиз ҳам вафот қилганлар!

— Нималарни эшитяпман!.. Мен бечорани Қўқонда шундай кўргиликлар кутиб турган экан!.. Ажабо!.. Бу шум фалак қашшоқ новвойни ҳам кўп кўрибди-да!..

Бориб ўрнига ўтириб, кўзларини артган Муқимийга Мавлавий Йўлдош чой узатиб деди:

— Етимлик ҳаммамизга мерос эмасми, ахир!..

— Юракдаги қат-қат армонлар устига яна армонлар қаватланди! Ўз қўлимда жон берганда эди, дунёда кўрган машаққатлари дилдан чиққан бўлармиди дейман. Хўп! Ҳужрага кетайлик!..

Баробар кўтарилиб, Туяхона сўқмоғи билан Беквачча маҳаллага бордилар. Мадраса жиловхонасида уларни мулла Абдулла билан Ғарибий кутиб олдилар. Ҳужрага кириб, Нохўшга фотиҳа қилгач, тўпланишиб мулла Халил устознинг ҳовлисига кирдилар. Отинойи билан қизлари Шарофатой ҳовли ўртасида уларни йиғлаб кутиб олишди. Фотиҳа ўқилгач, ҳаммалари ўринларидан қўзғалган эдилар, отинойи эшик панасида туриб бир китоб узатди. Бу китобнинг ҳошиясига устоз шу сўзларни ёзиб қолдирган эди: «—Муҳаммад Аминхўжа Муқимий жуда пок, истиғноли қашшоқ, ҳалим, хаттот, фозил киши, қалами ҳам жуда ўткир. Аммо у ортиқча маддоҳликни билмайди, кимни ёмон кўрса, шуни боплаб ҳажв қила беради, ажабки, амалдор, мулла, эшонлардан ҳам кўрқмайди. Шунинг учун ҳам аксар бойлар, муллалар зиёфатидан маҳрум, бу тўйларга маддоҳ шоир ҳожи Муҳий айтилади...»

Мавлавий Йўлдош китоб ҳошиясига нақш этилган бу бебаҳо сўзларни ҳаяжон билан ўқиб эшиттирди. Муқимий китобни дўстининг қўлидан олиб ўпди ва кўзига суртиб, эшик орқасида турган отинойига узатди-да, ҳар донм кириб хабар олиб туриш ваъдасини бериб, кўчага юзланди ва индамай ўзи туғилиб ўсган ҳовли йўлини олди. Уни қайтаришдан дўстлари ожизлик қилдилар, кетидан бирга боравердилар. Муқимий эшикни қаттиқ қоққан эди, югуриб кичик ўғил бола чиқди:

— Кимсан? Номинг нима?

— Акбархўжа!..

Муқимий болани тутиб олиб, кўксига босди. Бола додлаб йиғлади, Муқимий уни қўйиб юбормай юзлари-

дан ўпа берди. Боланинг чинқириғини эшитиб, ичкаридан ҳаллослаганича бош яланг Зиёдабиби чиқди. Муқимийни таниб, йиғлаб, ўзини унга ташлади:

— Бизни сиздан ноҳақ жудо қилган мутавалли ҳожини қачон ер ютаркин!.. Оҳ, болам, ҳаммасига мен айбдорман!..

Муқимий унинг дод-фарёдига қулоқ солмай ўзи туғилиб ўсган чордеворга кириб борди. Ташқаридагилар ҳам кириб, Муқимийнинг отасига дуойи фотиҳа қилдилар. Муқимий кўзида ёши билан ҳамон ўғлини кўксидан қўймас эди. Бола кўника қолди. У Муқимийнинг юзига тикилиб, кўзини ундан узолмас эди. Чунки, бу вақтгача ҳеч ким уни кўксига босиб севмаган эди. Акбархўжа ёшига етмай, Ойшабиби бақақуруллоқлик бир аспжаллобга узатилган эди. Аспжаллоб Ойшабибинини уйига олиб кетиб, Акбархўжа Зиёдабибин қўлида катта бўлди. Зиёдабиби Акбархўжани етаклаб, қизини кўриш учун кириб борганда, бола билан борганлиги учун куёвини йўлақдан қайтариб жўнатар, дакки берар, кампир болани етаклаб йиғлаганича уйга яна қайтиб келар эди.

Зиёдабиби қон йиғлаб, ҳасрат дафттарини очмоқчи, Муқимий оёғига йиқилиб, узр айтмоқчи эди. Муқимий ўрнидан сапчиб туриб, болани кўксига босганча кўчага чиқди. Дўстлар ҳам унинг кетидан чиқишиб мадраса томон юрдилар. Зиёдабиби улар кетидан бош яланг кўчага чиқиб, сочини юлиб йиғлаб қолди. Акбархўжани ҳужрага олиб келганларидан кейин Тожибой хуржундан тўнча, этикча ва қийиқ билан дўппини олиб, болани кийинтирди.

Муқимий ўзини бир оз тўхтатиб олиб, Мавлавий Йўлдошга юзланди:

— Яна кимга фотиҳа лозим? Унга ҳам бориб кела қолайлик!..

— Фотиҳа лозим жойлар анча бор. Аммо бугун бориш зарур эмас. Бир фотиҳа ўқиш зарур бўлган жой борки, унинг азаси ҳам, дуойи фотиҳаси ҳам шу ҳужрада бўла қолсин...

Муқимий бу муаммога тушунмай, яна Мавлавий Йўлдошга тикилди:

— Ким экан у?..

— Ахир, сиз Бухорога кетган йилингиз синглингиз Мехринисо...

— А?.. У ҳам вафот қилган денг?!

— Шундай, эшон ака!..

Муқимий ўрнидан сапчиб туриб кетди:

— Нега олдинроқ айтмадиларингиз?.. Уша ерга бо-  
райлик!..

Миён Сотиболдихон ўрнидан турди ва Муқимийнинг  
йўлини тўсди:

— Бориш қочмайди! Бир оз нафасни ростлаб олиб,  
бизга қулоқ беринг!..

Муқимий Миённинг сўзини рад қилолмай, қайғу ва  
ҳаяжон ичида бир четга бориб ўтирди, кўзларидаги том-  
чиларни енг учиди артди, Завқий силлиқ қилиб сўз бош-  
лади:

— Сизнинг йўқлигингизни билинтирмай ўзимиз бош  
бўлиб кўмдик, бир ҳафтагача ўша ерда бўлдик. Сизга  
бу ҳақда мактуб ёзиш имкони бўлмади. Аввало, қаерга  
ўрнашганлигингиз бизга ноаниқ эди, иккинчидан, хат  
олиб борувчи тайинли одам бўлмади, учинчидан, мусо-  
фир юртда сизни безовта қилмаслик андишаси ўртага  
тушди.

— Хўп майли! Хат ёзиш лозим топилмабди, мана  
бугун келиб эшитдим! Эшитиш билан қаноатланиб, шу  
ерда дуойи фотиҳа қилишинг кифоя демоқчимсиз-  
лар?.. У вафот этган бўлса, поччамиз бор, жиян бор  
ахир!

Мавлавий Йўлдош воқеани батафсил тушунтирди:

— Поччангиз Дўстмуҳаммад ўғлини олиб, Макка-  
туллога жўнаганига икки йил бўлаёзди. Ҳовлисини ҳам  
сотиб кетган деб эшитганмиз...

— Нима-нима?.. Ҳажга боришни унга ким қўйибди?  
Бу қандай нодонлик? Камбағал одамга ҳажда нима  
бор? Унинг ёш болани олиб кетишини кўрмайсизми?

Муқимийни юмшатиш учун битталари қуръон ўқиб  
юбордилар. Муқимий ҳамон тебранмоқда эди. Фотиҳа  
тортилгач, Ғарибий кириб, ҳожи Муҳйи келаётганини  
билдирди. Муқимий унга қайғу-алам билан кўринмоқчи  
эмас эди, ўзини тутиб олиб, юз ифодасини ўзгартирди,  
ўғлини маҳкам қучиб, у билан гаплаша бошлади, Муҳйи  
ҳужра эшигидан гапириб кирди:

— Бухоройи шарифдан Муҳаммад Аминхўжа эшон  
кептилару бизга маълум ҳам қилай демайсизлар!.. Ас-  
салому алайкум!..

Аз рўйи мураса, ҳаммалари ўринларидан қўзғалди-  
лар, Муҳйи узоқдан қулоч ёзиб, Муқимийга яқинлашди,

Муқимий ҳам у билан қучоқлашиб кўришишга мажбур бўлди. Утирдилар.

— Келинг! Ҳорманг?!

— Саломат бўлсинлар... Соғиниб, таътил қилиб келган эдим...

— Энди кетманг! Сиз кетиб, мадрасамиз ҳувиллаб қолди. Шундайми, жаноб Миён?..

Ҳожининг бу риекорона саволига Миён Сотиболди-хон лўнда жавоб қайтарди:

— Бу мадрасагина эмас, бутун шаҳар ҳувиллаб қолди! Муқимийни бутун халқ яхши кўришини бу киши Бухорога кетгандан кейин тушундик!..

Рағи бўзариб, сўнг қизаринқираган ҳожи Муҳйи гўё ўзини ҳам кўнгли яқинлар қаторига қўшмоқчи бўлди:

— Худди кунни кеча ҳурматли Овғонбойнинг меҳмонхоналарида уч-тўрт уламолар билан сизни эслаган эдик. Мадрасан Хонга бир мударрис кераклиги ҳақида сўз чиқиб кетиб, агар Муҳаммад Амнхўжа Муқимий Бухородан қайтиб кела қолсалар, мударрисликни шу кишига ҳавола қилар эдик, деган мулоҳазалар бўлган эди. Мана бугун келганингизни эшитиб бениҳоя қувониб кетдим!..

Муҳйининг ёлғони афтидан билиниб турарди. Утирганларнинг ғазаби кўзиб кетса ҳам улар ўзларини бошиб жим ўтирар эдилар. Косиб, чапани Завқий чидаш бермади:

— Муқимийга мунчалик меҳрибон эканлигингизни билмаган эдик!..

— Менинг Муқимийга нисбатан ҳурматим барчага аён!..

Мавлавий Йўлдош унинг охириги жумласини қайтарди:

— Барчага аён: Бунга Саъдихон қози ҳам шоҳид!..

— Бу нима деганингиз?.. Тушунмадим!..

— Муқимий учун ҳеч нарса эмас. Аммо ана у бечора она-бола аёлларга жавр бўлди, мана бу расида гўдакка жавр бўлди...

Ҳожи Муҳйи ҳеч нарса тушунмагандек, атрофдагиларга тиржайиб елка қисди, бироқ ҳамма кўз нафрат, ғазаб билан хўмрайиб турганини кўрди. Фотиҳа ўқиб, ўрнидан қўзғалди, бепарво, ўғилчасини тизига ўтқазиб, севаётган Муқимийга ер остидан назар ташлади-да, ташқарига юзланди, аммо ҳеч ким ўрнидан турмади.

У кун ўтиб, эртаси узоқ-яқиндаги ошна-огайни, ёру биродар кўнгли яқинлар Муқимийни кўриш ва кўнгил сўраш учун ҳужрага кела бошладилар. Шунингдек, кичик сингиллар, куёвлар, қудалар ва маҳалланинг кекса ва ёшлари кирдилар. Тўп-тўп бўлишиб косиблар, расталардаги шеърхон шинавандалардан тортиб, созандаю хонандаларгача келиб кетдилар. Бир ҳафтагача Муқимий ва Муқимийнинг яқин дўстлари фотиҳачи кузатиш билан банд бўлдилар. Лекин мана шу кунларда Муҳйининг ҳужраси қулф бўлди.

Ҳожи Муҳйи Муқимийга қарши кураш ва ўз қораниятларини халқ орасида тарқатиш мақсадида қўшиқ ёзувчи шоирлар етиштиришга киришган эди. Муҳйи изидан Қўқонда икки «шоир» бош кўтарди: Уларнинг бири Абдуллажон — Насимий, иккинчиси Кенагас қишлоқлик, хонақоҳ ҳофизи Зиёвхон тўра — Ҳазиний эди.

Ҳожи Муҳйи томонидан ёзилган қўшиқлар халқ динига ботмай, рад этила берилгандан кейин, у пистафурушлик растасининг «ҳаваскор шоири» Абдуллажон номли йнгитча орқали, ўз шеърларини халқ орасига ёйишни ўйлаб топди, унга «Насимий» тахаллуси бериб, уни «истикболнинг улуғ шоири» деб, ҳар ерларда кўкларга кўтарди.

Мен шундай шоир эканман деб, ўпкаси оғзига тикилган Абдуллажон пистафуруш, ҳожи Муҳйидан ҳеч нарсасини аямади. Улуғ айёмларда меҳмонхонасига чақириб, бошидан-оёқ сарпо қўйди, Муҳйи ҳам ҳар доим мева бозоридаги Абдуллажоннинг дўконида писта билан нонушта қиладиган бўлиб қолди.

Муҳйининг ҳимояси остида Кенагасдан бош кўтарган катта ер эгаси, жуда кўп муридли хонақоҳ эшон Зиёвхон тўра Ҳазиний тахаллуси билан қўшиқлар ёзишни бошлаб юборди. Унинг ёзган қўшиқлари эса, «жаннат, дўзах, охират, қиёмат, савоб, гуноҳ» сўзлари билан тўла бўлиб, халқни қўрқитиш, шарият пешволарининг чизигидан чиқмаслик, хўжайинларга бўйсунуш, замон янгиликларидан парҳез қилишни тарғиб қилишдан иборат эди.

Зиёвхон тўранинг бошлаган «хайрли» иши руҳонийларга ҳам, бойларга ҳам манзур бўлиб тушди. Ҳазиний улар орасида обрў қозона бошлади ва атрофига шаллақи ҳофизларни тўплаб, ўз ашуаларини тўй, сайил-

ларда намойиш қилишга, халқнинг «кўзини очиш», «худонинг қаҳридан воқиф қилишга» астойдил бел боғлади.

Бошдан-оёқ ваҳима, қўрқитишдан иборат бўлган ашулаларни Абдурахмон «пари» деб ном чиқарган нодон сассиқпўпишак маъракаларда патнис ушлаганича, у супадан бу супага сакраб юриб, йиғлаб туриб айтарди. Бундай ашулаларни айтувчи «ҳофиз»ларга Зиёвхон тўра яхши от, кийим-бош, ётар жой ва озиқ-овқат инъом қилар эди.

Қўқонлик шеършунос ҳақгўйларнинг эътирофларича, Ҳазиний ёшлигида анчагина дардли шеърлар ёзган шоир бўлиб, кейинча у хонақоҳ нашъу намоларига қул, сўфиликка таслим бўлди, шунинг орқасида давлат орттирди, катта мулкдорлар қаторига кирди. «Тор бўлди Ҳазинийга Фарғона тонг отгунча» деб ёзилган ҳаққоний лирик сатрлар ўрнига «фигон айлаб, гуноҳинг ваҳмидан оҳу надомат қил, алам ўтида бағрин доғлагил шому саҳарларда» деб, диний насихатгўй ғазаллар ёза бошлади.

Ҳазиний «ансамбли»га сўфи созандалар, ҳезалак раққослар, эшакмижоз хонандалар тўпланишиб, тўранинг «сояи давлатида» давр-даврон сурар эдилар. Ҳазиний тўра тўй, зиёфатга борса, улар яхши либослар кийиб ўз отларида унинг орқасида борар эдилар.

Муқимий Бухородалик вақтида Қўқоннинг камбағал шоир ва қашшоқ хонанда ва созандалари яккаланиб, руҳан тушкунликка учраган эдилар. Айниқса, Ҳазиний тўранинг авжи ва унинг атрофига тўпланганларни кўргандан кейин ҳеч чидаб туролмас эдилар. Муқимий келиб, аҳволдан воқиф бўлгандан кейин, ғазаб ва нафрат билан қўлига қалам олди, халқни Муҳйи, Ҳазинийлар тузоғидан узоқлашишга чақирувчи ҳаётий қўшиқлар, риёкор мулла, эшонларни фош этувчи ҳажвлар ёзишга киришди.

Кўп ўтмай ўз атрофида қаламнинг учини йўнган, чолғу асбобларини баланд созлаган ёш қалам соҳиблари, санъаткор ва бастакорларни кўрди, ҳужра янги шеърят ва санъат анжуманига айланди. Бўзчи Муҳаммадjon Макай<sup>1</sup> Муқимийнинг бир ғазалига ажойиб, шўх, жонли бир куй боғлаб келиб, ўзини танитган бўлса, ёш Усмонхўжа — Зорий шаҳарнинг «Мусича маҳ-

<sup>1</sup> Яна бир макайлик унвонли Мамажон бор, у ўйинчидир.

зум» деб аталувчи рибкор, кўзи оч, тутун чиққан ерда тайёр уламосини ҳажв қилиб ном чиқарди:

«Қаю манзилларида юрмиш олоп баччагар маҳзум,  
Узи ҳушёр эмасдир, асли нодон баччагар маҳзум,  
Жаҳонда ақлдан билкулли дархон баччагар маҳзум,  
Ҳамма афъоли ҳайвон, лекин инсон баччагар маҳзум...»

Қосиб ёшлар орасидан етишайтган Убайдулла Завқий жўшқин, оташзабон шоир эди. Унинг ёзаётган ғазаллари ҳам, ҳажвлари ҳам оддий кишилар манфаатини кўзлар ва барчага манзур бўлиб ёйилар эди. Шоир Залилий эса яна бир бошқа оламу кўпроқ растандан кичик дўконни банд қилиб, рўмолфурушлик қилувчи бешбел, хиббим нусха, чаласавод савдогарчалар тилидан ёки уларни масхара қилиб ёзилган, «Шикили», «Вой ўлмасам», «Қайга борай?..», «Қандоқ қилай» каби шеърларини олиб келиб, Муқимийга ўқиб берар эди.

Тобора буларнинг сафи кенгаймоқда, қосиблар орасидан етишган ва етишайтган ажойиб-ажойиб бастакор ва созандалар Муқимий, Фурқат пзидан бораётган шоирларнинг шеърларини халққа ёймоқда эдилар. Уста Қовул муллалар ва маҳаллий амалдорлар томонидан таъқиб қилинишига қарамай, ўз сартарошхонасида шинавандаларига ҳажвий шеърлар ўқиб, уларни кулдиргани кулдирган эди.

Муқимий ҳужраси ҳар доим эски ва янги дўстлар билан гавжум, ёзиғлик дастурхон йиғилмасди. Эрталаб Зиёдабиби томонидан киргизиб юборилган Акбархўжа кечгача отаси тиззасида, шеърхонлик авжида эди. Тожибой кундузлари тирикчилик билан чиқиб кетиб, кечки пайт топганига бир нарсалар олиб кириб келади, келгандан кейин мулла Абдулла, Исмоилжон Фарбийлар билан хизмат талашади.

Бу аҳвол бора-бора Муқимийни ўйлантириб қўйди: «Бир сариқ чақа даромад йўқ, ҳужрада уч киши қўл қовуштириб хизмат қилади, кундалик маишат дўстлар устига. Энди, озми-кўпми, бир даромаднинг тадорикини кўзлаш вақти келди!..»

Бу мулоҳаза дўстларга ҳам маъқул келиб, Муқимий учун муносиб бир иш топиш ҳақида ўйлай бошладилар. Баъзилари ўйлаб, «пул тўплаб, дўкондорчиликка ўтқазиб қўйсакмикин» десалар, баъзилар қозихонадан

аъламлик лавозимини лойиқ кўрдилар. Аммо Муқимий буларни ўзига муносиб кўрмай, юрагидаги дардини айтиб солди:

— Мен учун шундай бир хизмат топилсинки, бир ерда ўтирмай, доим халқ орасида юрсам ва бу хизмат халқ ҳаётини ўрганишга ёрдам берса!..

Муқимийнинг бу истагини дўстлар Қори сумалакка етказдилар. Қори сумалак маҳкама ишлари билан алоқадор, рус чиновниклари билан сўзлашиш ва иш битказиш соҳасида унча-мунча тажрибага эга бўлганлиги сабабли бу ишнинг кафилини ўз устига олди. Кўп ўтмай Муқимийга муносиб хизмат топди. У ҳам бўлса, уезд ер маҳкамасидаги ер ўлчовчи (землямер)ларга ёрдамчи мирзолик вазифаси эди. Агар Муқимий қунт қилиб, бу вазифада узоқ ишласа, рус тилини ўрганиб халқ билан танобчилар ўртасида тилмоч бўлиб қолиши турган гап эди.

Муқимий бу хизматни бажону дил қабул қилиб, Қори сумалак ёрдамида уезд ер маҳкамасига хизматга кирди. Рус танобчилари билан ҳар кун эрталаб қишлоқ-ма-қишлоқ кезиб, ер ўлчашда уларга ёрдамлаша бошладди. Танобчилар давлатманд деҳқонлардан пора олиб, солиқ миқдорини камайтириб берар, пора узатишга қурби етмаганларнинг шўрини қуритар эдилар.

Ер маҳкамасидаги чиновниклар арзанда бўлган ерли танобчилардан, айниқса Султонали Хўжа билан Ҳакимжон порага ёмон ўрганган эдилар. Улардан безган деҳқонлар «танобчи хўжалар келяпти», деган гапни эшитгудек бўлсалар, жонларини ҳовучлаб, титрар эдилар.

Танобчилар билан Муқимий узоқ қишлоқларга борганда, танимаган деҳқонлар Муқимийни ҳам танобчи хўжалар таифасидан деб билиб, унга нафрат кўзи билан қарай бошладилар. Бир йилдан кейин Муқимий порахўр, очкўз танобчиларни ҳажв қилиб узундан-узоқ шеър ёзди. Бу ҳажв қишлоқ деҳқонлари орасида қўлмақўл бўлиб кетди ва уста Қовул орқали шаҳарга тарқалди. Шундан кейин танобчилар Муқимийни сиғдирмай, уни ўз ораларидан чиқариб ташлаш учун баҳона излай бошладилар.

Баҳор мавсумида Муқимий танобчи хўжайинлари билан Учкўприк атрофида уч кун далама-дала кезиб, ер ўлчадди. У ниҳоятда чарчаб ўзида нотоблик сеза бошладди. Танобчилар бошлиғи шаҳарга қайтишга рухсат бер-



ди. Муқимий Ултармага етиб келганда ҳолдан кетиб, қатиқ билан нон топиб ейиш мақсадида қишлоққа бурилди, шунда ажойиб, кўнгилли бир манзарага дуч келди:

Ориқ байтал қўшилган кичик четанли арава атрофини бошига камзулча ёпиниб олган пилта сочли қизу жувонлар ўраб олганлар, йнгит бир сапчиб аравага чиқади, четанга осилган турли-туман атторлик буюмларини бир-бир намоён қилиб, куйлай бошлайди:

«Номим Саттор, касбим аттор, келинг, қизлар, қатор-қатор,  
Атир ҳам бор, упа ҳам бор, олинглар, қизлар, олинглар!..  
Ёр ҳажрида кўксим сўкук, ғам дарди-ла қаддим букук,  
Арзондир менда сочпопук, олинглар, қизлар, олинглар!..  
Қизларнинг бўлади нози, нознинг ҳам тузукдир ози,  
Керак бўлса сақич, мози, олинглар, қизлар, олинглар!..  
Хўраймасдан бир кулиб боқ, бир кўришга бўлдум муштоқ,  
Халтам тўла ҳар хил мунчоқ, олинглар, қизлар, олинглар!..  
Йўлим олис, юртим йироқ, ўртар мени ҳижрон фироқ,  
Зумрад кўзли олтин балдоқ, олинглар, қизлар, олинглар!..  
Турли-туман ўйинчоқлар, қора мунчоқ, кўзмунчоқлар,  
Қайтиб келмас ёшлик чоғлар, олинглар, қизлар, олинглар!..  
Юзи оқу лаби маржон, айтар сўзи оромижон,  
Сирғаларнинг нархи арзон, олинглар, қизлар, олинглар!  
Эй, кўзларим, қараб тўйма, қарашингни сира қўйма,  
Суяк туйма, садаф туйма, олинглар, қизлар, олинглар!..  
Боқсанг, кўнглим ярақ-ярақ, кечиктирмай чиқ эртароқ,  
Ношвот тароқ, шамшод тароқ, олинглар, қизлар, олинглар!..  
Қиз боланинг шўхи тузук, қоши ҳилол, кўзи сузук,  
Қалай узук, кумуш узук, олинглар, қизлар, олинглар!..  
Ақлу ҳушим доим санда, ошиқ қилдинг қараганда,  
Ҳам чанқовуз, ҳам чирманда, олинглар, қизлар, олинглар!»

Овози кўнғироқдек бу чиройли аттор йнгитнинг тўқиган қўшиғи ниҳоятда жозибали, ниҳоятда жонли ва силлиқ эди. Бунини эшитган Муқимий очликни ҳам ёддан фаромуш қилди. Йнгит бу қўшиғини бошдан қайтарар, қизиқ ҳаракатлар қилар, қизлар қийқаришиб кулар эдилар.

Муқимий эринмай, ер маҳкамасининг дафтарига қора қалам билан бу қўшиқни ёзиб олар экан, танобчиликни у йнгитга бериб, ўзи аттор бўлиб олгиси келиб кетди.

«Йўқ! Муқимий, сен ҳали ижодда, санъатда шу атор йигитчалик халқни ўзингга жалб қила олганинг йўқ!..»

Муқимий бир ҳафта қаттиқ иситмалаб ётиб, тузалгандан кейин танобчилар кетидан юрмади, Қори сумалакка илтимос қилиб, кўнгилсиз хизматдан бўшаб олди. Яна бир муносиб хизмат топилгунча хаттотлик санъатини такомиллаштириш мақсадида, Тароқчилик мачитига қатнаб машҳур хаттот Муҳаммад Юсуфхон қилқалам устозга ёрдамлаша бошлади.

Муҳаммад Юсуфхон қилқалам баъзи зарур мактублар, қасидалар, лавҳалар, қимматли қўлёзмаларнинг қалам ҳақисини Муқимийнинг ўзига бериб, уни бу ишга қизиқтирмоқчи бўлди. Шу йўсинда шоир кечгача кўчириб ёзиш билан банд бўлиб, кун ботганда ҳужрага қайтар ва ярим кечагача ижод билан банд бўлар эди.

Муқимий ҳофизаси яхши ва сермаҳсул шоирлардан эди. У дам ғазаллар, дам ҳажвлар, дам хотиралар билан дафтар тўлғазар, уларни ҳафранг қоғозга кўчира ва баъзиларини ҳужра деворига ёпиштириб қўярди. Бора-бора ҳужранинг айланма девори ғазаллар кўрғазмасига айланиб кетди, келган меҳмонлар уларни кўздан кечириб, Муқимийнинг нозик табиатига тасанно ўқир эдилар.

Шоирнинг мухлислари тобора ортиб, Тошкент, Андижон, Наманган ва Марғилондан самимий мактублар, таклифномалар келиб турадиган бўлиб қолди. Муқимий ҳам кечиктирмай мактубларга жавоб ёзиб, ташаккур изҳор қилар, бориш ваъдасини берар ёки уларни Қўқонга таклиф қиларди. Шунинг орқасида ҳужра ҳар доим янги-янги дўстлар билан тўлиб, гоҳ шеърхонлик, гоҳ мақому ялла базми ва аския билан гурилларди.

Тожибой кейинги вақтда мадрасаи Чалпакдан ҳужра қилиб, кундузлар Чалчиқ гузариди қадоқчилик билан шуғулланар, кечалари Муқимий ҳужрасида ёки янги орттирган улфатлари билан ўз ҳужрасида қозон қайнатиб, ҳангома билан вақт ўтказадиган бўлди. Кечалардан бирида Муқимий ҳужрасига эски қадрдонлар тўпланишиб, ширин суҳбат қилаётган эдилар, эшикдан бир косиб йигит кириб келди. Бу йигит шоир Писандийнинг кичик ўғли Абдулқайюм эди. Саломдан кейин Муқимийга найча қилиб ўралган қоғоз узатиб, буни Пи-

сандий юборганини айтди. Муқимий қоғозни очиб, кўз югуртирди:

— Қулоқ беринглар! Ажойиб ҳажв!

Шоир Писандий томонидан ёзилган бу ҳажв, Муҳйининг қалин дўсти ва Муқимийни оиласидан ажратиб юборишга ҳукм чиқарган Саъдихон қози ҳақида эди:

«Чиқди оламга баччагар қози,  
Эл аро шуҳрати заҳар қози.  
Номини Сад деб галат қўйган,  
Наҳсдан туғди, ибни шар қози.  
Ота меросидир сағир моли,  
Кимки ўлса анга падар, қози.  
Сув чиён ё илон десам билмай,  
Билган айтур: товонтешар, қози.  
Кундузи маснади қазо узра,  
Кечаси, яъни йўлтўсар, қози.  
Бойлар судига жавоб ҳозир,  
Камбағал ҳукмини бузар, қози.  
Хонавайрон неча етим, туллар,  
Дод, дастингдан, эй, ўжар, қози!  
Қалъача кафшу оқ банорае тўн,  
Ҳайф зар дўппи-ю камар, қози.  
Бўлса эрди тариқча ақлинг агар,  
Топар эрдинг бўлак ҳунар, қози.  
Бу ғазални эшит Писандийдан,  
Аблаҳи даҳр мухтасар, қози».

Шоир Авазмуҳаммад Писандий Қўқоннинг Муллабошмон маҳалласидан бўлиб, касби атласбоф, ўзи фозил, зўр ҳажвчи шоир эди. Йигитлик йилларини Қўқон ва Бухоро мадрасаларида ўтказган, форс ва араб тилларини мулла Холмуҳаммад охунд Каттақўрғонийдан ўрганиб олган, кейинча ўз севган касби — атласбофликка ўтган, умрининг охиригача косибчилик билан ҳаёт кечирган эди.

Кекса Писандий узун ҳассасини қўлтиғидан ўтказиб олиб, кўча ўртасидан доим бир нималарни аста хониш қилиб борар, йўлда ёш болалар Писандийга эргашиб, «уста бобо, эртак айтиб беринг», деб унинг ҳол-жонига қўйишмасди. Ёш болаларни яхши кўрган кекса шоир йўл четига ўтириб, уларга қизиқ-қизик ҳикоячалар айтиб берар ва белбоғи қатидан бўғирсоқ қандолат олиб, уларга улашиб ўтиб кетар эди.

Писандийни билганлар «уста ришхўр» деб, атар эдилар. Унинг соқоли нягида яккам-дуккам (баъзан асаби қўзиганда соқолидан бир-икки мўйни чимдиб, узиб ташлайдиган одати бор эди), юзи чўзиқ, кўзлари ўткир, ширинсухан, риёкор руҳонийлар билан бемураса, айниқса Муҳйини кўришга кўзи йўқ эди. Шунинг учун ҳам уни уламолар ёмон кўрар, «муллаи беамал» деб, қўл силтар эдилар.<sup>1</sup>

Муҳйини ва Саъдихон қозидек уламо, шарнат пешволарининг кирдикорлари ҳақида софдил қаламкашлар қанча ҳажв ёзишмасин, Ҳасанхон маҳзум сингариларининг қилаётган бузуқчиликларини қанча фош қилишмасин, барибир улар яна билган номаъқулчилигини қилар эдилар. Чунки, шарнат ҳам, сармоя ҳам, ҳокимият ҳам улар тарафида эди.

Муқимий тонготар-тонготар шам ёқиб ўтириб, ғазаллар ва ҳажвлар ёзар, мулла Абдулла ўтириб оққа кўчирар, Ғарибий илтимос қилган ҳофизларга элтиб, ҳажвларни уста Қовулга ўқиб бериб қайтар эди.

Кечки кузда Қўқоннинг зериктирувчи шамоллари ҳам бошланди. Бундай кунларда имкони бор кишилар кўчани ҳавас қилмай, кунларини гулхан теварагида ўтказсалар, тирикчилигини кунда кўчадан ахтарадиган қўли юққа камбағаллар шу шамолларда ҳам кўча ва каппонда тентирар эдилар.

Истиғноси баланд бўлган шоир ҳар қандай тўйга ёки зиёфатларга бора бермас, аммо суҳбати ширин, оддий косибларнинг бетакаллуф йиғилишларига жон деб борар, оддий кишилар дастурхони устида яйраб, ялла тинглар, чуқур киноя ва сўз ўйинлари билан бошланиб, тугалланадиган аскиялардан ҳордиқ чиқариб, ҳеч ерда тунаб қолмай, ҳужрага қайтар эди. Шунинг учун ҳам ҳар доим Ғарибий қўлида фонус тутиб, Муқимийга ҳамроҳ бўлиб борарди.

Совуқ кечаларнинг бирида Халакижон маҳалласидаги Усмонхўжа Зорийнинг уйига бориб, меҳмон бўлгандан кейин ярим кечада ҳужрага қайтди. Кўча қоронғи, шамолда фонус ўчган, йўл ўртаси балчиқ, чети тийганчиқ эди. Иссиқ сандалдан чиқиб, шамолда ҳужрага

<sup>1</sup> Кампирни вафот қилгач, Писандий 90 ёшда уйланиб, уч фарзанд кўрди ва 1918 йилда 102 ёшда вафот этди. Писандийнинг қизларидан Жаҳонбиби Фаргона областининг Тулғазнов қишлоғида туради, ҳозир 90 ёшда.

етиб келиб олгунча Муқимий титраб-қақшади. Хужрага етиб келгандан кейин ҳарорат кўтарилди. Мулла Абдулла чой ичкизиб туриб, Муқимий Халакижонга кетгандан кейин хужрага Фарзинча келганлиги, Мирғофир қорининг тўйи олдидан бўлаётган зиёфатга Марғилондан машҳур ялла устози Мадалибек билан шаҳрихонлик Зоҳидбек ва бир неча қизиқчи, аскиячилар келганликларини ва бу суҳбатда Муқимий бўлишини хоҳлаганларини айтиб, афсусланиб қайтиб кетганлигини сўзлади. Бу хабарни эшитган Муқимий гарчи Мирғофир қорининг зиёфатига унча қизиқмаса ҳам, кўпдан доврўғини эшитиб, суҳбатини орзу қилиб юрган Мадалибек суҳбатидан маҳрум бўлганлигидан афсусланган бўлди. Эрталаб зиёфатдан насиба тугиб, Мирғофир қорининг меҳмонхонасидан Фарзинча, Мадалибек, ўттиз ёш чамасидаги марғилонлик Юсуфжон қизиқ, унинг шериклари ва Муқимийнинг Қўқондаги дўстларидан Бобомирза, Аҳмаджон Атор, Обидча ва бошқалар хужрага кириб келдилар. Оби дастурхондан кейин Мадалибек танбур сошлаб, ёнидаги ҳамнафаси Зоҳидбек билан ялла бошлади. Унинг ялласини Муқимий биринчи эшитиши эди.

Мадалибек бошқа яллачилардек чўзмай, дона-дона қилиб, териб айтар, у ялла бошлаши билан ўтиришга алоҳида, фавқулодда бир файз кирарди.

«Сенга арзим, айланаман, баён... айлайинно...

Эшит, шавкатли султоним...»

Тўрт яллани бир-бирига улаб бориб, авжини фалакка етказгандан сўнг танбурни ерга қўйиб, Муқимийга ўтирган ерида таъзим қилди. Чунки айтилган тўрттала ялла ҳам Муқимийга ғазали эди. Улар Муқимийга саломатлик тилаб, бошқа бир меҳмонхонага жўнаб кетдилар. Муқимийнинг фикр-ёди гўё уларга қўшилиб бирга кетгандек бўлди.

Хужрада ўтин тугаб қолган эди. Ваъда қилинган ўрик саржинини олиб келиш учун мулла Абдулла Қоратепа қишлоққа, Муқимийнинг деҳқон дўсти Зокир ҳожиникига кетди, хужрада Муқимий билан Ғарибий қолдилар. Ғарибий итга ишқибоз бўлиб, «Қитмир»<sup>1</sup> ити учун қаерга борса устухон йиғиштириб келар, Муқимийнинг бўш вақтини топса, итини мақтайвериб кулдирарди.

<sup>1</sup> Қ и т м и р — афсонавий бир кучукка берилган ном.

Муқимий ҳам кўп вақт Ғарибийга «хожа сакпараст» деб тегишар эди. Ғарибий кечаси Муқимийни ёлғиз ташлаб, нтига овқат бериш учун уйига кетди, қайтишда ҳужрага қунишиб кириб келди:

— Қор ёғяпти, мулла ака!.. Қорхат ёзиб берсангиз, улфатларингизга ташлаб келар эдим. Бу ҳам бир гапийда...

Ётган ерида Муқимий бу ажойиб, беғубор шогирдининг таклифидан кулди:

— Қўлга тушиб қолсангиз нима бўлади?..

— Қўлга тушмайман. Итим борлигини ҳаммалари билишади. Ҳозир Мирза бува почча меҳмонхоналарида қийё-қий, аския қилишяпти. Мен билан кимнинг иши бор. Суяк йиғишга борганимни баҳона қилиб, даҳлизда томоша қиламану биронталарининг чўнтақларига солиб қўяман, вассалом. Сиздан нима кетяпти...

Нотоблик орқасида ажойиб суҳбатдан маҳрум бўлиб, Мадалибекдан яна ялла эшитгиси келиб ётган Муқимийга бу таклиф маъқул тушди, ёстиққа суяниб ўтириб, қорхат ёзди:

«Қор ёғди ба амри холиқи ҳай,  
Соқийё тут қадаҳни пайдар-пай.  
Қорхат халқ ичида расми қадим,  
Билки, хотир писанда шоҳу надим.  
Бўлса сизга бу руқъамиз манзур,  
Базм тарихин тузинг било маъзур.  
Базми шоҳоналар қилинг ижод,  
Қилмаган бўлсалар беку бекзод.  
Айланишиб барча ошнога хабар,  
Утқизинг ҳаммасин, қилиб пар-пар.  
Ғижжагу чангу пай навозанда,  
Топтиринг жўра-жўра созанда.  
Думбалик беш кесинг семиз қўйини,  
Ясатинг бир алоҳида уйини.  
Ҳофиз овозидан малонкалар —  
Осмонда қулоғи бўлсин кар.  
Оқил одамга бир ишорат бас,  
Қийдиринг шолу беқасам, атлас.  
Бу сифат қил энёфат айши тараб,  
Пайдан бўлғил эмди, турма қараб.  
Ташлади хат Муқимий хаста ниҳод,  
Топгилу ушлагил: ҳалолнинг бод...»

Ғарибий уни белига маҳкам тугиб, Қитмирга суяк йиғиб келиш баҳонасида Мирза бува қориникига кириб борди. Меҳмонхонада ялла авжида эди, уни даҳлизга олиб кириб дастурхон ёздилар. Ғарибий бурда-сурда нонлар ва суякларни рўмолга тугиб, бир иш билан ташқарига чиққан Мирза бува қорининг чўнтагига қорхатни солаётганда қўлга тушди. Ҳазилкаш ёшлар Ғарибийнинг шунча ёлвориб-ялинганига қулоқ солмай, юзига қозонкуя суртиб, айвонга боғлаб қўйдилар ва «эртага эшакка тескари миндириб, шаҳар айлантирамиз!» деб тегишдилар.

Муқимийнинг кўзи йўлда бўлиб, Ғарибийнинг ҳаяллаб кетганидан хавотирда эди. Юзида куя юқи қолган Ғарибий эшикдан шумшайиб, ярим кечада кириб келди-да, ўчоқ олдига ўтиб тескари ўтириб олди.

— Хўш?.. Хожа сакпараст? Қорхатни мондалаб ташладиларми?..

— Йўқ...

— Ҳа?..

— Қўлга тушиб қолдилар!..

— Саломат бўлсинлар... Қани, берироқ келсинлар-чи?..

Қовоғи осилган Ғарибий яқин келиб ўтирди, йўлда юзини ювган бўлса ҳам ёғ аралаштирилган қоракуя яхши кетмаган эди. Муқимий кулиб, савол берди:

— Қорхатда нима ёзилган бўлса, энди уни ўзимиз бажо келтиришга тўғри келади!.. Хўш, энди унинг харжини қаёқдан топдик?..

Ерга қараган Ғарибий маъюс, бўғиқ товушда жавоб берди:

— Эртага бўйнимдан боғлаб олиб чиқиб, сотиб юбора қоласиз...

— Қизиқ гапларни айтасиз! Қар Ғарибий кимга керак?..

— Мен Қитмирни етаклаб олган бўлсам-чи?

— Унда нима бўлади?

— Яхши итга қўшиб сотиб юборсангиз...

Содиқ шогирдининг бу сўзлари таъсир қилиб, Муқимий қаттиқ кулиб юборди:

— Юзни совуилаб ювиб киринг, маслаҳатлашамиз..

Ғарибий туғма қар қулоқ бўлса ҳам, лекин шу қадар ҳушёр эдики, лаб қимирлашидан кишининг сўзини англаб олиб, жавоб қайтарар эди. У сапчиб туриб таш-

қарига чиқди. Унга Муқимийнинг раҳми келиб, хижолатдан қутқариш чораларини излай бошлади. Ғарибий юзини ювиб қайтиб кирганда Муқимий унга топшириқ берди:

— Келар жумага уларни ҳужрага таклиф қилиб хат ёзинг, хат шеър билан бўлсин, шеърга уларнинг номлари жойлансин!..

Ғарибий бу топшириқни ҳазил деб, қўлига қалам-қоғоз олишга ботинмай турди, Муқимий таклифини такрорлагандан кейин ўчоқ олдида ўтириб, овозини чиқариб ёза бошлади. Чунки Ғарибий ҳар доим шеър ёзганда баланд овоз чиқариб ёзар эди:

«Бўлиб қорхат баҳона барча дўсту ёр келсинлар,  
Билиб бир дам ғанимат суҳбату дийдор келсинлар.  
У кеч Фарзинча бирлан мулла Абдулқодирни ганчкор,  
Ўқирга гирия гаҳ шаҳноз, гаҳ гулёр, келсинлар.  
Бобомирзо, Муҳаммаджон Макайлик, Додажон ҳожни,  
Яна Солиҳ саҳофу Аҳмади аттор келсинлар.  
Олиб уста Қовулни аълами Обидча олдинроқ,  
Қилурға базм то субҳ бунда беағёр, келсинлар.  
Убайдуллои Завқий, ёнида йўлдоши Йўлдошхон,  
Яна Зорий, Замирий, Ёрий ҳам яқбор келсинлар.  
Кўнгил кенгдир Муқимий, ҳужраи байтулҳазан ичра,  
Хижолатдан демасдан ҳужрамизни тор, келсинлар.  
Агар таклифга борса нома бирлан бу Ғариб қосид,  
Ғарибий шу экан, деб қилмасинлар ор, келсинлар».

Муқимий бу шеърни назардан кечириб, Ғарибийга узатди:

— Эрталаб олиб бориб, ҳар қайсиларига алоҳида-алоҳида ўқиб берасиз!..

Ғарибий эртаси шундай қилиш учун кетди-ю, Муқимийни ғам босди. Ҳамёнда ҳеч нарса йўқ. Ғарибийнинг кўнгил учун уларни таклиф қилиб қўйиб, зиёфатни бир амаллаб ўтказиш Муқимийга муносиб эмас эди.

Муқимий меҳмонларни қандай кутиб оламан деб хижолат чекар эди. Бир кунни ўтказиб, пайшанба кунни аста чой растасига чиқди. Обидча аълам Муқимий олдида бир чойнак чой қўйиб:

— Шу чойни эрмак қилиб ичиб бўлгунларича уйга физиллаб бориб келаман!..— деди.

Обидча ҳаяллаб кетгани учун Муқимий ниҳоят бўфилган эди. Икки соатча ўтгандан кейин Обидча шошиб



келиб, Муқимийга узр айтди. Аммо унинг узри Муқимийга ботмай, риндлиги ошиб кетди, зиёфат ҳақидаги маслаҳатини ҳам айтгиси келмай, Обидчининг, «ўтиринг, мулла ака, суҳбатлашамиз» деганига ҳам қулоқ солмай, ҳужра томон йўл олди. Ҳужрага кириб, гўшт, ёғ, қўғага боғланган тўртта умрбоқи қовун, рўмолда мева-чева, борингки, зиёфатга керакли нозу неъматлар ҳужрада қалашиб ётганини кўрди, Мулла Абдулла уларни саранжом қилмоқда эди. Муқимий бу манзарани кўриб ҳайрон бўлди:

— Булар қаердан келиб қолди?..

— Ҳаммолга кўтартириб, Обиджон аълам олиб келиб қўйиб кетди.

— Ҳеч нима демадимми?..

— Мулла ака бозор қилиб беринг деб пул берган эдилар, пул ортиб қолди. Қолган нарсаларни эртага харид қиламиз,— деди...

Муқимий тушунди, дўконда ўринсиз бўғилганидан хижолат чекди, растага қайтиб чиқиб, Обидчага узр ҳам раҳмат айтиш учун дармонсизлик йўл бермади. Зийрак дўст Муқимийнинг авзойидан зиёфат ташвишини тортаётганини сезиб, бу ҳақда луқма ташламасданок, уйни баҳона қилиб, каппон ва мева бозорига чопган, дўконга боргандан кейин ҳам бу ҳақда чурқ этмаган эди.

Эртаси эрта билан Обиджон аълам ўғилчасидан бир рўмол ёғлиқ патир бериб юбориб, орқасидан ўзи ҳам кўтариниб кириб келди. Муқимий бу ажойиб дўстини қаерга ўтқозишни ва нима деб миннатдорчилик изҳор қилишни билмай, энг яхши ғазаллар кўчирилган қўлёзма баёзини тоқчадан олиб, Обиджонга тутди ва қайта-қайта ташаккур изҳор этди.

Кечки пайт меҳмонлар кела бошладилар, меҳмонлар орасида Муқимийга нотаниш меҳмонлар ҳам бор эди. Айниқса, ниҳоятда йўғон, қора, чўтир, ўлгунча хунук киши ҳужра тўридан икки кишининг ўрнини эгаллаган эди. Дўстлар бу кишини Муқимийга Найманчининг Барзанги қишлоғидан, боғдор деҳқон, аскияга ўч, ғазалхон, меҳмондўст Аҳмадали «бай-бой» деб таништирдилар. Ҳақиқатан Аҳмадалибой дейиш ўрнига ўртага «бай» қўшиб «бай-бой» қилиб олганларича бор эди.

Аҳмадали «бай-бой» гарчи йўғон, қўпол, бесўнақай одам бўлса ҳам суҳбати ширин, аскиячи, хушмуомала ва сермутолаа, шоирларга мухлис киши эди.

Меҳмонлар жуда ҳам хилланган эди, зиёфат гоҳ ялла, гоҳ мақом, гоҳ латифа, гоҳ аския билан ўтди, навбат аскияга келгач, Мирза бува қори дастлаб Аҳмадали «бай-бой»га тегиша бошлади. Аҳмадали «бай-бой»нинг ёшилоғи «Барзанги» пайров бўлди.

— Домла Муқимий! Бу меҳмонимизни кўриб, ҳайрон бўлманг! Бу киши кўринишдан қўпол бўлсалар ҳам, суҳбати дилбар занги!..

Обидча аълам унинг сўзини илиб олди:

— Мулла ака! Меҳмонни ўкситиб, камбар деб юрмайсиз-да! Меҳмонимиз сербар занги!..

Аҳмадали «бай-бой» уларга сўз қайтариш ўрнига қотиб-қотиб, «шағал тўкмоқда» эди. Навбат Соли чакалакка келгач, Муқимийга қаради.

— Мулла ака!

— Лаббай!..

— Меҳмонингизнинг бу қадди-қомати, ҳусну тароватларига қараб, бошларига дока рўмол ёпиб қўясизу сўраганларга зан барзанги дейсиз-да!..

Аҳмадали «бай-бой» кулгига кулгини улаб, ҳамон жавоб бермай ўтирар эди. Аскиябозликни бўшаштирмаслик учун Аҳмаддон аттор бўйинини чўзди:

— Мулла ака!..

— Икки қулоғим сизда.

— Меҳмонингизга ҳар нарса деб тегишяптилару меҳмон оғирлик қилиб индамай келяптилар. Кўрмайсизми, зан барзанги деганларини, рўмол ўраган билан зан барзанги бўлиб қолмайди. Бир эски қалпоқни кийгизиб, слкаларига хуржун ортиб, карвоннинг олдига чиқарсагу роҳбар занги десак бўлмайдими?..

Аҳмадали «бай-бой» томоғини қириб, атторга қараб кулимсиради, ҳамма унинг оғзини пойларди.

— Ҳар ҳолда чувалаштириб юриб, мени ўз карвонингизга раҳбар қилиб олдингиз, мен бундан хурсандман. Аммо укамиз Солидон чакалак ҳали ёш эканлар!..

— Ёш дедингизми?..

— Ҳа! Ёш! Ёш бўлмаганда мени оналарига ўхшатиб, зан барзанги демаган бўлур эдилар! Керак бўлса, оналари эмаслигимга далил кўрсатаман.

Кулгилар остида суҳбатга фотиҳа ўқилди, турар пайтда Мирза бува қори ҳаммага эълон қилди:

— Билмаганлар билиб қўйсин! Ҳурматли Муқимий Сизга ҳаддиларини сиғиб, қорхат ташлаган эканлар, эр-

талаб чўнтагимдан топиб олдим. Қорхатда нима ёзилган бўлса, бажаришга биз тайёр! Келар жумъага ҳам-маларинг бизнинг меҳмонхонага!..

Муқимий ҳайрон бўлди:

— Тўхтанг, тўхтанг!.. Нима деяпсиз? Ахир қорхат олиб борган Ғарибий қўлга тушиб қолиб, биз ютқизганимиз учун бу ўтириш бўлган эди-ку?..

— Ғарибийни айвонда мен билан сўрашганини биламан, аммо чўнтагимга қорхатни у ташладими, бошқа ташлаганими, хабарсизман!..

Ғарибийни чақирдилар. Ташқарида ўтин ёраётган Ғарибий кириб, қўл қовуштирди, Муқимий ундан сўради:

— Қорхат олиб бориб, қўлга тушганингизда Мирза бува қори бормидилар, йўқмидилар?..

— У киши меҳмонхонага кириб кетганларидан кейин, узоқдан кўриб турган йигитлар келиб мени ушлаган эди.

— Омон бўлинг!..

Қулишиб бир сулҳга келишди. Ғарибий Мирза бува қори ўз қўли билан ушламагани учун ютқизган ҳисоблансин, дедилар.

Меҳмонлар тарқалгандан кейин Муқимий, мулла Абдулла ва Ғарибий қорхат можароси тўғрисида гапиришиб, ўзаро кулишдилар. Етгандан кейин Муқимийни бошқа бир хаёл чулғаб олди. Бир-бирини қувиб ўтиб бораётган кеча ва кундузлар, гарчи хушчақчақлик билан ўтаётган бўлса ҳам беҳудага кетаётганлиги, газаллар, ҳажвлар билан бир қаторда салмоқдор асарлар ҳам ёзиб қолдириш вақти етганлигини, бунинг учун ҳаёт ичига чуқурроқ кириб бориш лозимлигини ўйлаб кетди.

Дарҳақиқат, қоронғи ҳужрада ҳаракатсиз ҳаёт кечириш, бир тарзи кун кечириш билан қаноат ҳосил қилиш энди Муқимийдек кишиларга тўғри келмас эди. Бундан кейин Тошкент ва Фарғонанинг атроф шаҳар, қишлоқларида бўлиб, фазл аҳллари билан алоқа боғлаш ва халқ турмушини яхшилаб ўрганиш, мавжуд газалларни чоп қилдириб, баёз ҳолига келтириш учун Тошкентдаги дўстларга мурожаат қилиш керак эди.

Ҳужрадаги кичкина рўзғорни тебратиш, Акбархўжа баҳонаси билан Зиёдабиби ҳолидан хабар олиб туришдан ташқари, ҳужрага ҳар кун деярли келадиган меҳ-

монларни кутиб олиш керак эди. Муқимийнинг аҳволдан хабардор Муҳаммад Юсуфхон қилқалам ариза ва шикоятлар ёздириш учун келадиган ҳожатманд кишиларни Муқимийга рўпара қилиб қўйиб, ундан тушадиган қалам ҳақидан шоирни баҳраманд қилиб турарди, шунингдек, атроф-жавонобдан Муқимий билан суҳбат қилиш учун келган боғдор, деҳқон оғайниларнинг қўллари қуруқ бўлмас эди. Яқинда мулла Абдулладан бир саржин ўтин бериб юборган Зокир ҳожи, бозор куни бир кўза шинни, бир кўзачада очар билан бир хуржуннинг кўзи тўла шувирғони майиз ва молда патир ташлаб кетибди.

«Ҳожи Муҳйи бойларга қасида ёзиб, тўн кийиб келадиган бўлса, шаҳарнинг катта тўйлари усиз ўтмаса, сандиғи банорас тўн, ҳужраси ипак гилам билан тўлиб-тошган бўлса тоша берсин! Бизнинг Муқимийимиз эски намат устида қотган нонни сувга ботириб еб ўтириб, кишиларнинг юраги билан сўзлашаётгани бизга керак!..» дер эди доим Мавлавий Йўлдош.

У шаҳар уламоларнинг катта даврасида дўсти Муқимийга юксак баҳо бериб, Муқимий ҳақидаги иғво-фасодлар уясига ўт ёқар эди. Мавлавий Йўлдошнинг юқоридаги сўзини эшитган Муқимийда халқпарварлик ҳисси янада авжланиб кетди.

Қиш кунларидан бирида Мавлавий Йўлдош айтгандек, ҳужрада Муқимий икки дўсти билан қотган нонларни чойга ивтиб нонушта қилаётган эди, бир бола кирди:

— Эшон почча! Сизни бир болалик хотин сўраяпти!..

Муқимий ажабланиб, бола кетидан жиловхонага чиқди, ҳовуз бўйида қўлида боласи, паранжи ичида қимтииб турган бир аёлга кўзи тушди:

— Келинг... Хизмат?..

Хотин пиқиллаб йиғламоқда эди, Муқимий яна яқин борди:

— Ариза ёки шикоятнома ёздирмоқчи эдингизми, синглим?..

Хотин фарёд чекиб, юзидан чимматни олди. Муқимий назар ташлаб, тўзғиган соч, сарғиш доғлар остидан Хайринисони аранг таниб, турган ерида қотиб қолди. Хайринисо ҳамон фарёд чекмоқда эди. Муқимий кўкариб кетган болани унинг қўлидан олиб, кўксига босди:

— Юринг... Ўша ерда сўзлашамиз.

Шу сўзни аранг айтиб, олдинга тушди, Хайринисо юзни ёпиб, Муқимий кетидан эргашди. Қадрдон ҳовлига, Зиёдабибининг уйига кириб бордилар. Зиёдабиби Хайринисони таниб, бошидан паранжисини олди, Акбархўжа уйдан югуриб чиқиб дадаси — Муқимийнинг бўйнига осилди. Хайринисо ва унинг уч яшар қизчаси Қамбарнисо деворлари захдан шўрлаб кетган қоронғи уйдаги, устига қуроқ кўрпа ёпилган сандал ёнига келиб ўтирдилар, пойгаҳда омонат чўкка тушган Муқимий ҳаяжон ичида титраб ўтирарди.

Зиёдабиби сандал устидан пилта саватни йиғиштириб, топган-тутганини эски саргаз дастурхонга тўкди, орқасидан чой келтирди. Хайринисо кўзида ёш билан оғзида нон кавшаб, қизига егизмоқда эди, анча фурсатдан кейин Муқимий сўз бошлади:

— Мен Бухородан келгандан кейин ҳовлидан хабар олдирган эдим: қўшнилар «ҳовлини сотиб, Шаҳрихонга кўчиб кетишган» дейишибди...

— Шаҳрихонда эдим, бугун келдим...

— Тоғамдан хат-хабар келиб турибдими? Ўзлари қачон келишар эканлар?

— Ҳаммаси бўлиб иккита хат олдим: бири, етиб борганлари ҳақида, иккинчиси, дадам кўр бўлиб қолганлари ҳақида. Ундан кейин улардан ҳеч хабар келмай қўйди!..

— Ўз аҳволингиз қалай?..

— Кўриб турибсиз-ку...

Хайринисо яна йиғлай бошлади. Муқимий кўзига дунё қоронғи бўлди, оқ тортиб, чаккасини тутганча жим қолди. Зиёдабиби чўғ олиб келиш учун хокандоз кўтариб, ташқарига чиққанда Хайринисо рўмол тугунчасини ечиб, букланган бир қоғозни Муқимийга узатди. Муқимий титроқ қўл билан кўчирилган қуйидаги мураббаъларни кўздан кечирди:

«Юзим доим наму кўксим аламноқ,  
Фалак ошубидин кўксимда юз чок,  
Ҳужуми ғам ҳамиша чусту чолок,  
Заковат соҳиби қил бунга идрок.

Тикандан кўрпаму тош ўлди парқум,  
Алишди нолаву ҳасратга кулқум,  
Нетай Хайринисо, толе экан шум,  
Жудолнқда маош заҳр ила тарёк...»

«Ҷоҳи ғаминг ўлди менга маскан,  
Мажруҳу асирингга назар қил.  
Ҳажрингда пичоқ суякка етди,  
Азроилингга ўзинг хабар қил.

Э, мурғи таним чиқиб қафасдан,  
Қушлар ила сен йироқ сафар қил.  
Дер Хайринисо қилиб таважжуҳ  
Ишқимни ҳамиша мўътабар қил!..»

Қоғоз қўлидан тушганидан беҳабар Муқимий, икки қўли билан тиззасига урди.

— Эвоҳ! Шундай ҳам теран сатрларки, бу сатрларда минг-минг Хайринисо шўрликларнинг қайғу-кулфати яшириниб ётибди. Жудолик ҳақида мен яратган мисраларнинг сон-саногини йўқ! Аммо сизники тарози босади!..

Зиёдабиби сандалга чўғ солар экан, Муқимий унга мурожаат қилиб, ёлворди:— Жон ая! Хайринисони юпатиб, оналик қилинг, мен қайтиб келаман!..

Хайринисонинг шеърини маҳкам тутиб кўчага чиқди, мадраса томон юрмай, Қалвак билан Ҳожибек гузарига Мавлавий Йўлдошнинг уйига борди. Мавлавийни уйдан топмай, Чалчиққа бориб, мадрасани Ясовулдаги ҳужрасидан топди. Қизиги шуки, Мавлавий Йўлдош мадраса ҳужрасида русча китоб мутолаа қилмоқда эди. Бу рус мактабларининг ўқув китоби бўлиб, Кузьмичнинг котини томонидан ҳадя қилинган эди, унда рус шoirларининг қисқа таржимаи ҳоллари бор эди.

Мавлавий китобдан ўқиганларини Муқимийга сўзлаб бериб, узоқ ўтирганларидан кейин Муқимий ёнидан Хайринисонинг шеърини чиқарди ва Мавлавийга Хайринисонинг келгани, эри унинг устига хотин олиб, боласи билан хўрлаб қўйганини айтди. Икковлари ўйлашиб-ўйлашиб, бир фикрга келдилар: Шаҳрихонга бирга олиб бориб, тинчитиб келмоқчи ва Шаҳрихондаги обрўли таниш-билишлардан Хайринисони ҳимоя қилишларини илтимос қилмоқчи бўлдилар.

Хайринисо Зиёдабибига бир ҳафта меҳмон бўлди. Муқимий кундалик ош-сувидан хабар олиб турди. Мавлавий Йўлдош иккалалари бу хайрли ишни яхшиликча битказиш учун ҳамма зарур юмушларни йиғиштириб қўйиб, Хайринисо билан Шаҳрихонга жўнаб кетдилар.

АЧЧИҒ ОШ

«Меҳри рухсори хусуфи ғамда пинҳон ўлмасун  
Зулфи янглиғ ҳаргиз аҳволи паришон ўлмасун».

Кечки пайт Асака станциясига тушиб, тезроқ Шаҳрихонга етиб олиш учун бир очиқ арава кира қилдилар, Похол устидан шолча солинган бу шалоқ араванинг олд томонига Муқимий билан Мавлавий Йўлдош, уларга орқа ўгириб, қизчасини паранжи ичидан кўксига босган Хайринисо ўтиришиб олдилар-да, Шаҳрихонга жўнадилар. Ҳаво авча салқин, изгирин бўлиб, дала шабадаси юзларига наштардек санчилар эди.

Бир ҳафта бурун ёққан ёмғирдан кейин захкаш Шаҳрихон йўли ўйдим-чуқурлашиб, қатқалоқ бўлиб қолган, арава туғуни дўқиллаб, гоҳ эски чуқур нзидан, гоҳ йўлни янгилаб, отни ҳам, аравадагиларни ҳам қийнаб бормоқда эди. Муқимий оғзини тўн ёқасидан чиқариб, Мавлавий Йўлдошдан сўради:

— Борадиган жойимиз аниқми? Агар қўнишга ноқулай бўлса, Обиджон берган адресни аравакашдан сўрай қолайлик...

Мавлавий Йўлдош ҳам оғзини тўн ёқасидан чиқариб, Муқимийга бурилди:

— Тошхўжа мискар билан бундан беш йил олдин тўйга келган эдим, бу киши ўзи мискар бўлса ҳам, ўқиган киши экан. Оддий, қора сувоқ меҳмонхоначаси бор, палослар ўзидек озода. Уша меҳмонхона ўчоғига ўт қалатиб, бу кеча суҳбатлашамиз, суриштирамиз, куёвнинг ота-оналарини аниқлаймиз. Борди-ю, таъбингиз у ерни ёқтирмай меҳмонхонаси кенг, сердахмазароқ десангиз, аълам берган адресни суриштириб, топиб борамиз. Мискарниқидан кўра чойфурушларнинг меҳмонхонаси иссиқ, ёстиғи юмшоқ бўлади...

Мавлавий Йўлдошнинг сўнгги жумлаларни пичинг эди, Муқимий кулимсиради:

— Адресда бу шартлар ёзилмаган...

— Ёзилмаган бўлса, Обидча аълам икки кундан кейин етиб келади. Ушанда борармиз, синглимиз Хайринисо учун ҳам бир кеча, икки кечага бемалолроқ онла бўлиши керак. Мешимча, мискарнинг кичик меҳмонхона-

часи биз учун, оиласи синглимиз учун муносиб, ўзлари кўпчилик эмас.

Шаҳрихоннинг Боғишамолига яқинлашганларида қош қорайган эди. Узоқдан милтиллаган чироқлар яқинлашди, арава кенг даладан шаҳарча кўчаларига кириб келди. Кўчада одам кам, баққол, самовар дўконларидан йўлга хира чироқ нурлари тушиб турар эди. Арава Шаҳрихоннинг худди Қўқонга ўхшаш тимли раста ва бозорлари олдидан ўтиб бораётганда Муқимий:

— Шаҳар шаҳарга ўхшар экан...— деди.

— Шаҳрихоннинг иқлими ҳам, одамларнинг тутими ҳам, улфатчилиги ҳам, шеърпарастлиги ҳам Қўқонга ўхшайди. Фақат бу ерда ўзбек ва тожик аралаш, бу ернинг тожиклари, ўзбеклари бир-бирларига қариндош, қуда, дўст, улфат, ҳамкасб, Шаҳрихоннинг фозил, билимдон кишилари сатранжга ишқибоз. Аммо бир томони борки, овқатни аччиқ истеъмол қиладилар.

— Ҳай-ҳай!.. Аввал хурсанд қилиб туриб, кейин хафа қилдингиз! Қамнада қалампирга ҳеч ҳам тоқат йўқ!..

Индамай, терс ўтириб, буларнинг сўзига қулоқ солиб келаётган Хайринисо кулиб луқма ташлади:

— Улмаган менинг жоним... Уч йилдан бери қалампир чайнайман!..

Кутилмаган вақтда Хайринисонинг бу шикоятмуз луқмаси ҳар иккалаларига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Муқимий ҳайрат билан лабини тишлаб, Хайринисога кўз ташлади.

— Кўзингиздан ёш армай қолишини мен ҳаёт аччиғидан деб, фаҳм этган эдим...

— Қалампир шунчаки йиғлаш учун бир баҳона. Бежабарлар кўзим ёшини аччиқ овқатдан кўрадилар, мен ҳам бугун йиғлаб туриб, халқ кўзида кечаги аччиқ овқатга тўнқайман!..

— Тоғам бечора Шаҳрихонда «овқатнинг аччиқ» бўлишини билмагандир-да?..

— Шаҳрихоннинг ҳамма қозонида ҳам аччиқ овқат қайнайди дейсизми? Шаҳрихон шундай шаҳар эканки, кўп қозонларда қалампир қайнаса ҳам ҳаётлари ширин.

— Менинг саволим бежавоб қолиб кетаётганга ўхшайди...

— Афв этасиз, мулла ака! Менинг аччиқ сўзларим сизни аччиғлантирмасин... Ота-онам, ўша энг сўнги



шеър ўқиб берган кунингиз тақдирим ҳақида мунозара бошладилар. Мен эшик тирқишидан титраб туриб қулоқ солдим. Сизни камбағал муллаи қоқлигингизни ўртага солиб, мени шаҳрихонлик қариндошимизга бермоқчи бўлдилар. Мен шундан кейин сиздан умидимни ўзиб, ўша тундан бошлаб қалампир чайнай бошлаганман...

— Сиз Қўқонда қалампир чайнаган кунларингизда биз заҳар ютган эдик! Муқимий уйланиб, ҳаловат кўрди деб ўйлайсизми?..

— Менга муҳаббатингиз борлигини ўқиб берган шеърларингиз айтиб туриб эди. Чунки сиз эр киши, ҳам шоирсиз. Аммо мен севганимни шеърим орқали изҳор қилишдан маҳрум, муштипар, ожиз қиз эдим, ёзганларимни ўзим ўқиб, ўзим йиғлар эдим. Ингитлар ёқтирмаган хотинидан ажралниш ёки шикоят этниш ҳуқуқига эга бўлсалар, қизлар гарчи ўзига тинч заргарнинг қизи бўлсалар ҳам, бу ҳуқуқдан маҳрум этилгандирлар. Улар бутун орзу-истакларини пинҳон сақлашга маҳрум, ота-она орзу-истаклари олдида тиз чўкувчи занжирсиз асирлардирлар!

Шонра Хайринисо фурсатдан фойдаланиб, юрагини анча бўшатиб олди. Муқимий эса шу пайтда ўзини тоғаси мулла Раҳматуллонинг уйида ўтиргандек ҳис этди, ёнбошида тоғасининг барно қизи — Хайринисо янги шеърларини ўқиб бераётгандек эди. Арава бир кўчага бурилиб тўхтагач, Мавлавий Йўлдош «етдик!» дейиши билан ҳушига келиб, аравадан сакраб тушди, ухлаб қолган Қамбарнисони Хайринисодан олиб, авайлаб кўксига босди.

Мавлавий Йўлдош арава олдидан ҳатлаб тушиб, аравакашга пул берди-да, бориб якка тавақа эшик зулфинини қоқди. Хайринисо арава ғилдирагидан бир амаллаб тушиб, эшик томон бораётган Муқимий орқасидан юрди. Булар эшикдан нарироқда қимтиниб турганларида, эшикдан бир киши чиқиб, Мавлавий Йўлдошни қоронғида танимай ҳайрон бўлди. Мавлавий ўзини танигач, қучоқлашиб кўришиб, ичкарига таклиф қилди. Мавлавий қайтиб чиқиб, Муқимийга яқин келди:

— Бир оз кутиб турадиган бўлиб қолдингиз, хафа бўлмайсиз, эшон ака...

— Майли-майли. Бемаҳалнинг иши...

Шошилиб, қўлида фонус билан чиққан ўрта бўйли киши Муқимий билан сўрашди:

— Қани, марҳамат!.. Анча куттириб қўйдим!..

Чиробон кетидан йўлакка кирдилар. Муқимий билан Мавлавий йўлакдаги кичкина меҳмонхоначага бурилдилар. Уста фонус тутиб Хайринисони ичкарига бошлади. Қайтиб чиқиб, фонусни токчага қўйди-да, қоронғида қўлида ухлаган бола билан бир бурчакда жим турган Муқимийга мулозамат қилди:

— Хуш кўрдик, азизлар!..

— Хушвақт бўлғайсиз...

— Палосларни кўриб, ҳайрон бўлманглар, ҳозир ҳаммаси янгиланади. Худога минг қатла шукур, менга ҳам шундай улуғ кишилар меҳмон бўлиб келар эканлар!..

Уй эгаси гапириб юриб, меҳмонхонадаги эски палосларни йиғиштирмоқда эди. Муқимий луқма ташлади:

— Ҳар қандай азиз меҳмон бўлса ҳам кундуз кунни келсин...

— Йўқ-йўқ-йўқ! Ундай эмас. Бемалол. Биз гарчи кошиб бўлсак ҳам, шаҳрихонликмиз, биз меҳмон кутишни шараф деб биламиз. Айниқса, оила билан келингани яна бошимизни осмонга етказди.

Муқимий жим эди, Мавлавий Йўлдош изоҳ берди:

— Бу аёл Муқимийнинг сингиллари бўладилар. Бу сингил сизнинг Шаҳрихонингизга келин бўлиб тушганлар, биз бу аёлни келтириб қўйишни баҳона қилиб келдик...

Уста эски кўрпа-тўшакларни кўтариб ичкарига кириб кетди, қайтиб чиқиб, Муқимийга мурожаат қилди:

— Сингил болани сўрабдилар, олиб кириб бераман-да, а?..

— Яхши бўлади.

Уста Қамбарнисони авайлаб бағрига босганича, уйготмай олиб кириб кетди, ичкаридан янги кўрпа, кўрпача, болиш ташишга тушди:

— Худога минг қатла шукур! Менга ҳам шундай азиз меҳмонлар келар экан!..

Биргалашиб жой солдилар. Учоққа тут ўтин қаланиб, орқасига қумғон қўйилди, дастурхон солиниб, моҳазар келтирилди. Кейин уй эгаси ўрнидан туриб қўл қовуштирди:

— Бемалол бўлса, чойни эрмак қилиб турасизлар, мен шу маҳалламиздан бир-икки сизларбоп кишиларни бошлаб келаман. Булардан ташқари бир жуфт яхши, қондадаги яллачи йигитларимиз ҳам бор.

Муқимий Мавлавийга қаради, Мавлавий Муқимийнинг нима демоқчилигини сезиб, устани йўлдан қайтарди.

— Вақт кетди, бу кеча ўзимиз суҳбатлашсак, унинг устига арава қоқиб, анча чарчаганмиз, дўстлар билан бўладиган суҳбатни эртага қолдирсак...

— Бемалол. Хоҳишларингиз нима бўлса, шу бўлсин.

Гулхан бўйида учалалари чойхўрлик қилиб, суҳбат бошладилар. Шаҳрихондаги жуда кўп шеър мухлисларининг номлари тилга олинди. Гап айланиб бориб, Хайринисонинг қайнатаси бўлмиш заргар ҳожи устига келиб тўхтади. Заргар ҳожи асли Хўжанддан келиб қолган бўлиб, ўз ҳунари, сдамшавандалиги билан Шаҳрихонда тузуккина обрў эгаси экан. Унинг икки ўғли бўлиб, кичиги отаси ёнига кириб қолган бўлса ҳам каттаси бевош, хотинбоз, ичкилик ва қиморга берилиб, отасини ҳар доим хафа қилар экан. Уй эгаси уста заргар ва унинг катта ўғли тўғрисида билганларини батафсил сўзлаб берди. Ана шу бевош, хотинбоз йигитга мулла Раҳматулло қизини топшириб кетган. Куёв Қўқондаги ҳовлини ҳам сотиб, қиморга ва фоҳишахоналарга бой бериб, Хайринисонинг кўзидан қону зардоб оқизган.

Воқеадан устани ҳам хабардор қилганларида, у ҳангу манг бўлиб қолди. Бу азиз меҳмонларнинг бемаҳалда кириб келишларининг туб сабабларига энди бориб етди ва афсусланди, буларга қўшилиб тадбир излай бошлади.

Устанинг мулоҳазасича, бу ишни қозихона, жанжал билан эмас, Шаҳрихоннинг обрўли билимдон кишилари ва шунингдек орияти зўр заргар ҳожи тинчлик йўли билан ҳал қилишлари мумкин эди. Чунки, бу аламзада аёлнинг ҳимоячилари Муқимий билан Мавлавий Йўлдош-ку!..

Ярим кечагача фақат Хайринисонинг тақдир тўғрисида суҳбатлашиб, бу можаро ва муаммоларни тинчлик билан бир ёқли қилиб кетиш учун Шаҳрихондан бунига кимларни чақиришни мўлжалладилар. Эрталаб мискар уста мискарликка бормай, шу хайрли иш орқасидан юрди.

Шаҳрихоннинг шеър шинавандаларига Муқимий билан Мавлавий Йўлдош келганлиги хабари эшитилди. Аввали шундай катта шоир билан беш тил биладиган катта олим Шаҳрихонга келиб, ўз аҳлларини иташ ўрнига бир мискар косибникига тушганликларидан тааж-

жубландилар, кейин ҳар қандай зўр тўйларга таклиф қилинганда ҳам келмайдиган Муқимийнинг бемаҳал қадам ранжида қилишида бир сир бор бўлса керак деб ўйладилар, орада кўп ўтмай, «Хўжандлик ҳожи заргарнинг безори ўғлига тушган жияни — шоиранинг ачиқ тақдирини ҳимоя қилиш учун Муқимий Шаҳрихон халқидан мадад сўраб келибди...» деган миш-миш уларга ҳам етиб келди.

Кенг тарқалган миш-мишлар шу кун заргар ҳожининг қулоғига ҳам етмай қолмаган эди. Ҳожининг ўпкаси оғзига тикилиб, шошиб қолди. Чунки ўзи Муқимий газалларининг муҳиби, шоирни ғойибона ҳурмат қилиб юрган бўлса ҳам. Хўрланган келини Хайринисонинг Муқимий жияни эканлигини билмас эди. Меҳмонхонасига жой тайёрлатиб, ўзи мискарнинг меҳмонхонасидан меҳмонларни олиб келиш учун жўнади.

Ҳожи заргар мискарникига келганда кичик меҳмонхоначада одам зич эди. Меҳмонлардан ташқари Шаҳрихоннинг кекса адабиёт шинавандалари ва икки ўспирин шоирни мулла Ҳошимжон — Ҳайратий билан Алихон — Оразий ҳам бор эдилар. Кекса заргар ҳожига тўрдан, меҳмонлар ёнидан жой кўрсатдилар.

Суҳбат узоққа чўзилмади, чунки жойнинг торлиги бунга халақит берар эди. Суҳбатни бамайлихотир давом эттириш мақсадида меҳмонларни икки меҳмонхонага жойлаштирмоқчи бўлдилар. Қайси бир меҳмонхонага бориш ихтиёри меҳмонларга ҳавола қилинганда, Муқимий аввал заргарникига боришни ихтиёр қилиб, кўпчиликка узр баён қилди. Хайринисо масаласини ҳал қилмай туриб, бошқа суҳбат Муқимийнинг кўнглига сиғмас ҳам эди. Муқимий ва Мавлавий Йўлдош мискар устанни бирга олиб, ҳожи заргарникига кетдилар.

Ҳожи заргарнинг меҳмонхонаси мискарнинг меҳмонхонасига нисбатан ҳар жиҳатдан кўнгиллироқ эди, бироқ бу ерда бир неча заргарлар тўпланишиб, қўзи сўйиб, катта зиёфат тараддудида эдилар. Муқимийнинг кўнгли олинди, Мавлавий Йўлдошга, «бизга жой холи бўлиши керак эди-ку?...» дегандек қараб қўйди. Дангалчи Мавлавий ҳожи заргарни четга тортиб, Муқимий мулоҳазасини шипшитган бўлди. Бир қатор ош-сув ўтгач, заргар ҳожи «меҳмонларга дам бериш» баҳонасида меҳмонхонани ҳамкасбларидан холи қилди. Мавлавий Йўлдош Шаҳрихонга келишдан мақсад нима эканини гапирди.

Мавлавий Йўлдош Хайринисонинг ҳаётини фожиясини жуда усталик билан тасвирлаб берди: қиш куни ёш боласини кўксига босиб, йиртиқ либосда сарпойчан дод солиб, Қўқонга, Ҳазрат мадрасасига, қариндоши Муқимий ёнига кириб боришини ҳикоя қилди, кейин пойгаҳда ерга қараганча қим этмай ўтирган ҳожи заргарга қаради ва ҳожи заргарнинг хижолат терига фарқ бўлганини кўрди.

— Ҳўш, ҳожи ака! Энди ўзларидан эшитайлик!  
Ҳожи заргар кўз ёшларини артиб, тилга кирди:

— Менинг бундай ўғлим йўқ, ундан у дунё, бу дунё рози эмасман!..

— Сизнинг шундай ўғлингиз бор. Шундай ўғилнинг отаси бўлганлигингиз учун бу сўзларни сизга айтяпман. Биз сизнинг меҳмонингиз, шу важҳдан бошқаларни аралаштирмай, бу чигални инсофан тўғри ечиш тарфдоримиз. Хайринисонинг бошига солинган оғир кулфатлар бир кун ичида Қўқонда барча инсофли кишиларга маълум бўлди, улар ғазаб ва нафрат билан бизни Шаҳрихонга йўлладилар. Муқимийнинг ўзлари каминани бирга олиб, шу оғир кулфатдан бир муштипар шоирани қутқазиниш учун келдилар!..

Муқимий ниҳоятда асабият билан бўғиқ овозда луқма ташлади:

— Жияним эмас, кўчага қувилган бир муштипарни ҳимоя қилиб келдим! Унинг устига у зўр истеъдодли, келажакнинг ёруғ юлдузи бўла оладиган маҳорат ва назокат соҳибаси эди. Заргар номини кўтариб юрса ҳам, олтин билан темирни фарқ қила олмайдиган икки жаноб ҳожилар — сиз ва тоғам мулла Раҳматулло, гавҳарини оддий тошдек балчиққа ташладинглар!

— Бу сўзларни ўғлимнинг ўзинга айтилса яхши бўлар эди...

— Афв этасиз! Менинг қўлим, шундай ўғил ўстирган отанинг ёқасида. Менинг нафрат билан суғорилган сўзларим шундай ўғилнинг отасига қаратилган. Агар буни эшитиш учун қулоғингиз кар бўлса, сизни заргар ҳожи қилиб етказган Хўжандда менинг сўзимни тинглайдиган очиқ қулоқлар топилади! Эртага бечора шоирани оёқ яланг етаклаб чиқиб, Шаҳрихоннинг оддий кишиларига очиқ арз қиламан, халқ ўз ҳукмини чиқарсин! У чоғда Шаҳрихон эмас, Хўжандда ҳам яшай олмайсиз, тўплаган олтинингизни ифлос ўғлингизга ортиб, мулла

Раҳматулло кетган ўша ерга сиз ҳам жўнаб қоласиз!..

Муқимий ўзини босолмай қолди, тоғасининг аламини бу заргардан олмоқчи бўлгандек, ўзини тўхтата олмади, сўнг пешонасини тутиб жим қолди. Заргар ҳожи ҳалигача ҳеч кимдан бундай аччиқ таъна эшитмаган эди, биринчи бор Муқимийдан эшитди.

— Агар рухсат берилса, ўғлимни топтириб келсам.

Бунга жавобан Муқимий чурқ этмай қолди, Мавлавий Йўлдош жавоб берди:

— Биз ҳозир бу ердан турамиз, ўғлингиз билан ўзингиз сўзлашиб, бизга эртага натижасини айтасиз. Қолган маслаҳат яна давом эта беради, айтилган аччиқ, ҳаққоний сўзларга хафа бўлмаслингизни сўраймиз.

— Хўп! Уғлим билан гаплашаман, ҳар йўл билан гаплашаман! Аммо бу ишни силлиқлик билан бутун Шаҳрихонга фош этилмай ҳал этилишига...

— Албатта-албатта,— деди Мавлавий Йўлдош,— бу томони ўзларингизга қолди, биз ҳам шунинг тарафдоримиз, чунки ўртада бир ширин фарзанд бор экан...

У ердан бўғилиб кўчага чиққанларида дарвоза олдида қўл қовуштириб турган заргар ҳожининг кенжа ўғли, Ҳайратий билан Оразий икки бор келиб, киролмай, қайтиб кетганликларини айтди. Заргар ҳожи билан енгил хайрлашиб, уювлари яна устанинг меҳмонхоначасига йўл олишди. То етгунча Муқимий жим борди, боргандан кейин уювлари яна шу маслаҳат устида бош қотиришди. Кечқурун Ҳайратий билан Оразий истаб келишиб, ялиниб-ёлвориб, учалаларни олиб кетишди.

Булар борганда бу бетакаллуф хонада Шаҳрихоннинг зукко адабиёт шинавандалари икки-икки бўлиб сатранж суришаётган эдилар. Кўпдан бери сатранж ўйнамай, соғиниб юрган Муқимий ҳамма нарсани унутиб, уларнинг ўйинини диққат билан томоша қила бошлади, кейин ўзи енг шимариб ўйнашга тушди. Меҳмонларнинг кўнглига қараб, дастурхон солиш ҳам кечикди. Узоққа чўзилган ўйин дуранг билан якунланди. Дастурхоннинг оддийлиги, дастурхон эгаларининг самимийлиги, ҳар бир сўз ўйлашиб гапирилиб, ҳар бир ҳаракат ўйланиб қилиниши ва беихтиёр қаҳқаҳаларга сабаб бўлувчи чуқур лутфлар тобора бу суҳбатга файз бағишламоқда эди.

Суҳбат аҳли жуда хилланган эди. Бу ердаги ўзбек, тожик адабиётининг чинакам мухлислари баъзан бир

ерга тўпланиб, китобхонлик билан ва ялла эшитиш билан вақт ўтказишарди. Бирлари мироббоши, бирлари билла мутахассиси, бирлари бир маҳкамада мирзо, бошқалари Шаҳрихонга қурилган пахта заводида контор ходими эди. Булар ўз ораларида бўлган икки ёш шоирлари билан ғурурлар эдилар. Бу икки ёш шоир — Ҳайратий. Оразий ижодлари мана шу қозонда пишиб, қуюлар эди.

Муқимий бу кишиларни икки ажойиб ёш шоирлари билан табриклади ва уларга ташаккур билдирди, Қўқонда ҳам ёш йигитлардан ажойиб шоирлар етишаётганини айтиб, фақат бир масалада таассуф билдирди:

— Ҳайратий, Оразий, Завқий ва Зорийларни етиштираётган мана бундай фазилатли анжумэнлар бурчак-бурчакларда кўз ёшларини тўкиб, ўз бахтсизлигини парча-парча қоғозларга нақш этмоқда бўлган шоирларидан беҳабарлар. Мен бир шоиранинг бир шеърини ўзидан бенжозат ўқиб бермоқчиман.

Муқимий ёнини ковлаб, Хайринисонинг икки парча шеърини олиб ўқий бошлади. Ўқиб бўлгач, эҳтиёт билан ёнига солди, суҳбатдагилар бир-бирларига қарадилар. Абдувоҳид мироббоши Муқимийга мурожаат қилди:

— Бу шоиранинг қаердан эканлигини билишимиз мумкинми?..

Муқимий ғурур билан кулимсиради:

— Боя ишора қилган эдим, бу шоира шаҳрихонлик...

Улар яна бир-бирларига қарашиб таажжубландилар. Мавлавий Йўлдош Хайринисо ҳақида қисқа, лекин юракни эзиб юборадиган жумлалар билан изоҳ бериб, аҳли суҳбатни шоирани ҳимоя қилишга чақирди. Суҳбат жиддий тус олиб, орага жимлик чўкди. Муқимий суҳбатга жон киргизиш учун «ялла эшитгиси келганини» арз қилди. Шу ишорани пойлаб тургандек мезбонлар соз ва талинкани қўлга олиб, баробар ялла бошладилар. Қизиги шу эдики, бу яллага айтилаётган рубоний Муқимий томонидан яқинда ёзилган бўлиб, Қўқон шинавандалари қўлига ҳали ўтиб бормаган, фақат Обиджон аълам бунни ўқиб, оққа кўчирган эди.

Бу рубоний орқасидан Ҳайратий ва Оразий ғазалларини уланиб кетди. Ялладан кейин Муқимий мамнун бўлганини билдирди:

— Ахир писоф билан айтинглар! Бу рубойини ўзим ҳам тўйиб ўқиганим йўқ эди. Азбаройи худо, Шаҳрихонга қаердан етиб келди?..

Муқимийнинг берган самимий саволига пойгаҳда ўтирган Алихон Оразий дадил жавоб берди:

— Обиджон аълам менинг яқин дўстим эканлигини арз қилишим мумкин...

Оразийнинг жавоби ҳаммани баробар кулдириб юборди.

— Ана холос!.. Ана холос!.. Заб одамга ишониб, шеър кўчиртириб юрган эканман,— деди Муқимий кулгидан ўзини тўхтатиб.

Ҳамманинг чиройи очилиб, суҳбат жопланиб кетди. Ярим кечада уйи яқинлар тарқалдилар, мискар ҳам уйига кетди, Муқимий икки ёш шоирнинг эски, янги шеърларини тинглаб, баъзиларининг камчиликларини кўрсатди, баъзиларига юксак баҳо берди. Навбат уйқуга келди.

Шаҳрихон халқи Муқимийни ғойибона жуда ҳурмат қилар эди. Муқимийнинг Шаҳрихонга нима учун келганини эшитган зиёлилардан ва оддий меҳнаткашлардан бир тўпи эртасига заргар ҳожининг уйига келди.

— Шоира келиннинг устига олган хотинни талоқ қўйиб, шу келин билан умрбод яшаши ҳақида ўғлингиз қасамёд қилмас экан, биз тинч тура олмаймиз!..

Ҳожин заргарнинг яқин кишиларидан тожик темирчи уста қаҳру ғазаб билан ичкари кирди ва тикка бориб, Хайринисонинг куёви бўлмиш йигитнинг ёқасидан тутди:

— Мен сен билан халқ олдида гаплашаман! Сен, бу қилмишларинг билан Шаҳрихонда иттифоқ яшаётган ўзбек тожик ўртасига иттифоқ солмоқчимисан? Муқимий ўзбакнинг ҳам, тожикнинг ҳам шоири. Сен, бугун бу улук киши олдида тожикларни ерга қаратмоқчимисан?! Шаҳрихонда отаннинг номини ерга урганнинг етмай, бизларни ҳам номусдан ўлдирмоқчимисан!.. Қани юр! Қозихонага бориб, ўша ерда гаплашамиз!

Масала тобора жиддийлашиб ору номусли меҳнаткаш тожиклар қаҳру ғазаб билан, «ё Муқимий оёғига йиқилиб, халқ олдида тавба-тазарру қилади-ю, тинч қолади, ё ундай қилишдан бош тортади-ю, халқ билиб ишини қилади!», деб бақираётган эдилар. Шу пайт Муқимий, мироббоши, яна уч-тўрт киши келиб қолдилар. Темирчи уста Хайринисонинг куёвини ёқасидан тутиб, ич-



қаридан кўчага олиб чиқди, бунн кўриб Муқимий тўхтади:

— Нима гап ўзи?..

Мироббоши Муқимийга таскин бермоқчи бўлди:

— Тожик қариндошлар сизни кутаётган бўлишларн мумкин. Ахир, жанобингиз ўзбак учун ҳам, тожик учун ҳам муштарак шоирсиз.

— Ажабо, бизни кутсалар ёқаларидан тутишиб, бўғишиб кутадиларми?..

— Сизни танимаган беодоб ёшларга танбеҳ учун шундай чора қўллаган бўлишларн мумкин...

Мироббошининг бу сўзи мантиқ жиҳатидан андак қовушмагандай туюлди шекилли, унинг ўзи кулиб юборди, бошқалар ҳам унга қўшилиб кулдилар. Шу онда Хайринисонинг куёви югуриб келиб, Муқимий оёғига ўзини ташлади. Муқимий уни ўрнидан тургазиб, мироббошига қаради:

— Таннимаслик гуноҳ эмас-ку?..

— Бу йигит фақат сизни эмас, бизни ҳам, отасини ҳам, ҳатто ўзини ҳам танимагани туфайли шаҳрихонликларнинг назаридан қолган!

Муқимий тушуниб, кулимсиради, йигитнинг қўлидан маҳкам тутиб, ичкарига қадам қўйди. Йигит бошини ерга солганча Муқимий кетидан эргашди, улар орқасидан мироббоши, Мавлавий Йўлдош, мискар уста, иккала ёш шоир, булардан кейин темирчи уста билан қолганлар ичкари кирдилар. Заргар ҳожи бечора ранги бўзарган ҳолда, ҳовли саҳнида қотиб турар эди. Муқимий йигит қўлини қўйиб юбормай, савол ташлади:

— Келганимизга икки кун бўпти-ю, кўргингиз келмайди! Қариндош ҳам шундай беоқибат бўлар эмишми? А?..

Йигит ҳамон бошини ерга солиб жим турар, ҳамма унинг узр ёки бошқа сўз айтишини кутар эди. Муқимий яна гап бошлади:

— Сиздан кўра Қамбарнисо оқибатли чиқди, йўқлаб Қўқонга борди, бизни Шаҳрихонга бошлаб келди. Қизингизнинг бу ишидан хафа эмасмисиз?..

Йигит йиғлаб ўзини Муқимий оёғига ташлади. Муқимий уни тургазиб қўйди, йигит йиғи аралаш тилга кирди:

— Шу турганлар ҳурмати, менинг гуноҳимдан ўтнинг. Мен хато қилдим...

— Сизнинг гуноҳингизни кечирадиган мен эмас, мискар устанинг кулбасида қон йиглаб, зардоб ютиб ўтирган Хайринисо билан мана бу турган ҳамшаҳар, ҳамқишлоқларингиз! Биз ўша муштипарга ҳамроҳ бўлиб келган меҳмонлармиз...

Тизилиб турган оддий кишилар баб-баравар сўзладилар:

— Сиз ҳар доим беҳимоя қолган етим-есирларнинг ҳимоячиси эканлигингизни биз шаҳрихонликлар яхши биламиз...

— Ҳурматли меҳмон, камлик кўрманг!..

— Бу йигитимиз биз тожикларни ерга қаратиб қўйди. Биз уни қозихонага судраймиз деб келган эдик.

Мавлавий Йўлдош бетараф туrolмади:

— Қозихонада ҳам халқдан сўрайди. Қоралайдиган ҳам халқ, оқлайдиган ҳам халқ! Халқнинг ғазабига дучор бўлганлар ўзини осмон ҳис қилсалар ҳам бир кун тупроққа қорилади, халқнинг муҳаббатига сазовор бўлганларни, гарчи тупроққа беланиб ётган бўлсалар ҳам халқ бошига кўтаради. Бу йигит ҳамшаҳарларининг қаҳр-ғазабига дучор бўлмай, улардан афв сўраб, оёқларига йиқилса яхши бўлар эди!..

Кўз ёшларини артиб ҳожи заргар сўзлай кетди:

— Сизларнинг шоҳидлигингизда мен ўғлимдан шуларни талаб этаман: аллақайси гўрдан етаклаб келган нотайин иккинчи хотинидан кечади, келиним Хайринисонинг оёғига йиқилиб, у билан ярашади. Мен эртадан тўй бошлаб, келинни мискар устанинг уйдан тантана билан тушириб олиб келаман. Бу талабимни рад этар экан, менинг бундай ўғлим йўқ! Бугун уйдангина эмас, Шаҳрихондан чиқиб кетсин. Келинимнинг иддаси ўтгунча уйимда сақлаб, ўзим тўй қилиб, уни куёвга узатаман. У вақтда Хайринисо келиним эмас, менинг қизим бўлиб қолади, набирамни ўзим тарбия қиламан. Қани, нима дейсан?..

Йигит югуриб бориб, отаси оёғига йиқилмоқчи эди, отаси ўшқирди:

— Менга эмас, мана буларга айт!..

Йигит ўзини тутиб, секин халқ томон бурилди.

— Отамнинг талабларини қабул қиламан! Гуноҳимни кечиринглар! Отамнинг сояи давлатларида бевош ўсиб, билган номаъқулчилигимни қилиб юрганимда, менга яна бахт кулиб боқди, қайнатам бўлмиш Раҳматулло

заргар ҳам олтин билан данғиллама ҳовли қолдириб, ҳажга кетди. Менга ҳеч ким тўғри йўл кўрсатмади, ҳовлиқдим, ёмон улфатлар мени бузуқ йўлларга бошлади, покиза хотинни боласи билан кўчага қувиб, нопок хотинни унинг иссиқ ўрнига олиб кирдим, менга отамнинг ҳам, мушфиқ онамнинг ҳам сўзи ўтмади! Рухсат берсаларингиз, устанинг уйларидан хотиним билан қизимни ҳозир олиб келай...

Темирчи уста бақирди:

— Йўқ, бўлмайди! Аввал биз билан бориб, кўчадан топган матонингни қозихонада уч талоқ қиласан. Тавба қилганинг тўғрисида қозихонада тазкирасига қўл қўясан, ўзингни гуноҳдан тозалайсан. Утган гуноҳларингни ота-онанг, хотининг авф этадилар, бу воқеаларга сабабчи бўлганлиги учун ҳожи ака қайта тўй қилиб беради. Шундан кейин олиб келишингга рухсат этилади. Шундайми, Муқимий домла?..

Ҳамма енгилланиб жилмайди, йигитнинг пешонаси йилтиллади, ҳожи заргарнинг рангига қон югурди. Муқимий очик чеҳра билан темирчи устага ташаккур билдириб, унинг сўзини маъқуллади. Халқ тарқаб кетгач, меҳмонлар темирчи устани ҳам бирга олиб, меҳмонхонага кирдилар. Бугун меҳмонхона Муқимий билан Мавлавий Йўлдошга кулиб боққандай эди.

Дастурхон устида суҳбат гоҳ ўзбекча, гоҳ тожикча борар, ҳар иккала меҳмон ҳам тожикчани яхши билганидан ўз сўзларини Бедил, Ҳофиз асарларидан, Шайх Саъдийнинг ибратомиз ҳикояларидан келтирилган мисоллар билан исбот қилар эдилар. Шоир Муқимий билан келган бу камтар, кўримсиз кишининг бадиҳагўйлиги кекса темирчи уста учун жуда ҳам мароқли эди. Бу меҳмон гўё дунёдаги ҳамма илмни ҳифз этиб олганга ўхшаб туюлар эди. Ташқарига чиққанларида Ҳайратий бу содда устага Мавлавий Йўлдош ҳақида сўзлаб берди:

— Бу киши ҳозирнинг ўзида беш тилни мукамал билар эмиш. Ўзбек, тожик адабиётини қаердан сўрасангиз, ўша ерини айтиб беришга қодир кишилар Шаҳрихонимизга ўзлари кириб келишди...

Уста бош чайқади:

— Ўзлари кириб келганлари йўқ, булар шундай улур кишилар бўлишига қарамай, бир муштипар аёлнинг ҳақини ҳимоя қилиб, шунча ердан келишди. Шуларнинг

отасига минг раҳмат!.. Дўкон очиқ қолган эди, кечроқ келаман...

Темирчи уста дўконига кетди. Ҳайратий меҳмонлар олдига қайтиб кирди. Бедилхонлик бошланиб, кечгача чўзилди. Шомдан кейин эшикдан бир чойфуруш билан Обиджон аълам кириб келди. У билан эски қадрдондек сўрашдилар.

Обиджон ҳали ўтирмасдан, жонсарақ Мавлавий ундан Қўқон аҳволини суриштира бошлади:

— Қўқонлар тинчликми, мулла Обиджон?

Обиджон аълам булардан анча ёш бўлишига қарамай, серҳазил-мутойиба, латифага ўч йигит эди. Мавлавийнинг саволига жавобан: «Ҳа! Қўқон тинч!»— деб қўя қолгиси келмади шекилли, «Қўқон тинч эмас, галаговур!..»— деди. Бу жиддий айтилган сўз ҳамманинг диққатини ўзига тортди. Мавлавий Йўлдош чиппа-чипишониб, ташвиш билан:

— Сабаб?..— деб сўради.

— Бирданига иккалаларинг йўқ бўлганларингдан кейин Қўқондан файз қочиб, ҳувиллаб қолди, бундан бошқа яна нима сабаб ҳам бўлсин?.. Аммо яхши хушxabарлар бор, бу хушxabарларни ҳозир айтилмайди.

Янги келган меҳмонга ҳали дастурхон солинганча йўқ эди, ҳожи заргарнинг ҳаммаҳаллалари кириб келдилар, улар билан туриб сўрашишга, танимаган одамлар билан ясама муомала қилишга, уларга ўхшаб тиз чўкиб, қўл қовуштириб ўтиришга тўғри келди. Уларнинг раъйи андишаларини қилиб, сатранжни токчага олиб қўйдилар ва бирга кирган маҳалла имомининг узундан-узоқ фотиҳасига қўл очиб туришга мажбур бўлдилар.

Сухбатнинг энди-энди қаловга келган гулханига сув сепилиб ўртада қуруқ мулозаматдан бошқа нарса қолмагач, Муқимийнинг риндлиги қўзий бошлади. Имом домла ўз билимини меҳмонлар олдига намойиш қилиш учун хайру саховатдан тушиб, чайналиб сийқаланиб кетган ҳодисалардан мисол келтирди ва сўзини қурбон ҳайнатида қўй сўйиб, қурбонлик қилган мўминлар «қиёмат»да «пулсирот» кўпригидан ўша қурбон қилинган қўйни миниб ўтадилар, деб тугатмоқчи эди, энсаси қотган Муқимий ер остидан бўғилиб ўтирган Обиджонга қаради. Обиджон бу қарашнинг замирига етиб, имомга савол берди:

— Хафа бўлмайдилар, домла почча! Биз оми одамлармиз, билмаганимизни сўраб билиб олсак айби йўқ. Масалан, қурбонлиққа қўй сўйганлар-ку, сўйган қўйларини миниб кўприкдан ўтар эканлар, қурбонлиққа қурбон етмай, ийд кунни зиғир ёғида ош қилиб имом домлага егизганлар нимани миниб ўтадилар?.. Шунни айтиб берсангиз эди!..

Бу саволдан имом ҳанг-манг бўлиб, анқайиб турганда Мавлавий Йўлдош қўли билан ишора қилди:

— Камина ҳам мадрасаңинг кўп йил тупроғини ялаб, таҳсил кўрган кишиман, оҳират илмини ҳам бу ҳазрати имом домладан кўпроқ билсам керак. Бу саволга домла жавоб қилишдан ожиз бўлсалар, бу кишининг ўрниларига мен жавоб қилсам...

Обиджон кесатиб саволни қайтарди:

— Зиғир ёғида ис чиқариб, домла имомни меҳмон қилса, кўприкдан нимани миниб ўтади?..

Мавлавий Йўлдош шошилмай жавоб берди:

— Қўй сўйишгаки қурбон етмай, зиғир ёғида ош қилиб домла имомни чақирган эканми, бошқа илож йўқ, устига тўқим солиб, кўприкдан имомни миниб ўтади!

Суҳбатдагилар гурр этиб кулиб юбордилар, имом зарда қилиб, ўрнидан сапчиб турди, унга вохурчилик қилиб, қавмларидан яна икки-уч киши қўзғалди, имом чиқа туриб, Мавлавий Йўлдошга қаттиқ хўмрайди:

— Сизларни тузук одамлар деб кирган эдим!..

Муқимий кулиб жавоб берди:

— Айб ўзларида, тақсир! Тузук одамлар деб эшитган эканлар, нима учун кирдилар?..

Имом қўл силтаб чиқиб кетди, художўй ҳожи заргар ноқулай вазиятда қолиб, айвонда турар эди. Аввал Муқимий, ундан кейин бошқалар айвонга чиқдилар. Чарчаганликларини баҳона қилиб, кечаги меҳмонхонага бордилар ва кечаги ширин суҳбатни давом эттирдилар.

Эртаси туш пайт ўғли билан ҳожи заргар кириб келиб, тўй маросимини бошлаш учун фотиҳа беришларини сўради. Муқимий ота-болани четга тортиб, миннатдорчилик изҳор қилгач, бугун кеч Қўқонга қайтишларини айтди ва Хайринисони аёллар мискарниқидан тезроқ олиб кетишларини, қозихона билан бўладиган ишларни кечгача бартараф қилишларини илтимос қилди.

Муқимий айтган ишлар кечгача амалга оширилди: аёллар арава олиб бориб, Хайринисони иззат-ҳурмат

билан ўз уйига олиб келдилар, темирчи уста, мироббоши ва ҳожи заргар куёвни қозихонага олиб бориб ўша ерда ундан тилхат олиб, ишни бақамти қилдилар, куёв иккинчи хотинни талоқ қўйди. Фақат кечки маросим, яъни куёвни келиннинг ёнига олиб кириб қўйиш маросими қолди.

Муқимий бу маросимни тўла-тўқис ўтказишни мироббоши, мискар ва иккала шоирга топшириб, кечки пайт улар билан заргар ҳожиникига борди. Муқимий дўстларни меҳмонхонада қолдириб, хайрлашиш учун ҳожи билан ичкарига, Хайринисонинг ёнига кирди: Хайринисони келинчакдек ясатилган бир уйга қиз-жувонлар йиғилишиб, базм қилмоқда эдилар, Хайринисо келин либосида югуриб чиқиб, салом қилди, уяла-уяла, Муқимийнинг кифтига бошини қўйди, ўзини тутолмай фаранг дурра учига ёш томчиларини артиб туриб деди:

— Сизга ҳадя қилиш учун менда раҳматдан бошқа нима ҳам бўлсин!.. Бу ишлар фақатгина мардлар қўлидан келади, бу олижаноблигингизни фақат мен биламан... Хайр!..

Муқимий ҳеч сўз демай, ўгирилди:

— Хайр!..

Қайтиб чиққандан кейин Муқимий куёв билан иккала ёш шоир — Ҳайратий билан Оразийни бир четга тортди: — учалаларингизга айтадиган бир илтимосим бор: Хайринисо китоб, қоғоз, қаламсиз қолмасин, ёшлигида дутор чалар эди, унга бир дутор ҳам олиб берилсин. Гарчи у номаҳрам бўлса ҳам, сизнинг шеърингиз Хайринисога, Хайринисо шеърлари сизларга маҳрам бўлсин. Умид қиламанки, «почча»миз бундан шубҳаланмайдилар.

Ҳар учалалари бу ҳақда Муқимийга ваъда бердилар, меҳмонлар йўл физосига деб шошиб дамланган ошдан насиба олиб, кўчада кутиб турган соябонли гумбур аравага чиқдилар, ҳамма билан самимий хайрлашиб, Асака станцияси томон жўнаб кетдилар, станцияга етиб, аравадан тушгач, Обиджон чиптахонага шошилар экан, бундай деди:

— Сизлар жўнаган куннинг эртаси Марғилондан, шоир Рожийдан хат олиб, Қўқонга бир киши борган эди. Ҳар иккалаларингизни Марғилонга олиб боришни бу хатда менга юклангани сабабли, чиптани Қўқонга эмас, Горчаковгача олишим керак бўлади...

Мавлавий Йўлдош чиптахонага шошаётган Обиджоннинг энгидан тутди:

— Эшон аканинг хоҳишларини билмадим, ammo мен Марғилонга туша олмайман, волида нотоб эдилар, бизники узр...

Муқимий Мавлавийни Қўқонга ўтиб кетишига ва ўзи Обиджон билан Марғилонга тушиб қолиб, дўсти Хўжажаҳон Рожий билан бир-икки кеча ҳамсухбат бўлиш розилигини билдирди. Чунки, Хўжажаҳон Рожийни анчадан бери кўрмаган эди.

Ундан ташқари, Шаҳрихон сафаригадики диққатчиликларни андак тарқатиш ҳам керак эди. Обиджон аълам чипта олиб чиқиши билан поезд ҳам етиб келди: вагон озода, бир вақт Андижондан келишда Муқимийнинг ҳавасини келтирган, одамни кам, хотиржам сўзлашиб, сатранж ўйнаб кетиш мумкин бўлган вагондан эди. Муқимий яйраб, дўсти Обиджонга миннатдорчилик изҳор қилиб, ечиниб ўтирди. Марғилонга етгунча хушчақчақлик билан кетишни хоҳлаган Обиджон, Рожий ҳақидаги қизиқ ҳикоясини бошлади:

— Айтаман деб ёдимдан кўтарилпти. Хўжажаҳон Рожий Муҳйини ўлди деб эшитиб, марсия ёзиб юборган экан:

«Ҳарза кардид дар жаҳон Муҳйин,  
Малакулмавт омад, ўро бурд.  
Баҳри тарих фавти у гуфтам;  
Шоирни ҳарза кард Муҳйин мурд...»

(Жаҳонни беҳуда кезиб, саёқ юрган Муҳйини Азроил келиб олиб кетди. Шунинг учун саёқ юрган деб, тарих ёздим.)

Бу марсия Қўқонга, Муҳйиннинг қўлига бориб тегибди. Уни ўқиб жони ҳалқумига келган ҳожи Муҳйи «Ўлмаган одамни ўлди деб, марсия ёзишга сени ким мажбур қилди?!» деб, Рожийни сансираб, сўкиб хат ёзиб юборибди, Рожий хатни олгач, шундай жавоб ёзипти:

«Сизни ўлмайди деб, ким айтди? Ҳазратнинг мадрасаларини сизга хату васиқа қилиб берган бўлсалар ҳам бир кун ўласиз! Шунинг назарда тутиб, қўлим бўшлигида феълу атворингизни ва қандай инсон эканлигингизни тасвирлаб, марсияни ёзган эдим. Ўлмасдан туриб, мар-

сняда дарж этилган ўз кирдикорларингизни ўқиганнингиз яхши бўпти! Улганингиздан кейин яна ҳам кенгроқ марсия ёзишга қарздорман!..»

— Тасанно,—деб юборди Муқимий кулиб,— ажойиб дўстим бор-да! Дадиллигига қойилман!..

Хўжажаҳон Рожийни ҳар учалалари ҳам яхши танир эдилар. Рожий Қўқонга борганда ҳужрада бўлган, ундан кейин Муқимий Обиджон билан Марғилонга келиб кетган эдилар. Шунинг учун ҳам Рожийни Мавлавий Йўлдошдан кўра иккалалари яхшироқ билар эдилар. Обиджон аъламнинг эса, ёшликдан Марғилон билан робитаси бўлиб, марғилонлик чойфуруш Охунжонникига тез-тез меҳмон бўлиб турар, у орқали Рожий ва Марғилоннинг бошқа фозил аҳли суҳбатлари билан танишган эди. Айниқса Рожий ҳақида қизиқ ҳикоялар сўзлаб бериб, Обиджон икки ҳамроҳини Горчакового етгунча хурсанд қилиб келди.

Хўжажаҳон Рожий Фарғона водийсида ном чиқарган, айниқса Марғилон халқининг ифтихори бўлган шоир эди. Хушқомат, ширинсўз, хушчақчақ ва камтар бўлганлиги туфайли халқ орасида обрўйи тобора кўтарилар эди. Даҳа қозилигига сайлангандан кейин ҳам камтарликни тарк этмади, қозихона ишидан бўш вақтларини санъаткорлар, халқ қизиқчилари, аскиячилар ва оддий кишилар суҳбатида ўтказар эди.

Шариат қозисининг бу қилиқлари руҳонийларга ёқмай, Рожийни қозиликдан бекор қилиш ҳаракатига тушганларида, халқ Рожий тарафдори бўлиб, уни қўллаб-қувватлар, Рожий ўзининг ўткир ҳажвлари билан руҳонийларнинг кирдикорларини элга фош этиб, ўзи қозилик маснадида турган ҳолда шарият пешволаридан қаттиқ кулар эди.

Кунлардан бир кун Рожийнинг олдига бир неча киши кириб, Ўрда оғзи, яъни бозор бошида тиланувчи кўзи ожиз, тили аччиқ бир гаодан шикоят қила бошладилар: уларнинг айтишларича бу гадо ўз ённдан ўтгандан садақа сўрар, садақа берганларни алқаб, бермаганларнинг қораси ўчгунча қабиҳ ҳақоратлар билан сўкар эмиш. Рожий бу шикоятларни эшитгач, кулди ва уларни алдаб-сулдаб чиқазиб юборди, эртаси кечки пайт уйга бора туриб Ўрда оғзи томон юрди, ўша гадо бозор бошида баланд овёз билан тиланаётган эди. Рожий унга яқин бориб, садақа бериш ўрнига жўрттага туртиб ўт-



ди, гадо Рожийни танимай болохонадор қилиб сўка бошлади:

Ҳа... Онангни!..

Рожий индамай ўтиб кетди-ю, эртаси қозихонага олдириб борди, гадо шовқин кўтарди:

— Менинг нима гуноҳим борки, қозихонага олиб келадилар!

Рожий уни юпатиб бундай деди:

— Гуноҳ учун эмас, савоблик иш учун олдириб келдим. Кеча кечқурун бизнинг волидаши оғизга олган эдингиз. Бундан кейин ҳар кимларнинг волидасига осп-ла бермангу бизнинг волидани никоҳингизга ола қолинг...

Кўр гадо кулиб юбрди:

— Э, тақсир! Кечқурун ҳамёнимни кавлаб, ҳақоратимни эшитган ўзларимидилар? Тавба қилдим! Бундан кейин ҳеч кимни ҳақорат қилмаганим бўлсин!..

Хўжажаҳон Рожийнинг дилкашлиги, ҳазил-мутойибага ўчлиги, ҳажвлари ниҳоят чуқур ва ўткирлиги ҳақида ҳамда Марғилон аҳлининг шинаванда, меҳмондўст, олижаноб фазилатлари ҳақидаги ширин суҳбат чўзилиб, Горчаково бекатиға етганларини ҳам билмай қолдилар. Мавлавий Йўлдошни Қўқонга узатиб, икков бекат чойхонасига тушиб бордилар, тиқилинч, кўнгилсиз чойхонанинг бир четида чойхўрлик билан бир амаллаб тонг оттириб шаҳар йўлини олдилар.

Извош Охунжон чойфурушнинг дарвозаси олдида тўхтади, Обиджон ичкарига кириб, кулимсираб қайтиб чиқди:

— Айни муддао, эшон ака! Ошнамит ҳозиргина дўконига жўнаган экан. У бўлганда бизга ором бермай, меҳмонхонасига одам тўпланиши турган гап эди. Меҳмонхона озода, кечгача нафасимизни ростлаб оламиз. Кейин менга деса суҳбат саҳаргача чўзилсин.

Холи меҳмонхонада андак мизғишган бўлдилару, кейин уйқи қочди, ўзаро чувалашиб, кунни пешинга еткизганларида эшикдан энтикиб Охунжон кириб келди. Аъламнинг ичкаридаги аёлларга шунча тайинлаб уқдиришига қарамасдан, Охунжоннинг оиласи дўконга бола юборган экан, бола бориб, Охунжонга хушxabарни етказибди, Охунжон бу хушxabарни дарҳол яқин улфатлари ва улар орқали Рожийга етказиб, ўзи ҳовлисига келишга шошилибди. Нафаси оғизга тиқилиб, меҳмонхо-

нага кириб келган хонадон соҳиб азиз меҳмонлар билан қучоқлашиб кўришар экан, бу кечада ажойиб базму суҳбат бўлишидан дарақ бериб, ташқарига отилди. Уй-қу чала бўлгани Муқимийга малол келмаса ҳам бир ерга борганда тўпланадиган кишиларнинг ҳар турли, «ола» бўлишидач безиллар эди.

Баъзи бир мезбонларнинг ҳушёрсизлиги ёки бепарволиги орқасида тансиқ суҳбатларга салласи катта насиҳатгўйлар араллашиб қоларди. Муқимийни Обиджон аълам тинчитди:

— Бу шаҳарни Марғилон дейдилар! Унинг устига, бу кечалик суҳбатга дўстингиз Рожий тайин қилган кишиларгина тўпланар эмиш. Охунжон гарчи чойфуруш бўлса ҳам Рожийга манзур, суҳбатаро, диду фаросатли йнгит.— Бу кеча маза қилишамиз...

Меҳмонхона пойгасидаги чорбурчак, бўркор ўчоққа олов ёқилиб, тут саржин ўтин қаланди, Муқимийни шундай гулханлар ёнида ўтиришни яхши кўради деб эшитган Охунжон ўчоқ ёнига кўрпача ёзиб, шоирни таклиф қилди:

— Меҳмонхона тўридан жанобингизни бир қарич жилдиргим йўқ эди-ку, аммо бизнинг эшитишимизча ўзлари гулхан бўйини ёқтирар эканлар. Дарҳақиқат, гулханга яқин ўтиришнинг ўзига хос гашти бор. Марҳамат қилсинлар, мулла ака!..

Охунжон одобли, ширинсўз одам эди, кейин кириб келган кишилар ҳам бир-бирларидан ўта хушмуомала, хушфеъл кишилар эдилар. Улардан кейин бир-икки созандалар билан Мадалибек, Зоҳидбек, улардан сўнг хушқомат йнгит — Юсуфжон қизиқ кириб келиб сўрашди. Уларнинг юриш-туриш ва муомалаларида санъаткорга хос назокат бор эди. Мадалибек гарчи қомати чоғ бўлса ҳам озода кийинишда инҳоятда инжиқ санъаткор бўлиб, унинг қора соқол ва нозик мўйловчаси кичкина қора қулфни эслатар, сурмали киприклар остида кўзлари жиддий, лекин меҳрибон қарашлари билан суҳбат аҳлини ўзига жалб этарди.

Дахмазали бўлмаган енгил дастурхон устида, пойгаҳда ўтирган Юсуфжон ҳаммани оғзига қаратиб, қизиқ ҳикоячалар ва ажиб латифачалар бошлади, кулгига кулги уланаётган пайтда ёнида икки дилкаш косиб билан шоир Рожий келди, Рожий билан бирга меҳмонхонага файз ҳам кирди. У Муқимий ва Аълам билан қу-

чоқлашиб кўришгач, ёнидаги икки ҳамроҳнинг кимлик-лари, касбу қор ва фазилатлари билан меҳмонларни таништириб, Муқимий ёнидан жой олди, суҳбат узилган еридан яна уланиб, латифа, бадиҳагўйлик тобора гулхандек гуриллаб, мажлисга файз киритди. Суҳбат навбати Мадалибекка етгач, созлар ғилофдан чиқарилиб, созлана кетди. Мадалибек билан Зоҳидбек маромида ялла бошладилар:

«Ишқ йўлида муҳаббат раҳнамо кам-кам бўлур,  
Мустажоб ўлмас дема ҳаргиз, дуо кам-кам бўлур,  
Санг дилларга муассир оҳ-во кам-кам бўлур,  
Эй, кўнгул, сабр айла, ул маҳ ошно кам-кам бўлур,  
Байтул эҳзоннинг ахири пурзиё кам-кам бўлур...»

Фурқат газалига Муқимий томонидан боғланган бу мухаммас Мадалибек ва унинг ҳамнафаси томонидан шундай айтилдики, ялла авжи гўё фалакка чирмашди. Мадалибек ўзини ҳам, тингловчиларни ҳам қийнамай жумлаларни донадор териб, охириги чўзмай тўхтатарди, бундай чертиб ялла қилиш Мадалибекка хос ҳисобланар эди.

Устма-уст уч ялла қилганларидан кейин созларни деворга тираб қўйиб, суҳбатни тўхтаган еридан давом эттирдилар: суҳбат давоми бу дафъа улфатчилик хулқу одоби ва қонун-қондалари ҳақида борар экан, Мадалибек бу мулоҳазаларни қувватлаб, баъзи ножинис, ноғиҳон аҳли суҳбатлардан нолиди:

— Биз суҳбатнинг шундай бўлишини орзу қиламиз. Масалан, суҳбат ораларида ўринсиз луқма ташлаб: «жуфт бўлсин! Яна битта эшитайлик!..»— дегувчилардан безиллаганимиздек, ялла бўлаётганини унутиб қўйиб, ҳасратга тушиб кетадиган бедард, тасодифий меҳмонлардан ҳам безиллаймиз. Бизни севсалар, санъатимизни ҳурмат қилсалар, топшириқ бермай, ихтиёримизни ўзимизга қўйиб берсинлар. Чунки биз этикдўз эмасмиз!..

Суҳбат аҳли бир оғиздан Мадалибекнинг гапини маъқуллади. Моҳир санъаткор аҳбобларнинг ялла эшитишга майллари борлигини сезиб, яна созини қўлга олди. Ялла суҳбатга уланиб ярим кечагача давом этди.

Муқимий билан Обиджон аълам эртаси кеч Хўжажаҳон Рожий меҳмонхоначасида бўлиб, хос шеърхон-

лик, ҳажвхонлик суҳбати билан ўтказдилар. Унинг эртаси кундузи бозор айланиб, дам олишгач, яна Рожийнинг меҳмонхонасида бўлиб, берилган ваъдага мувофиқ, кечки пайт Рожий билан Рожийнинг устакор дўстиникида меҳмон бўлиб, саҳарда Горчаково бекатига чиқиб кетдилар.

## Ў н т ў р т и н ч и б о б

### ИЛОН ЗАҲРИНИ СОЧАДИ

«Гар қилич бошимга ҳам келса дегайман ростин,  
Сўзки, ҳақ бўлса, саволимга жавобим ким десун...»

Муқимий Марғилондан қайтиб келганда мулла Абдулла билан Фарибий шоирга суюнчи тортиб, бир конверт топширдилар. Москвадан, Ерзин оғай ва Рўзимуҳаммаджондан хат келган эди. Иккала мактубнинг мазмуни бир-бирига ўхшаш бўлса ҳам, аммо Ерзин ёзган мактуб қисқа, шошилмай, ўйланиб ёзилган. Рўзимуҳаммаджон мактуби эса русчага татарча, ўзбекча сўзлар аралаштирилиб, шошиб-шошиб, болаларча ёзилган эди.

Ерзин бу йил ёзда Рўзимуҳаммаджонни Қўқонга олиб бориши, ўзи олиб боролмаган тақдирда тайинли кишиларга қўшиб жўнатишини билдирган эди.

Муқимий Ерзин хатини қайта-қайта овоз чиқариб ўқиб, гоҳ хафа бўлиб, гоҳ шукур қилар, Рўзимуҳаммаджоннинг бошини силаб ўқитаётган ажойиб меҳрибон, ғамхўр, етимпарвар, саховатли инсонларга устма-уст раҳмат айтарди. Русча иборалар кўп ишлатилгани учун Рўзимуҳаммаджоннинг хатини ўқишга «тиши» ўтмай, кулиб яна конвертга солди:

— Майли! Ўқиб бўлмаса — ўқиб бўлмасин! Мавлавийнинг қўлига тушгандан кейин ўқилмай қаёққа боради! Нима бўлса ҳам бор экан, ёзибди, тагин ёзсин, биз қийналиб-қийналиб ўқийлик! Бу ажойиб кишилар тарбиясида ажойиб киши бўлиб етишади. Рус олимлари фақир Муҳаммад Аминхўжанинг жияни Рўзимуҳаммадни ўзларидек билимдон қилиб етиштириб: «Бориб, энди ўз элигга хизмат қил!»— дейдилар. Саломат бўлсам мен ўшанда бу Муҳйилар билан бир гаплашаман. Менинг жиянимни руслар тарбиялаб юборди, улар шундай олижаноб халқ деб овозимнинг борича жар соламан!

Муқимий кийиниб, иккала хатни қўйин чўнтакка солди-да, чиқишга шошилди:

— Мен Мавлавийнинг уйига бориб, Рўзимуҳаммаднинг хатини ўқитаман. Уйда бўлмаса ҳужрасидан топилади!

Гарибий Муқимийни қайтармоқчи бўлди:

— Узларини бошлаб кела қолсам-чи?..

— Ҳурматдан эмас! Мавлавий гарчи мендан ёш бўлса ҳам, илми зўр, улуғ киши. Уни ўзим истаб топаман!

Муқимий Мавлавий Йўлдошни уйдан тополмагач, Тақачиликка боришни мўлжаллаб, жоменинг ичи билан юрди, жоме дарвозасига рўпара бўлган чой растасидаги Обиджоннинг дўкони берк эди. Муқимий билан поезддан тушган Обиджон аълам бугун дўкон очмаслиги мумкин эди. Муқимий растага юрмай Чорсув орқали Тақачиликдаги мадрасага борди. Аммо Мавлавий Йўлдош ҳужрада ҳам йўқ эди, дуч келган танишлардан бири Мавлавий Йўлдош идиш-товоқ растасида Ёқубжон ҳожи чиннифурушнинг дўкони олдида ўтирганини айтди. Муқимий қайтиб, идиш-товоқ растасига жўнади.

Ёқубжон ҳожи гавдаси йўғон, қора соқол, серсават киши бўлиб, унинг дахмазали катта магазини жоме дарвозасига қараб солинган эди. Ёқубжон ҳожи фақат хитой кўралари, товоқлари, нозик, юпқа жонон чинни ва пиёлалар билан савдо қилар, аксари хитой кўралари устига ёзилган хитойча ёзувларни ўқитиб эшитиш учун у Мавлавийни чақиртириб келарди. Мавлавий ҳам бу ёзувларни ўқишга ишқибоз эди. Шу растандан ўтгудек бўлса, бир нафас тўхтаб ўтмай иложи йўқ эди.

Ёқубжон ҳожига Шанхайдан янги катта кўралар келган, Мавлавий унинг устидаги ёзувни ўқиб, Ёқубжон ҳожига ва қизиқиб тўпланган кишиларга таржима қилиб бермоқда эди. Кўраларга аксари уни ишлаб чиқарадиган корхона, корхона хўжайинининг номи дарж этилган бўлар, баъзи император ҳазратларининг шаънига айтилган мадҳия ёки бир машҳур шоирнинг шеъридан намуна келтирилар эди. Уни ўқиб берганда баъзилар ҳар хил саволлар ташлаб, Мавлавийнинг бошини айлантирар эдилар.

— Чинни нима деган сў?— деб берилган саволга Мавлавий Йўлдош ҳеч ўйлаб ўтирмай жавоб қайтарди:

— Чинни сўзи Чиндан олинган бўлиб, чинни эса хитойники деган маънони беради...

Шундай мунозара давом этаётган вақтда Муқимий етиб келиб, Ёқубжон ҳожи ва Мавлавий билан сўрашди, сўнгра қўйин чўнтакдан конвертни олиб узатди:

— Ажойиб хушxabар! Назардан ўтказинг, кейин хужрага борайлик...

Мавлавий хатга кўз югуртириб туриб, гоҳ қовоғини уяр, гоҳ кулимсирар, уни тез-тез ўқишга шошилар эди. Ёқубжон ҳожи Мавлавийнинг ҳаяжонидан таажжубланган бўлса ҳам сўрашга ботинолмай турарди, Мавлавий ўқиб бўлиб, қувонч билан Муқимийни қутлуғлади, сўнг Ёқубжон ҳожига конвертни пеш қилди:

— Бугундан қолдирмай ошнангиз ҳожи Муҳйига айтинг, афанди! Муқимийнинг бошига бахт қуши қўниб, йўқолган жияни топилибди. Уни Москвада рус олимлари тарбия қилаётган эмиш, инсонпарвар бир бегона татар киши: «Жиянингиз менинг иссиқ уйимда, хавотир олманг, ажойиб киши бўлиб етишгандан кейин боради», деб хат ёзибди. Шунини ҳам айтинг!.. Хужрага кетдик, эшон ака!..

Ёқубжон ҳожи бир нарса демоқчи эди, сўзи ҳалқумида қолди, Мавлавий билан Муқимий катта чит растасига ўтиб кетдилар.

Хужрага келгандан кейин Солиҳ Ерзиннинг мактубини ва Рўзимухаммаднинг уч тилда ёзган хатини ўқиб қаноат ҳосил қилгач, батафсил сўзлаб берди.

Суҳбат охирида Москвадан мактуб келтирган кишини истаб топиш, хужрада меҳмон қилиш, Рўзимухаммад ва Солиҳ Ерзин тўғрисида у кишининг ўз оғзидан эшитиш, жавоб мактуби юбориш ҳақида маслаҳатни бир жойга қўйдилар. Эртаси икки дўст ўша одамни топиш, сўзлашиш, хужрага таклиф қилиш билан кунни кеч қилдилар.

Москвадан мактуб келтирган киши Азимжон номли савдогар эди. Бу киши хужрада меҳмон бўлиб, Солиҳ Ерзиннинг кимлигини гапириб, Рўзимухаммадни ўз фарзандидек кўриши ва бошқа тўғриларда Муқимийни хотиржам қилди, яна Москвага кетишда мактуб олиб кетиш ваъдасини берди. Шундай қилиб, московчи Азимжон орқали Рўзимухаммадга Муқимийнинг мактуби бориб, Рўзимухаммаддан Муқимийга мактуб келиб турди.

Қиш ичи сабаби тирикчилик учун яна Муҳаммад Юсуфхон қилқаламнинг Тароқчиликдаги ҳужрасига қатнаб, Муқимий хаттотлик билан шуғуллана бошлади. Шу вайдан ҳам, подшолик хизматига ҳозирча кирмай, дўстлар топган вазифаларни пайсалга солиб юрар эди.

Тароқчиликка келаётганда даҳа мингбошиси Орифхон тўрага дуч келиб қоларди. Муқимий унга бошқалардек икки букилиб салом бермасди, унинг бу қилигидан Орифхон тўра ғазабланиб, аламини ичига тугиб юрарди.

Учакишгандек яна бир кунни Муқимий мадрасадан чиқиб Тароқчиликка кетаётганда кўчани чангитиб, Орифхон тўранинг икки от қўшилган извоши кела бошлади. Муқимий чангдан ўзини сақлаш, иккинчидан мингбошига кўринмай қўя қолишни ўйлаб, ўзини бир дарвоза панасига олган эди, олдинда от чопиб келаётган от қоровули Муқимийни кўриб тўхтади ва извошдаги мингбошига шикоят қилди:

— Шоир Муқимий сизни келаётганингизни кўриб, ўзини панага олди.

Буни эшитган Орифхон тўра ғазабланиб бақирди:

— Жаноб Муқимий!..

Муқимий чиқиб кўриниш берди, бу орада томошабин бекорчилар ҳам тўпланган эдилар. Мингбоши тўра Муқимийга дўқ ура бошлади:

— Мендан нима учун яшириндингиз?!

— Чангингиз либосимга, димоғимга урмасин деб.

— Бу билан нима демоқчи бўласиз?..

— Аввал сув септиринг, кейин ўтинг демоқчиман! Гоҳи лой сачратиб ўтасиз, гоҳи чанг тўзғитиб. Халққа раҳму шафқат қилинг, демоқчиман!..

Кўча бошида тобора кўпайиб бораётган одамлар Муқимийнинг сўзини қувватламоқда эдилар. Орифхон тўра оломон ичида Муқимийни хафа қилишдан ҳайиққан бўлса керак, бошқа йўлни тутмоқчи бўлди:

— Извошга ўтиринг, бориб маҳкамада гаплашамиз...

— Фурсатим йўқ, жаноб тўра! Сўзингизни шу ерда айта қолинг!..

— Тўғрилиқча чиқмасангиз, зўрлик билан борасиз!..

Орифхон тўранинг ишораси билан от қоровули ордан тушиб, Муқимий томон бораётган эди, турган халойиқ Муқимий атрофини ўраб олди, уни кўриб от қоро-

вули тисарилди. Орифхон тўра жаҳл билан извошни тез ҳайдатиб жўнаб кетгач, от қоровули ҳам эгарга миңиб, извош орқасидан йўртиб қолди, Муқимий халққа раҳмат айтиб йўлига кетди.

Кечқурун Муқимий Муҳаммад Юсуфхон хаттотниқидан қайтиб келган пайтда мадраса олдида ҳожи Муҳйи билан дуч қелиб қолди:

— Жаноб Муқимий!..

Муқимий тўхтаб, орқада турган Муҳйига қаради:

— Гапингиз бормиди?..

— Фурсатингиз бўлса бизнинг ҳужрага кирсак... Бир оз сўзлашиб олар эдик...

— Маъқул...

Муқимий ҳужрага кириб ечинди-да, мулла Абдуллага юмшоқ шовла буюриб, ўзи Муҳйининг ҳужрасига чиқди. Бу ҳужрага биринчи марта кириши эди: ҳужра гилам билан тўлдирилган, қозикда почапўстин билан кашмири ипак салла, сандал четига солинган дуря кўрпачаларнинг орқа томонига тўртта парқу ёстиқ қўйилган, ҳужра тўрига Қаъба сурати солинган қимматбаҳо жойнамоз хўжақўрсинга ёзиб қўйилган эди, тўрдаги бўркор деворда, катта рамкада Муҳйининг фотосурати осилдиқ турарди. Муҳйи ўзи ҳақида ёзган ва қоғозга йўғон қалам билан кўчирилган қуйидаги шеърни ушлаб туриб, суратга тушган эди:

«Муҳйи фазл ёфт меърож

Бар маснади фазл соҳиби тож.

Гардида лақаб ба фазли Муҳйи,

Тож ул — шуарову ашрафил-ҳож...»

(Муҳйи фазл юксаклигини топди, фазилат тожининг соҳиби бўлди, шу фазл орқали Муҳйи лақабига эга бўлди, у шоирларнинг тожи бўлишга ва ҳожилик шарафига эришди.)

Муқимий буни назардан ўтказиб, энсаси қотди-ю, кўрмасликка олиб қўя қолди. Муҳйи ҳамҳужра хизматчиси мулла Асқарга ош буюриб, ўзи қопқоқлиқ тунука идишдан пиёлага асал сола бошлади:

— Буни бултур Арслонбобдан олиб келинган эди, фақатгина азиз меҳмонлар билан баҳам кўришиб, сизнинг насибангиз сақланар эди.

— Қуллуқ!..



Муҳйи энг азиз, сирдош дўстини меҳмон қилишга шошилаётгандек ҳужрада тимирскиланиб, тўйлардан тугиб келган ҳар турли қанду қурс, лавзу пашмакларни дастурхонга келтирмоқда, мулла Асқар пойгаҳда жим ўтириб, сабзи-пиёз тўғрамоқда эди. Муқимий қўйилаётган ширинликлар орқасида заҳарли сўзлар кутиб турганини билган ҳолда ўзини тағофилга солиб ўтирарди.

Узатилган пиёлани Муҳйи қўлидан олиб, асалга нон ботирди, бошда суҳбат асалдек ширин эди. Муҳйи сўзни узоқдан айлантириб келиб, Муқимийнинг бир ғазали устида тўхталди, унинг келгиндилигини ғазалда киноя қилган Муқимийдан ўпкалаган бўлиб, риёкорона кўз ёши қилишга бориб етди:

«Мулки Ҳинду Марвдин келсам топардим эътибор,  
Шул эрур айбим Муқимий, мардуми Фарғонаман...»

— Бир мадрасада яшаб, ижод билан обрў қозонаётганимизни кўролмайдиганлар ўртамизга совуқлик солиш учун мени сизга ёмонлайдилар. Сиз уларнинг сўзига кириб, келгиндилигимни бу ғазалда киноя қилиб ўтган экансиз, мен бунга хафа бўлмайман. Аммо бу ғазалингиз жаноб Юнусхон ҳазратга жуда оғир ботибди! Ахир, у кишининг оталари Ҳиндистондан келган, биз шуларнинг сояи давлатида ҳаёт кечирмоқдамиз! Борди-ю, ҳазрат чақириб, «ҳужрани бўшатиб қўй!» десалар, қаёққа ҳам бордик?.. Шуларнинг андишаси бўлиши керак эди. Бу сўзларни сизга ниҳоятда ҳаддим сиққанидан айтяпман, сизга озор етса, бизга ҳам озор етади...

— Ёзган мен, ҳайдалсам, мадрасадан мен ҳайдаламан. Бунга нима учун ўзингизни қўшиб гапирасиз, ҳожи ака?..

— Нега мен ўзимни қўшмас эканман! Сизга тикан санчилса, менинг жоним оғрийди-ю...

Муқимий ўзини босолмай қаттиқ кулди:

— Менга тикан санчилса, сизнинг жонингиз оғрир эканми? Бўлмаса бу ғазални ҳазратга олиб бориб ўқиб берган ким бўлди экан?..

— Бирор ғаламисдир...

— Кечирасиз! Худди ўзингиз!

Муҳйининг ранги қути ўчиб, ёқасини ушлади:

— Наузубиллоҳ! Сизга ким шундай деди?..

— Деворнинг ҳам қулоғи бор дейдилар! Ҳазрат ғазални эшитиб, сукутга кетганда, «Муқимийни ҳужрадан

ҳайдаш керак!» деб, луқма ташлаган ҳам жанобингиз эдингиз-ку!..

— Қим сизга шундай деб чиққан бўлса, бекор айтибди!..

— Худди эртага нонуштани ҳазратнинг ҳузурларида қилиб, бу шеърни яна ўқиб бераман. Агар шунинг учун ҳужрани бўшатиб қўйиш лозим бўлса, бўшатаман, хурсанд бўласизми?..

— Узингизга хафалик орттириб нима қиласиз! Мақсад ҳужрани бўшатиб қўйиш бўлса, унинг тадорики осон, сўнг у кишига: «Муқимий сиздан хижолат чекиб, ҳужрадан кўчиб кетди!» деб қўя қолганим яхши эмасми?..

— Сизга қолса шу яхшику-я...

— Ҳазрат кўчирганлари яхши экан-да, бўлмаса...

— Ҳазрат сиз айтганча беандиша одам эмаслар. Қола берса, бу ҳужра Миён Сотиболдихоннинг инону ихтиёрида. Мен ҳужра калитини сиздан ёки ҳазратдан эмас, Миён Сотиболдихондан олганман, у кишига яна ҳужра керак экан, мен бўшатиб беришга доимо ҳозирман!..

— Сизни мадрасада турмаслигингизни ҳатто мингбоши тўра ҳам ҳазратга илтимос қилмоқчи эмиш! Мингбоши сиздан хафа!..

— Ўлманг, ҳожи ака! Мана энди мақсадга келдингиз...

— Бу қадар қўпол, дағал бўлиш шоир кишига ярашмайди! Одамлар қатори таъзим қилсангиз мингбоши тўра устингиздаги тўнингизни ечиб олмайдилар-ку?..

— Мингбоши тўрага таъзим қилиш қондасини сиз жойига қўясиз, ҳожи ака. Камина бундай ишларга нўноқроқман...

— Ҳаммага хунук кўриниб юра бераман денг?..

— Нега ҳамма бўлар экан? Фақат сиз, мингбоши тўрага, яна шунга ўхшаганларга ёмон кўринган бўлсам кўрингандирман-да!.. Эртага бой дўстингиз, Новволик гузаридagi Ашурбой ҳожига ҳам ёмон кўринмоқчиман. Аммо ҳаммага эмас! Ҳамма десангиз, ана у оддий фуқаро ҳам қўшилиб кетади-ку?..

— Ашурбой ҳожи дедингизми?..

— Ҳа! Ашурбой ҳожи! Молу дунё қутуртирган бу хотиннинг уйида уч хотини бўла туриб, вақтини ҳар доим

Хода бозорида, ишратхонада ўтказар эмиш, деб эшитардик, туноз кун ярим кечада кайф билан қўшниси камбағал қоровулнинг хотинига босқинчилик қиламан, деб қўлга тушибди, халқ ичида шарманда бўлар пайтида мингбошингизга пора бериб, иш босди-босди бўлганини эшитмаган эканмиз. Эшитгандан кейин уни ҳажв қилиб, элга ёйдим.

— Яхши бўлмабди!

— Нима учун?..

— Бир шаҳарда яшаб, иккингиз ҳам мўмин-мусулмон... Кўз кўзга тушганда яхши бўлмайди!..

— Бойлар ҳар қандай номаъқулчилик қилса ҳам ундан кўз юмиш керак демоқчимисиз? Агар бу жиноят бир ҳимоясиз йиртиқ чопон томонидан содир бўлганда эди, мингбошингиз унинг қўлини орқасига боғлаб диканглатиб олдириб кетган бўлар эди. Аммо камбағаллар бу номаъқулчиликни асло қилмайдилар. Улар қорни тўйганига хурсанд!..

Мулла Асқар чой дамлаб кириб, можарога қулоқ солаётган эди, ҳожи Муҳйи унга заҳрини сочди:

— Бор!.. Ишингни қил!.. Чақирмасам, кирма!..

Асқар ҳожига ортдан бир хўмрайди-ю, Муқимийга маъноли қараб олиб, ташқари чиқди. Муҳйи олдидаги пиёлани зарда билан нари суриб қўйиб, Муқимийга тикилди:

— Жудаям ҳаддингиздан ошиб кетаётганга ўхшайсиз, жаноби Муқимий!

— Ҳаддидан ошган менми ёки бошқаларми? Бунинг халқ ажрим қилади...

— Сиз халқ деб саводсиз, оёқяланг авомни айтмоқчисиз! Ҳолбуки, бу юртни тутқиси — уламолар бор, хўжайини — бойлар бор! Сиз улар билан ҳисоблашингиз керак!

— Мен ўша кўпчилик оёқяланг, саводсиз, бахтсиз, сизча авом деб аталган халқ билан ҳисоблашаман. Менинг ижодим ана ўша заҳматкаш халқникидир!

— Сизнинг ғазалингиз билан айтиладиган халқ қўшиқларидан қулоқлар батангга келди!..

Муқимий ихтиёрсиз кулди:

— Айтинг! Сизнинг ғазалларингизни ҳам куйласинлар!..

— Менинг уларга берадиган ғазалим йўқ!..

— Бир нарса десам хафа бўлмайсиз, ҳожи ака!..

— Айта беринг.

— Шеърият билан муснйқа бир бўстондирки, бу бўстонда баҳор бошланиб, кундан-кун яшнаб, барқ урмоқда. Лекин...

— Гапиринг!

— Халқ ундан баҳра олиш истагида бўстонга яқин келса, жанобингизга ўхшаганлар йўл тўсиб, халқни ундан бенасиб қилмоқчи бўласиз, яқин келса — ташланасиз. Яна ўзингизни «маликушшуаро» деб, даъво қиласиз, аламзада Ҳасанхон муфти, Саъдихон қози, Кўр Ашурларни ҳимоя қиласиз. Орифхон тўра мингбошига ҳақиқатни айтганим учун ҳужрангизга чақириб койийсиз, халқни писанд қилмайсиз...

— Давом эттиринг!

— Қолганини уйғониб келаётган оддий халқ, янги давр давом эттиради...

Муҳйи беихтиёр пешона терларини артиб, чаккасини ушлаганча ўтириб қолди. Муқимий дастурхонга фотиҳа тортиб, ўрнидан қўзғалди:

— Менга рухсат берадилар, ҳожи ака!.. Ҳужрага чиқай...

— Ош дамланяпти...

— Раҳмат! Ошни бошқа кун...

Муқимий туриб даҳлизга чиқди, эшик тирқишидан қулоқ солиб, Муқимийнинг сўзларини маза қилиб тинглаган мулла Асқар Муқимийнинг кавушини ўнглаб экан, аста миннатдорчилик билдирди:

— Раҳмат, эшон ака! Жуда тузлаб ташладингиз...

Мулла Абдулла билан Ғарибий, «мулла ака ҳожи Муҳйи билан баҳсу мунозара қилиб, чарчаб бўғилиб чиқадилар» деб ўйлаган эдилар. Аксинча, Муқимий ўрмонда айиқ билан олишиб, ғолиб чиққан паҳлавондек жилмайиб кириб келди.

— Сизга хушxabар, мулла ака! Боя Тожибой ҳожи келган эди, алдаб-сулдаб жўнатиб юбордик,— деди Ғарибий.— Тўнғиз кўкнори бўлгандек, акам маст аҳволда кириб келиб, сизни сўради, «Сизни ҳажв қиламан!» деб, тегишган бўлсангиз керак, мастликда шу гап эсига тушиб, «мени мана энди ҳажв қилсинлар! Мана энди ҳажвбоп бўлиб келдим!» деб, ҳўнг-ҳўнг йиғлайди бечора.

— Шу аҳволда чакки жўнатиб юборибсизлар! Кўчада гандирақлаб юриши яхши эмас! Унинг бир туқига

юзта мутаваллини олмайман! Тожибой жуда пок, бега-раз, ғариб йигит! Унинг менга қилган яхшиликларини асло-асло унутиш мумкин эмас! У саховатли камбағал, ҳиммати Ҳотамдан ҳам зиёд! Аммо у мадрасаи Чалпақдан ҳужра қилиб, ёмон улфатлар орттирган, бу касални улардан юқтирган бўлиши шубҳасиз!.. Чакки жўнатиб юборибсизлар!..

Ош дамлаб туриб мулла Абдулла қўшимча қилди:

— Мутаввали сизни хафа қилиб чиқаради деб ўйлаб, уни жўнатишга уриндик. Диққатчилик устига «мени ҳозир ҳажв қилинг!» деб туриб олса...

Муқимий ўз ҳамҳужралари билан ҳар доим самимий ва камтарлик билан сўзлашар, кўпинча хафа ёки хурсанд бўлганда бунинг сабабини яширмас, улар нима овқат тайёрлаган бўлсалар рад қилмай, бирга баҳам кўрарди. Муқимий ҳожи Муҳйининг ҳамҳужраси мулла Асқарга раҳми келганини айтганида, Ғарибий мулла Асқарнинг мутавалли билан истиқомат қилишдан ниҳоятда безганлигини, у ҳужрадан чиқиб кетишга йўл тополмай юрганини, ўзи яхшигина яллачи йигитлигини айтиб берди. Олий ҳимматлиги тутиб, уни ҳам ҳамҳужра қилиб олиш керак, демоқчи эди-ю, яна баъзи андишаларга бориб, бу фикридан айниди.

Ош сузилган ҳам йўқ эдики, ҳужра эшиги чертилди. Ғарибий чиқиб усти ёпиқ товоқ кўтарган мулла Асқарни бошлаб кирди. Мулла Асқар товоқни ўртага қўйиб, ўзини кулгидан тия олмади:

— Ҳожи почча ошни сизга илиндилар, «Муқимий ош емай, чиқиб кетди, насбасини олиб чиқиб бер!»— деб мурувват кўрсатдилару ўзлари ош емай, салла-чопон кийиб, ғижинганларича аллақайси гўрга кетдилар. Ҳафсала билан қилган ошим совумасин...

Ошни ўртага қўйдилар, мулла Асқарнинг кўнгли учун насиба олинди, мулла Асқар маъноли жилмайиб чиқиб кетди. Муқимий ўйланиб қолди. Муҳйининг ҳалиги даккилардан кейин кийиниб, бемаҳалда чиқиб кетиши бежиз эмас эди.

— Бу ошни шундайча Зиёда аяга киргизиб бера қолаймикин? Бугун Акбархўжа ҳам чиққани йўқ, хабар олиб ҳам чиқар эдим,— деди Ғарибий. Муқимий бош чайқади:

— Йўқ, ўз ошимиздан олиб кириб беринг, бу ошни эртага бошқаларга берарсиз! Унинг ошини ўғлимга,

ҳатто ўша бахтсиз аяга ҳам раво кўрмайман! Гарчи мулла Асқар пиширган бўлса ҳам, Муҳйининг оши!..

Бу ошни ўраб қўйиб, косага сузилган ошни Ғарибий шошилганича олиб чиқиб кетди ва ҳаял ўтмай қайтиб келди:

— Акбархўжа ухлаб қолган экан.

Муқимий ҳар доим овқатдан ўғлига илиниб, Акбархўжани олдириб келару бирга овқатланар ёки унга насиба киргизар эди, шунингдек, Зиёдабибини ҳам ҳар доим Муқимий назарда тутарди. Гарчи бу аёл бир вақтлар Муқимийга ўғайлик наштарини санчган, бировларнинг сўзига кириб, ўз қизини бахтсиз, набирасини тирик етим қилган бўлса ҳам Муқимий уни ташлаб қўймасди, чунки шу кунларда у хароб кулбада бир ўзи ёлғиз, Акбархўжани кўксига босиб, Муқимий ҳужрасидан кирадиган ошу нонга кўз тикиб умр ўтказмоқда эди.

Шоир мулла Қаримжон — Камий ва бошқа ёр-биродарлар Муқимийга ғойибона хат ёзишиб, уни Тошкентга таклиф қилмоқда эдилар. Бир ёқдан наманганлик шоир Нодим ва созанда Низомжон Сайфиддин ўғли хат ёзиб, Наманганга таклиф қилишаётган эди. Бироқ Муқимий кўнгил узиб, Қўқондан чиқиб кета олмас эди:

«Мен ўз жонимнинг ҳузурини кўзласам, устоз Муҳаммад Юсуфхон қилқаламнинг кўмаклари билан қайнаётган қозон сувга ташланади, тирик етим Акбархўжа, унинг орқасидан ризқини шу қозонга тиккан шўрлик Зиёда ая, кимсасиз Исмоил Ғарибий ҳам оч қолиши турган гап. Ҳатто, шу ҳужра дастурхонга кўз тиккан Ғарибийнинг «Қитмир»и ҳам оч қолади!..»

Қашшоқ Муқимийнинг сояи ҳимоятида биргина булар эмас, балки жуда кўп ғариб-ғурабо санъаткорлар, қалам аҳллари бор эди. Муқимий уларга қўлидан беришга ожиз бўлса ҳам, Муҳйи тарафдорларидан ҳимоя қилиб, уларга руҳий далда бериб келарди.

Ҳамма ўз тирикчилиги билан банд, дўстлар кўпинча Муқимийдан хабар ололмас эдилар, бундан ўпкалашга ўрин йўқлигини Муқимий яхши тушунарди. Ғарибийни бирга олиб, гоҳ кичик сингилларини кўриш баҳонасида Навбахордаги косиб дўстлар суҳбатини олиб қайтар, гоҳ Найманчага борар ва Барзангидаги Аҳмадали «байбой» меҳмонхонасида гурунглашиб, аския эшитиб, кўнглини ёзиб қайтар, гоҳ дўсти Мирҳозид ҳожи меҳмонхона-

сида сатранж суришиб, гоҳ Қоратепага чиқиб, Зокир ҳожи меҳмонхонасида бир кеча тунаб келар эди. Гоҳо Шалдирамоқ гузаригадаги қадрдон самоварчи дўсти Эгамберди ҳожига меҳмон бўлиб, ундан ўзининг қўшиқларини тингларди. Муқимий кўнглида Тошкент бориш иштиёқи зўр бўлса ҳам, моддий эҳтиёж бунга тўсқинлик қилиб келарди. У муҳтожлигини дўстларига айтолмай қишни ўтказди.

Баҳорнинг ёқимли кунлари ҳам етиб келди. Ҳар йил баҳорда қўзгайдиган безгак хуруж қилганда шонр баъзан кунини ўзини баҳор офтобига солиб ўтказар, баъзи кунлар тирикчилик эҳтиёжи шонрни Муҳаммад Юсуфхон қилқаламнинг тор, зах ҳужрасида титраб ўтириб китоб кўчиришга мажбур этар эди. Шундай кунларнинг бирида Муҳаммад Юсуфхон ҳужрасига қогоз кўтариб, чой растасининг оқсоқоли Абдурашид оқсоқол ҳаллослаб кириб келди ва Муҳаммад Юсуфхонга мурожаат қилди:

— Аҳолининг арз-ҳолини эшитиш учун оқпошшо олдида катта тўралар келишган экан. Шаҳар боёнлари тўпланишиб, тўрага бериладиган ариза русча ва ўзбекча бўлсин деган фикрга келишди. Шунга биноан ариза икки тилда тайёрланди, ўзбекчасини кўчириб берсинлар деб сизга юбордилар...

Муҳаммад Юсуфхон аризани кўздан кечиргач, Муқимийга узатди. Муқимий ўқиб чиқиб, Абдурашид оқсоқолга қаради:

— Ариза фуқаро тилидан ёзилибди-ю, ammo бунда фақат бойларнинг манфаати кўзда тутилибди. Бу тўғри эмас!..

Муқимий шу сўзни айтиб, хомаки аризани Муҳаммад Юсуфхонга узатди. Муҳаммад Юсуфхон ҳам унга кўзойнак устидан нафрат билан назар ташлаб, оқсоқолнинг олдига қўйди:

— Биз жуда бандмиз, бошқа кишига кўчиртира қоласиз...

Абдурашид оқсоқол зарда билан қогозни олиб чиқиб кетди, орадан уч кун ўтгандан кейин Муқимийни шаҳар ҳокимининг нонби Қитаев маҳкамасига чақиртириб, у билан «суҳбат» қилди:

— Биз сизга хизмат топширмақчимиз...

— Марҳамат. Қўлимдан келганча...

— Лекин шаҳардан эмас!

— Шаҳар атрофидан бўлса ҳам майли! Кечқурун шаҳарга қайтишга имкон бўлсин...

Муқимий бу таклифни Қори сумалак ташаббуси билан бўлаётган одамгарчилик деб ўйлаб, ноибдан хурсанд эди. Ноиб аста-секин пўписига ўта бошлади:

— Шаҳарга келиш йўқ! Сизни дарё бўйига, Оқжарга жўнатамиз!..

— Жаноб ноиб тўра! Мен шоир одам у ерда нима қиламан?..

— Бу сизнинг ишингиз, нима қилсангиз, қилаверасиз. Жаноб ҳоким Мединский шундай фармон берган, бошқа иложим йўқ! Ўзингиз борасизми ёки жўнатиб юборайми?

— Хўп! Ўзим бораман!..

Маҳкамадан чиқиб, титраб-қақшаб, тўғри ҳужрага келди, ҳужрада ўтиролмаي, Мавлавийни истаб кетди. Мавлавий Йўлдош иккалалари Қори сумалакнинг ҳовлисига бордилар ва унга ноибнинг фармонини айтдилар. Қори сумалак закончиман деб даъво қилса ҳам бу хабарни эшитгандан кейин нафаси ичига тушиб кетди.

— Агар ҳоким аралашган бўлса, овора бўлишнинг унча фойдаси йўқ. Ўша ерда тирикчилик ўтадиган кичикроқ пошхолик хизмати берсалар, шунга шукур қилишга тўғри келади. Аввало ноиб билан тил топиб, олиб қолиш чорасини кўраман, унга кўнмаса кичик хизматга ижозат олиш учун уринаман. Ҳар ҳолда кетишга тайёрлана берганингиз маслаҳат...

Қори сумалакникидан бўшашиб чиқиб, яна ҳужрага қайтдилар. Мадраса оғзида турган ҳожини Муҳйин буларни кўриб, ҳужрасига кириб кетди. Мавлавий Йўлдош дўстларга бу гапни эшиттириш, тўпланиб бир фикрга келиш ниятида ҳужрага кирмай, Миён Сотиболдихоннинг уйига қараб кетди. Муқимий ташвишнок бир вазиятда ҳужрасига кириб, Ғарибий билан сўзлашиб ўтирган бир йигитни учратди. Бу йигит икки соатдан бери Муқимий йўлига илҳақ экан.

Муқимий у билан енгил-елпи сўрашиб, Ғарибийни Эгамберди ҳожини айтиб келиш учун жўнатди. Ўзи ўтириб, пиёлага қаттиқ нон тўғрар экан, тикилиб ўтирган нотаниш йигитдан сўради:

— Хизмат?..

— Айтсам бемалолми?..

— Гапиринг-гапиринг...



- Номим Зоҳидхўжа, касбим новвой...
- Хўш?
- Бошимдан ўтганини айта берайми?..
- Бир ёққа шошиб турибман, мухтасарроқ қилинг...
- Мени сизга хотиним Анбарбиби юборди.
- Анбарбиби?..
- Ҳа, оёғи шол, бир ерда ётиб шеър ёзади, кўп китоб ўқийди. Кўпдан бери менга илтижо қилиб, «шоир Муқимийга бориб, менинг илтимосимни айтсангиз, бир сари қадам келиб, менинг ҳолимдан хабар олсалар, манзумаларим билан танишсалар, парда орқасида ётиб, у киши билан суҳбатлашсам армоним йўқ!» дер эди-ю, мен қулоқ солмас эдим. Бугун унинг тўккан кўз ёшига раҳмим келиб, сизни истаб келдим...
- Жуда улур иш қилгансиз, албатта бораман. Аммо бугун эмас, эрта билан келиб бошлаб олиб кетсангиз... Узоқ эмасми?..

— Бузрукхўжа маҳалласида.

— Яқин экан. Шундай бўлсин... Салом айтинг.

Йигит қуллуқ қилиб, тисарилиб чиқиб кетди. У кетиши билан Акбархўжа югуриб кириб, Муқимийнинг бўйнига осилди, юзларини отасининг юзига босиб эркаланди, чунки у нотобланиб, икки кундан бери ҳужрага чиқа олмаган эди. Муқимий ўғлини кўксига босганча чуқур хаёллар дарёсига фарқ бўлди, ўзининг бундан кейин чўлда кечадиган ҳаёти кўзига кўринмай, норасида боланинг соғиниб қолиши, оч қолишини ўйлаб кетди.

Шу пайт ҳужра эшигидан салом бериб, мулла Абдулла кириб келди. Мулла Абдулла Муқимийдан бир ҳафтага рухсат сўраб, қишлоғи — Каримдевонага кетган эди, у қайтиб келиб Муқимийни хурсанд қилди.

— Кўзимиз йўлингизга тўрт эди, мулла Абдулла! Келганингиз заб иш бўлди!..

Мулла Абдулла хуржундан молда патир, сузма, қатик ва бир идишда маска ёғ олиб, ўртага қўйди:

— Кампирнинг сигирлари туққан экан, сизга илиниб бериб юбордилар...

Ота-бола патир синдириб, маска суртиб ея бошладилар, мулла Абдулла чойга ўт қалади. Шу пайт салом бериб, Эгамберди ҳожи билан Ғарибий кириб келдилар, Эгамберди ҳожи икки нон орасига калла гўшти қўйиб олиб келган эди. Уни ўртага тўғраб, ҳай-ҳайлаб еб бўлганларидан кейин, қишлоқдан келган нарсалардан Зиё-

да аяга насиба ўраб бериб, Муқимий Акбархўжани Ғарибий билан жўнатди. Чой устида Эгамберди ҳожи билан мулла Абдуллага воқеани батафсил айтиб, Акбархўжа ҳақидаги ташвишини ўртага ташлади. Бунга жавобан Эгамберди ҳожи ўз мулоҳазасини айтди:

— Биз дўстлар бор, бу ўғилчанинг ташвишини чекманг, эшон! Яхшиси, ҳовлини ижарага қўйиб, Зиёда аяни ўз уйимга кўчириб кетаман, бу аёлнинг ҳеч қандай оғирлиги тушмайди, балки менга манфаати тегади. Ҳар кун эрталаб бир қозон мастава қилиб, мижоз чойхўрларга сотиб турибман. Бу вазифани Зиёда ая эплаб бериб турса бас! Уғлингиз сиз қайтгунча мен билан бўладим, соғинган вақтларда айтиб юборсангиз, укам Исмонлжон Ғарибий билан бирга олиб борамиз...

Эгамберди ҳожининг бу гапидан Муқимий хурсанд бўлиб, унга раҳмат айтди. Эгамберди ҳожи, самовар очик қолган эди, деб узрини айтиб кетди. Ҳали у кўча бошига етгани йўқ эдики, Ғарибий билан сўзлашиб Убайдулла Завқий, Зорий, Ёрий ва улар сўнггидан Мавлавий Йўлдош, Миён Сотиболдихон, Обиджон аълам кириб келдилар. Бу кечки суҳбат анчагина серташвиш суҳбат бўлди.

Мавлавий Йўлдошнинг айтишича, «шоир Муқимий шаҳардан узоқлаштирилсин!» деган мазмунда, Муҳйи бошлиқ шаҳарнинг таниқли руҳонийлари имзо чеккан шикоятнома ҳокимга киргизилган экан, шу соатда Орифхон тўра мингбоши ҳам кириб Муқимий устидан шикоят қилган. Орадан бирор соат ўтказиб, Абдурашид оқсоқол бир неча бойлар тилидан ҳокимга ариза келтирган, унда ҳам «шоир Муқимий подшоликка ариза ёзиб беришдан бош тортди!» деб, шикоят қилинган.

Шундан кейин ҳоким Мединский ноибни чақириб, «шоир Муқимийни шаҳардан вақтинча чиқариб юборилсин» деб фармон берган, Мавлавий Йўлдош билан Миён Сотиболдихоннинг айтишича, ноиб Муқимийга рия қилгани учун унга Оқжарга бориб туришни таклиф этган эмиш. Чунки Оқжар аввало жуда ҳам олис эмас, иккинчидан, Сирдарёнинг нариги ёғидаги тожик қишлоқлари — Ашт, Ғурумсарой, Чодак халқни Оқжар орқали Қўқон бозорига қатнайдилар. Шу сабабли ҳафтанинг уч кунда Оқжар жуда гавжум бўлади. Агар Қори сумалак ваъдасининг устидан чиқиб, подшоликка алоқадор бир кичик хизматга рухсат олиб бера олса, дуруст ҳаёт кечириш мумкин. Рухсат олиш имконияти бўлма-

ган тақдирда ҳам шаҳарлик дўстлар Муқимийни Оқ-  
жарда оч қолдирмаслар, албатта!..

Завқий арава топадиган бўлди, Мавлавий Йўлдош  
бирга олиб бориб қўйиб келиш ваъдасини берди, Ғари-  
бий ҳам бормоқчи бўлди. Эртага туш пайтида Обид-  
жоннинг меҳмонхонасидан жўнатишни мувофиқ топиб,  
тарқалдилар. Чунки мадрасадан жўнаш ҳар ҳолда ду-  
руст эмас эди.

Чуқур қайғуга ботган мулла Абдулла ва Ғарибий би-  
лан Муқимий ёлғиз қолди.

— Руҳларингизни туширманглар, дўстларим! Ҳаёт —  
маъракаий майдон! Бугун уларнинг қўли баланд экан,  
эртага бизнинг қўлимиз баланд бўлиши муқаррар.  
Бунга имонингиз комил бўлсинки, Муқимий орқасида  
халқ бор!.. Очиқ қилиб айтганда, кушандаларим мени  
шаҳардан қувғин қилишга эришдилар. Лекин дўстлари-  
миз кўп, улар мени саҳрода ёлғиз ташлаб, тинч ухлай  
олмасалар керак! Бунинг учун ортиқча қайғурманг,  
менинг ташвишимни ортиқча чекманг, мен қайтгунча  
бир тирикчиликнинг тадорикини қилиб, ҳужрада турса-  
ларингиз бас!.. Вақт кетди! Энди дам олайлик!..

Икки шогирд айна пайтда бир оғиз сўз дейишдан  
ожиз эдилар. Ғарибий даҳлизга чиқди, бир оздан кейин  
унинг пиқирлаб йиғлаётгани эшитилди. Китоб, қоғоз аж-  
ратиб, рўмолга тугаётган Муқимий даҳлизга қараб кулди:

— Ҳо, хожа сакпараст!..

Даҳлиздан Ғарибийнинг йиғи аралаш товуши эши-  
тилди:

— Лаббай!..

— Кўз ёшидан душман тегирмонига сув қуймоқчи-  
мисиз? Эй, боракалло!.. Кўз ёши — мағлубият нишона-  
си. Биз ҳали мағлубиятга учраганимиз йўқ-ку? Бу ёққа  
келинг, мулла Исмоил!..

Ғарибий кириб, кўзини этагига арта-арта, чўкка туш-  
ди, Муқимий томонидан ҳар иккаларига муҳим топ-  
шириқлар берилди:— Ҳар кун бориб, Акбархўжадан  
хабар олиб, Зиёда аядан ҳол сўраб туринг. Муқимий  
қувғин бўпти, деб эшитиб, кўнгли чўккан чекка-чеккада-  
ги ғариб-ғурабо кекса созанда ва хонандаларни йўқлаб,  
«Муқимий Оқжарда яхши ҳаёт кечирмоқда» деб, тасал-  
ли беринг, дўстларим.

— Хўп, эшон ака. Ёр-оғайниларингиз ҳолидан хабар  
олиб турамиз,— деди мулла Абдулла.

Атрофда хўрозлар қичқиргандан кейин бир оз ором олишиб, яна эрта уйғондилар. Ҳали чой ичилганча йўқ эди, Зоҳидхўжа новвой кириб келди. Муқимий «дўстлар тўплангунларича бир ерга бориб келаман!» деб, Зоҳидхўжа билан чиқиб кетди.

\* \* \*

Бўзчи косиб Фармонқул, асли марғилонлик бўлиб, машҳур шоира Жаҳон отин — Увайсийнинг набираларидан эди. Ёшлик йилларида тирикчилик орқасида Қўқонга келиб қолди, бўзчилик касби билан бу шаҳарда бир неча йил умр кечиргандан кейин бир қашшоқ косибнинг Ашурбиби исмли қизига уйланди, қиз кўриб, унинг исмини Анбарбиби қўядилар.

Анбарбиби ўқиш ёшига етганда Бешқовоқ маҳалладаги отинойига ўқишга берадилар. Анбарбиби ёшлигидан ғазаллар ёзишга киришади, классик шоирларнинг, шунингдек, ўзининг катта онаси — Увайсий ва Нодири шеърларини қунт билан ёдлайди, шеърни чиройли қилиб ўқиб беришда ўз ҳамсабоқларини, ҳатто отинойини ҳайратда қолдиради. Унинг яхши ўқиши маҳалла хотин-қизлари орасига ёйилиб, Анбарбибидан шеър эшитиш учун тез-тез тўпланадиган бўладилар.

Қашшоқ, аёлманд ота-она Анбарбибинини Зоҳидхўжа номли ўратепалик шогирд новвойга куёвга берадилар. Шеърятдан баҳрасиз Зоҳидхўжанинг тўсқинлик қилишига қарамай, ёш шоира ёзиш, мутолаа ва чиройли шеър ўқишни тобора такомиллаштириб, аёллар ўртасида Анбаротин бўлиб шухрат қозонади. Бироқ бир тўйда йиқилиб Анбар отиннинг икки оёғи шикастланади, шундан кейин шол бўлиб, бир ерда ётиб қолади.

Ногирон, нотавон шоира шу аҳволда жим тура олмайди, ёзади, ўқийди, ётган ерида оламда бўлаётган ҳодисалар ва ўзгаришларни билишни истади, инсонлар орасидаги тафовут ва зиддиятнинг сабабларини идрок қилишга интилади. Ўз ижодида золимларга нафрат ёғдириб, мазлумларга нисбатан шафқатли бўлишга чақиради.

Инсоннинг фарқи танининг оқ ёки қоралигида эмас, балки ақлу идрок билан, меҳнат билан ўлчаниши ҳақида фикр юргизади, хотинларни эрлардан ожиз, ақлсиз деб қарашга қарши майдонга чиқиб, бу ҳақда қуйидагиларни ёзади:

«...аксари Жануб ва Машриқ халқлари монанди Араб, Эрон, Афғон, Селон, Ҳинд ва Қашмир халқлари қора юз, оқкўнгил халойиқ эрурлар, ул халойиқ ҳам «аслзода оқ танлар» каби андом, аъзойи бадан, қўл-аёқ, тил, кўз ва ақлу ҳуш, ғайрат, қувват, тафаккурга моликдирлар».

«Аёлларни ва соҳибжамолларни аксари шоирлар жон олувчи, қатл этувчи, қора новакларини тири паррон тарзида отиб, ошиқ бағрини шигоф қилур ва лолагун юзи, лаъл монанд лаби ошифталар дилини кабоб қилур ва чиройини ёшуруб, жунун йўлиға солур ва ғайрлар ила дўст бўлиб, ёриға бевафолик қилурлар дейдурлар! Бу мулоҳаза ва тафсилот мутлақо маъшуқалар шаънига бўҳтондир! Яқин билмоқ лозимки, аёллар эрларга кўра содда, раҳмдил ва қўрқоқ бўлурлар ва ҳар онки, гўзаллар бораҳм, ҳусну латофатларига мос меҳру шафқат, ғайрат ва ҳиммат эгасидирлар. Ҳеч вақт шундоғ жамол, камол ила бевафо ва бераҳм, жафокор, тирандоз, ўт ёқувчи бир золими ажалпеша бўлиб тасвирланиши, булар ҳақида беасос туҳмат эрур!..» деб, ётган ерида шовқин солади».

Анбар отин ёстиққа суянганича, ёзаётган бир ғазалини тугатиб, охирига нуқта қўйганда Зоҳидхўжа ҳовлиқиб кириб келди:

— Муқимий келдилар! Ўртага парда тўсиш керакми?..

Эридан бу сўзни эшитган Анбар отин ўтирган ерида кулиб, бошини чайқади:

— Йўқ!.. Сиз рухсат берсангиз, устозимга ўтирган еримда салом бериб, кўринай... Бошимга дока рўмолни ташлаб қўйсангиз бас!..

Зоҳидхўжа Анбар отин бошига дока ташлади-да, тўшак ёзиб, Муқимийни бошлаб кирди. Муқимий салом бериб, остонадан хонага қадам қўяр экан, кўрпа устида икки қўлини енг ичида кўксига қўйган, ранги қонсиз, ёш туриб сочин оқариб кетган, чеҳрасидан қоронғи харобага нур ёғилиб турган ногирон шоира ўтирган ерида ерга қараб салом берди. Муқимий тўшак устида чўкка тушиб, одоб билан фотиҳа тортди, шоира ҳам енг ичида фотиҳа ўқиб, энгашди:

— Ҳуш кўрдик, устоз!..

— Ҳушвақт бўлғайлар.

— Жанобингизни овора қилганим учун, узр айтишимга ижозат бергайсиз...

— Сиздан ва сизнинг ҳолингиздан воқиф бўла олганим учун мен сиздан афв сўрашим керак эди.

— Унчалик эмас, устоз. Сизнинг ҳолингиз ҳам каминанага аён! Бир ерда бўлсам ҳам ҳаммасидан воқифман! Камбағаллик кифоя қилмагандек, ногиронлик менинг инону ихтиёримни кишанлаб қўйган...

— Баъзи бир салимул-аъзо инсонлар бордирларки, улар инсонлик фазилатларидан билкулли маҳрумдирлар! Камина улар ҳолига афсуслангим келади...

— Ғариб кўнглимни кўтарганингиз учун ҳар қанча ташаккур озлик қилур. Аммо афсусим шулки, ўша фазилатларга етишолмай оёғим синди ва икки қўлим узалганича қолди...

— Бу харобани мен фазилат, шеърият жавоҳирлари билан тўла дафинага ўхшатгим келади.

Анбар отин ёстиғи остидан бир қоғоз олиб, енг устидан Муқимийга тутди:

— Яхшилар назари тошни гавҳарга айлантириши мумкин, дейдилар. Бир назар ташланг, шояд шундай бўлса...

Муқимий шеърга кўз юргизиб чиққач, кейин овоз чиқариб ўқиди:

«Келиб хушнуд авлодим, менинг мулким қилур обод,  
Бўлур вайрона ўрнида шаҳарлар бир куни бунёд.  
Дабистони илми сар-басар ёймоққа эл ичра,  
Этиб таҳсил жувонлар, ёзганимни айлагайлар ёд.  
Тўсиб дарё йўлини, жон бериб чўлу биёбонга,  
Ҳамма қишлоқ, шаҳар сувсиз балосидан бўлур озод.  
Қоронғи уйда инграб ўлтирурми унда хотинлар,  
Ўқиб овоз ила ашъор, қилур ашъорлар ижод.  
Момом Вайсий<sup>1</sup> ўзни қайди бандда кўрди ҳар ҳангом,  
Қилиб Хўқандга рихлат, рўзгорин айлади барбод.  
Келур вақти, хешованд эл жаможам кун кўрар хурсанд,  
Замон хотинлари биздек эмас ғамгин, ўтар дилшод.  
Дариғо, Анбар отин ўтадир кўрмай у оламни,  
Бу умрим айлаган кутуҳ фалакнинг гардишидан дод!..»

— Тасанно, отинча! Сиз ёзган бу оташин сатрларни ҳеч бир аёл ҳали ёзишга журъат этмагандир!

<sup>1</sup> Увайсий.

— Қўрмайсизми, бу ногиронлик аёллар бурчи бўлган рўзгор икир-чикирларигача ҳаммасини икки ёш ўрилча билан уларнинг шўрлик оталарига юклаб қўйди, менга нима иш қолди? Ё ўлимга рози бўлиш ёки тиштирноқ билан ҳаётга ёпишишдан бўлак йўл қолмади. Камина иккинчи йўлни қабул қилдим. Мени ҳаёт билан боғлаб турган нарса шеърятдир...

Анбар отин яна ёстиқ остига қўл узатиб, катта бир эски китоб олди, бу китоб саҳифалари орасига қўйилган варақалар унинг янги манзумалари эди. Уни қўлга олган Муқимий тез-тез қараб чиқаркан, фурсат ўтиб кетаётганидан безовталанди. Китобни ерга қўйиб, қулоқ солиб ўтирган Зоҳидхўжага қаради:

— Энди менга рухсат берсаларингиз...

— Қўшни ҳовлида бир оз овқат тайёрланяпти.

Анбар отин тиззаси устидаги паришон қоғозлардан кўз узмай шундай деди:

— Дуруст, дастурхон ўрнига ашъор саҳифасини ёзиб, сизни зериктириб қўйганга ўхшайман...

— Бундай деб хаёл қилмаслигингизни илтижо қилар эдим, отинча! Нега зерикар эканман, бу асарларингиз менга фахру ғурур бағишлади, беҳад қувонч бағишлади. Бундан кейин тез-тез келиб туришни ўзимнинг бурчим деб билурман. Бугун мен узрлиман. Ҳокимнинг топшириғи билан каминани бошқа бир ерга жўнатмоқдалар, ҳамроҳлар туш пайти арава ҳозирлашни ваъда қилган эдилар, шу андиша каминани хижолатга солиб турибди. Сафардан қайтгач, тез-тез суҳбатлашиб тургаймиз. Зоҳидхўжа мен билан ҳужрага борсин, бир киши билан таништириб қўяман. У киши сиз орзу қилган рус докторларини бу ерга бошлаб келишга қодир...

Анбар отин Муқимийнинг узри ўринли эканини тушуниб унга рухсат берди ва келгани учун қайта-қайта миннатдорчилик изҳор этди. Муқимий Зоҳидхўжани эргаштириб ҳужрага келганда ҳамма ёр-огайнилар жамулжам эди. Қори сумалак ҳам келиб, Муқимийни кутмоқда эди. Муқимий уларга қаерга боргани ким билан суҳбатлашгани ҳақида гоҳ ачиниб, гоҳ ғурур билан сўзлаб берди, сўнг уларга Зоҳидхўжани таништирди. Қори сумалак билан Мавлавий Йўлдошга мурожаат қилиб Анбар отин ёнига рус докторларини бирга бошлаб бориш, даволаш чораларини кўришни қайта-қайта илти-

мос қилди. Қори сумалак уни хотиржам қилгандан кейин ўз қилган ишларидан ҳисобот берди.

У ноибнинг яқин кишилариини ишга солиб, кема мубошири номига «шоир Муҳаммад Аминхўжа Мирзахўжа ўгли Муқимийга Оқжар кема пристанидан ўзига лойиқ енгил хизмат берилишини сўраймиз», деган мазмунда хат ёздириб олишга муваффақ бўлибди. Қори сумалак бу хатни Муқимийга топшириб, орадан бир неча ой ўтгандан сўнг, уни шаҳарга қайтариш ҳақида ҳоким билан сўзлашишга қурби етадиган кишиларни ишга солишга ваъда қилди-да, хайрлашиб чиқиб кетди.

## Ўн бешинчи боб

### СИР БЎИИДА

«...Манзилимни сўрма, э мағрури мулку дастгоҳ,  
Даҳр саҳрон жунун, уй бўлмағай девонада.  
Булбул айлар нолалар, ёлғиз дема, э гулузор,  
Чўғздек қилгай Муқимий ҳам наво вайронада...»

Муқимий

Муқимийнинг Оқжарга келганига уч кун бўлди, ҳали бир жойга жойлаша олмаганидек, бу қишлоқдан дил тортар бирор киши топиб, сўзлашгани ҳам йўқ. Фақатгина дарё ёқасидаги сув толлар соясига қапа тикиб, ўтган-кетган учун қумғон қайнатадиган кекса банги Муқимийга меҳрибончилик кўрсатиб, унча-мунча гаплашиб турар эди. Учинчи кун эрталаб чой ичиб ўтиришган эди, банги чол узоқда отлиқ келаётган серсоқол рус кишини кўрсатиб:

— Кема мубошири шу одам,— деди.— Қўрқмай хатни топшириб, дардингизни айта беринг, мулла, ўзбекчани яхши билади, унинг устига хушмуомала...

Отлиқ рус киши қапага қарай-қарай ўтиб кетиб, отини дарё бўйидаги кекса сув толга қантарди-ю, қайтиб келди.

— Салом бобой! Ишлар яхшими?..

Бу одам бундан беш-тўрт йил олдин кема бошқарувчи бўлиб келганда ўзбекча билмас эди. У банги чол билан, ўткинчилар ва Оқжар халқи билан гаплашиб, ўзбек тилини ўрганишга киришди, гарчи «Қ» ўрнида «К», «Ғ» ўрнига «Г» ишлатса ҳам равон гапирадиган



бўлиб қолди. Кема бошқарувчи қападан чиқиб кутиб олган банги чол билан қадрдонларча сўрашиб, унга бир неча гугурт совға қилди-да, бир юмалоқ чой узатди. Чол қуллуқ қилиб, нарида ўтирган Муқимийни кўрсатди:

— Ана у муллам ҳам чой келтирдилар. У киши шу Оқжарда туриш учун келганлар....

Муқимий ўрнидан туриб кема мубошири билан сўрашди, сўнг ёнидан хатни чиқарди. Мубошир кўзойнак тақиб, хатни кўздан кечиргач, Муқимийга бошдан-оёқ кўзойнак устидан разм солиб, ўтиришга таклиф қилди ва соқолларини бармоқ билан тараб, хаёлга чўмди-да, яна Муқимийга бурилди:

— Сиз. Степан Кузьмични танийсизми?..

— Танийман. Мен у киши билан Фурқат орқали танишиб, суҳбатлашган эдим. Афсуски, маҳаллий халқ билан алоқа қилиш у кишига ман этилганлиги сабабли суҳбатларидан маҳруммиз...

Мубошир маъноли кулимсиради:

— Кузьмич сиз ҳақингизда кеча менга гапирган эди. Бу ерга келганингизга хафа бўлманг, бирга бўламиз, сизга хизмат топиб берамиз...

Мубошир чамадондан оқ бўлка нон, қанд олиб, газета устига қўйди. Банги чол келтирган чой билан бирга нонушта қилдилар. Муқимийнинг кўнгли бир оз ёришиб, мубоширнинг дуруст одам эканлигига ишонч ҳосил қила бошлади. Бугун сешанба кунни эди, кемада хизмат қиладиган оқжарликлар ҳам етиб келишиб, ўз вазифаларини бажаришга киришдилар, яъни соҳилга тортиб боғланган катта кемани Сирдарёнинг нариги қирғоғига олиб ўтиш учун ҳозирлик кўра бошладилар.

Бугун Сирдарёнинг нариги қирғоғидан бу қирғоғига бозорчилар ўтадиган кун, шу қишлоқлик кема паттачиси бугун кечгача нариги томонда туриб, одамларни, уларнинг от, эшак ва юкларини ҳисобга олиши, уларга патта кесиб ҳақ олиши, патта олганларни кемага чиқариш керак эди. Мубошир эски паттачини ёнига чақириб, Муқимий билан таништирди:

— Бундан кейин паттачиликни иккалаларнингиз бошқарасиз: сен у томонга жавобгар, бу киши бу томонга. Шунинг учун ҳозир бу киши сен билан ўтиб, тартибқондалар билан танишсин!..

Оқжарлик паттачи мамнуният билан бу таклифни

қабул қилиб, шоирни кемага бошлади. Кемачилар арқонни счиб, кемани пўлат арқон ихтиёрига топширдилар. Дарёда сув кўп, баҳорги бўтана тўлқинлар пишқириб, бешик-бешик бўлиб оқмоқда, йигитлар нариги соҳилга тортилган икки пўлат арқонни галтакка ўраб, жуда қийинчилик билан кемани нариги соҳилга олиб ўтмоқда эдилар. Бундай ҳаёт тушига ҳам кирмаган Муқимий тақдирга тан бериб, кема ўртасида жим ўтириб бормоқда эди.

Оқжарлик паттачи кўп йилдан бери шу касбни қилиб келаётган бўлса ҳам ҳалигача бир оғиз тожикча билмас эди. Узоқдан келадиган тожиклар бу паттачига ўз мақсадларини тушунтиролмади, гоҳ имо-ишора, гоҳ жанжал билан иш битказар эдилар. Бугун ундай бўлмади. Дарё қирғоғида кема кутиб, тўпланиб турган бозорчи тожиклар оқжарлик паттачига имо-ишора орқали сўз тушунтира бошлаганларида, Муқимий уларга яқин бориб, таржимонлик вазифасини бажарди, жанжал чиқмай, силлиқлик билан бир-бирларининг муддаоларига тушуниб, кемага ўтирдилар. Оқжарлик паттачи Муқимийга раҳмат айтиб, кемадан ортиб қолган бозорчиларни яна Муқимийга рўпара қилди. Муқимий улар билан ширин муомала қилиб, патта сотди, бирга ўтиришиб суҳбатлашди. Бозорчилар тожикчани яхши биладиган бу мулоим сўз, ҳалим, зариф паттачидан жуда миннатдор бўлдилар. Бозорчиларни бу қирғоққа чиқариб, кемани қайтариб олиб ўтган кемачилар Муқимийни кемага чиқишга таклиф қилдилар. Чунки мубошир шундай деб тайинлаган эди.

Биринчи кунги хизмат Муқимий учун анча кўнгилли бўлиб туюлди, кемада бу соҳилга ўтган тожиклар мубошир олдида Муқимийга раҳмат айтиб, шаҳарга жўнадилар. Муқимийни тожикча сўзлаганини эшитган мубошир жуда хурсанд бўлганлигини айтди:

— Кемада қатновчи йўловчиларимиз, асосан тожиклар бўлсалар ҳам биз улар билан сўзлашишдан ожиз эдик. Уйлайманки, сиз энди биргина паттачи бўлиб эмас, таржимон бўлиб ҳам хизмат қиласиз, сизга таржимон сифатида ҳам ҳақ тўлаш имкониятини туғдираман. Шу шарт биланки, менга ҳам тожик тилини ўргатиб қўясиз, жаноб Муқимий...

Бу серҳаракат, очиқ юзли кекса рус Муқимийни қўлтиқлаб, чол капасига олиб кирди. Бир оқжар-

лик чол балиқ қовурмоқда эди, балиқ пишиб, ўртага келгунча мубошир узоқдан кўриниб турган Оқжар харобаларини Муқимийга кўрсатиб, аста-аста сўзлай кетди:

— Уйланг! Шу ҳам ҳаётми? Қани илм, қани сув, қани нон?.. Бу халқ дарё ёқасида яшаса ҳам сувга ташна!

Мубошир қўл силтаб, юзини дарё томон бурди-ю, узун соқолини пастдан юқорига сидира бошлади, кўзлари қалин қош остидан серташвиш ва сирли кўринар эди. Унинг Кузьмичга дўст эканлигини боя эшитганда кўнглига тугиб қўйган Муқимий, иккинчи суҳбатда «бу одам бежиз эмас...» деган фикрга келди.

Бозорчилар ўтиб, кеч бўлгандан кейин, кемачилар шом пайтида лангар ташлаб, кемани боғладилар, сўнги бозорчилар билан ўтган паттачи йиғилган пулни мубоширга санаб топшириб, уйга кетди. Мубошир ҳисобкитобдан бўшаб, балиқни икки чол ва Муқимий билан ўтириб еди-да, сўнг ўрнидан турди:

— Отга ем берадиган вақти бўлди, сизлар орқадан секин борарсизлар.

Мубошир отга миниб олдинроқ жўнаб кетди, унинг орқасидан балиқ пиширган мўйсафид билан Муқимий Оқжарга томон йўл олдилар. Икки кеча қишлоқ мачитининг янтоқ ўсиб кетган супасида ёлғиз тонг оттирган Муқимий бугун янги дўстлар орттириб, ўзини эркин сеза бошлади. Қишлоққа боргунча сўзлашиб, ўз ҳасратини гапириб борган мўйсафид, Муқимийни бир ҳовлига бошлади.

— Мубошир ҳам шу ерда тунайди, сизни ҳам шу ерга олиб келишимни тайинлади. Сиз нафасни ростлагунигизча, мен мачитдан кўрпа-тўшагингизни олиб келаман. Марҳамат қилинг, мулла!..

Ёшлигида Оқжардан бош олиб чиқиб кетиб, шаҳарма-шаҳар кезган, иссиқ-совуқни бошидан кечирган бу мўйсафид шу қишлоқнинг кўрки, одам танийдиган шинавандаси ҳисобланарди. Мубошир ҳам шу одамнинг уйдан бошпана топган эди.

Саҳнини янтоқ босган, яланг ташқари ҳовлида айвоннинг бир чеккасидаги кичик меҳмонхонача мубоширга мувофиқлаштирилиб, ёғоч-тахтадан иккита кўмма каравот, ўртага кўмма стол ясалган, айвончага ҳам шунинг сингари каравот ўрнатилиб, устига бўз пашша-

хона тутилган эди. Отига ем бериб бўлиб, белини ушлаб қараб турган мубошир Муқимийни меҳмонхоначага бошладди:

— Бир ҳафтада уч кеча сиз билан бирга бўламан, қолган кечаларда ўзингиз ёлғиз бўласиз. Уй эгаси яхши одам, бу қишлоқда шу одамдан бошқа саводли киши йўқ!..

Мубошир ҳали сўзини тугатганча йўқ эди, мўйсафид олдинда кўрпа-тўшак, мачит муаззини орқада хуржун кўтариб кириб келдилар. Уй эгаси кўрпа-ёстиқни ёғоч каравотга қўяр экан, муаззиннинг елкасидан хуржунни ола туриб, Муқимийга қараб кулди:

— Икки кеча Оқжар пашшаларига ем бўлибсиз, мулла! Шундай меҳмон келиб ётганини шу ерда туриб биз билмабмиз, сўфимиз бизга айтмабдилар!..

Муаззин кулиб чиқиб кетди, мубошир уй эгасига савол берди:

— Мачитда пашшалар бору бу ерда йўқ демоқчимисиз?..

— Ундай демоқчи эмасман, жаноб мубошир! Бу Оқжарда пашшахонасиз тинч ухлаб тонг оттириш мумкин эмас. Агар пашшахона топиб бермас эканман, мулла бу ерда ҳам тинч ухлаб бўптилар!..

Мачитга нисбатан озодароқ бўлган бу ҳовли камтар шоир учун «Сулаймон тахти»дан зиёдроқ кўринди, чунки бу ерда мубошир билан ёнма-ён сўзлашиб ётиш мумкин эди. Аммо меҳмонхоначада димиқиб, пашшаларга ем бўлиш ташвиши кўнгилга ғашлик солиб турганда уй эгаси ичкаридан иккита янги бўйра билан бир пашшахона кўтариб чиқди.

— Бизнинг Оқжарда бу бўйра гилам қадрига эга. Шу Оқжар гиламидан иккитасини солиб, сизга ҳам айвонга жой қилиб бермоқчиман, мулла! Мана бу пашшахона ҳам сизга!..

Булар айвоннинг бир томонига аста-аста жой ҳозирлаб, пашшахона тутаётганларида нариги пашшахонадан мубоширнинг хурраги барала эшитилмоқда эди. Уй эгаси Муқимийни ётқизиб, мубоширнинг отига ўт солгач, кўча эшикни тамбалаб, оёқ учида ичкарига кириб кетди. Эртаси чоршанба куни мубошир ҳам, Муқимий ҳам вақтли уйғониб, тонг ёришган пайтда дарё бўйидаги жапага чиқиб, нонушта қилмоқда эдилар, оқжарлик паттачи келиб, мубоширга мурожаат қилди:

— Мулла ака бугун ҳам нариги қирғоққа мен билан ўтиб ёрдам беришсинлар, эртага ўтмасалар ҳам майли, бугун йўловчи кўп, ўзим шошиб қоладиганга ўхшайман!..

Мубошир Муқимийга қаради, Муқимий розилик билдирди. Иккалалари чиққанларидан кейин кема жиблиб кетди.

Кун иссиқ, дарахт йўқ, у томонда ҳам бир қумғон қайнатадиган қапа бўлиб, кўпчилик бозорчи тожиклар ялангда кема кутар эдилар. Кема соҳилда тўхташи билан ҳамма баробар ўрнидан қўзғалди, оқжарлик паттачининг илтимоси билан Муқимий икки қўлини баланд кўтариб, тожикча сўзлай бошлади:

— Ҳурматли йўловчилар! Ўринларингиздан қўзғалманг! Кемага сиққанча чиқадиган кишиларга ўзимиз патта сотамиз, олдинроқ келганлар олдинроқ кетишсин, муроса қилинглар!..

Муқимийнинг бу сўзидан кейин ўрнидан қўзғалганларнинг баъзилари яна ўз ўринларига ўтирдилар. Оқжарлик паттачи навбат билан патта улаша бошлади. Патта олганлар бежанжал, бетўполон кемага чиқавердилар. Одам тўлгандан кейин кема жилди. Муқимий бозорчиларни оралаб, баъзилари билан сўрашди. Ҳар сафар тўполон билан кемага чиқиб безиллаб қолган бир неча йўловчи Муқимийга раҳмат айтиб, чойга таклиф қилдилар. Оқжарлик паттачи яна беғалва патта сотди. Муқимийнинг илтимоси билан кексалар ва ёш болалар аёлларга бенавбат патта сотилди.

Бу янги тартиб шу кундан бошлаб муттасил амалга жорий қилинди. Кечқурун пул топшириш пайтида оқжарлик паттачи қандай янги тартиб ўрнатилганини айтганда мубошир Муқимийга ташаккур билдириб, хурсандлик изҳор қилди.

Эртаси бозор қайтиш — пайшанба куни бозорчилар баргак, тутмайиз, ёнғоқ ва бошқа нарсаларини пуллаб, бозордан харид қилган шол газлама, чой, қанд, идиш-товоқларни хуржунга тўлдириб, чарх, бешик, мис асбобларни эшакка ўнгариб, тонг ёришмай Оқжарга қайтиб келар эдилар.

Муқимий пайшанба, жума кунлари дарёнинг бу ёқасида туриб бозорчилар билан муомала қиларди, бозорчилар бу янги «муллои мулойим»дан хурсанд бўлиб, тартиби билан кемага ўтирар, айниқса, кексалар билан болалар Муқимийдан беҳад мамнун эдилар.

Жума куни пешинга бориб бозорчилар сийраклашди, кечга бориб, кемада ўтадиганлар қолмади. Мубошир ҳисоб-китобни қилиб, ҳукумат банкеси томонидан муҳрланган патталар ҳисобини баробарлаштиргач, хотиржам бўлиб, Муқимий билан овқатланди, кечки пайт отга ем бериш учун қўшхонага жўнади. Орқадан Муқимий билан уй эгаси етиб бордилар. Мубошир ётадиган ёғоч каравот ёнига уй эгаси кундуз куни тўртта қозик қоқиб, унинг устига сувтол новдаларидан четан тўқиб, қамиш босиб, бир ажойиб каравот ясаб қўйган эди. Буни кўрган Муқимий қувониб кетди. Бу кеча Муқимий мубошир билан ёнма-ён пашшахоналарда ётиб узоқ сўзлашдилар. Мубошир ўзи ким ва қандай сабаблар билан Туркистонга келиб қолганлигини сўзлай бошлади. Ҳатто унга шаҳарда яшаш учун рухсат берилмай, шаҳар четдаги Данғара қишлоғидан жуда қийинчилик билан бир хона ажратилганлиги, қирқ йиллик катта хизмати ва тажрибасини назарда тутиб, кейин Сирдарёда бозорчи ташийдиган мазкур Оқжар кемасининг мубоширлиги топширилганлигини айтди.

Узоқ йил катта ҳарбий кема капитани бўлиб хизмат қилган бу мубошир сиёсий ишончсизликка учраб, сургун қилинган. Унинг сургун бўлишига асосий сабаб, ўз қўл остидаги ҳарбий матросларни инсонпарварлик руҳида тарбиялаши эди.

Мубошир Муқимийни ўзига жуда яқин олиб таржимаи ҳолини айтиб бергандан кейин эҳтиёткорлик билан шоирнинг кўнглини кўтармоқчи бўлди:

— Жаноб Муқимий! Сиз, «мени сургун қилдилар» деб хафа бўлмасангиз ҳам бўлади, чақирсангиз дўстларингиз эшитадилар! Аммо кексайганда мен учун оғир, оила узоқда, жуда кичкина маош билан ёлғиз ҳаёт кечирмоқдаман. Менинг кимлигимни бу ерда ҳали ҳеч ким билмайди. Ҳатто шу хонанинг эгаси ҳам бундан воқиф эмас. Умид қиламанки, бу гап ўртамизда қолади. Шунингдек, ўзингиз ҳам сир бой берманг. Ҳар ҳолда эҳтиёткорлик яхши. Бундан кейин насиб борича ҳар ҳафтанинг уч кунда сиз билан бирга бўламан. Энди ҳасратдан амалий ишга ўтиб, сиз мени ўз адабиётингиз билан таништирасиз, мен сизга улуғ рус шоирлари ҳақида ҳикоя қилиб бераман!..

Муқимий мубоширнинг бу самимий таклифини жону дил билан қабул қилиб, миннатдорчилик изҳор қилди.

Орадан бир неча минут ўтгач, мубошир ётган ёғоч каравотдан хуррак эшитила бошлади. Муқимий хаёлга дўнгиб кетиб, бир ош пишиғича фурсат ўтгандан кейин уйкуга кетди.

Эрталаб мубошир нонуштадан кейин хайрлашиб, огини йўрттирганича жўнаб кетди, унинг қораси ўчгандан кейин банги чол ёғоч сандиғини очиб, рўмолга тугъғлиқ бир нарса олди-да, Муқимий олдига қўйди:

— Бу омонатни кеча кечқурун Қўқондан келган аштлиқ таниш тожиклар сизга бериб кетган эдилар. Мубоширнинг олдида топширишни ўзимга эп кўрмай, сақлаб қўйган эдим.

Муқимий рўмолни ечганда оқ сурп кўйлак-лозим орасидан бир оз пул билан аллақанча хатлар чиқди: бу хатлар Ғарибийдан, Завқийдан, Рожийдан, Мавлавий Йўлдошдан эди. Муқимий бу хатларни энтиқиб-энтиқиб ичида ўқий бошлади.

Ғарибий Акбархўжанинг соғ-саломатлигини билдириб, Зиёда ая Эгамберди ҳожининг таклифига кўнмай, ҳовлида ўтирганини, шунга қарамай, Эгамберди ҳожи ҳар куни келиб, Акбархўжани бир оз эркалатиб, пул, овқат ташлаб кетаётганини, мулла Абдулла Муҳаммад Юсуфхон қилқаламнинг ҳужра хизматларини қилиб, у кишининг қўл учида қилаётган моддий ёрдамлари билан таъминотлари ўтаётганлигини, Обиджон аълам, Мавлавий Йўлдош, Завқий, Муҳаммаджон Макай ва бошқалар тез-тез келиб хабар олиб турганлари, Ашурбой ҳожи ҳақидаги ҳажвдан бир неча нусха кўчириб, бойнинг дўкони, маҳалла мачитига кечаси ёпиштиргани, бир нусхасини уста Қовул олганини ёзган эди.

Муқимий бу хатни қўйиб, Мавлавий Йўлдошнинг мактубини кўздан кечирди: Мавлавий Йўлдош ёзган мактуб қисқа, лекин мазмунли эди: «Қора гуруҳ руҳонийлар ва Муҳйидек кўршапалакларнинг қутқуси билан қуролланган мингтепалик бир нодон эшон ўзини «ислом ҳимоячиси» деб эълон қилибди-да, муридлари билан кечаси пошшолик аскарлари ётган истеҳкомга ҳужум қилибди, кўп қон тўкиб, ахийри мағлубиятга учрабди, бу ҳақда ўтган куни шаҳарга хабар тарқалди, бундан сиз ҳам воқиф бўлмасангиз керак. Бу ердаги барча дўстларингиз ва сизни таниганлар «Муқимий Қўқонда бўлганларида бу ҳақда аллақачон ўз фикрларини айтар эдилар» деб, афсус чекмоқдалар. Умид қиламизки, флп-

нагар дукчи эшон Муҳаммадали халфа Муҳаммад Сафар ўгли ҳақида Оқжарда туриб бир ҳажв ёзасиз ва бизларни хурсанд қиласиз...»

Бошқаларнинг мактубларида ҳам дукчи эшон қўзғолони ҳақида маълумот бор эди. Муқимий фитначи эшон ҳақида бир нарса ёзиб, Мавлавий Йўлдошга юбориш тараддудига тушди. Сув толлар остида кечгача Сирдарёга қараб ўтириб, ўттиз икки сатрли ҳажв ёзди, эртаси уни оққа кўчириб, сешанба куни кемада ўтган биринчи бозорчилардан Обиджон аъламнинг дўконини тайинлаб жўнатиб юборди:

«Бир хабари жунун асар эшитамиз узоқдан,  
Осийи Андижон талон, дукчийи занталоқдан —  
Бир неча муштумоғлар, чумчуғу зоғлар билан  
Даъвийи бозлик қилур қирғию қарқуноқдан!..  
Аскарни бари бепадар, лўлимажозу бадғуҳар,  
Хўк ҳисолу сак сипар, дарбадару саёқдан!..  
Омийи маллапўшлар, жайраний дукфурушлар,  
Гурба мисоли мўшлар, субҳаси носқавоқдан!..  
Кўйлаги чиркину ғуруш, жандаси кир, ғижим, буруш,  
Бурга, бити қилур уруш, саллалари сачоқдан!..  
Мушқулу муаммо, тугун, тўфанглари тезак ўтун,  
«Ғазот» учун чиқиб буқун, ҳарбаси ошпичоқдан!..  
Байроғи эски жойнамоз, тўшаси рўзаю намоз,  
Тўъмаси нон ила пиёз, дўмбираси бўқоқдан!..  
Фикри «ғазот»да эрта-кеч, қўйнинг қабурғаси қилич,  
Милтиғидир йўғон қамич, патрони қум, қуноқдан!..  
Разм қилурға ғояси, тиру — туфанги — сояси,  
Аслаҳа — чарх пояси, найзалари таёқдан.  
Чодирни — ўргамчик уя, чайласи — бургану поя,  
Қўрхонаси — қозонкуя, замбарағи ўчоқдан!..  
Қурбақа — музикончиси, тошбақа — имтиҳончиси,  
Кирпитикан — санончиси, наштари жин тароқдан!..  
Эшик оғаси — белкурак, миршаби — кўршапалак,  
Тунқотари — кўҳна тувак, парвоначи бузоқдан!..  
Отлари гурбаю мушук, лоғару арриғу ушук,  
Қўтиру харишу қичиқ, жисми олақароқдан!..  
Қайга борур бу ҳол ила, тахмину эҳтимол ила,  
Шу кучу шу мажол ила бонг уришиб йироқдан!..  
Шер ила тенг келурми ит, жоҳилу муртаду палид,  
Халқ нима деб сўкар, эшит!.. Нафрати ҳар қаёқдан!..  
Тўрва сақол — яғир тўқим, номи эшон, сўқир сўқим,  
Жирканиб эл, сўкар Муқим, сен хотиний талоқдан!..»



Мубошир сешанба куни келганда кечаси яна айвонда ёнма-ён ётиб, суҳбат бошладилар. Мубошир гўё янги хабар топиб келган бўлиб, дукчи эшон қўзғолони ва унинг бостирилгани тўғрисида Муқимийга сўзлаб бериб, шундай савол берди:

— Мусулмон руҳонийларининг бу фитналарига сиз қандай баҳо берасиз, жаноб Муқимий?..

— Буни мен ваҳшийлик деб баҳолайман!..

— Улар сизни шаҳардан чўлга бадарға қилган ҳокимиятга қарши қўзғалган бўлсалар ҳам-а?..

— Мен бу фитнани, бизга янги маданият олиб келган рус халқига қарши кўршапалаклар фитнаси деб биламан. Уша фитначи кўршапалак дукчи эшон ҳақида ҳажвий шеър ҳам ёздим...

— Эшитсак бўладими?..

Муқимий ётган ерида эсда қолган сатрларни айтиб бериб, қолганини эртага нонушта устида ўқиб беришга ваъда қилди. Мубошир Муқимийнинг рус халқига нисбатан ҳурмати учун юракдан ташаккур айтди ва уни ўзбек Салтиков-Шчедрини деб баҳолади, бу буюк рус ҳажвчиси ҳақида мухтасар маълумот бериб, сўнг уйқуга кетди.

Қолган икки кеча Москвада, руслар қўлида тарбияланаётган Рўзнимуҳаммад тўғрисида ва классик адабиёт тўғрисида Муқимийнинг қисқача маълумот бериши, Мубоширнинг саволлари ҳам унга берилган жавоблар билан ўтди. Мубошир кетган кунидан бошлаб, уч кун бекор қолган Муқимий Оқжар қишлоғини кезиб, оқжарликлар ва уларнинг тирикчилиги билан танишди.

Оқжарнинг кексаси ҳам, ёши ҳам Муқимий саволларига қовоқ солиб жавоб қайтарар эдилар, тиллари ҳам дағалроқ бўлиб, аксари жумлаларга тушуниб олиш қийин, ўзбек, тожик сўзларини аралаштириб гапирар эдилар. Муқимий ёшларни ўқитмоқчи бўлди, буни эшитган ёшлар Муқимий ёнига келмай қўйдилар. Бутун қишлоқда битта саводли одам бор бўлиб, у ҳам ибтидоний маълумотга эга эди.

Оқжар қишлоғи иккита эди: бири Сирдарёнинг бу юзида — ўзбек Оқжари, иккинчиси Сирдарёнинг нариги юзида — тожик Оқжари. Ҳар иккала Оқжар аҳолиси ҳам дарё лабида сувга ташна, машғулотлари асосан эчки, така, қўй чорвачилиги бўлиб, қамиш пишганда

бўйра, бордон тўқир, деҳқончиликлари захкаш, шўр ерларга тарик, қозун, тарвуз, ошқовоқ экиб олишдан иборат эди.

Уйлари гувалак ёки чим билан ихоталанган, эгри-бугри шох ўтин устидан қамиш солиниб, лой босилган қоронғи кулбалардан иборат, бу кулбалар шифтига ёз кунлари кўршапалак, қалдирғочлар уя қўяр ва уларнинг тунги «чиғир-чиғир»идан ўрганмаган киши кечалари ухлай олмасди.

Муқимий эрта ва кечки пайтлар гоҳ уй эгаси билан, гоҳ ўзи ёлғиз қишлоқ айланиб, янтоқ босиб ётган бўш ерларни кўздан кечирди. Қишин-ёзин ўтини янтоқ бўлган бу аҳоли, дарёдан сув чиқазиб, дарахт эрмаганликлари, бўш ерлардан деҳқончилик учун фойдаланмай умр ўтказганларига ҳайрон бўлиб, уларга бу ҳақда савол берди.

— Нима учун сув чиқариб, деҳқончилик қилишни ис-тамайсизлар?..

— Чорвамизга янтоқ керак!..

Бир мўсафиднинг бу жавобидан Муқимийнинг ҳам газаби келди, ҳам кулгиси қистади. Чунки уларнинг меҳнатга тоқати йўқ, меҳнат қилиб, яхши ҳаёт кечиришни хаёлга ҳам келтирмай, ота-боболари қандай оғир ҳаёт кечириб ўтган бўлсалар, шуни давом эттиришни кўзлар эдилар. Муқимийнинг кўз олдидан Махмур ҳажв қилган Ҳапалак қишлоғининг аянчли манзараси ўта бошлади. Махмурнинг Ҳапалак ҳажвига мухаммас боғлаб ҳам хумордан чиқмаган Муқимий Оқжарга бағиш-лаб ҳажв ёзди.

Муқимийга кенг саҳро тор кўриниб, ўзини ҳеч қаерга сиғдирилмай қолди. Бу ердаги одамлар шу қадар қолюқ эдиларки, ўз фойда-зиёнларини билмас, уларга гап ҳам уқтириб бўлмас эди. Улар шоир билан ямоқчини фарқ қилмас, Муқимий шеърдан сўз очса, такадан гапириб жонга тегар эдилар. Гоҳ-гоҳ шоирнинг риндлиги қўзиб, тумтайиб ўтирар, озода ҳужра, гапга тушунадиган икки ҳамҳужра, бўйнига осилиб эркаланаётган Акбар-хўжа эсга тушиб, юраги сиқилиб кетарди.

Айниқса, кечалари ижод қилишга одатланган Муқимий энди бу одатини тарк этган, равон ижод ариғи гурбат хору хаслари билан тўсилган, қоғоз, қалам қўлдан сирғаниб ерга тушиб, шоирнинг кўзига жиқ ёш келар эди.

Жума, шанба, якшанба ва душанба кунлари шу равишда ўтиб, шоир сешанба келишини бетоқатлик билан кутарди — шанба куни яна дарёнинг у юзига ўтиб, пайшанба куни бу юзида паттачи-таржимонлик билан паршисини бир оз ёзиб, овулган бўлар, кечалари айвонда кема мубошири билан одатдагича турли-туман мавзуларда суҳбат бошланиб кетарди.

Мубоширга тожик тили ўргатиш ваъдасини берган Муқимий, суҳбатнинг яна бошқа мавзуга ўтиб кетмаслиги учун бу гапни мубоширнинг ёдига туширди:

— Утган ҳафта мендан тожикча ўргатишни илтимос қилган эдингиз, жаноб мубошир...

— Тўғри-тўғри! Мен тайёр! Аммо ўзингиз ростини айтинг, жаноб Муқимий, бемалол бўлса...

— Малолни нимаси? Мен кундуз куни ўйлаб қўйган эдим. Ўргатишни аввал йўловчилар билан бўладиган оддий муомала сўзларидан бошлаймиз. Сиз қоғоз-қалам олиб, ҳар кеча йигирма-йигирма беш сўзни ёзиб олсангиз, уч кечада етмиш беш сўз ёзиб оласиз, ўзим ҳам сиз билан доим шу тилда гаплашаман.

— Топган усулингиз менга ҳам маъқул. Аммо ҳозир ёзиш учун чироқ ёқсак, Оқжарнинг пашшалари шу ерга тўпланади. Яхшиси, тожикча ўргатишингизни кундузига қолдириб, кечаси бошқа нарсалардан гаплашайлик.

Мубоширнинг бу ўринли таклифи Муқимий томонидан маъқулланган бўлса ҳам, аммо унда бир иштибоҳ туғилди:

— Ёзиб олишни кундуз кунига кўчиришимиз албатта қулай. Бироқ кундузи фурсат бўлмасмикин деган иштибоҳдаман, жаноб мубошир!..

— Қўрқманг! Орқангиздан қувиб юриб бўлса ҳам, йигирма беш сўз қарзингизни ундираман. Тожикча ўргатишим мен учун жуда зарур. Бир ойда йўловчилар билан ўз тилларида сўзлашадиган бўлсам, катта гап! Сизга очиғини айтишга тўғри келади. Шу дарё бўйига бир уй қуриб олиб, шу ерда яшаш ниятим бор! Мен сувсиз, одамларсиз яшолмайман, ўзим ёлғиз кишиман, подшоликдан оладиган нафақам сақланиб қолган, ундан ташқари кема мубоширлиги учун ҳам менга ҳақ тўлайдилар. Ёшим олтмиш саккизда, сургун муҳлати маълум эмас. Шундай бўлгандан кейин қолган умрни ўзбек, тожик дўстлар орасида ўтказишни, агар ижозат берсалар

шу саҳрода бир боғ барпо қилиб, оқжарлик дўстларга қолдириб кетишни умид қиламан.

Бу сўзни эшитган Муқимий туриб ўтирди:

— Тасанно, жаноб мубошир! Тасанно!.. Ниятингиз яхши экан, мен бу фикрни қутлайман. Аммо дарёдан сув олмай, боғ орзу қилмоқ мушкул иш.

— Тўғри айтасиз, бу ерда сув ҳақида ўйламай туриб, боғни орзу қилиш — тентаклик. Мен боғ барпо қилишдан олдин сув ҳақида ўйлаб, режасини тузиб қўйдим ва уни амалга ошириш учун, ўз сармоям билан кичик «водокачка» қуришга ижозат сўраб, генерал-губернаторга мактуб ёздим. Шу кунларда мактубимга ижобий жавоб кутмоқдаман. Аммо дарё бўйига уй қуриб олишим учун ижозат сўрашнинг ҳожати йўқ, бу ҳақда менга тўла ҳуқуқ берилган, буни қуриш учун маҳаллий халқлар тилини билишим, улар билан ўз тилларида сўзлаша олишим керак. Бунингсиз мен бу ерда яшай олмайман. Бу дарё бўйида доимий қолишим учун халқ мени яхши таниши шарт. Сиз бу саҳрода маскан қуриш учун келмагансиз, мен буни хоҳламайман ҳам, чунки сизни Оқжар кемасида патта сотишдан кўра улуғворроқ ишлар кутиб турибди, сизни халқ кутиб турибди! Лаънати миссионер Мединскийнинг қаҳру ғазаби сизнинг тақдирингизни ўзгартира олмайди. Сизнинг тақдирингиз миллион-миллион халқ тақдири билан чамбарчас боғлиқдир! Буни тушунтириб ўтиришнинг эҳтиёжи бўлмаса керак?..

— Албатта! Ҳаммаси тушунарли. Мен фақат икки иборага тушунмадим. Масалан, сув чиқариш учун «водокачка» қураман дедингиз. Кейин, Қўқон ҳокимини тилга олиб, «лаънати миссионер» дедингиз. Мана шу икки сўз изоҳ талаб бўлиб қолди..

— Водокачка — дарёдан юқорига техника воситаси билан сув чиқаради. Туркистонда жорий бўлмаган бу техникани мен Оқжарда амалда татбиқ этмоқчиман. Мен бунинг мутахассиси ҳисобланаман, бу иш ўз қўлимдан келади. Сиз тушунмаган «миссионер» сўзи мукамал изоҳ талаб қилади. Уни айтишдан олдин сизга бир савол беришга тўғри келади: Қўқон ҳокими Мединский шаҳар руҳонийлари билан қандай алоқада эканлигидан хабарингиз борми, жаноб. Муқимий?..

— Оз-моз хабарим бор. Дин уламоларини тез-тез йўқлаб, улар билан турк, араб ва форс тилларида суҳ-

батлашиб туради. Шунинг учун ҳам Қўқон руҳонийларининг димоғида ош пишади...

— Тушунарли! Энди менга қулоқ беринг, жаноб Муқимий! Бу Мединский Бухородаги бир мадрасада узоқ йил таҳсил кўриб, ўзини «мусулмон динида» деб эълон қилган ва Бухоронинг бир қишлоғидаги мачитга тўрт йил имом бўлган. Қора ниятли миссионерлар ташкилотига аъзо бўлишни истаган ҳар бир кимса бошқа бир миллатнинг динини, урф-одатини, тилини мукаммал ўрганиб олиши шарт. Миссионерларнинг туб мақсади бошқа бир миллатнинг ичида туриб, диний тарғибот юргизиш, унинг тараққиёт йўлига ғов бўлиш, таназулга бошлаш, бошқа бир миллат боёнларига ва ҳокимиятга қул қилишдир. Сизни саҳрога ҳайдаган жаноб полковник Мединский ҳам ўша лаънати миссионерлардандир. Мен ҳам рус, лекин бундай русларни яхши кўрмайман. Чунки улар ёмон ниятли кишилар!..

— Ажабо!..

— Пул топшириш учун ҳар ҳафта шаҳарга тушганимда банкдаги таниш дўстлардан шаҳар янгиликларини эшитиб қайтаман.

Ҳоким Мединский шаҳарнинг Скобелев кўчасидаги ўзининг шоҳона саройига Қўқоннинг кўзга кўринган уламолари билан катта ер эгаларини ва савдогарларини зиёфатга чақирган ва қуюқ меҳмондорчиликдан кейин уларга шундай деган:

«Шаҳарларингизда темир йўл ишхоналари, пахта, ёғ заводлари, устахоналар ишга тушяпти. Завод-фабрикани рус ишчилари бошқаради. Агар уларга маҳаллий ишчилар шогирд бўлиб тушса, рус ишчилари ҳунар ўргатиб, уларнинг кўзларини очиб қўядилар. Бора-бора халқ ўз инсоний ҳуқуқини таний бошлайди, сиз уламоларга, катта ер эгаларига бўйсунмай қолади. Сиз, ўзбек меҳнаткашларининг рус меҳнаткашлари билан дўстлашишидан, бирлашишидан қўрқинг. Шунинг учун сиз, иложи борича, ўзбек ёшларининг заводларга кириб, ҳунар ўрганишига йўл қўйманг!»

— Кўрдингизми, жаноб Муқимий! Ҳоким Мединский биргина сизнинг душманингиз эмас, халқингизнинг ашаддий душмани, у қадимий маданиятингизнинг янги маърифат билан бойишига қаршидир.

Мубошир жим бўлди, орадан икки минут ўтмай хуррак ота бошлади. Муқимий ҳам бир-икки у ёндаш бу

ёнга аганаб хаёл сурди-ю, сўнг аста-секин уйқуга кетди. Эртасига вақтли уйғониб, иккалалари етаклашганлари-ча дарё лабига, чой ичиш учун чолнинг капасига жўнадилар.

Мубоширнинг кеча айтган гаплари Муқимийда зўр таассурот қолдирган эди. Чой устида Муқимий пахта ҳақида сўз очганди, мубошир кулиб, кўрсаткич бармоғини қимирлатди:

— Кечирасиз, жаноб Муқимий! Тожикча ўрганиш учун қоғоз-қалам олиб чиқдим. Қани, бошлаймиз, пахта ҳақида кечаси...

Муқимий кечирим сўраб, муомаладаги оддий, осон тожик сўзларидан йигирма бештасини мубоширга ёздирди-да, ўзи кемага қараб югурди. Муқимийга раҳмат айтиб қолган мубошир ёзиб олган сўзларининг остига русча тажримасини ёза бошлади.

Тожик йўловчилар Муқимийни энди мулойим паттачи дебгина ҳурмат қилмай, балки шоир Муқимий деб ҳурмат қила бошлаган эдилар, чунки Муқимий ҳар ҳафта улар орқали Қўқондаги ёру дўстларга хат жўнатиб, хат олиб турганлиги сабабли танилиб қолган эди.

Тожик йўловчилар шунинг учун ҳам Муқимийни ҳурмат қилар, ўртага мева-чева тўкиб, нон синдириб, суҳбатлашишни истар эдилар.

Муқимий энди дунёга бошқачароқ назар билан қарайдиган бўлиб қолди, чархланиб, қирови тўкилиб, ҳаётнинг энг ингичка, энг нозик томонларига разм сола бошлади. Букун у паттачи-таржимонликни қойил қилиш билан бирга бу янги дўстларга қулайлик туғдиришни ўз вазифаси деб тушунди. Йўловчилар ёзда иссиққа бардош бериб, қишда совуққа тоқат қилиб, ялангликда бошпанасиз кема кутар эдилар.

— Дарёнинг икки соҳилига бошпана бинолар қуриш ниятидамиз,— деди у бир кун тожик дўстларига.— Аммо бу икки томоннинг ҳаракати ва саховатига боғлиқ. Хўп десаларингиз, мен бунинг устида туриб, бошлаб юборар эдим. Бунинг учун энг аввал тош керак! Агар ҳар бир йўловчи келишда биттадан тош олиб келса, ҳар бозор қанча тош тўпланиши ўз-ўзидан маълум. Қолганини кейин маслаҳатлашамиз.

Муқимийнинг бу таклифини кемага ўтаётган ҳар бир тожик бозорчи қувватлаб, тош ташишга ваъда берди. Эртаси Муқимий Оқжарни айланиб, бекорчи йигит-

лар билан сўзлашди, мубоширнинг айтишича, гувалак эмас, ғишт қуйиш керак эди. Оқжар йигитлари ғишт қуйишни билмас эдилар. Келаси ҳафта мубошир от ёнига тўртта ғишт қолипи боғлаб олиб келди, шундан кейин Муқимий Оқжар йигитларини ҳашарга тўплаб, мубошир ёрдамида уларга лой қилиш, ғишт қуйишни ўргатди. Улар учун қапа ёнига мачитнинг дошқозони қурилиб, шўрва қайнатилди. Ғишт қуйиш бора-бора сайилга айланди, кексалар ҳам ҳашарга келиб, йигитларга ёрдам беришга киришдилар.

Иккинчи ҳафта бозорчилар қоп ортилган эшак устида битта-иккита тош олиб кела бошладилар. Дарёнинг у юзига тўпланаётган тошларни дарёнинг бу юзига, бу юзидаги қуриган ғиштлардан дарёнинг у юзига ташишга тўғри келди. Бироқ хом ғиштни ташишдан кўра ўша томоннинг ўзида ғишт қуйиш маъқулроқ эди. Муқимий тожик оқжарликларга бу ҳақда мурожаат қилганда улар бу хайрли ишни бажону дил қабул қилиб, йигитлар ажратдилар ва дарёнинг у юзида ҳам ғишт қуйиш авж олиб кетди. Шундай қилиб икки ҳафта мобайнида ҳар икки томонда ҳад-ҳисобсиз ғишт қуйилиб, пойдевор учун тош тўпланди. Ҳар икки Оқжар аҳолиси Муқимийнинг бу ташаббусидан хурсанд эдилар.

Халқнинг бу ҳимматини кўриб севинган мубошир ҳафтанинг олти кунинда шу ерда, бир кун шаҳарга бориб, пул топшириб қайтадиган бўлиб қолди. Бир кун эрталаб тожикча «дарс»дан кейин Муқимийни бирга олиб, бино қуриш учун жой танлашга киришди: унинг мулоҳазасича, бино йўл устидан четроқ, кўкракроқ жойга тушиши, икки хонадан иборат бўлиши керак эди. Бир хонаси билет сотиш учун, иккинчи хона тунаб қолувчи йўловчилар учун. Муқимий бу икки хоналик бекат ёнида чойхона қуришни таклиф этди. Қуриш халқ ҳашари билан бўлади, аммо ишнинг муҳим ва оғир томони шаҳардан тахта-ёғоч келтириш ва дурадгор, сувоқчи чақириш эди.

Кечки пайт Муқимий билан мубошир қапа чойхонада шу масала устида сўзлашиб ўтирганларида нарироқда икки эшак келиб тўхтади. Бир эшакдан Мавлавий Йўлдош, иккинчисидан Шодмон ҳожи тушди. Буларни узоқдан кўрган Муқимий қувониб, ўрнидан туриб кетди:

— Дўстларим йўқлаб келдилар!.. Дўстларим!..

Улар ҳали эшакларини боғлаганларича йўқ эдилар, Муқимий етиб бориб, иккалалари билан қучоқлашиб, кўришди. Улар хуржунларини эшакдан олиб, Муқимий кетидан юрдилар. Шодмон ҳожи қўлтигидаги битта қилиб боғланган дутор билан танбурни Муқимий кўтариб олди. Узоқдан кўриб турган мубошир улар томон юра бошлади, банги чол билан паттачи илдамроқ боришиб иккала хуржунни меҳмонлар қўлидан олдилар. Мавлавий Йўлдош гиштларга назар солиб, Муқимийга тегиша бошлади:

— Сахрога мадраса қурмоқчимисиз ёки янги ҳаёт саройими?..

— Янги ҳаёт саройи, дўстлик равоқи!..

— Хат олиб борган кишилардан шундай деб эшитиб, келишга шошилдим, келишимни эшитиб ҳожим эргашдилар.

Муқимий яқинлашиб келаётган мубоширни ишора қилди:

— Сизга ёзган мактубимда таърифлаган мубошир мапа шу киши. Бу киши билан дўстлашгандан бери сизни ҳам таништиришни орзу қилиб юраман.

Мубошир яқин келиб, меҳмонлар билан қайноқ сўрашди. Мубошир ўзбек тилида гапирган эди, саллали Мавлавий Йўлдош русча жавоб берди. Бу ўзбек мулласининг русчани беҳато сўзлашидан мубошир таажжуб қилиб, мамнуният билан Муқимийга қаради. Муқимий йўл-йўлакай изоҳ берди:

— Жаноб мубошир! Бу иккалалари каминанинг қалин дўстлари! Бу киши ўзбекнинг улуғ санъаткор, бастакори, сиз билан русча гаплашаётган бу киши бўлса, менинг ҳаммақтабим, ҳаммаслагим, беш тилни биладиган ўқимишли йигит.

Мавлавий Йўлдош мубоширгга қараб: «Мой друг очень расхвалил меня. Поэти все такпе. Не верьте!» деганига қарамай, мубошир қулоч ёзиб аввал Мавлавий Йўлдош билан, кейин Шодмон ҳожи билан қайтадан, қадрдон кишилардек қучоқлашиб кўришди, кейин қапага бошлади:

— Биз оқжарликлар Муқимийимиз билан қанча мақтансак арзигандек, Муқимий жаноблари ҳам ўз дўстлари билан шунча мақтансалар арзийди!..

Бўйра устига ёзилган ғарибона шолчага ўтирар эканлар, банги чол уяла-уяла, тўртта суви қочган нон



келтириб ўртага қўйди. Муқимий хижолат чекиб турган эди, Мавлавий Йўлдош хуржунни ковлаб, бир даста кулча ширмон олиб, дастурхонга қўйди, хуржуннинг иккинчи кўзидан бир қадоқча кўк чой олиб, қапа эгасига узатди ва рўмолга тугилган турли меваларни олиб тўкди:

— Оз бўлса ҳам насиба...

Муқимий икки нон устига мевалардан қўйиб, банги чолга узатар экан, Мавлавий Йўлдошга қаради:

— Раҳмат дўстим!..

— Раҳматга арзийдиган ҳеч нарса олиб келолганим йўқ...

— Камина учун ташрифингиздан ўзга ҳеч нима керак эмас...

Мавлавий Йўлдош Муқимийга қараб табассум қилди:

— Гапнинг очиги, йўл юриб, оч келган кишилармиз, суҳбат кейин бўла беради, бизга қозонни кўрсатинг, эшон ака! Дарё бўйидаги қапада ош қилиш орзусида эдим, шу орзум ушалсин!..

— Бундай беҳижолат, беташвиш меҳмонлар ҳар кун келсалар ҳам майли. Нима дедингиз, жаноб мубошир?..

— Бир фазилати, ҳикмати бўлмаса, Муқимийга меҳмон бўлиб, узоқ йўлдан келарми эди. Хуллас, бу кеча жуда хислатли кечага ўхшаб қолди!

Мубоширнинг илтимоси билан Шодмон ҳожи дутор билан танбурни филофидан чиқариб, созлашга киришди:

— Нима чалиб берай, эшон ака?..

— Мен учун шу кунларда сознинг овози эшитилса бас!

Шодмон ҳожи олдин дуторда майин эзиб, «Туя бўзлов» машқини чалиб, кейин танбурни олди, «Нолиш»ни чалиб, аста куйлади. Муқимий бутун вужудини қулоққа айлантириб тинглади. Муқимий кўз ёшини артар экан, мубошир изтиробга тушди, юраги эзилди, чунки бу кекса капитаннинг ўзи ҳам ҳижронзада эди.

Шодмон ҳожи машҳур муғаннийлардан бўлса ҳам, хонанда-ҳофиз эмас, унда баланд овоз йўқ, аммо баланд санъат бор эди. У кичкина овози билан куйлаб, юракларнинг чуқур ерларидан йўл топа оларди. Шунинг учун ҳам уни биринчи кўриб, биринчи эшитаётган кекса рус кишиси ихтиёрсиз берилиб қулоқ сола бошлади. Ўз

шоирини соғиниб келган ўзбекнинг санъати унинг пок қалбига ўз таъсирини кўрсата олган эди.

«Ҳажар-ул-асвад эмиш ёр юзида қора хол,  
Мен ўзим ҳожи бўлиб, бўса олай асвадидин...»

Шу шеър билан бошланадиган «Нолиш» куйи жуда қадимий бўлиб, унинг чуқур мазмунли шеърини бир вақтлар халқ ижод қилган. Бу «Нолиш»ни шоир Муқимий Шодмон ҳожининг ўзидан ва ҳофиз тўра Соҳибхондан ҳам бир неча бор эшитган бўлса ҳам, аммо ҳеч қайсиси Муқимийга ҳозиргичалик таъсир кўрсатмаган эди.

Шодмон ҳожи танбурни қўйгандан кейин мубоширга шу шеърнинг юқори икки сатрини таржима қилиб беришга уринди:

— «Еримнинг юзидаги қора хол, мен учун Қаъбадаги ҳажар-ул-асвад (қора тош) ўрнидадир. Мен ёримнинг қора холидан бўса олсам, ўзимни ҳожи ҳисоблайман...»

Буни мубоширга тўғри тушунтириш мушкул эди, Мавлавий Йўлдош елкасида рўмол, қўлида капгир билан гуручга келиб, бу мушкулни осонлаштирди. Навбат яна Шодмон ҳожига келганда ҳожи энди дуторни олиб, «Илғар», «Курт»ни чалиб берди, ош сузилиш олдида дуторда «Эшвой» билан «Яланг даврон»ни завқшавқ билан машқ қилди.

Ош ейилиб, узоқ чойхўрликдан кейин мубошир бориб дам олишни таклиф қилди.

Эрта билан дарё бўйида чой ичиб ўтиришганда Мавлавий Йўлдош сўз бошлаб ҳозир Чодакнинг чиройли мавсуми эканлигини, ўзларининг Чодакка бориб, бир ҳафта туриб келиш истаклари борлигини айтиб, агар мумкин бўлса, бу саёҳатга Муқимийни ҳам бирга олиб кетмоқчи бўлганини билдирди. Муқимий жим бўлиб қолди.

Мубошир Мавлавийга кулиб:

— Чодакнинг мақтовини беш йилдан бери эшитаман,— деди,— аммо боришга фурсат тополмайман, фурсат бўлганда ҳам йўл биладиган ҳамроҳ йўқ. Шунинг учун яхши бўлар эди жаноб Муқимийни бирга олиб кетсаларингиз, бу киши Чодакни кўриб келиб, кейин фурсати билан мени бошлаб борсалар. Нима дедингиз, жаноб Муқимий?..

Дўстлар билан Чодакка кетгиси келиб турган Муқимий, мубоширнинг оқилона таклифидан енгил тортиб кетди, лекин мубоширга тикилиб:

— Аввало, шунча ишларни ташлаб, сизни ёлғиз қолдириб кетсам яхши бўлмас, иккинчидан, мени юборганингиз учун сизга гап тегмасмикан деган андишадаман, жаноб мубошир...— деди Муқимий.— Яхшиси, буларни жўнатиб, ўз ишим билан машғул бўлай. Кейинчалик фурсат топиб, Чодакни кўриб келурмиз.

\* \* \*

Икки дўстини Чодакка жўнатиб, уларнинг қайтишларини Муқимий тоқатсизлик билан кутмоқда эди. Орадан бир ҳафта ўтгач, улар бозорчилар билан қайтишадиган деган умид билан эрталабки биринчи кемада дарёнинг у соҳилига ўтиб кетди ва кўзи Чодак йўлида бўлди.

Бозорчиларни ташиб, қайтиб ўтган кемачилар тажанг бўлиб ўтирган Муқимий ёнига югуриб келишиб, суюнчи тортдилар;

— Бир эшакка мингашиб, ўғилчангиз билан бир карқулоқ йигит келди.

Бу хабарни эшитган Муқимийнинг нафаси оғзига тикилиб, кема томон чопди ва кеманинг жилишини тоқатсизлик билан кутиб, дарёнинг нариги соҳилига тикилиб қаради. Мубошир Акбархўжанинг қўлидан тутиб, дарё бўйида шу томонга қараб қўли билан кемани ишора қилаётганини кўрди.

Бирор соатдан сўнг кема қайтиб ўтгач, Муқимий қирғоққа сакраб тушиб илдамлар экан, Акбархўжа мубоширнинг қўлидан чиқиб, отаси томон югурди. Отабола қучоқлашиб узоқ кўришдилар. Ғарибий йиғлаб келиб, ўзини Муқимийга ташлади. Наридан турган мубошир бу манзарадан таъсирланиб, белини ушлаганча маъюс табассум қилиб турар эди. Қадрдонлар кўришиб бўлгач, мубошир осиб қўйилган катта балиқни ишора қилиб:

— Мен мана кичик меҳмоним учун балиқ ови қилган эдим,— деди.— Чакки бўлмади. Тозалаб, қовуришлар йигитлар!..

Наридан ўтирган кемачи йигитлар азамат балиқни кўтаришиб олиб кетдилар.

Балиқ тозаланиб, қовурилгунча мубошир ота-болани

холи қўйиб, бошқа юмушлар билан банд бўлди. Муқимий Акбархўжанинг хоҳишига қараб, кемада саёҳат қилдириш учун Ғарибий иккаласини жўнашга тайёрланиб турган кемага олиб чиқди. Бу кема саёҳати ёш Акбархўжа учунгина эмас, Ғарибий учун ҳам антиқа туюлди, чунки Ғарибий ҳам ҳаётида дарё ва кемани биринчи кўриши эди.

Дарёнинг нариги юзига ўтиб, энди бир пиёладан чой ичган эдилар, Чодакка кетганлар уч киши бўлиб қайтиб келиб қолдилар. Учинчи киши Мавлавий Йўлдошнинг чодаклик табиб ошнаси бўлиб, буларни Чодакка таклиф қилган ҳам шу киши эди. Табиб Муқимий билан қадрдонлардек сўрашгач, эшак томон югурди, хуржуннинг бир кўзидан сават олиб, уни Акбархўжага тутқизди. Бу саватда иккита каклик бор эди.

— Буни Қўқонга олиб бориб, сизга совға қилмоқчи эдим, йўлим яқин бўлди!

Хурсандчилик билан кемага чиқиб, қайтиб ўтганларидан мубошир балиқни қовуртириб, буларнинг қайтиб ўтишларини кутмоқда эди. Меҳмонларни хурсандчилик билан кутиб олган мубошир балиқхўрлик устида булардан Чодак хотираларини эшитиб, кейин ўрнидан турди ва эрта қайтишга ваъда бериб, Қўқонга жўнаб кетди. Мавлавий Йўлдош Ғарибий билан Акбархўжанинг келиб қолганликларидан таажжубда эди.

— Биз боргандан кейин, шу эшакларда сизлар келишларинг керак эди-ку?..—деди у Ғарибийга қараб.

— Сизларга эргашиб, Акбархўжа йиглай бергандан кейин Эгамберди ҳожи ака бошқа эшак кира қилиб, бозорчилар билан бизни ҳам жўнатиб юбордилар.

— Бошқа ҳеч кимга учрамай жўнай бердингизми?

— Аъламнинг дўконларига бориб, Оқжарга кетишимизни у кишининг қулоқларига айтдим.

— Аълам ҳам сизнинг қулоғингизга бир сўз айтган бўлса, уни бутун чой растаси эшитгандир?..

— Ҳеч нарса демай, қўлимга чой ўраб тутқизиб, кейин уйинга бошлаб борди, бир пашшахона билан «эшон акага элтиб беринг» деб хат берди.

Акбархўжа какликлар билан овуниб ўйнаб юраркан, катталар қапада қош қорайгунча суҳбатлашиб, шаҳардаги муҳим воқеалар ҳақида Муқимийга ҳикоя қилиб беришди, кейин Шодмон ҳожини ишга солиб, ярим кечага-ча соз эшитишди.

Эртасига эрта билан барвақт дарё бўйига чиқиб, чой ичаётганларида Мавлавий Йўлдош Қўқонга жўнашлари ҳақида сўз очиб, Муқимийдан ижозат сўради, Муқимийга қолса уларни яна бир неча кун сақлашга тайёр эди-ю, аммо вазиятни ҳисобга олиб, рухсат берди. Уларнинг жўнашларини эшитган Исмоил Ғарибий:

— Биз ҳам шулар билан кета қолганимиз дурустмикин...— деб қолди.

— Мени ёлғиз ташлаб-а?..

Муқимийнинг бу эътирозини эшитиб, Ғарибий ломим деёлмади, агар унга қолса, Муқимийнинг ёнидан бир қарич узоқлашгиси йўқ эди. Ғарибийнинг нима учун кетгиси келганлиги сабабини Мавлавий Йўлдош тушунтириб берди:

— Йўл олис, бунинг устига анча хавфли тўқай, қумтепалардан ўтиш керак. Келишда эсон-омон етиб келиб олган бўлсалар ҳам ёш бола билан яна ёлғиз жўнаб кетишлари яхши бўлмас, букун биз билан кетиша қолишин...

— Майли...

Муқимий розилик бергандан сўнг меҳмонлар кетиш тайёргарлигини кўра бошладилар, шу пайт мубошир келиб қолди. Унинг юзида хурсандчилик аломатлари бор эди. Ҳамма билан сўрашгандан сўнг Муқимийга бундай деди:

— Губернаторга жўнатган аризамга ижобий жавоб келди. Энди Оқжарга водокачка қуришимиз аниқ, жаноб Муқимий!..

— Қутлуғ бўлсин, жаноб мубошир! Мени ортиқ қувонтириб юбордингиз!

Мавлавий Йўлдош ва бошқалар олдин «водокачка» сўзига тушунмадилар, тушунтирилгандан кейин улар ҳам чин кўнгилдан мубоширни табрикладилар. Шундан кейин эшакларга хуржун ортиб, хайрлаша бошладилар. Бироқ, эшакларга миниш пайтида Акбархўжа Муқимийнинг бўйнига осилиб, «мен сизни қолдириб кетмайман!» деб йиғлай бошлади. Узоқ вақтгача уни юпатиб бўлмади. У йиғлаб йўлга тушди, эшакларнинг қораси ўчгунча Акбархўжанинг йиғиси Муқимийга эшитилиб турди. Муқимий кўзидаги томчи ёшлар юзига оқиб тушганини сезмай, Қўқон йўлига термулганча бирор соат туриб қолди...

## Ўн олтинчи боб

### ХАЙР, ОҚЖАР!

«Оҳким, афсус, эмас ҳеч ишда раҳбар толеим,  
Вожгундир, имтиҳон қилдимки, аксар толенм.  
Ноғиҳон берсам, Муқимий, бир мусулмонга салом,  
Дафъатан икки қулогини қилур кар, толенм.»

Муқимий

Туркистонда капитализм ривожланган сари пахтачилик кундан-кун тараққий этаётган Фарғона водийсининг иқтисодий марказларидан бири бўлган Қўқон шаҳрига савдо фирмалари ва банклари уя сола бошладилар. Деҳқонларни пахта экишга қизиқтириш учун вексель йўли билан банклар кредитга (бўнакка) пул бериб, насияга бозордан қимматроқ нархда саноат моллари бера бошладилар.

Қишлоқ хўжалик техникаси мутлақо йўқ, ерни ибтидоий қурол-аслаҳа, омов, бўйинтуруқ билан ҳайдаб, кетмон билан кузгача парвариш берар эдилар.

Сув кам, ер кучсиз, қўшхўкиз ориқ, деҳқонда пахта экиш учун банкдан оладиган кредитдан бошқа «имтиёз» йўқ бўлиб, унинг боши қарздан чиқмас, ерини катта ер эгаларига сотишга, ўзи чоракор бўлиб ёки қарол бўлиб ёлланишга мажбур бўлар эди. Шунинг натижасида, катта заминдорларнинг ерлари кенгайиб, пахтафуруш бойларнинг иқтисодий негизи мустаҳкамлана борди.

Газлама ва бошқа турли саноат моллари билан савдо қилувчи катта фирмалар дўкандорларни ўзларига гумашта қилиб олиб, уларга истаганча насияга мол тарқатар ва шу билан маҳаллий савдогарларнинг сонини кўпайтирар эдилар.

«Московское торговое промышленное общество», «Андреевское торговое общество» ва бошқа рус, ажнабий савдо фирмалари билан йирик яҳудий капиталистлардан Водьяевлар, Патилахов, Давидовлар Фарғона пахтасининг хўжайини эдилар.

Немис Дурушмет хом тери, аччиқичак сотиб олиш ва кўнчилик саноатини қўлга олиш учун курашса, Юргинс атторлик моллари фирмасининг хўжайини сифатида Германиядан юборган ўз малайлари ва маҳаллий атторлардан Аъзамжон бой орқали ўз молини ўтказарди,

унинг малайлари Туркистонда жосуслик ишини ҳам ба-  
жарар эдилар.

Польшалик фирма хўжайини Мандалак Қўқонда катта ипакчилик заводи қуриб, бутун Фарғонага қурт уруғи тарқатиб, бутун пилла маҳсулотини ўз тасарру-фига олган, арман бойи Мади шаҳарга ун заводи қуриб ишга солган бўлса, ака-ука Коминскийлар, Муҳаммадов, Қинов, Абдуллаев, Мирмаҳмудов, Ҳожимаҳмудов, Бекларянц, Ниёзматов, Кварков фамилияли пулдорлар ҳам турли катта-кичик завод ва корхоналар қуриб, бунда бир неча юзлаб ишчиларни ёллаб ишлатар эдилар.

Рус фирмаларининг хўжайинлари ва чет эл капита-листлари ўзлари учун Қўқоннинг Янги шаҳарида ҳа-шаматли турар жойлар, боғлар ва савдо омборлари, магазинлар барпо қила бошладилар, ўнлаб зўр банклар биноси қад кўтарди, шаҳарнинг Эски шаҳар қисмидаги қадимий савдо расталари кенгайиб, базозлик, ишфуруш-лик, вофурушлик растаси, мевафурушлик растаси, дўп-пифурушлик, ипак растаси, атторлик, чойфурушлик рас-таси қайтадан қурилиб, буларга от-арава билан кириш ман қилинди.

Расталар борган сари кенгайди, Чалчиқ гузари, Ян-ги чорсув, Тароқчилик — Гишкўприк, Мискарлик — Дегрезлик гузари, Тошкентлик гузари — Шайх ислом гузаригача кўчаларнинг тепаси тим билан ёпилди.

Эски шаҳарнинг асосий қисми бўлган Катта чорсув, Тароқчилик, ёғ бозори атрофларида саноат моллари би-лан тўлган складлар, савдо конторалари, банклар қу-рилди. Бу кўчалардан ўтганларнинг димоғига газлама ўралган чипта ва нафталин ҳиди келиб урилар, арава-дан той-той юк тушираётган ва араваларга той-той юк ортаётган рус, ўзбек, тожик, ҳаммоллари кўзга ташла-нар эди.

Буларга ўхшаш ҳаммолларнинг минг-мингини темир йўл складларида, пахта заводларида, кўн заводи, ун заводи ва бошқа заводларда учратиш мумкин эди. Ай-ниқса, пахта заводларида оғир пахта тойларини тахта зиналардан юқорига чиқариб тахлаётган, устида қора ёқа қоп тўн, оёғида калла хом, бошида попукли шолча дўппи, забардаст йигитлар кўп учрарди. Бу йигитлар қоратегинлик, бадахшонлик бўлиб, уларни «маччойн» деб атар эдилар. Улар бир неча йил заводларда қишин-ёзин ишлаб, меҳнат ҳақларига саноат моллари сотиб

олар ва уларни орқалаб тоғма-тоғ ватанларига пиёда қайтиб кетар эдилар.

Қўқон шахрининг сатҳи йигирма квадрат километр-дан иборат, айланаси хонлар замонида қўрғон билан ихоталанган бўлиб, шаҳарга ўн икки дарвозадан кириларди. Шаҳар Қатаған, Марғилон, Сармозор, Хўжанд номи билан тўрт даҳага бўлинарди. Мана шу Хўжанд даҳаси билан Қатаған даҳасининг бир қисмини эгаллаган темир йўл атрофида темир йўл ишчилари жойлашган, улар ўзбек тилини ўрганиб, ўзбекларга рус тилини ўргатиб, кўп ёшларни ўз сафларига торта бошлаган эдилар.

Бора-бора Ғозиёғлиқ, Арғамчи қишлоқ, Давронбек, Овғонбоғ, Арзиктепа ва шунга ўхшаш маҳалалар ҳам шаҳарга яқин қишлоқларнинг қосиб, деҳқон, боғдор ўспиринлари рус ишчилари ва инженерларига шогирд тушиб, ҳунар ўрганиш билан маҳаллий ишчилар сафини кенгайтира бошладилар.

Қишлоқларда амиркон пахта экиш тараққий этиб, калта тола жайдари пахта аста-секин четга сурила бошлади, уни деҳқонлар фақат ўз рўзғор эҳтиёжи учун бўлак экишлар четига экиб, йиғиштириб олар эдилар, чунки бу майин, иссиқ жайдари пахтадан саноат учун ип эшиб бўлмаса ҳам у кўрпа, тўнга солиш учун жуда бопта бўлиб, сувсиз ерда ҳам бўла берар эди.

Баҳорда банкдан кредитга пул, ғалла, саноат моллари олиб, вексель берган камқувват деҳқондан хўжайинлар кузда ўшанга яраша пахта ҳосили талаб қилар, деҳқончиликда бўлиб турадиган сув тансиқлиги ва турли офатларни тан олмас эдилар. Сувсизлик орқасида ёки офатга дучор бўлиб, пахта ҳосили кам бўлиб қолган йилларда вексель судга оширилар, деҳқоннинг ери, қўш ҳўкизи, рўзғору соғин сигири сотилиб, қарз ундирилар эди. Буд-шудидан ажраган камбағал деҳқон шаҳарга иш истаб келиб, мардикорчилик, ҳаммоллик қилар ёки бир бойга ёлланиб, қарол бўлиб ишлар эди. Пахтага чигиртка тушиб, еб кетган йили айниқса бундай хонавайрон деҳқонларнинг сони ниҳоятда ортиб кетарди.

Мана шундай бахтсизликлар ҳисобига майда ерлар катта ер эгаларига ўтиб, пахтазор майдонлар йирик-лаша бошлади. Еридан ажралган майда хўжаликлар бойларга чорикор, қарол бўлиб қолди. Шаҳарлардан ташқари катта-катта қишлоқларда ҳам кичик-кичик



хусусий пахта заводлари қурилиб, заводчи, пахтафуруш бойлар учун ҳисоб-китобдан хабардор, ёзув-чизувга моҳир мирзолар керак бўлди. Шаҳарнинг саводли ёш зиёлилари бойларга мирзо бўлиб ёлланиб, рус мутахассис конторчи ходимларидан контора ишларини, мавоза дафтарларини юргизишни, счёт солиб ҳисоблашни ўрганишга киришдилар.

Шунингдек, банклар, фирмаларга маҳаллий савдогарлар билан муомала қилиш учун тилмочлар керак эди. Бор тилмочлар кифоя қилмай қолди, шу ваздан Қозондан келган татар зиёли ёшлар катта мавқе эгаллай бошладилар. Улар тилмочликни бажариб, контора ишларини бошқара бошладилар. Шундай кадрларга эҳтиёж зўрлигини сеза бошлаган маҳаллий бойлар «Ҳафтияк», «Сўфи Оллоёр»дан нарига ўта олмаган эски диний мактаблар ўрнига айни замонга хизмат қиладиган рус тили, ҳисоб-китоб илми, жуғрофия ва бўлак дунёвий фанлар билан қуроллантирувчи янги усул мактаблар очиш вақти етганлигини англашди. Бироқ улар талаб қилган даражадаги маълумотларни беришга қодир муаллимлар у вақтда Қўқонда жуда оз эди. Бунинг учун яна Қозонга мурожаат қилишга тўғри келди.

Қозон ва Оренбургдан чақирилган Ҳабибулла Донской ва Нурий домла каби бир неча тажрибали педагоглар Қўқонда таълим-тарбияга мослаштирилган ёруф биноларда ўқув жиҳозлари, яъни парта, ёзув тахталари, мактаб дафтар-қаламлари ва дарсликлар билан қуролланган ҳолда иш бошладилар. Мактабнинг сарфу харажати ва ўқитувчининг тирикчилиги оталар ҳисобига эди.

Янги усул мактабда ўқиётган болаларнинг сафи тобора ўсиб бораётганини кўрган руҳонийлар ва ҳожини Муҳйидек иттиҳоди исломчилар мамлакатга янги ҳаёт, янги маданият бошлаб келган пок виждонли рус зиёлилари ва уларнинг шогирдлари бўлмиш тараққийпарвар, соғлом ўзбек зиёлиларига қарши фитна юргиза бошладилар. Қора гуруҳ уламоларга хайрихоҳ бўлган миллатчи унсурлар янги усул мактабларга муаллим бўлиб кириб, ёшларни миллатчилик руҳи билан заҳарлашга уриндилар. Улар янги усул мактабга доғ тушириб, халқ ўртасида унинг обрўсини кетказдилар.

Янги шаҳарда очилган гимназия ва мутахассислар отказадиган қисқа муддатли кечки мактабларда ёшлар

катта пул тўлаб ўқир эдилар. Улар кўпроқ савдогар ва бойларнинг ўғиллари бўлиб, ораларида бирорта ҳам қиз йўқ эди. Бир неча йиллар мобайнида маҳаллий ёшлардан рус тилига омил бир қатор ёш зиёлилар етишиб чиқа бошладى. Аммо кўпчиликни ташкил қилган асосий меҳнаткаш халқ ва уларнинг болалари саводсиз эдилар. Пул тўлаб, болаларини ўқитишга камбағаллар ожиз, уларнинг топган пуллари рўзгор эҳтиёжини зўрға қоплар эди.

Хонлар замонидан қолган маддоҳлик, қасидахонлик адабиёти, ҳожи Муҳйи ва Ҳазиний тўра адабиёти катта уламолар, заминдорлар ва улгуржи савдогарларнинг дидига мос эди. Муқимий, Фурқат, Завқий ва уларга эргашган салоҳиятли ўсмир шоирлар икки ёқлама зулм остида эзилаётган заҳматкаш омманинг қайғу-ҳасратини, юрак дардини ифода этар эдилар. Бу халқчил адабиёт тобора равнақ топиб, гуллаб-яшнаб бормоқда, бу адабиёт намояндаларини кўпчилик халқ ҳам ва илғор рус маданиятини ташиб келаётган маърифатпарвар рус зиёлилари ҳам қўллаб-қувватламоқда эдилар.

Рус тилини қунт билан ўрганиб, рус маданиятидан маънавий озиқ олиб, шеърлар ижод қилаётган зукко шоир Зокиржон Фурқат иш растасидаги дўконини ташлаб, Тошкентдаги рус оғайнилари олдига кетган эди.

Тилдан тилга, юракдан юракка кўчиб юрувчи сеvimли қўшиқлар муаллифи Муқимий қумтепалар бағрига, Сир бўйига сургун қилинган бўлса ҳам халқ билан бирга эди. У еридан ажраган камбағал деҳқонларнинг, дастгоҳидан жудо бўлган қашшоқ ҳунармандларнинг дард-ҳасратини тараннум этарди.

Ер-сувини заминдорлар тортиб олган камбағал деҳқонлар, хонавайрон бўлган косиблар, катта савдогарлар билан рақобат қилолмай синган майда савдогарлар тентираб қолган эдилар. Уларни маҳаллий бойлар ҳам, подшо амалдорлари ҳам яқинларига йўлатмас, улардан ҳазар қилар эдилар.

Авахтахоналар оддий кишилар билан доим лиқ тўла! Еридан ажраган бир деҳқон хўжайинига мушт кўтарса, катта ер эгаси чиновникка чақиб, уни жуда узоқларга бадарға қилишга ёки қаматиб қўйишга қодир эди. Очiqроқ қилиб айтганда, ҳукмрон доиралар оддий халқнинг қаҳру разабидан қўрқар эдилар.

Янги шаҳар «Томоша боғ»и дарвозасига: «Бу боққа сарт, солдат ва ит кириши ман этилади!» деган эълон ёпиштирилган эди. Узун чопонли оддий маҳаллий халқнинг шинель кийган рус деҳқон ва ишчи йнгитлар, яъни оддий солдатлар билан сўзлашишлари ҳам ман қилинган, маҳаллий халқларни солдат казармаларига яқин йўлатилмас, казарма деворлари устига Эски шаҳарга қаратиб оғир тўплар ўрнатилган бўлиб, бу подшо ҳукуматининг ерли меҳнаткаш халққа ишонмаслигидан далолат берар эди.

Подшолик маҳкамалари ва уларнинг чиновниклари порахўрликка чунон ҳам ўрганган эдиларки, халқнинг кичик мушкули порасиз ҳал бўлмас эди. Сайловлар ҳам пора асосига қурилган бўлиб, мингбоши, қозилик ва кичик лавозимлар пул баробарига сотиларди, шунинг учун ҳам бу мансабларга оддий кишилар сайлана олмас, пули кўплар ҳар қандай кўнгли истаган номаъқулчиликни ошқора қилишга ҳақли эдилар.

Қўқоннинг машҳур заводчи, йирик савдогар ва мулкдор, хасис бойларидан Авазбой ўлганидан кейин унинг уч ўғлига жуда кўп миқдорда нақд олтин — сармоя, ерсув, ҳовли-жой, обжувоз — тегирмон мерос қолади. Бойнинг катта ўғли — Сулаймонқул бойвачча ота мерос бойликни қиморга, улфатчилик ва ўйин-кулгига сарф қилади, ўрташча ўғил — Раҳмонқул бойвачча бир боғнинг тўрт томонига ҳар қайсиси тўрт хоналик иморат қуриб, бир хилда қимматбаҳо жиҳоз билан тўлдириб, олтиннинг зўри билан бир кунда тўрт қизга уйланади, бунга шарият ҳомийлари ривоят ҳам топиб берадилар. Раҳмонқул бойвачча бир неча йил «Худоёрхонана яшаб», сармоясини тамом бўлади, тўрттала хотин ташлаб кетиб қолади, бойнинг кичик, букри ўғли Мадаминжон эса ўзига ўқитувчилар ёллаб, аввал рус ва ажнабий тиларни ўрганади, кейин отадан қолган олтинларни ёнга солиб, бутун Европани ва Шарқ мамлакатларини кезиб чиқади.<sup>1</sup>

Машҳур рус циркчиси Липатов Қўқон Қаландархона кўпригининг ўнг биқини — сой лабига катта цирк биноси қуриб, ўз ишини гуриллатиб юборди: қизиқчилари шаҳар айланиб, ҳали цирк нималигини билмаган халқни «ажойиб от ўйин»га чорлар, оломон гурас-

<sup>1</sup> Мадаминжон саёҳатдан қайтиб, умрининг охиригача газетфурушлик қилди, шу касб билан 1928 йилда Қўқонда вафот этди.

гурас бўлиб, жарҗига эргашиб юрар ва ёш-яланглар кеч-қурун Қаландархона томон йўл олар эди. Циркнинг биринчи кечаси зўр тантана билан бошланди, билетлар аллақачон тугаган бўлса ҳам. Ўз извошида уч улфати билан кечикиб келган бадмаст Сулаймонқул бойваччага билет топилди, яъни у олтин бериб, бир ложани банд қилди. Булар кириб, жой эгаллаганларидан кейин иккинчи қўнгироқ чалиниб, арена чироқлари ёнди, шанқи конференсье цирк артистлари номларини тантанали суратда эълон қилди, сўнг биринчи бўлимда акробат-муаллақчилар, масхарабозлар, иллюзионист-кўзбоғлағич, кучук ўйнатувчи кампиргача ўз ҳунарларини кўрсатдилар.

Иккинчи бўлимда конференсье атоқли циркчи Липатов ва унинг қизи «Марямхон» томонидан от ўйинлари бўлишини эълон қилди: кўпларни кутдириб, интизор қилган гўзал қиз, бадан рангидаги нозик либос устидан зарга бурканиб чиқиб, аренада ҳар томонга юз қарашма билан салом берди, сўнг узун қамчи ушлаган Липатов аренада пайдо бўлиб, унинг орқасидан бир қора от чиқиб келди. Оркестр рақс куйини бошлади, қора от устида «Марямхон» тик туриб рақс этишга киришди.

Саккиз номердан иборат иккинчи бўлимда фақатгина гўзал «Марямхон» ўз латофати билан, хусусан, қўшиқлари ва сим устида ўйнашлари билан томошабинларнинг ҳушини бошидан учириб, ўзига маҳлиё қилган эди. Уйин тамом бўлиб, одамлар тарқалгандан кейин Сулаймонқул бойвачча гўзал «Марямхон» ва унинг отаси Липатовни ўз боғига кечки овқатга таклиф қилди.

Бироқ бемаҳалда нотаниш кишининг боғига боришдан чўчиган, очикроғини айтганда пулмаст, нияти бузуқ бойваччалардан безган, «Марямхон» боришдан бош тортди. Аммо Сулаймонқул бойвачча ҳар кеча циркдан бир ложани банд қилиб, «Марямхон»нинг чиқишини сабрсизлик билан кутарди. Гўзал қизнинг илтифоти эмас, балки нафрат ва жирканишига дучор бўлганидан кейин, ўчини ичкиликдан олар эди.

Циркчи Липатов ва унинг гўзал қизи ҳақидаги ҳикоямизга хатчўп солиб қўйиб, Сулаймонқул бойвачча билан шоир Муқимий ораларнда ўтган кичик, кўнгилсиз бир воқеани эслаб ўтайлик.

Кузда бир кеча-кундуз ёққан ёмғирдан кейин шаҳарнинг тор, захкаш кўчалари ўртасида сув тўпланиб, йўл четидан юриш ҳам мушкуллашиб қолган эди. Кечки пайт

Муқимий гишт кўприкдан мадраса томон кетаётганда кайфи баланд Сулаймонқул бойвачча орқадан отини тезлатиб келиб, Муқимийга лой сачратиб юборди. Таъби олинган Муқимий унинг кетидан жаҳл аралаш, «шу ҳам одамгарчилик бўптими?.. Нодон, қўрслик ҳам эви билан-да!..» деди. Сулаймонқул от тизгинини тортиб, Муқимийга қаради:

— Бир нарса дедингизми, шоир?

— Нодон, қўрс дедим!..

— Жуда соз!..

Бойвачча отига қаҳр билан қамчи босган эди, от ўрнида сакраб, олдинга интилди. Сулаймонқул Муқимийга қараб тамасхурона қаҳ-қаҳ урди-да, отнинг бошини қўйди. Муқимийнинг уст-бошига лой сачради.

Мана шу ахлоқсиз мерос бойваччаси қирқ ёшга кирган бўлса ҳам ҳали уйланмаган бўлиб, ўз оқсоқлигини кўрсатмаслик учун қўлида фил тиши қадалган ҳасса, кечалари ресторанларда, кундузлари ўзбекча либосда қи-морхоналарда ҳаёт кечирарди.

Ёш бўлишига қарамай, ўз санъати туфайли Урта Осиёнинг кўп шаҳарларини кезган «Марямхон» кундуз кунлари, айниқса ёз кунларида атроф хиёбонларни сайр қилишни яхши кўрар эди. Уни бир жума, отаси извошда Қайнарбулоққа олиб чиқди.

Азамат толу тераклар остида йигирмадан зиёд катта-кичик тиниқ булоқлар ҳар доим дошқозондек қайнаб, гоҳ-гоҳ сув том бўйи фаввора уриб турар, булоқларнинг атрофи чойхоналар билан қуршалган, ёз кунларида шаҳарда иссиқланган улфат йигитлар тўп-тўп бўлиб чиқиб истироҳат қилишар, соз чалиб қўшиқ айтишар эди.

Бу сайилгоҳ «Марямхон»га манзур бўлди, отаси билан қўлтиқлашиб, булоқлар атрофида сайр қилдилар. Ўзбек соз ва қўшиқларини қизиқиб тингладилар. Айниқса қўшиқ айтиб, танбур чалиб, ҳаммани ўзига қаратган чиройли бир йигитнинг қўнғироқ товуши, келишган қадди-басти «Марямхон»ни шу онда ўзига тортди. Бу йигит Муқимийнинг энг яқин дўстларидан, истеъдодли бастакор Муҳаммаджон Макай эди. Рўбарўда толга суяниб, қўшиқ тамом бўлгунча кўз узмай Макайни томоша қилган цирк нозанини бир четга ўтирди-да, шоша-шоша бир нималар ёзди ва у ёзувни Муҳаммаджон Макай ўтирган сўрига ташлаб, отаси билан йўлга

кетди. Бу русча хатда шу ўтирган йигитларнинг ҳаммалари кечқурун циркка таклиф қилинган эди. Кечқурун Қайнарбулоқдан қайтгач, Муҳаммаджон Макай улфатлари билан қоғозни кўтариб, циркка кириб боришганда Липатовнинг ўзи кутиб олиб, буларга жой кўрсатди.

Циркнинг биринчи бўлими одатдагидек ўтиб, ҳамма иккинчи бўлим бошланишини тоқатсизлик билан кутмоқда. Айниқса бир ложани бир ўзи эгаллаб ўтирган бадмаст Сулаймонқул ҳаммадан кўра шиддатлироқ қарсақ урар ва мўйлов силаб, ўтирганларни бирма-бир кўздан кечирар эди. «Марямхон» аренага чиқиб, одамлар орасидан меҳмонларини қидира бошлади, топиб, аввал ўша томонга, кейин бошқаларга салом берди.

«Люблю, люблю, Мамаджан, люблю, Мамаджан,  
Зачем нужен мне другой, люблю, Мамаджан...»

«Марямхон»дан бу қўшиқни эшитган томошабинлар қийқириб юбордилар, Сулаймонқулнинг кўзлари қинидан чиқиб, вужудини титроқ босди, одамлар орасидан ўша «Мамаджон»ни қидира кетди, Сулаймонқулнинг фелъу атворидан чўчиган улфатлар ташвишга тушиб, ўйин бузилмасданоқ Муҳаммаджонни ўртага олиб, аста жўнаб қолдилар. Бойвачча томошабинлар орасидан Муҳаммаджон Макайни тополмай, муштига туфлаганча гижиниб қолди.

Бу қўшиқни ўрганиб олган ёш-яланглар эртаси шаҳар кўчаларида айта бошладилар, тез кунда шаҳарга ёйилди, ҳатто бу қўшиқ қулоқма-қулоқ Оқжарга етиб борди. Буни эшитган Муқимий ҳеч сўз демай, шаҳарда бўлмаганига хўрсиниб қўя қолди.

Ёр-биродарлари, қариндош-уруғларидан узоқда ранги сарғайган шоир, Қўқондан қайтган йўловчилардан кўпроқ мактуб кутар, ёр-биродар, қариндош-уруғларнинг тинч-омонликлари ҳақида хабар эшитгиси келар.

Қўқондан қайтган чодаклик табиб мубошир йўқ кеча Муқимийга меҳмон бўлиб, гарчи шоирнинг таъби кўтармаса ҳам. Қўқонда атторлар билан циркка боргани ҳақида оғиз кўпиртириб, Муқимийнинг қулоғини қоқиб қўлига берди. Бедард табибнинг бу цирк хотираси тугагунча бардош қилган шоир, уни ухлашга таклиф қилади, табиб бош қўя солиб уйқуга кетган бўлса ҳам Муқимий не вақтгача ўрнида тўлганиб кейин уйқуга кетган эди, табиб шаҳарда туртиб уйғотди:

— Мулла ака, мулла ака!.. Кема қачон бўлади?..

Муқимий кўзини очиб, кун ёришганини кўрди, туриб кийинишга уринди:

— Тезроқ чиқсангиз, биринчи кемага улгурасиз!..

Табиб Муқимий билан хайрлашиб, кема томон югурди, Муқимий қапага келиб, чой ичмоқчи бўлиб турган эди, узоқдан отлиқ мубошир кўринди, Муқимий чой ичишни ҳам унутиб, унинг истиқболига шошилди.

Мубошир отини сувтолга қантарар экан, кўзи узоқда одам бўйи кўтарилган бино деворига тушди, Муқимий билан қайноқ сўрашиб:

— Сизни шоир десак, меъмор ҳам экансиз, жаноб Муқимий!— деб ҳазиллашди. Муқимий кулиб жавоб берди:

— Қаноти синиқ бир мусича баланд ошиён орзусини қилган экан.

Мубошир қапага кириб, чамадондан одатдагича оқ бўлка, шишада сариёғ, майдаланган оққанд олиб қўйди ва банги чолга чой узатиб, аччиқ чой дамлашни буюрди, сўнг кўзи Муқимийнинг оқарган юзига тушди:

— Хўш?.. Жаноб Муқимий, тобингиз йўқми?..

Муқимийдан олдин банги чол гапга суқилди:

— Муллам кеча овқатсиз қолган эдилар!..

Муқимий индамай ерга қаради, мубошир ғазаб билан ўрнидан сакраб турди ва у ёқ-бу ёққа юриб, қайтиб келиб нонни кесди, пиёлага қанд солди, унга чой қуйиб туриб деди:

— Очликнинг биринчи давоси шу қанд чой! Бундан кейин бошқа чорасини кўрамиз.

Муқимий икки пиёла иссиқ қанд чой билан икки кесим бўлкадан еб, андак жонланди, пешонасида йилтил-лаб тер зоҳир бўлди. Банги чол ичкарига жой ҳозирлади, мубошир Муқимийни олиб кириб ётқизди-да, сўнг шаҳар янгиликларидан баъзи муҳимларини айтиб берди:

— Сизни шаҳарга қайтаришларини сўраб, Қўқон халқи генерал-губернаторга ариза юборган экан, аризани губернатор Қўқон ҳокими Мединский ихтиёрига юборипти. Дўстингиз Кузьмичнинг айтишига қараганда, ҳоким пул умид қилиб, ишни орқага сураётган эмиш. Буни сезган дўстларингиз пул тўплашибди, етмаганига шаҳарнинг косиблари пул жамғариб беришга киришиптилар. Демак, сиз жаноб Муқимий, яқин кунларда шаҳарга қайтишингиз муқаррар...

Бу хабарни эшитгач, Муқимий ётган ерида кўзига ёш олиб, бош ирғади:

— Мен сизни ёлғиз ташлаб, бошлаган ишни чала қолдириб шаҳар кетаманми!..

Тўпланган пулни Қори сумалак ҳокимнинг сирдош закончилари орқали бериб, натижа кутмоқда эди. Бир ҳафтадан кейин закончи Қори сумалакни учратиб, хуш-хабар тортди:

— Жаноб ҳокимни уйларида овқат устида учратдим, илтимос билан пулни узатган эдим, олиб хотинларига бердилар. Шундан маълумки, илтимос инobatга ўтди. Аммо ўша ондаёқ Муқимийни сургундан чақириб олиш ҳақида сўз очиш одобдан эмас эди. Бу ҳақдаги масала, албатта маҳкаманинг ўзида бартараф бўлади. Муқимийни шаҳарга қайтиб келиши учун рухсат қоғози ёздириб олишгина қолди. Бу хизматим учун қанча тўлашни ҳимматингизга ҳавола қиламан.

Закончининг даромадига қараганда, энди унинг кўнгли тўлдирилиши керак эди, бўлмаса бу иш яна орқага чўзилиши турган гап эди. Дўстлар яна этак тутишиб, анчагина пул жамғариб бердилар. Қори сумалак жамғарилган пулни закончига чўзган куннинг эртасигаёқ у ижозатномани Қори сумалакка топширди.

Эртаси Мавлавий Йўлдош, Завқий, Обиджон аълам бир соябонли арава олдига Акбархўжани ўтқазиб Оқ-жарга жўнадилар.

Кеч пешин пайт, Муқимий касалдан туриб, том ёпаётган ҳашарчиларга иш ўргатмоқда, мубошир эса нарироқдаги темир-терсақлар уюми ёнида, шаҳардан келган рус темирчиларига йўл-йўриқ кўрсатиб, «водокачка» қурилишини кўздан кечирмоқда эди. Соябонли арава келиб тўхтагач, аравадан Мавлавий Йўлдош, Обиджон аълам, Убайдулла Завқий ва Акбархўжа тушдилар. Бундан Муқимий хабарсиз эди, том ёпаётган оқжарликлардан бири бақирди:

— Ҳо, мулла ака! Шаҳардан меҳмонлар келишди!..

Муқимий ўрнидан туриб қараган эди, кўзи тиниб кетди, бир қўлини пешонасига соябон қилиб, шу томонга келаётган одамлар қорасини кўрди, аммо уларни танимади. Чунки Муқимийнинг кўзи хиралашиб қолган эди. У дўстлари билан турган ерида совуққина кўришди, ўғлини ҳам сўзсиз кўксига босиб, жим қолди...



Акбархўжа жуда озиб кетган, ранги қонсиз, хомуш, энди илгаригидек ота бўйнига осилиб, эркалик қила бермас эди. Шаҳарда ҳам ҳужрага кам чиқиб, уйда ўтирадиган бўлиб қолганди. Қўшниларнинг айтишлари-га кўра, кейинги вақтларда Зиёдабиби Акбархўжани тез-тез калтаклар эди. Айниқса, Акбархўжанинг бошига қисқич билан ургандан бери бола ўзини йўқотиб, хомуш бўлиб қолган эди. Мавлавий Йўлдош дармонсизлашиб қолган Муқимийнинг билagini ушлаб, томирлари ниҳоят суст уришидан чўчиди, ер остидан Завқийга қараб, лабини тишлаб қўйди. Муқимий эса кетишга қизиқмас, бу ҳақда чурқ ҳам этмас эди. Дарё бўйида ош қилиб ейиш учун масаллиқ олиб келган Завқий, индамай сабзи-пиёз тўғрашга тушди, Обиджон аравакаш йиғитни чақириб қозон остирди, Мавлавий Йўлдош Муқимий билан бирга қўшхонадаги кўрпа-тўшак, китоб, қоғоз-қаламларни олиб келиш учун кетди. Акбархўжани етаклаб олиб, иккалалари қўшхона томон бораётганларидагина Муқимий Қўқонга кетишига ишонди, лабида табас-сум пайдо бўлиб, кечаси кўрган тушини айтиб берди ва Анбар отиннинг ҳол-аҳволини сўради:

— Ўз дардим кўзимга кўринмай, доим шу нотавон аёлни ўйлайман...

— Гапнинг очиги, икки ҳафтадан бери ундан хабар олишга қўл теккан йўқ. Хабар олиб ҳам нима қила олдим... Унга моддий ва маънавий кўмак бериш менинг қўлимдан келмайди, дасти калта одам бўлсам... Эшитишимга қараганда, у сизнинг Оқжарга бадарга бўлганингизни эшитиб, қаттиқ озурда бўпти, кўп фарёд чекибди. Боргандан кейин унга ўзим хушxabар тортаман...

Қўшхонага булар билан изма-из мубошир билан ҳовли эгаси етиб келишди, улар Муқимийдан жудо бўлаётганликлари учун хафа бўлсалар ҳам Қўқонга кетишдан хурсанд эдилар. Чунки Муқимий кейинги ҳафта-ларда ортиқ инжиқлашиб, одам ёқтирмайдиган, қўлидан келмаган ишларга уриниб, девор уриш каби оғир ишлар билан ўзини койтаётган эди.

Мубошир билан уй эгаси Муқимийда руҳий тетиклик сезиб севиндилар. Қўқонга қайтиш шарафи билан уни қутладилар. Бунга жавобан, Муқимий узр айта бошлади:

— Менинг қайтиб боришим учун ижозат берилган экан, бунга беҳад хурсандман, чунки мени бадарга қи-

либ, муваффақият қозонган маънавий кушандаларимга бориб кўриниш беришим керак, бўйни эгилган дўстларимнинг қадини, руҳини кўтаришим керак. Мен энди хужрада ўтириб, хужра шеърлари эмас, ҳаёт ичига кириб бориб, ижод қилишим керак! Аммо сиздек меҳрибон, азиз кишилардан йироқ туриш мен учун нақадар оғир бўлаётганлигини ўзим биламан. Мен гарчи Қўқонда яшасам ҳам доим сизни ёдимда асрайман, имконини топганда келиб кетаман, тожик дўстларим орқали робита боғлаб, хат юбориб тураман.

Кўтарилишиб дарё бўйига чиққанларида ош дам еб, кутиб турган эдилар. Юкларни аравага қўйиб, қўл ювишга шошилдилар. Ошдан кейин ҳам суҳбат анча чўзилди, кун қайтганда аравакаш отини аравага қўшди. Муқимий кетаётганини эшитган Оқжарнинг кексасидан ёшигача дарё бўйига тўпланишган эди. Муқимий улар билан алоҳида-алоҳида хайрлашар экан, бундан кейин мубоширни ёлғиз қўймасдан, бошлаган ишларини охирига етказишда унга ёрдам беришни илтимос қилди, «водокачка» ишга тушгандан кейин Оқжарда мевазор боғлар яратиш кераклигини уқтирди, сўнг мубошир ва уй эгаси билан қучоқлашиб хайрлашиб, аравага чиқди.<sup>1</sup>

Бирмунча кўнгли яқинлар Муқимийга пешвоз келиб Данғарада кутмоқда эдилар, улар йўлдан қўшилиб, Қўқонга уч арава бўлиб кириб бордилар. Кеч бўлиб қолган эди. Муқимийнинг илтимоси билан араваларни хилват йўл билан хужра томон бошлаб, кечаси кириб келдилар. Дўстлар ярим кечгача хужрада ўтириб, сўнг уйларига тарқалдилар. Эрталаб Муқимий ҳаммомга кетди, қайтиб келганда мадраса саҳни косиблар билан маҳалла аҳли ва шеър муҳибларига тўлган эди. Шоир улар билан бирма-бир қучоқлашиб кўришди. Бундай келди-кетдилар бир неча кунга чўзилди, ундан кейинги шодиёналар шаҳар атрофидаги салқин такяларга кўчирилди.

Бир суҳбатда Муқимий «Марямхон» воқеасини Муҳаммаджон Макайнинг ўз оғзидан эшитиб, цирк томошасига боргиси келиб қолди, Муҳаммаджон Муқимийнинг кўнгли учун бирга яна циркка боришга розилик

<sup>1</sup> Мубошир ташаббуси билан «водокачка» ва биполар қурилган, мубошир 1904 йилда чақириб олингандан кейин улардан халқ фойдаланган, кейинча Сирдарё йўлини ўзгартириб, бу қишлоқ сув ўртасида қолиб кетган. (С. А.)

берди. Шу кеч кўпчилик Муқимийни бирга олиб цирк томошасига бордилар, буларни биринчи қаторда кўрган Сулаймонқул бойвачча ғазабланди, ложадан тушиб, ичкарига кириб кетди-ю, яна қайтиб чиқиб ўз ўрнида гурур билан папирос тутатди ва буларга қараб, истеҳзоли жилмайди. У, Муҳаммаджон Мақайни қанчалар ёмон кўрса, Муқимийни ундан баттар ёмон кўрар эди.

Ҳали томоша бошланганча йўқ, ҳамма иштиёқ билан арена чироқлари ёниб, оркестр чалинишини кутмоқда эди. Шанқи конференсье ўртага чиқиб, эълон қила бошлади:

— Азиз томошабинлар!.. Диққат билан эшитинг! «Марямхон» тўсатдан касал бўлиб қолганлиги учун бу кечада иштирок эта олмаслигини афсус билан билдираман!.. У кишининг иштирокисиз томоша давом этаберсин десаларингиз ўтираверинглар! Йўқ десаларингиз томошани эрта кечга қолдирамиз, билетлар куймайди, хоҳлаганлар кассадан пулларини қайтариб олишлари мумкин!..

Бу эълонни эшитгач, кўпчиликнинг ҳафсаласи пир бўлиб, дув этиб ўрндан қўзғалди, бошқа томошабинлар қатори Муқимийлар ҳам бўшашиб чиқа бошладилар. Ложада папирос тутатиб ўтирган Сулаймонқул бойвачча ўрндан қўзғалмай, ўтирган жойида буларга кўз қириши ташлаб, мийиғида кулиб қўйди.

Томошабинлар тарқаб, кўча чироқлари ўчгандан кейин Липатов келиб, бойваччага мурожаат қилди:

— Ўзингиздан бўлак бирорта томошабин қолмади, халқ билетини қайтариб, пулини олиб кетди, энди нима дейсиз?..

— Бу кеча неча пуллик билет сотилган эди?..

— Тахминан тўрт юз сўмлик..

Сулаймонқул бойвачча индамай чўнтагини ковлаб оқподшонинг сурати бор тўртта юз сўмлик қоғоз ақча чиқариб, Липатовга узатди:— Бошқаларининг менга кераги йўқ! «Марямхон»нинг бир ўзи бор ҳунарини кўрсатсин! Бир ўзим томоша қиламан, ўзингиз мен билан ложада ўтириб, улфатчилик қиласиз! Коньякка одам жўнатинг!..

Липатов қуллуқ қилиб чиқиб, коньякка одам югуртирди, оркестрни олиб қолиб бошқаларга жавоб берди. «Марямхон» ҳувиллаган аренага чиқиб, эринибгина, аммо харидоргир бир неча номерларни ижро этгандан кейин ўзи оркестрга жавоб бериб юборди.

Сулаймонқул бойвачча, ички-ташқи ҳовлини пуллаб, қиморга бой берди. Бору будидан ажраган бойваччани кейинча циркка ҳам киргизмай қўйишди, бойвачча Липатовга ялиниб-ёлвориб юриб, отбоқарлик хизматига киришга «муваффақ» бўлди. Бироқ «Марямхон» энди унга қайрилиб ҳам қарамас эди.

Муқимий дўстлари билан кечки пайт Қўрхона маҳалласидан қайтиб, Тошкентлик гузар орқали Қаландархона кўпригига яқинлашган эди, циркнинг бўз отини сойда ювиб, етаклаб чиқаётган Сулаймонқул бойваччага дуч келди. Муқимий кўрмасликка олиб, олдинга интилган эди, ширакайф отбоқар бойвачча узоқдан шоирни кўриб, гап ташлади:

— Тўнингизни ювиб олибсиз-ку, шоир Муқимий!..

Бу кинояни эшитган Муқимий индамай ўтиб кета олмади, орқасига бурилиб, уни жирканч назар билан кўздан кечирди ва жавоб берди.

— Лойни ювса кетади! Аммо эл-юртнинг лаънатини ювиб тоза қилиб бўлмайди!.. Қўрслик тамом бўпти-ю, фақатгина нодонлик қопти!..

## *Ў н е т т и н ч и б о б*

### **ХУШМАНЗАРА МАНЗИЛЛАРГА!**

«Муқимий, ҳасратим куйдирса қоғоз,  
Нечук таҳрир этиб, айлай баёнлар...»

Муқимий

Рўзимуҳаммаджон имтиҳонларини топшириб, ёзги таътилга чиққандан кейин атийси Муҳаммад Солиҳ Ерзинни ёлғиз топиб, тўққиз йилдан бери кўрмаган меҳрибон тоғаси — Муқимий ва бошқа қариндошларини кўргиси келганини айтди. Рўзимуҳаммаджоннинг илтимосини Муҳаммад Солиҳ Ерзин қабул қилиб, борди-келди, совға-саломга юз сўм пул берди ва Бухородаги дўсти Жўрабек Арабов деган кишига хат ёзиб берди. Рўзимуҳаммаджон меҳрибон анийси Айниулҳаёт ва қариндошлар билан видолашди, қўқонлик Тождидинбой берган омонат совғаларни ўз юкига қўшиб боғлаб, йўлга тайёрланди. Унга Нижний-Новгород шаҳригача билет олиб бериб, поездга ўтқаздилар.

Рўзимуҳаммаджон Нижний-Новгородда поезддан тушиб, пароход тўхтайдиган жойни сўроқлаб топди. Уша куни фельдмаршал Суворов номидаги пароход жўнаш олдида эди. Рўзимуҳаммаджон шу пароходнинг каютасидан жой эгаллаб, эсон-омон йўлга тушди. Бу катта муҳташам пароход ниҳоят озода, ошхоналарда овқатлар муҳайё эди. Йигит Эдил дарёси бўйлаб шаҳар, қишлоқларни томоша қила-қила Каспий томон сузиб кетди.

Пароход Астраханга келганда бошқа пароходга ўтириб, Каспий денгизи билан Петровск порти орқали Боку шаҳрига етиб олди. Савдогарлар билан Боку шаҳрини айланиб чиқиб, яна пароходга ўтирдилар. Пароход лангарини кўтариб, сигнал бергандан кейин Красноводск йўлини олди. Денгиз ўртасида зўр пўртана бошланиб йўловчиларнинг ҳаловати бузилди. Ёшликда денгизда кўп сузган ёш студент бу пўртанага парво қилмай томоша қилиб бормоқда эди. Йўловчилар ташвишли кечани ўтказиб эртасига сиҳат-саломат Красноводскга етиб келдилар.

Бир томон шўрдарё, бир томони қизил тоғ билан ихоталанган Красноводск жаризама иссиқ шаҳар эди, Рўзимуҳаммаджон «Маршрут» дафтарга қараб, Урта Осиё темир йўл вокзалини истаб топди ва Ерзин тайинлаган Жўрабек Арабовга омонат хатни топшириш мақсадида Бухорогача поездга билет олди.

Шом пайтида поезд Қогон бекатига келиб тўхтади. Рўзимуҳаммаджон ва унинг ҳамроҳлари Бухорога етганларида шаҳар дарвозаси берк эди. Дарвозадан киришда Рўзимуҳаммаджон кимникига боришини айтди, шундан кейин шаҳарга киришга рухсат берилди. Бемаҳалда қидира-қидира, ахир Жўрабек Арабовнинг уйини истаб топди.

Жўрабек Арабов Ерзиннинг мактубини ўқигач, Рўзимуҳаммаджонни иззат-ҳурмат билан меҳмон қилиб, суҳбатлашди. Эртаси хизматчисини қўшиб, Бухорони томоша қилдиртирди, кейин файтонга ўтқазиб, шаҳар ташқарисидаги боғига олиб борди. Уйда бир неча кун меҳмон қилгач, бўйинга боп тўн тиктириб кийгизди ва Қўқонга узатиш олдидан бир танишидан Самарқанд шаҳар бошлиғига хат ёздириб берди. Самарқанддан Фарғонага қатнайдиغان поезд учун ҳар қандай йўловчига билет сотилмас, фақатгина юк ташийдиган поездлар қатнар эди.

Рўзимуҳаммаджон Самарқандга келиб вокзал ёнидаги мусофирхонага ўрнашгандан кейин, томоша қилиш учун Самарқанд шаҳрига тушди, Регистон минораларига анқайиб турганда уст-боши жулдур бир кекса одам Рўзимуҳаммаджон ёнида тўхтаб, унинг кимлигини суриштира бошлади. Рўзимуҳаммаджон Москвадан келиб Қўқонга бораётгани, поездга миниши учун ёнида илтмос қоғози борлигини айтганда, ҳалиги одам кўпдан бери Қўқонга қайтиб кетолмай юрганлигини гапириб, бирга олиб кетишни илтмос қилди. Биргалашиб шаҳар бошлиғи идорасини топиб, хатни топширганларидан кейин икки кишига ижозатнома берилди. Юк вагонига иккита билет олишга муваффақ бўлдилар.

Йўлда чол ўзининг кимлигини айта бошлади:

Дукчи эшон қўзғолонидан кейин, «оқ дўппилик»лар тутила бошлаганда<sup>1</sup> бу киши пиёда Бухорога қочган Қўқондаги Ҳаким халифа эшоннинг муридларидан бўлиб чиқди. Рўзимуҳаммаджон Ховос станциясига етиб, бўлак поездга минишда бу одамдан узоқлашиш пайдан бўлди ва ундан ажраб, бир кеча-кундуздан кейин Қўқонга етиб келди.

Рўзимуҳаммаджон ўзи туғилган Шалдирамоқ гузарини ёдидан чиқармаган эди. Извошга ўтириб гузарга борганда ёшликда кўрган таниш ҳовлилар ёнидан ўтишга тўғри келди, «ана у ҳовли, дадамнинг устози Уразбой мешкопчининг ҳовлиси, ана у ҳовли, дадамнинг ҳамкасби— раста тимпоси Мирза Ҳамдам отанинг ҳовлиси, ана, у ҳовли, ўртоғим Муҳаммад Акрамларнинг ҳовлиси!..»

Рўзимуҳаммад извошдан тушиб Муҳаммад Акрамнинг эшигини қоқа бошлади. Эшик очган кампир гимназия кийимидаги Рўзимуҳаммадни танимай, эшикни беркитди ва «ҳеч ким йўқ!» деб жавоб қилди. Рўзимуҳаммад бўшашиб, қайтиб извошда шаҳар мусофирхонасига борди, мусофирхонага юкларини қўйгандан кейин ўртоғи Акрамжонни қайтадан суриштириш учун яна Шалдирамоққа келди.

Муҳаммад Акрамнинг отаси ўлиб, етим қолгандан кейин билимдон онаси Бибисора «ўғлимнинг ўртоғи Рўзимуҳаммад Масковда ўруслар мактабида тарбия

---

<sup>1</sup> Дукчи эшоннинг муридлари оқ дўппи кийганлиги сабабли, халқ оқ дўппи кийган муридларни қаерда учратса, тутиб бера берган эди.

олаётган экан, бу ҳам ўртоғидек ўруслар қўлида тарбияланиб, одам бўлсин!», деб шаҳар нотариуси Фройбергга элтиб топширган эди. Муҳаммад Акрам нотариус оиласида тарбияланиб, рус мактабида ўқий бошлади. Рўзиммуҳаммаджон ўртоғини нотариус Фройберг уйдан топди<sup>1</sup>.

Иккалалари мусофирхонага келиб, узоқ сўзлашдилар. Рўзиммуҳаммаджон ўртоғига Москвадан Қўқонга келишда Бухоро ва Самарқандда тўхтаганлигини ва йўл машаққатларини ҳикоя қилиб бергандан кейин, Муҳаммад Акрам уни Беквачча маҳалласига бошлаб олиб кетди.

Оқжардан бедармон ва «шабкўр» бўлиб қайтган Муқимий аста-секин дармонга кириб, кўзи равшанлашган эди, бу дардлар ўрнига бела қўл оғриғига дучор бўлиб, анчадан бери ҳужрадан чиқмай ётган эди. Жияни келган кун эрталаб Муқимий Тошкентдан — Зокиржон Фурқатдан шеърий мактуб олган эди, хурсанд бўлиб хатга жавобан шеърий мактуб ёзишга ўтирди.

Шу пайтда ташқарида сула супураётган Ғарибий сулургини иргитиб, ҳовлиқиб кирди:

— Иккита соч қўйган ўрусча кийимдаги йигитчалар жиловхонада туриб, ўрус тилида сўзлашаётган эканлар, «Муқимий» деганларини фаҳмлаб қолдим! Жиянингиз Рўзиммуҳаммаджон бўлмасин тагин?..

— Бошлаб кириг!..

Ғарибий шошиб ҳужрадан чиқди, Муқимий бир қўли билан белни, бир қўли билан токчани ушлаб ўрнидан турмоқчи эди, Рўзиммуҳаммад югуриб кириб, ўзини Муқимий қучоғига ташлаб ўпа бошлади. Муқимий бел оғриқни ҳам унутиб, уни кўксига босди, юзу пешонасидан ўпди, кейин рўпарада кулиб, типпа-тик турган Муҳаммад Акрам билан сўрашди:

— Ажабо! Бу тушимми, ўнгим?..

— Ўнгингиз, тоға!..

— Дурустсан-ку! Келганингда сен билан русча гаплашишни орзу қилиб юрар эдим. Ҳозир ҳам унча-мунча сўзлашишни биламан-ку, лекин масковликлар билан

<sup>1</sup> Нотариус Фройберг Муҳаммад Акрамни гимназияда ўқитиб, сўнг ўз ҳунарини ўргатиш учун нотариал конторага хизматга жойлади, кейин ўз ўрнига, нотариусликка қўйди. Муҳаммад Акрам чоризм даврида ва ундан кейин ҳам шаҳар нотариуси вазифасида ишлаб, 1930 йилларда вафот этди. (С. А.)

сўзлашиш даражасида эмас. Бу ўртоғинг ҳам сен билан Масковда ўқийдиларми?.. Аввал ўлтириб олинглар, кейин гаплашайлик...

Иккала йигит ўтиришиб, бир-бирларига қараб кулишиб олдилар, кейин Рўзимуҳаммад саволга жавоб қайтарди:

— Бу ўртоғим шалдирамоқлик Муҳаммад Акрам! Поезддан тушиб тўғри Шалдирамоққа келган эдим. Муҳаммад Акрам ҳам рус мактабида ўқир экан...

Муқимий уларни икки ёнига олиб, иккисининг елкасига қоқди:

— Тасанно! Янги замон шуни талаб қилмоқда. Бу тил давлат тили, улуғ маърифатпарварлар тили эканлигини мен энди тушуниб етдим. Бироқ вақт ўтгандан сўнг тушундим! Мана, мулла Зокиржон Фурқат Тошкентдан ёзган мактубида ҳозир газетага таржимонлик қилиб, ҳамон билим кетидан қуваётганини ёзибди. Бу қандай яхши! Шундай эмасми, мулла Исмоил? Супуриш қочмайди. Чойга ўт қалаб қўйиб, Қалвак гузарига ўтиб келинг!

Ғарибий гузарга ҳам бориб келди, чой дамлашиб, ўспирин меҳмонларга дастурхон ҳам солинди. Бу орада Ғарибий чиқиб, Акбархўжани бошлаб ҳам келди. Икки қариндош уяла-уяла сўрашишиб, Муқимийнинг ёнига ўтирдилар.

Рўзимуҳаммаджон Москва тўғрисида гапириб, ҳаммани оғзига қаратиб ўтирди. Кечки пайт у Акбархўжани бирга олиб, Муҳаммад Акрам учалалари Шалдирамоққа, Эгамберди ҳожини кўриш, мусофирхонадан юкни олиб келиш учун чиқишиб кетдилар.

Жиянининг келганидан Муқимий бениҳоя хурсанд эди. Унинг бир ой таътил вақтини кўнгилли ўтказиш учун шаҳардан узоқ, хушҳаво, хушманзара ерларга олиб бориб саёҳат қилдириш ва шу баҳона билан Акбархўжани ҳам ўйнатиш, қишлоқларни сайр қилиб, хотиралар ёзиш тўғрисида ширин хаёл сура кетди. Шу пайт Ғарибий унинг бели ва қўлини уқаламоқда эди. Муқимийнинг кўз ўнгида икки гумбур соябонли арава пайдо бўлди: араванинг бирида Муқимий ўз дўстлари билан, иккинчи аравада Рўзимуҳаммаджоннинг ҳалиги ўртоғи, яна икки йигитча ўтирарди. Бу йигитчалар ким бўлиши мумкин? Улар соз чалиб, ялла қиладиган бўлишса яна кўнгилли бўлар эди... Бечора Исмоил Ғари-



бий ҳам ёш, у энди ёлғиз ҳужрада кўнгли ўқсиб қолмасдан, саёҳатда бирга бўлиши керак...

— Мулла Исмоил!..

— Лаббай!..

— Шоҳимардонга биз билан кетасиз!..

— Кошки эди. Укалар баҳонасида ўйнаб келар эдим-ку-я! Бу ерда Қитмирга ким қарайди?

Муқимий ётган ерида қаҳ-қаҳ урди:

— Араванинг орқасида кета беради-да!..

— Қишлоқ итлари таламасмикин?..

— Қизиқ экансиз, хожа сакпараст! Қишлоқ итлари ўзлари ҳасса таяниб юришибди! Шаҳар итини кўрганда улар думини қисиишиб қочишади.

— Шунақа-ю, узоқ йўл, унинг устига кун иссиқ, чанг, уриниб қолади. Яхшиси, ўзларингиз бориб кела берасизлар... Ҳужра ҳам ёлғиз қолмасин...

Муқимий бу содда табиат, покиза дил шогирдини гапиртириб, унга тегишишни яхши кўрар эди:

— Қитмирга овқат берасизми, мулла Исмоил?..

— Бўлмаса-чи! Шунинг ғамини еб, икки кабобпаз билан оғайни бўлганман. Улардан ташқари Азамат ошпаз ҳам ўтган-кетганимда устухондан мурувват қилиб туради.

— Ундақа бўлса, Қитмирингиз маишатдан бўшамас экан-да?..

— Ундан суяк ортишини кутиб, маҳалланинг ўрганган итлари эшик олдига келиб ётишадиган бўлишган. Ортганини уларга чиқариб бераман.

— Бу гапингизни мутавалли эшитмасин! Шунга ҳам ҳасад қилади!..

Исмоил Ғарибий Муқимийнинг бу сўзи таъсир қилиб, қотиб-қотиб кулди.

— Шунинг учун ҳам Қитмирнинг бўйнига кўзтумор тақиб қўйдим!..

— Шундай қилиб, биз билан Шоҳимардон боролмайман денг?

— Бизники узр, мулла ака! Ҳам ҳужрани, ҳам Қитмирни пойлашим керак бўлади.

— Сиз Қитмирни пойласангиз, Қитмир нимани пойлайди?..

— Қитмир менинг суяк олиб келишимни пойлайди...

Муқимий яна қаҳ-қаҳ урди:

— Итнинг вазифаси фақат суяк келишини пойлаш эмас-ку?

— Қуруқ чордеворни ҳам пойлайди.

Исмоил Ғарибий асли афғонистонлик бўлиб, отаси Қобулнинг кўзга кўринган шоирларидан бири эди. Қобул мутаассиблари уни даҳрийликда айблаб, тошбўрон қилмоқчи бўлганларида шоир бир кечада ёш ўғилчаси Исмоилни ўзи билан бирга олиб, Мовароуннаҳрга қочди. Қўқонда тубжой бўлиб қолиб, табиблик билан шуғулланди, устоз домла Халил билан дўстлашди ва умрининг охиригача унинг хизматида бўлди.

Отаси ўлганда Исмоил жуда ёш эди. У устоз домла Халилнинг эшигида катта бўлди, устозда ўқиди, Муқимийга эргашиб, шеърлар ёза бошлади. Бу афғон йигитчаси ўзига Ғарибий деб тахаллус берди. Ғарибий ўз тахаллусига монанд ғариб ва қашшоқ эди. Майда тоқчали эски кичик хона, тўрт бўйра ҳажмидаги тор ҳовлича, отадан қолган эски кўрпа-тўшак, паришон китоблардан бошқа ҳеч нимаси бўлмаган бу ғариб йигит, ит боқиб овунар эди. Шунинг учун ҳам у Муқимийни ўзининг суянчиғи, садоқатли сирдош дўсти ва устози деб биларди. Муқимийга етган ғам-аламга ҳам, бир дамла хурсандчиликка ҳам шерик бўлиб, Муқимий оҳ тортса оҳ тортиб, қаҳ-қаҳ урса бирга кулишарди.

Муқимийни уқалаб бўлгач, Ғарибий яна хизмат кутиб, пойгоҳда мўлтиллаб турар экан, шоир уни сипориш қилиб, раҳмат айтди-ю, кейин жилмайди.

— Бир оз дамингизни олинг, мулла Исмоил, кейин Шалдирамоққа ўтиб келасиз...

— Айта беринг, мулла ака! Ҳар қанча дам бўлса йўлда оламан!..

— Ўша дамни шу ерда олинг демоқчи эдим...

— Ҳужранинг ўзи дам бўлмагандан кейин, уни қандай олдим...

— Сизни раъингиздан қайтариш қийин, жуда ўжар карсиз! Бора қолинг. Бориб, Эгамберди ҳожини бир четга имлаб, бундай денг: «Жиянингиз Рўзимухаммаддонга бугун ош қилиб беришингиз турган гап. Шундай бўлгандан кейин, ўша ошни ҳужрада қилиб бера қолсангиз қандай бўларикин?.. Ўзимча маслаҳат берай деб келдим».

Муқимийдан бу сўзни эшитиб Ғарибийнинг кулгиси қистади:

— Сендан бундай ақлли маслаҳатлар чиқмайди-ю, бу маслаҳат мулла акадан чиққандир деса-чи?

— Нима деса ҳам ошни шу ерга кўчирса бас!

— Малол келмасмикин?..

— Малол эмас, аксинча ҳожига бу маслаҳат хуш келади, у одам ўзи саводсиз самоварчи бўлгани билан жуда ҳушёр, андишаси зўр одам. Ҳаммасига тушунади. Шундай қилмасак, бошқа иложимиз йўқ, ахир у Масковдан ошни соғиниб келган-ку?..

— Хўп!..

Ғарибий ҳужрадан чиқиб, Шалдирамоққа кетди. Муқимий ўрнида яна осмонга қараб чўзилиб, икки кафтинин боши остига қўйди-да, шифтдаги вассаларни кўздан кечира бошлади. Фақирлик, муҳтожлик, номуродлик унинг жигар-бағрини эзиб юборган эди. Шаҳарнинг чеккасида фақирона ҳаёт кечираётган йиртиқ тўнли фозилардан хабар олишга қурби етмагани учун дунёдан чиқиб кетгиси келди. Кўчага чиқолмай, қоронғи ҳужрада одамлардан яшириниб ётар экан, хаёл дарёсига шўнғиди:

«Ичкари-ташқари ҳашаматли ҳовли-жой демайман, ичидан кичик сув ўтиб турган, саҳнига райҳон, жамбил экиб, томоша қилиб ўтиришга яраша гулзорчаси бор шинамгина бошпананг бўлса!..

Замон бойларидек тўрт хотин демайман, маънавий гўзаллик, малоҳат ва фаросатнинг мужассами, озода-таъб, шеърятдан андак воқиф, пазанда, хушфёъл, вафодор бир ёринг бўлса. Эшикдан ҳориб кириб келганигда елкангдан тўнингни олиб, ширин тил билан ҳол сўраса, қувончингга қувонч қўшса, қайғунгга шерик бўлса!

Қўш от қўшилган извош тиламайман, йирогимни яқин қилишга ярагудек илдам отинг бўлса, зиқ бўлган кунларингда унга ўтириб узоқ-узоқ қишлоқларда сайр қилсанг, деҳқон дўстларингнинг кулбасида бир кеча қўниб, бир коса ёвғонига насибангни қўшиб, кўнглини олсанг, яна эртаси бошинг оққан томонга от бошнини бурсангу сада, тол, оқин сувлар учраганда отни якка тизгинлаб толга қантариб, шу ерда қоғозингни сатрлар билан тўлдирсанг, мисраларинг бечора деҳқонларнинг оҳу ҳасратининг таржимони бўлса! Бойлик ва мартаба орттириш учун замона зўрларининг оёғига қўй сўйиб, мартаба орттирувчи пулдор нокасталарни ҳажв қилсанг!

Замон аҳллари «шоир» деб, кишиларни мақтаб, қорин тўйдирувчи, тўн ундирувчи маддоҳларни айтадилар. Шу замонда кишиларни мақтаб, хушомад қилиб давлат

ортирадиган «шоир»лар қўл келиб қолди. Инчунин, шаҳар созандалари, ҳофизлари ҳам ўша «шоир»лар тоифасига эргашиб, тўйма-тўй, зиёфатма-зиёфат юриб, катта бойлар оstonасида тиз чўкиб, муқаддас санъатларини тама оёғига тиз чўктирмоқдалар».

Фарзинча деб Фарғона водийсида ном чиқарган ҳофиз асли Тошкентнинг узоқ бир қишлоғидан бўлиб, ёшлигида Қўқонга келиб қолган, мақомхон ҳофизлар хизматида юриб хонандалик даражасига эришган эди.

Жуссаси кичик, серғайрат, хушсурат ва хушмуомала бу ёш ҳофиз, катта тўй-маъракаларда дутор билан мақом ўқиб, ёқимли, баланд овози билан кўпчиликни ўзига торта олган бўлса ҳам, санъати билан тирикчилигини ўтказолмай, бошқа бир касб қидирди. Халқ хизматида йиллар камарбасталик қилиб, «халқ дастурхончиси» бўлиб олди.

Гоҳ тўйга хабар тортиш, гоҳ азага айтиш учун Қўқон кўчаларида кичиккина чавқар йўрғасини йўрттириб, дам бу маҳаллада, дам у маҳаллада эшик қоқаётганини ҳар кун учратиш мумкин эди. Шаҳарчилик, юртчилик дегандек, Фарзинбек ҳар кун тўй ёки азада хизматга бел боғлаб, халқ олдига дастурхон солар, шу хизмати билан онла боқарди.

Шаҳарнинг Валихон тўра маҳалласида яшовчи камбағал ганчкор уста Қодирқул танбур билан кечалари Фарзинбек ёнида, кундузлари ўз ҳунари билан халқ хизматида вақт ўтказарди. Агар бирор тўй, зиёфатда саховат соҳиблари тўн кийдирмоқчи ёки пул эҳсон қилмоқчи бўлсалар, икки ҳофиз бир бўлиб, бу совғани рад этар, санъат сотилмаслиги, санъатни восита қилиб, бойимоқчи бўлганлар ҳақиқий санъаткор бўла олмаслигини уқтирар эдилар.

Улмас ноғора баёт, дутор баётларнинг ижодкори Шодмон ҳожи машқ қилаётганда биров овқат еяётган бўлса ёки икки киши сўзлашаётган бўлса, дутор ёки танбурни деворга тираб, қаҳру ғазаб билан ияк соқолини чимдиб юла бошлар ва мен «Молхонада чалаётганимни унутибман!..» деб дўнғиллаб қўяр, «фалон нарса чалинсин» деб, таклиф қилинишини ҳақорат деб билар ва бебаҳралар суҳбатидан доим қочар эди.

Гоҳо бозор кунлари каппон оғзида кўзини чирт юмиб, бир гадо, Ҳофизи Шерзодийдан, Мирзо Бедилдан ёки Фузулийнинг «Лайли ва Мажнун»идан ёдаки шеърлар

ўқир, тушунган, таниганлар унинг ёнидан бориб, ўзига сездирмай чўнтагига танга, чақа ташлаб ўтиб кетар эдилар. Мана шу гадо ҳам Муқимийнинг энг яхши дўсти, ҳамдари улфати бўлган фозил ва шоир Дадажон ҳожи эди.

Дадажон ҳожи дўстлар даврасида талинка тутиб, «Шаҳноз гулёр»га лаб очар экан, шоир Жаҳон отин Увайсийнинг ўлмас бир ғазалига ўзи боғлаган мухаммасини айтиб, авжини фалакка олиб чиқар эди:

«Аё, эй, дилбари нозик ниҳолу ҳур наззора,  
Таманнон жамолингдан тутибсан парда рухсора,  
Бало дашти аро қон йиғлатиб, кўп қилма овора,  
Забонингни кетургил, эй шакарлаб тўти гуфтора,  
Нечукким, марҳамат ўлсин меннингдек ошини зора.

Сочинг ҳар торидан мен телбанинг бошимда юз савдо,  
Жамолинг партавидин жумлан олам бўлиб ҳумро,  
Забонинг ҳар такаллумда қилур минг зиндалик пайдо,  
Ниғоҳинг ташлабон, лутф айлагил, эй шўҳи беларво,  
Йўлингда интизор ўлғон менингдек хаста, бемора...»

Бедилхонликда ҳам, сатранж ўйинида ҳам, лутфу аскияда ҳам, яллада ҳам аҳли фозиллар анжуманида пешқадам бўлган Дадажон ҳожи, ҳатто ўз шеърларини Муқимийдек таъби нозик шоирларга манзур қилдирган эди.

Шундай ажойиб санъаткор ва шоир кечалари ғарибона ҳужрасида бир бўйра устида, бошига китоблардан ёстиқ қилиб тонг оттирар, яна эртаси каппон оғзида ҳеч ким билан кўришишни истамагандек, кўзини юмиб олиб, гадолик қилир, уни тушунган, таниган дўстлар ҳам ўзларини танитмай эҳсонга қўл чўзардилар.

Успиринлик даврида савдогарлик билан бутун Шарқни кезиб чиққан ҳожи Ашраф, қайси мамлакатга борса ўша мамлакат тили, урф-одатини билиш, ўрганишга қизиқди. Москвада рус халқининг илмга бўлган муҳаббатини кўриб, савдогарчиликни тарк қилишга, давлатини сарф қилиб, бу улуғ шаҳарда илм эгаллашга қарор берди. Бир кичик уй сотиб олиб, ўзига устозлар ёллади, орадан бир неча йил ўтгач, тарихда биринчи бўлиб, бу ўзбек йигити Москва МГУ медфакига ўқишга кирди. Институтни муваффақиятли тамомлаган ҳожи Ашраф

Нормухаммедов ўз профессорининг қизига уйланиб, Москвада қолиб кетди.

У йилларда Фарғона ҳали Россияга қўшилмаган, ҳатто русларнинг кўплари ўзбек номини эшитмаган эдилар. Тарихда биринчи бўлиб, Москвада, касалхоналарнинг бирида ўзбек доктори хизмат қила бошлаган эди. Бу гап Қўқонга етиб келди, воқеадан хабардор бўлган руҳонийлар «кофир бўлган, ғайри дин»дан уйланган ҳожини Ашраф ҳақида шовқин кўтардилар.

Билим ва дорин-дармон олиб, ўз халқига тиббий хизмат қилишга ошиққан ёш ўзбек доктори бу шов-шувлардан воқиф бўлгандан кейин келишдан умидини узиб, Москвада қолиб, қиз кўрди, қизининг номини Муслима қўйди. Бу сочи қоп-қора, кўк кўз қиз мактаб ёшига етганда Москва мактабларидан бирига ўқишга кирди.

Бу вақтда ҳожини Ашраф фалсафа институтини ҳам сиртдан ўқиб битириб диплом соҳиби бўлади. Бир қишда ҳамкасб дўстлари билан чанада Петроградга жўнайди, бир дарё устидан ўтаётганда муз ёрилиб, чана муз остига чўкади, тўрт йигит, шу жумладан, ҳожини Ашраф ҳам жуда машаққат билан муз остидан тортиб олиниб, Петроград касалхоналаридан бирига келтирилади.

Петроград касалхонасидан Москвага қайтгач, ҳожини Ашраф қаттиқ оёқ оғриққа дучор бўлади. Докторлар унга иссиқ мамлакатда яшашни тавсия қиладилар. У хотинини Софья билан қизини бирга олиб, Қўқонга жўнайди.

Ҳожини Ашраф Қўқонга, ўз она шаҳрига келиб, халқни даволаш билан шуғулланмоқчи бўлади. Энди у: «Худоёрхон замони эмас, Фарғона Россияга тобе бўлди, руҳонийлар ҳужумидан ҳимоя қилувчилар топилиб қолар», деб умид қилади. Бироқ унинг акси бўлиб чиқади, ўзбек йигитидан доктор, файласуф чиқиб келганини ҳожини Муҳйидан эшитган шаҳар ҳокими Мединский яна руҳонийларни қайраб ишга сола бошлайди. Уламолар жомага тўпланиб, ҳожини Ашрафни у ерга таклиф қиладилар. Ҳожини Ашраф уларнинг игвосидан ҳайиқмай жомага кириб келиб, аввал араб тилида, сўнг форс тилида нутқ сўзлаб, уларнинг даъво ва игвосини пучга чиқаради. Илм олиш учун бошқа динга кириш шарт эмаслигини, энди халқ болалари учун фан дарвозалари очилиши вақти етганлигини, фан, маданият тараққиётни йўлида рус зиёлилари ҳар доим ёрдамга тайёр эканликлари ва

улардан фойдаланиш зарурлигини сўзлайди. Орқадан келиб турган жаноб Мединский ҳожи Ашраф талабларини халқ назарида қувватлаган бўлиб, йиғинни гарқатади.

Шу вақтда Муқимий Бухорода эди. Муқимий Бухородан келгандан кейин бир кеч Мавлавий Йўллош билан Миён Сотиболдихон уни Деҳқон маҳалласидаги ҳожи Ашрафнинг уйига бошлаб олиб бордилар. Гарчи ёз бўлса ҳам пахтали европача шим ва жилетка кийган, соқол қўйган, баланд бўйли, ўрта яшар киши Муқимий ва унинг ҳамроҳларини иссиқ қабул қилиб, улар билан форсча сўзлаша бошлади ва ўртага стол, стул қўйилган уйга таклиф қилиб, сўнг «Муслима!..» деб чақирди. Даҳлиздан югуриб кирган ўн уч ўн тўрт ёшлардаги узун, қора сочини битта қилиб ўрган кўк кўз қизча меҳмонларга турган ерида тиз букиб таъзим қилди-да, отасининг фармонини кутиб турди. Ҳожи Ашраф русчалаб бир нима деган эди, яна ҳалигидек таъзим билан чиқиб кетди. Андак фурсатдан кейин стол ёнига қайнаб турган самовар, обинон ва бўлка билан мураббо, қошиқча, ликопчалар қўйилди. Мезбон чой устида рус илмфанининг кундан-кунга ривожланаётганини гапириб берди.

Муқимийлар бориб меҳмон бўлиб келганларидан кўп фурсат ўтмай, ҳожи Муҳйи бошлиқ Қўқон руҳонийларининг ҳокимга ёзган шикоятларига асосан ҳоким Мединский, ҳожи Ашраф ўттиз йил уйдан чиқмасин ва хотини билан қизини Москвага қайтариб юборсин, деган мазмунда ҳукм чиқартирди. Бироқ, Қўқонда яшаб, ўзбекларга хизмат қилаётган рус докторлари қараб турмай, норозилик билдириб, олий маҳкамаларга шикоятномалар ёздилар, ҳожи Ашрафнинг докторлик ҳуқуқини ҳимоя қилдилар. Шикоятнома тўлиқ амалга ошмаган бўлса ҳам ҳожи Ашрафнинг беморга ёзган рецептлари дорихоналарда қабул қилинадиган бўлди, унга ўз маҳалласидан юриш, йилда бир ой шаҳардан ташқарнига чиқиш ҳуқуқи берилди<sup>1</sup>.

Муқимий бу фозил, олим одамларга ноҳақ етган

---

<sup>1</sup> Ҳожи Ашраф Қўқонда Октябрь революциясини қувонч билан кутиб олди, бу вақтда у оёқ оғриқ билан ётиб қолган эди, 1920 йилда вафот этди. Тирнклик вақтида қизи Муслима ёз фасллари келиб, отасидан хабар олиб кетар эди.

жабру ситамларни ўйлаб, юраги туздек ачиб кетди, жияни Рўзимухаммадни бирга олиб, ҳожи Ашрафни кўришга бориш кераклигини кўнгилдан ўтказди. Шу вақт хужра эшиги эҳтиёт билан очилиб, кўтаринган Исмоил Ғарибий билан Эгамберди ҳожи кириб келдилар.

— Ана холос!.. Ана холос!.. Келинг, ҳожи! Урнимдан дадил туролмаганим учун афв этасиз.

Эгамберди ҳожи сўрашиб, Муқимий ёнига ўтирди:

— Бел оғриққа нима бор эди?..

— Кўрмайсизми, ҳожим! Озиб-ёзиб Рўзимухаммад-жон келганда шундай бўлиб турсак энди..

— Ҳалигача йигитлар келишмабди-ку? Исмоилжон борганларида улар эндигина янги шаҳарга чиқиб кетишган эди. Исмоилжон топиб борган маслаҳат менга жуда маъқул тушди, иккимиз бозорда бир оз ҳаяллаб қолдик.

Шу вақт эшикдан бир қучоқ тараша кўтариб, илжайганча Ғарибий кирди;

— Анча ухлагандирсиз-а, мулла ака?..

— Уйқу қаёқда дейсиз. Ётган еримда шаҳар кезиб ғариб-ғураболар билан суҳбатлашиб чиқдим. Аммо ростини айтганда, қорин ҳам чакана очқгани йўқ.

Ҳожи сабзи-пиёз арчишга бошлади, Ғарибий эса қозон остига ўт қалаш тараддудига тушди. Муқимий Рўзимухаммадни саёҳат қилдириш ҳақидаги режасини ўртага ташлади:

— Агар икки соябонли араванинг иложи бўлганда жуда соз бўлар эди, ҳозир Шоҳимардоннинг мавсуми. Ундан ташқари йўл-йўлакай Зоҳидон, Оқерда қўнадиган жойларимиз аниқ. У қишлоқларда қўнамасак Рошидонда боғдор, ҳамтаҳсил дўстлардан Мирзо Шариф ҳожининг узумзор боғида бир-икки кеча меҳмон бўламиз, малол олмайдиган киши. Аммо ҳамма гап арава масаласида. Бировдан сўраш қандай оғир бўлса, кира қилиш ундан ҳам мушкул!..

— Арава сўрсангиз, жон-жон деб берадиган ошна-оғайнилариңгиз жуда кўпу ўзингиз тортинчоқсиз, турли андишаларга борасиз. Арава топишни менга қўйиб бериңг. Самоварчининг аравакашдан ошнаси кўп бўлади. То арава топилгунча Рўзимухаммадни шаҳар атрофида сайр қилдирамиз, ўзингиз ҳам бирга бўласиз. Ҳозир Қўқонда иккита навқирон, ёш яллаци йигитлар пайдо бўлибди, чет-четда бўладиган косиблар суҳбати



шулар билан қизийди. Эртага суҳбатга мен уларни таклиф қилмоқчиман.

— Қандай яхши! Шоҳимардонга ҳам ана ўшандақа наврўзи жўжахўрозчалар керак. Мен шундайларни орзу қилган эдим. Негаки, меҳмонларимиз ҳам ёш, улар билан ўзимиз ҳам яшарамиз...

— Икки арава дейишингиздан, сафарга кўпчилик чиқилади шекилли?..

— Бундай кўнгилли саёҳатга беаҳбоб чиқиб бўлар эмишми? Ёшлар ўз улфатлари билан, биз ҳам ўз улфатларимиз билан бўлсак демоқчиман. Тожибой ҳожиси тушмагур шундай сафарларга жуда баҳоси йўқ, боп киши эди. Уни бемаъни зокир улфатлари хонақоҳга тортиб одамгарчиликдан чиқардилар! У ўзи оқ кўнгил, тўғри одам бўлса ҳам, иродаси бўшлигидан қўрқар эдим. Бу ирода бўшлиги уни бора-бора қоронғиликка бошлаб кирди. Аммо уни қоронғи хонақоҳдан қутқазиб олишимиз керак! У яхши одам, унинг қилган яхшиликлари ҳеч қачон юрагимдан чиқмайди!..

Шошиб гўшт тўғраётган Ғарибий сўз ким ҳақида бо-раётганини пайқаб, луқма ташлади:

— Уни ҳажв қиламан деб тегишган экансиз...

— Мана энди ҳажвбоп бўпти! Аммо ўзи ҳажвга ҳам тушунмайди, умуман, шеърдан беш қақирим наридаги киши. Шундай бўлса ҳам, пулдор бўлиб бизни унутиб юборганлиги ва эшонга қўл бериб, хонақолашиб кетганлигини ҳажв қилишимиз мумкин. Олдин уни тўғри йўлга ундаб кўрайлик, агар чинакам қайтган, инсонликдан чиққан бўлса ҳажвни мана биздан кўрсин! Нима дедингиз, ҳожи?..

— Тўғри гап.

Суҳбат дам у мавзуга, дам бу мавзуга ўтиб турди, ошга энди гуруч соламан деб турганларида кулишиб чамадон кўтаришиб, Рўзимуҳаммад, Муҳаммад Акрам ва Акбархўжа кириб келдилар. Улар билан ҳужра тўлиб, Муқимийнинг кўнгли яна бир поғона кўтарилди. Ёшлар Янги шаҳар кўчаларида сайр қилганлари, Урда ёнидаги томоша боққа кирмоқчи бўлганларида бошида дўпписи, устида узун тўни бўлгани учун Акбархўжани қўймаганликларини, рус қоровулга Рўзимуҳаммад Москва гувоҳномасини кўрсатиб, дўқ қилгандан кейин қоровулбошидан шапкасини олиб, таъзим қилгани, Акбархўжага киришга йўл берганлигини айтиб беришди.

Муқимий ва Эгамберди ҳожи буларнинг сўзларини завқу шавқ билан тинглаб, бир-бирларига қараб кулиб қўйдилар. Ош ейилгандан кейин Эгамберди ҳожи билан Муҳаммад Акрам Шалдирамоққа кетди. Ғарибий эса бурда нон ва устухонларни бир косага солиб, уйга чиқиб кетди. Акбархўжа эса, Рўзимуҳаммаддан кўнгил узолмай, бу кеча ҳужрада қолишини айтиш учун Зиёда аянинг ёнига кетди. Ҳужрада тоға-жиян қолганларидан кейин Рўзимуҳаммад ёнидан бир даста қоғоз ақча олиб, Муқимий олдига қўйди:

— Жўнашимда Ерзин атийим юз сўм пул берган эдилар, ўттиз сўмча сарф қилиб етиб келдим, кетишим учун ҳам яна шунча кетиши мумкин. Қолганини ўзингиз сарфлаб мени саёҳат қилдиринг...

Муқимий меҳру муҳаббат билан жиёнига қаради:

— Тоғаннинг қашшоқ шоирлиги ҳурматли Ерзинга ҳам маълум экан-да, а?.. Худо хайрини берсин, саёҳатга пул топамиз, йўл харажатидан ортиб қолганини Ерзин отаннинг бола-чақаларига совға-салом учун сарф қилишинг мумкин.

Эртаси кунни Акбархўжа билан Рўзимуҳаммад узоқ-яқиндаги қариндошлар, холалар, амакиларни кўриш билан банд бўлиб, намоз аср пайтида ҳужрага келганларида ҳужрада уларни кутмоқда эдилар. Кутаётганлар орасида икки ёш йигит ҳам бор эди.

Муқимий, Мавлавий Йўлдош, Эгамберди ҳожи, Обиджон аълам бир аравада ва Рўзимуҳаммад, Ғарибий, Акбархўжа, Муҳаммад Акрам ҳам икки меҳмон йигитлар бир аравага тиқилишиб, Саланг чорсу яқинидаги Замбар чорсу деб ном чиқарган соя-салқин такаяга жўнаб кетдилар.

Аравалар Навбаҳор гузарига етганда ўнгга бурилиб, обжувоздан ўтгандан кейин, қўйфуруш Муқимжонбойнинг ҳашаматли боғ дарвозаси олдидан ўтиб анҳор бўйи билан шаҳар қўрғонига яқинлашди ва кўча томони четан билан ўралган сердарахт боғча олдида тўхтади. Муқимий билан ҳамроҳлари аравадан тушдилар. Такаяга иккита ҳодадан иборат бўлган кўприкдан ўтиб кирилар эди. Кўприкка оёқ қўйгач, Муқимий изига қайтиб, аҳ-бобларга маъноли қараб олди. Такада бир киши танбур билан мақом ўқимоқда, булар кириб боришса, ўтирганларнинг диққати бўлиниб, мақомнинг таъсири йўқолиши мумкин эди. Мақом ўқилиб бўлгунча қимтиниб қулоқ

солдилар. Мавлавий Йўлдош мақом ўқиётган кишини товушидан таниб, Муқимийнинг қулоғига шивирлади:

— Бу ҳофиз шу ерга яқин Тоғлиқ маҳаллалик мулла Носир охун. Узи ўта мулло, фозил соҳибкор, ҳофиз, сатранжга ўларча ҳирси баланд киши. Мен бу ажойиб одамни ҳожи Ашрафникида икки бор учратдим, бир сафар сатранж устида, иккинчи сафар бедилхонлик устида. Икки бор Ҳофиз шеърларини эшитиб, ҳузур қилдим.

Такаяда ўқиладиган мақом охирига етди, кўпчилик баланд овоз билан миннатдорчилик билдирди. Шундан сўнг Муқимий кўприкка қадам қўйди. «Муқимий меҳмонлари билан келар эмиш», деган хабарни эшитган Аҳмад бува, супаларга жой ҳозирлаб бошқаларни ўтқизмай турган эди. Олдинда Муқимий, орқада унинг дўстлари ва ёш меҳмонлар кириб борганларида супаларда тўп-тўп ўтирган шинаванда косиблар дув этиб ўринларидан туриб, Муқимий ва бошқалар билан сўрашдилар. Бугун жума кунни бўлганлиги учун косиблар дам олиб, истироҳат қиладиган бу такя бошқа кунлардагидан кўра гавжумроқ эди.

Кўқонда бундай такялар жуда кўп. Аммо шаҳар бўйича тўрт такя: Абдуллахон ҳожининг такяси, Ҳамшира боваччанинг такяси, катта қабристондаги Мамажон буванинг такяси ва Аҳмад буванинг такяси таърифий эди, Аҳмад бува ҳар ёз такясини шу Занбар чорсу деб шуҳрат қозонган жойга кўчириб келарди. Такянинг бир томони баланд қўрғон, қолган уч томони четан девор билан ўралгани учун унга Занбар чорсу деб ном берилган.

Турли мевали, мевасиз дарахтчалар режа билан, дид билан экилган бўлиб, ҳар томонга оқиб бораётган кичик қумлоқ ариқчалар лаби райҳон, жамбил, гули садбарг, ҳусни юсуф гултожихўрозлар ва бошқа нав гуллар билан ораста, йўлкаларга сув сепилган, ҳар жой-ҳар жойга қўйилган пастгина сўрилар устига озода шолча ва янги бўйра солиб қўйилган. Ургатилган майна, зогчалар бўш юриб, ўтирганлар қўлидан нон олади, қафасдаги тўти йўл устида, баландда туриб, «хуш келибсиз!.. хуш кўрдик!..» деб жаврагани жавраган. Хиёбоннинг тўрдаги тепаси томошақовоқ, чилимқовоқ, носқовоқчалар билан қопланган хос қапада сархонаси ерга тўнтарилган катта наша чилим туради. Бангилар хоҳиши билан гоҳ-гоҳ таҳбас қилиниб, чекиш бошланганда ор-

қадан ўқчиб йўталишлар эшитилиб қолади, баъзилар чилимдан чекишдан қўрқиб бир четда «наяки» қилиш билан кифояланадилар.

Муқимийлар ўзларига ажратилган сўлим супани иш-ғол қилиб, нарида бир тўп устакор мўйсафид косиблар билан ўтирган мулла Носир охунни дастурхонга таклиф қилдилар. Баланд бўйли, қора соқол, юзи чўзиқроқ, қирғиз қовоқ Носир охун эски бўлса-да, озода либосда, бошида қулоқ бор эди. Биринчи кўришдаёқ ўзига ёқиб қолган бу кишини Муқимий ёнига ўтқазиб, эҳтиром билан хурсандчилик изҳор қилди. Бироқ дарҳол у кишидан ўқиб беришни илтимос қилиш ҳурматсизлик эди. Шунинг учун Муқимий нариги супада ёшлар билан гурунгу қурган икки ёш санъаткорга мурожаат қилишни муносиб топди.

Бу йигитнинг бири Тароқчилик маҳаллалик Азимжон номли машиначи йигит бўлиб, дутор билан ялла қиларди, иккинчиси Шаҳрихондан келиб, Чалчиқдаги мадраса Ясовулда ўқиётган Абдуллажон маҳзум номли қирра бурун, хушқомат, дилкаш йигит эди. Булар Муқимий илтимосини мамнуният билан қабул қилиб, бу супага кўчдилар ва Муқимий газалида аввал «Кўча боғи», кейин «Қаландар» куйларини ўқидилар. Улардан кейин илтимос қилишларини кутмай, беҳаслик билан мулла Носир охун устма-уст иккита мақом ўқиб, сўнг кетишга рухсат сўради. Кўнмаганларига қарамай ўрнидан қўзалди, узр баён қилиб, дарахтдаги салла-чопонга кичкина танбурни ўраб, такядан чиқиб кетди<sup>1</sup>.

Мулла Носир охун анча билим эгаси, санъат соҳибни, уста пайвандчи соҳибкор бўлишига қарамай, ниҳоятда қашшоқ киши эди. Баҳор мавсуми бошланиши билан боғма-боғ пайвандчилик билан кун ўтказар, ёз бошланганда шу атрофнинг косиблари ўз гурунгларига муллани таклиф қилиб, бу кишидан мақом эшитишни ҳар доим орзу қилар эдилар. Аммо мулла Носир охун танбур чалиб, мақом ўқишини маҳалла кексалари ва мутаассиб намозхонларидан яширарди.

Шаҳарнинг чеккасидаги Тегирмонбоши деб аталувчи Тоғлиқ маҳалла мачитининг озгина вақф ери бўлиб, узоқдан келадиган имомлар бунга қаноат қилмай

<sup>1</sup> Мулла Носир охун ўзбек халқининг севимли булбули, СССР халқ артисткаси Ҳалима Носированинڭ отаси ва Ўзбекистон ССР халқ артисткаси Қлара Юсупованинڭ катта отасидир.

ташлаб кетиб қолар эдилар. Имомга ёлчимаган шу маҳалла намозхонлари мулла Носир охунни имомликка мўлжаллаб қолдилар.

«Ўз маҳалламиздан чиққан қашшоқ мулла вақф ерига ўзи деҳқончилик қилиб фойдалансину ўзи имом бўла қолсин», дедилар.

Носир охунга маҳалла имомлигини юкладилар, мулла Носир ҳам қарши бўлмади, чунки вақф ердан ташқари ётиб-туриш учун мачитда жиҳозли тайёр ҳужра ҳам бор эди. Бу қирқ ёшга кириб, ҳануз уйланолмаган бўйдоқ мулла учун тайёр бошпана эди.

Ўз маҳалласининг «қўлбола» имоми эрта баҳордан Қирқ қишлоғидаги икки таноб вақф ерга шоли, Яккамулла қишлоғидаги икки таноб вақф ерига буғдой сепди, оқ жўхори экди. Мақсади, шундан дурустроқ ҳосил ундириб, кузда уйланиб олиш эди.

Мулла Носир охуннинг ўз маҳалла қизларидан кўз тагига олиб юргани бўлса ҳам, буни ҳаммадан сир сақларди. Бу қиз маҳалланинг этагида яшовчи косиб уста Мамазокирнинг Алломахон деган қизи бўлиб, чилдирма чалиш, терма қўшиқ айтишда маҳалла қизлари орасида биринчи эди.

Бу хилват боғ кўчанинг қизлари чилдирма билан қўргон вайроналари устида «базм» бошлаганларида Алломахоннинг қўнғироқдек ўткир товуши ҳар доим бошқа қизлар товушидан ажралиб турар эди. Яккамулла қишлоққа борган Носир охун кечки пайт қўргон ёқалаб келаётганда кўзи узоқдан қўргон устида қизлар билан чилдирма чалиб қўшиқ айтаётган Алломахонга тушиб, юраги жиз этди ва ўзини дарахтлар панасига олиб, қўшиқ тинглади: Алломахон терма қўшиққа Носир охуннинг номини ҳам аралаштирар, қизлар зўр бериб кулишар эдилар. Буни эшитган мулла Носир охун:

«Бу қиз мени кўриб қолди-ю, кўнглим учун қўшиққа қўшиб, лақиллатяпти ёки у ҳам мени севади,— деб ўйлади.— Ишқилиб, вақф деҳқончилигим яхши бўлиб берсину, шу қизга уйланай».

Маҳалладаги муллага сирдош косиб устакорлардан бир-иккитаси муллани мақсадидан хабардор бўлиб қолишиб, аёлманд уста Мамазокирга етказдилар. Уста Мамазокир мулла Носир охунни куёвликка олдиндан мўлжал қилиб юрган бўлса керак, бу хабарни эшитиши биланоқ, кулимсираб: «Ҳали битта қизим экан-ку, мулла

Носирдек покиза йигитдан ўнта қиз бўлса ҳам аямайман!»— деган мазмунда ризолик билдирди, эртаси устакорлар мулла Носир охунни четга тортишиб, бу хушхабарни етказдилар.

Мулла Носир охун гоҳ Қирқ қишлоғига ўтиб, шолидан, гоҳ Яккамуллага бориб, бошқа экинлардан хабар оларди. Кунлардан бир куни Саланг чорсув орқали сув бўйлаб, Замбар чорсувда битта чой ичиб ўтиш ниятида келаётган эди. Тоғлиқдан уни тополмай хумориси ошган уч-тўрт косиблар мулланинг йўлини тўсдилар:

— Қаёқларда юрибсиз, мулла ака? Сизни истаб бормаган еримиз қолмади. Қани, юринг!..

— Мен даладан жуда чарчаб келяпман. Унинг устига намоз аср яқин. Менинг имомлигимни яхши биласизлар.

— Узоққа бормайсиз, Муқимжонбойнинг боғига кирамиз, Ҳасанбой ака қариганда ўғил кўриб, маҳалла косибларини зиёфат қиляпти. Қирмасангиз асло иложи йўқ.

— Танбур ҳужрада, танбурсиз ҳеч нарса айтолмайман, сизлар бир нарса айтмаганимга албатта қўймайсизлар.

— Айтмасангиз ҳам кириб ўтинг!..

— Агар менинг хоҳишимга қарасаларингиз, мен бориб намоз асрни ўқигач, танбурни олиб, қавмларга: «Шомга битталаринг имомликка ўтинглар, хуфтонга ўзим етиб келаман», дейману кейин хотиржам боғда сизлар билан бўламан.

Мулла Носир такада чой ҳам ичмай, ариқ бўйлаб Тоғлиққа ўтиб кетди, ҳужрада бир оз дам олгач, намоз асрни қавмлар билан ўқиб, кичик танбурчани енг ичига олди-да, қавмларга ҳалиги «узр»ни айтиб, яна келган йўли билан Муқимжонбойнинг боғига борди. Қариганда ўғил кўрган боғбон кўнгли яқинларни меҳмон қилаётган эди, муллага дастурхон ёзилиб нону шўрва қўйилгач, Ҳасанбой ака томонидан тайёрланган чарос узумнинг мусалласдан муллага бир пиёла тўлдириб узатдилар. Кўнгли бўш мулла косиб йигитларнинг қўлини қайтармай охиригача сипқарди-ю, кейин шўрвага билак шимарди. Мулла олдинлари ҳам косиблар суҳбатида кўнгли бўшлиқ қилиб, қўл қайтармай, унча-мунча нўш этиб турар эди.

Дастурхон йиғилгач, илтимосни кутмай, мулла Носир

охун танбурни созлаб, анчагина мақомлар ўқиди, бу орада яна бир пиёла кўтарди. Мулланинг кайфи ошиб қолгандан хабардор косиб йигитлар уни қўлтиқлаб, сўқмоқ кўприкдан эплаб ўтказиб қўйиб қайтдилар. Мулла ўзини бардам тутиб, катта қадамлар билан мачитга кириб келганда жойнамоз устида имомни кутиб ўтирган намозхонларга кўзи тушди. Имомнинг «шошиб» келатганини кўрган намозхонлар ўринларидан қўзғалдилар, ташқаридагиларни чақириниш ниятида кекса муаззин баланд овозда «Вақти намоз!..» деб чўзиб бақиргач, ҳамма сафга тизилди. Меҳроб олдига ўтиб, жим қотиб, турган мулла имомлик қондаси бўйича «облоҳу акбар!..» деб икки қўли билан қулоқ қоқмоқчи эди, енг ичидаги танбур қўлини қулоққа олиб боришга йўл бермади. Мулла зарда билан енгдан танбурни олиб, меҳробга тираб, яна бошқатдан қулоқ қоқиб, «облоҳу акбар!..» деди-ю, саждага бош қўйди ва шу бош қўйганча қайтиб бош кўтармади. Узоқ кутган намозхонлар бошларини кўтариб, имомга қарасалар, имом хуррак отяпти, меҳробдан мусаллас ҳиди анқийди..

Муллани кўтариб чиқиб, анҳорга пишдилар, ҳужрага олиб кириб ётқиздилар. Эртаси ҳаммалари мачитга тўпланишиб, мулланинг сиртидан бекор қилдилар ва бошқа бир мутаассиб домлани топиб келиб, пишиб қолаёзган шоли ва қора экинларни ҳам ўша янги имом ихтиёрига бердилар. Бу кўнгилсиз хабарни эшитган косиблар бир ҳужрани жиҳозлаб, муллани кўчириб олиб кетдилар.

— Сизни имомликдан бўшашингизга сабабчи бўлдик. Энди қайси юз билан сизга қараймиз?..

Мулла Носир бепарво қўл силтади:

— Бу имомгарчилик уйланиб олгунча эди. Менга имомликдан бўшаганим алам қилмаяпти! Деҳқончилик қўлдан кетганлиги алам қиляпти! Ўша билан эплаб уйланиб олмоқчи эдим!.. Хотин олишдан энди умидим узилди!..

\* \* \*

Муқимий Шохмардон борармиш, деган гап газак олиб, бирга борувчилар кўпая бошлади. Аммо жуда кўпчилик билан саёҳатга чиқишни Муқимийнинг юраги кўтармасди. Яна бир арава қўшиб, уч арава бўлиш ва бу

кейинги аравада саҳҳоф Соли чакалак, яллаци Аҳмадҷон аттор, яна икки киши бориши керак эди. Дадаҷон ҳожи билан мулла Носир охун ҳожи Ашраф билан Рошидонга бирга боришга ваъда бериб қўйганлари сабабли, қозонтовоққа эпчилроқ Отажонбекни олиб кетмоқчи бўлдилар. Аммо Муқимий Шоҳимардонга боришдан кўра Рошидонга борувчиларга ҳамроҳ бўлишга қизиқиб қолди. Чунки буларнинг вақти чоғлиги фақат адабиётхонлик, сатранж ва мақом тинглашдан иборат бўлиб, ўзлари жуда сараланган эдилар.

Эгамберди ҳожи ва Отажонбек аввал Қўқоннинг номи чиққан аравакашлар билан уч гумбур соябонли атласкапа араваларни байлашиб, уч кун олдин закат бериб қўйдилар, кейин бошқа харажатларга киришдилар. Шоҳимардон мавсуми бўлганлиги учун аравакашларнинг бозори чапсанроқ эди. Учинчи кун саҳар пайти уч гумбур соябонли аравада: бирида ёшлар ва икки аравада Муқимий ҳамсуҳбатлари билан Шоҳимардонга жўнадилар. Отлар Ултармага боргунча бир маромда текис бориб, кейин жадаллашди, орқада келаётган ёшлар аравада ялла бошланди. Бу кўнгилли сафардан Муқимий беҳад яйраб кетган, гоҳ-гоҳ ёшлар аравага қараб, жияни Рўзимуҳаммад ва туғилиб биринчи мартаба отаси ва қариндошлари билан соябонли аравада узоқ сафарга чиққан Акбархўжага қараб, кулиб қўяр эди.

Шу зайлда кўнгилли суҳбат ва ширин яллалар билан туш пайти Боғдодга кириб бордилар. Аравакашлар темир йўлга қараб турган самоварлар олдида араваларни тўхтатиб, терлаб кетган отларига андак дам бердилар, кейин йўлга чиқиб, Рошидонни босиб ўтиб кетдилар. Олтиариқ, Марғилонни босиб, улфатларнинг хоҳиши билан Ермозорда тўхтаб, отларга дам бердилар.

Ермозор қадимий шаҳар вайроналари ўрнида обод бўлган қишлоқ, Марғилонга борадиган Шоҳимардон сувининг бир шохобчаси қишлоқ пастидан тез оқиб ўтади. Сув бўйидаги қатор салқин самоварлар саёҳатчилар учун айниқса, ҳар жума Марғилон косиблари учун бирдан-бир ҳордиқ чиқарувчи гўзал манзил ҳисобланарди. Шу манзилга етиб, Отажонбек яна билак шимариб, ўзича «нозик» деб ном берган қайнатма — шопирма шўрвага уриниб қолди. Шўрва пишиб, отлар хашаклагунча йўловчилар ҳордиқ чиқардилар. Қоринни туйғизганларидан сўнг яна араваларга чиқдилар.



Кўп масофа ўтмай Фарғона шаҳрининг четига бир хилда навқирон чинор ва бақатераклар ўтқазилган адл кўчалари бошланди. Аравакашлар тартиб-интизомга қаттиқ риоя қилиб, отларини бир хилда елдирганларича шаҳардан чиқдилар. Турнақатор кетаётган йигирматача арава Водил йўлига тушиб олгач, отларнинг човига аччиқ қамчи босилди, ким ўзиш бошланиб кетди. Гоҳ у арава ўзиб, бу арава орқада қолиб кетар, гоҳ бу арава ўзиб олдинга тушиб оларди. Қийқириқ, шовқин-сурондан қулоғи батанг бўлган Муқимий жонсарак бўлиб, аравалар орасидан ёшлар тушган аравани қидирар эди. Водилга кириб келганларидан сўнг аравакашлар кўпиклаб кетган отларини аравадан чиқардилар-да, ўраб, кенг кўчаларда у ёқдан-бу ёққа етаклаб совута бошладилар. Чарчаган зиёратчилар ўзларига қўшхона танлаб, оз-моз нафасларини ростлаганларидан кейин тез оқиб ўтаётган сой бўйларида истироҳат қилишди, чўмилишди.

Водил деб аталувчи бу кенг, хушхаво, хушманзара манзилнинг ҳар бир хонадон ва ҳар бир самовари йўловчилардан холи эмасди. Ҳар бир Шоҳимардон борувчи эру аёл бу қишлоқда бир кеча қўниб ўтмаса ҳордиқдан чиқмагандек бўлар эди. Кечга бориб, Водил гузари сайилгоҳга айланар, ҳар самовар, ҳар қўшхонадан чиққан ялла ва патнис ашулалар эшитиларди. Саҳаргача ухламай, тўп-тўп бўлиб кезувчи шўх ёшларнинг кулгилари, созу чилдирма товушлари Водилга алоҳида файз бағишлар эди.

Бир кечани бу ерда кўпчилик қатори уйқусиз ўтказган Муқимий сой бўйида дафтарига йўл хотираларини ёзар экан, юксак Шоҳимардон тоғлари кетидан кўтарилиб келаётган қуёш, Водилнинг баланд тераклари учларига ўз нурларини соча бошлаган эди. Муқимий дафтарнинг бир-икки саҳифасини тўлдириб, тўғон бошидан қўшхонага қайтганда ёшлар қунишиб ухламоқда, дўстлар ҳар томонга тарқалишган, Отажонбек мастава тараддудиди, аравакашлар эса отларини қашламоқда эдилар.

Шоир сув ёқасидаги бўйра устида чўнқайиб, Отажонбек қуйиб узатган чойни иштаҳа билан ҳўплади:

— Водил дейишда нима маъно бор, эшон ака?..

— Водилнинг асл маъноси — покнза қалб демакдир. Бу номни ким қўйган бўлса ҳам топиб қўйган экан...

— Бизни қўя берингу, эшон ака, йигитлар бу кеча жуда яйрашди.

— Нимасини айтасиз, бегим! Уларнинг яйраганини кўриб, мен ҳам яйраб кетдим.

Шу орада қўлида бир тутам ялпиз, елкасида рўмол билан Мавлавий Йўлдош келиб, булар билан саломлашди-ю, бўйранинг бир четига ўтириб, суҳбатнинг оқимиغا қулоқ солди. Муқимий сўзида давом этди:

— Шоҳимардонга етмай туриб шунчалик яйрадилар, Шоҳимардонда булар териларига сизмай қолсалар керак деб ўйлайман. Менинг ўзимни айтмайсизларми! Ватанимиз қандай гўзал манзараларга эга, юриб чарчмайсан, кўриб тўймайсан. киши...

Мастава пишиб, Отажонбек қатиқ билан кашнич истаб кетди, Сув бўйига палос ёзилиб, ҳамсафар ҳамроҳлар шу ерга тўплана бошладилар. Водилнинг баланд-падини эртадан бери айланиб чарчамаган йигитлар ҳам салом бериб келиб, пойгаҳдан жой эгалладилар. Наҳорда серқатиқ, серкашнич аччиқ мастава билан бир пиёладан чой ичилгандан кейин аравакашлар отларни қўшишга киришдилар.

Муқимийлар тушган аравани азрўйи ҳурмат, олдинга ўтказиб, орқадан ўнтача арава кетмоқда эди. Кўп юрмай тоғлар яқинлаша бошлади: биринчи дуч келган тоғ «Хур қизлар» тоғи бўлиб, унга яқинлашган аравалардан «Хур қизлар!..» деган товушлар эшитилди, бу хитобларга жавобан тоғ акс садо бериб, «Ху!..» деб жавоб бергандек бўлди. «Хур қизлар» тоғи остидан юриб, чап томондаги ёғоч кўприкдан ўтаётганда жони ширин сабҳатчилар ёқа тутиб, кўзларини чирт юмиб олган эдилар. Кўприкдан эсон-омон ўтиб олиб, ўнгга бурилган аравалар сой ёқалаб бир оз фурсат аста-секин юргандан кейин аравакашлар отларига яна қамчи босдилар.

\* \* \*

Шоҳимардонда халойиқ кўп, қий-чув, азамат қайрағоч ва бақатераклар остига жойлашган торгина сайилгоҳ оту арава ва бордон дўкончалар билан тўлган, одамлар тўп-тўп бўлиб кезишмоқда. Устида жанда, белида кашкул, қўлида иргий ҳасса тутган қаландарлар саф тортиб ўқиб, қулоқларни батанга келтирмоқда, ҳар қадамда бир гадо ва ҳар муюлишда бир дарвиш ўтган-кетганга

қўл чўзиб, жаврагани жавраган. Шоирнинг ҳиқилдоғидан биров гиппа бўғандай бўлди, Отажонбекнинг енгидан тортиб, бўғиқ товушда тутун қайтарди:

— Тезроқ холи жойнинг тадорикига киришинг, бек! Мен тугадим!..

Отажонбек аввал кулимсираб, ҳазил қилмоқчи бўлса ҳам Муқимийнинг равдойидан шовқин-сурон ёқмаганини пайқаб, холи жой қидиришга киришди. Бу оғир мушукул осонгина ҳал бўлди, Муқимийнинг келганини эшитган марғилонлик шинаванда косиблардан бир тўпи сой устидаги чорпояни бўшатиб, таклиф қилиш учун киши юбормоқчи бўлиб турган эдилар. Отажонбек Муқимийни дўстлари билан шу чорпояга ўтқазиб, ўзи зина билан юқорига чиқиб, қўшхона топиш учун изланиб кетди: йўлнинг ўнг томонидаги ҳовлилардан бирида бир ҳафтадан бери туриб, сафари қариган марғилонлик таниш ишфурушлар шу кун Марғилон қайтмоқчи бўлиб турган эканлар. Қўқондан Муқимий келганини эшитиб, қўшхонага таклиф қилмоқчи бўлиб турганларида икки косиб йигит Отажонбекни бошлаб кириб келди:

— Сизлар бугун Марғилонга тушиб кетадиган бўлсаларингиз, қўшхонага Муқимий аҳбоблари билан таклиф қилинса яхши бўлар эди!..

— Айни муддао,— деди ишфурушлардан биттаси,— шу шарт биланки, Муқимий домла бугун кечгача бизнинг меҳмонимиз бўладилар. Шуниси борки, қўшхонамизнинг эгаси бўлмиш шайх шоир аҳлини ёқтирмайдиган инжиқроқ киши. Бу тўғрида биз ўртага туша олмаймиз, буни ўзлари ҳал қиладилар.

Отажонбек сайилгоҳда бўғилиб ўтирган Муқимийни тезроқ олиб келишга шошилди. Муқимий қўшхонага чиққандан кейин бир оз яйради. Дастурхон устида ишфурушлардан Марғилондаги дўстларни бирма-бир суриштирди, пастда сайр қилиб юрган ёшларга одам жўнатди.

Дастурхон устида гоҳ марғилонлик яллаци косиблар, гоҳ қўқонлик Азимжон билан Абдуллажон маҳзум томонидан чиройли яллалар бўлиб ўтди. Кечга бориб ишфурушлар Марғилонга кетиш тараддудига тушдилар. Улар шайхни ўртага олиб илтимос қила-қила Муқимийга жой беришга уни арабг кўндирдилар.

Ишфурушлар жўнаб кетгандан кейин қўшхона холи қолди. Муқимийлар дарёга қараган шийпонда сув ша-

лоласига қулоқ солиб ётиб ором олгач, эртаси эрта билан Ёрдон азизга чиқиб кетдилар: Ёрдон азиз деб ном берилган жой Шохимардондан уч чақирим юқорида, тоғлар ён бағрида оқаётган дарё лабидаги кўкаламзор майдон бўлиб, бу ерда кичик бир қишлоқ ўрнашган эди. Қунни шу гўзал манзилда хурсандлик билан кеч қилиб, шом аралаш яна қўшхонага қайтдилар.

Эрта билан Отажонбекнинг сўзига кириб нонуштани пастда, сайилгоҳ бошидаги кўприк устида қилишга қарор беришди. Шовқин-тўполондан безиллаган Муқимий ҳам дўстларнинг кўнгли учун бирга тушди. Аммо бугун сайилгоҳда одам сийрак, сувнинг шовқини сайилгоҳга аллақандай файз бағишламоқда эди. Сойга бир томондан оқ сув, бир томондан қора сув келиб анча ергача аралашмай оқиб борарди. Бу манзара Муқимийга мазур бўлиб, узоқ вақт унга тикилганча қолди.

Нонуштадан кейин ёшларга Соли чакалак бош бўлиб, Кўли қуббонга бориш ҳаракатига киришди. Муқимий кўлга боришга қизикча бермади. Шундан кейин Мавлавий Йўлдошни Муқимий ёнида қолдириб жўнаб кетдилар. Муқимий билан Мавлавий Йўлдош яна юқорига кўтарилиб, қўшхона яқинидаги мозоргоҳга кирганларида хонақоҳда садр-само бўлмоқда эди. Бекорчи томошабинлар қатори бир чеккада туриб муридларнинг мажнунвор ёқа йиртиб, ўртада «рақс»га тушаётганларини, жазаваси тутган девоналар оғзидан кўпик сочиб, беҳуш ётганини, зиёратчи содда кишилар қабр устидан танга сочиб, тангридан фарзанд тилаётганларини, салласи катта шайхлар халқни авраб, бор будини қоқиб олаётганини кўрдилар. Муқимийнинг тоқати тоқ бўлиб, ёнидаги Мавлавий Йўлдошга разм солди. Мавлавий ҳам асабийлашган эди. Улар зиёратгоҳ дарвозасидан чиқиб, қўшхона томон сўзсиз анча йўл босганларидан кейин Мавлавий Йўлдош Амир Алишер Навоийнинг шайхлар ҳақидаги бир ҳажвий ғазалини эслаб, замзама қилди:

«Хонақода ҳалқан зикр ичра ғавго қилди шайх,  
Аҳли диллар нақди авқотини яғмо қилди шайх».

Буни эшитган Муқимий ҳеч ўйланиб ўтирмай бу ғазални давом эттирди:

«Ул бари дом эрди бу бир дона эл сайди учун,  
Ҳар қаёнким азми тасбеҳу мусалло қилди шайх».

Мавлавий учинчи байтни унинг оғзидан илиб кетди:

«Ё хаёли банг, ёхуд хонақо фикри учун,  
Ҳар каромату мақоматики, ифшо қилди шайх.  
Куф сочиб, фарёд этиб, сакраб, паривашларни сайд —  
Қилғали девоналиғлар ошқоро қилди шайх».

Йўл-йўлакай навбатма-навбат бир байтдан ўқиб бо-  
риб, қўшхонага кирдилар. Муқимий ўзини тўшакка таш-  
лади, Мавлавий Йўлдош эса ечинди-да, ташқаридаги  
ўчоқ олдида қумғон қайнатиш тараддудига тушиб, оғ-  
зига келган сўзни қайтармай, шайхларга қарата дўн-  
ғилламоқда эди, Муқимий ётган ерида Мавлавийга  
эшиттириб:

— Қўли қуббон саёҳати ўртага тушмаганда букун  
жўнаб кетайлик демоқчи эдим, ёшларимиз тушкурлар  
шаштимни кесишди,— деди.

— Уларни хоҳишига қарашга мажбурсиз, эшон ака.

— Бўлмасам-чи.

— Рўзимуҳаммаджоннинг баҳонаси билан ўғлингиз  
Акбархўжа ҳам яхши ўйнаб оладиган бўлди.

— Нимасини айтасиз! Диққинафас Беквачча маҳал-  
ласидан ҳатлаб ўтиб, қаерни кўрибди дейсиз. Бу саёҳат  
унинг учун қанот бўлди, у ҳаётида биринчи даъфа эркин  
қанот қоқди, унга қўшилиб мен ҳам парвоз қилгандек  
бўлдим. Аммо шуни сизга эшиттириб қўяйки, эртадан  
қолмай қайтмоқ керак, қолган саёҳатни Қўқон атрофи-  
да қилишиб туришар. Рошидонда дўстлар анжумани  
бизни тоқатсизлик билан кутяпти!.. Сиз сатранжда, Бек  
баковулликда ўз ҳунарларингизни кўрсатишларингиз  
керак, у ерда чакана одамлар бўлмайди, сатранжда сиз-  
ни Севархон тўра билан беллаштириб қўйиб, томоша  
қилмоқчиман...

Мавлавий Йўлдош хуржунларни кавлаб, бир-икки  
суви қочган патир кулча билан қандолат олиб дастур-  
хонга тўкди:

— Зукколар анжумани десангиз-чи?

— Ҳожи Ашрафга бир йилда бир ой шаҳардан чи-  
қиш ҳуқуқи берилган бўлса, мана шу бир ойни ҳар қо-  
вун пишиғида Рошидонда ўтказди деб, ўзингиз айтган  
эдингиз. Ҳожи Ашраф билан бўладиган суҳбат нақадар  
тансиқ, нақадар мароқли эканлигини биласиз. Мулла  
Аҳмад сағричининг ҳикоя қилишича, у кишиларнинг бир

кунлик суҳбатига муяссар бўла олган одам бир йиллик завқсиз ҳаётини гаровга қўйишга тайёр эмиш.

Дастурхонга чойнак-пиёла келтириб қўйган Мавлавий Йўлдош пастга, дарё лабларига бўйинини чўзиб, қўли билан ишора қилди:

— Шохмардон боғдорлари сунбулада ўрик қоқиш-япти. Бундан чиқди, бу ерда ўрик икки ой кейин пишар экан-да! Қани энди шундан бир лаганчада бўлса!..

— Насиб бўлса ўрикнинг яхшисини эртага Рошидонда ейсиз. Рошидоннинг «Муллагадойи», «Мирсанжали» деган ўриклари жаҳоннинг ҳеч бир боғида битмайди...

Рошидоннинг ўригидан бошланган ширин суҳбатнинг пироварди ҳусайни узуми, оқ мағиз, сариқ тўн, хушбўй қовунига уланиб, чойдан кейин иккалалари оёқларини чўзиб дарё томонга қараб ётдилар. Бир оздан сўнг Мавлавий Йўлдош уйқуга кетди. Дарёнинг у юзидаги тепаларда икки боласини эргаштириб ўтлаб юрган эчки Муқимийнинг кўзига чалинди. Икки эчки бола ёнбағирда сакраб-сакраб ўйнамоқда эди, жонсарак она эчки уларни хатарли ўйиндан сақлаш учун оғзида чайнаётган ўти билан шошиб келиб, болалари атрофида маъраб парвона бўла бошлади.

Тоғ тепаларни томоша қилиб, кўзи уйқуга кетган Муқимий Мавлавийдан олдин уйғониб, уни уйғотмаганда шомгача ухлаши турган гап эди.

Бутун кунни зерикиб кеч қилган икки дўст кўлиқуббончиларнинг чарчаб-ҳориб қайтишларига ош дамлаб туриш мақсадида ўчоқбошида ивирсирашиб юрган эдилар, салом бериб, аввал Рўзимухаммад, Муҳаммад Акрам ва Акбархўжа, кейин танбур чертиб уста Азмижон ва қолган дўстлар кўчадан «Кўча боғи»ни хиргойи қилиб кириб келдилар, улар қўлларида даста-даста бўйли гиёҳ ва ирғай калтакларни кўтаришиб олган эдилар. Қозонда зирбакни кўриб Отажонбекнинг елкасидан оғир юк ерга юмалагандек бўлди. У йўл-йўлакай, қўшхонага қайтгандан кейин овқат қилиш ташвишини тортиб келаётган эди.

Кўлиқуббончилар ювиниб, андак нафас ростлагуналарича Муқимий билан Мавлавий Йўлдош ошни дамладилар. Кўли қуббон хотираларини эшитгунча ош дам еди. Бу кўл нақадар сўлим, кўнгилли бўлмасин, йўли хатарли, тор ва қўрқинчли жойларидан эшак аранг ўтар эди. Бунини эшитган Муқимий кулиб, бормаганига шукур қил-

ди. Ошдан кейин кўлиқуббончилар бир пиёладан чой ичар-ичмас, таппа-таппа ташлаб уйқуга кетдилар.

Эртаси эрта уйғонишиб, жўнаш ҳаракатига тушдилар. Нонушта устида уй эгасига пул бериб рози қилдилар ва қолган гўшт-ёғ, гуручни ҳам қолдириб, аравага чиқдилар. Уч кун дам олган отлар Қўқон еми — оқ жўхорини соғингандек олдинга шундай интилардики, гилдираклар кўз илғамас даражада тез айланиб, баланд тоғлар бағрига жойлашган гўзал Шоҳимардонни орқада қолдириб кетди, ҳаш-паш дегунча хатарли кўприкдан ҳам ўтиб, Водил йўлини олдилар, у ерга етгунча учала аравада хиргойилар узилмади. Водилда чошгоҳ нонуш-тасини қилиб, Фаргонага ўтиб кетдилар. Олтиариққа етгунча ҳеч ерда тўхталинмади, кеч пешинда Олтиариққа етиб келиб, отларни хашаклатиш учун тўхтатдилар.

Отларни аравага кўшиш олдида Муқимий ўз мулоҳазасини эшиттирди:

— Биз: Мавлавий, Отажонбек ва каминна йўлда, Рошидонга етмай, Тўда қишлоғида қолиб, уч кундан кейин етиб борамиз, бу қишлоққа мукаллифмиз. Биз қайтиб боргунча Рўзимуҳаммадни зериктирмаслик вазифасини дўстим Эгамберди ҳожи билан уста Азимжон ҳам Абдуллажон маҳзумга юклашга тўғри келади.

Эгамберди ҳожи юклатилган вазифани бажону дил қабул қилганлигини билдирди, қолганлар Қўқонга ўтиб кетишга хоҳиш билдирдилар. Олтиариқдан чиқиб узоқ масофали чўлни босиб ўтгач, Рошидонга яқинлашганда Тўда қишлоғининг обод, серҳосил ерлари бошланди. Йўл четидан оқиб бораётган саёз, бўтана сув, буларни худди бошлаб олиб бораётгандек шошилари. Томига похол, гўзапоя босилган қўрғончаларнинг олдида ўтиб, қалин толлар ва жийдалар билан ораста гузарчадаги йигчи устанинг пастқам дўкони олдида тўхтаган биринчи аравадан Муқимий бошини чиқариб сўрай бошлади:

— Севархон тўранинг қўрғонлари яқинми?..

Урнидан сакраб туриб устини қоққан йигчи, дўкондан пастга тушиб:

— Марҳамат! Туша берсинлар! Мана шу қўрғон! — деди. — Тўрамнинг ўғилчалари «Шоҳимардондан меҳмонлар келишади», деб кечадан бери йўл пойлайдилар.

Йигчи уста шундай деди-ю, арава олдида келиб, Муқимий билан сўрашди. Муқимий, Мавлавий Йўлдош ва Отажонбек аравадан тушиб улгурганлари йўқ эди,

қўрғондан орқасида узун кокили бор, юзи чўзиқроқ бир бола билан қалин жиякли бўз кўйлак кийган ўрта яшар бир мулланамо киши югуриб келиб, аравадан тушганлар билан сўраша бошлашди: булар Севархон тўранинг ўғилчаси билан хизматкори мулла Бўтабой эдилар. Ҳушёр, кўпни қўрган хизматкор қолганларнинг Қўқонга ўтиб кетишлари, тушмасликларини пайқаб, от жиловидан тутди:

— Аравани қўрғонга тортайлик! Ҳаммаларингиз тушишларингиз керак, тақсирим шундай деб тайинлаб, бизга кечадан бери йўл пойлатадилар! Агар тушмас экансизлар, тақсирим хафа бўладилар, боққа сизлар учун алоҳида жой ҳозирланган.

Бу сўзни эшитган Муқимий, аравадаги дўстларига маъноли қараб ихтиёрни ўзларига ташлади. Уларнинг тушишга унчалик раъйлари йўқ эди, мулла Бўтабойга узрларини айтиб, хайрлашдилар, уч арава бирин-кетин Қўқонга қараб жўнади. Араваларнинг қораси ўчгунча кузатиб қолган Муқимий қўрғон томон йўл олар экан, мулла Бўтабой уларни қўрғон томон бошлади.

Кўчадан катта қумлоқ ариқ оқиб кириб, кенг қўрғонни бир айлангач, далага чиқиб кетар эди. Режа тортиб экилган ўрикзор ўртасида гулзор ва бир томонида ҳовуз бўлиб, ҳовуз атрофидаги супанинг бирида Дадажон ҳожин билан рошидонлик Мирзо Шариф ҳожин боғдор, кўкракка болиш тираб, сатранж суришмоқда, нарироқдаги катта супада ҳожин Ашраф, Севархон тўра, мулла Носир охун, пойғаҳда яна бир нечалар чўкка тушган ҳолда китоб ўқиётган ёш йиғитга қулоқ солмоқдалар.

Муқимий, Мавлавий Йўлдош ва Отажонбек кириб боришлари билан китоб китобда, сатранж сатранжда қолиб, аҳли суҳбат бирдан дув этиб, ўринларидан кўзғалдилар. Севархон тўра билан биринчи бор дуч келишаётган Муқимий, Севархон тўранинг кўпдан таърифини эшитиб ҳамсуҳбат бўлишга иштиёқманд эди, қучоқлашиб сўрашди. Форс адабиётини сув қилиб ичган, сатранжга ўларча ҳирси баланд ва андак хайёмона фазилати ҳам бўлган катта боғдор Севархон тўра ҳофизлардан мақом, шоирлардан шеър тинглашни, ўз боғида тайёрланган майин нобдан дўстлар билан нўш этишни дунёдаги барча неъматлардан юқори кўяр эди.

Меҳмонлар супадан жой эгаллашгач, супа ёнида қўл



қовуштириб, маҳтал бўлиб турган йигит яна ўрнига ўтириб, «Хамса»ни яна тизига олди ва тўхтаган еридан ўқий бошлади: «Хайратул-аброр»нинг дебочаси бошланган бўлиб, унинг ҳар сатри буюк фалсафий маънолар хазинасидан ғаввосдек гавҳар термоқда эдилар. Сомелар ҳар бир сатрнинг маъзани чақиш учун йигитни ўқишдан тўхтатиб, ўша сатрни қайтадан ўқитишар, кичик мунозарадан кейин ўзаро қаноат ҳосил қилгач, яна тинглай бошлашарди. «Хамса» ёпилгандан кейин, уни бийрон, беҳато ўқиб берган рошидонлик Бокий тахаллусли ёш шоир — мирзо Абдулло Насриддин ўғлига ташаккур изҳор этиб, супадан турдилар. Муқимий разм солиб, бу ердагилар орасида мулла Аҳмад сағричинни кўрмай, Дадажон ҳожидан аста суриштирди:

— Домла Лайлак кўринмайдиларми?..

— Ошнангиз мулла Аҳмад эртадан бери Ашраф ҳожи ака билан сатранж суриша-суриша, уч бор қолгандан кейин чидамагандан қанотини ёзиб кўтарилган эди, эшитишимизча, Сайид Умарбекнинг қўрғончаларига қўнган эмиш...

Мулла Аҳмад сағричи деган бу киши косиблар орасидан етишган сатранж устаси, етук бедилхон бўлиб, ортиқ новча бўлганлигидан унга «лайлак» лақаб берилган, сарғичиликдек машаққатли ҳунар билан жўжабирдай оила рўзгорини тебратар, торгина бодомзор ҳовлиси турли паррандалар билан тўлган хонаки «ҳайвонот боғи»га ўхшар эди. Фалон ерда сатранж ўйнашмоқда эмиш, деган хабарни эшитган мулла Аҳмад ҳар қандай зарур юмушни ҳам чала ташлаб, аҳбоблар тўпланган жойга етиб борар эди.

Муқимий бу камбағал беҳас дўстини кўргиси келиб, суриштириб турганда боғ томондан мулла Аҳмад йўғон чўтир доғли, басавлат бир киши билан кириб келди. Муқимийни кўриб югурди, бироқ қучоқлашиб кўришиш учун қўйни ва қўлидаги беданалар халақит бергани учун қаттиқ хижолат чекди, Муқимий уни хижолатдан чиқариш ниятида яқин бориб шивирлади:

— Соғиниб, бизнинг юрагимиз эзилгани ҳам етар, қўйнингиздаги беданалар эзилмасин, дўстим... Дарвоқе, бу киши ким бўладилар?..

— Бу киши, Худоёрхоннинг ўртанча ўғли — Сайид Умарбек! Бу қишлоқнинг ярмидан ортиқ ери шу кишиники эмиш...

Мулла Аҳмаднинг изоҳи ҳали тамом бўлганича йўқ эди, Мирзо Шариф ҳожи бекни бошлаб келиб, Муқимий, Мавлавий ва Отажонбек билан таништирди, суҳбат давомида Муқимий Сайид Умарбекнинг номига муносиб посангисини чамалаб кўрмоқчи бўлди.

Сайид Умарбек ёшлигида Тошкентда, Қашқар маҳалласида яшаб, рус мактабларида ўқиган, ҳарбий хизматни ўтаб, ҳарбий унвонга эга бўлган эди. Кейинча Рошидон билан Олтиариқ оралигидаги чўлдан чек олиб, бир юз таноб қўриқ ерга сув келтириб, чоракор, қарол ёллаб, деҳқончилик билан шуғулланди. Бу одам бўш вақтларини мутолаа, сатранж ўйини ва ов билан ўтказарди.

Сайид Умарбек Муқимий ва бирга келган шерикларини ўз кўрғонига таклиф қилди ва кетишга шошилди. Муқимий супага қайтиб келиб ўтирар экан, «бу бекнинг юрагида яна армон бормикин?— деган ўйни хаёлидан кечирди.— Бир неча юз таноб ҳосилдор ери, юзлаб чоракорлари бўлган бу одам казо-казоларни, номи чиққан фазл аҳлларини уйига чақириб, меҳмон қилишга ўрганган. Оддий Муҳаммад Амнхўжа новвой бўлганимда илтифотига муяссар бўлармидим!»

Бўтабой қўлларга сув бериб, ҳаммаларини катта супага таклиф қилди. Хизматга билак шимарган, фазл анжуманида барчадан ёш бўлган Мирзо Абдулла Бокий, Севархон тўранинг ишораси билан хумчадан май сузиб, овқат олдидан меҳмонларга пиёла тутди. Муқимий мезбон кўнгли учун бир-икки қултум ютиб, пиёлани узатган бўлса ҳам бошқалар охиригача нўш қилган эдилар. Пиёла бир-икки бор айлангач, Севархон тўра Хайёмнинг бир рубойисини ўқиб туриб, ўрик шохида осиглиқ турган танбурга телмурди. Буни сезган мулла Носир охун ўрик шохидан танбурни олди-да, тикка турган ерида танбурини созлаб, «Қўқон ушшоғи»га Ҳофизнинг бир шеърини ўқиди.

Қўқон ушшоғи пировардига етиб, пиёлалар яна бир айлагандан кейин Дадажон ҳожи билан мулла Носир улуғ Алишер Навоийнинг ғазалига Амир томондан қилинган мухаммасга «Бозургони»ни айтдилар:

«Гулшани рухсор уза ул чашми оҳулармидир,  
Жаври кўпу меҳри оз, бебок, бадхулармидир,  
Хуни ноҳақ қилгучи икки жафожулармидир,

Гўшан абрўларингда чашми жодулармидир,  
Йўқса кўрмиш ёя, тирандоз ҳиндулармидир...»

Кечга чўзилган базмдан кейин дала сўқмоқларидан қумлоқ ариқ ёқалаб, мулла Дадажонлардан мастона «Гулёр» билан «Шаҳноз»ни тинглаб, пиёда Сайид Умарбек қўрғончаси йўлини олдилар. Дала йўлининг тепаси жийда билан қопланган, бўтана сув қум устида ёйилиб, ялпизлар остидан тез оқиб ўтиб бормоқда, капаларда сайратма беданалар сайрамоқда, кеч бўлганига қарамай бекнинг қарол-чоракорлари йўнғичка ўрмоқда эдилар.

Чарчаб, ҳориб етиб борган меҳмонларни Сайид Умарбек кутиб олиб, ярим кечагача бедана кабоб ва қовурдоқ билан меҳмон қилди. Муқимийнинг хаёли ўз ҳужрасида, Москвага тезроқ қайтишга шошаётган Рўзимухаммаддонда ва кўзи тўрт бўлиб кўча пойлаётган Исмоил Ғарибийда эди. Кечаси Севархон тўра қўрғончасига келиб ётиб, эртаси чой устида Муқимий кетишга ижозат сўради, мулла Бўтабой арава қўшди, Муқимий, Мавлавий Йўлдош ва Отажонбекни Қўқонга узатдилар.

## *Ўн саккизинчи боб*

### **ҒАЛВА АРАЛАШ ОСОЙИШТА КҮНЛАР**

«Хўбларнинг меҳри бўлди пешам, ошиқлик фаним,  
Кимки қайтарса бу ишлардан, ўшалдир душманам,  
Шамъу фонусдин Муқимий ошкора партави,  
Бул ажабким, тийра рўзим қилди табъи равшаним».

Муқимий

Муқимий ва унинг дўстлари Севархонниқидан қайтиб келаётганда Муҳаййирни кўрмасдан ўтишга кўнгиллари бўлмади Оқерда тўхтаб, унинг эшигини қоқдилар. Буларнинг Шоҳимардонга ўтганларидан хабар топган боғдор шоир Муҳаййир шинам ўрикзорчага жой ҳозирлаб, бирикки кундан бери сабрсизлик билан кутмоқда эди, Муҳаййирнинг кўнгли учун унинг боғига кирдилар, битта чой ичиб, яна йўлга тушдилар.

Аравада кетар эканлар, бир-бирига уланиб бораётган суҳбат мулла Носир охунга келиб тақалди, унинг ёши қирқдан ошиб кетган бўлса ҳам, ҳануз бир бошпанасиз умр ўтказаётганига, уйланмаганига ачиндилар, Муқимий ўз мулоҳазасини ўртага ташлади:

— Эртадан кечиктирмай Тоғлиққа уста Мамазокир-  
никига совчи бўлиб борамиз, устакорнинг розилигини  
олгандан кейин тўй харажати учун бош қотирамыз.

— Тўйдан олдин бир кулба ҳақида ўйлашга тўғри  
келади!

— Дарвоқе, бечоранинг бошпанаси ҳам йўқ. Бу то-  
мони чатоқ!.. Қичикроқ эгасиз майдончанинг иложи то-  
пилса, косиблар ҳашар қилиб гувалак қуйиб, бир уй,  
бир даҳлиз тиклаш мумкин бўлар?..

— Тоғлиқда эгасиз харобадан кўпи йўқ, бунга мен  
бош бўлай, аммо тўй харажати масаласи оғирроқ, — де-  
ди Отажонбек.

Муқимий кулди.

— Дўстларга шеър билан мурожаат қилиб, этак ту-  
тамиз.

Арава кеч пешинда Қўқонга етиб келди. Отажонбек  
мискарликда, Мавлавий Йўлдош Исфара гузариди ара-  
вадан тушиб, хайрлашдилар. Арава Беквачча маҳалла-  
сидаги Ҳазрат мадрасаси олдида тўхтаганда ҳовуз бў-  
йида йўл пойлаб ўтирган Исмоил Ғарибий югуриб келиб,  
ғилдиракдан тушаётган Муқимийнинг қўлтиғига кирди:

— Зиёрат қовул, эшон ака? Яхши саёҳат қилиб қайт-  
дингизми?..

— Раҳмат, мулла Исмоил! Саёҳатимиз ёмон бўлма-  
ди. Болалар яхши келиб олишдимиз?..

— Хурсанд бўлиб келишди. Улар кеча Қоратепага,  
Зокир ҳожи ошналарнингизникига қовун сайилга кетиш-  
ган эдилар, бугун кеч қайтишса керак.

Муқимий қўл бериб сўрашгандан кейин аравани  
ишора қилди. Арава орқасидан дўстлари бериб юбор-  
ган бир қоп қовун ва бир кажавода узум бор эди.  
Ғарибий билан мулла Бўтабой уларни ҳужрага таш-  
дилар. Ўша ондаёқ Муқимий қовундан иккитасини Мав-  
лавий Йўлдош ҳовлисига бердириб юборди, домла Ха-  
лилнинг оилаларига бир қовун, бир лаганда узум, Зиёда  
аяга бир қовун; бир патнис узум киргизди, яна икки  
қовунни ажратиб туриб Ғарибийга қаради:

— Бир оз дамни ростлагандан кейин қовун билан  
узум олиб бориб, бечора Анбар отинчадан хабар олиб  
келай. Мулла Абдулла Қаримдеводан ҳалигача қайт-  
мабди-да?..

Ғарибий маъюс жилмайиб, ўпкаси тўлгандан ерга қа-  
раганча жим қолди. Муқимий сўради:

— Нега жавоб қайтармайсиз, тинчликми?

— Абдулла аканинг келмагани дуруст бўлди... Кетишда шошиб, нонга чақа ташламай кетилган экан...

— Ана холос!.. Ана холос!.. Ҳали оч қолдим деишг?..

— Оч қолганим йўқ... Бозорга чиқиб ҳаммоллик қилдим. Шунинг учун мени хафа деб ўйлайсизми?..

— Афв этинг, мулла Исмоил. Ўз роҳатимни кўзлаб, сизни фаромуш қилганман. Бунинг учун мендан ҳар қанча койсангиз ҳақингиз бор!.. Ҳали Қитмир ҳам оч қолди десангиз-чи?..

— Қитмир ўлди...

— Нима?.. Қитмир ўлди?..

— Тўра мингбошининг югурдаги от чоптириб ўтиб кетаётганда томдан туриб қопган экан, отиб ташлабди!

— Ҳе, аттанг!.. Ит итни талаб ўлдирганини эшитган эдим у ит итни отиб ўлдирганини биринчи эшитмоқдаман...

Муқимийнинг жон куйдириб, астойдил айтган бу сўздан Ғарибий кулиб юборди, Муқимий ҳам энгил тортиб, унга қўшилишиб кулди.

— Хафа бўлманг, хожа сакпараст! Дараклаб юриб, яна бир Қитмир топамиз. Туринг, тўртта гижда олиб келинг, сиз келгунча мен қовун сўйиб, карч қилиб тураман.

Тангани олиб, Ғарибий гузарга кетди. Муқимий қовун ажратиб туриб, ҳужрага разм солди: қозон тўнтарилган, чойнакда совуган доғ сув, патнисдаги қотган бурда нонлардан увоқ ҳам қолмабди, ҳужра бўғиқ, қоронғи ва зах ҳиди анқимоқда.

Муқимий қовунни қандай қилиб сўйгани, мис лаганчага қандай қилиб карч қилганини билмади. Ҳужра эшиги ғич этиб очилиб, тўртта нон қўлтиқлаган Ғарибий кириб келди.

Иккалалари қовун билан икки нонни ейишгач, Муқимий ёнбошлаб, Рўзимуҳаммадни Москвага жўнатиш қайғусини чека бошлади. Солиҳ Ерзинга тўн, дўппи, хотинига қора атлас олиб, қолган ақчани кетишида ўзига қайтариш керак...

Муқимийнинг боши мана шундай мулоҳазалар гирдобиде айланар экан, Ғарибий чой қуйиб узатди:

— Арава чарчатганга ўхшайди, эшон ака! Ҳўл десангиз, белингизни босиб қўяй.

— Раҳмат, ука. Аравага тўшак остидан похол соллинган экан, яхши келдик. Унинг ўрнига каппонга бориб келинг, мен Анбар отинни бориб кўриб кела қолай. Қовун сайилчилар кечки пайт келишиб қолишса, ош қилишга тўғри келади.

Чойдан кейин Ғарибий қовундан иккисини нарироққа элтиб қўйиб, каппонга ўтиб кетди. Муқимий Анбар отиннинг эшиги олдида андак нафасини ростлагач, эшик ҳалқасига қўл урди. Отиннинг иккала ўғилчиси югуриб чиқиб, Муқимийга салом беришди ва қуюқ сўрашгач, қовунларни кўтариб ичкарига чопишди.

Бир оз таваққуфдан кейин болалардан бири чиқиб, Муқимийни ичкарига бошлаб кирди. Анбар отин ўтирган ерида енг ичидаги қонсиз қўлларини кўксига қўйиб, энгашди:

— Ассалому алайкум, ҳурматли устоз...

— Ваалайкум ассалом.

— Марҳамат, келсинлар...

Муқимий тўрдаги озода қуроқ кўрпачага чўкка тушгандан кейин фотиҳага қўл очди, ҳар иккалалари қўлларини юзга тортганларидан кейин Муқимий ерга қараб сўз бошлади:

— Москвадан келган жиянни саёҳат қилдириб қайтариш ташвишида бўлганлигим туфайли, келиб туриш ҳақида берган ваъданинг устидан чиқа олмадим.

— Эшитиб, ётган еримда беҳад хурсанд бўлдим. Шундай жиянингиз бўлиб, унинг Масковда тарбия топишидан ҳар қанча фахрлансангиз ҳақлисиз, устоз.

— Шундай...

— Жиянни саёҳат қилдириш учун Шоҳимардонга олиб кетганларини ҳам эшитдим. Анбарингиз бир ерда ётса ҳам ҳамма нарсдан хабардор.

— Ёшлар Шоҳимардонда яхши яйрашди. Лекин камина Шоҳимардон бориб, хурсанд бўлмай қайтдим.

— Шоҳимардон хушманзара, иқлими мусаффо ер дейишади.

— Бу ҳақда шак-шубҳа йўқ. Агар шу мусаффо ҳавоси, зилол, шўх дарёси, кенг бағри бўлмаса, Шоҳимардоннинг шаҳардаги зоҳидлар ҳонақосидан асло фарқи йўқ!..

Болалар дастурхон ёзиб, нон, чой олиб кирдилар, узилиб қолган суҳбат яна давом этди:

— Хўш, отинча! Яна янги-янги нарсалар машқ қил-  
гандирсиз?..

— Ахир мен фақат шу билан овунаман, шу билан  
ҳаётман...

— Ҳовва.. Бир сиз эмас, ҳар бир шоир учун шунинг  
ўзи манбаи ҳаёт. Афсуски, каминада ҳозир олдинги  
журъат йўқ, жуда кам машқ қиладиган бўлиб қолиб-  
ман!..

— Бундай демасинлар, устоз. Жанобларининг кам  
машқлари-ю, бошқаларининг кўп машқи. Жавоҳир кам  
бўлганлиги учун қадри баланд дейдилар. Сизнинг ҳар  
бир ғазалингиз халқ учун ғизойи руҳ эмасми, ахир?..

— Бўрттириб, муболаға қилиб юбордингиз, унчалик  
эмас. Мумкин бўлар экан, давом эттираётганингиз ўша  
фалсафий бадиҳаларингиз билан мени компёб қилсан-  
гиз, чунки таъми оғзимда қолган эди.

Анбар отин кулимсираб ёстиқ остига қўл югуртирар  
экан, дафтарни енги устидан икки қўллаб Муқимийга  
тутди.— Шундай баҳоларингизни эшита берсам ёзиш-чи-  
зишга бундан ҳам ортиқроқ берилиб кетишим шубҳасиз.

— Муддао ҳам худди шу...

Муқимий отинча қўлидан дафтарни олиб варақлади.

Ҳаяжон аралаш икки қўлини кўксига қўйиб, ерга  
қараганча турган Анбар отинга меҳру муҳаббат билан  
назар солди. Самимият билан тўлган бу нигоҳ зами-  
рида нотавон шоирага нисбатан раҳму шафқат, ачиниш  
яширинган эди, у дафтарни эҳтиром билан дастурхонга  
қўйди.

— Тасанно!.. Исёнкорона жумлаларингиз замон зў-  
равонларининг қора ниятларини фош этишга қаратил-  
гандир!

— Беш кунлик умр мenden шунини ёзиб қолдиришни  
даъват этмоқда...

— Шундай журъат соҳибаси «беш кунлик умр» қай-  
ғусини чекиб ўтирмайди. Дафтардаги бу ёзувлар муал-  
лифининг умри абадийдир. Бу ноёб инжу доналари бе-  
баҳодир. Мумкин бўлса, отинча, менга энди рухсат бер-  
салар, суҳбат боқий, ҳужрага шошилмоқдаман.

— Ташрифингиздан бошим кўкка етди, фурсат бўл-  
маганда келиш хижолатчилиги чекилмасин, бунга хафа  
бўлмайман. Аммо жанобингиздан ўтинчим шулки, кўп-  
роқ ёзинг! Қоронғу вайроналарда тонг нурига ташна,  
ҳақиқат шайдоси бўлган минг-минг мазлумалар ҳаққи-

хурмати, кўпроқ ёзинг! Оғир меҳнат остида қорни нонга тўймаган очу яланғоч оддий кишилар ҳаққи-хурмати, кўпроқ ёзинг, устоз!

— Ҳовва!.. Ҳаққоний даъват. Худди айтганингиз бўлсин.

Муқимий фотиҳа ўқиб ўрнидан қўзғалаётганда Анбар отин икки қўлини кўксига қўйиб энгашиди. Муқимий хайрлашиб ташқарига чиқди. Болаларнинг хайрлашаётганларини ҳам унутиб, қўлини кўксига қўйганча тез-тез босиб, Беквачча маҳалла томон жўнаб кетди.

Ҳужрага кириб, қовун сайилдан қайтиб келган йигитларни кўрди. Рўзимуҳаммад камзули тугмасини қайтадан қадаб бўлиб, шим ғижимларини текислаш мақсадида сув пуркаш билан овора эди, Муқимий оёқ учидан кириб даҳлизда тўн ечар экан ёшлар югуриб чиқиб, қучоқлашиб кўришдилар.

— Зокиржон ҳожи сизларни қовунга тоза боққандир?..

— Қовун, узумга тўйишдан ташқари жўжа шўрва, ловия шовлалари бизга жуда маъқул бўлди. Ҳожи амаки ўзлари эртага келадилар.

Муқимий ҳар икки боланинг чеҳрасига разм солиб, қувониб кетди. Бир ҳафталик саёҳат шарофати билан Акбархўжанинг ранги кириб, анча тўлишиб қолган эди. Муқимий ҳужрага кириб, хонтахта устидаги бир хурма қатиққа кўзи тушди. Ундан пиёлага солиб туриб:

— Сизларга ҳам қуяйми?— деб сўради.

— Йўқ, дада. Биз қатиққа тўйганмиз. Сиз ичинг, биз Шалдирамоққа бориб, Муҳаммад Акрамни бошлаб олиб келамиз.

— Ундай бўлса, Эгамберди ҳожини ҳам таклиф қилинглар!

Рўзимуҳаммад сув пуркаган шимини авайлаб, тўшак остига ёзиб, Акбархўжани кўчага ишора қилди:

— Кетдик!

Муқимий йигитларни кетказиб, остига шим тахланган тўшакка ёнбошлади.

Учоқ олдида гўшт тўғраётган Ғарибий луқма ташлади:

— Остингиздаги тўшак остига Рўзимуҳаммад шимини ёзган эди-ку!

Муқимий кулимсираб:

— Шунинг учун унга оғирлик керак,— деди.



— Сизда оғирлик нима қилсин?

— Ахир, чумчуқ эмас, одамман-ку?..

— Бегуноҳ одамсиз демоқчиман. Менда савобнинг оғирлиги бор десангиз, у бошқа гап.

— Менда савоб нима қилади? Ҳар қанча савоб бўлса, хайру эҳсон эгаларидан ортмайди.

— Уша нотавон, мажруҳ шоирнинг хolidан хабар олиш учун иккита қовун қўлтиқлаб бориб, тоғдек катта савобни орқалаб келдингиз!..

— Қаёқдаги гапларни топиб гапирасиз! Уша тоғдек савоблар остида қолмасам гўрга эди.

Муқимий андак ёнбошлаб, белни ёзгандан кейин мутолаага киришди. Ташқаридан Ғарибий билан даҳлизга гурунглашиб кирган уста Қовул сартарош Муқимийни китоб ҳошиясига шошиб бир нарса ёзаётганини кўрди-ю, тисарилиб тўхтади. Муқимий ёдга тушган бир байтни ёзиб туриб ўзича сўзланар эди:

— Охири топмай қўймадим!

Ёнга қараб, обрезада қўл қовуштириб турган уста Қовулни кўрди. У билан сўрашиб, тўрга таклиф қилди, уста Қовул пойгаҳда чўккалаб:

— Ҳали Ғарибийдан келганларингизни эшитиб эдим, кўриб кетай деб келдим, зиёрат қовул!— деди.

— Мурод ҳосил. Келмаганингизда барибир наҳорда ўзим чиқар эдим. Аммо келган бўлсангиз ҳам чиқаман. Шоҳимардонда сартарош деб, каминани бир гўспантарошга рўбарў қилган эдилар. Кўзимдан ёш оқизиб туриб сизни эсладим ва сизни олиб кетмаганимга ўзимдан койиндим. Хўш? Ишлар қалай?

— Сира-сира сўраманг, эшон ака? Кўр Ашурбой мен билан ўчакишиб қолди, мен сўроқ бермаган маҳкама қолмади! Бадбахт ёмон одам экан!..

\* \* \*

Шаҳарнинг Новвойлик гузариди яшовчи, жуда кўп ер-сув, тегирмон-обжувози ва растада бир неча дўқоши бўлган бойлардан бир кўзи ожиз Ашурбой ҳожи, бултур бир зиёфатдан ярим кечада маст қайтиб, кўз тагига олиб қўйган ҳамсоя қоровулнинг ёш хотинига босқинчилик қилмоқчи бўлади.

Эри қоровулликда деб гумон қилган экан. Ярим кечада томдан ошиб, қоровулнинг ҳовлисига тушганда,

хотиннинг эри тўполон кўтариб, бойни кўчага олиб чиқади, унинг ёнига шу маҳаллалик камбағал новвойлар кириб, бойни мингбоши маҳкамасига судраб борадилар.

Мингбоши қарасаки, ўзининг улфати, дўсти Ашурбой. Халқнинг кўзида пўписа қилган бўлиб, «султон суягини хўрламас» қабилида Ашурбойни олиб кетиб уйда меҳмон қилади, кейин эрталаб жўнатиб юборади.

Бу ҳақсизликни кўрган аламзада новвойлар қоровулни етаклаб, мадрасага, Муқимийга шикоят қилиб келадилар. Муқимий бу ҳақда узундан-узоқ ҳажв ёзиб, Ғарибий орқали шаҳарга тарқатиб юборади. Бу ҳажв уста Қовулдан ҳам қочиб қутулмайди.

Соқол олдириш учун кириб, ҳажвни сартарошдан эшитган Ашурбой ҳожининг бир ошнаси оқизмай-томизмай Ашурбой ҳожига айтганда, у чидамай сартарошхонани топиб келиб, соқол олдириш баҳонаси билан Муқимийни суриштира бошлайди:

— Шонр Муҳаммад Аминхўжа ҳам келиб турадимми, уста?

— Танишлигим йўқ. Келса, эл қатори соқолни талошлатиб чиқиб кетади.

— Муқимий кимларни ҳажв қилган. Сиз билмай-сизми?

Уста Қовул бойнинг бўйнига рўмол солиб, сув билан роса ишқалаб, сочга устара юргизгандан кейин жавоб беради:

— Дарвоқе, Муқимийнинг кимларни ҳажв қилганини сўрадингизми?

— Шуни билмоқчи эдим.

— Муқимий кўпроқ риёкор, ноинсоф уламолар билан бойларни ҳажв қилар эмиш...

— Масалан, сизга аниқроқ бўлгани...

— Аниқроғи, жанобингиз тўғрингизда ёзилган ҳажвдан андак хабарим бор, ундан қисман ёд ҳам биламан. Керак бўлса айтиб ҳам бераман.

— Ҳозир айтиб беришингизнинг кераги йўқ. Бир қозга ёзиб, бу ҳажв Муқимий томонидан ёзилганини тасдиқлаб, остига имзо чекасиз. Бу хизматингиз учун сизга ҳақ тўлайман!

Уста Қовул қўлда устара билан бойга тикилади:

— Саводсиз одамман, балки хато ёдлагандирман. Билганимни мен айтай, сиз қулоқ солиб, тасдиқлаб туринг.

— Нималар деяписиз? Нимани тасдиқлайман!

— Тунда бўлган воқеани... Қулоқ солинг!

Уста Қовул ёдлаб олган мазкур ҳажвни овозини ба-  
рала чиқариб ўқий бошлайди:

— Ажаб халқ эканмиз, қизиқ рўзгор,

Қизиқ ҳодиса, турфа лайлу наҳор.

Ашурбойдин эшитинг қиссани,

Аё, эй, Фарғонада номдор.

Қоровул уйидин ярим оқшоми,

Баногоҳ бўлди фиғон ошкор.

— Бас!.. Айтиб беришнинг кераги йўқ!

— Жон, бой ака! Тишингизни тишингизга қўйинг,  
мазали жойи энди чиқяпти!..

Маҳалла бу ҳангомадан уйғониб,

Эшигига келди сағиру кибор.

Босиб кирдилар, бу нечук дод деб

Уйига қоровулнинг беихтиёр.

— Сочимни олдирмасам қутуламанми? Қандай яра-  
мас устасиз?..

— Ҳажвнинг ёғлиқлари энди чиқади, озгина қаноат  
қилсинлар, ўз кирдикорлари очиб ташланган.

Ашурбой зарда билан ўрнидан туриб, бўйнидаги рў-  
молни иргитади, ярим сочи олинган бошига саллани  
бостириб, иягини силайди ва сартарошхонадан чиқиб,  
мингбоши маҳкамасига жўнайди.

\* \* \*

— Қўрқманг, дадил бўлинг, ҳамма айбни каминага  
юклай беринг, ўз тирикчилигингиздан қолманг, уста! Бу  
ҳажв тухмат эмас, ҳақиқат!

— Аёлманд одамман, сартарошлик билан олти жон-  
ни боқиб, аранг кун ўтказиб турибман! Бир кор-ҳол юз  
бермаса деб қўрқаман...

Муқимий кулимсираб, бош чайқади:

— Дадил бўлинг, дўстим, яна янгиликларни ёзамиз!  
Биз қутурган Ашурбой ҳожилардан дод деб ярим кеча-  
да сочинни юлган гуноҳсиз, маъсумаларнинг ҳаққи ҳур-

мати учун ёзамиз, сиз ўшаларнинг ҳурмати учун барала ўқий беринг! Менинг сиздан илтимосим шу!

Иккалалари бир-бирларига қарашиб, маъноли кулишиб олдилар. Муқимий қўшимча қилди:

— Сизни мингбоши маҳкамасингами, қозихонагами чақиртиргудек бўлса, келинг, мен ўзим бирга бораман.

— Сизни ҳам ҳафа қилиб қўймасалар деб қўрқаман.

— Чумчуқдан қўрққан деҳқон тариқ экмас эмиш.

— Менга изожат берасиз, эшон ака. Дўкон очиқ қолган эди, бошқа вақтда келиб, янги ҳажвларни эшитиб кетаман.

— Шундай бўлсин.

Уста Қовул хайрлашиб чиқиб келди, Ғарибий ташқаридан бир қучоқ тараша ўтин билан кириб, Муқимийга маъноли жилмайди:

— Миён Сотиболдихон ҳовуз бўйида сизни сўрадилар, бир киши гапга тутиб қолди, ҳозир кирсалар керак.

Бу хабарни эшитиб, Муқимий ўрнидан қўзғалди, Ғарибийга тўшак устига яна тўшак ёзиш, ҳужрани йиғиштиришни таъкидлаб, дўстининг истиқболига шовилди. Даҳлиздан чиқиб улгурганча йўқ эди, жипловхонадан кирган Сотиболдихон Муқимийни кўриб қулочини ёзди, дарпарда олдида кўришиб, ҳужрага юрдилар.

Миён Сотиболдихоннинг қайнатаси, мадрасанинг бошмударриси домла Зуфар маҳзум Рўзимуҳаммаджон Москвадан келган кун Муқимийни ўз ҳужрасига чақиртириб, рус кийимида бўлган Рўзимуҳаммаджоннинг мадрасага киришига норозилик билдирганида Муқимий бу ҳақда Миёнга шикоят қилган, Миён эса ноқулай аҳволга тушиб индаёлмай қолган эди.

Миён Сотиболдихон Рўзимуҳаммадни дўппи-тўн кийиб юриш шарти билан мадрасада бўлишига қайнатасини рози қилган бўлса ҳам Муқимий Миёндан ўзини опқочиб юрарди. Миён ҳужрага кира солиб Рўзимуҳаммадни йўқлади, ўтган гаплар учун Муқимийдан узр сўраб, тоға-жиянни ўз меҳмонхонасига таклиф қилди.

— Жиянни яқин кунда қайтиб кетишини эшитдим. Шу ростми?

— Рост. Икки-уч кун орасида жўнаши керак. Шунда ўқиш бошланишига зўрға етиб борар эмиш. Шунинг

учун узр. Келгуси ёзда келганида сизга меҳмон бўлсин. Балки у келишида мадрасадан бошқа ерга тушириш имкони бўлиб қолар...

— Бунчалик хафа бўлишингизни ўйламаган эдим.

— Агар Зуфар маҳзум домла: «Московда ўқиётган жиянинг туфайли ўзинг ҳам мадрасада истиқомат қилишга ҳаққинг йўқ» деб чиқишимни талаб этсалар, ўзим туғилган харобада ёки бечора Ғарибийнинг товуқ катагидек кулбасида ҳаёт кечиришим мумкин!

— Соғиниб келган дўстини хафа қилиб чиқариш ода-ти сизда йўқ эди, қаердан орттирдингиз бунинг?..

Миён жилмайиб шу сўзни айтди-ю, ҳужра тўридан жой олди. Муқимий ҳам индамай Миён ёнига ўтирди. Бир оз сукутдан кейин Миён ўчоқ олдида капгир ушлаб анқайиб турган Ғарибийга қаради:

— Ошни жадаллатинг, мулла Исмоил. Қорин оч... Ғарибий, Миён нима дер эканлар, дегандек, Муқимийга қаради, Муқимий Ғарибий орқали дўсти Миёнга шама қилди:

— Миён «очман!» деяётганларига ҳайрон бўляпсизми? Ҳайрон бўлманг! Сўнгги чоғларда сиздан куладиган бўлиб қолганлар.

Ғарибий бу кинояга тушуниб, кула-кула, зирбакка сув қуйди, сўнг қайрилиб Миёнга қаради:

— Агар тақсир, ҳар куни ҳам шундай бехаслик билан қадам ранжида қилиб турсалар, ўзимни баққолга гаров қўйиб ҳам бўлса, бир сиқим палов қилиб берар эдим. Бизни йўқламай қўйдингиз...

— Ана холос! Ош пишгунча икки кишилашиб ўпкагина билан зиёфат қиласизлар шекилли? Дарвоқе, Наманган борган эдим, дўстингиз Эшон бобохон — Нодим кўпдан-кўп салом йўлладилар. У жанобга бир кеча меҳмон бўлдим, келар ой ўғил уйламоқчи эканлар, тўй олдидан ўзлари келиб, сизу бизни таклиф қилмоқчилар.

— Саломат бўлғайлар.

— Мен меҳмон бўлган кеча меҳмонхоналарига бир неча кекса-ю ёш созанда ва ҳофизлар ҳам таклиф қилинган эди. Наманганга хос хонақойи мақомлар тинглаб ҳузур қилдик, шеърхонлик ҳам анча яхши ўтди. Айниқса, Наманганнинг ёш шоирларидан бир нечаларига ҳамсуҳбат бўлиб, мамнун бўлдим. Насиб қўшилса, тўйга албатта бирга борамиз, эшон!

— Ҳовва! Наманганга боролмаганимга ҳам анча йил бўлиб кетди. Ўзим ҳам бу йил борниш мўлжалим бор эди. Эшон Бобохон тўйга айтса, албатта борамиз.

Орага совуқчилик солиб турган ўпка-гиналар булут тарқалиб, беғаразлик ва самимий дўстлик қуёши ҳужрага нур сочди, кўнгил ҳужралари ёришиб кетди. Миёнинг илтимосига мувофиқ Муқимий Шоҳимардон ва Рошидон, Тўдаси хотираларини қисқача қилиб айтиб бера бошлади, шу пайт ҳужра эшигидан учала йигитча кириб, Миёнга одоб билан салом бердилар. Миёнулар билан иссиқ сўрашиб, Рўзимуҳаммаддонни ўз ёнига ўтқазди ва эртага меҳмон бўлишларини илтимос қилди, ошни биргалашиб еб, Муқимийдан рухсат сўради:

— Ўзингиз бошлаб кира берасиз, эшон! Мавлавийга ҳам одам чиқараман, яна кўнгил хоҳлаганларни ўзингиз таклиф қилинг!

— Бемалол бўлса, Шаҳрисабз маҳалладан Муҳаммаддонни олдириб келсам, танбурни шу ердан топамиз. Каминадан олиб кетган бир-икки газалга чиройли куйлар боғлабди деб эшитдим...

— Нур — аъло нур! Маза қилишамиз!..

Муқимий дўсти Миённи жиловхонагача кузатиб, очиқ чехра билан ҳужрага қайтди. Қоронғи тушгунча ёшлар билан суҳбатлашди. Кейин Акбархўжанинг қўлига бир коса ош тутқазиб, Зиёда ая ёнига, Муҳаммад Акрамни Шалдирамоққа жўнатди. Рўзимуҳаммаддон билан, уни жўнатиш, ҳамроҳ топиш учун масковчи Азимжон бойвачча билан гаплашиш, совга-салом тайёрлаш ҳақида маслаҳатлашишга киришди.

Эртаси суриштириб, Москвага бирга кетадиган ҳамроҳ топдилар, бозордан совга-салом харид қилиб, ўша кеч Сотиболдихонга меҳмон бўлгач, унинг эртасига ҳамроҳга қўшиб, Рўзимуҳаммаднинг Москвага жўнатилди.

Муқимий билан вокзалдан бирга қайтган Ғарибий шошиб кириб, ҳужрани очиқ кўрди, мулла Абдулла қишлоқдан чарчаб келиб ухлаб ётган эди, уйғониб, Ғарибий билан кўришди:

— Эшон аканинг саломатликлари яхшими?..

— Яхши... Рўзимуҳаммаддонни поездга узатиб чиққан эдик, қайтдик.

— Эшон ака ҳам қайтиб келдиларми?..

— Ташқаридалар. Равдойларидан анча хафа кўринадилар.

— Яккаю ягона жияилари келиб, анча хурсанд бўлган бўлсалар, уни узоққа узатиб, энди кўнгиллари чўккан бўлиши мумкин.

Мулла Абдулланинг сўзи тамом бўлмасдан Муқимий кириб келди, ўз хафагарчилигини яшириб, қаршисида гуноҳкорларча жилмайиб турган мулла Абдуллага қўлини узатди:

— Сизни қишлоққа бориб касал бўлиб қолдими деган ташвишда эдим. Кампир бардамми?

— Кампир кўпдан-кўп салом айтдилар.

Мулла Абдулла кампирнинг саломини айтиб туриб, қозиқдаги тўнни олди ва ёзиб Муқимийга тутди:— Кампир сизга атаб ўз қўли билан қоплабди!

Муқимийнинг кўз олдини қоронғилик босди, мулла Абдулла тўнни елкасига солганини ҳам пайқамай, кўзларини чирт юмганича узоқ туриб қолди. Сўнг аста бурилиб, ўрнига ўтирди, типпа-тик қотиб турган икки бечора Муқимийнинг киприкларида ёш қатралари борлигини кўрдилар. Бир нафасли жимликдан кейин Муқимий ҳазин оҳангда:

— Ҳатто ўша узоқ каримдевозналик кампир ҳам бу шўрлик Муқимийнинг гаму ташвишини тортади!— деди.— Мунча ҳам нўноқ одам бўлиб яратилган эканмиз?..

Муқимий бу гапни айтиб кулимсиради ва енг учи билан киприкларидаги кўз ёшларини артди. Буни кўриб Ғарибий ва мулла Абдулла ҳам киприкларига ёш олдилар. Ғарибий, Муқимийнинг сўнгги жумласини илиб:

— Мунча ҳам нўноқ одам бўлиб яратилган эканмиз, дедингиз, мулла ака. Бу фикрингизга мен ҳам қўшиламан. Нўноқ, содда бўлмаганимизда, шундақа бемаъни замонда туғилмаган бўлар эдик!— деди.

Ғарибийнинг топган бу сўздан Муқимий ва мулла Абдулла беихтиёр жилмайдилар. Ғарибийнинг ўзи ҳам қўшилишиб кулди, у юз терларини яқтак этагига сидириб, сўзини энтика-энтика давом эттирди:

— Қийналишимни билиб, оёқни тираб туриб олган эдим, онам бечоранинг дод-фарёди мени бу дунёга тушишимга мажбур қилди...

Муқимий бу ажойиб шогирдининг сўздан яна қаттиқроқ кулди.

— Аслида кўнгилчан бўлгансиз-да!

Ғарибий кулги орасида Муқимийга жавоб қилди:

— Кўнгилчанликдан ташқари сизу биз хом эканмиз. Нега десангиз, ишига пишиқлар яхши замон келишини пойлаб туғилишмай туришибди!..

Кулги бир-бирига уланиб узоқ вақт давом этди, ҳар учалалари кўкракларини ушлаб, ўзларини кулгидан тўхтатдилар. Ғарибий нон, ҳолвани ўртага ушатиб, аччиқ кўк чойни қайтарди ва тиндириб қуйиб узатди. Анчадан кейин Муқимий жиддий оҳангда Ғарибийнинг боя айтган сўзига юксак баҳо берди, бу — ҳалигача, ҳеч бир шоир айтмаган ва айта олмаган қимматбаҳо сўз, деди. Ғарибий қуллуқ қилиб қўйди. Ҳар иккала йнгит Муқимийнинг сўзини охиригача қим этмай тингладилар.

— Ҳурматли Миён Сотиболдихон бу ҳужрада дахлсиз ҳаёт кечиримиз учун кўп йилдан бери такагоҳ, яъни суялчиғимиз бўлиб келди. Ошна-оғайнилар туфайли оч-яланғоч қолаётганимиз йўқ. Нега шундай? Мен Шоҳимардонга бориб, шайхларни кўрдим, Тўдага бориб, тўра, бекларнинг меҳмони бўлдим. Шайхлар содда кишиларни алдаб қўлларидан нонларини тортиб олаётганларини, тўралар эса юз-юз кишилар меҳнати эвазига шоҳона ҳаёт кечириётганларига яна бир карра шохид бўлдим.

Узоққа бормай, ўз мадрасамизда ҳам ўшандай шоҳона ҳаёт учун жон олиб, жон бераётган кишиларни топа оламиз. Аммо ҳожи Муҳйилар давлатмандлардан тўнкийса, Муқимий узоқ каримдевоналик кампир суту қатиқ сотиб тиккан тўнни кияди, Ғарибий ҳаммоллик қилиб топган тангасига нон билан ҳолва, мулла Абдулла қишлоқда мардикор ишлаб, гуруч, сабзи-пиёз кўтариб келади.

Бу ҳаётдан ҳам хурсанд, ҳам хафаман, гоҳ шукур қиламан, гоҳ қаҳрим келади, гоҳ куламан, гоҳ йиғлайман. Кулким ошқору йиғим яширин! Бунинг сирини билмайсиз, азизларим! Бунинг сизга айтиб бермоқчиман. Сиз азизларим, менга нисбатан садоқат кўрсатиб, бирга яшаб, бирга ошаб, оч бўлсам оч, тўқ бўлсам тўқ, қоронги ҳужрада бирга истиқомат қилаётганликларингиздан хурсандман. Аммо мен учун ўз инсоний ҳузур-ҳаловатингиздан кечиб, умр ўтказаётганликларингиздан хафаман!

Оддий кишилар ҳурматига сазовор бўлиб, уларнинг уйи тўридан ўзимга ўрин топганимга шукур қиламан. Аммо ҳали ўша оддий кишилар ҳурматига яраша уларга



қайтара олмаганимга хафаман! Маддоҳлик, риёкорлик-ни касб этиб олган мутавалли ҳожи Муҳйи, Зиёхон тўра — Ҳазинийлар имон, виждонларини сурра тўнларга алиштираётганларини кўриб, қаҳ-қаҳ уриб куламан. Аммо айна замонда неча-неча шоирлар, тенги йўқ санъаткорлар бурчак-бурчакда чивик бордон устида фақирлик билан умр кечираётганларини кўриб, йиғлагим келади.

Бу сўзни дарё бўйида ўтириб, кема мубоширига айтганимда, у менга шундай деган эди: «Унинг учун сиз хурсандлигингизни ҳам, кулгингизу йиғингизни ҳам мисраларга айлантириб, улардан ўзингизга ҳайкал тикланг, бу ҳайкал бир кун эмас, бир кун тилга кириб, янги дунё эгаларига ҳаммасини сўзлаб беради...»

Кечки чойхўрлик устида шогирдларига Муқимий ўз режасини айтиб берди: эртдан бошлаб Муқимий яна хаттот Муҳаммад Юсуфхон қилқаламининг хизматларига қайтиб, кундузи устозга кўмаклашади, қалам учидан келган даромад билан баҳоргача ҳужрада ҳаёт кечириб, шу вақтгача ёзилган манзумаларни тартибга солиб, баёз ҳолига келтиради, яна янги ғазал, мухаммас ва ҳажвлар билан уни тўлдиради. Баҳорда Мавлавий Йўлдошни бирга олиб Тошкентга боради, Тошкентда шоир мулла Қаримжон Камий ва Зокиржон Фурқатлар ёрдамида баёзни чоп қилдиради, агар Тошкентдаги дўстлар қистаб қўймасалар, бирор йил Тошкентда туриб, чоп қилинган баёздан келган даромаднинг бир қисмини Ғарибий билан мулла Абдуллага, бир қисмини Акбархўжага деб, Эгамберди ҳожи номга юборади.

— Бу қиш хаттотликдан тушган ақчани харжлаб, ҳар учовимизга маҳси-калиш оламин, бир сидрадан кийим кийиб, лоақал ҳар пайшанба, пиртак ош қилиб туриш учун гуруч ғамлаб қўямиз. Мулла Исмоилнинг саҳтиён чопонини улоқтириб, ясантриб қўйиш ниятим бор...

Устозидан бу хушxabарни эшитган Ғарибий ўрнидан сакраб туриб қуллуқ қилди, Муқимий ўша жиддийлигида туриб, иккалаларига тикилди ва бошқачароқ оҳангда сўзини давом эттирди:

— Бу сўзлар камоли муҳаббатдан, камоли кўнгли яқинликдан айтилаётгани учун бошқача фикрларга борилмас деб. ўйлайман. Мен баъзи хижолатчиликлардан хориж қилиш учун енгилроқ бир касб исталинса яхши

бўларди. Бу касб сизларга бир кунлари менсиз кун кечириш вақти келганда рўзғор тебратиш ямқонини берса... Бу албатта, топиб келиб, бирга қозон қайнатинг деган сўз эмас...

Бир оз сукутдан кейин Ғарибий Муқимийга ярқ этиб қараб:

— Бир касб толган эдим, аммо сизга айтишга ийманиб юрган эдим,— деди.

— Ийманиш нимаси? Ҳунарнинг айби борми?

— Узи яхши ҳунару номи хунукроқ...

— Таажжуб. Бу қандай ҳунар бўлди?..

— Шайхонлик қори ғассол: «Менга шогирд бўлинг» деб бир неча бор айтган бўлса ҳам сизга айтишга тилим бормай, ана-мана қилиб юрибман.

— Ҳай-ҳай!.. Мунча ҳам «иссиқ» касб? Аслида нони бутун касб, шоҳ ҳам сизга муҳтож, гадо ҳам. Бироқ, дунёдан кўз юммай туриб, ғассол номини эшитмайман. Чунки мен ёзадиган манзумалар ҳаёт қўшиқларидир. Аҳвол шу бўлса, ёзганлар бошдан-оёқ, охират, ўлим даҳшатларини тараннум этган Ҳазиний тўрага сизни ҳамҳужра қилишга тўғри келади!..

Бу сўзни эшитиб, пойгаҳда чўкка тушиб, чой қуяётган мулла Абдулла ер остидан ёнбошида мусичадек шумшайиб ўтирган Ғарибийга қараб, ўзини тутолмай кулиб юборди. Бу қулгига Муқимий ҳам аралашгандан кейин жиддий тус олган суҳбат ҳазил-мутойибага айланиб кетди. Мулла Абдулла ўрнидан туриб, қозон-товоқ ювишга, Ғарибий эса Муқимийни уқалашга киришди:

— Бадхатлигим қурсин! Хушхат бўлганимда паршон ғазалларингизни аллақачонлар оққа кўчириб, интизомга солган бўлар эдим!

— Шоир киши хушхат бўлиши керак. Бадхатлигингиздан доим нолиганингиз нолиган, ҳар дафъа тузатишга ваъда берасизу ҳафсалангиз йўқ, эртаси ёдингиздан фаромуш бўлади.

— Бугун жуда кўп гап эшитдим...

— Малол келдими? Малол келган бўлса, уқаламай кўя қолинг.

— Малол келгани йўқ, ёғдек сингиб кетди...

— Ғассолга шогирдлик эмиш-а?

— Бемаъни шоирликдан ўша ҳунар яхши! Бировларга манзур шеър ёзиш қўлимдан келмагандан кейин...

— Нега ўзингизни бунча ерга урасиз? Шоирлик датовсини қилиб, ўзини ҳар ерда мақтаб юрган анчайин шоирлардан сиз баландроқсиз. Холқора деб ном чиқарган ёш ашулачилар томонидан айтилаётган ашулалар орасида элга манзурлари сизнинг ғазалингиз эмиш-ку?!

— Кимдан эшитдингиз?

— Муҳаммаджон Макайликдан. У киши менга кеча жуда мақтаб гапирди. Ҳайронманки, бизникини қайта-қайта ўқишга устасизу, ўзингизникини кўрсатмайсиз...

— Эшитасизми?

— Майли! Қўлингиздан тан, шеърларингиздан руҳ ғизолансин.

Ғарибий уқалаб туриб, ашулачиларга берган ғазалини айтиб бера бошлади:

«Жоно, жамолу васлинг бир кўргали ҳамиша,  
Бўлди бу умрим охир, айларда истихоро.  
Бир учрасанг кўзимга, ақлим келиб ўзимга,  
Шояд муяссар ўлгай ул дамда васл, ёро.  
Зоғу зағанни ҳаргиз булбулга қилма ташбеҳ,  
Ошиқ эли қошида зоҳид эли чиқоро.  
Бу молу пул деб, эй ёр, берма кишига озор,  
Ҳаргиз вафоси йўқдир дунёни, сангу хоро.  
Ул ҳофизи хуш илҳон айди бу сўзни чандон:  
Бо дўстон мурувват, бо душманон мадоро...»

Шеър ўқиш охирига етмай, билинар-билинемас хуррак эшитилди, Ғарибийнинг ҳафсаласи пир бўлиб, аста ўрнидан турди-да, ўчоқ олдидаги мулла Абдуллага қараб, ўпканамо дўнғиллади:

— Шеърингни ўқиб бермадинг, деб қойишларини кўрингу, ўқиб берганда хурракка қулоқ солинг! Эсиз, ўқиганим ҳабата кетди!

\* \* \*

Мавлавий Йўлдош билан Отажонбек ваъдага мувофиқ эрталаб ҳужрага келишди. Муқимий улар билан бирга Тоғлиқ гузарига, уста Мамазокирнинг қизига совчиликка кетдилар.

Уста Мамазокир бу азиз меҳмонларни уй тўрига ўтказиб, улар атрофида парвона бўлди. Қувончи ичига сиғмай турганда, дастурхон устида Мавлавий Йўлдош

мақсадга кўчди, яъни, мулла Носир охун томонидан совчи бўлиб келганларини изҳор қилди.

Уста Мамазокир ўрнидан сакраб туриб қуллуқ қилди ва мамнуният билдириб, бундай деди:

— Бунга розилигимни маҳалладаги ҳамкасбларимга аллақачон билдирган эдим. Қизимни муллага унинг имомлиги учун эмас, яхши инсон, яхши санъаткор бўлгани учун бериш ниятида эдим. Қачон десаларингиз тўйга тайёрман, у кишидан кўп нарса умидвор ҳам эмасман. Шунини ҳам айтиб қўйишим керакки, ичкуёв қилиб олиш учун ортиқча уйим йўқ, аёлманд косиб кишиман. Агар бир бошпана қуришга қурбилари етса, бу маҳалладан эгасиз, бўш вайрона топилади, ўзим ҳам қарашиб юбораман.

Совчилар бир-бирларига маъноли қарашиб олишгач, Отажонбек устанинг сўзига қўшимча қилди:

— Бу вазифани мен ўз гарданимга олман, бир ойда бир уй, бир даҳлизни тиклаймиз.

Уста Мамазокир уйга кириб кетиб, патнисда дўппи, қийиқ кўтариб чиқди, меҳмонларнинг унамаганларига қўймай, Муқимийга қийиқ, дўппи, қолганларига дўппи билан дастрўмол қўйиб, уларни келин билан табрикланди, улар устани куёв билан табриклар, ўринларидан турдилар.

Муқимий ҳаётида яна тинч-осоийшта кунлар бошланди, кундузлари хаттотлик, кечалари ижод билан машғул бўлди. У ўз касбининг равнақидан ҳам, ижодининг серҳосиллигидан ҳам беҳад хурсанд эди. Бир ойдан бери Бухорода юрган ҳожи Муҳйи яна қайтиб келиб, мадрасада кўриниб қолди. Лекин Муқимий уни кўриб, таъби хираликка йўлиқмаслик учун эҳтиёт билан ҳужрага кириб-чиқар эди.

Орадан уч кун ўтгач, кечки пайт уста Қовул бўшашиб кириб келиб, Муқимийга бир қоғоз узатди. Бу Муҳйининг уста Қовулга мурожаат қилиб ёзган насиҳатомуз шеърини эди:

«Мен насиҳат айлайинким, яхшилаб бил, сартарош,  
Эй, шарорат пешаларнинг ёри — Қобил сартарош,

Бенамозу фосиқу макруҳу жоҳил сартарош,  
Ушбу фандимни қулоққа эмди олғил, сартарош,

Ул Муқимийга дубора бўлма мойил, сартарош,  
Ул Муқимийга дубора ошнолик айласанг,

Яхшиларнинг хизматидан сен жудолик айласанг,  
Ул чапанларга агарда дилраболик айласанг,  
Ҳам падарлаънат Муқимийга вафолик айласанг,  
Бўлгуси сенда бағайраз ғусса ҳосил, сартарош.  
Ушбу дўконинг ёмон бадзотларнинг маскани,  
Жам ўлур ҳар кун чапанлар, ҳар бири бир армани,  
Аҳмақу нодону фосиқ зотларнинг маъдани,  
Сен билан доим Муқимийдек ёмон одам қани,  
Иккалангнинг суҳбатингдир заҳри қотил, сартарош».

Муқимий бу аблаҳона ёзилган мухаммасни кўздан кечирар экан, қўллари титраб, кўз ўнгини қоронғилик босди. Бир фурсат жимликдан сўнг, ўтириб туришни уста Қовулдан илтимос қилиб, ўрнидан сакраб турди-да, Миён Сотиболдихоннинг ҳовлисига борди.

Бемаҳалда эшик ҳалқаси шиддатли қоқилганидан чўчиган Миён бир болани югуртирган эди, бола қайтиб кириб, эшик олдида Муқимий тургани ва Миёнда зарур иш борлигини айтди. Миён чиқиб, Муқимийни ичкарига таклиф қилди.

— Бемаҳалда йўқлаб келганим учун афв этинг, сизга муҳим арз билан келган эдим.

— Марҳамат. Меҳмонхонада сўзлашамиз.

Муқимий ёнидан қоғозни олиб Миёнга узатди. Қоғоздаги ёзувни қоронғида ўқиш мумкин бўлмаганлиги сабабли Миён ҳайрон бўлиб, Муқимийга:

— Нима ёзилган бўлса меҳмонхонада хотиржам ўқиймиз,— деди.

— Бир гуноҳсиз бечора мени ҳужрада кутиб ўтирибди, ичкарига олиб кириб ўқисангиз, қоғозда нима ёзилгани, мени ким кутаётганлиги жанобингизга равшан бўлади. Сиздан умид қилар эдим, ҳақоратлар билан тўлган бу қоғозни улуғ ҳазратга олиб кириб, эрта наҳорда ўқиб берсангизу шаҳарга бўш қўйиб юборилган дайди, қутурган кўппакларни занжирлаб қўйишларини мен ва менга қўшилиб ҳақоратланган фақир, ҳақирлар номидан улуғ ҳазратга илтимос қилсангиз!..

Муқимий шу сўзларни титроқ товуш билан айтди-ю, жадал-жадал юриб яна ҳужрага қайтди, ҳеч нарса тушунолмайд қараб қолган Миён Сотиболдихон қайтиб кириб, қоғозни чироққа солиб ўқиб чиқди. Қоғозни ғазаб биланғижимлаб туриб, «Аблаҳ!..» деди-ю, эртани кутмай, акаси — улуғ ҳазрат боргоҳига йўл олди.

Ота ўринини эгаллаб улуғ ҳазрат уивонини олган Эшонхон ҳазрат хуфтон намозидан қайтиб, хос меҳмонхонада ёлғиз тасбеҳ ўгириб ўтирган эди. Миён Сотиболдихон кириб салом берди.

— Ваалайкум ассалом! Марҳамат!..

Миён чўккалаб ота ўрнидаги аканинг қўлини ўпди. Бироқ, Миённинг кўзлари чақнаб, вужуди титрамоқда эди. Бу ҳолатни сезган ҳазрат укасига жиддий назар ташлаб:

— Бахайр? Миён?..— деди.

Миён ёнидан қоғозни чиқариб, акасидан қулоқ солишни илтимос қилди ва ўқиб эшиттирди, сўнг Муқимийнинг илтимосини айтди. Муҳйининг мухаммасидан тортиб Муқимийнинг илтимосигача совуққонлик билан қулоқ солган бўлса ҳам улуғ ҳазрат укасининг кўнгли учун Муҳйидан койиган бўлди:

— Катта мударрис киши қаёқдаги сартарошлар билан олишиб юрганини кўринг! Муқимий ёзган бўлганда «Ҳа, Муқимий мутаваллиликни талашгани учун ёзгандир!» дейиш мумкин эди.

— Муқимий ҳеч қачон у билан мутаваллилик талашган эмас!

— Муҳйин доим менга шундай деб шикоят қилади-ку?

— Муқимийга бўҳтон! Муқимийга ялинса ҳам мутаваллиликни қабул қилмайди!

— Бўлмаса Муқимий билан нега олишади?

— Муқимийнинг истеъдодини кўрөлмайди. Шунинг учун ҳар ерда Муқимийни камситиб, пайини кесгани кесган. Ҳатто Муқимий ҳажвларини ёдлаб ўқиб юрадиган бир бегуноҳ сартарошга ҳам бу чаён наштарини санчибди!..

Ғазаби алангаланган Миёнга сув сепиб совутиш учун унинг қўлидан қоғозни олиб буклаб, ёстиқ остига қўйди:

— Бу уламнинг ноҳўя хатти-ҳаракатлари ҳақида хабар берганларида ишонмаган эдим.

— Шундай аблаҳнинг муборак мадрасамизда мутавалли бўлиб туришига асло рози эмаслигимни арз қилман!..— Қўллари титраб турган Миён ўридан турди.

\* \* \*

Муқимий хаттот Муҳаммад Юсуфхоннинг ҳужрасида ёзув билан машғул бўлиб турган эди, нафаси оғзига ти-

қилган Ғарибий кириб салом бергач, Муқимийни имлаб ташқарига чақирди.

— Шаҳарнинг кўпгина сартарошлари ва бир неча гиждапазлар сизни истаб ҳужрага борган эдилар, уларни ўтқазиб қўйиб сизга хабар бериш учун келдим! Уста Қовулни шу кеча мингбоши олдириб кетиб, қамаб қўйган эмиш. Маҳкамага бирга боришингизни илтимос қилиб келишганга ўхшайди!..

— Ҳозир...

Муқимий кийиниб чиқиб, мадраса томон йўл олди, у ердан йигирмадан ортиқ сартарош ва новвойни эргаштириб, тўппа-тўғри «маҳкама» вазифасини бажарувчи данғиллама ҳовлига кириб борди. Меҳмонхонада ҳожи Муҳйи билан суҳбатлашиб ўтирган мингбоши издиҳомнинг ҳовлига кирганини кўриб, ғазаб билан Муқимийга яқинлашди.

— Қелинг, шоир! Ҳўш хизмат?..

— Бир бегуноҳ бечора кеча қамалган экан...

— Оломонни эргаштирмай бир ўзингиз келсангиз ҳам шикоятингизга қулоқ беришимиз мумкин эди.

— Бу кишилар сиздан бегуноҳ уста Қовулни озод қилишингизни илтимос қилиб мени бирга бошлаб келдилар!

— Сизни сартарошга қўшиб олиб келмаганимиз учун шукур қилиш ўрнига-я?.. Ахир юртинг бой, уламоларини масхаралаб ёзган ҳажвларингизни халққа тарқатишда айбланган гуноҳқорни қайси юз билан озод қилинг, деб келдингиз, жаноб Муқимий?..

— Шундай экан, нима учун мени қамамай, уста Қовулни қамадингиз?

— Оқжар сизга яхши сабоқ бўлгандир деб ўйлаган эдим. Менинг ғазабимга ишингиз тушмабди.

— Сиз ўз ғазабингиздан мағрурлансангиз, мен ўз ғазалим билан мағрурланаман!

— Жудаям ҳаддингиздан ошиб кетяпсиз!

— Меҳмонхонангизнинг тўрида ўтириб ғазабингиз ҳақида қасида ёзаётган жаноб мутаваллига ўхшашим керакми?

— Кошки барча шоирлар ҳам шу одамга ўхшаса. Ҳеч кишига озор бермайди, доим мўътабар кишилар ҳурматига сазовор. Сўзни калта қилайлик! Сартарошни бўшата олмайман!

Мингбошидан бу сўзни эшитган халқ шовқин кўтариб,

олдинга сурилди. Мингбоши тисарилиб зинапояга чиқди, миршаблар одамларнинг йўлини тўсдилар. Муқимий миршаблар қуршовидан ўтиб, мингбошига яқинлашган эди, ичкаридан мунофиқона жилмайиб, икки қўли кўк-сида ҳожни Муҳйи чиқиб келди:

— Оҳҳо!.. Мавлоно Муқимий? Сиз ҳам шулар орасидамисиз?..

— Энди кўряпсизми, ҳожни ака! Ҳар доим шулар орасидаман-ку!..

Мингбоши Муқимийни мазах қилгандай, Муҳйиға жилмайди:

— Шуларнинг шонри бўлгандан кейин орасида бўлади-да! Мана бугун шуларга бош бўлиб, кеча қамалган сартарошни ҳимояси учун кептилар. Ҳолбуки унинг қамалишига жаноб Муқимийнинг ўзлари сабабчи!

Муҳйи ўзини тағофилга солиб:

— Муттаҳам сартарош дастидан ҳурматли Ашурбой шаҳарда бош кўтариб юролмайдиган бўлиб қолган деб эшитаман,— деди.— Қайф устида тентираклар, адашиб ҳамсоя ҳовлига кечаси кириб қолганига шунча шов-шув.

Муқимий бунни эшитиб қаттиқ кулди:

— Бу ишни оддий кишилар қилганда ҳоли нима кечар эди! Ҳолбуки ўша қоровул бу номаъқулчиликни асло-асло қилмайди!

— Машмашага вақт йўқ, жаноб Муқимий!

— Уста Қовулни чиқариб юборинг, қўл учида топиб тирикчилигини ўтказиб турган аёлманд киши.

Муқимийнинг бу сўзини кўпчилик баб-баравар такрорлади. Бунни кўриб муғамбир Муҳйи ўз тулкилигини ишга сола бошлади:

— Жаноб додҳо! Уша аёлманд сартарошнинг гуноҳидан ўтиб бўшатиб юборишингизни камина ҳам илтимос қиламан. Керак бўлар экан, бойга илтимос қилиб, ўз даъволаридан кечирришимиз мумкин. Фақат бу ерда мавлоно Муқимий кўпчилик олдида, қола берса, каминанинг шоҳидлигимда: «Бундан кейин ҳеч кимни ҳажв қилмайман» деган мазмунда пошшоликка бир тилхат берсинлару, шу билан иш битиб кета қолсин... Тўғрими, мавлоно?

Муқимий кулимсиреди.

— Ана энди ўзингизга келдингиз, ҳожни афандим! Тағни сиз «маликшшуаро»лик даъвосини қиласиз!



Қўйинг, сиз маддоҳлигингиздан қолманг, мен ҳажв ёзишмдан. Буни ёзиш менга завқ бағишлайди, мен шу билан Муқимийман!

Жаҳл билан меҳмонхонага кириб кетган мингбоши кетидан эргашиб бораётган Муҳйи тўхтаб, Муқимийга қаради:

— Сартарошни бўшатмай қўймаймиз! Кириб, илтимос қилганим бўлсин.

Муҳйи кириб кетиб, орадан анча фурсат ўтгандан кейин мингбошининг мирзаси чиқиб фармон эшиттирди. Миршаблар ертўладан уста Қовулни чиқаздилар.

Ҳолдан тойган уста Қовулни ўртага олиб, ҳамкасблари ташқарига олиб чиқиб кетаётганларида мирза қайтиб чиқиб бақирди:

— Тўхтанглар! Ҳали кетишга ижозат йўқ! Аввал тилхат бериши керак!

Мирза қоғоз-қалам кўтариб зинадан тушиб келди-да, яна боягидек лўписа қилди:

— Бундан буён сартарошхонага халқ тўплаб, ҳажвхонлик қилмаслиги учун пошшолик маҳкамасига тилхатни ўз қўли билан ёзади!

Бир сартарош ўртага чиқди:

— Бизнинг ичимизда Муқимий домладан бўлак саводли одам йўқ! Ҳаммамиз ҳам бармоқ босишни зўрга эплаймиз!

Муқимий олдинга чиқиб, йўриғи билан сўради:

— Мен ёзай, уста бармоқ боссин. Шу инобатга ўтадимми?

Мирза зарда билан қўлидаги қоғоз-қаламни Муқимийга ирғитди, Муқимий ҳовли ўртасида чўккалаб, тилхатни ёзди, мирза уни кўздан кечириб, уста Қовулга тутди. Уста қалтироқ бармоғини сиёҳга белаб, тилхат остига босди: «Менким, сартарош уста Қовул уста Комил ўғли бундан кейин ўз дўконимда одамларни йиғиб ҳажвхонлик қилмаслик учун пошшолик маҳкамасига ушбу тилхатни бераман».

Қосиблар маҳкамадан чиқиб, уй-уйларга тарқалишди. Йўл-йўлакай Муқимий уста Қовулга далда бериб, ўз томонидан ёзилган тилхатнинг мазмуни билан таништирди, тилхатда «дўконимда одамларни йиғиб ҳажвхонлик қилмаслик» дейилган эди. Демак бундан дўкондан бошқа ерда ҳажвхонлик қилиш мумкин деган хулоса келиб чиқади.

Орадан бир неча кун ўтди, ҳар ким ўз тирикчилиги билан овора, Муқимий ҳам хаттотлик билан машғул эди. Уста Қовулдан хабар олиш учун борган Ғарибий, ҳужра эшигидан жилмайиб кириб келди: тарки одат амри маҳол деганларидек, уста Қовул ҳажвхонликни ҳар кеча бошқа ерларда кўпроқ касибларнинг гурунгларида бошлаб юборган эмиш. Уста Қовулнинг ҳажв ўқимай тура олмаслиги Муқимийга аён эди. Буни эшитиб, Муқимий хотиржам бўлди.

Юк кўтарган ҳаммол ҳам, чармдан игна суғураётган этикдўз ҳам, тандирга нон ёпаётган новвой ҳам, кун қизигида қўш ҳайдаётган қўшчи ҳам, ҳатто эгарда қийшиқ ўтириб кетаётган аравакаш ҳам шоирнинг ишқий ғазалларини куйга солиб барала айтар эди.

Бироқ, ёзилган ҳажвларни халққа ёйиб ҳордиқ чиқарувчи битта уста Қовул эди.

Кунлар кетидан ҳафталар, ҳафталар кетидан ойлари келмоқда, тонг отмоқда, кеч бўлмоқда, гоҳ шодликнинг кетидан бир дилгирлик пайдо бўлиб, гоҳ бир хафачилик кетидан бир қувонч ҳужра эшигини қоқиб кирмоқда. Қиш ҳам тобора яқинлашмоқда, кеч кузнинг Қўқонга хос бесаранжом шамоли қутуриб, эшикларни тақиллатмоқда. Мана шундай кунларда кундузги тирикчиликни бир амаллаб ҳужрага қунишиб қайтган Муқимий иссиқ сандалга ўзини урар, овқат пишириб Муқимийнинг келишига мунтазир бўлган икки фақир шогирдига озор етказмаслик учун ҳар қандай хафачиликни улоқтириб ташлаб, улар билан ширин суҳбат қилишга ҳаракаат қилар эди.

Мана шундай кечаларнинг бири Муқимий хаттотликдан чарчаб қайтиб, сандал четига ёнбошлаган, мулла Абдулла чироқ ёғи қидириб кетган, Ғарибий эса ўчоқ олдида имиллаб, қорачироққа пилик эшмоқда эди. Қулоғини қийғи билан танғиб, дилдираган мулла Абдулла қўлида чироқ ёғи билан ҳовлиқиб кирди:

— Мулла ака, ухлаб қолдиларми? Меҳмонлар келишяпти!..

Мулла Абдулла сўзини охиригача етказмаган эди, ҳужрага Соли чакалак билан мўйсафид, оппоқ қоши кўзига тушган киши салом бериб кириб келдилар. Бу кекса, бачқирлик машҳур жўрабоши — юзбоши эди.

— Эски бетамизлигим қўзиб, сизларни бемаҳалда безовта қилишни хоҳлаб қолдим. Бетамизлик жоннинг

хузури, деб шунни айтадилар! Шу бугун шамолга ҳам қарамай йўлга тушдим. Кўнгил тортиб қолгандан кейин шамол ҳам тўсолмас экан!..

— Қадамларига ҳасанот, жўрабоши! Кошки эди, кўнгил шунақа тез-тез тортиб турса-ю, бир кеча-бир кеча тансиқ суҳбатингиздан баҳраманд бўлиб турсак.

— Аввал келишим сабабини айтиб хотиржам бўлиб олай, кейин бошқа гап қочмайди. Кампир йиққан қовун уруғ билан чигит устига зиғир эплаб ёғ ҳайдаётганимда сиз кўнгилдан ўтган эдингиз: мулла келсалар, бир кеча гулхан ёқиб, шу ёғдан ош қилиб берай деб ёғни бир ой сақладим, бормадиларингиз! Ўғил кеча тўртта қашқалдоқ отиб келган экан, мана бўлмаса деб насиба зиғир ёғ билан қашқалдоқни хуржунга солиб йўлга тушдим. Бу сўзимни кейинроқ айтсам ҳам бўла берар эди-ю, ошни бошлаб юбориб суҳбатлашганга не етсин!..

Қулгилар орасида Муқимий мулла Абдуллага ер остидан маъноли жилмайди. Соли чакалак даҳлизга чиқиб, оғзига увада тикилган обдаста, тўртта пати юлинган қашқалдоқ ва бир рўмолда тугиғлиқ гуруч, сабзи-пиёз олиб кирди. Мулла Абдулла назарида ҳужрага бир ҳуржун завқу шавқ киргандек бўлди. Ғарибий дастурхон ёзишга, мулла Абдулла ошга уринди. Жони борича аскияга муҳиб ва ҳавасманд бўлган Соли чакалак гарчи тенг келолмаса ҳам дастурхон устида жўрабошини «қи-тиқ»лай бошлади.

— Юзбоши дейман, бу ёғни Бибиубайда Янгикўрғондаги жувозда ҳайдагандирсиз-да?..

Жўрабоши нон кавшаб туриб Соли чакалакка бош иради:

— Шунга ҳам фаросатингиз етмабди-да, жон ука! Бибиубайда бўлгандан кейин у эски қўрғон бўлади-да!

Соли чакалак ҳам бўш келмади, пайровда атроф қишлоқлар номини тилга олдилар. Бу лутфдан завқланган Муқимий ҳужрани тўлдириб «шагал тўкар» эди. Аския пировардида Муқимий кўксини ушлаб, уҳ дега-нича узоқ нафас олди.

— Кўпдан бери шундай тўйиб кулмаган эдим! Гўё бу қаҳқаҳалар тўлқини юракка тўпланиб ётган ғаму гусса хасларини оқизиб кетгандай бўлди. Аския киши саломатлиги учун фойдали бўлиш билан бирга одамни зариф, ҳушёр қилади, фаҳмини ўстириб, сўзнинг маъносини кенг, кинояни чуқур англашга ўргатади,— деди Му-

қимий жилмайиб. Шу пайт Ғарибнй елкасида сочиқ, қўлида дастшўй ва обдаста билан кириб, қўлларга сув қўйди. Мулла Абдулла дастурхон ёзиб, унинг устига косадаги турпни қўйди, қўл ювиб турган Соли чакалак мулла Абдуллага тегишди:

— Мен ошни ўлтириб ейиш тарафдориман. Ким турип еса, ея берсин!

— Нозингиз мунча кўп, мулла Солижон? Илвасин гўшти менга ёқмайди деб, ҳали бизни қашқал... доғ қилмасангиз гўрга эди!..

\* \* \*

Муқимий бу кеча текин зиғир ёғлик ош учун ёки бир соатли аския учун яйраб-ёйилгани йўқ, уни мамнун қилган бошқа нарса — оддий кишилар орасида сақланиб келаётган одамгарчилик, меҳру оқибат эди.

Бир қишлоқи мўйсафиднинг шаҳардаги бир мадраса ҳужрасида умр кечираётган қашшоқ шоирга тансиқ жувоз мойи билан қашқалдоқ олиб келиб, ҳолидан хабар олиши халқнинг Муқимийга бўлган муҳаббатининг ёрқин ифодаси эди.

Муқимий чолни чой ичкизиб жўнатиб, энди Тароқчиликдаги хаттотнинг ҳужрасига бормоқчи бўлиб турганда, улуғ ҳазратнинг хизматкорларидан бири кириб келди.

— Ҳазратим сизни йўқлаптилар!..

Ҳеч қачон бундай йўқламаган ҳазратнинг йўқлашидан турли шубҳаларга тушган Муқимий боргоҳга кириб борганда, ҳазрат Муқимийни яхши қарши олди. Дастурхон ёзиб, ҳол-аҳвол сўрагач, ҳожи Муҳйи мутаваллиликдан бўшатирилганлиги ва бу вазифани Муқимийга топшириш нияти борлигини айтди.

— Жанобингиз ҳақингизда ғийбат қилиб орамизга совуқлик туширар, камина унинг сўзларига инониб, жанобингизни кўргим ҳам келмас, мадрасамизда яшашингизни истамас ҳам эдим. Кейинча булар ҳаммаси сизнинг шаънингизга бўҳтон эканлигини аниқладим ва сизни таклиф қилиб, узр айтишни лозим кўрдим. Уйлайманки, биз муносиб кўрган мутаваллиликни қабул қилурсиз...

Муқимий ўрнидан туриб қуллуқ қилди. Бироқ мутаваллилик лавозимоти тақдим қилинганлиги учун эмас, Муҳйини мутаваллиликдан бўшатирилганлиги учун қуллуқ қилган эди. Аслида улуғ ҳазрат мутаваллиликни яна

укаси Миён Сотиболдихонга топширган эди. Миён бу вазифани Муқимийга топширишни лозим топгандан кейин уканинг кўнгли учун Муқимийга мутаваллиликни таклиф қилди. Шу вазифани зимангизга олинг, деб қистаганда ҳам ҳиммати тоғдай юксак, меъдаси тўқ, вақф орқасидан бойиб, давлат орттиришдан жирканувчи Муқимий уни асло қабул қилмаслигини ҳазрат яхши билар эди. Шундай қилиб, бу вазифа Миён Сотиболдихонга юкланди. Миён ўша кунлариёқ Муҳйидан мадрасани бўшатиб қўйишни талаб қилди.

Бу хабардан Муқимий мамнун бўлса-да, Муҳйининг осонликча чиқиб кетишига ақли бовар қилмас эди, унинг қулоғи доим ташқарида эди. Дарҳақиқат, мутаваллиликдан бўшаб, катта даромаддан айрилган Муҳйи ҳужрадан кетиш ўрнига ҳазратга қарши иғво тарқата бошлади. Атрофига ҳаммаслақ уламоларни тўплаб, шаҳар ҳокимига қўйдаги мазмунда шикоят ёздирди: «Худоёрхонга пир-комил бўлиб, бу ҳазратларнинг оталари Ҳиндистондан Қўқонга келган эди, ҳозир Худоёрхон эмас, улуғ рус подшоси ҳукмдор бўлган мамлакатда пир-комил авлодининг хон томонидан инъом қилинган ер-сувга хўжайинлик қилиб, давру даврон суриши замонга муносиб иш эмас» ва ҳоказо, ва ҳоказо.

Улуғ ҳазрат ва Миёни ҳоким чақириб текшираётган пайтда Миён Сотиболдихон, Муқимий ва бошқаларни тўйга таклиф қилиш учун келган Нодим, ёнида икки киши билан тўғри Муқимий ҳужрасига келиб тушди.

Эшон Бобохон — Нодим, Машраб ва Мажзўблар ватани бўлган қадимий Наманганда Абдукарим Фазлийдан кейин ном қозонган катта шоир бўлиб, олим ва давлатманд киши эди. Айни замонда шаҳар даҳаларидан бирида қозилик қиларди.

Шунча илм, шунча давлат ва шунча амал эгаси бўлишига қарамай, у Муқимийга мухлис, бегараз дўст бўлиб, кўпгина салмоқдор ғазал, мухаммаслар муаллифи эди. Бу шоир зоҳиран мутаассиб бўлса-да, шеърлари кўпчиликка манзур эди.

Нодимнинг келганини эшитган Мавлавий Йўлдош, Убайдулла Завқий, Усмонхўжа Зорий ва бошқалар ҳужрага тўпланган эдилар. Шоирона суҳбат ярим кечагача давом этиб, Нодим томонидан барчалари тўйга таклиф қилинди. Орадан икки кун ўтгач, узрли бўлган Миён Сотиболдихон билан Мавлавий Йўлдошни

қолдириб, Муқимий, Завқий, Муҳаммаджон Макайлик ва Ғарибий бир соябонли аравада Нодим араваси кетидан Наманганга жўнаб кетдилар.

Аравалар тушдан кейин Бибиубайдадан чиқиб, қум кечиб, кеч пешинда Сирдарё соҳилидаги қамишзор Қичик Бешсерка, Катта Бешсерка деб аталувчи қишлоқ харобаларига етиб келдилар. Бу қишлоқларда яшовчи қорақалпоқ элатидан бир неча уруғ ёз мавсумларида қамишдан бўйра-бордон тўқиб, кўл балиқларини пишириб, атроф қишлоқ бозорларида сотиш ва овчилик билан кун кечирардилар.

Бу қишлоқлардан ўтиб бораётганларида бўрибосар азамат итлар югуриб келиб, араваларни ўраб олар, отга ҳамла қилар, қорақалпоқ аёллари ўтовлардан чиқиб, итларининг отларини айтиб чақиритарди. Шу йўсинда йўл босиб борар эканлар, Муқимий дўстларига бу ерлар тўғрисида маълумот бериб борарди:

— Ёз кунларида бу қамишзорларни кесиб ўтган йўлларда пашшалар ўткинчиларга шундай ҳужум бошлайдиларки, Наманган боғларининг сайр-саёҳатидан ҳам кечиб, қайтгинг келиб қолади. Ҳозир кечки куз, қамишлар ўриб олиниб, аччи кўлмаклари дарёга ташланган, пашша йўқ. Бунинг учун шукур қилиш керак.

Қўҳна канал устидаги «Мусулмонқул тўғони»дан жон ҳовучлаб ўтиб, аравалар Момохон<sup>1</sup> қишлоғи томон йўл олди. У вақтларда кема шу қишлоқ яқинидан ўтар эди. Момохон харобаларига етиб келгач, отларга дам бериб, ўзлари овқатлана бошладилар.

Кема қайтиб ичидаги от, арава юкларни соҳилга чиқаргач, нариги соҳилга ўтгувчилар кемага чиқиб олдилар. Хулласи калом, сой ёқалаб қир ошиб, Чуст, Тўрақўрғон орқали йўлларда отларга дам бериб, хуфтон пайтида Наманганга кириб бордилар.

— Йўл азоби — гўр азоби, деб шуни айтилар эканда, — деди аравадан тушаётган Ғарибий Завқийнинг қулоғига келиб, — мана, Наманганга ҳам етиб келдик. Аммо бир-икки кун ичида одам бўлишимга ақлим етмай турибди.

Шоир Нодимнинг ҳашаматли бир меҳмонхонаси азиз

<sup>1</sup> Момохоннинг қадимий номи «Бобоҳон» бўлиб, дарёнинг нариги соҳилидаги Аҳси харобаларини Бобоҳон номли шохнинг пойтахти деб айтар эдилар. Бобоҳон эса афсоналарга кўра Зухранинг отасидир.

меҳмонлар учун ажратилди. Тўй бошланадиган кунгача уларни шу меҳмонхонада кутдилар, тўй куни уларни бошқа меҳмонхонага таклиф қилдилар. Муқимийни мустасно қилганда Завқий, Муҳаммаджон ва Ғарибийнинг Наманганга биринчи келишлари эди, шунинг учун кундуз кунлари улар шаҳар айланиб томоша қилдилар.

Гарчи куз пайти бўлса ҳам шаҳар бозори мевалар кўрғазмасига ўхшаб кетар, дўжонларнинг шифтига узум, нок осилган эди.

Атрофи тоғ, қирлар билан ўралган бу мўъжаз шаҳар доим хушбахра, обод, кўчаларидан сув ўйнаб ўтиб туради, тепаси дарахтлар билан қопланган. Халқи содда, тили ширин, асосий халқ боғдорчилик, косибчилик, деҳқончилик билан шуғулланар, шаҳарда савдо-сотик ҳам тараққий этган, Қўқонга ўхшаш бу шаҳарга ҳам пахта заводлари қурилган, ишчилар мояси тобора кўпаймоқда эди.

Қўқон билан Наманган ўртасига темир йўл қуриш ҳақидаги хушxabар ўша кунларда оғиздан-оғизга кўчиб юрарди. Маҳаллий пахтачи бойлар ўзаро пул тўплаб, Москвадаги фабрикант хўжайинларидан ёрдам сўраган эдилар. Чунки дарёга кўприк солиб, қир кесиб, кўл тўлдириб, поезд юргизиш учун катта сармоя керак эди.

Шаҳар кенгайиб, тартибли янги кўчалар очилмоқда, рус капиталистлари бу йўллар четига ўзлари учун данғиллама иморат қуриб, ёз бўйи маҳаллий гумашталари билан кайфи сафо қилиш пайдан, мутаассиб эшонлар эса содда Наманган аҳлини талаш фикрида ҳар маҳаллага хонақо қуриб, кеча-кундуз зикру само билан қулоқларни батанг келтирмоқда эдилар.

Уч кун бекорчиликда шаҳар айланиб, пасту баландини кўздан кечирган икки ёш шоир, бир санъаткор кеч қўшхонага қайтиб келиб, ўз таассуротларини Муқимийга ҳикоя қилиб берар эдилар. Кун бўйи Нодим ёнидан узоқлаша олмай, Нодимнинг кўнгли учун таниш, нотаниш меҳмонларни қўл қовуштириб кутиб, улар билан муомаладан чарчаган Муқимий кечаси уч ҳамроҳнинг навбатма-навбат сўзларига қулоқ бериб толиқарди.

— Азбаройи шифо, тезроқ тўй ўта қолса-ю, жўнай қолсак! Солинаётган гуногун дастурхон, бўлаётган ҳурматларга ношукурчилик бўлмасину мен учун ўша ҳужра дурустга ўхшаб қолди...

Гап навбатини кутиб, топган-тутган таассуротларини юрагига тугиб ўтирган Ғарибий луқма ташлади:

— Менинг оғзим ҳаққари бўлиб қолди. Қўқонга, хужрага боргандан кейин нима қиламан? Чакана меҳмондорчиликлар бўлмаяпти!..

Ғарибий одати бўйича ҳар доим қаттиқ гапирар эди, ундан бу сўзни эшитган Муқимий ташқарига қараб, бир қўли билан ўз оғзини ёпди:

— Жим!.. Шарманда қилаёздингиз! Яхшики, ҳеч ким йўқ экан. Айб ўзингизда! Хизмат қилиш учун мендан бошқа бадавлатроқ одам қуриб кетганмиди? Одам бўлмай қолинг!..

— Афв этинг, мулла ака! Дўстингиз Нодимнинг давлатларини кўриб, ҳавасим келди.

— Ҳавас яхши, ҳасад ёмон! Эшон Бобоҳон — Нодимнинг давлатини ҳавас қилса арзийди. Бироқ биз давлатманд бўлганлиги учун унинг тўйига келмадик, балки давлатдан кўра биз учун унинг қадру қимматини оширган шоирлиги учун келдик. Суҳбатни тўхтатиб, оз-моз ухлашиб олсак маъқулроқ бўлар эди. Нодим Наманганнинг кексаю ёш шоирлари ва ҳофизларини бу кеча энёфатга чақирган.

Суҳбатни тўхтатиб, тўртовлари бирор соат ором олишгач, тўйхонага таклиф қилиндилар. Катта меҳмонхонага солинган тўкис дастурхон атрофи шоирлар, саъяткорлар билан банд эди. Қўқонлик меҳмонлар шарафига бағишланган ялла базми ва шеърхонлик ярим кечагача чўзилди.

Эртаси тўй бериш, унинг эртаси никоҳ маросими ўтгач, шоир Нодим фотографчи чақиртириб, Наманганнинг истеъдодли бир неча кекса шоирлари иштирокида Муқимийни ўртага олиб суратга тушишни мувофиқ топди. Бунни эшитган баъзи мутаассиб шоирлар таассуф билдириб, ўзларини четга олдилар. Лекин Муқимий Нодим ва Наманганнинг бир қанча шоирлари билан ёнма-ён ўтириб, суратга тушди!

Тўй тугаб, охирги кун кўпчилик қатори Муқимий, Завқий, Муҳаммадҷон Макайлик ва Исмоил Ғарибийга тўн кийдирилгандан кейин арава қўшилди. Туш пайтида Муқимий ва унинг дўстлари наманганлик оғайинлар билан хайрлашиб, йўлга чиқдилар.

<sup>1</sup> Бу ноёб фотосуратни Нодимнинг ўғли 1937 йилда ёқиб юборган.



Кўнгилли ўтган бир ҳафта, айниқса, Қўқондан ҳатлаб нарига чиқа олмаган Ғарибийда катта таассурот қолдирган эди. Қўқонга етгунча бир неча бор: «Саломатликни берса, ёзда келганимиз бўлсин!» деди. Муқимий ёзда Ғарибийни яна Наманганга олиб бориш ваъдасини бергач, Завқийга бурилди:

— Дарвоқе, кеча пойғаҳда ўтириб, шеър ўқиган ёшлар орасида бир ўспирин сизнинг ҳам диққатингизни ўзига тортдим?

— Диққатимни ўзига тортдигина эмас, ташқарида суҳбатлашиш, танишишга ҳам муваффақ бўлдим, мулла ака! Исми Муҳаммад Шариф бўлиб, Чуст шаҳридан экан, ўзини менга Сўфизода деб тақдим қилди.

— Бу ўспиринда номи ўчмас Машраб шеъриятидаги оташзабонликни кўрдим, Шоир Нодимнинг таърифича, Наманган мутаассиблари унинг ижодига нафрат билан қарар эмишлар! Хўп. Яна ёшлардан қайси бирлари манзур бўлди?

Бу саволга Убайдулла Завқий кулимсираб жавоб қилди:

— Тўйхонанинг тўрроғидан ўрин олган, яхши либосдаги чиройли йнгитнинг шеърларидан кўп устозларнинг асарларини ўқиганлиги, гуруридан Наманганнинг юқори табақаларидан эканлиги маълум бўлди.

— Тасанно! Бу йнгитча ҳақида камина қандай фикрда бўлсам, сиз ҳам шу фикрда экансиз, мулла Убайдулла! Бу йнгитчани менга таништирдилар: у тўралар авлодидан бўлиб, номи Файзихон<sup>1</sup>, тахаллуси Файзий, шеъриятга ўларча ҳавасманд, мутолаага жон бориचा берилган бўлиб, ёш бўлишига қарамай, Қўқонда, мадрасани Хонда таҳсил олар эмиш. Буни эшитгач, ёнимга чақириб, таътил кунлари ҳужрага келиб, манзумаларини ўқиб бериб туришини таъкидладим. Мендан буни эшитиб, қайта-қайта қуллуқ қилди ва миннатдорчилик изҳор этди.

Муқимий юзини ёнбошда қулоқ солиб келаётган Муҳаммаджон Макайликка бурди:

— Наманганнинг кексаю ёш ҳофизлари тўғрисидаги таассуротингизни сўзлаб беринг, Муҳаммаджон!

Муҳаммаджон Муқимий томонидан бундай қалтис

<sup>1</sup> Муқимий билан кўп ҳамсуҳбат бўлган шоир, олим Файзихон тўра — Файзийга 1943 йилда меҳмон бўлиб, суҳбатлашган эдим. Шу вақтда бу киши оғир касал эди, орадан кўп ўтмай, Наманганда вафот қилганини эшитдим. (С. А.)

таклиф тушиб қолишини кутмаган эди. Шошиб қолиб атрофидагиларга бир қараб олди:

— Қандақа бўларкин? Аввал ўзларидан эшитсак-микни?..

Содда, камтар, косиб бастакорнинг бу сўзидан Муқимий завқланиб кулди:

— Мулла Убайдуллачалик эмасмисиз? Айтаберинг.

— Наманган санъаткорга сероб, ёқимли овозга бой шаҳар экаилогидан жуда хурсанд бўлдим. Айниқса, кўпчилик йиғилганда билинди. Мақомхон кекса ҳофизлар ҳақида гапириб ўтирмай қўя қолай, ёшлар тўғрисида айтсам, норғул тароқчи косиб йигитнинг товушию йўли менга жуда ёқди. Айниқса, сиз билан ҳурматли Зокир-жон ака ғазалларига ўқиган «қаландар»лари билан хонақон мақомлари қойил қолдирди.

Убайдулла Завқий сўради:

— Уша йигитнинг номи нима экан?

— Дарвоқе, буни айтишни унутибман. Номи Абдулла, отасининг номи Файзулло, касби тароқчилик. Унинг санъатда тарқалаётганини кўрган Наманган шинавандалари унга Абдулла тароқ<sup>1</sup> деб лақаб берганлар.

Муқимий кулиб, Муҳаммаджон Макайликнинг елкасига қоқди:

— Қойил, Муҳаммаджон! Бу — Наманганнинг ажойиб ёш санъаткорларига фисабилулло, юксак баҳо! Хонақо мутаассибларидан қатъий назар, Наманган бошдан-оёқ таъриф-тавсифлар масканидир.

Дарёдан ўтиб, Катта Бешсерка, Кичик Бешсерка деб аталувчи қорақалпоқ қишлоқларига яқинлашганда Ғарбий Муқимийни аста огоҳлантирди:

— Шу қишлоқларда тўхтаб ўтишни аравакашга таъинласангиз...

— Тўхташ эмас, тезроқ ўтишни айтинг десангиз бошқа гап эди. Ҳар бири хўтикдек келадиган итлари ёдингиздан чиқдимми?

— Чиқмагани учун тўхташни илтимос қилипман. Шу итларнинг боласидан...

— Бундай денг, хожа сакпараст! Сиздан бир кучук қарзим борлиги эсимдан кўтарилган экан!

<sup>1</sup> Абдулла тароқ кейинча Уш шаҳрига бориб, ўзининг юксак маҳорати билан Қирғизистон халқ ҳофизи номини, Улуғ Ватан уруши йилларида Тошкентга кўчиб келиб, Ўзбекистон ССР халқ ҳофизи номини олиб, 1944 йилда 75 ёшда вафот этди.

Бешсерка қишлоғига яқинлашганда Муқимий арава-кашга, гарчи аравадан тушишнинг иложи бўлмаса ҳам овулда бир тўхтаб ўтишни илтимос қилди.

Бешсеркаликлар аравадагилар ким эканлигини билмасалар ҳам, йўловчи ўзбекларга ҳурмат юзасидан арава атрофига йиғилиб, қора соқол, оқ юз, кўзлари чақнаб турган чиройли кишининг кулиб туриб қилган илтимосини бажо келтириш учун шошилдилар. Улар ўзаро дараклашиб, бир кучук топиб келдилар. Қулоғи ва думи кесилган, каллакдор, бу тўрткўз кучукка Қоплон деб ном берилган эди.

Кучукнинг онаси арава яқинида узала тушиб, бошини қўллари орасига олди-да, аравага тикилганча киприк қоқмай, овоз ҳам чиқармай мўлтиллаб ёта берди. Бу она ит бечоранинг олдинги болаларининг қисмати ҳам шундай бўлган эди. Аллақандай йўловчилар сўраб олиб кетганларида боласини қутқазиб қололмай боласи билан худди бугунгидай видолашганди.

Кучук эгасининг кўнмаганига қулоқ солмай, Муқимий унга озроқ пул ҳадя қилди. Арава орқасида ўтириб олган Ғарибий кучукни эски тўнга ўраганча кўксига босарди. Эски тўн орасидан бошини чиқарган кучук узоқда қолган овулдан ва орқадан анча ергача эргашиб келиб, йўл четида ўтириб қолган онасидан кўз узмас эди.

Арава қамишзордан узоқлашиб, узоқдан кўриниб турган «Султон Боязид» гумбази томон йўл олди. У ердаги қарвон саройида отга беда, ўзларига дам бериб яна жўнаб кетдилар.

Қатта бўлса Қитмирнинг ўрнини боса оладиган Қоплонни қўлга киритган Ғарибий терисига сиғмай борар, ғариб шогирднинг хурсандлигидан Муқимий ҳам жуда хурсанд эди.

Аравада йўловчилар сўзсиз чайқалиб бормоқдалар, гоҳ-гоҳ кучукнинг минғиллаши ва уни юпатиш учун Ғарибийнинг аста-аста гапириши қулоққа чалинарди:

— Ухла, жонивор, ухла! Боргандан кейин қорнингни тўйғазиб, остингга юмшоқ тўшак солиб бераман, мазза қиласан!..

Муқимий кўзини ярим очиб, арава орқасидаги Ғарибийга қаради, кулимсираб, яна кўзини юмди ва ҳужрани хотирлай кетди. Муҳйининг ифвоси орқасида тўйга бориш юрагига сиғмаган Миённи хаёлидан кечирди: «Лаънати сурбет мутавалли мадрасадан кетишга кўнма-

ганмикин, фиску фасодлардан улуғ ҳазрат қўрқиб мута-валлиликни яна ўзида қолдирдимикин? Шундай бўлган тақдирда бу мадрасада қандай яшаш мумкин? Ахир бу юраги қора мутавалли, улуғ ҳазратдан олдин ҳайиқса ҳам энди ҳайиқмайдиған бўлади, қўрқитиб олади. У шаҳар ҳокимини орқа қилиб иғвони кучайтиради. Унга бас келиш мумкин бўлмай қолади! Агар шундай бўладиган бўлса, ҳужранинг баҳридан ўтишга, мутавалли мажбур қилмасдан олдин кўчиб чиқиб кетишга тўғри келади. Шунда отадан қолган бир парча ҳовли нима учун менга ҳам бошпана бўла олмас экан? Зиёда ая ҳам жон-жон деса керак! Ахир у энди эски Зиёда ая эмас, аламзада, мусибатзада аёл-ку? Ая менинг сўзимдан чиқмаслиги, нима десам жону дил билан хўп дейиши шубҳасиз. Бир уйда Акбархўжа билан бўлсин, отам раҳматли тиклаган, ҳозир харобага айланган уйни биз банд қилайлик. Мени қандай кўрса мулла Абдуллани, Исмоил Ғарибийни ҳам ўғлим деб қабул қилсин, биз хизматида бўлайлик. Акбар-хўжа энди ўзим билан бирга бўлсин, уни ўқитишим ке-рак. Унга ачинаман, жуда карахт, маъюс, хаёли пари-шон! Мен уни бу оғир кепатадан қутқазиб олишга ҳара-кат қилмасам бўлмайди! Қатъий гап шу. Шундай қил-ганим бўлсин!..»

Бешсерка овулининг кенг қамишзорларини ҳам, анча жойгача кузатиб қолган забонсиз онани ҳам унутиб юборган кучук, фақат очликдан безовталанар, ҳар то-монга қараб гингшир эди. Ҳамроҳлардан хижолат чеккан Ғарибий гоҳ унга ялиниб, гоҳ пўписа қиларди:

— Тўғриликча жим бўл! Бўлмаса аравадан отиб юбора-ман, кунингни кўрасан! Қўқонга боряпсан, эй эси паст!

Кучук жим бўлиш ўрнига баттароқ авжига минди, учовлари баб-баравар кулиб юбордилар. Хаёли бўлин-ган Муқимий ўзига келиб, шогирдига тегиша бошлади:

— Эй, хожа сакпараст! Қўқонга олиб кетаётганин-гини чакки айтиб қўйдингиз, кўргилигим бор экан деб йиғлаяпти! Иғво-фасодлардан олис, осмон кенг Беш-серканинг бағрида онасига эргашиб ўтказган дамла-ри, сизнинг чордеворингизда тирик етимлик билан ёлғиз ўтказадиган бутун умридан азизроқ! Қўқонда ўзингиз нима ҳузур-ҳаловат кўряпсизки, кучукни қувонтирмоқчи бўласиз!..

Гапнинг пайрови кучук устига кўчиб, ҳазил-мутойиба гаплар анчагача чўзилди. Суҳбат жиддийлашмасдан бу-

рун кечаси Қўқонга етдилар. Муҳаммаджон Макайлик билан Убайдулла Завқийни йўл-йўлакай уйларига ташлаб, Беквачча маҳалласига кириб келдилар.

Муқимий ҳужрага киргач, ҳали ечинмай туриб, мулла Абдуллага савол ташлади:

— Мадраса тинчликми, мулла Абдулла?

— Ҳозирча тинчлик. Миён мутаваллиликда, аммо ҳожи Муҳйи ҳам шу ерда!..

Бу жавобдан Муқимий жанжаллар давом этаётганини, ҳожи осонликча «жон» бермаётганлигини сезд. Бироқ бу ҳақда кўп ўйлаш учун ҳорғинлик йўл бермади, кўзини юмди-ю, уйқуга кетди. Эрта билан кеч уйғониб, наридан-бери чойдан кейин Миён Сотиболдихонни кўриш мақсадида кўчага чиқиб, орқасига бола опичган Акбархўжани учратди:

— Бу кимнинг боласи?..

— Укам!..

— Укам?..

— Ҳа, аям кўчиб келди! Касал ётибди!..

Муқимий бошда бунга парво қилмади, Ойша касал бўлса, уни қаратиш учун онаси олиб келгандир...

Муқимий Миён Сотиболдихоннинг олдидан қайтиб келаётганда ҳужра даҳлизида паранжили Зиёда аяга дуч келди.

Ойшабиби аспжаллобдан икки бола кўрган бўлса ҳам, тиниб-тинчиб кетмаган эди. Аспжаллоб отхонасидан ҳар доим иккита ориқ от узилмас, уни кечаю кундуз ем-хашак билан боқиб бозорбоп қилиш Ойшабибига юклатилган эди, ўзи чорбозорма-чорбозор кезар, Ойшабиби икки ёш бола билан зор қақшаб, икки синовсиз ҳайвонни қашлаб тозалар, ярим кечада булардан хабар оларди. Отлар семириб ўзини ўнглаб олгач, аспжаллоб отларни бозорга элтиш олдидан емга бир шиша ароқ қўшар, кайф қилган ҳайвон бир ғишт устида ўйнаб, кишнаб харидор-гир бўларди.

Найранг билан отни икки баробар қимматга пуллаган поинсоф унинг пулига яна иккита бўшашган, ҳолдан тойган ориқ от олиб, уйга етаклаб келар эди. Мана шу отлардан бири Ойшабибини тепди, Ойшабиби нарига тушиб ҳушидан кетди. Унинг кифти майиб бўлган эди. Эртаси уйга маст кириб келган аспжаллоб бу ҳолни кўриб аччишиш ўрнига сўқди, дашном берди. Орадан ўн беш кун ўтказиб, от боқишга уста бўлган бир жувонга уйланди.

Раҳми келган ҳамсоялар Ойшабибини икки боласи билан онаси — Зиёда аянинг уйига қўйиб кетдилар. Ойшабиби оғир аҳволда, ўнг қўли мутлақо ишга яроқсиз... На овқат, на етарли кўрпа-тўшак бор. Унинг устига қишнинг шафқатсиз кунлари тобора яқинлашмоқда!..

Бу хабарни эшитиб, Муқимийнинг устидан бир челақ совуқ сув қуйилгандек бўлди. Бошини икки кафти орасига олиб, Зиёда аянинг йиғисига бетоқатлик билан қулоқ солар экан, кўз ўнгидан ўша унутилмас никоҳ тонгида бошига оқ рўмол солиб, пойгаҳда таъзим билан бош эгиб турган гуноҳсиз келинчак Ойша, Муқимийга қайлиқ бўлганлигини ўзи учун энг олий бахт деб қувонган маъсума Ойша, алданган, ўз ихтиёрисиз кўз очиб кўрганидан жудо қилинган шахсият қурбони бечора Ойша ўта бошлади!..

Ахир унинг шеърга тушунмасликдан бўлак ҳеч айби йўқ эди-ку! Ахир балоғатга етгунча ўз тақдирини жоҳил она, ўгай ота қўлига топшириб, балоғатга етгач, ўз тақдирини Муқимий тақдири билан боғлаганлигидан беҳад мамнун, умрининг охирига қадар Муқимий бош қўйган ёстиққа бош қўйиб ўтишдан бошқа нарсани хаёлига ҳам келтирмаган, биринчи мартаба сочларини чимилдиқда Муқимийга силатган шу Ойшабиби-ку?..

Ахир, Муқимий ундан жудо бўлгандан бери яна танҳоликда, ўша эски хужрада кўксини захга бериб умр ўтказмоқда. Муқимий уни ташлаб, аспжаллобга тегишига мажбур қилган эмас эди, уни аспжаллобга топширганлар оила, хотин, фарзанд лаззатидан бебаҳра одамлар эди.

Муқимий бошини кўтариб, йиғлаб толиққан муштипарга қаради:

— Жон ая! Мендан қандай ёрдам кутсаларингиз, мен бажо келтиришга тайёрман, нима десангиз эшитишга ҳозирман. Ҳатто табиб топиб келишгача розиман!

— Бир сари қадам кириб, эшнк орқасидан бўлса ҳам бу сўзларингизни ўзига айтиб, ҳол сўраб чиқсангиз, кўнгли кўтарилармиди?..

— Йўқ, ая! Мен кира олмайман! Мени қийнаман! Мендаги сабр-тоқат гарчи тоғ бўлса ҳам бунга бардош бера олмайман!

— Уйга келгандан бери дарди янгилашиб, Акбархўжасини кўксига босиб кўзидан ёш оқизгани оқизган! Шалдирамоқдаги отамдан қолган ҳовлига бориб ўтирайлик, дейди. Мен ҳам бунга рози бўлдим. Ҳовли жуда хароб бўлиб кетган бўлса ҳам кўчиб бормоқчи ва бу ҳовли-

дан тегадиган ҳақимни сотиб, Ойшани қаратиб-боқтириб, қолганини рўзғорга сарфламоқчиман. Сизга маслаҳатга чиқдим. Ярим ҳовлини ким олар эди? Ўзингиз мени ризо қилсангизу ҳовли ўзингизда қолса... Балки уйланарсиз...

— Йўқ! Мен энди уйланмай ўтмоқчиман! Менинг ниятим шу! Ҳовлига агар жазман харидор чиқар экан, ҳаммаси сотилгани яхши! Инсоф қилсангиз бир оз ҳақ берарсиз, бермасангиз ҳам майли, қайда бўлса ҳам тинч бўлинг, қизингизнинг соғайиб кетишига сарф қилинг! Гап шу!..

Зиёда ая дуо қила-қила йиғлаб чиқиб кетди. Муқимийнинг тузиб қўйган режалари барбод бўлди. Мулла Абдулла дамлаб келтирган чойга ҳам қарамай, Ҳожибек гузарига, дўсти Мавлавий Йўлдошга дардини айтиш учун чиқиб кетди.

\* \* \*

Кексайиб қолган хитой табиби ўз ватанига қайтиш олдидан Мавлавий Йўлдошга кўп миқдорда дори-дармон қолдириб кетган эди. Мавлавий Йўлдош тайёрлаган буқоқ дори учун ҳар куни бир неча киши эшик зулфинини қоқарди.

Муқимий дўстининг «бозори чаққон»лигидан беҳад мамнун бўлиб, кейинги вақтларда хабар олмай қўйганлиги учун ўпка-гина қилишини ҳам унутди. Қадрдон меҳмонхоначанинг тўрига чиқиб ўтирди. Пойгаҳда қўл қовуштириб ўтирган панжара буқоқ, йўғон киши хирллаб илтимосини яна давом эттира бошлади:

— Дорингиздан шифо топсам, сизга бошдан-оёқ сарпо қилиб, от миндираман! Йўқ демай даволанг, мени шу фалокатдан қутқазинг! Худо хайрингизни берсин, жоним жуда қийналиб кетди!..

Бу сўзлар унинг оғзидан чийиллаб чиқиб, ора-чўра ҳушгак ҳам эшитилар, ияги остидаги хурмачадек баҳайбат буқоқ уни шифтга қараб гапиришга мажбур қиларди. Мавлавий Йўлдош бу буқоққа дори кор қилмаслигини айтиб қаноатлантиролмагандан кейин унга дори ўраб берди-да, жўнатиб уҳ тортди:

— Бир қоп дорим ҳам бу буқоқни камайтира олмайди, вақти ўтган! Ҳақиқатни айтсанг кўнмайди, берган доринг кор қилмагандан кейин, «фалончи одамларни алдаб пулини олади» деб қишлоқда ёмон гап тарқатади. Бу одамни яхши танийман. Чўнқайма қишлоқлик «Хўжамқул нон емас» деб ном чиқарган хасис бой...

Муқимий тегишиб:

— Хўжамқул нон емас деб, бу одамга тухмат қиляп-сиз, Мавлавий,— деди.— Хўжамқул нон ўтмас десангиз бошқа гап. Чайнаган нонини ютгиси келмай, бир хуржуннинг кўзига тўлдириб олибди-ку!

Мавлавий унинг гапига тушуниб кулди. Ташқари чиқа туриб:

— Ростини айтинг, эшон ака,— деди.— Кампирнинг табаррук қўлларидан шовла ейсизми ёки ошнинг ўзи дурустми?

— Раҳмат, бошқа фурсатда! Сизга бир ташвиш билан келган эдим...

— Йўқ, ундай емас, хўп денг! Ош пишгунча ташвингингизни ҳам Наманган хотираларини ҳам айтиб беришингиз мумкин.

Мавлавий Йўлдош уйга кириб ҳаяллаб кетди. Муқимийнинг юраги сиқилиб, ош қилинишига розилк бергани учун ўзидан койиди. Токчани титкилаб, қоғоз, довот ва ингичка қамиш қалам топди, ўтириб бир нима ёзиш билан ўзини овунтирмоқчи бўлди-ю, яна юрагига сизмай, чопонни елкага солди-да, остонага чиқди:

— Мавлавий!..

Бир оз кутгач, меҳмонхоначага қайтиб, тик турганича хат ёза бошлади:

Киромилқадр, эй, Мавлавий Йўлдош,  
Агар тоғ бўлса ҳам бу сабру бардош  
Тугалди, қолмади бир зарра тоқат,  
Ҳазорон тавба, сад бор мунтазир ош.  
Билурсизким, менинг ҳасратларим кўп,  
Эмас мумкин ани ҳар кимсага фош.  
Ҳужуми ғам эзиб кўксимни такрор,  
Кўзимдан томчилар беихтиёр ёш,  
Қулоқ солғайму деб келди Муқимий,  
Менинг ҳамдардиму ҳамфикру сирдош.

Муқимий шеърий ҳасратномасини итмомига еткизганча йўқ эди, патнисда нон, мева-чева кўтариб Мавлавий Йўлдош кирди:

— Сизни зериктириб қўйганга ўхшайман! Шундайми, эшон ака? Марҳамат қилсинлар!

Муқимий елкасида тўн билан тўшакка ўтира туриб, қўлидаги қоғозни нон синдираётган Мавлавийга тутди. Мавлавий олиб; нон синдиришни ҳам унутиб қўйиб ўқи-



ди, Муқимий қунишиб, дўстининг оғзини пойлар эди. Мавлавий Йўлдош шеърни тизига қўйиб, чала қолдирган нонни синдирди-да, пиёлаларга чой қуйиб туриб, ярим товушда сўз бошлади:

— Уша ҳужранинг баҳридан кечиб, хоҳланг бўлак мадраса, хоҳланг бошқа бир маҳалладан муносиб меҳмонхона топиш учун каминани мутасадди қилсангиз-чи?

— Йўқ-йўқ! Мавлавий мен ҳужрада ҳозирча тинчман! Бошқа бир бош оғриқ Намангандан қайтишимни кутиб турган экан, ҳузур-ҳаловатларни ҳабата қилиб юборди!

Муқимий Ойшабибининг бошига тушган кулфатни батафсил айтиб тугатганда, Мавлавий сукут қилиб, дўсти Муқимийга тикилиб қолди. Унинг бу қарашидан ачиниб, меҳрибонлик ва шу билан бирга фурсатдан фойдаланиб, Муқимийга қаттиқ тегиш, камчиликларини дўстона айтиб юзига солиш истаги борлиги билиниб турарди.

— Йилдан-йилга ҳаёт тобора мураккаблашиб, ёшимиз улғайган сайин ташвишларимиз ҳам улғайиб боряпти, ҳар кун ҳужрага кириб келадиган ёру дўстларингиз ҳам ўз кумочларига кул тортиш билан оворалар, улар сиздан анча узоқлашиб қолдилар. Аммо бу ёлғизланиб қолдингиз, деган маънони бермайди, ёру дўстлардан мустасно, бутун халқ жанобингизнинг атрофингизда, сизнинг ғазалларингизни куйлаб нафас олмоқда! Иккиламчи, иккиламчи шулки, замон тақозоси кишиларни пулдор бўлишга, жуда бўлмаганда кундалик ҳаётини кечиришга яраша бир ҳунар эгаси ёки кичик савдогар бўлишга мажбур этяпти. Камина ҳам китоб варақлаш ўрнига кечалари келича туйиб, буқоқ дори тайёрлашга мажбурман.

Жанобингиздаги ҳалимлик, кўнгли бўшлик, кишиларга нисбатан ўта меҳрибонлик, ҳатто Ойшабибининг ташвишига, қайғусига шерик бўлишгача, отадан қолган бир парча бошпанани ҳадя қилишгача олиб келган. Келганингиз бош устига! Бу сизнинг нуқсонингиз бўлмай, балки ғарибпарварлигингиздан далолат берадур. Бироқ, киши ўз саломатлиги, ҳаёти учун ҳам ғамхўр бўлиши керак! Биз дўстларингиз учун сизнинг саломатлигингиз ҳар қандай кишининг ҳам саломатлигидан азизроқдир.

— Ўзингни бил, ўзга билан ишинг бўлмасин дейилмоқчимиз?..

— Мутлақо ундай эмас! Ўз жонингизга ҳам раҳмдил бўлинг демоқчиман. Ҳовлини инъом қилибсиз, шу кифоя,

Унинг ҳам дардини бирга тортаман деб ўгирасизми! Ахир у аёл бир бегона чапани аспжаллобнинг хотини, сизни ёддан чиқазиб юборган бўлиши мумкин. Онаси эса сизга ўз вақтида не-не зулмлар қилган экан, энди ўшаларнинг азобини тортаётгандир.

— Тортганича тортди, руҳан ва жисман эзилди. Шунинг учун ҳам ҳовлини инъом қилдим. Ундан ва қизидан қасос олиш эмас, кўмак қўлини узатишга тайёрман. Сиздан мадад сўраб келдим, докторга қаратиш учун бош қўшинг, дўстим! Чиқими каминанинг бўйинига!

Муқимийдан ажралишиб, аллақачонлар эрга тегиб кетган, ундан икки бола кўрган Ойшабиби учун шунчалик гамхўрлик қилаётган Муқимийнинг титроқ товуши, ялиниб-ёлвориши Мавлавийнинг кулгисини қистатди:

— Чимилдиқда теккан эканда-а, эшон ака?

— Ҳазилнинг вақти эмас. Ёрдам берасизми, йўқми, шунинг айтинг!

— Жоним билан, эшон ака! Шунчаки тегишдим! Сиздаги ҳарорат, инсонга меҳру муҳаббатнинг уруғидан сеппиб кўпайтиришнинг имкони бўлганда эди, бошқа тирликчиликни йиғиштириб қўйиб, деҳқончилик қилар эдим, азбаройи худо!..

— Биттагина яратилгансиз оламга татимли бўлиб яратилгансиз. Агар сиздаги фаҳму идрок, ақлу заковатни бошқаларга пайванд қилиб кўпайтириш мумкин бўлганда эди, шоирликнинг баҳридан ўтиб, боғбонлик қилган бўлур эдим, азбаройи шифо!..

— Нархимни оширганингиз учун миннатдорман.

## **Ў н т ў қ қ и з и н ч и б о б**

### **«КАЛИТНИ ЧУНТАҚКА СОЛИБ ҚУЙИНГ»**

«Эй, худо, қишни ёз қилсанг-чи?

Бандани сарфароз қилсанг-чи?

Аҳману Даҳману Ажусингни —

Ҳаммасини бир жувоз қилсанг-чи!»

Муқимий

Кеч куз бўронлари бошланганда Муҳаммад Юсуфхон қилқаламнинг Тароқчиликдаги ҳужраларига боришга ҳам эринган Муқимий, кун бўйи ҳужра ўчоғи биқинида ўт қалаб кеч қилди. Қишини зериктирувчи, диққатини

оширувчи бундай кунларда шоир ёлғиз ўтириб, барака-ли ижод қиларди. Бундай кунларда, айниқса бошқа шоирларнинг ғазалларига мухаммас боғлаш ёки ҳажв ғазаллар машқ қилиш кўнгилли эди.

Кечадан бери Муҳаммаджон Макайлик бериб кетган ўлчовдаги ялгага икки ғазал, бир ҳажв ва Ахтарий билан Алмайининг мушоираларига мухаммас боғлади.

Етти банддан иборат қийин мухаммасни охирига етказиб, энди оққа кўчирмоқчи бўлиб турганда бозордан қунишиб қайтган мулла Абдулла салом бериб, қўлидагиларни ерга қўйди-да, қўйнидан лампа шиша олиб, қоғоз ёпиштирилган синиқ лампа шишага алмаштирди.

— Қоронғи бўлса ҳам ёзаётганмидингиз, мулла ака?

— Ҳа, жуда ҳаяллаб кетдингиз?

— Яхши умрбоқи истаб Янги чорсуга бордим.

— Бўронда анча овора бўлибсиз!

— Янги чорсу баққолларининг қовунлари таърифи дейишди.

Муқимий қовунга кўз ташлаб кулди.

— Ҳақиқатан рисоладаги юпқа пўст, хушбўй, кўк мағиздан экан.

Муқимий қоғозларини йиғиштириб туриб, сўзда давом этди:

— Қани энди, ҳозир танбурини тўн ичига олиб, титраб-қақшаб, ҳужра эшигидан Шодмон ҳожини ёки Муҳаммаджон келса-ю, бу кеча қоғоз-қаламга дам бериб, ҳузур қилишсак. Кўнгил нималарни хоҳламайди!

— Ҳали кеч эмас, мулла Исмоил чиқиб қозонга қарасин, мен топиб келай...

— Йўқ! Уни қаердан топар эдингиз! Бирор самовар ёки такада дилдираб ўтиргандир, топаман деб овора бўласиз. Унинг ўрнига хожа сакпарастни уйдан судраб чиқинг, кун билан қотиб ўтириб, бел ишдан чиқди!

Мулла Абдулла чиқиб, Ғарибийни уйдан бошлаб келди. Ғарибий ўчоққа тоблангандан кейин Муқимийнинг белини босишга, мулла Абдулла эса ош қилишга киришдилар. Муқимий Ғарибийни гапга сола кетди:

— Қоплоннинг аҳволи, ётиш-туришлари қалай?

— Ётишлари шоҳона!

— Емишлари-чи?

— Емишлари ғарибона!

— Ҳуришлари-чи?

— Ҳуришлари мингбошиёна!

— Ундай бўлса бошқа итлар бу кўчадан писиб ўта-  
диган бўпти-да?

— Хушомадгўй итлар ҳар кун келиб, думлари билан  
кўча супуришяптилар. Баъзи ҳасадчи итлар Қоплоннинг  
эски тўшақда ётишини кўролмай, ўзларини осиш учун  
бурчак-бурчакда арқон эшмоқдалар!..

— Бўлди! Чегарадан чиқиб кетдингиз!.. Бошқа гап-  
га ўтайлик. Ошдан кейин ғазалу ҳажвларни оққа кўчи-  
ришасизу эрталаб Шаҳрисабз маҳалласига, Макайликка.  
Ҳажвларни уста Қовулга ўқиб бериб қайтасиз.

— Уста Қовулнинг дўконга одам тўплаб, ҳажвхонлик  
қилиши пошшолик томондан тақиқланибди, деган гап  
тарқалибди-ку?..

— Тарқалгани тўғри! Дўконда ҳажвхонлик қилмай-  
ди. Аммо кечалари косиблар гапхоналарига олиб кетиб  
эшитишяптилар. Пошшоликка берган тилхатида бу кўр-  
сатилмаган...

Ғарибий кўза кўтариб сувга чиқиб кетди, қайтиб ки-  
ришда даҳлизга икки киши бўлиб кирди. Бу — Тожибой  
ҳожи қадоқчи эди. Кўпдан бери келмай кетган ҳожи ки-  
ришга ийманиб, жиловхонада дилдираб турганда Ғари-  
бийга дуч келди, унинг далдаси билан кириб келди.

Муқимий билан сўрашар экан, юзига тик боқолмас  
эди.

Муқимий ҳожи билан қуюқ сўрашиб, ўз ёнидан жой  
кўрсатди:

— Катта шаҳарнинг синиқлари қадоқланиб бўлган-  
га ўхшаб қолди...

— Шаҳарда мендақанги қадоқчилар кўп экан, ёзу  
кузни қишлоқларда ўтказдим. Бир ойдан бери Исфара-  
да эдим, яқинда қайтдим. У ерда мухлисларингиз бор  
эканлар, мен Бухородан қочиш саргузаштимизни гапи-  
риб берувдим, мароқ билан эшитдилар.

— Фақат саргузашт эшитдиларми ёки?..

Муқимийнинг киноясини сезиб, қотиб қолди:

— Чилдирма чалишимни уларга билинтирмадим.

Ростини айтсам, чилдирма ҳужрада қолган эди.

— Чатоқ бўпти. Исфара халқини санъатга жуда ўч  
дейишадилар.

— Хўжа Маъруф, мулла Абдуқаҳҳор исмли ҳофизлар  
бор эканлар, улар сизни кўп сўрашди, келишимда қуюқ  
салом ҳам дейишди. Яқин ҳафталарда келиб, сизни Ис-  
фарага таклиф қилишмоқчи,

— У кишиларнинг овозаларини кўн эшитиб, суҳбатларига иштиёқманд бўлиб юрамизу ўзларини кўришга муяссар бўлмаганмиз.

— Исфара, Чорку хушбахра ерлар экан. Бу қишлоқларнинг манзарасини «Сўфи»га ўхшатдим.

— «Сўфи» деганингиздан ёдимга тушди. Сизни Ҳаким халфа эшонга қўл бериб, хонақода зикру само қилаётганингизни эшитиб, ачинган эдим. Ачинибгина қолмай, қаҳрим ҳам келган эди. Шу ростми?

— Рост. Аммо ташлаб кетдим, эшонга муридлик менга тўғри келмас экан!

— Шу рост бўлса, ёзилган ҳажвни ўтга ташлаганим бўлсин.

— Ҳажв ёзилганмиди?

— Эшонга қўл берган кунларингизда ёзилган эди.

— Куйдирмай, ўзимга беринг, тумор қилиб тақиб олай.

— Қасида эмас, ҳажв-ку?..

— Қасидага яраша ишим бўлмагандан кейин, ҳажв қилинганимгаям хурсандман-да!

— Йўқ! Ундай деманг! Мен сизни ўз халоскорим деб, ҳурмат қиламану, сиз бўлсангиз биздан юз ўгириб, аллақандай мавҳум, қоронғи кўчаларда адашиб юрибсиз!..

— Ҳар қанча койсангиз арзийди! Аввал адашган эдим, энди йўлимни топиб олдим. Шунинг учун ҳам қишлоқма-қишлоқ кезаман-да. Умид қиламанки, гуноҳимни кечирасиз, меҳрибоним бўласиз, яхши сўзингизни мендан дариг тутмайсиз!..

— Сиз гуноҳору, мен додхоҳ эмас, балки сизга биродарман! Қўйинг, ҳожим! Узру маъзур, тавба-тазарруни йиғиштириб қўйиб, яхши сўзлардан гапириб беринг! Бошпана ҳали ҳам ўша мадрасаи Чалпакдами?

— Ҳали ҳам мадрасаи Чалпакда. Бу мадрасада кўзи очикдан биргина мен, қолганлар ҳаммалари кексаю ёш кўзлари ожиз кишилар, улар бир бошқа олам! Кундуз кунлари мадрасадан уларни топиш қийин: кексалари бозор айланиб, тиланчилик билан, катта қабристонда қуръон ўқиш билан, ёшлар ўзларига муносиб енгил иш топиб, шу кунги қозонни қайнатишга яраша бир нарса олиб, кеч кириб келадилар, баъзилари якка-якка ўз ҳужраларида, кўплари топганларини бир қозонда қайнатадилар. Кечки овқатдан кейин базм бошланиб кетади. Улар орасида товуши ўткир ажойиб ашулачилар бор;

сўзга уста, кўп ҳикоя билувчи пурдонлар бор, кўзлари ожиз бўлса ҳам шаҳарда бўлиб турган ҳамма воқеа, ҳодисалардан воқиғлар. Улар орасидаги ашулачилар патнис чертиб ялла қилганларида мен тинч туrolмайман, чирмандани қўлга олиб, аралашиб кетаман. Ялладан кейин кулгилар, аскиялар бошланиб кетади. Улар бир-бирларини чандишиб, кулишадилар, қабристон ашула, ўйин-кулгидан сайилгоҳга айланиб кетади. Ешлар орасида менинг ҳамсоям бир йнгит бор. Ундаги овозу заковатни, сизга илинаман, эшон ака! Мадрасаи Чалпақка меҳмон бўлинг!

Ҳожининг тўлқинланиб айтган сўзларини Муқимий диққат билан эшитди ва қабристонга тириклай дафн этилган бечораларнинг ажиб ҳаёти шоир тасаввуридан бирма-бир ўта бошлади:

— Ҳовва! Ҳожим, сиз таклиф қилмасангиз ҳам борганим, уларнинг суҳбатларини топганим бўлсин! «Дахмаи модари хон»<sup>1</sup> да бир неча бор бўлдик-ку, унинг рўпарасидаги ожизлар дунёсидан кўз юмиб ўтаверибмиз. Бу ҳақда хабардор қилганингиз учун миннатдорман!

Ош сузиб келтирилди, оз ош тўрт киши ўртасида нон билан баҳам кўрилгач, дастурхонга Тожибой ҳожи келтирган нону мевачевалар тўкилди, қовун сўйиб келтирилди. Сандалда ўт баланд эди. Муқимий яйраб кетди, бунни кўриб дўстлар ҳам яйраб суҳбатлашдилар.

Суҳбат ярим кечага чўзилди. Муқимийнинг ёзгиси келиб турганини сезган ҳожи, даҳлиздаги қўл фонусини ёқиб, кетишга рухсат сўради. Кўнгилчаи Муқимий ташқаридаги бўронни пеш қилиб, қола беришни таклиф қилса ҳам. ҳожи қолишга кўнмай, қаттиқ бўронда катта қабристон йўлини олди. Уни даҳлизгача чиқиб кузатиб қўйган Муқимий ҳужрага сўзлаб кирди:

— Хайрият! Адашиб кетган эди, йўл топиб келди! Покиза қалб эгаси, кимсасиз, дарбадар жаҳонгашта киши!

Мулла Абдулла ўчоқ олдида ўтириб, тўнига ямоқ солиш билан, Муқимий ва Ғарибий шеър кўчириш билан машғул бўлишди. Ҳужрага чўккан жимжитликни ўчоқда ёнаётган ўрик ўтиннинг чарсиллаши бузиб турмоқда эди. Бир оздан кейин ўчоқ орқасига қўйилган қумғон

<sup>1</sup> «Дахмаи модари хон» — Мадалихон онаси — Моҳларо-йим, яъни шоира Нодиранинг қабри.

шақиллаб қайнай бошлади, Ғарибий қўлидаги қоғозни узатиб, Муқимийдан сўради:

— Мулла ака, мана бу сатрда сакталик борми?..

— Уқинг-чи!

Ғарибий ўша байтни ўқиди:

Субҳи васлингдан мунаввар айласанг ногоҳким,  
Тийра кулбам билан мундоғ мукаддар бўлмаса.

— Кейинги сатрда сакталик бор, бир ҳижо етмайди, мазмун ҳам қоронғи! Уни мен айтиб берайми, ўзингиз топасизми?

Ғарибий узоқ ўйланиб туриб, енгил тортди:

— Топдим, мулла ака!

— Нима экан?

— Ғам!

— Энди ғамни қўшиб ўқинг-чи.

Субҳи васлингдан мунаввар айласанг ногоҳким,  
Тийра кулбам ғам билан мундоғ мукаддар бўлмаса.

— Тасанно! Йўқотган ғамимни топдингиз, мулло Исмоил!

— Агар шу ғам ўрнига завқ сўзини таклиф қилсам нима бўлар эди?

— У вақтда менинг ғамимни еб, хурсанд қилган бўлар эдингиз, ғазални бошқатдан ёзишга, ғамсиз, бедардлар қўшиғига айлантиришга тўғри келар эди.

Ямалган тўнни бошига қўйиб, ўчоқ олдида қимтиниб ётган мулла Абдулла икки уйқуни олгандан кейин Муқимий билан Ғарибий ҳам сандал четида ётиб уйқуга кетдилар. Эрталаб уйқуга тўймай уйғондилар. Чойдан кейин Ғарибий кучугига нон бериб чиқиб, хотиржамликда шеърларни улашишга кетди, Муқимий ўчоқ ёнида ўтириб, чала қолган мухаммасни кўчириш билан банд эди, бўғилган Мавлавий Йўлдош даҳлиздан кирди, сўрашиб ўтиргандан кейин қовоғини солиб гудранди:

— Бир доктор билан гаплашиб келган эдим, «эркак ўрусга қизим баданини кўрсатмайди!» деб кеча Зиёда аянгиз кўнмади. Чиқиб хотин доктор қидириб кетдим. Қўқонда хотин жарроҳлар кам экан, бори ҳам келишга кўнмади. Ялиниб-ёлвориб, бирини келишга кўндирдим, касалхонадан бўшашини кутиб олиб келадиган бўлдим.

— Тасанно!

— Қулоқ солинг, эшон ака! Ҳозир кампирни чақириб, хотин доктор келишини айтсам, нафаси ичига тушиб, «ғайри дин хотинга қаратиш тўғри келмасмикин...» деса бўладими! Ахир ўзингиз айтинг, эшон ака! Менга нима? Совуқ кунда тирикчиликдан қолиб, Янги шаҳар кўчаларида докторхона, касалхоналарда кезсаму раҳмат ўрнига шу сўзни эшитсам!..

Муқимий сакраб туриб, тўнини кийди:

— Сиз ўтириб туринг, бориб, бу жоҳил хотин билан ўзим сўзлашаман!

— Сизнинг ҳам таъбингизни хира қилиб жўнатади. Яхшиси, шундан келадиган «савоб»нинг баҳридан ўтиб қўя қолайлик!

— Сабр қилинг! Бошлаган хайрли ишингиз охирига етгани яхши. Мен тез қайтаман!

Ҳовли эшигини қоқмай, Муқимий ғазаб билан тўғри кириб борди: Зиёда ая ҳовли ўртасида ўтмас теша билан чайир, ҳўл ўтинни ёрмоқчи бўлиб турган эди, Муқимийни кўриб, турган ерида қотиб қолди:

— Келинг, болам!

— Қизингизга айтинг, юзини беркитиб турсин! Ўзи-га айтадиган сўзим бор! Ундан кейин сиз билан гаплашаман!

— Хўп! Ҳозир!.

Зиёда ая уйга кириб, ҳаялламай қайтиб чиқди:

— Қира беринг...

Муқимий остонадан совуқ уйга қадам қўйиб, сандал четида увадаси оққан кўрпа остида боласини кўксига босган, жуда озғин, кўзлари чўккан, сочлари парижон Ойшабибига кўзи тушди. У юзини Муқимийдан беркитмай, ўтирган ерида бошини эгиб, салом берди-ю, ҳўнг-ҳўнг йиғлашга тушди. Муқимий уй ўртасида туриб қолди.

Икки қўлини кўксига қўйиб, икки кўзини чирт юмиб олган Муқимий анчадан кейин қўйнидан рўмолча олиб, кўзларини артди-да, ҳамон пиқиллаб йиғлаётган Ойшабибига назар ташлади:

— Тузаласиз, йиғламанг, тузалганингиздан кейин эрингизнинг олдига ўзим бораман, зўр келса ялиниб-ёлвораман...

— Худо хайр берсин!

Муқимий турган ерида бақирди:

— Ая!..



Остонага чўккалаб, овоз чиқармай йиглаётган Зиёда ая ўрнидан туриб, Муқимийнинг рўпарасига келди.

— Хотин доктор келади!

— Қандай бўларкин, болам!

— Қизим шифо топсин, Муҳаммад Аминхўжа хурсанд бўлсин, ўзим ҳам яна мусибатга дучор бўлмай десангиз, доктор хотинни хурсандлик билан кутиб olasиз, беморга раҳму шафқат қилган бўласиз. Йўқ дер экансиз, мендан умидни узасиз! Тушунгандирсиз! Ҳамма-ҳаммасига сиздаги жаҳолат сабабчи бўлди, буни олдин айтмаган эдим, ҳозир айтишга тўғри келди!

Зиёда ая бошини деворга қўйиб йиғлашга бошлади, унга Ойшабиби қўшилди, йиғилардан чўчиб уйғонган кўкракдаги ва она ёнида ётган болалар ҳам йиғи бошладилар. Кўз олдини қоронғилик босган Муқимий, отилиб ташқари чиқди. Қўлтиғида «Ҳафтияги» дилдираб мактабдан эрта қайтган Акбархўжа уйдаги йиғи-сигини кўриб киришга ботинолмай турган эди, дадасига кўзи тушгач, югуриб келди, Муқимий энгашиб уни кўксига босди. Бола музлаб кўкарган қўллари билан Муқимийнинг бўйнига осилди:

— Дадажон! Бу ерга ҳеч келмас эдингиз-ку?..

— Ҳужрага бормай қўйганинг учун соғиниб келдим.

Шу вақтда Зиёда ая чиқиб, ўзини Муқимий оёғига ташлади:

— Жон болам, биздан аразламанг! Отангиз ҳурмати, болангиз ҳурмати, бошимизга соябон бўлинг! Мавлавийни хафа қилган бўлсам, тавба қилдим! Доктор хотинни олиб кела берсинлар!

— Шундай бўлсин! Сиз қизингизни кириб юпатинг, ўтинни мулла Абдулла келиб ёриб беради, кўмирнинг ҳам тадорикини қиламиз! Юр, Акбархўжа!

Муқимийнинг кўнгли бир оз ёришиб, ўғли билан мадрасага кетди, ҳужрада кутиб ўтирган Мавлавийга ялиниб-ёлвориб, хотин докторни бошлаб келишга қўндириб жўнатди. Мулла Абдулла бир пақир кўмир олиб, ўтинларни ёриб бериб келиш учун ҳовлига борди. Муқимий Акбархўжани ўчоқ олдида ҳожи олиб келган мевачевалар билан меҳмон қилгач, ҳужра пойлатиб қўйиб, Тароқчиликка, ўз машғулотига кетди.

Қаттиқ бўрон бир оз бўшашган бўлса ҳам, аммо шу кунларнинг ўлик офтоби совуқнинг заҳрини юмшатишдан ожиз, яланғоч дарахтлар бир ҳафталик шамол би-

лан олиша-олиша ҳориб-чарчаб, оқ булдуруққа бошини буркаб, сокин ухларди. Биров шошиб бозорга кетиб бормоқда, биров бозордан келмоқда, бири йўл четидан кўчага савлат тўкиб, устида қават-қават гулли тўн, бошида чақмоқи телпак, оёғида маҳси-калиш, бир-бир бошиб ўтиб бормоқда, биров пахтаси оқиб тушган, алаки тўн ёқасига огиз-бурнини яшириб, пағали кўчган этикни судраб кетмоқда.

Муқимий кўчанинг бу юзига ўтганда масжид фарроши дуч келиб, хаттот Муҳаммад Юсуфхон касал бўлиб қолганлари учун келмаганликлари, ҳужра калитини ўғилларидан бериб юборганларини айтди ва Муқимийга белидан калитни олиб берди. Муқимий эшикни очиб кириб, совуқ ҳужрада тўн ечмай ёлғиз ўтиришни юраги кўтармай, ҳужрани қулфлади-да, Обиджон аълам дўконидан чойхўрлик қилиб қайтиш ниятида Чорсу томон юрди. Ҳали чой растасига бурилганча йўқ эди, ҳаллослаган мулла Абдулла Муқимий кетидан етиб келиб, йўлини тўсди:

— Исфарадан меҳмонлар келишди! Утқазиб, чой-нон кўйдиму сизга айтиш учун чопдим.

Буни эшитгач, Муқимий хурсанд бўлганидан мулла Абдуллани изига қайтариб, ўзи раста томон кетди. Обиджон аъламга Исфарадан Хўжа Маъруф билан Абдуқаҳҳорлар келганлари ҳақида хушxabар айтиб, икки юмалоқ оқ пар кўк чой олгач, ҳужрага боришга шошилди.

— Ургилай, аълам! Аҳбобларга ўзингиз хабар етказиб, улардан олдинроқ боринг!

Қўлидаги пиёлани тик турган жойида бўшатиб, Муқимий жоменинг ичи билан тўғри Исфара гузарига, ундан Бекваччага ўтиб кетди. Бир эшик олдида кўчани тўлдириб тўпланишиб турган ёш болалар узоқдан Муқимийни кўриб, баравар чуғурлашдилар:

— Муқимий домлапochча келяптилар!..

Муқимий яқинлашгач, четга чиқиб, йўл бўшатдилар ва салом бера бошладилар:

— Ассалому алайкум! Ассалому алайкум!.. Ассалому алайкум!

Муқимий уларнинг саломига алик бериб, тўхтади, улар шоирни қуршаб олдилар. Муқимий қўлидаги рўмолчани ечиб, Исфара гузарига баққолдан харид қилган мевалар орасидан бир ҳовуч қандолат олди-да, улашиб ўтиб кетди. Муқимийнинг юриши ҳозир илдам, кайфи чоғ эди. Мадрасага етмай, чорраҳада бадқовоқ

элликбошига дуч келиб, у билан саломлашди-да, тўхтамай кета берди.

— Муҳаммад Аминхўжа эшон! Тўхтанг!

Муқимий тўхтаган ерида элликбошига қаради:

— Меҳмон келганидан хабарим бор, сизни кутиб, кўча пойлаб турган эдим!

Элликбоши ёнидан бир қоғоз чиқариб, Муқимийга узатди. Матбаада босилган тўрт йўлига русча сўз остига икки киши имзо чеккан ва айри бош бургут суратли муҳр босилган эди. Муқимий ҳайрон бўлиб, элликбошига қараган эди, пинагини бузмай тушунтира бошлади:

— Полиция маҳкамасига чақирилибсиз! Сизни бошлаб боришни менга юклатишган.

— Қачонга?..

— Ҳозир! Сиз ҳужрага кириб, меҳмонларни тинчитиб чиққунингизча шу ерда кутаман.

— Нима учун чақирилганимдан воқифдирсиз?

— Хабарим йўқ. Борсангиз ўзингизга айтишар! Қани, бўлинг, кечга қолмайлик!..

Муқимий ҳужрага қандай кириб борганини ҳам билмади. Ҳужрада ўтирган тўртта нотаниш, аммо иккисининг номи кўпдан бери таниш бўлган исфаралик тансиқ меҳмонлар билан кўришиб қайта ўтқазгандан кейин ташқари чиқди. Муқимийнинг ҳар бир тукидан тер оқмоқда эди, қани энди ҳозир Мавлавий Йўлдош кириб кела қолса-ю биргалашиб борса, қани энди ҳозир Қори сумалак ҳам йўқлаб келган бўлса-ю, у ҳам биргалашиб бориб, Муқимийнинг ёнида турса.

Шоир мулла Абдуллани четга тортиб меҳмонларни қандай кутишни, Ғарибийни юбориб кимларни айттириб келишни, Мавлавий Йўлдошни топиб, ўзининг полиция маҳкамасига чақиртирилганини айтиб қўйишни тайинлаб, яна ҳужрага кирди. Меҳмонларни хотиржам қилиш учун Муқимий ҳаётида биринчи мартаба ёлгон ишлатди:

— Йўл юриб келган кишиларсизлар! Хабар топган аҳбобларимиз тўпланиб келгунларича яхши истироҳатда бўлишларингизни илтимос қиламан. Бу кеча тонг-отар суҳбатлашамиз... каминага бир соатга рухсат бергайсизлар. Уламоларимиздан бирлари вафот этган эдилар, жанозани ўқийману изимга қайтаман!..

Меҳмонларни тинчитиб, жиловхонага чиққан Муқимий, бозор қилиб келаётган Обиджонга йўлиқди. Уни четга тортиб, ташвишдан хабардор қилди ва Мавлавий-

дан бошқа ҳеч ким сезмаслигини таъкидлаб, элликбоши билан Янги шаҳарга чиқиб кетди.

Муқимийни чақиртирган маҳкаманинг адресини элликбоши ҳам яхши билмагани учун анча оворагарчиликдан кейин топиб бордилар: кўчанинг нариги юзидаги катта панжара дарвоза олдида қилич таққан новча солдат тошдек қотиб турар эди. Элликбоши ишора қилиб:

— Мана шу,— деди.— Мен энди қайтаман, сиз шу қоғозни кўрсатиб кириб кета берасиз...

Муқимий кўчанинг у юзига ўтиб, қўлидаги қоғозни қилич таққан солдатга кўрсатган эди, солдат Муқимийни дарвозадан киргизиб, ичкарида турган қиличли солдатга ўжигилди. Униси Муқимийни ичкарига бошлаб кириб, узун йўлакдаги бир эшикни очиб, киришга таклиф қилди-ю, изига қайтди. Хонадаги икки киши Муқимийни ҳурмат билан кутиб олиб, тўрдаги стулга таклиф қилдилар. Ҳаял ўтмай бир стаканда қайноқ чой, ликопчада қанд келтирилиб, Муқимий олдида қўйилди.

Уларнинг бири новча, қотма, қирма соқол, қирқ ёшлар чамасидаги бадқовоқ чиновник бўлиб, иккинчиси эллик ёшдан ошган бўлса ҳам, серпардоз, бошидаги бир тутам сочинни жуда ҳафсала билан тараган, чанбар соқол, хушмўйлов киши эди. У кўзойнак орқасига яширинган муғамбир кўзларини Муқимийга тикиб турар, вожоҳатидан ясама табассум аримас эди. Гўё кўпдан бери кутган азиз кишига етишгандек хурсанд бўлиб:

— Жаноб Муқимий! Сизни совуқ кунда овора қилганимиз учун афв этасиз! Чой совумасин! Чойдан кейин сиз билан ширин суҳбатлашмоқчимиз,— деди.

Унинг ўзбек тилида яхши гапириб, яхши муомала қилаётганидан Муқимий мамнун бўлди. Бу киши гарчи катта амалдорлардан бўлса ҳам Кузьмич ва мубошир сингари ўзбек тилини қунт қилиб ўрганган олижаноб руслардан бўлса керак, деб ўйлади.

— Сиз жанобнинг овозангиз бутун Фарғонани тутиб кетганини биламиз. Ўзбеклардан етишган сиздек шоирлар билан фахрланамиз. Шахсан менинг ўзим сиз билан маҳжам алоқа боғлаб, ҳурматли Кузьмичдек ўзбек шоирлари ёзган асарларни ўқий олишни орзу қиламан.

— Бу ҳимматингиздан миннатдорман.

— Кузьмич билан тез-тез кўришиб турасизми?

— Ҳурматли мулла Зокиржон Фурқат Қўқондалик вақтларида, шу кишининг шарофати билан гоҳ мулла

Зокиржон меҳмонхоналарида, гоҳ каминанинг мадрасадаги ғарибона ҳужрамда шириш суҳбатлар ўтказар эдик. Мулла Зокиржон Тошкентга бориб қолганларидан бери ва яна бошқа сабаблар билан бу суҳбатларимиз паторат топди.

— Яна бошқа сабаб дедингизми, жаноб Муқимий?..

— Ҳурматли Кузьмичнинг халқ билан алоқада бўлиши пошшолик томондан тақиқлангандан кейин...

— Тақиқланган бўлса, Кузьмичнинг докторлиги тақиқлангандир. Бунга суҳбатнинг нима алоқаси бор? Шахсан, мен Кузьмич билан тез-тез кўришиб тураман, ўзбек тилини у кишидан ўргандим десам ёлгон айтмаган бўламан. У киши жанобингиз билан яқин алоқаси борлигидан фахрланади.

— Шундай ажойиб киши билан таниш бўлганимдан камина ҳам хурсандман.

— У киши сизга бу мамлакатга келиб қолиши сабаблари, яъни пошшолик томонидан ноҳақ сургун қилиниши сабабларини ҳам айтиб бергандирлар?

Бу саволдан Муқимийнинг юраги чўчиди, бу суҳбат ниқоб остидаги сўроқ эканлигини сизди.

— Бу ҳақда биз сўз очмас эдик, у киши ҳам ҳеч нарса демас эди.

— Сизларни хафа бўлмасин деб бу сирни яширган бўлиши мумкин. Аммо сизлар шундай катта доктор, донишманд киши қандай сабаблар билан бу ўлкага келиб қолиб, оғир ҳаёт кечираётганига қизиққан бўлишларингиз мумкин.

— Унга қизиқишдан нима фойда бор? Шундай улур зотнинг шаҳримизга келиб туриб қолишидан бошқа бизга нима ҳам керак!

Икки амалдор папирос чекиш баҳонасида аста гужиллашиб олдилар, новчаси яна ўз жойига ўтириб, сўзсиз гугурт қутини отиб ўйнашга тушди, униси Муқимий олдидаги стакани олмоқчи бўлиб, сўради:

— Чой совиб қопти! Иссиқ чой келтирсинми?

— Раҳмат! Овора бўлинмасин!

— Бу ер маҳкама бўлганлиги учун май қуйиб беролмадик. Сизни бошқа ерга чақириб, май суҳбати қилишга қарздормиз, жаноб Муқимий.

— Меҳрибончиликларингиз учун раҳмат. Мен май ичмайман.

— Докторнинг уйига тўпланишсак ҳам ичмайсизми?

Ахир, гоҳ-гоҳ борганингизда Кузьмич винога таклиф қилар эди, у кишининг қўлини қайтармас эдингиз. Кузьмич менга айтмаган дейсизми? Айниқса, сиз Оқ-жарда танишган кекса кема капитани учалаларингиз вино ичган кунларингиздаги ширин суҳбатдан ҳам хабарим бор. Афсуски, мен кечикиб борганман.

Муқимий Оқжардан қайтиб келгандан кейин Кузьмич Муқимийни Мавлавий билан меҳмонга чақирган эди, ўша куни мубошир ҳам келган эди. Шунда овқат олдидан бир қадаҳ-бир қадаҳ май ичилиб, суҳбат анча вақтгача чўзилган, Мавлавий иккалалари улардан ўтган улуғ рус шоирлари ҳақида ажойиб ҳикоялар, шеърлар тинглаган эдилар. Айниқса, Кузьмич ўрнидан туриб, Пушкиннинг дўсти Чаадаевга ёзган оташин шеърини мактубини ёдаки ўқиб берганида завқ билан тинглаган эдилар.

— Энди ёдингизга тушгандир, жаноб Муқимий!

— Едимда! Яхши, бегараз дўстлар суҳбатида, яхши шеърлар ўқиладиган дамларда оз-моз май ичиш кишига фараҳлик бахш этади.

— Кузьмич ўрнидан туриб ўқиган шеър Пушкиннинг дўсти Чаадаевга ёзган шеъри эди. Шундай эмасми?

— Менга шундай деб тушунтирган эдилар.

— Шеърнинг мазмуни сизга тушунарлимиди?

— Мен русча билмайман. Вилмасам ҳам ўқилган бу шеър мени таъсирлантирган эди.

— Жуда яхши! Гарчи рус тилини билмасангиз ҳам, рус шоирларининг шеърларидан таъсирлангансиз, жаноб Муқимий. Шунинг учун ҳам доктор сизни рус шоирлари, ёзувчиларининг асарлари билан таништиришга уринган.

— Мендан ҳам кўра мулла Зокиржон Фурқат кўпроқ қизиқар эди, чунки Фурқат рус шеърларига яхши тушунади. Шунинг учун ҳам бундай шеърхонликлар Фурқат Қўқондалик вақтида бир неча бор бўлган.

— Доктор Кузьмич сизларга рус ёзувчиларидан Чернишевский, Салтиков-Шчедринларнинг ижоди, босиб ўтган йўли тўғрисида ҳикоя қилиб берганимиди?

— Менинг ҳажвий шеърларимга Кузьмич катта баҳо бериб, ўша сиз айтган Салтиков-Шчедринни тилга олгани ва мени «Ўзбекнинг Салтиков-Шчедринисиз!» дегани ёдимда бор. Аммо у киши қандай шоир эканлигидан бе-хабарман.

— Ростини айтинг, чарчадингизми?

— Чарчаганим йўқ-ку, мени азиз меҳмонлар кутмоқдалар.

— Биз билан яхши суҳбатда бўлганингиздан миннатдормиз. Сизни азиз меҳмонлар кутаётган бўлсалар, узоқ тутмаганимиз бўлсин, сизга рухсат. Муҳаммад Аминхўжа Мирзахўжа ўгли — Муқимий шундайми?

— Шундай!

Кўзойнакли киши стол устидан бир қоғозни олиб, Муқимий олдига қўйди, сўнг ручкани сиёҳга ботириб:

— Қоида бўйича биз билан ўтказган суҳбатингиз ҳақидаги тазкира остида табаррук имзонгиз чекилиши лозим бўлади, жаноб Муқимий. Шундан кейин дарвозадан чиқиб кетишингиз учун қоғоз берамиз.

Муқимий «тазкира» остига қўл қўйгач, ҳар икки киши Муқимийни «ҳурмат» билан коридоргача кузатиб, дарвозадан чиқиш «ижозатнома»сини тутқазиб қайтдилар. Муқимий панжара дарвозадан чиқиб, Розенбах кўчасининг чети билан йўл олди. Муқимийнинг бошида бир мушкул савол айланмоқда эди. Бу «суҳбат» негизида нималар яшириниб ётибди? Агар Кузьмични қоралаш учун бўлса, хушмуомала билан эмас, дўқ билан мендан сўроқ қилишлари мумкин эди. Нега ундай қилмадилар?

Муқимий мана шундай хаёллар билан Скобелев кўчасини босиб ўтганини ҳам сезмай, «Азиатский банк» яқинига борганда бир киши йўлини тўсди. Бу киши элликбоши эди.

— Чиқсангиз бирга кетамиз деб, шу ерда йўл пойлаб ўтирган эдим. Анча ҳаялладингиз! Афтидан, узоқ сўроқ берганга ўхшайсиз, Муҳаммад Аминхўжа эшон! Ҳар ҳолда хафа қилишмадимми?

Элликбошининг кетмай кутганидан шоир хурсанд бўлиб, миннатдорчилик изҳор қилди. Ҳожи Муҳйининг қалин дўсти бўлган бу элликбоши, агар Муқимийни кутмай кетиб қолган бўлса-ю, Муҳйини учратиб, унга «Муқимийни полиция маҳкамасига элтиб қўйиб келяпман!» деб хушxabар тортса яхши бўлмас эди. Шоир шунинг учун ҳам элликбошига миннатдорчилик изҳор қилиб, бирга йўлга тушдилар. Муқимий ўзини хурсанд кўрсатишга ҳаракат қилиб, бир соатли «суҳбат» ҳақида ҳикоя қилиб берди:

— Жуда қўрқиб кетган эдим, аксинча бўлиб чиқди, мени иссиқ қабул қилиб, ҳол-аҳвол сўрадилар, нималар ёзишимни суриштирдилар, чой қўйиб ҳурматладилар!..

— Ундай бўлса яхши! Хайрият!..

Элликбошининг нафаси ичига тушиб кетиб, бу ҳақда сўз очмади, йўл-йўлакай бошқа мавзуларда сўзлашиб бордилар. Гиштікўприкка етганда Муқимий ундан сўради:

— Бир мадрасада истиқомат қилишсак ҳам ҳурматли ҳожи акани анчадан бери учратмайман. Сиз кўришиб турасизми?

— Ҳожи ака мутаваллиликдан бўшаганларидан кейин ҳазратга зарда қилиб, ошна-оғайниларининг меҳмонхоналарида ётиб юрибдилар эмиш деб эшитаман. Мутаваллиликни тортиб олиб, ҳазрат чакки қилдилар. Ҳали ҳам бўлса ҳазрат жаҳлларида тушиб, ҳожи акага узр айтишлари керак! Ҳожи ака ҳазратни бир кун эмас, бир кун хафа қилиб қўйишлари турган гап!

Муқимий чурқ этмай борарди, мадрасага яқинлашганда элликбоши билан хайрлашиб, тезроқ ҳужрага киришга ошиқди. Ҳужра тўла меҳмон, Хўжа Маъруф билан Абдуқаҳҳор келибди деб эшитиб, шинаванда аҳбоблар жам бўлган эдилар. Суҳбат вақтида ёнма-ён ўтирган Мавлавий Йўлдош пайт пойлаб туриб, Муқимийнинг қулогига шивирлади:

— Кимнинг жанозасини ўқидингиз?

— Ҳеч кимнинг! Қаёққа борганимни ҳали айтиб бераман. Ўзингиз нима қилдингиз?

— Доктор аёлни извошда олиб келдим. Кўриб чиқиб, хавfli эмаслиги, тузатиш мумкинлиги, уйни иссиқ тутиш шарт эканлигини айтди. Ҳафтада бир келиб хабар олиб туришга ваъда берди. Қолганини кейин гаплашамиз.

\* \* \*

Суҳбатдан кейин меҳмонларни Обиджон аълам меҳмонхонасига олиб кетди. Эртаси кеч дўстлар Аъламининг меҳмонхонасига тўпланишдилар. Дадажон ҳожи, Фарзинбек билан уста Абдуқодир ганчкор, улардан кейин Муҳаммаджон Макайлик билан Ғофиржон кириб келдилар. Улар орқасидан мулла Носир охун ҳам хабар топиб келди. Тингловчидан хонанда кўп эди. Энг оядин меҳмон ҳофизлардан мақом эшитдилар, кейин Фарзинбек билан уста Абдуқодир ганчкор «Гулёр-шаҳноз»ни, Дадажон ҳожи, Муҳаммаджон Макайлик, Ғофиржонлар Муқимийнинг «То ўзингни базми оро айладинг»ини фалакка етказдилар.



Исфаралик ҳофизлар уч кеча Қўқонда меҳмон бўлиб турганларидан кейин Муқимий, Дадажон ҳожи, Обиджон аълам, Муҳаммаджон Макайлик, Ғофиржонни, шунингдек, мулла Носир охунни ҳол-жонига қўймай, бирга олиб, Исфарага жўнадилар.

Муқимийнинг дўстлари билан тожик халқига меҳмон бўлиб бориши, Исфаранинг шеър ва санъатга мухлис оддий кишилари учун зўр шодиёна эди. Одамлар меҳмонхонага сигмаганидан, катта чорхари хонанинг тўрт ерига ўрик тўнгаларидан гулхан қилиб, атрофига палос ёзилди, исфараликлар алоқадарҳол топганларини ўртага тўкдилар. Хўжа Маъруф билан Абдуқаҳҳор соз билан ўртага тушиб, гоҳ Камол Хўжандийдан, гоҳ Муқимий билан Фурқатдан ўқир эдилар. Улардан кейин қўқонлик санъаткорлар ўртага чиқиб, гоҳ мақом, гоҳ яллалари билан Исфара аҳлининг олқишига сазовор бўлдилар.

Бу йилнинг ўзбек-тожик санъатининг сайилига айланди. Сайил уч кечаю уч кундуз давом этгач, тўртинчи кун Муқимий шериклари билан Қўқонга қайтди ва ҳожи Муҳйи яна мадраса мутаваллилигини қўлга олибди, деган гапни эшитиб, бўшашиб кетди. Шаҳар ҳокими Мединский ва уламо, бойлар ўртага тушиб ҳожи Муҳйини яна ўз ўрнига қўйган эдилар.

Шу кундан бошлаб Муқимий мадрасага сигмай, Қўқон ҳам унга торлик қилиб қолган эди. Узоқ йил мутавалли бўлиб туриб, вақф ерларидан келадиган даромадларни ўз манфаати учун яратиб келган, деҳқончиликдан мутлақо беҳабар бўлган ҳожи вақф ерларини ҳар кимларга топшириб юборганлиги, ерлар ҳосилдан қолганлиги натижасида мадраса қашшоқлашиб, мударрис ва муллаваччаларга ҳеч нарса берилмай қўйган, бир неча йилдан бери ўтин-кўмир ғамланмаган эди.

Мадраса хўжалигини харобалаштирган бойқуш ҳожи яна ўз ўрнига келганидан норози бўлган бир неча муллаваччалар бу мадрасадан кетиш ҳаракатига тушдилар.

Мадрасанинг қўп ҳужралари бўшаб қолганлигига қарамай, мутавалли ҳожи яна Муқимийни бўғиш, келган-кетгани эҳтисоб қилиш, ҳужрада ашула айтилиб, музика чалинишини тақиқлашга тушди. Жони ҳалқумига келган Муқимий, кўзига олам тор бўлганидан икки кеча-кундуз ҳужрадан чиқмай ётиб, учинчи кун бўлак жой қидириш, бўлак жойда бир нави кун ўтказиб, баҳорда Тошкентга бутунлай кетишга жазм қилди. Бироқ

бошқа мадрасаларнинг мударрис ва мутаваллилари мутавалли ҳожини риоя қилиб, Муқимийга ўз мадрасаларидан ҳужра беришни истамадилар. Қиш пайтида Тошкентга жўнашнинг иложи йўқ эди. Тошкентлик дўстлар ҳам, қариндошлар ҳам қиш кунда бир-икки кеча бошпана бера оладилар. Кейин қаёққа бориш, қаерга сиғиш мумкин? Ёзишдан бўлак «хунар» йўқ, чўнтакнинг аҳволи маълум!..

Ҳовлига ҳам жазман харидор йўқ, бор харидорлар ҳам пайсалга солиб, «пул санаб берган кунимиз ҳовли бўшатилиши керак», деган шартни қўймоқдалар. Бунинг учун ҳам Мавлавий Йўлдош балоғардон бўлиб, харидор билан жиддий гаплашишга киришди, кейин бир сулҳга келиб, Муқимий ёнига келди.

— Харидор ҳовли пулининг тўртдан бир қисмини ҳозир тўлаб, қолган қисмини баҳорда ҳовли бўшатиладигандан кейин тўлайдиган бўлди. Фақат бир шарт билан ҳовлини шу кунларда унинг номига васиқа қилиб ўтказиш шarti билан. Бугун эрталаб Саъдихон қозининг олдига кириб йўл-йўриқ олдим, масаланинг битта мушкул томони бор.

— Хайр! Қулоғим сизда!

— Сиз ҳовлини сотишингиз учун, Мирзахўжа новвойнинг бошқа варасалари розилик билдириб, сизга ваколат беришлари лозим эмиш!

Муқимий ниҳоятда бўғилиб тиззасига урди:

— Бу ташвиш ҳам бормиди! Катта-кичик беш жон унгача очидан ўлади. Овқат, ўтин-кўмир йўқлиги устига доктор хотин, извошнинг сарфи ҳам бор.

— Сингилларни чақиртириб келиб берсангиз бас, эшон ака! Ташвишланманг! Қолган ишларни ўзим ҳал қиламан!

Муқимий совуқ кунда Акбархўжани ёнига олиб, аввал Аччиққўлдаги сингилсиникига, иккинчи кун Навбаҳордаги сингилларга меҳмон бўлиб, ҳовлини сотиш ҳақида розилиklarини олиб келди. Улар қозихонага келиб, акалари Муҳаммад Аминхўжа фойдасига ҳовлига меросхўрликларидан кечганликларини билдирдилар.

Шундан кейин харидорга ҳовли васиқа қилиб берилди. Ҳовли ўн тўрт тилла баробарига сотилиб, қўлга теккан уч тилладан анчагинаси қозихона харажатларига тўланди, қолганига ўтин-кўмир, оз-моз ун-гуруч, ёғу гўшт ва бир печка сотиб олинди, қолганини доктор хотин ва из-

вош ҳақи учун Зиёда аяга топшириб, Муқимий анча хотиржам бўлди.

Бу йилги қишнинг шиддатли бошлангани, бунинг устига мутавалли томонидан қайта бошланган озорлар Муқимийни мулла Абдуллани қишлоғига жўнатишга, Ғарибийнинг ғассолга ёрдамчи бўлишига эътироз билдирмасликка мажбур қилди, ўзи эса Мавлавий Йўлдош меҳмонхонасида истиқомат қилиб туришга қарор берди.

Муқимий Миён Сотиболдихон дарвозасини бевақт қоқиб узоқ кутиб қолганидан анча музтарлик тортди, кейин қўлтиғидаги китобларни қор устига қўйиб, аёзда увушган белига кафтини босиб турди, китобларни яна қўлтиқлаб олиб, Ҳожибек томон беш-ўн одим босган эди, эшикни очган бола орқадан чопиб етиб келди:

— Қайтинг, амаки! Меҳмонхонага жой қиламан. Совқотиб қопсиз!..

— Дадангизга мана шу омонат калитни бериб қўясиз, мен йўлимдан қолмай...

— Дадам ухлаётган эдилар, кириб турсангиз уйғониб қолар эдилар.

— Раҳмат, Миёнча.

Муқимий калитни Миёнчага бериб, орқасига қарамай кета берди, уч кўчага яқинлашганда кўз олдини қоронғилик босиб тойиб йиқилди, қўлтиқдаги китоблар ҳар томонга сочилиб кетди. Кўчанинг нариги юзидан ўтиб бораётган косиб йигитлар келиб, ўрнидан турғизиб қўйдилар-да, Мавлавий Йўлдошнинг ҳовлисига олиб кетдилар.

Шом билан хуфтон оралиги, қаттиқ аёз, меҳмонхоначага ётқизилган Муқимий, анча фурсатдан кейин ўзига келиб, бошида ўтирган Мавлавий Йўлдошга қаради:

— Сизни қўрқитиб юбордимми?

— Шундай ҳазиллар бўлмасин!

— Чойдан бир пиёла...

Мавлавий чой қўйиб узатди:

— Йўллар шундай ҳам тийганчиқ бўлибдики, ойнакка ўхшайди!

— Пиёлага бурда нон тўғралса-ю, устига икки чақмоқ қанд қўндириб чойга бўктирилса. Ростини айтсам, кун бўйи тамадди қилингани йўқ.

— Ҳозир!

Мавлавий пиёлага нон тўғраб туриб дўнгиллади:

— Узингизга бераҳмсиз! Бошқаларнинг қайғусини

чека берасизу. ўзингизни ўйламайсиз! Мен бу ерда овқатни совутиб, мунтазир бўлиб ўтирибман.

— Совуқ ҳужрада гуж тушиб, ухлаб қолибман.

Муқимий пиёладаги нонни ейишга бошлаганида кўча эшик қоқилди. Мавлавий чиқиб, Миён Сотиболдихонни бошлаб келди.

— Косиб йигитлар кўрмасалар, билмадим, эшон аканинг ҳоллари не кечар эди!— деди у.

Мавлавий Миёнга Муқимийнинг кўзи тиниб, муз устига йнқилганини эшик очган ондаёқ батафсил сўзлаб берган, гапнинг охирини хонага кирганларида тугатган эди. Кира солиб, пойгаҳга чўкка тушган Миён изтироб билан сўз бошлади :

— Сизнинг бемалол кира беришингиз учун ўзимнинг чиқмаганлигим мене бўлмаслиги керак эди-ку? Еки ҳужра калитини шу кечдан қолдирмай менга топширилиши ҳақида фармони олий олганмидингиз?

— Омонатни ўз қўлингизга топшириб ўтгим келган эди, истироҳатда экансиз. Ўзимнинг безовта бўлганим етар, сизни ҳам безовта қилишни истамадим. Шунинг учун озор бермоқчи бўлсангиз, бера беринг!

Миён Сотиболдихон кулиб ўрнидан турди ва тўнни ечиб қозиққа илди-да, тўрга ўтиб ўтирди:

— Ўйлайманки, орамизга нифоқ сола оладиган бирор сабаб йўқ! Шунингдек, менинг ҳазратлар авлодига мансублигим ҳар иккингизга аён, сизларни тарбият қилган устозлар мени ҳам тарбият қилгани, сиз билан бир қозонда қовурилганлигим ҳам аён. Бунинг учун қалбни ёриб кўрсатишга эҳтиёж бўлмаса керак!..

— Шу гаплар ҳаммаси бемаҳалда меҳмонхонангизга кирмаганим учунми?

— Нима учун калитни бериб кетдингиз?

— Омонатга хиёнат қилмай деб...

— Бу, таъби нозик шоирларга хос араз эмасмикин?

— Бошимда ёнғоқ чақмоқчи бўлиб турган шум рақиб қаршисида яна жон ҳовучлаб, умримни хазон қилишим керакми? Бир муттаҳам олдида улуг ҳазрат, қола берса, жанобингиз тиз чўкканларингиздан кейин, биз нима деган нарса! Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр...

— Акам билан менинг йўригим бўлак. Биз билан мадраса талашаётимди. Аммо сиз билан талашаётган нарса бошқа! Сиз билан майдон талашяпти!

Муқимий жим қулоқ солмоқда эди, пойгаҳда чой

қуяётган Мавлавий Миённинг сўзига тузатиш киргизди:

— Талашяпти эмас, курашяпти десак дуруст бўлмасмикин? У, ўз қабиҳ мақсадларини амалга ошириш учун Муқимий ва Муқимийларни қурбон, уларни кўкартириб, вояга етказаетган ёш шеърят ниҳолларини пайҳон қилмоқчи. Сизнинг мағлубиятингиз янги шеърятимизнинг мағлубияти эмасми?

Миён Сотиболдихон калитни аста сандал устига ташлади:

— Яна ёшлик йилларига қайтайлик. Йигитлик завқу шавқини қайта тиклаш, ўша шеърят анжуманини гуриллатиш учун ёнингизда Мавлавий Йўлдош, Миён Сотиболдихон ва атрофингизни қуршаб олган янги қалам соҳиблари бор... Бўш, бекорчиман... Бундан кейинги умримни кундузлари ҳужрада сиз билан ўтказиб, ёш шоирларга хизмат қилиб, ҳожи Муҳйидан қасос олмоқчиман!

\* \* \*

Муқимийнинг оёғи йиқилганда қаттиқ лат еган эди, эртаси билинди. Буни овоза қилмай, Мавлавий бир ҳафта даволади. Бир кун Миён Сотиболдихон нонушта вақтида кириб келди:

— Извош тайёр! «Сичқон сурди» қилиб менинг ҳужрамга меҳмон бўлинг!

Муқимий ҳам кулиб қаршиллик билдирмади, учалаларни извошда ҳужрага бордилар: ўчоқ олдида билак шимарган Завқий, ташқарида ўтин ёраётган Зорий ва сандал атрофида Ёрий, Нусрат, Залилий устозларининг ҳужрага келишини сабрсизлик билан кутмоқда эдилар.

Миённинг ажойиб ташаббуси билан тикланган бу адабий гурунг бора-бора ўз ижобий самарасини кўрсата бошлади. Ҳар кеча ҳужрага тўпланадиган ёш шоирларнинг сонни кундан-кунга ошиб борар, сандал ўтини баланд қилиб, унинг теварагида тиззама-тизза ўтиришиб олган ёшлар янги машқ қилган назмларини навбати билан ўқишар, камчиликларини ўртоқлашиб, тузатишар. Муқимий уларга маслаҳатлар берарди. Мавлавий Йўлдош устоз домла Халилдан эшитган ўтмиш шоир, фозиллар ҳаётига доир ҳикояларни сўзлаб берар ва гоҳ кечалари Миён Сотиболдихон мураббий Нохўшнинг усулини қўллаб классикларнинг қийин форс, арабча

шеърларини ўқиб тушунтирар эди. Қолган бўш вақтларида ёш шоирлар сатранж ўйнашни ўрганар эдилар.

Муҳйи ҳужрада ашула айтилиб, музыка чалинмаслик шарти билан Муқимийнинг мадрасада истиқомат қилишига розилик билдирган эди, ашула ва музыка ўрнини адабий суҳбат ва мунозаралар эгаллади. Мутавалли буни тақиқлашга ожиз эди.

Ермуҳаммад — Ерий Қаримдевона қишлоғидан мулла Абдуллани олиб келган, мулла Абдулла рўзгор ишларини яна ўз қўлига олган эди, шоир Исмоил Ғарибий ҳам бу анжумандан четда қолмади, унинг сўниб бораётган истеъдоди қайта жонланди.

Яқинда мадрасани Ҳокимойимга мударрис бўлиб келган тошкентлик ёш мударрис ва шоир Алмаий беҳаслик билан кириб келиб, бу шеърят анжуманига янги файз қўшар, ёшларга ўз фалсафий шеърларини ўқиб бериб, ажойиб истеъдоди билан аҳли суҳбатни қойил қолдирарди. Гоҳо ёш шоирларга насиҳатга ўтиб, уларни риёкор руҳонийлар таъсиридан узоқ туришга даъват этарди. Бу ажойиб ёш фозил шоир Тошкентдан Қўқонга келган кунлариданоқ Муҳйинлар билан эмас, Муқимий, Мавлавий ва Миён Сотиболдихонлар билан топишиб, дўст тутинишган эди.

Муқимийнинг ҳар жумани бошқа ерда ўтказиш ҳақидаги фикри ҳаммага маъқул тушди. Шоирлар аввал «Дахман модари хон»га бориб, қабр устидаги қорларни супурдилар, у ердан чиқиб, қадоқчи Тожибой ҳожининг мадрасани Чалпакдаги ҳужрасига кирдилар.

Ҳожин азиз меҳмонларни хурсанд қилиш учун дастурхон устида ёш қориларни ишга солди: улар икки-икки бўлиб, шундай ҳам ашула айтдиларки, булардаги тугма истеъдодга ҳамма қойил қолди. Улар орасида Эрка қори исмли йигитча айниқса ўткир товуши, заковати, фаросати билан Муқимий ва бошқаларни ўзига мафтун қилган эди.

Муқимий уларга бундан кейин ҳам тез-тез учрашиб туриш ваъдасини берди, йўлда мароқ билан шогирдларга қаради:

— Биринчи «жумъа юриши»миз ёмон натижа бермади-а?..

— Жуда ҳам кўнгилли ўтказдик, — деди Зорий, — эндиги жумъамиз ҳам шундай ўтадимми, устоз?

— Албатта! Балки бундан ҳам кўнгиллироқ ўтар.

Завқий савол берди:

— Эшитиб қўйсак бўладими, мулла ака?

— Нега бўлмасин! Эндиги жумъага яна бошқа бир ерда кекса устоз санъаткорлар суҳбатини топсак. Шодмон ҳожидан дуторда, танбурда «Тажнис», «Яланг Даврон», «Нолиш», Исмоил маҳрамдан найда «Наво»ни эшитсак дейман.

Ешлар кечки пайт Муқимийни хужрага олиб келиб қўйиб, уй-уйларига тарқалдилар. Муқимий ёнбошлаб ўз-ўзича сўзланди:

— Кузнинг аччиқ изғирини, бўронларини ҳам, қишнинг узундан-узоқ қақшатқич аёзларини ҳам бир амаллаб ўтказайлик. Баҳорнинг «айём ажуз»идан ҳам ўтиб олсак, марра бизники...

## *Йигирманчи боб*

### ОХИРГИ САЕХАТ

«Муқимий таънаи Муҳйига бир сўз айтки, рост бўлсин, Келур охир, сени ҳам йўқлагудек бир замон яхши!

Муқимий

Қўқонда бу йил қиш қаттиқ келишига қарамай, Муқимий учун беҳад кўнгилли ўтди, чунки қиш бошланиши билан хужрага тўплана бошлаган ёш шоирлар анжумани тобора кенгайиб, Завқий бошлиқ Зорий, Ерий, Залилий, Нусрат, Муҳаййир қаторига янги-янги шоирлар келиб қўшилди.

Бу ёшлар анжуманининг равнақи учун Муқимий ўзининг вақтини сира аямас, аксинча, улар билан ўтадиган соатларни энг қийматли соатлар деб ҳисоблар, уларни хужра тўрига ўтқазиб, ўзи пойгаҳда ўтиргиси келарди. У суҳбатдан сўнг ўқилган шеърлар ҳақида фикр юргизиб, бўш, хом сатрларни пишириш йўлини кўрсатар, классик устозларнинг асарларидан намуналар келтирарди. Халфана йўли билан қозон қайнатиб, овқатланганларидан кейин баъзан Алишер Навоий «Чордевон»и, гоҳ Фузулий куллиётидан ғазаллар ўқишиб, гоҳ икки-икки бўлишиб, сатранж доналари устида гап ўйнашиб, ярим кечада тарқалишар эдилар.

Бора-бора шеър мухлислари ҳам икки-учтадап бўлиб келишиб пойгаҳда сомелик қилишар ва ўқиладиган ғазалу ҳажвлардан завқланар эдилар.

Узининг газал ва ҳажвлари билан тенгқурларидан устун турган Завқийга Муқимий бошқача назар ва муҳаббат билан қарар ва унинг сиймосида ўзини ва Зокир-жон Фурқатни кўрар эди. Завқий шеърлари, айниқса, ҳажвлари оддий халқ томонидан худди Муқимий, Фурқат асарлари каби қабул қилиб олина бошланган эди.

Муқимийнинг қўшиқ ва ҳажвлари халқ ичига қанча тарқалиб, томир ёйиб кетган бўлса, Завқийнинг қўшиқ ва ҳажвлари ҳам Муқимий асарлари кетидан етиб бормоқда, Завқийга бошқалар эргашмоқда эдилар.

Буни кўрган ҳожи Муҳйи чидай олмай ёш шоирлар анжуманига «чапани шоирлар тўдаси» деб ном бериб, Муқимий ҳужраси томон бўҳтон тошларини ота бошладди. Муқимийнинг бир ўзи етмагандек, юртнинг давлатмапдлари, уламоларига қарши ҳажв ёзадиган ёш гуруҳлар етишиб чиқмоқда, «Муқимий даҳрий домла Халли билан Нохўшлардан олган таълимини ёшларга ўргатмоқда!» деб, масжид-мадрасаларда, бойлар дастурхони устида, ҳатто пошшоллик маҳкамаларида дод солди. Бошқа руҳонийлар ҳам буларга эргашиб: «Биз, Қўқон уламолари илм ва салла остига яшириниб келган даҳрий мударрис — қори Фазлулодан зўрға қутулган эдик! Энди ўз мадрасамиз, ўз қўйнимизда янги қори Фазлуллолар тайёрланыпти!..» деб гавго кўтардилар. Бу «даҳрий» мударрис қори Файзулло — тошкентлик шоир Алмай эди.

Қори Фазлулло — Алмай Тошкентнинг Бекларбеги мадрасасида таҳсил қилиб юрган чоғларидаёқ, шоирлик камолотига етиб қолган, араб, форс адабиёти билан танишибгина қолмай, араб, форс тилларида ёзиш қобилиятига эга бўлган истеъдод соҳиби эди.

Кўзи хиралашиб, хат ёзишдан қолган кекса устози бир куни қори Фазлуллони чақириб, қўқонлик дўстлардан келган дуойи саломга жавоб ёзиб юборишни илтимос қилганида, у ўз ҳужрасига кириб кетиб, икки соатдан кейин дуойи салом ёзиб чиқади. Бу узун дуойи салом араб тилида шеър билан ёзилган эди. Буни устозига ўқиб берганда устоз ҳайрон бўлади:

— Ажабо! Бу, ҳозир ёзилдими ёки олдин ёзилган шеърни ислоҳ қилдингизми?

— Ҳозир ёзилди. Агар ислоҳ қилинган шеър бўлса, ўзингиз қўйиб берган тахаллус — Алмайлигим қаёққа



кетди?.. (Алмаийнинг маъноси тез хотир деган сўз эди.) Дуойи саломни олиб келган киши Қўқонлик уламоларга шоир қори Фазлулло — Алмаийни оғиз кўпиртириб мақтай бошлайди:

— Бу навқирон йигит шоирлигидан қатъий назар, ёш бўлишига қарамай, жуда зўр мулла эмиш!..

Уша йилларда Қўқон мадрасаларига мударрислар етишмас, айниқса, шаҳар марказида бўлган мадрасаи Ҳокимойимда дурустроқ мударрис йўқ эди. Қўқон уламолари Тошкентга — Бекларбеги мадрасасининг кекса мударрисига яна мактуб билан одам жўнатиб, қори Фазлуллони мадрасаи Ҳокимойимга мударрис қилиб юборилишини илтимос қиладилар. Аммо бу иш осонликча битмайди. Ҳар бир мударриснинг бир мадрасага тайинланиши генерал-губернатор тасдиқи орқали бўлар эди. Тошкент уламолари қори Фазлуллони бу тўсиқдан анча машаққат билан ўтказиб, Қўқонга жўнатадилар. Алмаий шунда йигирма беш ёшлардаги келишган, чиройли йигит эди.

Ёш мударрис ўзининг ҳар томонлама қобилияти билан бошқа мадрасалардаги толиби илм йигитларни оҳанрабодек тортиб ола бошлайди,

Обрўси ошиб бораётган Алмаийни кўролмайдиган уламолар кўпаяди. Уни обрўсизлантириш учун изига тушиб, орқасидан одам қўядилар. Алмаий бир кун дарсхонадан қайтиб, ҳужрасида, пойгаҳ томонда турган қуръон устига оёқ узатиб ухлаб қолади. Изига тушган айғоқчилар шовқин кўтарадилар, уйғониб кетган Алмаий уларнинг: «Нима учун қуръон устига оёқ қўйиб ётибсиз?» деган саволига бепарволик билан жавоб беради:

— Биргина қуръон эмас, дунёдаги ҳамма нарсадан инсон азизроқдир! Қуръон ҳам, нон ҳам инсон учун яратилган.

Алмаийнинг бу сўзини эшитган уламолар: «Бу мударрис қувилсин!» деб талаб қиладилар. Шоир қори Фазлулло — Алмаий Қўқондан ҳайдалади. Тошкентга қайтиб келиб, шаҳарнинг бир чеккасида адабий таржимонлик билан кун кечира бошлайди. Арабчадан «Қалила ва Димна»ни, форсчадан «Чор дарвиш»ни ўзбек тилига биринчи таржима қилган шоир Алмаий эди.

Алмаийнинг Қўқондан қувилганига Қўқон руҳонийлари шодланган эдилар, лекин Муқимий, Мавлавий Йўлдош, шаҳар шундай ажойиб йигитдан жудо бўлга-

нига қайғурдилар ва Тошкентга борадиган таниш-билишлар орқали қори Фазлулло — Алмайига салом йўлаб турдилар.

Қора гуруҳчи дин аҳллари Алмайини бир ёқлик қилганларидан кейин Муқимийнинг изига тушдилар. Мутаассиблар: «Ёшларнинг Муқимий ҳужрасига тўпланиб, шеърхонлик қилишлари тақиқлансин! Янги муқимийлар, янги алмайлар етишиб чиқишига йўл қўймаймиз!» деб шовқин солдилар.

Бироқ Муҳйи бошлиқ бир тўда руҳонийларнинг игволари, отаётган бўҳтон тошлари қанча куч олмасин шеърят анжумани тобора олдинга босиб, яшнаб, гулламоқда эди. Ёш шоирлар учун кўнгилли ўтган қиш баҳорга уланиб, баҳорнинг «айём ажуз» шамоллари ҳам вақтида ўз «ҳунар»ини кўрсатиб ўтгач, қуёшнинг тафти кундан-кун кучайиб, толлар попуқ чиқарди. Ҳужрадаги сандал ўрнини хонтахта эгаллади. Ер ҳайдаш, дон сочиш мавсуми бошланди. Муқимий шеърхонлик анжуманини бир ой тўхтатишни, бодому ўриклар гуллаб барг ёзганда, боғларда гулсафсар очилиб, майдонлар майсадан мўйловсабз бўлганда Ғалчасой бўйлаб Чорчаман боғларида шеър баҳсини бошлаб юборишни илтимос қилди. Қўқон аҳли ҳар йил баҳорни кўпчилик бўлиб, узоқ-узоқ боғларда, Мўймуборак сайилгоҳларида, Ойдинбулоқ лабла-рида ўтказиб, ҳордиқ чиқазар эдилар.

Ёшлар анжумани бир-икки ойга тўхтатилгандан кейин қишлоғига бориб бир оз деҳқончилик қилиш учун мулла Абдулла ҳам жавоб олиб кетди. Ҳужрада бир ўзи қолган Муқимий нонуштадан кейин супага палос ёзиб, ўзини офтобга солиб шеър ёзиш билан овора эди, бутун Беквачча маҳаллани ҳалимнинг иси тутиб кетди.

Муқимий ёзишни ташлаб, ҳалимнинг ёқимли ҳидига кўнгли суст кетиб турганда салом бериб Ғарибий кирди:

— Ваалайкум ассалом! Ҳеч нарсани фаҳмляяпсизми, мулла Исмоил?

— Йўқ, мулла ака!

— Ундай бўлса, оламни бир ҳидлаб кўринг-а!

— Сумалакнинг иси эмасми?

— Сумалакнинг иси ҳам ўзига хос ёқимли. Аммо бу ис ҳалимнинг иси! Оҳ! Бу неъмат баҳор учун энг тансиқ, шифобахш овқатлардан ҳисобланади. Танишроқ кишилар пишираётимдикин?..

— Қани, чиқиб билиб келай-чи.

Ғарибий кўчага чиқиб, ҳаялламай қайтиб кирди:

— Билиб келдим, мулла ака! Ошнангиз мулла Абдуваҳҳобнинг тоғаси Ботирхўжа бўркорнинг ҳовлисига катта қозон осилиб, ҳалим пишираётган эмишлар. Мулла Абдуваҳҳоб ҳам шу ерда бўлса керак. Тегишиб, кичкина хат ёзиб бермайсизми!

Ғарибийнинг таклифи Муқимийга маъқул тушди, ўша онда тўрт сатр шеър ёзиб берди. Ғарибий шеърни олиб Ботирхўжа бўркор ҳовлисига кириб борди ва шеърни қозон бошида ҳалим сузаётган Абдуваҳҳобга берди. Абдуваҳҳоб аввал ичида ўқиб, кейин бошқаларга ўқиб эшиттирди:

Абдуваҳҳобу Хўжажон ботир,  
Дошқозонга чўмични бир ботир!  
Хаста ҳолим учун ҳалимни чиқар,  
Кичкина ҳужрада Муқим ётир!..

Буни эшитган кўпчилик кулгича-кулишча, аввал бир идишга Муқимийнинг насбасини сузиб, кейин тақсим қила бошладилар.

Муқимийда ҳар баҳор қўзғайдиган кўз тиниш, бош оғриғи, лоҳаслик ва иштаҳасизлик касали кун исий бошлаган сайин аста-секин кучая бошлаган эди. Шарқ табиблари бу касалликни «савдо» деб атайдилар. Муқимий ёлғиз ўтиришни хоҳлайдиган, овқат танлайдиган инжиқ бўлиб қолган, кўнгли фақат қаттиқли угра ошини хоҳларди.

Муқимий рўмолчага икки пнёз билан бир миқдор ун тугиб, устоз домла Халилнинг эшигини қоқди:

— Маҳзумой!.. Ҳо, Маҳзумой!..

Устознинг биргина Шарофатой исмли қизи бўлиб, уни Муқимий «Маҳзумой» деб чақирар эди. «Маҳзумой» энди балоғатга етиб, кишидан қочадиган, ҳатто отасининг яқин шогирди Муқимийдан ҳам қочадиган бўлиб қолган эди. Онаси — отинийнинг қўшни хотинларга айтган гапига қараганда, домла Халил хотинларига шундай деган эканлар: «Мўлжалим, Муҳаммад Аминхўжани ичкуёв қилиб олиш эди-ю, Шарофат ёш бўлганлиги учун ҳеч кимга индамаган эдим, Муҳаммад Аминхўжа ота розилиги деб, ўгай онасининг қизига уйланишга мажбур бўлди...»

Шарофатой кўча эшигини қия очганда Муқимий рўмолчадаги унни остонага қўйиб, бир қадам тисарилди. Шарофатой оппоқ қўлини ерга чўзиб, остонадан унни

олди, унинг сочлари ерни супуриб кўтарилди. Муқимий хужрага қайтиб, кўчага қараган дарчани очди. Ҳар кунги одатича Шарофатой тўн ёппииб уграни олиб келиб, дарчага қўйиб кетишини кута бошлади. Шу пайт анчадан бери келмаган Эгамберди ҳожи кириб келиб, ҳолаҳвол сўрашгач, Муқимий илтимоси билан бошлаган ишидан ҳисоб бера бошлади.

Эгамберди ҳожининг айтишича, Зиёда аянинг олдинги эри — Ойшабибининг отасидан қолган вайрона уйлар ҳашар қилиб эпақага келтирилибди, энди у уйда ҳаёт кечириш мумкин экан. Ҳовли Эгамберди ҳожи самоварига яқин бўлганлиги сабабли самовар чойхўрлари учун пишириладиган кундалик маставани Зиёда ая ўз ҳовлисида пишириб манфаатланса бўлади.

Эгамберди ҳожи хужрага келмасдан олдин ҳовлига кириб, Зиёда аяга, кўчиб борсангиз бўлади, деб маслаҳат берибди. Доктор хотин ҳафтада икки бор келиб дори қўйиб, Ойшабибини тузатибди, буларга раҳми келиб, пул олишдан воз кечибди, фақат извош ҳақи учун озроқ пул олибди. Ойшабиби қўли батамом соғайгандан кейин аввал Муқимийга, кейин Мавлавий Йўлдошга дўппи тикиб бериш ниятида эмиш. Ҳожидан бу гапларни эшитиб, Муқимий анча енгил тортди, дўстига раҳмат айтиб, кейин ўғли ҳақидаги ўйлаганларини ўртага тўкди:

— Ўзингизга маълум сабаблар билан Акбархўжа оғир шароитда ўсаётгани учунми, ёки бошқа етишмовчиликлар важҳиданми, гаранг афт, маътунамо<sup>1</sup>, карахт бўлиб ўсди. Шу туфайли ўқишининг ҳам мазаси йўқ, ундан мен кутган киши чиқмаслигига ақлим етиб турибди. Ўғлимнинг бундай бўлишига биринчи гуноҳкор мен бўлсам, иккинчи гуноҳкор, албатта Зиёда ая! Чунки бу золим аёл бутун ўчини ёш боладан олиб, уни кўп калтаклаган.

— Яхшиси, Акбархўжани менга топширинг. Мен уни энди Зиёда аядан тортиб олиб, бир устага шогирд берсам, ҳола аҳволидан доим хабардор бўлсам...

— Қошки эди! Барибир ундан билимдон одам чиқмайди! Шундай экан, бир ҳунар эгаси бўлиб қолишига сиз сабабчи бўлинг, ҳожим...<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Маъту — Қўқонда гаранг болаларни шундай деб атайдилар.

<sup>2</sup> Акбархўжа ҳунарни ҳам эплай олмагандан кейин Эгамберди ҳожи боққоллик дўкони очиб берди. Отаси Муқимий вафотидан кейин Бухорога кетиб қолди ва ўша ерда 1917 йилда хор-зорликда вафот қилди.

Шу вақтда чопон ёпинган Шарофатой угра ошни дарчага қўйиб қайтди. Муқимий уни икки косага қўйиб, нон синдирар экан, кўзи дарча олдида кулиб турган Муҳйига тушди. Муқимий Муҳйининг кулганини биринчи кўриши эди.

— Марҳамат, ҳожи ака! Угранн бирга баҳам кўришамиз!..

— Раҳмат! Базур ичила берилсин! Жанобингизни андак нотоб деб эшитиб, ташвишнок бўлдим! Қалай, тузкумисиз, Муҳаммад Аминхўжа эшон?..

— Ғамхўрлигингиз учун раҳмат, ҳожи ака! Ҳар баҳор қўзғайдиган савдо! Буни тез кунда ўтиб кетишига аминман. Сиздек меҳрибонларни ташвишга солгудек қўрқинчли касал эмас...

— Ундай бўлса хайрият! Ёлғизлигингизда бизнинг ҳужрага марҳамат қилинг, одамнинг тафтини одам олади.

— Албатта, ҳожи ака, албатта!

Ҳожи Муҳйи ҳужраси томон ўтиб кетди. Муқимийни турли шубҳалар қуршаб олди: «Ажабо, бу меҳрибончилик замирида менга қаратилган яна қандай ифво-ю, бўҳтонлар борикин?..»

Эгамберди ҳожи кетди, Муқимий дарчани ёпиб, ухлагани ётди. Орадан икки соат ўтгач, Муқимий учун тайёрлаган дорисни олиб, бир чинни косада сумалак билан Мавлавий Йўлдош кириб келди:

— Қампир маҳалла сумалагига қўшилган эканлар, сизга ҳам насиба бериб юбордилар. Айниқса, бу сумалакни баҳорги сафро ва савдога дорилиги бор!..

— Саломат бўлгайлар...

— Мана бу бўлса сиз учун тайёрланган «ҳаби аёланж» номли дори.

— Ғамхўрлигингиз учун ҳазор бор ташаккур!

Мавлавий Йўлдош Муқимийнинг томирини тутиб, саёҳатга чиқиш, иқлимни ўзгартириш зарурлигини айтди. Бу маслаҳат Муқимийга жуда маъқул тушиб, шу баҳонада Андижондаги ва Марғилондаги ёру дўстларни кўриб келмоқчи бўлди.

Дафъи савдо учун Завқийни бирга олиб, Муқимий Андижонга жўнади. Мақсади Андижондаги кекса-ю, ёш шоирлар ва бошқа касбдаги дўстларига Завқийни ташиштириш эди. Муқимийни қайноқ кутиб олган андижонликлар Завқийни ҳам шундай қарши олиб, уни бирга олиб келгани учун Муқимийга миннатдорчилик билдир-

дилар. Икки шоир Андижонда ва атроф қишлоқларда меҳмон бўлдилар. Бироқ, Муқимийнинг кўнгли нима учундир бир нарсани сезаётгандай гўлгулага тушди. Қўқонга тезроқ қайтгиси келиб қолди. Йўлда Марғилонга тушишни ҳам истамади, поездда Завқийга узр айтиб, бундай деди:

— Менинг савдойилигим қурсин, сизни яхши ўйната олмадим! Элдан бурун қайтиб дўстларни ранжитдик. Марғилон тушишнинг ҳам баҳридан ўтиб, Қўқонга бормоқдамиз. Қошки эди, Қўқонда мени кутиб турган бир муҳим иш бўлса!

— Ҳали ҳам бир ҳафтада жуда яхши яйратиб, ажойиб кишиларнинг суҳбатларига мушарраф қилдингиз. Марғилонга бўлак фурсат топиб келишимиз мумкин.

Завқий бу сўзни Муқимийнинг кўнгли учун айтган бўлса ҳам, аслида Андижонда яна бир неча кун туришни ва Марғилонга тушишни истар эди. Марғилонни босиб ўтиб, эрталаб Қўқонга етиб келдилар, Муқимий хужрага кириб келиб, Ғарбийдан нордон бир хабар эшитди: «Сизнинг қайтишингизни Мавлавий билан Миён тоқатсизлик билан кутмоқдалар. Эшитишимча, доктор Кузьмич билан Оқжардаги ўрус чол жуда узоқ жойларга бадарға қилинган эмиш!..»

Пнёладаги чойни ҳам қолиб, Муқимий Мавлавий Йўлдошни қидириб кетди. Мавлавий Йўлдош Муқимийни кўра солиб, мунгли оҳангда ҳасрат қила бошлади:

— Узимиз, болаларимизнинг ҳам энг яқин дўсти бўлган ҳурматли Кузьмични Қўқондан Сибирга, мубошир отани Олмаотадан узоқ бир саҳрога бадарға қилибдилар.

— Эвоҳ! Нималар деяпсиз, Мавлавий?..

— Шундай! Яхши кишиларга кун йўққа ўхшаб қолди.

\* \* \*

Тошкентга жўнаши қатъийлашгандан кейин Муқимий ўзига боп икки ҳамроҳ топди. Булар Фарзибекнинг меҳмонлари — тошкентлик машҳур санъат аҳллари танбурчи Солиҳ ҳожи билан Абдулла булбул эдилар. Дўстлар Муқимийни мана шу икки ажойиб санъаткор билан Тошкентга жўнатдилар, ҳамроҳ санъаткорларнинг танбур, дутордан ташқари биттадан кичкина қизил хуржунчалари ва озода линча қопга солиб танғилган

биттадан тўшакларигина бўлиб, Муқимийнинг юки уларникидан кўра оғирроқ эди. Оқ рўжага ўраб тангилган кўрпа-ёстиқдан ташқари бир хуржуннинг кўзи тўла китоб, қоғоз, бир кўзи тўла нону кулча, бир бўхчада усту бош ва яна бир рўмолга тугилган писта-бодом бор эди. Писта-бодомни узатишга чиққан ошна-оғайнилар олиб чиққан эдилар.

Муқимий ва унинг ҳамроҳлари энг охирги, деразаси тўрт кўзли вагонга чиқиб жойландилар. Йўловчи ҳам у қадар кўп эмас эди. Поезд жўнагунча Абдулла булбул катта чойнакка чой дамлаб чиқишга улгурди. Учинчи занг урилиб, вагонлар ўрnidан қўзғалганда кузатувчилар орасида қон қақшаб йиғлаётган паранжили Зиёда ая билан аянинг паранжисидан тутиб, мўлтиллаб қараб турган Акбархўжа ҳам бор эди.

Муқимийнинг юрак-бағрини эзган бу икки шўрликдан ташқари, Қўқонда Муқимийга суюниб қолган етимча Ғарибий, кекса, паррихта санъаткорлар, бир неча косиб ва шоирлар ҳам кузатишга чиққан эдилар. Улар аяга ўхшаш фарёд чекмаган бўлсалар ҳам, кўзлари тўла ёш билан видолашдилар. Поезд станциядан чиқиб узоқлашган бўлса ҳам улар бир ерда туриб, ҳамон поезд орқасидан мўлтирамоқда эдилар. Муқимий деразадан бошини олиб, ҳамроҳларига сездирмай кўздаги ёшини энг учига артди-да, жойига келиб ўтирди. Чой устида тошкентлик санъаткорлар билан дурустроқ танишиб олди.

— Ҳурматли эшон ака, Тошкентдаги сизни таниган аҳли фазлларнинг фахрланиб айтишларича, аслингиз Тошкентдан эмиш. Шунга ишонсак бўладими?

— Бобомиз Мирфозил Тошкент Чорсусига яқин Эскинамозгоҳ маҳалласидан бўлиб, касби новвойлик бўлган, кейинча Қўқонга келиб қолган. У вақтда отам Мирзахўжа анча ёш экан.

— Тошкентга олдин ҳам борганмисиз, эшон ака?

— Ёшлигимда отам билан тошкентчи карвонлар арасида борган эдик. Хўжанддан кемада ўтиб, Янтоқ орқали қир оша-оша, жуда машаққат билан етиб борганимиз, Эскинамозгоҳдаги новвой қариндошлариникига тушганимизни эс-эс биламан.

Муқимий суриштириб, ҳар икки санъаткор Тошкент Чорсусидаги самоварчи — Илҳом аканинг илтимоси билан Қўқонга келганларини билиб олди. Тошкентда яқинда ташкил топган грампластинка-граммофон ширкати

Ўзбекистондаги машҳур ҳофизлардан ашула, мақомлар ёзиб олиб, уларни тарқатиш учун Бухоро, Самарқанд ва бошқа шаҳарларга кишилар юбора бошлаган.

Илҳом самоварчи ҳам шу ширкатнинг аъзоси бўлганлиги сабабли Хўжанддан Содирхонни, Бешариқдан Ҳамроқул қорини ва Қўқондан Фарзинбекни Тошкентга таклиф қилиш учун ҳар иккалаларининг борди-келди йўл харажатларини тўлаб Фарғонага жўнатган эди.

«Машина қўшиқ» деб ном берилган граммофон ва «Қўшиқ чалпак» ёки «Ашула товоқ» деб ном берилган грампластинка Қўқонга ҳам етиб келган, у ҳали фақат бойлар меҳмонхонасида бўлиб, халққа урф бўлмаган эди. Бу гапларни Муқимий жуда қизиқсиниб тинглади, бу ажойиб мўъжизанинг кенг оммалашиши, тансиқ ҳофизларнинг айтганлари кўпроқ «Қўшиқ чалпак»ларга кўчиб халққа ёйилишини ўйлаб, хурсанд бўлди.

Поезд бекатларда тўхташи билан эпчил Абдулла булбул катта тунука чойнакни олиб, сарпойчанг тушиб кетар, чой дамлаб чиқарди. Поезд ярим кечада Хўжандга етиб бориб, ўтхона алмашгунча анча фурсат ўтди, сўнгги чойни Хўжанддан дамлаб чиқиб, ичиб бўлганларидан кейин уйқуга ёнбошладилар. Тонгга яқин Ховосга етиб борган поезд Тошкентдан келадиган поездни кутиб, узоқ тўхтаб қолди. Намозхон йўловчилар таяммум билан поездда, ўтирган ерларида бомдод намозини ўқидилар. Яна чойхўрлик бошланди. Уч соатча кечикиб Тошкентдан келган поезднинг ўтхонаси буларнинг поездларини, буларни олиб келган ўтхона эса Тошкентдан келган вагонларни етаклаб йўлга тушдилар. Вагонлар анча ергача тисарилиб бориб, кейин Тошкент йўлига бурилиб кетди.

Поёнсиз Мирзачўл саҳросининг зериктирувчи манзаралари кўз ўнгидан ўта бошлади. Ўтхона атрофга тутун аралаш қурум пуркаб, саккизта вагонни дангасалик билан олдинга судраб бормоқда, кун иссиқ, кичик бекатчалардагина битта-иккита одамни учратиш мумкин. У бекатдан чиқиб, бу бекатга етиб боргунча биёбонда на бир туп дарахт ва на бир инсон кўринади. Сирдарё кўпригидан ўтгач, қиру жарли манзаралар бошланиб, узоқ-яқинларда деҳқонларнинг пастқам кулбалари, ерда ишлаётган деҳқонлар, ўтлаб юрган қўй, эчкилар учраб, йўловчиларнинг диққатларини ўзларига жалб қиладилар.

Бир кеча-кундуздан мўлроқ йўл босган поезд Тошкент



бекатига етиб тўхтади. Кўп қатори Муқимий ҳам юк орқалаб, бобо шахрига мусофирларча тушиб келди. Муқимийнинг ярим юкини ҳамроҳлар олган бўлсалар ҳам елкасидаги юк анча оғирлик қилиб, ҳамроҳлар кетидан базўр борар эди. Улар извошга ўтирмай, наридаги тўрт от қўшилган конка томон йўл олдилар. Одам тиқилинч бўлишига қарамай, Муқимийни ҳам чиқариб олишга муваффақ бўлдилар. Қонка жаранг-журун билан шаҳар томон йўл олди. Нафаси оғзига тиқилган Муқимий ўзини андак ростлаб, юз терларини артгач, қатор-қатор извошларда бораётган кишиларни кўздан кечириб туриб, ёнида ўтирган Солиҳ ҳожидан аста сўради:

— Айтинг, ҳожим, машшоқлик олдин дунёга келганми, қашшоқлик?..

Солиҳ ҳожи Муқимийнинг шамасига тушуниб кулди ва жавоб берди:

— Менимча, аввал қашшоқлик бунёдга келиб, кейин унга эргашиб бечора машшоқлик келган...

Қонка картошка бозорига етганда, терлаб кўпиклаган тўрттала от бошқа отларга алмаштирилди, янги қўшилган отлар конкани Пиёнбозор томон судраб кетди. Пиёнбозор, Ўрдада ҳам отлар алмаштирилди, сўнг Ўрда, Шайхантаҳур ва Баландмачитнинг тор кўчаларида отларнинг қўнғироқлари қулоқларни қар қиларли даражада жаранг-журун қилиб, Хадра томон чошиб кетди.

Вокзалдан то Хадрагача тўрт-беш ерда конканинг катта отхоналари бўлиб, бу отхоналардаги отлар кечгача бир неча бор конкага қўшиллар эдилар. Янги шаҳар кўчаларига майда ва текис тошлар ётқизилган бўлиб, извош ва арава юриши учун қулай, Ўрда кўпригидан кейин, шаҳарнинг Эски шаҳар қисмига ётқизилган тошлар бесўнақай, катта бўлганлиги туфайли оту араванинг бемалол юриши қийин эди. Муқимий бунга тааж-жубланиб, ёнидаги Солиҳ ҳожидан сўраган эди, у шундай жавоб берди:

— Янги шаҳарга расмана, Эски шаҳарга эса ундан майдароқ тош терилган эди, бу нарса Янги шаҳарлик бойлар билан Эски шаҳарлик бойлар ўртасида анча гуфтигў, нафсониятга сабаб бўлиб, Эски шаҳар бойлари генерал-губернатор номига шикоятнома ёзиб чиқарганлар: «Янги шаҳар кўчаларига йирик тош, Эски шаҳар кўчаларига майда тош ётқизилиши биз мусулмон бойларини камситиш эмасми? Янги шаҳар бойларидан биз-

ларнинг ортиқлигимиз бўлса бору камлигимиз йўқ!» ҳоказо ва ҳоказо. Шикоят билан танишган генерал-губернатор: «Эски шаҳарга ётқизилган тошни кўчириб ташлаб, катта-катта тошлардан ётқизилсин!..»— деб фармон берибди. Губернаторнинг фармони билан ҳаддан ташқари катта тошлар ётқизилди, бойлар орасидаги аҳмоқона нафсоният бечора халқнинг кўчада юришини қийинлаштирди.

Солиҳ ҳожини Қашқар маҳалласига бориш учун Урдада тушиб қолишни, Абдулла булбул эса Баландмачитда тушиб, Олмазорга бориши керак эди. Азиз меҳмон туфайли Хадрага тушиб, кўрпа, хуржунни кўтарганларича самоварга кирдилар. Нафасларини бир оз ростлагач, юklarини ҳаммолга кўтартириб Абдулла булбулнинг Олмазордаги фақирона ҳужрасига томон йўл олдилар. Абдулла булбулнинг бир ўзи ҳаёт кечириши Муқимийни баъзи андишалардан озод этиб, бемалол истироҳат қилишга имкон берди.

— Қанча кун бирга бўлсак бемалол! Эртага нонуштага дўстингиз мулла Қаримжон Камийни ҳозир қиламан! У киши келсалар бошқа кишиларни топиш осонлашади, мулла ака!

— Бугун чиқмаймиз дегг?..

— Бугун чиқмаймиз. Агар чиқишни хоҳлар экансиз бир оз истироҳатдан кейин Чорсувга бориб, Илҳом самоварчининг самоварида чойхўрлик қилиб, машина қўшиқ эшитиб қайтамиз.

— Майли. Бугун чиқмайлик бўлмасам...

\* \* \*

Иккинчи кун, Абдулла булбулнинг холи, озода ҳужрасида мулла Қаримжон Камий билан Муқимий тўйишиб суҳбатлашдилар. Бу суҳбатда, албатта бўлиши лозим бўлган мулла Зокиржон Фурқатни истаб, кечки пайт иккалаларни Шайхантаҳур мадрасасига борганларида, мадрасадагилар Фурқат ҳеч кимга айтмай ўтган кунни Самарқандга кетганлигини айтдилар.

Бунини эшитиб, Муқимийнинг қўлтиғидан тарвузи тушиб кетди, Тошкентга бир кун олдинроқ келмаганига қаттиқ афсус эди, агар олдинроқ келганда Фурқатга ҳамроҳ бўлиб бориб, ҳанузгача орзу қилиб келган Самарқандни кўриб қайтиши мумкин эди. Фурқатнинг нима сабабдан Самарқандга кетиши Камий қулоғига

чалинган бўлса ҳам уларни Муқимийдан яширди. У Муқимийни бошқа бир ерга таклиф қилди.

— Хўп десангиз, сизни бир ажойиб фозил киши билан учраштирай. Бу киши мулла Зокиржоннинг энг сирдош дўсти. Суҳбатлашсангиз ҳузур қиласиз. Фурқатнинг Самарқанддан қачон қайтишини ҳам шу киши билади.

Фурқатнинг қачон қайтишини билишга қизиққан Муқимий билан Камий Хадра томон йўл олдилар.

Дегрез мадрасасига кириб борганларида қоронғи тушиб қолган эди. Ташқарига чироқ шуъласи тушиб турган ҳужра эшигини мулла Каримжон аста тақиллатган эди, бир ёш йигит чиқиб сўрашди-да, хабар қилиш учун ичкарига кирди: шу мадрасанинг мударриси Сайид Расул маҳзум эрта билан мадрасада дарс бериб, тушдан кейин кийимини ўзгартириб Янги шаҳарга чиқиб кетар ва гимназияда ўзбек адабиётидан дарс берарди. Камийнинг айтишича, бу киши мударрис бўлишидан қатъий назар, русчага ниҳоятда омил бўлиб, рус мактаблари учун рус тилида дарсликлар ҳам ёзган киши эмиш...

Ёш йигит чиқиб, ичкарига таклиф қилди. Сайид Расул маҳзум ҳужра ўртасида Камий ва Муқимий билан қуюқ сўрашди.

— Бемаҳалда меҳмон бошлаб келганимдан ҳайрон бўлманг, маҳзум ака! Бу киши, ҳурматли Муҳаммад Аминхўжа Муқимий бўладилар,— деди Камий меҳмонни тақдим этиб.

— Ана холос!.. Ана холос! Қучоқлашиб кўришмай иложим йўқ!

Муқимий билан қучоқлашиб кўришгач, Сайид Расул маҳзум, ҳужра тўрида ёзиғлиқ тўшакка таклиф этди.

— Мулла Зокиржон ҳар келганларида шу жойда ўтирадилар, шунинг учун камина шу жойни табаррук деб ҳисоблайман. Мана шу табаррук тўшакка марҳамат қилинг, жаноб Муқимий. Ўтган кун Самарқандга жўнашдан олдин шу жойда мулла Зокиржон узоқ ўтирган эди, ўрни ҳали совумаган.

Ўтиришиб олишиб, ҳол-аҳвол сўрашишганларидан кейин Муқимий Камийнинг кўзига маъноли қараб, «шундай киши билан учраштирганингиздан миннатдорман» дегандек бўлди. Суҳбат Зокиржон Фурқат ҳақида борди. Сайид Расул маҳзум Фурқатнинг ўткир зеҳн, нозик табиатлиги тўғрисида гапириб, унинг гимназия ҳақида, рус мактаби, музикаси ҳақида ёзган шеърлари шу

ҳужрада ёзилганини ва ўша жойларга бирга боришганини айтиб ўтди.

— Афсуски, мулла Зокиржон энди Тошкентга қайтиб келмас!..

— Балки, қайтиб Қўқонга борар?..

— Балким бормас...

— Самарқандда туриб қолиш нияти бормикин?

— Самарқандда ҳам кўп турмай, узоқ мамлакатларга саёҳат қилиш учун кетса эҳтимол. Бунинг остида бир сир бор, кейин айтиб берарман.

Узоқ суҳбат ва меҳмондорчиликдан кейин Муқимий билан Қамий хуштавозе ҳужра эгаси билан хайрлашиб, қўшхонага равона бўлдилар.

Кўпдан бери Муқимийнинг келишини кутаётган кексаю ёш шоирлар санъат аҳли ва мухлислар дараклаб топиб келиб, кўришишга ноил бўла бошладилар. Муқимий учун Тошкентнинг кўп эшиклари очиқ, меҳмонхоналар тўри мунтазир эди. У ҳар кеча бир дўстга меҳмон бўлиб, ҳатто қариндошлар билан кўришиш учун ҳам бир неча ҳафта фурсат тополмади.

Гоҳ кунлари Қамийникида, гоҳ кунлари Маҳмудхўжа ошнасиникида, гоҳ кунлари яна бир бошқа, янги таниш дўстлар уйида шеърхонлик билан вақт ўтказарди. Янги-янги дўстлар сонни тобора ортиб бормоқда, ўз газаллари билан Тошкент шинавандаларига танилиб келаётган ёш шоирлардан мулла Қўшоқ — Мискин, Ҳайбатуллохўжа — Хислатлар доим Муқимий ёнида эдилар.

Қори Фазлулло — Алманийнинг вафот этганлиги Муқимийни ортиқ қайғуртирган бўлса, шоир Исомухаммад Имоммуҳаммад ўғли — Гулшан билан танишиш шарафига эришгани уни беҳад хурсанд қилди. Муқимий бу шоир билан Қамийнинг уйида танишиб, суҳбатдош бўлди, унинг ўзбек ва тожик тилларида ёзган шеърларини эшитиб, таҳсин ўқиди. Муқимийдан ўн ёш чамаси улуроқ бўлган шоир Гулшан руслар Тошкентга келганда уларни биринчи бўлиб табриклаган ва ўз қувончини тожик тилида ифодалаб, ўттиз саккиз сатрдан иборат қасида ёзган эди.

Шоир Гулшан ўзининг ишқий, нафис газаллари билан ҳам халқ орасида танилган, кўп шеърлари баёзларда чоп қилинган эди.

Муқимий Тошкентда туриб, Гулшандек ажойиб шоирлар билан танишиб, дўстлашишга муваффақ бўлди.

Дўстларнинг ҳаракати билан Муқимийга мадрасан Қўкалдошдан бир ҳужра ажратилди, бироқ бу ҳужра мадрасанинг чап биқинида қуёшга терс, қоронғи бўлиши устига мадрасада шоирнинг дидига тўғри келмайдиган кишилар кўплиги шоирнинг диққатини оширар, ўзи ёлғиз қолган кезларда кўпроқ қийматли соатларини Илҳом самоварчи билан ўтказиб, вақтихушлик қиларди.

Илҳом самоварчи гарчи саводсиз одам бўлса ҳам, кўпни кўрган, дидли, фаросатли, тобора кириб келаётган янгилик мўъжизаларини қувониб қарши олиб, уни эл орасига тарқатишда ўз ҳиссасини қўшишга интилган шоирлар, санъаткорлар учун самоварнинг тўридан жой ажратиб, чой билан нонни бирга баҳам кўришни хоҳлаган валломат одам эди.

Катта самоварнинг тўридаги хонтахталар атрофига озода тўшаклар тўшаб ташланган, чойхонанинг ярмига стол-стуллар қўйилган, Эски шаҳарга тушган европаликлар бу маданий жойда ҳордиқ чиқарар эдилар. Бу маданий ўринларда ўтириб чой чақирганларга ёнида оқ қанд билан стаканда чой келтирилар эди.

Осиёча ва европача ясатилган бу самоварнинг ўртасидаги чиройли чорпоя устига кўрпачалар ёзилган бўлиб, ўртада граммофон турар, Илҳом самоварчи ўз кўнгли тортган кишилар билан шу чорпояда ўтириб, доим янги ёзиб олинган пластинкаларни қўяр, самоварга одам тўплар эди. Бу граммпластинкаларда номи мамлакатда машҳур бўлган Тошкент, Фарғона, Бухоро ва Самарқанд ҳофизларининг мақом ва ашулаларини эшитиш мумкин эди.

Илҳом самоварчининг икки укаси бўлиб, каттасини кал Одил, кичигини Ғулом соқов деб чақирар эдилар. Илҳом самоварчи кал Одилни Петербургга юбориб, фотографчиликни ўрганиб келишига сабабчи бўлди; кичик укаси Ғулом соқовни матбаага шогирд бериб, турли муҳрлар ишловчи уста қилиб етиштирди. Самоварнинг бир биқинида кал Одил фотографлик дўкони очган бўлса, иккинчи томонда Ғулом соқов ўз дўкончасида кишиларнинг ҳожатини чиқариб пулини оларди. Илҳом самоварчининг ўзи граммпластинка ширкатининг аъзоси бўлиб, атрофдаги ҳофизларни Тошкентга тўплаб, товушларини пластинкага ёзиб олишда энг яқиндан кўмаклашарди.

Шунинг учун ҳам унинг самоваридан санъаткорлар аримас, бошқа вилоятлардан келган санъаткорлар ҳам Илҳом самоварчини истаб келар эдилар.

Муқимийнинг шу самоварда кўпроқ бўлиши тошкентлик санъат аҳли билан яқинлашишга ёрдам берди. Ашулаларни пластинкага ёзиб олиш учун таклиф қилинган хўжандлик Содирхон, самарқандлик ёш Ҳожи Абдулазиз, бешариқлик Ҳамроқул қори ва бошқалар билан Муқимий бир неча кун ҳамсухбат бўлди.

Шоир Каримжон — Камий Муқимий билан ҳар доим бирга бўлиб ҳол-жонига қўймай уни Тошкентнинг ажойиб кишилари билан таништирарди, бироқ табиати нозик Муқимийнинг баъзи жойдан таъби олиниб қайтар, баъзи жойдан хурсанд бўлиб келар эди. Бир кун Камий Муқимийни яна ҳолу жонига қўймай, Арпапоя маҳалласидаги Шомурод котибниқига меҳмонга олиб борди. Каримжон Камий Шомурод котибга Муқимийнинг Тошкентга келганини айтиб, фурсати билан бошлаб бориш ваъдасини берган эди. Бу учрашув Муқимий учун ҳам муддаодек бўлди.

Шомурод котиб деб, биргина Тошкент эмас, бутун Туркистонда номи кетган бу фозил хаттот Муқимийга уйнинг тўридан жой кўрсатиб, адабиёт шинавандаси ва ҳамкасб хаттот сифатида ўзининг Муқимийга ғойибона мухлис эканлигини арз қилди ва Муқимий асарларини чоп қилдириш учун қўлидан келган хизматини аямаслигини айтди. У кеч икковлари Шомурод хаттотнинг меҳмонхонасида қолиб, эрталаб учалалари ношир Фулом Ҳасан билан Муқимийни таништириш ва Муқимий баъзини чоп эттириш ҳақида сўзлашиш учун Сақичмондаги босмахонага кетдилар.

«Матбаан Фуломия» деб аталувчи Тошкентдаги ягона тошбосма матбаасининг нозир ва ношири бўлган Фулом Ҳасан шоир билан хаттотни иссиқ қарши олиб, шоирнинг баъзини нашр қилишга ҳозир эканлигини арз қилди. Баъзни нашрга тайёрлаш, қўлёзмани интизомга солишни Шомурод котиб ўз зиммасига олди. Аммо ношир Фулом Ҳасан бир шарт қўйди:

— Шу шарт биланки, бу кеч бизниқда бўламиз; сизларга ҳам манзур бўлгудек бир азиз меҳмоним бор, бу азиз меҳмон кимлиги ҳақида ҳозир ахбор беришни истамайман. Шобарот, Шожалиллар ҳам бўлишга ваъда берганлар, норин бўляпти. Хоҳланилар экан, ҳозирдан

кета беришимиз, қолган сўзларни ҳовлида сўзлашишимиз мумкин.

Кечқурун бориш ваъдасини бериб, учалалари матбаадан чиқдилар. Шомурод котиб булардан ажраб Бешёғоч томон кетди. Муқимий билан Камий гиштин зина билан чиқиладиган Кўкалдошга кўтарилдилар ва жиловхонада кутиб ўтирган бир йигитга дуч келдилар. Бу йигит шоир Хилватийнинг ўгли Азко эди. Ҳужрага киргач, қўйнидан бир қоғоз чиқариб тутди: унда шоир Хилватий Муқимийни уйига таклиф қилиб, Сайрамдан Юсуф Сарёмий келганлиги, у киши Муқимий билан танишишга иштиёқманд эканлиги, эртага кеч ташриф буюрилишини илтимос қилган эди.

Муқимий номани кўздан кечиргач, табассум билан Камийга узатди:

— Мулла Каримжон, бугун ўнг ёнимиз билан турган кунимиз экан, хурсандчилик устига хурсандчилик. Ҳурматли Юсуф Сарёмий билан кўришишга бугун муяссар бўлсак, яна ҳам улуғ иш бўлган бўларми эди!

— У кишини бугунга таклиф қилган эдик, бу кеч матбаа ношири Фулом поччанинг уйларига мукаллиф эканликларини айтиб, эртанинг ваъдасини бердилар.

Азкодан бу сўзни эшитгач, иккалалари баб-баравар кулиб юбордилар, Каримжон Камий Муқимийнинг елкасига қоқиб, яна ҳам қаттиқроқ кулди:

— Уша улуғ иш бўладиган бўлди, Сарёмий билан ҳам эрта, ҳам бугун тўйиб суҳбатлашишингиз мумкин!

Азкога кетишга ижозат бериб, қайтиб иккалалари Илҳом аканинг самоварига тушдилар. Солиҳ ҳожи билан Абдулла булбул улар билан сўрашгач, иккалаларини чорпояга таклиф қилдилар, сўнг Қўқондан Фарзинча билан Абдуқодир ганчкор келганликларини, ҳозир ҳаммомга тушиб кетганликларини гапириб суюнчи тортдилар. Бу хушxabардан Муқимий бениҳоят қувониб кетди ва уларга ташаккур айтди. Ҳаял ўтмай Фарзинча билан уста Абдуқодир ҳаммомдан чиқиб келиб, Муқимий билан узоқ қучоқлашиб кўришдилар ва олиб келган дуоини саломларини топширдилар.

\* \* \*

Тошкентнинг баҳори Муқимий учун кўнгилли ўтди, аммо ёз бошланиши билан кўп танишлар боғларига кўчиб кетганликлари сабабли ёлғиз ўзи зерика бошлади.

Дўстлар билан фақат жума кунлари кўришиш мумкин эди, бошқа кунлар ҳавоси бўғиқ Қўқалдошнинг тор, қоронғи ҳужрасида ёлғиз ёзиш-чизиш билан овора бўлиб, жумани бетоқатлик билан кутар, иссиқ кунлари самоварга чиқиб вақтини Илҳом самоварчи билан ўтказар, маҳмадона самоварчидан олдин эшитилган гапларни бошидан эшитиш каби кўнгилсизликларга бардош берар, кеч кириши билан яна ҳужра шамини ёндириб, Қўқондаги дўстларга мактуб бошлар, уни охирига етказмай, эски одатча чалқанча ётиб, хаёл денгизига фарқ бўларди.

Бундан бир ой олдин матбаа нозири ва ношири Ғулом Ҳасаннинг меҳмонхонасида ўтган тансиқ суҳбатни эслар экан, ўшандай суҳбатнинг яна қайтарилиши энди мумкин бўлмас деб ўйлади. Ахир, инсоф билан айтганда Тошкентнинг кўпчилиги фозил, шоир ва хаттотлари шу кеча тўпланган эдилар. Овозини грампластинкага ёздириш учун Қўқондан келган Фарзинча билан Абдуқодир ганчкорнинг ўқиб берган қатор мақомлари, Шожалил, Шобаротларнинг ҳурматли Юсуф Сарёмий газа-лига айтган Қўқон ушшоқлари, айниқса Юсуф Сарёмийнинг ўзи бу суҳбатга хол бўлиб тушганлиги ётган ерида Муқимийни ҳаяжонлантирмай қўймас эди.

Хусусан, Шобарот, Шожалил ва Солиҳ ҳожилар билан келиб пойгаҳда одоб билан ўтирган норғул, шерсурат, ёқимли йигитга навбат берилганда, у мақомларни чиройли ўқиб, ширали ва кучли овози билан аҳли суҳбатни ҳайратда қолдирган эди.

Бу йигитни Муқимий билан Юсуф Сарёмийга Мулла Тўйчи деб таништирдилар. Муқимий суҳбат пировардида шу ёш ҳофизга бир мухаммас бошлади-ю, охирига етказолмай ёнига солди. Қани бошланган мухаммас?..

Муқимий ётган ерида шуни эслаб, ўрнидан сакраб турди-да, чўнтак дафтарча ораларини титкилаб тополмагач, хуноби ошди. Кейинги йилларда, айниқса Тошкентга келгандан бери Қўқонда қолган дўстлар, шогирдларни кўпроқ соғиниш, ўрганган ҳужрадан йироқ туриш орқасида Муқимийда хотирпаршонлик бошланган эди. Қидирган нарсасини тополмагач, зарда билан шамни пуфлаб, ечинмай уйқуга кетди.

Кечалар шу зайлда ўтар, кундузлари гоҳ кўнгли тортар кишиларни учратиб қолар, гоҳ раста айланарди. Гоҳ Эскинамозгоҳдаги новвой қариндошларига меҳмон бўлиб, уларнинг бошларини кўкка етказар, хароба уйла-



рида бемалол ёнбошлаб, ҳасратларига қулоқ солар, уларнинг оғир ҳаёт кечирिशларини отаси ўтказган оғир ҳаёт билан таққослаб, нч-ичидан хўрсиниб қўярди.

Қўқондан бир неча ҳисса катта, аҳолиси бир неча ҳисса кўп бўлган Тошкент, ободонликда ҳам Қўқондан бир неча поғона юқори эди, бироқ бу ободончилик шаҳарда кўпчиликини ташкил қилган оддий меҳнаткаш халқ манфаати учун бўлмай, давлатмандлар манфаати учун хизмат қиларди. Давлатмандлар ўзлари учун қурган муҳташам биноларда яшайдилар, шаҳарнинг ярмини эгаллаб олган тепаси тим растадаги минг-минг дўконлар, қатор-қатор магазинларда елпиниб ўтирадилар. Эртадан-кечгача бирни икки қилиш пайдан бўлган савдогарлар ҳам бу шаҳарда Қўқондан кўра бир неча ҳисса зиёдроқ.

Бу шаҳарда Қўқонга қараганда завод, корхона ҳам бир неча мартаба кўп бўлиб уларда минг-минглаб кишилар ёлланиб ишлашмоқда, кучу қувватини завод, корхона хўжайинларига арзон сотиб ҳаёт кечирмоқда. Улар ҳам мана бу қариндош новвойлардек харобаларда умр кечирадилар, уларда ҳам мана бу қариндош новвойлардек ёзда кўчиб борадиган боғ йўқ. Муқимий намозгоҳдаги наввой қариндошлариникига тез-тез бориб юриб, улар орқали кўнчилар билан, бошқа касбдаги оддий кишилар билан ҳам кўп ҳамсуҳбат бўлди. Уларнинг оғир ҳаётлари, завод-корхонадаги ишчиларнинг аҳволлари яна ҳам яққол ойдинлашди.

Муқимий олти ойда жуда кўп ошна-оғайни орттирди, буларнинг бир қисми Тошкентнинг кўзга кўринган шоир, хонанда, созанда ва шеърдан баҳраманд зиёлилари бўлса, кўпчилиги Тошкентнинг оддий меҳнаткаш, заҳматкаш кишилари эдилар. Қамий Шомурод котиб ташаббуси, ундан кейин ёш шоир Ҳайбатуллохўжа — Ҳислатнинг ҳаракати билан Туркистонда таниқли шоирларнинг ғазаллари чоп бўлиб тургани, ундан кейин ўз баёзи чоп бўлиб чиқиши Муқимийнинг руҳини кўтарди.

Баёз босилиб, саҳҳофлар дўконларида сотила бошлаганидан мамнун бўлган Муқимий, баёздан бирмунчасини рўмолга тугди-да, уларни дўстларга армуғон қилиш баҳонаси билан Қўқонга жўнади. Қўқонда икки ҳафта туриб яна Тошкентга келди. Муқимий Тошкентга қайтиб келганда баёз шарофати билан мухлислари яна ҳам кўпайиб кетганини кўрди.

Бора-бора Муқимий Тошкентга ўрганиб, ёлғиз зеркишдан фориг бўлди. Қўқондагидек ҳужрага истаб келадиган оддий кишилар кўпая бошлади. Ҳазаллари, мухаммаслари куйларга солиниб, хонандалар томонидан кўпроқ тарона қилина, ҳажвлари қўлма-қўл бўлиб ўқила бошлади. Ҳужрага истаб келадиган, келиб уйига таклиф қиладиганларнинг сони тобора ортди, ижод ҳам юришиб кетди. Бу орада Қўқондан Мавлавий Йўлдош билан Обиджон аълам келиб, бир ҳафта Муқимийга меҳмон бўлиб, хурсанд ва хотиржам бўлиб қайтдилар. Намангандан шоир Нодим келиб, Муқимий ҳужрасига тушди. Гулом Ҳасан меҳмонхонасида ёш ҳофиз Мулла Тўйчидан тўйиб мақом эшитдилар, у билан узоқ суҳбат қилиб, яқиндан танишдилар. Муқимийнинг ёдидан чиққан мухаммас Нодим мушоарасида қайтадан тикланди:

«Эй, ноҳиди замона, сенга интизормен,  
Муштоқи суҳбатингману ҳажрингда зормен,  
Довуди савти лаҳнинг асри, фигурмен,  
Истаб мудом бодаи базминг, хумормен,  
Меҳру муҳаббатингда, баса беқарормен.

Ҳамроҳу жўраларинг сенинг, Шобаротдир,  
Шоҳи Жалил хониши қанду наботдир,  
Ҳар қайси ноҳидона-ю олий сифотдир,  
Аркони базму айш алардан саботдир,  
Ҳар вақтеким дуонгиз этиб, ашкбормен...»

Тўйчи номли бу келишган, барваста, хушсурат йиғит Тошкентда бир қашшоқ кишининг ўғли бўлиб, саводини чиқазгандан кейин кекса ота-онага кўмаклашиш тилагида каппон оқсоқолига мирза бўлиб ёлланади.

Оқсоқол ҳар йили кузда Исфарага қатнаб, у ердан гуруч ва қуритилган ўрик олиб келиб сотар эди. Бу сифарга Тўйчи мирза ҳам эргашиб бирга кетди. Бир-икки йил бирга бориб-келиб юриб, йўл ва савдо-сотикни ўргангандан кейин оқсоқол аравакашларга қўшиб, Исфарага Тўйчи мирзанинг ўзини юборадиган бўлди.

Йўлда аравакашлар от устида хиргойи бошлаганларида Тўйчи мирза уларга қўшилиб хиргойи, кейинча овоз чиқариб, йўл эрмаги учун ялла қилиш билан аравакашларга манзур бўлди. У ялла бошлаганда йўловчилар маза қилиб тинглайдиган, айтмаганда қистаб айтирадиган бўлдилар.

Тўйчи мирзанинг овозаси аравакашлар орқали исфаралик шинавандаларга, шинавандалар орқали Исфаранинг атоқли ҳофизлари — Хўжа Маъруф билан Абдуқаҳҳорнинг қулоғига бориб етди. Улар ёш ҳофизни меҳмонга чақирдилар, ўзлари ўқиб бердилар, ўқитиб эшитдилар ва Тўйчи мирзадаги овоз ва истеъдодни кўриб, унинг келгусида зўр ҳофиз бўлиб етишига қаноат ҳосил қилдилар. Шундан кейин Тўйчи мирза ҳар Исфарага борганда уларнинг этагидан тутиб, ўзини уларга шогирд деб эълон қилди, ўрганди, аста-секин мақом ўқишда Тошкентда ном таратган ҳофизлар қаторидан ўрин олди, оқсоқолга мирзаликдан воз кечди. Уни Тошкент халқи ҳурмат билан тилга олиб, Тўйчи мирза эмас, Тўйчи ҳофиз деб атай бошладилар. Муқимий билан Нодим бу ёш, истеъдодли, келажаги порлоқ Тўйчи ҳофизга биринчи бўлиб, ўз самимий мухаммасларини бағишлаган эдилар.

Муқимий Тошкентга келиб ўрпашганининг иккинчи йили Қаримжон — Камий билан Сайрамга бориб, бир неча кун Юсуф Сарёмийга меҳмон бўлди. Туркистон ва Чимкент саёҳатларидан туганмас хотирот билан Тошкентга қайтди, уч бор Қўқонга бориб, узоқ-узоқ туриб келди. Бу орада Муқимий икки ёқлама зулм остида эзилган халқ қўзғолонининг гувоҳи бўлди. Тошкентда «Тошотар» номи билан машҳур бўлган халқ қўзғолони раҳмсизлик билан бостирилди. Муқимийнинг танишларидан Инъом-хўжа олтмиш киши билан қамоққа олинди.

Тошкентнинг қақшатқич қиши бошланди, Муқимий «калта йўтал» касалига мубтало бўлиб, ҳужрадан чиқмай ётиб қолди. Ҳар кун келиб хабар олиб турган новвой қарнидошлари Муқимийга Инъомхўжа бошлиқ олтмиш қўзғолончи устидан эртага ёпиқ ҳарбий суд бошланишини гапириб бердилар.

Бир ҳафтадан кейин ҳарбий суд Инъомхўжани Иркутск губернасига сургун қилишга, қолган олтмиш кишини турли муддатлар билан қамоққа ҳукм қилди. Буни эшитган Муқимий қаттиқ қайғурди, дарди зўрайиб кетди. Мулла Қаримжон — Камий олиб келган доктор Муқимийда сил касал бошланганини беморга билдирмай айтди ва Муқимийни баҳорда Чимкентга кетиш, ўша ерларда бир неча йиллар ҳаёт кечириб, тузалгандан кейин келишини тавсия қилдилар.

Муқимий ўз касалини сезиб, ётган ерида Қаримжонга маъноли жилмайди:

— Баҳоргача саломатликни берса, мени Қўқонга олиб бориб қўйиб қайтасиз, дўстим. Ахир, у ерда тирик етимча, ноқобил бир фарзанд бор, жигаргўшалар, жондан азиз қадрдонлар бор. Насиб борича шулар билан бўлганим яхши!..

— Йўқ, эшон ака, сиз бундай умидсиз бўлманг. Баҳорда биргалашиб саёҳат қилишимиз керак, бизга Шобарот, Шожалил, Мулла Тўйчи ҳамроҳ бўладилар, хоҳласангиз ҳожи Солиҳ, Абдулла булбулгача бирга борсинлар. Қимизи шифоликда оламга машҳур Чимкент яйловларида бир неча ой туриб қайтиб келамиз.

— Кошки эди, дўстим! Унинг савобига ким етсун.

\* \* \*

Аввал баҳорнинг босим ёққан ёмғирлари кузда сувалмай қолган бева-бечораларнинг тоmidан ўтиб кетиб, шаҳарнинг тору узун, баланд-паст кўчаларидан шошиб-шошиб оқа бошлади. Булутлар тарқалиб, қуёш жамолини кўрсатиши билан зимистон кўнгилларга ўрнашган ғашлик «уҳ» тортилган оғизлардан чиқиб, кенг ҳаводаги парча-парча булутлардек тарқалмоқда эди. Иссиқ мамлакатлардан учиб келган паррандалар чуғурлашмоқда, Қўқалдош мадрасасининг баланд гумбазлари устида қалдирғочлар ҳам алланималар тўғрисида шошиб-шошиб сўзлашмоқда.

Қишни бир нави ўтказиб, энди лозазор саҳроларни сайр-томоша қилишни, соф, беғубор ҳаводан симирш, тўйиб-тўйиб қимиз ичиш, қирлар бағрида ёнбошлаб, хушхон ҳамроҳлардан ширин қўшиқлар тинглашни тоқатсизлик билан кутаётган Муқимий шу ҳақда ғазаллар ёза бошлади.

Май ойини ҳам тоқатсизлик билан ўтказгандан кейин июнь ойи бошида мулла Каримжон — Камий келиб, ҳамроҳларнинг тайёр эканликлари, эртадан кейин, Муқимий билан ўн киши Чимкентга жўнашлари хабарини айтиб кетди ва ўша тайинланган кун тонгида Чимкентга жўнаб кетдилар. Тошкент билан Чимкент ўртасидаги чўллар азиз меҳмонлар учун табиат томонидан ёзилган лола ранг поёндозга ўхшарди.

Санъатга, шеърятга жон-дилидан ихлосманд бўлган меҳмондўст Чимкент аҳли, айниқса Муқимий бирга келганини эшитгандан кейин, ўтқазिशга жой тополмай шошиб қолган эдилар. Шаҳарда бир неча кун меҳмон бўл-

ганларидан кейин яйловларга чиқиб кетдилар, айни қимиз мавсуми эди. Меҳмонлар учун кўм-кўк майсазор яйловга икки ўтов тикилган, вақт-вақти билан ёмғир ёғиб ўтар, булутлар тез тарқалиб, бир дам ўтмай қуёш кенг яйловни мунаввар қилар эди.

Қиши билан дард тортиб нозиклашган Муқимий одатланмагани учун биринчи кунлар жуда оз қимиз ичиб, бора-бора ошира бошлади. Гоҳ ташқаридаги майсазорда, гоҳ ўтовда базм анжомини тузиб, мақомлар авжини фалакка етказишар, қимиз тўла косаларни тез-тез юргизиб, суҳбат қуришар, гоҳ бир оз-бир оз ухлаб яна уйғониб, аскиябозлик қилишарди. Икки ҳафта ичида қиши билан заъфарга айланган Муқимийнинг сўлгин юзлари тўлишиб, қип-қизарган эди. Бир кун қимизни кўпроқ ичиб қўйган Муқимий ширакайф бўлиб ўтовдан чиқди, кенг саҳро устида қанот қоқиб учаётган боди сабога кўкрагини очиб, бақирди:

— Ҳақиқий шеърят, ҳақиқий санъат, бадийлик олдида ўлим тиз чўкиб тавба-тазарру қилаётганини чиқиб томоша қилинглар, дўстлар! Ўлим менга ҳужум қилган эди, мен бугун ўлимни енгдим! Энди ўладиган, ўлимга таслим бўладиган аҳмоқ йўқ!

Дунёга келиб, дарду ҳасрат билан шу ёшга кирдим, ҳали дунёнинг чинакам роҳатини кўрганим йўқ, уни кўриш учун ҳаёт бўлишни истайман, ҳаёт ҳақида қучоқ-қучоқ қасидалар тўқишни истайман! Дўстим Кузьмич: «Эй, дўстим Муқимий! Кўп ғам чекманг, ҳақиқий тонг, ҳақиқий кунлар бошингиздан нур сочиши яқин!» деган эди, ўша кунларга машарраф бўлиш учун ҳам ҳаётни яхши кўраман!..

Шоир Камий ўтовдан чиқиб, юзлари илҳом нури билан ёришган дўсти Муқимийни қучоқлаб, ўпиб олди.

Тошкентга қайтиб келганларидан кейин Муқимий бечора яна ўша кўҳна қоронғи гумбазлар оғушида, яна ўша қора ўргимчак руҳонийлар қаршисида, шаҳарнинг бўғиқ, димиққан растаю бозорлари биқинида кўкракни захга бериб, узун кечаларни ёлғизликда ўтказа бошлади, яйлов нашъу намолари, майсага бурканган кенг яйлов эса, ҳаётда жуда кам кўриладиган ширин тушга ўхшаб кўринар эди.

Чимкент саёҳатидан кейин Муқимийнинг саломатлиги қайта тикланиб, қувватга кирган, калта йўтал барҳам еб, ниманки ейилса ёқаётган эди. Кузга бориб шоир

Ўзида яна ланжлик, бетоқатлик сезиб, калта йўтал бошланганидан чўчий бошлади ва яқин ошна-оғайнилардан ижозат олиб, Қўқонга жўнаш тараддудига тушди, Қаримжон — Камий ҳамроҳлигида Қўқонга жўнади. Муқимий Тошкент аҳлига ўз муҳаббатини абадий қолдириб кетди.

\* \* \*

Ҳожи Муҳйи яна мутаваллиликдан бекор бўлиб, Миён Сотиболдихон мутаваллиликни олган, мадрасанинг хароб қолга келган хўжалиги қайта тикланиб, кетиб қолган муллаваччалар ўз ҳужраларига қайтиб келган, мадраса гавжум бўлишига қарамай, Муқимий йўқлиги сабабли бутун мадраса ҳувиллаб, бир нима етишмай тургандек эди.

Бунинг боисини яхши тушунган Миён Сотиболдихон мулла Абдуллани Қаримдевонадан чақиртириб келиб, тўла жиҳози билан ҳужра инону ихтиёрини унга топширди, ўзи ҳам ҳар куни шу ҳужрада бўлиб, соғинган дўстларини Муқимий ҳурмати учун қайноқ кутиб олиб турди. Бироқ Муқимийнинг ўрни ҳар дафъа билиниб турар, суҳбат бошдан-оёқ Муқимийнинг ажойиб хислатларини зикр қилиш билан ўтарди.

«Муқимий Тошкентдан қайтиб келган эмишлар» деган сўз шаҳарга жуда тез ёйилиб, соғинган кишилар тўп-тўп, якка-якка бўлиб кела бошладилар. Бундан Муқимий беҳад мамнун бўлса ҳам, ўзида чарчаш сеза бошлаган эди. Аммо бу ҳақда чурқ этмай, тишни тишга қўйиб келган-кетганлар билан муомала қилишга, узундан-узоқ саволларга қайта-қайта жавоб беришга, жуда кўп мартаба туриб ўтиришга тўғри келарди. Бир ҳафтадан кейин келувчиларнинг қадами тийилиб, меҳмон мулла Қаримжон Камий билан ўзлари қолдилар. Бир ҳафтадан кейин Камийни Тошкентга узатиб, Муқимий ҳужрада бемалол оёғини узатди ва Ғарибий, мулла Абдулла билан хотиржам суҳбатлашиб ўтириш бахтига эришди.

— Мулла ака, менга уқалатиб туриб, суҳбатлашишни соғингандирсиз?..

Ёстиққа суяниб ўтирган ерида Муқимий бошини чайқаб, кулимсиради:

— Сиз айтган катта толлар кесилиб кетган, мулла Исмоил! Мендаги касаллик энди ундай эркаликларни

кўтармайди! Аммо суҳбатингизни соғинганман. Хўш? Тирикчиликдан гапиринг!

Муқимийнинг бу жавобини эшитиб, Ғарибий мулла Абдуллага ярқ этиб қараб қўйди-да, кўзини ерга тикди. Унинг ўрнига мулла Абдулла жавоб берди:

— Мулла Исмоил ғассолга эмас, Шайхоннинг гўрковига шогирд тушганлар!..

Муқимий бир чўчиб тушиб, ўз кўксига тупурди.

Ғарибий, хижолатдан қутулиш учун гапни кулгига айлантирди. Бу ҳақда ҳазил-мутойиба бўлиб ўтгандан кейин, Муқимий: «Майли! Емон касб эмас, мен бунга рози!»— деди. Устозининг оғзидан бу сўзни эшитган Ғарибий хижолатдан чиқиб, уйига кетди. Бу кечани яхши дам олиб ўтказган Муқимий нонуштадан кейин Тошкентдан келтирилган бир неча баёзни қўлтиқлаб, рўмолга нон, мева-чева тугиб Анбар отинни кўргани кетди.

Орадан уч йил ўтган бўлса ҳам Анбар отин ҳамон ўша ўтиришда, ҳамон ўша баландпарвоз кайфиятда ёзар эди. Лекин илгаригига қараганда анча озиб кетган бўлса-да, порлоқ келажакка кўз тикиб, баракали ижод қилмоқда. Икки ўғли улғайиб отасига кўмакдош бўлиб қолишган эди. Улар саводхон бўлиб, оналари ёзган шеър нарсаларни чиройли қилиб ўқиб берадиган ҳам бўлибдилар.

Муқимий бу келишида узоқ ўтира олмади, келиб туриш ваъдаси билан Анбар отинни<sup>1</sup> хурсанд қилиб чиқиб, Элакбоп маҳаллалик, касалманд қадрдон ошнаси Зоҳид ҳожини бориб кўрди. Кейин Обиджон аълам билан бир нафас хушчақчақлашиш учун чой растаси йўлини олди. Обиджон дўконида эди, бир чойнак чой ичилиб тамом бўлгунча Муқимий билан таниш-нотаниш жуда кўп киши сўрашиб ўтди. Муқимий ўрнидан турмоқчи эди, оёғига латталар ўраган, соқоллари ўсган, юзига кўпдан бери сув тегмаган, озгин, новча бир гадо келиб, Обиджондан тиланди-да, Муқимийни таниб, тикилганча туриб қолди.

Муқимий ҳайрон бўлиб, ённи ковлаётган эди, гадо қўли билан рад қилиб, бош чайқади ва яқинроқ келиб, аста ўзини танита бошлади:

— Ҳайрон бўлаётганга ўхшайсиз. Биз, Тошкентда,

<sup>1</sup> Анбар отин жойидан қўзғалмай шу нотавонликда яшаб, умр бўйи етишишни орзу қилган Улуғ Октябрь инқилоби тантана қилган 1917 йилда вафот қилди.

Эскинамозгоҳ маҳалласида, новвойларникида суҳбатлашган эдик. Менинг номим Инъомхўжа...

— Ажабо! Шундай... Шундай!..

Муқимий унга яқин келиб, қўл бермоқчи эди, Инъомхўжа кулиб, аста шивирлади:

— Назорат остидаги кишиман! Холироқ жой тайинласангиз, ўша ерда сўзлаб берай...

Муқимий тушуниб, маънос жилмайди:

— Шалдирамоқда ҳожи Эгамберди самовари. Эрта билан шу ерда кўришайлик...

Гадо ўз йўлига кетди, унинг орқасидан кузатиб қараб қолган Муқимийда қизик ҳолат рўй берганини пайқаган Обиджон дўконини йиғиштириб туриб, аста сўради:

— Таниш киши эканми?

У дўконни қулфлаб, Муқимий билан ҳужра томон йўл олди, йўлда Муқимий ҳаяжон билан гадо қиссасини айтиб бера бошлади:

— ...Биз суҳбатлашгандан кейин бирор йил ўтгач, Тошкентда халқ хуружга келди, пошшолик бу қўзғолонни аёвсиз бостирди ва олтмиш қўзғолончини ушлаб қамасди. Мен қаттиқ касал бўлиб ётган кунларим новвой қариндошлар келиб хабар олиб турар эдилар. Улар менга бу қўзғолонга бошчилик қилган йигит — Инъомхўжа Умархўжа ўғлини Иркутск губерниясига бадарга, бошқаларни турли жазоларга ҳукм қилгани ҳақида хабар етказган эдилар. Бу йигитни Қўқонда тиланиб юриш боислари эртага маълум бўлади. Жон аълам! Бу гап орамизда қолсин.

Ҳужрада икки дўст Рўзимуҳаммаджондан келган мактубни ўқиш ва Москва ҳақидаги суҳбат билан вақт ўтказдилар. Обиджон аълам кетгандан кейин Муқимий бир оз истироҳат қилиб, кейин янги ғазалларни оққа кўчиришга киришди.

Эрта билан Муқимийнинг Шалдирамоққа, самоварга кириб бориши Эгамберди ҳожини таажжублантирди. Чунки, Муқимий бундан бир кун олдин мулла Абдулла билан келиб, самовар орқасидаги холи ҳужрачада меҳмон бўлган эди. Муқимий Эгамберди ҳожига ҳужрага кириб сўзлашиш хоҳишини билдирди. Ҳужрага киргандан кейин хотиржам Инъомхўжанинг тарихидан тушиб, Тошкентдаги халқ қўзғолонини муфассал сўзлаб берди ва мақсадга яқинлашди:

— Шу ажойиб киши ҳозир самоварингизга келиши



керак. Чиқиб кутиб туринг, келиши билан ҳеч кимга билдирмай бу ерга бошлаб кирасиз.

Эгамберди ҳожи чиқиб, кўчадаги катта тол тагида қунишиб турган гадони — Инъомхўжани ҳужрага бошлаб кирди. Муқимий у билан қуюқ сўрашиб тўрга таклиф қилса ҳам Инъомхўжа тўрга чиқмади. Муқимий унинг ёнига яқин ўтириб, аҳвол сўради ва Қўқонга келиб қолиш сабабларини суриштирди. Инъомхўжа атрофга синчиклаб кўз юргизгач, Қўқонга келиб қолми сабабларини айта бошлади:

— Иркутскка жўнатишлари аниқ эди, жондан умидни узиб, эл бахту саодати учун жонбозлик кўрсатган қурбонлар қатори ўша совуқ юртларда ўлиб кетишимни муқаррар қилиб қўйган эдим. Қандайдир бир сабаб билан ҳарбий суднинг ҳукми ўзгариб мени Қўқонга умрбод сургун қиладиган бўлибдилар, бу ердаги кишилар билан алоқа боғламаслик, кўпчиликнинг орасига кирмаслик, халқ ва пошхолик жанжалларига аралашмаслик шарти билан. Орқамдан яширин кузатувчилар қўйилган, мени ҳеч ерга ишга олмайдилар, йигит умрим бозорларда тиланчилик билан хазон бўладиганга ўхшайди!

Буни эшитгач, Муқимий билан Эгамберди ҳожи бир-бирларига маъноли қарашиб олдилар, бир оз сукутдан кейин ҳожи ёрилди:

— Агар гап тегмаса, самоварда бу киши учун хизмат топилади. Шу йўл билан кўмаклашим мумкин...

Муқимий «нима дейсиз?» дегандек Инъомхўжага қараган эди, Инъомхўжа маъюсгина ерга қараб, миннатдорчилик изҳор этди ва бундай деди:

— Ғамхўрликларингиз учун минг раҳмат! Менимча, самоварнинг қора ишлари учун сизга гап тегмас, ўзим ҳам ҳар ҳолда...

Инъомхўжанинг нима демоқчи бўлгани англашилари эди. Ҳожи самоварда бор хизматларни бир қатор эслатиб ўтди: эрталаб мачит ҳовузидан сув ташиб, хум тўлғазиш, кўмир майдалаш, ўтнинг ёриш кераклигини уқдирди. Бунинг эвазига ҳожи ҳужрани бир кўрпаси билан ҳадя қилиб, кундалик овқатини бериб туришга ваъда қилди.

— Ажаб эмаски, суд ҳукми яна ўзгариб, Тошкентга қайтишингизга йўл очилса...— деди Муқимий Инъомхўжага қайрихоҳлик билан қараб.

— Йўқ,— деди кулиб Инъомхўжа,— Қўқонда бўлишнинг ўзи ҳам менинг бахтим. Айниқса, сизга дуч ке-

либ қолишим бевақт ўлиб кетишимдан мени сақлаб қолди.

Муқимий ҳужрага хотиржам бўлиб қайтиб келди, ўзини кутиб ўтирган Мавлавий Йўлдошдан бу сирни яширолмаي, Шалдирамоққа борганлиги сабабларини батафсил сўзлаб берди. Мавлавий Йўлдош Муқимийнинг ғарибпарварлигига яна қойил қолганлигини айтган бўлди-ю, бир нафасдан кейин қойий бошлади.

— Ахир, сизга нима деб уқтирсамики?.. Сизни уринтириб қўймаслик андишаси билан аҳбоблар ҳам кам келадиган бўлиб қолдилар! Шундан хулоса чиқариб дўстлар берган маслаҳатни қулоққа олиб, камроқ ёзсангиз, ўзингизни уринтирмай, тинчгина ўтирсангиз бўлмайдими?

— Сизга буни айтиб балога қолдим шекилли?..

— Ғарибларнинг бошини силаш учун аввал саломатлик керак!

— Энди айтганларингизни қилиб, ҳужрадан чиқмайман, одамгарчиликни йиғиштириб қўяман, шоирликни ташлайман. Муқимий деманглар дейман!..

— Баъзи қилиқларингиз ёш боладан ҳам ошиб тушадди, эшон ака!

— Сизнинг айтганларингизни қилсам, ёш боладан нима фарқим қолади?

— Шу деганларингизнинг ўзи ёш боланинг сўзи эмасми? Қасалингиз зўрайиб кетганини кутаётган ашаддий душманлар борлигини ҳам биласиз ва сизга шифо тилаб, минг-минг оддий кишиларнинг бу ҳужрага таважжуҳ кўзини тикиб турганликларини ҳам биласиз!

— Менинг касалим шу қадар қўрқинчлими?

— Ҳали қўрқинчли даражага боргани йўқ, беларзлик бўла берса бориши шубҳасиз. У вақтда Ибн Сино тирилиб келиб ҳам тузата олмайди.

— Уласиз демоқчимисиз? Йўқ! Ҳали қиладиган ишлар кўп, ажойиб асарлар ўйлаб қўйганман!

— Шунинг учун ҳам жиддий муолижа керак!

\* \* \*

Қаҳратон қиш.

Дўстларнинг ялиниб-ёлворишлари, айниқса, дангалчи Мавлавий Йўлдошнинг ортиқ жонсараклиги билан Муқимий ҳужрадан чиқмай, ўзи севган мадраса палов, шовлалар ўрнига ширгуруч, сутли аталага кўникиб, гоҳ ўчини қоғоз-қаламдан олар, гоҳ кечалар Шодмон ҳо-

жидан дуторда «Сайқал» эшитгиси келиб, мулла Абдуллага ёлвориб қолар, мулла Абдулла Шодмон ҳожини бошлаб келарди.

Баъзи кечалар сандалга ўтти баланд қилиб, дамлаган чойни чорчўпга қўйиб, бошлаган ғазалларини битказар, уни бир куйга солиб, шавқу завқ билан хиргойи қилар, мулла Абдулланинг ялиниб-ёлворишига ҳам қулоқ солмай алламаҳалгача уйғоқ ўтирарди, гоҳо йўтали тутиб, оғизларидан кўпик соча-соча ҳолдан кетар, дўнг тушиб ётиб, ширгуруч билан аталани чиқарганни койишига тушар, хужра пойғаҳида ғирмайиб ётган мулла Абдуллага қараб, «Қўлингиз дард кўрмасин!» деб тегишиб ҳам қўяр, тонг отишига яқин чарчаб-ҳориб, шу ётганича уйқуга кетар эди.

Қиш ўтиб, баҳор келди.

Қиши билан қишлоқдан ҳар кун деярли отда суту қатиқ ташиб, дўстидан хабар олиб турган деҳқон Зокир ҳожини, баҳорда ҳам суту қатиқни канда қилмай, баъзи кунлар отни саройга топшириб келиб, Муқимийга ўз қўли билан овқат тайёрлар, кўнгил узолмай кечалари қолиб кетарди. Муқимийнинг Зокир ҳожидек ҳақиқий дўстлари атрофда жуда кўп бўлиб, тез-тез келиб туришар, мулла Абдулла даҳлизда узоқ ўтирманглар, деб огоҳлантирар, аммо улар Муқимий рухсат бермагунча кета олмас эдилар.

Июнь ойининг биринчи кунлари Муқимий, бултур шу вақтда Чимкент яйловларида юрганини хотирлаб, келган дўстларга қайта-қайта сўзлаб берди, саёҳатни орзу қилди. Дўстлар бунга маслаҳат бермаганларидан кейин, ўзи бирга бориши шарти билан шаҳардан бир неча кунга чиқиб кетишга Мавлавий Йўлдошни кўндирди. Зокир ҳожини қўшиб келган очиқ аравага кўрпани қалин солиб, Қоратепага, Зокир ҳожининг боғига бориб, икки кеча соф ҳавода тунадилар, ўзини яхши ҳис қила бошлаган Муқимийнинг тантиқлиги тутиб кетиб, Яйфангача бориб, кейин шаҳарга қайтишни хоҳлаб қолди.

Эртаси аравада Яйфанга тушдилар. Шу кун Яйфанда бозор эди. Мавлавий Йўлдош, Муқимий дам олиши учун холироқ жой истаб, болохона остидаги баққолдан суриштира кетди:

— Бир-икки соат меҳмон бўлиш учун бизга бопроқ, холи бир жой керак эди. Самоварга тушсак, бозор кунда нотоб шеригимиз уриниб қолармикин деб қўрқамиз.

Баққол Мавлавий билан сўзлашиб, болохонани кўрсатди:

— Марҳамат қиласизлар! Ҳам холи, ҳам озода! Бугун мен хизматингизда бўламан!

Мавлавий баққолга ташаккур билдириб, Муқимийни бошлаб келди, аммо ҳали болохона эгаси билан яхши танишганларича йўқ эди, Зокир ҳожи кириб келиб, болохона эгаси билан қуюқ сўрашди ва унга Муқимий билан Мавлавий Йўлдошни таништирди.

Бу баққолнинг номи мулла Абдураҳим эди. Савдонинг баҳридан ўтиб, азиз меҳмонларни кутиш билан овора бўлган мулла Абдураҳим дастурхон устида Зокиржон Фурқатдан сўз очиб, унинг Тошкентдан ёзган мактубини кўрсатди. Фурқат йигирма беш ёшида шу болохонада бир ой турган экан. Баққол Фурқат билан Қўқонда бир мадрасада, бир ҳужрада истиқомат қилиб ўқиганларини айтиб, унинг ёзиб қолдирган бир байт ғазалини эҳтиёт қилиб қўйган ердан олиб кўрсатди:

«Аҳли дунё суҳбати ичра шароби нобдин,  
Ит ялоғи ичра ичган қип-қизил қон яхшироқ».

Суҳбат Зокиржон Фурқат устида борди. Муқимий унинг Тошкентдан аввал Самарқандга кетиб, ундан Арабистон, Юнонистон, Ҳиндистон орқали Ёркентга бориб ўрнашганлиги ҳақидаги ҳикоясини мулла Абдураҳимжон қулоғи билан эшитди. У бир оздан кейин чиқиб кетиб, бир мис лаган тўла жабазак ўрик кўтариб чиқди, бироқ қаттиққўл, Муқимий тили билан айтганда, бераҳм Мавлавий Йўлдош бу хом-хатала ўрикдан ўзи ҳам емади, Муқимийга ҳам едирмади. Сариеғда пиширилган ошдан насиба олиб, кечки пайт Қўқонга қайтдилар.

Муқимий ҳужрада ёнбошлаб, андак ҳордиқ чиқаргандан кейин мулла Абдулла кундузи Эгамберди ҳожи келиб кетганини, тошкентлик Инъомхўжа номли таниш киши ўсал бўлиб ётганлигини айтди. Бунини эшитиб Муқимий анча вақтгача тўлғаниб ётди. Эрталаб вақтли келган Акбархўжа Инъомхўжанинг самовар ҳужрасида вафот этганлиги хабарини етказди. Аравада уриниб келиб, кечаси билан ухлай олмаган Муқимий жанозага боришга отланиб кўрди, лекин иложи бўлмади. Марҳумни яхшилаб дафн қилиш учун мулла Абдулла билан Ғарибийни ҳар томонга югуртирди. Дўстлар бориб, ғариб,

мусофир Инъомхўжани Ғариб гўристонга дафн қилиб қайтдилар. Қайғу-мотамга чўккан Муқимий тўпланган дўстларга ёзган марсиясини ҳаяжон билан ўқиб берди.

Қуввати кетиб, ҳолдан тойган, ҳатто ширгуруч ҳам ботмай, яхши сўз ҳам ёқмай қолган Муқимий, ҳамон қоғоз-қаламни қўлдан қўйгиси келмас, унинг ёзган ҳаётбахш ғазаллари қўлдан-қўлга кўчиб, куйларга солинмоқда, оғиздан оғизга кўчиб куйланмоқда эди.

Бизга таниш кўкнори — Мўмин хуноб жуда кексайиб ҳассага суяниб қолган бўлса ҳам, ҳамон ўз-ўзича аллакимлардан койиб, Беквачча маҳалладан Қалвакка ўтиб туради. Утганда, албатта кўчанинг у бетидан юриб, мадрасага хўмрайиб бир қараб олади-да, бир нарсалар деб, сўкиниб қўяди.

Мўмин хунобнинг бу қилиғини кўпдан бери кўриб, юрагига туғиб юрган ҳожи Муҳйи, бир кун Мўмин отага савол берди:

— Тўхтаг! Сиздан бир нимани сўрамоқчиман!

Мўмин хуноб тўхтаб, Муҳйига хўмрайиб қаради:

— Нима дейсиз, тақсир?..

— Аввало, кўчанинг нариги бетидан сўкиниб ўтишингиз сирини сўрамоқчиман, иккинчидан, кимни сўкишингизни...

— Жағимни очманг, тақсир! Қўйинг, йўлимдан қолмай!

— Ёки Муқимийни сўкиб ўтасизми? Ростини айта қолинг!..

Мўмин хуноб Муҳйига тикилганча туриб қолди, кейин бошнини сарак-сарак қилди.

— Муқимийни сўкар эмишман?.. Астағфирулло!.. Нима қилайки, илгариги кучу қувватим йўқ! Шу гапни олдинроқ эшитганимда шундай деган тилни тагидан сугуриб олган бўлар эдим! Ҳе, ўша сенга мадрасадан бошпана берган ҳазратингдан ўргулдим!..

— Оғзингга қараб гапир!

— Ўзим бир ялангоёқ чапани бўлсам ҳам, сендақаларнинг юзтангни Муҳаммад Аминхўжанинг бир ҳаром тукига алишмайман! Билдингми?!

— Бас!..

— Ўша катта саллангдан ўргулдим... Берган саволини қара-я!..

Мўмин хунобнинг жағи очилиб кетди, яна алланима-

лар деб дўнғиллаб йўлига кетди. Муҳйи атрофга қараб олгач, зарда билан мадрасага кириб кетиб, ҳужра эшигини ҳам зарда билан ёпди-да, қалтироқ қўлига қалам олди, бўғилиб ўтириб, бир нималар ёза бошлади.

Кузнинг аччиқ қолган Муқимий ёстиққа суяниб, кўчага қараган дарча ойнакчасидан ўткинчиларни кузатмоқда. Кеча тинган қаттиқ шамол дарахтлар баргини тўкиб кетган бўлса ҳам, дарахт учларида қолган битта-яримта заъфарон барглар изғиринга бардош беролмай, ерга ўзларини отмоқдалар. Бир боғ тараша қўлтиқлаган усти юпун, сарпойчанг чол, жулдур тўн барида юзини тўсиб, шошиб-шошиб ўтиб кетмоқда, яна бир неча ёш-яланг косиб йигитлар устакорникидан қайтиб, хиргойи қилиб ўтиб бормоқдалар. Бу хиргойи уларни шундай ҳам завқлантириб юборганки, ҳатто жонни ачитувчи кечки изғиринни ҳам писанд қилмайдилар. Ялланинг охирини мадраса олдига яқин келганларида тамомлаб, Муқимий тахаллусини хиргойига қўшиб айтганларини сезмай қолдилар.

«Ахир ўша Муқимий шу ерда! Сизларнинг хиргойиларингиз унинг дардига шифо, сизлар эса бепарво ўтиб кета берасизлар. Қайтиб ўтинглар, яна ўша хиргойини айтиб ўтинглар» дейдиган киши йўқ эди.

Дарднинг нақадар оғирлиги Муқимийдан бошқа одамга маълум эмасди. Эртаси Ғарибийни олдига чақириб, унга илтимос қилди:

— Ҳеч кимга билдирмай, гўрков устангизни бошлаб келинг, унга тайинлайдиган гапларим бор.

Содда Ғарибий, менинг ҳақимда гапирсалар керак. деб ўйлаб, гўрковни ҳужрага бошлаб келди. Муқимий Ғарибийни ишга буюриб, гўрковга деди:

— Шайхондаги аргувон дарахти қатта бўлиб кетгандир?

— Қатта бўлиб, жаноб Жабалийнинг сағаналарига соя солиб қолди.

— Мен шу аргувонни жуда ҳам яхши кўраман. Гапни айлантирмай мақсадга кўча қолайлик. Шу аргувоннинг остига, жаноб Жабалийнинг оёқ томонларига бир қабр қазिशга тўғри келади...

— Кимга? Улган киши ким?..

— Кўриб турибсиз, ҳолим танг, ака! Қимга бўлар эди!

— Қўйинг! Совуқ нафас қилманг, эшон!

Гўрков Муқимийнинг гапига қулоқ солишни истамай унга соғ-саломатлик тилаб, чиқиб кетди. Орадан уч кун ўтди. Муқимий ўзи ётиб турган кўрпа-тўшакларнинг захлаб, қаттиқлашиб кетганини мулла Абдуллага шикоят қилиб, уларни офтобга чиқариб ёйиш, бир оз шабада егизишни илтимос қилди. Мулла Абдулла даҳлизга қўндирма сандал қилиб, Муқимийни олиб чиқиб ётқизди-да, кўрпа-тўшакни ҳатто кигиз, шолчагача шабадалатиш билан овора бўлди.

Шу маҳал почапўстин кийган ҳожи Муҳйи кириб, Муқимийдан ҳол сўраган бўлди, кейин бугун Андижонга кетаётганини айтиб хайрлашиб чиқиб кетди. Орадан бир соатча ўтган эди. Муқимий дастрўмол излаб, ёстиғи ёнидан бир қоғоз топиб олди. Бу Муҳйининг шеъри эди.

«Муқимий, ушбу кунлар гардани хамсан, қалайларсан?  
Ажойиб сарғарибсан, кўзларинг намсан, қалайларсан?  
Чунон ожиз эрурсан ушбу кунлар нотавонликдан,  
Аёғ остида қолган заррадан камсан, қалайларсан?  
Каминна айладим ҳажвингни, ожизсан жавобига,  
Бўлиб расво, халойиқ ичра мулзамсан, қалайларсан?  
Юрардинг ҳар замон сан қанқайиб бозор аро гоҳи,  
Бу кунлар мисли оҳу, соҳибни рамсан, қалайларсан?  
Агарчи пашша бўлсанг ҳам олурдинг қаргадек ўзини,  
На бўлдимки, бу кунлар пашшадан камсан, қалайларсан?  
Ажойиб беҳаё, бешарм экансан, зарра оринг йўқ,  
Эшитиб бу ҳақоратларини беғамсан, қалайларсан?  
Яна даъвойи шоирлик қилиб лоф ила хилватда,  
Чапанлар, бетамизлар ичра сархамсан, қалайларсан?  
Бу кундан ўлганингдир яхшироқ, эй, нонвой ўғли,  
Бу аҳволи табоҳинг бирла одамсан, қалайларсан?  
Қачон сан одамисан, эй, палиду сифлан дунким,  
Кеча-кундуз чапан аҳлига ҳамдамсан, қалайларсан?  
Жаҳонда ҳарна бўлса ул ёмон, ундан ёмондурсан,  
Иту қўш гову хардан балки ҳам камсан, қалайларсан?»

(Унинг остига Муҳйи форс тилида бир байт ҳам ёзган эди):

«Муҳйи ба тийри ҳажв чу кардад ҳалок хасм,  
Ҳожат ба тиги ханжару шамширу санг нест...»

(«Эй Муҳйи, сен ҳажв ўқи билан душманингни ҳалок қил, бунинг учун ханжар, шамшир ёки тошнинг ҳожати йўқ».)

Муқимий изтироб ичида: «Мулла Абдулла!» деб бақирди, мулла Абдулла шошиб кирганда оғзи кўпикланиб, ҳолдан тойган Муқимийнинг сўзлашга мажоли етмай, бир нимага ишора қилди. Мулла Абдулла яқин келиб, «қоғоз, қалам» сўзини аранг эшитди. Хужрадан қоғоз-қалам олиб чиққач, Муқимий титроқ қўли билан қийнала-қийнала икки мисра шеър ёзди, қаттиқ йўтал уни давом эттиришга имкон бермади. Сут кўтарган Зокир ҳожи кириб келганда Муқимий қон қайт қилиб, ёнига йиқилди ва Зокир ҳожи қўлида жон берди.

Қоғозга шу сўзлар ёзилган эди:

«Муқимий, таънан Муҳйига бир сўз айтки, рост бўлсин,  
Келар охир сени ҳам йўқлагудек бир замон яхши».

## ХОТИМА

Муқимийнинг ўлими ҳақидаги қайғули хабар аччиқ изғириндек шаҳарга тарқалиб, ҳамманинг этини увуштириб юборди, биров ошнинг ярмида қўлини артди, биров қўлидаги пиёласини ерга қўйди, бировнинг чайнаётган нони оғзида қолди. Улар ҳаммаси оддий кишилар эдилар, косиб-ҳунармандлар, юпқа чопон санъаткорлар, шеър мухлислари, шоирнинг дўстлари эдилар.

Орадан бир соатча вақт ўтмай, ғам-аламга чўккан ана шу заҳматкаш оддий кишилар кўзи тўла ёш билан шошиб-шошиб, Беквачча маҳалла томон йўл олдилар. Ҳазрат мадрасаси одамга тўлди. Беквачча кўчасидан ҳамон оқиб келаётган кўзи ёшли одамлар мадраса жиловхонасига кириб, бош эгиб, қўл қовуштирганча сокин турар эдилар.

Яқин қишлоқлардан кекса-ю ёш пиёда, сувора йўлга чиқиб, шоирнинг жанозасига етиб келишга шошилар эдилар. Тўн устидан белини боғлаган Мавлавий Йўлдош халқ оралаб, баланд овоз билан:

— Марҳумни дафн қилиш эртага қолдирилди. Бир кечалик азиз меҳмонимиз билан видолашишни истаганлар бирин-кетин кириб видолашишлари мумкин, — деди.

Халойиқ ҳужра эшигидан йиғлаб кира бошлади, даҳлизда, шоирнинг яқин дўстлари, шогирдлари қаторида Акбархўжа ўзини бутунлай йўқотиб, сўзсиз деворга су-



янганча қотиб қолган эди. Марҳумнинг оёқ томонига ҳолдан тойган, оппоқ сочлари паришон Зиёда ая Муқимийдан кўзини узмай, нола қилмоқда эди:

«Суянган тоғим, вой болам,  
Мевалнк боғим, вой болам,  
Сен кирсанг ҳовли тўлмасмиди,  
Мен онанг ўлсам бўлмасмиди,  
Туғилиб, роҳат кўрмаган болам,  
Йигитлик даврини сурмаган болам!..»

Ҳужрада, даҳлизда ва мадраса саҳнида турганларнинг юрак-бағирлари эзилиб кўзларидан ёш тўкмоқда эдилар. Елкасида хуржун, белида най, қўлида ҳасса билан қонқақшаб кириб келган устоз санъаткор Исмоил маҳрам харсанг тош устига мукка тушиб, бошини қўйи солган Шодмон ҳожи ёнига ўтирди-да, белидан найни олиб наво бошлади. Шодмон ҳожи йиғлаб туриб, Ғарибийни имлади:

— Уста Қовулни менга чақириб беринг...

Ғарибий уста Қовулни топиб келди. Шодмон ҳожи унга ёлвора кетди:

— Бир бола юбортириб, дўконингиздан дутор, танбуримни олдириб келинг, мен Муқимийга ўзи яхши кўрган нарсаларни тонг отгунча чалиб беришим керак!..

Уста Қовул юзига оққан ёшларни артишни ҳам унутиб, танбур, дуторни келтириш учун Чорсу йўлини олди. Қоронғи тушгач, мадраса саҳнига палослар ёзилди, фонуслар ёқилди, юзга яқин одам сукунатга чўкиб, найда наво тинглаб, мотам тутдилар. Ярим кечага бориб, Шодмон ҳожи Мавлавий Йўлдошга, Миён Сотиболди-хон, Завқий ва бошқаларга йиғлаб арз қилди:

— Мен энди азизимнинг ёнларига ўтириб, нолишни чалиб, куйлай! Ахир, Муқимий ҳар доим кўрганда менинг нолишимни эшитар эди! Энг сўнгги маротаба у кишига машқ қилиб берай! Ман қилманглар!

Шамлар билан ёритилган ҳужрада марҳумни ёлғиз қўйиб, ёр-дўстлар ташқарига чиқди. Шодмон ҳожи Муқимийнинг оёқ томонига чўкиб, йиғи аралаш нолишни куйлай бошлади. Уйқусиз тонг оттирган дўстлар эрталаб минглаб халойиқни кутиб олдилар. Нонушта пайтида катта издиҳом билан шу мадрасанинг ўзида жаноза ўқилди. Тобутни кўтариш олдида Мавлавий Йўлдош халққа яна эълон қилди:

— Ҳаммамиз учун азиз бўлган шоир Муҳаммад Аминулложа Муқимий каминага бундан бир ҳафта олдин шундай васият қилган эдилар: «Агар дунёдан кўз юмгудек бўлсам, қабристонга элтгунча жим бормаи, мусийқа билан кўшиқ айтиб боринглар!»

У кишининг васиятларига амал қилишимиз керак! Тобутнинг олд томонини Мавлавий Йўлдош билан Миён Сотиболдихон, оёқ томонини уста Қовул билан Завкий кўтариб мадрасадан чиқдилар. Ҳар ўн қадамда тобут қўлдан қўлга ўтиб турди. Олдинда қирққа яқин киши ҳасса тутиб, улар кетидан созандалар соз чалиб, хонандалар куйлаб бормоқда эдилар. Анча жойгача фарёд чекиб, эргашиб келган оёқ яланг, бош яланг Зиёда ая билан унинг шўрлик қизини маҳалла аёллари суяб, алдаб-сулдаб қайғариб олиб кетган эдилар.

Муқимий бундан бир неча кун илгари Шайхоннинг гўрковини ҳужрага чақиртириб келиб, арғувон дарахти остига, Мавлавий Жабалийнинг оёқ томонига ўзи учун қабр қазини илтимос қилган эди. Бироқ бу даҳманинг шайхи Муқимийнинг васиятини рад қилди. Сўнг гўрков Мавлавий Йўлдош билан Обиджон аъламни четга тортиб, «Муқимийнинг васиятларини бажо келтиришим учун у кишини дафн қилиш маросимини эртага қолдиришларингизни илтимос қиламан!» деди-ю, аммо васиятини қандай қилиб амалга оширишини айтмади.

Ярим кечадан кейин бош гўрков билан Ғарибий чироқ кўтариб келиб, даҳма девори ташқарисидан ўра очиб, ер остидан арғувон дарахтининг остини мўлжаллаб ковлаб кетавердилар. Тонг ёришар пайтида васият бажарилди. Муқимийни қабристонга етказиб келганларида улар ҳамон тупроқ чиқармоқда эдилар. Бу сир кўпчиликдан пинҳон тутилди.

Қабристон одам билан тўлиб-тошган, йиғи билан мусиқа жўр, оҳ-фарёд билан ашула ҳамоҳанг эди. Муқимий жасадини тобутдан чиқариб, уста ва шогирд гўрковлар қўлига топширдилар. Гўр ичидан Ғарибийнинг фарёди эшитилиб, узоқлашмоқда:

«Ғарибийнинг ғариблиги етмасиди, устозим,  
Парихтаю наҳифлиги етмасиди, устозим!  
Минг алвидо, бошим узра соябошим устозим,  
Минг алвидо, такагоҳим, меҳрибоним устозим!...»

Исмоил Ғарибийнинг лаҳад ичидан аламли сўзлари тобора узоқлашиб эштилмай қолди, анча фурсатдан кейин иккала гўрков жасадни лаҳадга қўйиб чиқдилар, юзларча кишиларнинг дод-фарёди остида қабрга тупроқ тортилди. Кенг қабристон бир неча минут сукунатга чўкди, кейин яна найда наво, танбурда нолиш ва дод-фарёд, алвидо садолари кўкка кўтарилди. Мавлавий Йўлдош тепаликка чиқиб халқни тинчитди ва жўшқин оҳангда ўзи томонидан тожик тилида ёзилган ва энг сўнгги мисраи абжад ҳисоби билан Муқимийнинг ўлган йили ва кунини билдирувчи марсияни ёдаки ўқиб берди:

«Муҳаммад Аминхўжа неку сиришт,  
Хитобаш ва шеъраш Муқимий навишт.  
Ба хомуши-ю фикру озодагий,  
На оройи хўбу на парвои зишт.  
Гузашт у ба дилҳойи селоби ашк,  
Ниҳоли ғаму тухми ҳасрат бикишт.  
Дил уммид бирум баҳри таъриф гуфт:  
Муқимий муқими ҳарими беҳишт...»

(Ҳижрий ҳисоби билан 1321, милод билан 1902 йил 27-сафар ойи.)

Муҳаммад Аминхўжа яхши хулқ эгаси эди, у ўз шеърларини Муқимий таҳаллуси билан ёзди. Муқимий камбағал, батамкин, дунёнинг ҳирсидан озод эди.

У, на гўзалликка оро берар ва на хунукликка парво қилар, у кўзидан оққан ёш билан ғам дарахтини кўкартириб, ҳасрат уруғини ундириб дунёдан ўтди!

«Дилдан умидни чиқариб ташлаб, тарих деди:  
Муқимий беҳиштда муқим истиқомат қиладур».

Тўпланган халойиқ алам ва ҳасрат билан бир-бир босиб, қабристондан тарқади. Муқимийнинг ёрқин сиймоси халқ кўнглига абадий ўрнашиб, аламларига шерик, қувончларига ҳамдам бўлиб қолди.

## МУНДАРИЖА

<i>Биринчи боб.</i> Зулмат ичра шуълалар . . . . .	5
<i>Иккинчи боб.</i> Худоёрхоннинг пири комилли . . . . .	16
<i>Учинчи боб.</i> Илон ўзига иссиқ ин қидиради . . . . .	21
<i>Тўртинчи боб.</i> «Ҳожи, ҳожини Маккада кўр» . . . . .	33
<i>Бешинчи боб.</i> Ёт тунда ҳураверади, ой кўкда сузаверади . . . . .	40
<i>Олтинчи боб.</i> Муҳаммад Аминхўжа Мирзахўжа ўгли — Муқимий . . . . .	52
<i>Еттинчи боб.</i> Тақдирнинг ўйини ва фусунлари . . . . .	83
<i>Саккизинчи боб.</i> Она Ватан, кўришгунча хайр! . . . . .	119
<i>Тўққизинчи боб.</i> «Сен етим эмассан, Муҳаммед, дарбадар ҳам!»	128
<i>Ўнинчи боб.</i> Бухоро риёзати ва қувғинликнинг кулфату «фароғат»и . . . . .	143
<i>Ўн биринчи боб.</i> Соябон арава гашти, дўстларнинг саргузашти.	170
<i>Ўн иккинчи боб.</i> Ҳужра яна дўстлар билан гавжум . . . . .	208
<i>Ўн учинчи боб.</i> Аччиғ ош . . . . .	235
<i>Ўн тўртинчи боб.</i> Илон захрини сочади . . . . .	256
<i>Ўн бешинчи боб.</i> Сир бўйида . . . . .	276
<i>Ўн олтинчи боб.</i> Хайр, Оқжар! . . . . .	298
<i>Ўн еттинчи боб.</i> Хушманзара манзилларга . . . . .	312
<i>Ўн саккизинчи боб.</i> Ғалва аралаш осойишта кунлар . . . . .	343
<i>Ўн тўққизинчи боб.</i> «Қалитни чўнтакка солиб қўйнинг» . . . . .	382
<i>Йигирманчи боб.</i> Охирги саёҳат . . . . .	403
<b>Хотима</b> . . . . .	436

На узбекском языке

Сабир Абдулла

Сочинение в 4-х томах, том III

МАВЛЯНА МУКИМИ

Литературные зарисовки

Редакторлар Ҳ. Пулатов, Ж. Насриддинова, Рассом Г. Сайдуллаев.

Расмлар редактори А. Бэбров, Техн. редактор Г. Смирнова, Корректор

М. Аҳмедова

ИБ № 479

Босмахонага берилди 20/VII-1977 й. Босишга руҳсат этилди 5/XII-1977 й. Форма 84x108<sup>1/32</sup>. Босма л. 13,75. Шартли босма л. 23,1. Нашр л. 24,13. Тиражи 2500 Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, Навоий кўчаси 30. Шартнома № 82 — 76.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Нашриётлар, полиграфия ва китоб сө доти ишлари бўйича Давлат комитетининг Тошкент полиграфкомбинатида № қоғога босилди. Тошкент, Навоий кўчаси, 30, 1978 йил. Заказ № 1051. Баҳс Ис. 90 т